



2.1983

Шарк Ҳадаиши

Ойлик адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

51-йил чақиши

Ғафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Мундарижа

Муҳаммад Али. Икки дилнинг кўприги. Шеърлар	3
Нурали Қобул. Яшаш учун кечикма. Қисса	10
Эркин Воҳидов. Жаҳонгир ва сартарош. Шеър	40
Одил Ёқубов. Кўҳна дунё. Роман. Охири	45

ДУСТЛИК ГУЛДАСТАСИ

Ольга Лебединская, Дегук Угай, Роҳила Ҳафизова, Мамбет Абля- лим. Шеърлар	150—153
Юрий Вологин. Куй. Ҳикоя	154
Шукур Дадаш. Фидойи. Баллада	161

СТАЛИНГРАД ЖАНГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Асад Асилов. Ватан учун жангга кирганлар	163
--	-----

ОЧЕРК

Анвар Эшонов. Уша куни тўй эди	167
--------------------------------	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Эркин Худойбердиев. Балоғат	171
-----------------------------	-----

НАВОИЙХОНЛИК

Алишер Шомухамедов. Алишер Навоийнинг Жомийга татаббуълари	173
Поён Равшанов. Алишер Навоийнинг шажараси	176

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Бобоназар Йўлдошев. «Менинг оғам рус бўлур...»	182
--	-----

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Василий Жуковский. Шеърлар	186
----------------------------	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Матёқуб Қўшжонов. Баркамол бирлик, миллий колорит, интерна- ционал руҳ	188
---	-----

ТАҚРИЗЛАР

Султонмурод Олимов. Тўёна тўплам	198
Эркин Бозоров. Пахтакор меҳнатини шарафлаб	200
Шукур Қурбонов. Муносабатлар самимийлиги	202

ГУЛҚАЙЧИ

Йўлдош Солижонов. Анъанавийлик ва унга ёндашиш	204
Маданий ҳаёт	206
Адабий журналлар февраль ойида	207

Муҳаммад Али

ИККИ ДИЛНИНГ КЎПРИГИ



Азим дарё бўйларида

(Термиз — Ҳайратон кўприги қурилиши муносабати билан)

Азим дарё бўйларида юрсам мен,
Кўнглим яшнар, дўстларимни кўрсам мен.
Кўнглим яшнар, она тупроқ яшнайти
Дўстларимга сара гуллар терсам мен.

Бугун бунда олтин кўприк яралди,
Яралганда савту садо таралди,
Олтин кўприк олтин камар мисоли
Азим дарё белларига ўралди.

Қўл беришди Самарқанду Қандаҳор,
Бундай ажиб дўстлик гули қайда бор?
Афғон эли дўст тилайти жаҳонда,
Дўстим дея, ўзбек айлар жон нисор.

Муҳаббатдир икки дилнинг кўприги,
Дўстлик эрур икки элнинг кўприги.
Еруғ жаҳон дўстларимга тенг бўлсин,
Давлат эрур ёру дўстлар кўплиги.

Мангулик нафас

[Ҳамид Олимжон хотираси]

Машъум ҳалокатга учради шоир,
Изтироб ичида тўлғанди қалблар!
Шоир ётар, нафас олиши оғир,
Сўз демас, демоққа қодирмас лаблар...
Изтироб ичида тўлғанди қалблар.

Чақиндай келади ғамдийда ёри,
Нафаси оғзига тиқилар оғир:
«Мен қаерда эдим, соҳибқарорим,
Нега бўлолмадим ёнингда, ахир?»
Нафаси оғзига тиқилар оғир...

Оҳ!.. Шоир дунёдан юмаётир кўз,
Суюкли ёридан бўлмоқда жудо,
Қолмоқда қанчалар айтилмаган сўз!
Кўзлардан ёгилар унсиз бир нидо...
Суюкли ёридан бўлмоқда жудо...

«Дилбарим, кел...» — деди шоир бемажол,
Меҳрибон дилдори эгилди аста.
Ёнма-ён турарди кечмиш — истиқбол,
Қўшилишиб кетди шунда нафаслар.
Меҳрибон дилдори эгилди аста...

«Бас! — деди. — Нафасинг менга кифоя!
Мен энди, Зулфиям, ўлмайман асло
Энди умримизга йўқдир ниҳоя,
Замонлар, замонлар тургунича то
Мен энди, Зулфиям, ўлмайман асло!»

Масиҳо нафасли суюкли дилдор
Қалбида то ҳануз жаранг берар сас.
«Ўлмайман... Ўлмайман. Ўлмайман зинҳор!..»
Мангу бўлиб қолди энг сўнгги нафас...
Ёр қалбида ҳануз жаранг берар сас...

□

Севган юрак —
Меҳрга ташна Ерга ўхшайди,
Ердай,
Туйғуси пинҳон,
Гупурганча яшайди.
Кунга илҳақ майсадай
Хоксорлик ёр унга,
Муруватга зорлигу
Интизорлик ёр унга...

Севилган қалб —
Ёғдули осмонга ўхшайди,
Осмон каби
Ҳаволар ичра
Шодмон яшайди.



Хушдир унга мовийлик,
Қоинот кенглиги ҳам,
Қувонч ила қайғунинг
Ошнолик, тенглиги ҳам...

Сен —
Ер ила Осмонни
Бирлаштиргувчи нурсен,
Осмон учун сурурсен,
Замин учун ғурурсен.
Билким, агар ғурурга
Қўша олсанг сурурни,
Дунёдаги энг бахтли
Комил инсон эрурсен!

Саккизликлар

□

Йўл четида турибди бир қиз,
Бирин-кетин ўтар одамлар.
Ким жуфти-ла, ким эса ёлғиз,
Ўз ишига кетар одамлар.
Қиз юзлари ёнар лоладай,
Хижолатин боиси: гўё
Ўтар эди бу ердан атай
Барча бўлиб унга маҳлиё...

□

Сурон солар бузғунчи бўрон,
Булутларни овора қилар.
Дам у ёнга ҳайдар, дам бу ён,
Юлқир, тортар, садпора қилар.
Сир бой бермас бари бир булут,
Ҳурпаяр у ваҳмали. Бироқ
Унинг аянч ҳолини кўриб,
Хохолайди момақалдироқ.

□

Жажжи бола иштиёқ билан
Онасидан тинглайди эртақ:
«...Дароз бўйли, маймоқ дев бирдан
Чиқиб қопти худди шу ерда!»
Қўлларини мушт қилар бола,
Манглайида резаланар тер.
Қўзлари ҳам чақнар шу палла:
«Қани энди, ҳой, дев, келавер!»

Куз

Заъфарон боғларни оралаб юрган
Тўлишган аёлга ўхшаб кетар куз:
Ҳаёт салмоғин ҳам чамалаб кўрган,
Турмуш лаззатин ҳам тотиган гулюз.

Гарчи қолиб кетди оловли ёшлик
Умрининг ўткинчи баҳор-ёзида,
Ҳали қарашида пинҳон бебошлик,
Завқларга сирдошлик бор пардозида...

Табиат! Аёлга ҳуқуқ бер, ҳуқуқ!
Ҳозир у не йўлни тутмоқни билмас:
Қаҳратон қишга-ку қўл бергиси йўқ,
Нурли ёз қўлин ҳам қўйгиси келмас...

□

Боғлар саҳни — хазонларга қўшк...
Заъфар барглар чирт-чирт узилур.
Йўлкаларга юраги бўм-бўш
Ҳорғин фасл дарди ёзилур.
Эҳ, бу дардлар қай дилга мълҳам?
Балки бўм-бўш қалблар оладир?
Йўқ, бу дамда бўм-бўш қалблар ҳам
Ўз дардлари ила тўладир...

□

Оппоқ қоғоз бор эди,
Оппоқдан ҳам оқ,
У назардан нарида
Ётарди бироқ.

Ногоҳ шоир келди-ю...
Шеър битди унга!
Қоғоз юзи қорага!
Бўялди шунда.

Энди унга боқмасдан
Ўтолмас ҳеч ким.
Боқар-у узоқ-узоқ,
Кетолмас ҳеч ким!

Оқ қоғоз қора кийиб,
Чекканда фиғон,
Ажаб, шоир шаънига
Ўқилди дoston...

Икки карра тўққиз

(Ҳазил)

«Унта ўпич бермоқчи эдинг,
Мана энди бўлди саккизта».
Қиз куюнар: «Йўқ, тўққизта денг!
Сал ҳисобдан адашибсиз-да!..»
Бир бошидан санаб чиқар қиз,
Ўзгачароқ ҳисоблар йигит:
«...Икки, уч, тўрт, беш... олти... саккиз!»
Бечора қиз хит бўлади, хит.
Айланди-ю ҳазил гап чинга,
Йигит деди: «Билсанг, ойжамол,
Зор эмасман, жа... ўпичингга!
Берганларинг барин қайтиб ол!»
Шундай қилиб қув йигит, мана,
Олганларин қайтариб берди:
Гул лаблардан бўсанинг яна
Тўққизтасин битталаб терди...

Торлар

I

Созимнинг торлари нечадир, неча,
Гоҳида ўзим ҳам билолмай доғман.
Бетиним жаранглаб чиқди бу кеча,
Тагин бу тонг саҳар хўп вақти чоғман.
Гоҳ тоққа сиғмасдан чўлларга чоған
Пуршиддат сойларга ўхшайди созим.
Гоҳ — ғамгин, даралар ичра улоққан,
Адашган садога монанд парвози.
Сен кетсанг белгисиз йўл бошин тутиб,
Изинг ғойиб бўлса йироқ-йироқда,
Соз, Мажнун мисоли жонидан ўтиб,
Лайли деб бўзлайди аччиқ фироқда.
Эҳ, ҳижрон онлари қилмади шафқат,
Шўрликнинг узилди не-не торлари.
Не-не кунлар ботди, ўтди не фурсат,
Аммоки битмади кўнгил зорлари.
Муҳаббат, муҳаббат, эй хуш сасли тор,
Ҳолим танг бўлганда, сен қўлладинг, рост.
Сен ёруғ дунёда эрсанг барқарор,
Куйлашдан тўхтамас минг бир торли соз!..

II

Созимнинг торлари нечадир, неча,
Гоҳ ўзим билолмай қоламан доғда.
У бўзлаб чиқади оқшому кеча,
Дўстим, бўлсам агар сендан йироқда.
Агарчи тимсолинг ўнгимда турар,
Гарчи қуруқ тимсол қалбни илитмас,
Сен деса бари бир торлар бонг урар,
Эол чилторидай сас таратур, сас!
Қишлоққа қайтсам гар, кўз ёшин тийиб
Кутиб олар эди раҳматлик онам.
Титроқ қўлларини елкамга қўйиб,
Бағрига босарди тўймай сира ҳам.
О, ёруғ дунёни бағримга босиб,
Эзгу туйғуларни айласам эъзоз,
Севсаму севилсам, шунга муносиб
Сочсайди самога садоларин соз!
Томчилар рақсию майсалар саси,
Мавжлар куйидаги пинҳон зилу бам,
Гоҳо ғам, гоҳ шодлик — барча-барчаси
Нозик пардалари аро мужассам.
Аммо бир тор бордир, суюкли бир тор,
У тор узилмагай минг йиллар балким.
У сени васф этар, эй суюк диёр,
У сени васф этар, эй буюк халқим.

Созимнинг торлари нечадир неча,
Гоҳида ўзим ҳам билолмай доғман...

Сарбадорлар қўшиғи

[«Қадимги қўшиқлар» туриумидан]

Икки дарё орасида
Сарбадорлар ватани,
Афсонадай яшади-я
Лол қолдириб ҳаммани
Сарбадорлар ватани!

Камбағалу ҳунармандга
Хўжа Яҳё бўлди бош,
Қулу йўқсул эрким дея,
Қўлларига олди тош,
Хўжа Яҳё бўлди бош.

Бир замонлар, бир замонлар
Озод бўлган ўлкада
Туғилмоқда гўдаклар ҳам
Қамчи изи елкада,
Озод бўлган ўлкада.

Қайга оқай дея билмай
Сув димланиб ётганда,
Қани, борми оқим кўзин
Очворгувчи бир банда,
Сув димланиб ётганда.

Эрк бер дея кутиб турмас,
Эрк излайди сарбадор,
Гарчи доим боши узра

Кулоч ёзиб тургай дор,
Эрк излайди сарбадор.

Хўжа Яҳё олдда борар.
Ким кўринса: ур-ҳо, ур.
Қайда Чингиз, қайда амир —
Отни ўшал томон бур!
Ким кўринса: ур-ҳо, ур!

Қиличингни қиндан суғур!
Курашда эрур нажот.
Бўйин эгсанг, бўйининг эзгай
Бўйинтуруқ умрбод,
Курашда, дўстлар, нажот!

Икки дарё орасида
Лол қолдириб ҳаммани,
Афсонадай яшади-я
Сарбадорлар ватани,
Лол қолдириб ҳаммани!

Эркни севган авлодида,
Эркни севган халқида
Қўшиқ бўлиб қолди мангу
Эрк, озодлик ҳақида,
Эркни севган халқида!..

Кўҳна Урганч минораси дейди

Йиқилмоқда дерлар мени,
Йиқилгувчи йўқ ҳали.
Паноҳ тутган эрлар мени
Қиргин жанглар маҳали.

Чингиз босиб келганида,
Эгилмаган бу бошим.
Жалолиддин ўлганида
Тўзган эмас бардошим.
Аммо бошим эгилмоқда,
Она ерга таъзим бу.
Замон-замон, алмисоқдан
Асраб келган орзум бу.

Она ерга фидо бўлсам,
Ўздан рози бўларман.
Мен ўлмайман! Агар ўлсам,
Тикка туриб ўларман!

Эпитафия

Ундан сўрадилар эпитафия.
Шоир ёзиб берди жўшқин ва равон.
Айниқса, жарангли чиқди қофия:
«...Ҳеч кимнинг умри ёш бўлмасин хазон».

Кунни кун демайин, тунни тун демай,
Хаттот ҳам мрамарга бир ой ўйибди
Сўнг шеърнинг тагига, билибми-билмай,
Муаллиф номини ёзиб қўйибди.

Мана, қабр тоши турибди чўкиб,
Зар лавҳа қуёшда ёнар бир жаҳон.
Мозорга келганлар бу шеърни ўқиб,
Кимнинг ўлганини билолмай ҳайрон...

□

Жажжигина гўдакча талпинарди нур сари,
Худди кунга интилган бир сайёра сингари.

Бирдан чироқ сўнди-ю, гўдак йиғлаб юборди,
Ёш ила ювмоқчидай дилидаги ғуборни.

Чироқни бот ёқдилар, нурга чўмилди хона,
Жилмайди у, афтидан қайта туғилди яна.

Худди кунга интилган митти сайёра мисол,
Гўдак коинот ичра кезиб юрарди хушҳол...

Ҳайрат

Мана сенга қўлим — яхшилаб қара:
Унда на қилич бор, на бошқа қурол.
Дўст бўлмоқчи эсанг, дўстликка яра,
Дўстман, деб, розиман, элга доврўқ сол!


Мана, сенга қўлим — яхшилаб қара:
Унда на қилич бор, на бошқа қурол.
Ёв бўлмоқчи эсанг, ёвликка яра,
Мард бўл, душманликни адо эт ҳалол.

Аммо, ярамайсан дўстликка, аён,
Ёвлик ҳам келмайди қўлингдан ҳайҳот!
Сенда симоб янглиғ қўнимсиз имон,
Сенда сароб янглиғ беқадр ҳаёт!

Шундоқ қилмишингга сени табиат
Кесак яратибди, бу гапда жон бор.
Бироқ не айбимга мени табиат
Сендай кесак билан айлади дучор?

Мана, сенга қўлим... Яхшилаб қара!..





Нурали Қобул

ЯШШАШ УЧУН КЕЧИКМИ

ҚИССА

Бевиждон кимсалар нақадар шўрлик...
ПУШКИН.

Министр бўлгандан кўра тўғри гапни айтган
маъқул.
ЖОРЕС.

Ҳалоллик сотилса ўлади.
Жорж САНД.

Биринчи боб

— Турсунбой сурувни ташлаб, қочиб келибди! Абдумаликнинг бир ўзи қолибди! Ука бўлмади ўлиб кетди! Елғиз ўзи ҳувиллаган тоғу тошда музлаб қолса нима бўлади! Одамлар орасидан меҳру оқибат кўтарилди! Бу кетишда бир кун келиб кишилар ота-болаликни ҳам унутадиганга ўхшайди! Абдумаликда ҳам одамгарчилик йўқ. Узингдан кичикни алдаб-сулдаб ишлатмайсанми! Одамзодга ақл кирган сари суюлмаса-да! Қим айтади уни етимликда ўсиб, суяги меҳнатда қотган бола деб!— Дадам жиғибийрон бўлиб узун пўстинини кийишга тутинди.— Бирорта-миз бориб чўпон топилгунга қадар қарашиб турмасак бўлмайди.

— Турсунбойга сиз айтсангиз қайтиб боради, дадаси,— гапга қўшилди аям.

— Э-э, қўй ўша одамёввойини! Турқини кўрсам эгим жунжикади! На қилган ишини тайини бор, на салом-алигини. Эҳтиётдан директорингга айтиб кўр-чи, бориб қарашиб турардинг. Ғиди-биди деса ўзим гап-лашаман,— деди дадам менга, юк машинаси томон бораётди.

Ростини айтганда бу гапдан жуда қувониб кетдим. Мана комсомолга ўтганимга ҳам икки йил бўлаяпти. Лекин шу вақтгача майда-чуйда жамоат ишларидан бўлак бирорта оғирроқ, жасоратталаб ишни қойиллатганим йўқ. Шунинг учун бу таклиф мени кутилмаганда ҳаяжонлантириб юборди.

...Мен сизга ҳамма гапни очиқ-ойдин ва рўйирост айтаман! Қўлимга қалам олишимнинг ҳам боиси шунда! Сабаб — энам, ёлғон гапирган одамлардан фақат хоинлар чиқади, деган. Уқиш масаласига келсак, ўн етти балл билан институтнинг тарих факультетига кира олмадим. «Шу балл билан баҳорда сиртқи бўлимга конкурсга қатнашсанг, албатта, кирасан, сиртқида бундай юқори балл бўлмайди», дейишди. Қанчалик оғир бўлмасин, қишлоққа қайтиб келдим. Сўраганларга нима дейишимни билмай: «Сиртдан ўқишга кирдим, баҳорда сессияга бораман», дедим умримда биринчи бор астойдил ёлғон гапириб.

— Ким айтади сени бригадирнинг ўғли деб! Отанг йиллик ҳисобот пулининг ярмини чўзганда бизга ўхшаб тупроққа беланиб пахта ортиб юрмасдинг,— деди хирмонда бирга ишлайдиган Мусулмонқул амаки.

Мен ўқишга киролмай келиб хирмонда ишлаш уят-иш бўлмай, аксинча, ҳалол меҳнат — бахт ва қувонч эканлигини тушунтирмоқчи бўлдим.

— Қўйсанг-чи шу китобдан ўқиган гапларингни! — деди қўл силтаб Мусулмонқул амаки.— Шаҳарда бор-йўғи бир ой турибсан-ку, ақл ўргатасан-а!

Ноябрнинг охирлариданоқ ҳаво совиб, кечаси тушган қировдан пахта ҳўл бўлиб қоларди. Ёрилган қўллар чаноққа тегиши билан кишининг аъзойи бадани зирқираб кетар, қишлоқ қизлари енгил ҳазил-мутойиба билан совуқдан жунжикиб, эринибгина кўрак узишарди. Қуёш қиздириб, шабнам тўкилмагунга қадар иш юришмас, ҳисобчи эса, теримчиларни тергаб, эгатнинг у бошидан-бу бошига бориб келаверарди.

Қўшнимиз Мамарасул муаллимдан қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий штати берилганини эшитиб, директорга учрадим. Директор билан орамизда бўлиб ўтган гапдан сўнг анчагача ўзимга келолмай, тажанг бўлиб юрдим.

— Битга гап бор, ука,— деди директор совуқ ва маъносиз кўзларини менга тикиб, бурнини тортиб қўяркан.— Мени тўғри тушунгин. Лекин отангга айтма. Штатни олиш учун районодагилар областга роса елиб-югуришди. Шунинг учун дастлабки икки ойликни йўл харажати учун бош инспекторга беришга тўғри келади. Бизга одамгарчилик қилди ҳарҳолда...

— Майли,— дедим бу гапга унчалик тушунқирамай. Ишга киришда шундай гаплар бўлса керак деб ўйлаб қўя қолдим.

Гапнинг очиғи бу порахўрлик эканини кейин, ишлаб бошлаганимдан сўнг тушундим. Тушундиму ўзимдан-ўзим нафратланиб кетдим. Тавба, нега энди ўз функциясини бажарган инспекторнинг ишини одамгарчилик, яхшилик деб тушуниш керак? Жамиятшунослик ўқитувчимиз Муроджон Ҳасанов: «Кишиларимиз орасида ўз вазифа ва функциясини удалашни ташаббускорлик, мен бўлмасам шу иш амалга ошмасди, дея тушунувчи, жамиятимизга ёт кишилар пайдо бўляпти», деганида, негадир бу фикрга қўшилмагандим. Ўйлаб кўрсам бу гапда жон борга ўхшайди.

Янги йил байрами арафасида директоримиз совға учун болалардан тўпланган пулдан ўқитувчиларга ош қилишни буюрганида бу ишдан бош тортганимдан сўнг муносабатимиз ўзгарди. У саломимга истар-истамай бош ирғаб қўя қоладиган бўлди.

Декабрь бошланиши биланоқ қиш астойдил кириб келаётганлигини билдириб чўққилар ва тоғ бағрини оппоқ қорга беллади. Чўққиларнинг шамолпана жойлари, қияликлардаги яккам-дуккам арча ва жингил олисдан қорайиб кўринар, сойлардаги қўтонлардан бурқсиб қуюқ тутун кўтариларди. Совуқ тоғ шамоли тепаликлардаги қорларни учириб кетар ва тонг отиши билан тепаликларни яна оппоқ қиров қопларди.

Тоғларга қор тушган бўлишига қарамай, мен ҳали кузнинг дардли хаёллари оғушида эдим. Негадир кузни барча фасллардан яхши кўраман. Баҳорни эса юрагимга сиғдира олмайман. Бу қадар чексиз қувонч ва гўзалликка битта юрак ва қалб торлик қилади деб ўйлайман. Қиш сокин ва тўкин куз билан хайрлашишга чорлар, оппоқ этакларини ёзиб, ер ва ёмғир ҳиди анқиётган далаларни эгалларди. Умри тугаётган куз чўққилардан тоғ ёнбағирларига, сўнгра тоғ этакларига, ундан эндигина ҳайдалган ёқимли тупроқ ва гўзапоя ҳиди анқиётган шудгорга, саноқли барглари танасида тутиб қолишга қурби етмай қолган шипшийдам боғларга, ундан сўнг барча сойлар бориб қуйиладиган Арнасой кўлига туташ тўқайзор ва даштга чекинарди.

Чаноқларда қолиб кетган битта-яримта чигитларни териб еб, семириб кетган қишлоқ подаси шитоб билан гўзапояли майдонларни палаҳса-палаҳса қилиб ағдараётган ҳайдов тракторларига ўқрайганча ўзини четга олар, уватлардаги кузнинг сўнги, кўм-кўк ажриқларига ёпишишарди. Улар эрта-индин бундай ҳузурижон ўтлоқдан маҳрум бўлишлари, яна тақир тоғ этакларига қайтишларини сезибми, бир-биридан қизганишиб, ўзларини ўтга уришарди.

Мен плуг устидаги темир курсида ўтириб бу манзарани мириқиб кузатардим. Шудгор бетига чиқиб қолган қурт-қумурсқаларни териб еяётган катта-кичик қушлар улар яна қайтиб ерга кириб кетмаслиги учун трактор билан баб-баравар учиб-қўниб юришарди. Қўл етадиган даражада яқин келадиган олақарғалар менга парво ҳам қилмай палаҳса-палаҳса ағдарилаётган шудгорда лапанглаб юришарди.

Кун чиқишга қараган мўъжазгина уйимизнинг олд томонидаги ҳар бир дарахт ҳисоб-китоб билан экилган боғимиздан сўнги ҳосил — сув бўйида ўсганлиги учун кечроқ пишган беҳини териб олдик. Энамнинг «Тўрғайнинг овози тиниб қолди, бугун гўзапоя ғарамида қизилтўшни кўрдим, кунлар совийдиганга ўхшайди», деганларидан сўнг мен минг бир ўкинч билан қадрдон куз билан хайрлашгандек эдим.

Янги йилга бирор ҳафта қолганда кечаси совуқ тушиб, бирдан қалин қор ёғди. Одатдагидек, ана, қиш келди, мана қиш келди, деб майда-чуйда юмушларини ниҳоясига етказа олмаган қишлоқ кишилари ташвишга тушиб қолишди. Биров дуч келган самосвални ушлаб кўмирга югурса, биров қўрасининг устини беркитиб четан девор ясар, томларининг шифер ва тунукаларини текшириб, тарновларини тўғрилларди.

Энди мактабда пионер ишларини йўлга қўяман деб тургандим. Ҳечқиси йўқ. Ҳаммасига улгуриш керак. Қор тизза бўйи ёғса, Абдумаликнинг отари қишлаётган Моҳидарага занжирли трактордан бўлак ҳеч қандай транспорт боролмайди. Ҳатто бундай пайтларда совхоз директория қўтонларни кўздан кечириш учун тракторда юради. Қишлоқдан Моҳидарага қадар отда қарийб бир кун йўл юриш керак.

Совхоз директори кўрса томоғидан сув ўтмай қоладиган мактаб директори гингиллаб зўрға рухсат берди. Эртаги сафарга ҳозирлик кўраётганимизда кечга яқин уйимизга Турсунбой кириб келди.

— Нега қочиб келдинг? — сўради дадам салом-аликдан сўнг.

— Акам урди, — деди Турсунбой ерга қараганича ёш боладек бурнини тортиб.

— Нега уради? Бирон-бир номаъқулчилик қилган бўлсанг керак-да?

— Учта қўйни бўри бўғизлаб кетган эди. Шунга...

— Қарамаганингдан кейин бўғизлайди-да!

— Ўзи сурувни ҳайдаб чиққанда ҳам бўғизлаган!

— Узи боққанда ҳам бўғизлаган, деб бутун сурувни йўқ қила юлинглар! Каттаг каттадек, кичигинг кичикдек бўлмаганингдан кейин сенлардан нимаям кутиш мумкин! Шунини айтади-да, ажралганини айқ ер, бўлинганини бўри ер деб. Бугун сурувдан, эртага йўқ обрўдан ажраласан. Ҳайфи ишонч кетинглар-а! Қишнинг шундай қировли кунда бир қориндан талашиб тушган жигаргўшангни минг қўй билан сойга ташлаб, кўзинг бўзариб қишлоққа келиб ўтирсанг! Агар сен менинг болам бўлганингда бутингни айириб ташлардим!

— Ахир, акасиям урмасин-да, дадаси,— одатдагидек гапга ара лашди аям.— Эрта-индин уйланадиган йигитни уялмай-нетмай бўкир тириб ураверадими? Узи ҳамма айб ўша катта жиянингизда.

— Сен байталинигни қамчиламай тур! Бўкирганми, йўқми қаерда биласан? Иккисиям бир гўр буларнинг! Қўлингдан келса мана бу ер-тешарнинг ўрнига бориб қўй боқ! Тавба, ҳамма ақл ўргатишга уста, лекин ҳеч ким жонини жабборга бериб ишлагиси келмайди.

Аям қайтиб гапиришга ботинмади. Турсунбой кўзи ерга михлангандек бошини эгиб ўтирарди.

— Энди, дадаси, Турсунбой айб қилган бўлса акасидан кечирим сўрасин. Сиз нима десангиз, жияларингиз қилишади,— деди аям Турсунбойнинг тарафини олиб.

— Булар гижиллашишни қўймаса, мени яраштиришим тугамаса! Одамларда бурд қолмади. Акасининг бир қайнови ортиқ бўлса, укасининг бир қайнови кам. Қачон бу икки ярим бир бутун бўлади-ю, менга тинчлик насиб этади! Бир тоға етти отанинг ўрнига ўтади деган гап бор. Булар на ота-онани, на тоғани билишади. Сен иккингни одам қиламан деб онанг бечора адоий тамом бўлди,— куйиб пишарди дадам.

Турсунбой миқ этмасди. Шундан сўнг анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Бор, аммангни ҳолидан хабар олиб кел. Юрак-бағри эзилиб ўтиргандир бечоранинг,— деди дадам менга.— Сен ҳам эрталаб тайёр бўл, иложи бўлса бирорта от топ. Икковинг ҳам бормасанг сурувни қўлдан бой берамиз.

Турсунбой иккимиз индамай ўрнимиздан қўзғалдик.

— Ишонмасанг елкамни очиб кўр. Гавроннинг изидан мўматалоқ бўлиб кетган. Яна ўша Абдумалик яхши! У бош чўпон-да, отангнинг ўн саккизта қўйини бир тийин олмай йил ўн икки ой боқади. Шунинг учун доимо ачиқ гапни биз эшитамиз, ширин сўзлари унга. Нима, отаси бошқа деб ураверадими? — йиғламсираб гапириб борарди Турсунбой.

— Гап қайтарган бўлсанг керак-да, бўлмаса ўз-ўзидан ураверадими?

— У гапириб нетиб ўтирмайди. Жини қўзидими, тамом. Дўппослай-веради. Саккизинчини битирганимдан бери ёнида қўй боқаман. Лекин бирор марта маошимни ўзим олганим йўқ. Ҳадеб беш сўм, ўн сўм сўрашга одам уялади. Бунинг устига ургани ортиқча. Энди шофёрликка ўқийман. Аҳмоқ бўлиб, саккизинчидан сўнг ўқимаган эканман. Ҳеч қурмаса сендай пионервожатий бўлармидим!

— Пионервожатийлик сенга сурув эмас, ҳайдаб боқаверсанг. Шунча болани орқангдан эргаштириш учун ҳам қаллада нимадир бўлиши керак.

— Тезроқ бирор жойга каттакон бўлганингда эди, бизнинг елкамизга ҳам офтоб тегармиди,— деди Турсунбой киноя билан.

— Сен хафа бўлма, Турсунбой. Ҳали сен билан мени қиладиган ишимиз олдимизда. Чорвада яхшироқ ишлаб ўзингни кўрсатсанг-ку, келаси йили бош чўпон бўлиб, сурув қабул қилиб олишинг мумкин. Ҳамма бало ишлаётган касбингни севмаслигингга. Шунинг учун акангдан калтак еб, тоғангдан сўкиш эшитиб юрибсан. Сен бир қарорга келишинг керак. Шунчаки эмас, астойдил. Келажагингни белгилаб олишинг керак. Манманлик қиялпти деб ўйламагин. Мана мен урим давомида

НИ ҚОБУЛ ◆ ЯШАШ УЧУН... ИККИМ

нима ишлар қилмоқчиман. Сенга айтиб бераман. Албатта, институтнинг тарих факультетига ўқишга киранман. Аслида археолог бўлмоқчи эдим. Лекин иккисининг фарқи йўқ. Яхши археолог бўлиш учун энг аввало тарихни яхши билиш керак. Археологик экспедицияларни доимо тарихчилар бошқаришган. Мен ҳам ана шундай экспедициялардан бирига бош бўлиб Дунётепа, Қўрғонтепа, Михтепа ва Барлостепаларда археологик қазилар олиб бораман. Ана шу изланишлар асосида илмий асарлар ва тарихий роман ёзаман. Агар қуёшнинг машриқдан чиқиб магрибга ботиши қандай муқаррар бўлса, менинг ҳам орзуимга эришим шундай муқаррардир.

— Улай агар, каллан ҳозирги директоримиздан олти баравар яхши ишлайди. Тезроқ директор бўлганимда эди, эшигингни тепиб, кабинетингга кириб-чиқиб юрардик.

— Мен директор бўлсам сени эшик тептириб қўймайман.

— Ҳазиллашдим, оғайни. Ҳали сен директор бўлдингиз мен эшигингни тепа қолдим. Фалокат босиб, келажакда директор бўлиб қолсанг ҳам дастлаб менга кун бермасанг керак.

— Бўладиган гапни гапир. Ҳаёт аслида сен билан мен ўйлагандан оғир. Лекин гўзал. Тўғри яшамоқ керак. Бу — меҳнат қила билиш керак демакдир.

— Мана, бориб бир қиш қўй боқ! Ана ҳаёт! Ана меҳнат! Моҳида-рада ҳам тепаликлар кўп. Балки қазиб хазина топарсан! Эски қабрлар ҳам роса кўп.

— Жуда яхши! Ҳақиқий одамдек бир тўйиб ишлайдиган бўлдик-да.

— Оёғингни ёки бурнингни совуқ урганда биласан меҳнатни! Хашак ортиб борган прицепа осилиб қочиб қолмасанг бўлгани!

— Жўжани қишда санасаям бўлаверади.

— У ерга бориб совуқда қотиб ҳаром ўлган қўйларни санашга тўғри келмасайди. Унда менга ўхшаб Абдумаликдан калтак еб қайтасиз, ўртоқ пионервожатий. Бу сизнинг «Бўл тайёр! Доим тайёр!»ингиз эмас. Қўйлар бундай гапларга тушунмайди. Яхшиси эсинг борида этагингни ёпиб, Моҳидарага борма қўя қол. Сенсиз ҳам бир иложини қилишар. Эрта-индин совхоздан қўшимча ишчи кучи ажратишса керак. Қахрамонлик кўрсатишга улгурмай ҳам қоласан. Қахрамонлик кўрсатсанг ҳам, бари бир, сенга орден ёки медаль тегмайди. Шунақа, ўртоқ пионервожатий!

— Аслида сендек, қилдан қийиқ ахтарадиган, мижғов одам билан шу пайтгача бирга ишлаган Абдумалик акага мукофот бериш керак. Сени дўппосласаям одамнинг ҳақи кетаркан.

— Тоғаси сен билан отанг бўлгандан кейин жияни гўр бўлармиди!

— Сен кимнинг жиянисан?

— Тоға ота эмас-ку! Уз отам бор!

У шундай деди-ю, бирдан ранги оқариб кетди. Қиёфасидаги ўзгаришни сездирмаслик учун гўё ҳеч нарса бўлмагандек бурнини бир-икки тортди-да, индамай кетаверди. Иккимиз ҳам жимиб қолдик. Ҳаёлимга энамнинг Турсунбойнинг отаси ҳақидаги гаплари келди.

— Ҳўжамберди бобонг раҳматликнинг Бувайда исмли онаси бўларди. Уруш пайтидан олдинги очарчиликда пишган тут остида ўлиб қолганини ўз кўзим билан кўрганман. Очликдан кўп тут еб қўйиб, ҳасан уриб ўлиб қолган экан бечора. Шунда Ҳўжамберди ёш йигит эди.

Онасининг ўлигини бировлар кўмди. Эри урушда вафот этгандан сўнг амманг унга турмушга чиқди. Ундан отасига ўхшаган Турсунбой туғилди. Онасини уйига сиғдирмаган одам билан хотин чиқишадими! Беш-олти йил яшаб, ажралиб кетишди. Шундан кейин Ҳўжамбердига ҳеч ким тегмади. Турсунбой, онаси билан қолди. Онасига қилгани худодан қайтди. Турсунбой ҳам деярли отасидан хабар олмади. Яккамохов яшаб, ўтиб кетди. Ҳар ким экканини ўраркан...

Турсунбой нима ҳақда ўйлаётганимни сезиб борарди. Биз уларнинг уйига етиб қолган эдик. Мени кўриб аммам кўз ёши қилган бўлди.

— Бу икки етимнинг дастидан адои тамом бўлдим? Хайриятки, бошқаларникидек етти-саккизта болам йўқ! — деди рўмолининг учи билан кўз ёшини артиб. — Юрт олдида юруқсиз қилади булар...

— Узингиз тарбия қилгансиз, бировларнинг ёқасидан олманг! — онасининг гапини бўлди Турсунбой. — Сизни боқадиган катта ўғлигизнинг тарафини олаверинг!

— Мана, гапини эшитяпсан, Нуруллажон. Гап уқармиди бу жувонмарг бўлмагур! Сигир бўлиб сут бериб, ҳўкиз бўлиб куч бериб, охир-оқибати мана шу. Отасига ўхшаб на каттанинг айтганини қилади, на кичикнинг. Абдумалик бечора отанг ўрнига ота бўлиб сени уйлантирмоқчи-ю, сен бўлсанг...

— Отамни орага қўшма! — сенсиради Турсунбой. — Қабридан чиқиб келиб этагиндан тортаётгани йўқ.

— Бас, Турсунбой! Сенсирама онангни!

Турсунбойни жуда ёмон кўриб кетдим. Қалби нурсиз одам экан. Абдумалик беҳудага урмаган бу худобезорини.

Иккинчи боб

Кеч кириб, қоронғи тушганда биз Моҳидарага етиб қолгандик. Ҳаво совуқ ва изгирин бўлишига қарамай, отлар қора терга тушиб кетди. Айниқса, биз Турсунбой иккимиз мингашган Раҳмат қоровулнинг бақувват тўриғи пишқириб оғзи-бурнидан кўпик сочар, қордан учи чиқиб турган шувоқни тишлаб сувлиғи билан кўшиб чайнардди. Дадам минган Олақашқа қорнинг кўзни қамаштирадиган оқлигидан безиб, мудраб бораётганга ўхшарди. Қор отларнинг қорнига тегар, узангиларни бир оз қисқартириб олган эдик. Турсунбойнинг гапиришга қанчалик иштиёқи бўлмасин, дадамдан ҳайиқиб, индамай борарди. Аҳён-аҳёнда: «Нон еганмисан, пионервожатий, отни дурустроқ ҳайда» деб минғирлаб ғашимга тегарди.

Унинг нимадандир ҳадиксираётганини сезиб турибман. Абдумалик кўз олдимизда уни ҳайдаб солиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Итларнинг вовиллаши эшитилди. — биз Моҳидарага етган эдик. Қўтондан бир чақиримча чошиб келган итлар қалин қорда тўхтаб басма-бас ҳуришарди.

— Қўктой! — қичқирди Турсунбой.

Унинг овозини таниб, итларнинг уни ўчди. Энди итлар тезроқ отларнинг етиб келиши ва улар изидан тезроқ қўтонга қайтишни кутиб, думларини қорга белаб ликиллатишарди. Итлар оғзидан чиқаётган ҳовур тез тарқаб кетар, жағларидан оқиб тушаётган сўлак зум ўтмай музга айланиб қоларди. Одатда отлар итларни ёқтиришмайди. Бунинг сабабини энам менга айтиб берган. От билан ит бино бўлгандан буён инсонга вафодорликда рақобатлашиб келаркан. Айниқса Раҳмат қоровулнинг сомончиларни қувишга ўрганиб қолган тўриғи қулоғини чимирганча бошини эгиб борар, чарчаганидан тез-тез пишқириб қўяр эди. Олақашқа эса думини ўйнатиб, паст товушда бир-икки кишнаб қўйди.

Қўрадан юқориқоқда томини қалин қор қоплаган пешайвонсиз уй олдида Абдумалик кўринди. У гаврон таёғига суйанганича, ҳорғин нигоҳ билан келаётганларни кузатарди. Соқоли ўсиб кетган. Қулоғи туширилган тринка телпагининг устини сомон аралаш чанг қоплаган — ишнинг кўплигидан ҳатто телпагини қоқишга ҳам вақти бўлмаган кўринади. Шунда яна Турсунбойга нисбатан нафратим ортиб кетди. Бузуқ жардек «а» десанг, «ба» деб турадиган Турсунбой Абдумалик айтган ишни бажармаган ёки сурувни ёйиб чиқиб, кўз-қулоқ бўлмаган, оч бўрилар қўйларни чавақлаб кетган.

Яқинлашганимизда бизни кўриб, Абдумаликнинг кўзи ёшланганини пайқадим. Унга раҳмим келиб кетди. Керак бўлса ёзгача қарашаман, пионервожатийликка бошқа одам топишар, ўйладим ичимда. Қўзилатиш мавсуми бошланиши билан юқори синф ўқувчиларини

ёрдамга олиб келаман. Ахир бу меҳнат тарбияси. Бирорта ҳам қўзининг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

Абдумалик Турсунбой билан сўрашмади, у томон қайрилиб қарамади ҳам. Биз отларни боғлагани атрофига сим тортилган пичан ғарами томон юрдик. Дадам билан Абдумалик қўтонни кўздан кечиришарди. Унинг телпагидагина эмас, соқолида ҳам сомон; қулоқ-бурни чанг, рангги бир аҳволда эди. Демак, Абдумаликнинг бет ювишга ҳам вақти бўлмаган. Сойдаги булоққа бориб келиш учун ҳам анча вақт кетади. Қор сувидан чой қайнатиб ичаётган бўлса керак. Аҳвол оғирлиги сезилиб турар, пичан ғарами атрофида ғимирлашиб юрган қўйлар қўтон шилталигидан худди кузги қирқимдан сўнг чўмилтирилганга ўхшарди. Нам жунлари совуқда қотиб қолган, галма-гал йўталишар, очликдан оғзига илинган нарсани чайнашарди.

— Хонлик қилибсан, Турсунбой!— дедим отни боғлаб қайтаётганимизда.

— Қўясанми, йўқми? Нима, мен бўлсам бирор нарса ўзгариб қолармиди? Ҳозир қўйларга иссиқ жой билан хашак бўлса бас, жин ҳам урмайди! Бизда қўйлар қишин-ёзин ердан озиқ олгани учун қўтонларга хашак тўплашмайди. Лўлининг капасига ўхшаган мана бу хашак бир ҳафтага ҳам етмайди. Ундан кейин қўрасан томошани.

— Бунақа қиш бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсан. Совуқда одам кўп овқат еганидек, мол ҳам кўп емиш ейди-да.

— Ем-хашак олиб келишмаса иш чатоқ. Бўлмаса баҳорга бориб одамларни дўппослайдиган бош чўпон Абдумалик Мирзаевни панжарада кўришга тўғри келади. Ун йилдан кам беришмайди. Бунинг устига мени ва Сатторни урганини қўшишса ўн беш йил бўлади. Кейин бориб, Сибирда қарағай боқадим. Шунақа.

— Аблаҳ экансан?

— Оғзинга қараб гапир, ўртоқ вожатий! Мен сенга пионер эмасман, кўп дўқ-пўписа қилаверма. Арпангни хом ўрган бўлсам, айт. Абдумаликдан калтак еб, отанг билан сендан сўкиш эшитиш учун дунёга келганим йўқ. Бари бир акам бўлмоқ туриб авлиё бўлса ҳам, Абдумаликнинг кўзига кўрсатаман уриш қанақа бўлишини.

— Сени отиб ташласаям одамнинг ҳақи кетаркан!

— Ота қолинглар! Эркак одам қиладиганини ҳеч кимга айтмай қилаверади. Менга ўхшаб бир ўзинг эртаю кеч тоғу тошда қўй боқсанг, ўша ўқиганингдан кўра турмуш нималигини кўпроқ билардинг, оғайни. Китобни кўп ўқийдиганлар, сенга ўхшаб, фалончи ундай деган, тугунчи бундай деган деб юраверади тўтиқушга ўхшаб. Шунақа, ўртоқ вожатий! Қўйлар қўй, пионер ёки октябрат эмас! Қорнини тўйғазмасанг мана бу пахмоқ сочингни еб қўяди. Ёки буларга ҳам галстук тақдирасанми-а? Ҳа-ҳа-ҳа!

У гапидан ҳузур қилиб кулди. Қулгиси совуқ ва ёқимсиз эди. Тиззаларига уриб, қотиб-қотиб кулди. Ҳатто кўзлари ёшланиб кетди.

— Қуйиб қўйган салбий образ экансан,— дедим унинг хатти-ҳаракатидан таажжубимни яширмай.

— Ким шундай деган? Абдулла Қаҳҳорми? Ҳа-ҳа-ҳа!

Қанчалик аччиғим чиқмасин, ўзимни босдим. Бу телба муштлашишдан ҳам қайтмайди. Отларни четан девор ёғочларига боғлаб, гапсўзсиз қўтонга қараб юрдик. Мен қорнинг бу қадар қалин ёққанидан ҳайратда эдим, ҳатто бўйи икки метрлик арчаларнинг ҳам учи кўринмасди. Бундай қалин қорни ёшлигимда — худди шу афсонавий гўзал Ойқорда кўргандим. Қиш кунларининг бирида одатдагидек дадам молларга хашак солиш учун барвақт турганда опам София, мен ва синглим Инобат учовимиз ҳам уйғондик. Ҳали тонг отмаган бўлса-да, хона сутдек ёруғ эди. Пешайвонли уйимизнинг орқа ва олд деразаларига оппоқ парда тутилгандек. Деразаларимизни қиров босиб қолган шекилли деб ўйладик. Бу қиров эмас, оппоқ қор эди. Итларнинг ҳуриши ҳам зўрға эшитиларди.

Эшикни ҳам қор босиб қолган экан. Зўра очдик. Қор мени кўмиб кетарди. Бундай қорни илк бор кўраётганимиз учун қувончдан қичқиришардик. Ҳамон қалбим қатидаги ана шу қувонч юрагимни орзиқтиради. Турсунбойнинг телба-тескари гапларини ҳисобга олмаганда, ҳозир ҳам шундай қувончли туйғулар оғушида эдим...

Дадам қўйларга озгина хашак сочишни буюрди. Абдумалик иккови қўтон томини синчиклаб кўришарди. Устини қор босиб, тарашадек қотиб қолган ғарамдан хашак олиш осон бўлмади. Турсунбой ғарамга ўроқ санчиб, ҳар тортганида гудраниб сўкинар, олаётган хашагини оёғи билан тўплаб қўярди. Ут сочилишини пайқаган совлиқлар бир-бирини туртиб ғарам атрофида уймалашар, узун-қисқа маърашарди.

— Мен хашак олаверай, сен сочақол, — дедим Турсунбойга.

— Биттамит эшикнинг олдида турмасак қўйлар ғарамни босиб кетади. Қўйиб берсанг бор хашакни бирпасда еб тугатишади. Қара, ҳатто очликдан девор ёғочини кемиришяпти.

Мен ғовни кўриқлаб турдим. Қанчалик ғашимни келтирмасин шу дақиқада Турсунбойга раҳмим келиб кетди. Унинг бу беқарор феъл-атворига ота-онаси сабабчидир балки. Отаси билан онаси ажрашиб кетгач, у ким мушугини пишт демаса шу билан яшаган. Отаси тергаса онасиникига, онаси оғирроқ иш буюрса отасиникига кетиб қоларди. Шунинг учун у қуюшқондан ташқари сал гапни ҳам кўтаролмас, арзимаган нарсага ловиллаб кетарди. Унга ҳеч ким ва ҳеч нарса ёқмас, ҳамма машмаша айланиб келиб меҳнатдан қочишга тақаларди.

Аҳвол оғир эди. Чайладай омонат қурилган қўтон қаттикроқ бўрон турса қулаб тушгудек эди. Устунлари путурдан кетган, чириган шифтидан томчи томарди. Оғир ўй босган Абдумалик қўтон устунига суяниб, дадамга тикилиб турар, дадам эса куйиб-пишиб унга гапирарди:

— Совхоз марказида қурилаётган иморатнинг биттасини пулига ўнта қўтон курса бўлади. Ҳар йили пахта плани тўлиши билан катталар ғойиб бўлади. Чорванинг аҳволи мана бу. Ҳозир совхоздаги бирорта отарда бош чўпондан ташқари штат билан ишлайдиган чўлиқ йўқ. Нега шундай? Биринчидан, маошнинг тайини йўқ, уларга ҳеч эътибор ҳам йўқ. Бош чўпонлар ноиложликдан олис тоғ қишлоқларидан уч юз-тўрт юз сўмдан ёнидан маош тўлаб, чўлиқ ёллашади. Улар бу пулни қаердан олишади? Совхознинг семиз қўйини ориқ қилади, қўзисидан уради-да, чўлиққа ойлик тўлайди? Сурувни тўлиқ сақласа бас. Бошқа нарса ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Сен эса шунга эллай олмаяпсан. Шунинг учун ишинг юришмаяпти. Лекин, бола, бўшашма. Сал бўшашдингми, тамом. Сурувдан ажраласан. Тўғри, ҳалол ишласанг виждонинг ором олиб яшайсан.

— Хашак керак, қандай бўлмасин хашакнинг иложини қилиш керак.

— Қўшни райондан хашак олиб келишни мўлжаллаб туришибди. Кеча партком секретари шундай деяётганди.

— Икки-уч кун ичида хашак етиб келмаса ҳолимиз хароб бўлади.

— Борибоқ айтаман. Директорга, парткомга кираман.

— Жон тоға, умид сиздан! Бошқа, кунимга ярайдиган одамим йўқ. Хашак етказсангиз бас! Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин!

— Қўтонни тезда қуруқлаш керак, бўлмаса совлиқлардан совуқ ўтиб, бола ташлайди. Қўтоннинг томидаги қорни кураб, хас ва қуруқ тупроқ сешиб болаларга тептир. Қаттиқ совуқ бўлса музлаб чакка ўтмайдиган бўлиб қолади.

Тонг отмасданоқ дадам қишлоққа жўнади. Шундан сўнг мен бу ердаги ишнинг ҳақиқатан оғирлигини, қаттикроқ бўрон турса қор қўтонни кўмиб ташлаши мумкинлигини, озгина эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик қилинса сурувдан ажралиб қолишимизни илк бор ҳис этдим. Вужудимни шу пайтгача менга ёт бўлган бир қудратли туйғу қоплади. Абдумаликка астойдил ёрдам бериш керак. Турсунбой одатдагидек бепарво эди. Абдумалик нимани буюрса, индамай бажарар, овқатни

эса ҳаммадан кўп ерди. Кўпинча эса уйда қолиб, қозонда нон пиширар, овқат қилиб, уй супурарди.

Тўртинчи куни хашак тугади. Узлуксиз қор ёғар, ҳатто йиллаб нам тегмайдиган шамолпана ўнгирларга ҳам бўрон қор барханларини уйиб ташлаганди. Абдумалик уззу кун қўтоннинг шилтасини тўдалаб, курак билан девордан ошириб ташлар, мен эса гоҳ қўтон томининг, гоҳ қўтон ичининг қорини курардим. Аҳвол оғирлашганидан асабийлашиб бораётган камгап Абдумаликдан қўрқиб Турсунбой ҳам энди елиб-югуриб ишлар, акасига эшиттирмай сўкиниб, узоқ ўтин ёрарди.

Хашакдан дарак йўқ эди. Кўнгилсиз воқеалар худди шу — хашак тугаган кундан бошланди. Абдумаликка қўшилиб ҳаммамизнинг шом-тубимиз қоронғи. Кеч кириши билан қўтоннинг эшигини беркитиб, уйга қараб юрдик. Тунука печка зўрға иситаётган ним қоронғи уй зах. Исиган сари куйган резинка ва от тери ҳиди келади. Печкага осилган кир босган қора қозондаги қор сувида ориқ қўй гўшти қайнарди. Булоқдан сув олиб келиш учун бир ярим метр қалинликдаги қорни кураб йўл очиш керак. Бунга вақт йўқ. Турсунбой деярли келгандан бери юзини ювмасди. Совуқда жунжикиб, ишинг юришмай турганда бет ювиш ҳам ортиқчалик қилар экан одамга.

Биз яқинлашиб келаётган фалокатни сезгандек ўз-ўзимиздан жимиб, ишларни гап-сўзсиз бажарардик. Тажанг Турсунбой ҳам мулла минган эшакдек ювош тортиб қолган, авзойи бузуқ Абдумаликнинг қош-қовоғига қараб ишларди.

— Кўнглим сезяпти, бирор чорасини қилишмаса совхознинг чорваси тамом бўлди деявер,— деди Абдумалик бизга қараб.— Тавба, раҳбарларга ҳайронсан, шудгордан аллақачон бўшаган тракторларга прицеп тақиб, бир прицепдан хашак юбориш наҳотки шу қадар мушкул бўлса! Сурувнинг ярми қирилгандан сўнг, ўлган қўйларни ташишга ёрдамчи беришади!

Турсунбой иккимиз унинг гапини жон қулоғимиз билан тинглардик. Учаламиз ҳам эрталабдан қора шомгача белимиздан шилтага ботиб қўтон тозалардик. Қўтоннинг қўланса ҳиди нафасни бўғар, кирза этикдан ўтиб кетган намдан оёқ тарашадек қотиб қолганди. Панжаларнинг учигина оқариб кўринар, кафтнинг устки томони тер ва кирдан қорайиб кетганди. Пешонадан оқиб тушаётган тер кўзни ачитар, бунинг устига қарийб уч кундан бери хашак емай дуч келган нарсани кемириб юрган совлиқлар пахталикни тишлаб тортарди. Турсунбойнинг назарида бундай аҳволга одам боласи чидаши мумкин эмасдек эди. У ўзича овоз чиқармай ғулдираб сўкинар, директорнинг гўрига гишт қаларди...

Учинчи боб

Бешинчи куни ҳам хашак келмади. Абдумалик шолча остига тўшалган шולי похolini орқалаб олиб чиқди. Кўз очиб-юмгунча похол улоқ-улоқ бўлиб кетди. Ҳатто айрим қўйларнинг оғзига похол тегмади ҳам. Оёқ остида қолиб бир тўқли нобуд бўлибди. Бу яхшилик аломати эмасди. Абдумаликнинг дили хуфтон бўлиб кетди.

Наридан-бери тушлик қилиб қўтонга кирганимизда бир совлиқ зўрға маърарди. Беш-олтита совлиқ қўтон деворини туз ялагандек ялар эди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Томоғига тупроқ тиқилиб қолган бир совлиқ поча қоқар эди. Унинг қийналаётганига чидолмаган Абдумалик бўғзига пичоқ тортиб юборди. Сесканиб кўзимни чирт юмдиму юзимни тескари бурдим. Турсунбой деворни ялаётган қўйларни тумшуғига уриб ҳайдар, улар эса яна деворга ёпишишарди.

Абдумалик сўйилган совлиқнинг бўғзидан отилиб чиққан тупроқ, оғзидан оқаётган лой сўлакайига тикилганча қотиб турарди. У анчадан кейин жойидан қўзғалиб, укасига иш буюрди:



— Терисини шилиб ол! —

Абдумалик қўйни бўғизлаётиб, чамаси шошганидан қўлини кесиб олган кўринади, қўлига қор босиб ҳарчанд уринмасин қон тўхтамасди.

— Нима қиламиз энди, Нурулла? — деди у устун такурсисига оғир чўқаркан.

— Хашак келиб қолар, — дедим, нима дейишимни билмай.

— Келадиганга ўхшамайди-ку? Агар яна икки-уч кун келмаса, бу қўйлар сен билан мени ҳам еб қўяди.

— Ҳайдов тракторлари шудгордан сўнг ремонтталаб бўлиб ётган бўлса, иложини топишолмаётгандир.

— Битта трактор анқонинг уруғи эмас-ку! Ёзда партком секретари билан районга кенгашга борганимизда, унга қарияларнинг айтишича, бу йил қиш қаттиқ келаркан, қўралар олдига кўпроқ дағал хашак, иложи бўлса янтоқ жамғариш керак, десам «Оғайни, биз бир кичик одам — штатсиз партком секретаримиз, гидротехник штатида ишлаймиз. Бу гапни директорга айт», дейди. Партком секретари эмиш. Хайф секретарлик кет. Мен фақат шунинг учунгина куйиб-пишаётганим йўқ. Низомиддин Нарзиев партком секретарлигини директорга чой ташувчилик деб билади. Бетига айтдим шу гапни. «Низомиддин ака! Сиз яхши одам бўлишингиз мумкин. Лекин ёмон коммунистсиз. Шунинг учун партия ташкилотига ёмон раҳбарлик қиляпсиз», дедим. Индамади. Узини ақлли қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Сезиб турирман ичида менга: «Кандидатликдан партия аъзолигига ўтиб бўпсан», деб турибди. Менимча, гапимни моҳиятига тушунмади ҳам.

— Ростдан ҳам сизни аъзоликка ўтказишмаса нима бўлади? — сўрадим ташвишланиб.

— Утказмасликка ҳаракат қилиб кўришади. Энг ёмони, қиш бундай келди. Фалокат юз берса, тамом. Унга баҳона топилади. Гапни бир йўла жиний жавобгарликдан бошлайди.

— Нима қилиш керак унда?

— Курашиш керак. Бирорта қўйни ўлдирмаслик учун курашиш керак. Агар бугун кечгача хашак келмаса мен йўлга тушаман. Қараб туришдан фойда йўқ. Отимиз ҳам оч. Йўлда толиқиб қолса борми? Қўй.

ларнинг тупроқ ялаётгани чатоқ бўлди. Девор нураб, бутун отарни том босиб қолмаса дейман. Қўй бефаҳроқ маҳлуқ, бир оғзи теккан жойга қайта-қайта оғиз ураверади. Фарам ўрни ўралган ёғоч деворни бузиб, қўтон деворларини тўсиб чиқсакмикан?

Абдумалик айтгандай қилдик. Қўтон девори ичидан ёғоч девор ясадик. Уйга кирганимизда ҳаром ўлдирилмасдан сўйиб юборилган қўй гўшти қайнар, Турсунбой бурчакка тиқилганча ухлаб қолганди.

— Бола бечора толиқибди,— деди Абдумалик печка ёнига ёнбошларкан.

Турсунбой кўзини уқалаб ўрнидан турди-да, алюмин косаларга шўрва суза бошлади. Қуруқ арча ўтини ҳид таратиб чарсиллаб ёнар, оловнинг кучлилигидан тунука печканинг икки ёни қизариб кетган эди. Уй қанча қизиса шунча кўп зах ва гўнг ҳиди анқир, бунга кўникиб қолган эдик. Ажабо, шўрвадан ернинг таъми келарди.

— Тупроқ қон-қонига сингиб кетибди. Пайқамабмиз, қўйлар икки-уч кундан бери тупроқ ялашаётган экан,— деди Абдумалик.

Бу таъм оғзимдан кетмасди. Назаримда, бутун борлиқ, одамлар, дарахтлар ва жониворлар тупроқдан иборатдек бўлиб туюлди. Шунда илк бор инсон ернинг жонли бир парчаси эканлигини, энам айтганларидек, тупроқдан яралиб, яна тупроққа айланишини ҳис этдим. Хаёлимдан биз бари бир ўзимизни яратган ва боқаётган заминга бефарқ қараймиз, деган фикр ўтди. Турсунбой қаттиқ қайнаганидан қотиб қолган гўштни эринмай узоқ чайнар, Абдумалик бошини қуйи солганича бостириб-бостириб чой хўпларди. Абдумаликни оғир ва машаққатли ўй босган эди.

Оч совлиқларнинг тинимсиз маъраши эшитилиб турар, чайнаган нони зўрға томоғидан ўтарди. Нега энди биз нон ва очлиқдан ўлган қўйнинг гўштини еб ўтирарканмиз-у, қўтонда халқнинг қўйи бўғзига тупроқ тиқилиб ўлаверади? Бунга ким айбдор? Нега қарийб бир ҳафтадан бери отардан ҳеч ким хабар олмайди? Жавобсиз саволлар қалашиб келарди.

... Шу пайт қулоғимизга чалинган овоздан ҳаммамиз ўрнимиздан туриб кетдик. Тракторнинг бўғиқ овози гимндек янграрди.

— Хашак келди! Хашак!

Абдумалик шундай дея ташқарига отилди. Турсунбой иккимиз бир неча кундан бери даҳлизда кўзимизга балодек кўришиб ётган паншахаларни кўтарганча Абдумаликнинг орқасидан югурдик.

— Хашак! Хашакжон! Бормисан! Сенинг қадрингни энди билдим! Энди ҳечам сени нобуд қилмаймиз! Ҳар тутаминг дори бўлиб кетди-ку! Сени ортиб жўнатганларга минг-минг раҳмат! Раҳмат сенга, шундай зимистон кечада қўрқмай ва йўлдан адашмай етиб келган жасур ҳайдовчи! Қанча жониворларнинг савобига қолганингни билсанг эди! Энам айтгандек, сен ҳақиқий жаннати одамсан! Эй қўйжонлар! Қўйжонларим! Эшитдиларингми? Хашак келди! Хашак!

Болаларча қувонч билан шу сўзларни такрорлаб, чопиб борардим. Қўйлар юравериб, текис бўлиб қолган майдондан чиқишимиз билан қорга тиқилиб қолдик. Қор кўкракдан келарди. Биздан ўн беш қадам чамаси олдинда бораётган Абдумалик телпагини қўлига олиб силки-тар, овозининг борича қичқирарди. Бизни кўриши билан қўтон эшиги олдида тўпланишадиган озгин қўйлар басма-бас маърашар, сойни шовқин босиб кетган эди.

Оч қўйларга ҳадеб кўриनावеришга ҳам кишининг юраги бетламай қолар экан. Одам яқинлашса ўзини дуч келган томонга урувчи ҳуркак қўйларга қадар, бутун сурув ўз-ўзидан ювош тортиб қолганди. Улар худди қўл-оёқсиз одамдек, оғзида ҳеч нарса бўлмаса ҳам, кавш қайтариб мўлтираб тураверишарди. Уларнинг умид билан тикилаётган сўник кўзларига қараб бўлмасди. Шу аҳволда совлиқлар қўзилай бошласа борми. Худо урди деяверинг. Сурув кетидан судралиб юрадиган ўн-ўн беш чоғли касал ва озгин совлиқлар тумшугини ерга тираб қў-

тон деворига суяниб ётишар, турғазиб қўйсак йиқилиб тушарди. Бу қўйларни очиққан сурув оёқ ости қилиб ўлдириб қўйиши мумкин эди. Улардан тез-тез хабар олиш менинг зиммамга юкланганди. Аммо улар икки-уч кун ичида кўз олдимда бирма-бир нобуд бўлди.

Трактор қори тозаланган майдончага етмасданоқ тўхтади. Тракторнинг қулоқни батанг қилувчи шовқини орасидан Абдумаликнинг бақриб-чақриши эшитиларди. Мен ҳам шу томонга югурдим. Прицепга кўзим тушиши билан аъзойи баданим музлаб жойимда туриб қолдим. Иккала прицеп ҳам бўш эди. Прицепга осилиб қолган бир-икки тутам хашакни совуқ шамол ўйнатар, Абдумалик тракторчига ўшқирарди.

— Нега икки прицепни ҳам Мавлоннинг отарига тўқдинг? Ахир қўйлар тупроқ еб ўлаяпти-ку!

— Партком айтди, Мавлоннинг отарига олиб бор деди! Йўл-йўлакка сендан хабар олай деб келдим!— жавоб қайтарарди ҳайдовчи бўйинини кабинадан чиқариб.

Абдумалик Жўрақул тракторчининг ёқасидан маҳкам тутиб олиб:

— Мен сени бошимга ураманми!— овозининг борича бақриб сўкинарди. Уларни ажратиш учун шошилдим, аммо кеч қолгандим. Ўзини йўқотиб қўйган Абдумалик Жўрақулни бир неча тарсаки урди. Ноҳақ калтак еб алам қилган девдай Жўрақул ёқасини бўшатиб олди-ю, пастда турган Абдумаликни тепиб юборди. Абдумалик қайтиб тургунча энгашиб кабинадан, ключ бўлса керак, узун темир олди. Абдумалик сўкиниб яна ташланганида қўлидаги темир билан совуққина бошига бир туширди. Назаримда, ҳалиям атайлаб қаттиқ урмади. Бўлмаса бошини пачоқ қилиши мумкин эди. Абдумаликнинг икки қўли ҳавода муаллақ қолди. Худди арраланган те-
ракдек ағдарилиб тушди.

— Яқинлашсанг, иккингни ҳам ер билан битта қиламан, итдан тарқаганлар! — ўшқирди оғзи бурни қон Жўрақул биз томонга қараб.

Жўрақул тракторини забт билан бурганча сойга қараб кетди. Икковлашиб Абдумаликни зўрға уйга олиб кирдик. Унинг телпаги остидан сизиб қон оқар, бизнинг усти-бошимизга ҳам қон теккан эди. Қўйлар бир зумда қайғуга айланган қувончимизга аза тутгандек баттар маърашар, кўпларининг овози битиб ҳам қолганди. Бир оз фурсат нима қилишимизни билмай довдираб қолдик.

— Бошидан қон оқаяпти, тўхтатиш керак! — дедим.

Абдумаликнинг телпаги жиққа қон эди. Қўрқувдан қўлим қалтирарди.

— Ҳозир! Қозоннинг қуясини қириб босамиз! — деди ҳовлиқиб Турсунбой. — Дарров тўхтайтиди.— У қозон қуясини совиб қолган печ устига қириб туширарди.— Мана, Нурулла! Ўз кўзинг билан кўрдинг! Жўрақул бечоранинг айби нима? Хашакка у хўжайин эмас-ку! Қайси отарга олиб бор деса олиб келаверади. Айтдим-ку, бизнинг акамиз муштлашмаса, туrolмайди деб. Ўзинг ўйлагин: хўш, ҳозир ўлиб қолса нима бўлади! Қўй оч қолганига шунча қон тўкишми! Давлатга мол керак бўлса хашак жўнатади! Жўжаҳўроз!

Турсунбой қон сизиб чиқаётган жойга қозон қуясини босиб устидан газета қоғозини қўйди-да, сочиқ билан танғиб боғлади, мен суяб турдим. Абдумалик сезилар-сезилмас нафас оларди.

— Худога бир айтгани бор экан. Темир телпақнинг устидан тушган! Бўлмаса бош чўпоннинг битта боши иккита бўларкан! — деди Турсунбой қўлини офтобадаги илиқ сувга юваркан.

— Юзига сув сепиб, ўзига келтирамизми? — сўрадим ундан анчадан сўнг.

— Керакмас. Ҳозир ўзига келса оғриқни сезиб, азобланади. Қўйларнинг маърашини эшитиб эса баттар қийналади. Бир неча соат бўлсаям астойдил дам олсин. Шундай қилиб ётқизиб қўймасанг дам ҳам олмайди бу ҳовлиққа кандидат.

— Бу нима деганинг? — гашим келди унинг гапидан.

— Бу киши партияга кандидатлар! Ишда ўзини кўрсатса қабул

қилишаркан, бўлмаса йўқ. Шунинг учун ўртоқ бош чўпон дуч келганни дўппослаб, ўзларини кўрсатяптилар.

— Улганнинг устига чиқиб тепасан-а, Турсунбой! — дедим уни инсофга чақириб. — Уни ҳам тушуниш керак. Эртага мингта қўй учун у боши билан жавоб беради. Сен билан мендан сўрашмайди. Энди худодегин, тезроқ тузалиб кетсин, Бўлмаса ҳолимизга маймунлар йиғлайди.

— Маймунни қўявер-у, кунингга ҳозироқ Ойқор тоғидаги бор айиқлар йиғлаб турибди. Ҳазимизнинг ҳам еб-ичишимизнинг тайини йўқ. Улакса еб кун кўряпмиз. Шу ҳам тирикчилик бўлдию!..

Фонусни кўтариб, қўтонга қараб юрдик. Қўйлар қўтон эшигини ағдариб ташқарига чиқиб кетган, совуқда қалтираётган бир тўп совлиқ пичан ғарами ўрнини тимирскилар, тупроқ яларди. Қўйларни қўтонга қараб ҳайдай бошладик. Изғирин кўз очирмас, оч қўйлар шилтаси чиқиб кетган қўтонга қараб юрмас, совуқ ва очликдан жунжикиб даҳлизнинг бурчагига биқиниб олган итларнинг уни ўчган эди. Қўйларни уриб, қўл билан итариб ҳайдасак ҳам жойидан қимирламай, безрайиб тураверарди. Мутеълик, очлик ва ноилжлик ҳайвонни ақлдан оздириб, инсонни тан олдирмай қўяркан. Қўйларнинг кўзидаги ялинчоқлик ва умид учқунлари алам ва ўкинчга алмашганди. Айниқса, тун қоронғисида сон-саноксиз кўзлар ёниб кўринар, кишининг юраги орқасига тортиб кетарди.

— Ҳе-е, қирилиб кетгурлар! — дея бақириб жойидан қимирламаётган қўйларни саваларди Турсунбой.

— Урма-а! — деб билагидан тортиб тўхтатдим. — Бечоралар зўрға оёқда туришибди, бола ташлаши мумкин.

Дарвоқе, юролмай қолган ориқ совлиқ таёқ тегиши билан гурс этиб ағдарилди. Оғзини бир неча бор каппа-каппа очди-да, жон берди. Турсунбой ҳеч нима бўлмагандек қўйларни жунидан ушлаб судрар, итарар ва тепарди.

Уйга кириб ем ташиб охурларга солинадиган тунуқа идишни олиб чиқиб таёқ билан уриб тақиллатдим-да, қурейлаб қўтонга қараб чопдим. Сурув орқамдан эргашди. Қўйлар кийимларимни тишлаб тортишар, сўлакайлари теккан жойда қотиб қоларди. Бир-бирини босиб келаётган совлиқлар орасидан зўрға сирғалиб чиқдим. Уларни алдаш учун лаганни қўтон тўрига ташладим. Хаёлимга келаётган фикрдан вужудим ёнарди...

...Узингни йўқотма, Нурулла! Инсон шундай оғир кунларни бошдан кечирмаса яхши кунларни яратолмайди ва қадрига етмайди. Муваффақиятсизлик олдида эсанкирасанг тамом! Бутун борлигини меҳнатга бағишлаган, одамлар учун қурбон бўлишга ҳам тайёр Абдумаликдан ҳам, сурувдан ҳам ажраласан. Узинг киноларда кўрган, ҳамқишлоқларингдан эшитган, қалбингни ларзага солган уруш азоб-уқубатлари олдида бу нима деган га! Иккита тоғанг, ўнлаб қишлоқдошларинг урушда қурбон бўлди! Улар сени ўқисин, қўй боқсин! Ҳар сиқим тупроғи олтинга тенг ўзбек ерини асраб-авайласин деб сен томон отилган ўқни кўкракларида тутиб, қайтариб қолдилар! Улар ҳам сендек комсомол ёшида эдилар! Кичик тоғанг Раҳмонқул ёшига икки ёш қўшиб, ҳужжат тўғрилаб урушга жўнаб кетган эди. Наҳотки сен ҳам оғирнинг устидан, енгилнинг остидан чиқадиган Турсунбойдек бўшашсанг? Қийинчиликларга бардош беролмасанг, хашак ва ёрдамчилар этиб келгунга қадар кураша олмасанг сен нима деган одам бўлдинг. Комсомолга ўтаётганинда ўн олти ёшга икки ой етмагани учун қолдиришганларида, райком секретарининг олдига йиғлаб борганинг эсиндами? Сен қурашмоғинг, ўзини меҳнатга бағишлаган, халқ мулки учун астойдил қайғурадиган Абдумаликни асраб қолишинг, қўтоннинг ҳаммаёғини беркитиб, ичини тозалаб, сурувни иссиқда асрашинг керак! Қўйнинг ётар жойи иссиқ бўлса, таги музламаса бас! Энг муҳими совлиқларни бола ташлатмаслик керак! Очликка яна икки-уч кун чидаш мумкин! Турсунбойни йўлга сол! Битта одамни ўз ортингдан эргашти-

ра олмасанг, унинг юрагига келажакка ва меҳнатга ишонч уруғини ташлай олмасанг, суф сендек ёшлар раҳбарига!

— Куракларни топ! Ҳозироқ қўтонни тозалаймиз! Бўлмаса эрталабгача музлаб қолади!— қичқирдим Турсунбойга. Овозимдан ўзим ҳам чўчиб кетдим. Ҳеч бунақа даҳшатли овозда бақириб гапирганимни эслай олмайман. Кейин билсам ўша пайтда мен ҳам Абдумаликнинг ҳолатига тушиб қолган эканман. Гинг деса ўша дақиқада Турсунбойнинг бошига белкурак билан солиб юборишим аниқ эди.

Астойдил авзойим бузилганидан ҳайратга тушган Турсунбой қош қайирмай айтганларимни бажарарди. Шунда мен илк бор Абдумаликни тушундим. Шундагина мен газеталар эринмай ёзадиган, лекин ана шу ёзганларнинг кўпи тўла-тўкис ҳис этмайдиган масъулият деган сўзни англагандай бўлдим. Шунда мен Абдумалик нега Жўрақул тракторчини уришдан ўзини тия олмаганини фаҳмладим. Унинг аҳволини тушунмаслик ва тушунишни истамаслик бошқа-бошқа эканлигини англадим.

Партком секретари Низомиддин Нарзиев уни тушунишни истамайди. Шунинг учун ёмон кўради! Агар у одамларни севганда эди, уларга ёрдам бергиси, аҳволидан хабар олгиси келарди. Соқмончи ва хашакнинг кечикаётганига ҳам балки ўша сабаб бўлаётгандир. Қизиқ, гоҳида катта-катта номаъқулчилик ва жиноятлар содир бўлади! Лекин чироқ ёқиб қидирсанг ҳам айбдорни топиб бўлмайди. Нега шунақа? Мана ҳозир ҳам худди ана шундай бўляпти! Агар очликдан бутун отар ва биз қирилиб кетсак ҳам айбдор топилмайди!

Сувлар оқаверади, радио бир қолипдаги мақтов гапларини гапириб, концерт бераверади.

Куракларни олиб кетиш учун кирганимда Абдумалик оғир нафас олиб чалқанча ётар, ухлаганми, ҳушидан кетганми, билиб бўлмасди. Бошида тикилиб, анча ўтириб қолдим. Турсунбой илиб қолган сувни ичиб, нон ерди.

— Эрталаб тозалардик-да, ярим тунда сурувни ҳам безовта қилиб. Усиз ҳам ҳеч овози ўчмаяпти,— деди Турсунбой оғзини тўлдириб нон чайнаркан.

— Қўтоннинг ўртасидаги очик жойга ёққан қорни кураб чиқариб ташламасак, эрталабгача ярим метрлик муз ҳосил бўлади. Сен кўзингни уқалаб келиб кўчиргунча муз устида ётган совлиқлар бола ташлайди. Бунга мендан яхши билад туриб қайсарлик қиласан! Ақлли аҳмоқсан!— деб койиган бўлдим.

У менга, тинч қўймас экансан-да, дегандек совуқ ҳўмрайди.

Қўтон эшигига яқинлашганимизда бутун сурув ўзини биз томон урди. Вақтида куракни кўтариб ҳайқириб қайтариб қолдик. Жон-жаҳдимиз билан қўтонни тозалашга киришдик. Бир амаллаб булоққа йўл очиш керак. Ҳозир чўмилса ҳам бўладиган илиқ булоқ суви қўйларнинг жонига ора кирармиди. Ахир, халқда қорнинг очса сув ич, деган гап бор-ку.

Басма-бас маърашларни қаердадир тўлғоқ тутган совлиқнинг кучаниши бўлди. Наҳотки, шу аҳволда қўйлар қўзилай бошласа?! Шу ўйда фонус ёруғида тўлғоқ тутган совлиқни ахтарардим. Озгин, сумови совлиқ бола ташлабди.

— Бари бир қўтонни музлатиб қўйибмиз. Сумови совлиқ бола ташлабди,— дедим Турсунбойга термилиб.

У, яна нима дейсан менга, дегандек ҳўмраяр, қўйилиб келаятган тердан пешонасининг ажинларидаги кир пилта-пилта бўлиб кўчарди. Оҳиста сузаётган ой оппоқ қор юзида совуқ йилтирар, назаримда дунёда қўйнинг маърашидан бўлак овоз йўқдек эди.

— Бет-метингни ювиб олсанг бўлармиди. Турқинга қараб бўлмайди,— дедим Турсунбойнинг юзига фонус тутиб.

— Ўзинг-чи? Ит талаган мушукка ўхшайсан-у, яна бировдан куласан!— деди у сўнгги муз парчасини девордан ошириб улоқтираркан.— Тонг ҳам отяпти. Сен эса мени ҳамон эксплуатация қилиясан,

ўртоқ пионервожатий. Ёки мени ҳам Абдумаликдек сулайтирмоқчимисан?— ёқимсиз иршайди у.

Келиб Абдумаликнинг ёнига чўзилдик. У хириллаб нафас олар, босинқираб алланамалар дерди. Маърашавериб чарчаган қўйларнинг ҳам овози тиниб қолган, қиш бутун борлиқни ўзининг аёзли қучоғига олганди. Турсунбой донг қотиб ухлар, мен деразадан ғира-шира кўринаётган ойнинг чўққиларни ялтиратиб машриқ томон сузишини кузатиб, бизни кутаётган эртанги кун ва келажак ҳақида ўйлардим...

Тўртинчи боб

Абдумаликни уйғотиб, тушлик қилиш учун уйга кирганимизда, этакдан тракторнинг бўғиқ овози элас-элас эшитиларди.

— Хашак келяпти-ёв? — деди Абдумалик трактор овозига қулоқ соларкан, кўзини зўрға очиб. Унинг ҳушига келгандан сўнг гапирган биринчи гапи шу бўлди.

— Қуйи томондан иккита прицеп тиркалган трактор ўрляпти. Қўнглим сезиб турибди. Албатта, бизга бўлса керак,— дедим унинг ўзига келганидан суюниб.

Абдумаликнинг чехраси ёришди. Қон изи қотиб қолган юзида табассум пайдо бўлди. Бошини кўтариб ўрнидан турмоқчи бўлганди, бўлмади. Кўзини юмганча яна ётди.

— Жўрақул мени боплаб урибди-я? — деди кўзини очмай.

— Аввал сиз уни урдингиз, кейин у сизни.

— Жуда уят иш бўлди-да, агар айтганинг рост бўлса, мана, хашак ҳам келяпти. Эрта-индин соқмончилар ҳам келиб қолса керак.

— Эшитган қулоққа яхши иш бўлмади,— дедим энамнинг шу гапи эсимга тушиб.

— Низомиддин Нарзиев эшитса жала ерга жар солади энди. Аъзоликка ўтказмасликка ҳам қулинг ўргилсин баҳона бор. Ҳеч ишим юришмади-юришмади-да. Дуч келган чўпонни партиёга ўт деб орқасидан югуриб юради. Менга келганда... Шунинг касофати билан икки марта сессиядан (Абдумалик қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқирди) қолиб кетдим. «Чўпон одамга ўқишни ким қўйибди», дейди кўзини лўқ қилиб. Қарагин, тракторнинг овози келяпти,— деди Абдумалик сабри чидамай.

Хашак ортилган трактор бизнинг қўтон томон келарди. Қувончдан йиғлаб юбордим. Қалтирашиб турган ҳамма қўй ва эчкиларни қучоқлаб, хашак келатганини бирма-бир айтгим келарди. Тракторчининг ёнида дадам ҳам бор эди. Салом-аликдан ҳам бурун қўйларга хашак сочиб чиқдик. Мен шу кунни ҳаётимдаги энг савобли ва бахтли кун деб биламан. Гапнинг очиги, қўйлар билан қўшилиб ўт егим келарди. Уларнинг хашак ейишига термилиб қувонар, кўзимдан ёш оқарди.

Ҳаммамиз уйга кирганимизда Абдумалик печга юзини тутиб, энгашиб ўтирарди. Кириб келганларга кўзининг қири билан қараб қўйиб, бошини аранг қимирлатиб саломлашди.

— Муштлашмасанг туролмас экансан-да,— деди дадам Абдумаликнинг қаршисига ўтираркан.— Сендан буни кутмагандик, Абдумалик.

— Шунақа бўлиб қолди,— деди Абдумалик овози дўриллаб.

— На ўз укангни биласан, на бегонани. Жўрақул ҳаммасини бориб айтди. Бошингга ўша темир билан қаттиқроқ урганида нима бўларди? Ахир, у бечора сени бирров аҳволнинг сўраб, уйга бирор бир гапинг бўлса билиб кетмоқчи экан. Сен бўлсанг бўғиб, дўппослабсан. Агар шунақа бўладиган бўлса мен коммунист сифатида сени партиё аъзолигига қабул қилмасликларини талаб қиламан. Мендан хоҳ хафа бўл, хоҳ хафа бўлма.

— Сурувни бир амаллаб қишдан олиб чиқайлик, у ёғи бир гап бўлар,— босиқ жавоб қилди Абдумалик.

Турсунбой дадам олиб келган икки қоп ун, қанд, чой ва кийим-ке-чакларни трактордан уйга таширди.

— Эртага ем олиб келишса керак,— деди дадам Турсунбой дам-лаган чойдан ҳўпларкан. Оз-оздан бериш керак. Бир амаллаб булоқ-қа йўл очинглар. Ёрдамга Гаффор келиб қолса ажаб эмас.

Абдумалик гап-сўзсиз бошини ирғади. Дадам қўтондан узоқлашар-кан мен ўзимча ким ҳақ, дея ўйлардим. Дарвоқе, дадам ҳам ҳақ. Ле-кин Абдумаликни ҳам қоралаб бўлмайди...

Биз яқин кунлар ичида илк бор илигимиз жойига тушиб бемалол чой ичиб ўтирардик. Иштаҳа билан нон еб, дадам олиб келган қатиқ-дан ичардик.

— Аслида инсон ўзини одамлар тушуниши учун дунёга келаркан. Сени қанчалик кўп одам тушунса, шунчалик яшагинг келавераркан,— деди Абдумалик шокосадан аҳён-аҳёнда қатиқ ҳўпларкан.— Мен бир нарсага ҳайронман. Хўш, айт-чи, яхши одам деганда сен нимани ва қандай одамларни тушунасан?

— Ҳаммани севадиган ва ҳаммага яхшилик қиладиган одамлар-ни,— дедим жавобимдан ўзим ҳам қониқмай.

— Ҳаммага бирдек яхшилик қилиб бўлмайди. Бунинг ҳам би-ласан. Менимча, яхшилик, бу — тўғрилиқ. Бировга қилинган хиёнат эвазига иккинчи кишига яхшилик қилиш, бу — виждон ўғрилигидир. Бизда ҳозир шундай одамлар кўпайиб боряпти. Энг хавфлиси шундай одамлар ҳақида биз яхши тасаввурдамиз. У бизга ёмонлик қилмаган-лиги, зиён етказмаганлиги учун шундай деб ўйлаймиз. Унинг бошқа кирдикори билан ишимиз йўқ. Яна бир нарса мени ташвишлантиради. Ҳеч кимга фойдасиям, зиёниям тегмайдиган, дунёни сув босса тўпиғи-га келмайдиган, ўзига одамларнинг раҳмини келтириб юрадиган ҳай-калнамо одамларни «ҳар нарсага ўзини урмайдиган камтарин ва яхши одам» деймиз. Ахир булар жамиятнинг ривожланишига мутлақо бефарқ қарайдиган, позициясининг тайини йўқ зарарли одамлар-ку! Дунёдаги шу пайтгача юз берган фожиа ва мусибатлар ана шундай беғамлик ва совуққонлик оқибатида келиб чиқмаганми? Бундай одамлар ташаб-бускор, жонини жабборга бериб ишлайдиганларнинг бирор-бир нуқ-сонга йўл қўйишини, оёғи тойишини пойлаб юрадилар. Оёғи тойиши билан сувга итариб юборишади. Камчилик, нуқсон ҳаммада бўлади. Бекорга халқимиз, бенуқсон парвардигор, демаган. Уша парвардигор-ни ҳеч ким кўрмаганлиги учун у бенуқсондир. Биз фақат шу камчи-лик ва нуқсонни жиноятга айлантормаслигимиз керак. Улар учун эса бу иккисининг ўртасида гўёки чегара йўқдек. Сени бирор-бир балон азимга тўғрилаб қўйиб, одамларга қўшилиб қайғуриб тураверишади. Мана кўрасан, эрта-индин отаримиздан юз чоғли совлиқ нобуд бўлади. Сурувнинг учдан бир қисми тупроқ ялаган. Тупроқнинг устидан очлик-дан чайнаб-чайнамай хашак ейишяпти. Тупроқ қўйнинг ошқозонида қолади. Демак, қўй нобуд бўлади. Унинг қўзиси-чи? Унга ким жавоб-гар? Эртага мен қўзи олиш планини бажармай, кўраман кўрадиганим-ни. Бу ёғи уларни қизиқтирмайди. Ҳайронман, шундай аҳволни била туриб совхоз раҳбарлари уйда қандай тинчгина ухлар экан-а? Қи-зиқ, тўғрилиқ билан ишлаб бўлмаяпти. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда оғир, устомонларнинг ё заринг, ё зўринг деган йўлига бориб қоляпмиз. Балки мен нималарнидир тушунмасман! Лекин аҳмоқ эмасман! Жў-рақулга қўл кўтариб тўғри иш қилмадим. Жаҳл чиққанда ақл қочар экан-да. Тасодикий фалокатлар ана шунда рўй берса керак. Кўп гапи-риб юбордим шекилли. Бошим айланиб қолибди. Транзисторни ол-чи.

Токчада турган эски «Вега» транзисторини олиб бердим. Абдума-лик чалқанча ётганича уни минғирлатиб бураб, қулоғига тутарди.

— Ҳаво яна айниркан,— деди менга қараб.

Ташқарига чиқиш учун кийинмоқчи бўлиб:

— Шунча қорнинг эриши учун ҳам камида бир ой қуёш чарақлаб туриши керак, — жавоб қилдим.

— Мана мени айтди дерсан, бу қор тоғларда биринчи май байра-мигача туради. Лекин ҳосил мўл бўлади. Айниқса кузги буғдой. Ме-ни суяб юбор, ташқарига чиқай, — деди Абдумалик чап қўли билан ток-чага суянаркан.

Орқама-орқа ҳовлига чиқдик. Қўйлар хашак сочилган майдонда тимирскиланиб юришар, бир неча эчки қолган-қутган хашак ташлаб қўйилган томга чиқиб, «ўғрилиқ» қилишмоқда эди. Турсунбой улар-га қараб гавронини отди. Аммо эчкилар парво ҳам қилишмади. Том-га чиқиб, эчкиларни тутиб олиб пастга улоқтиришга тўғри келди. Тур-сунбой иккимиз яна қўтон тозалашга киришдик. Абдумалик қўтон де-ворларини кўздан кечирарди.

Олиддан тракторнинг овози элас-элас эшитиларди.

— Ем олиб келишяпти шекилли, — деди Турсунбой, қўлқопини қайта кийиб бурнини тортиб қўяркан.

— Қайдам.

Трактор тўппа-тўғри бизнинг қўтон томон келарди. Орқадаги прицеп бўш бўлиб, олдинги прицепага қўй ортилган эди.

— Ие, қўй олиб келишибдими? — деди Турсунбой ҳайрон бўлиб. — Бу ёқдагиси етмай турган эканми? Ҳойнаҳой катталардан бирорта-синики бўлса керак.

Ҳайдовчининг ёнидан бизга кўмакка юборилган Гаффор довдир тушди. У ўзи билан бирга ўн чоғли қўйини ҳам олиб келибди.

— Бекор олиб келибди. Шу тўртта тиррак қўйидан ҳам ажралиб кетмасайди, — деди Абдумалик жилмайиб. — Бу ерга у ўзининг қўйини боқиш учун келган. Бошқа одам қуриб кетган эканми? Қайтага гапиравериб ҳаммани ишдан қолдиради.

Биз энди тўрт киши эдик. Сафимизга Гаффор довдир ҳам қўшил-ганди.

— Қўйларингизни бекор олиб келибсиз, Гаффор ака, — деди Аб-думалик унга. — Бирор қор-ҳол бўлса, биздан домангир бўласиз.

— Уйда егулик нари турсин, ялагулик хашак йўқ. Битта сигир билан бузоқни нон бериб боқиб ўтирибмиз, — деди Гаффор ялинчоқ овозда.

Гаффор қўйларини ҳайдаб бориб, талашиб-тортишиб ўт еяётган сурувга қўшди. Ҳеч кимдан сўрамасдан томдан бир кучоқ хашак олиб тушиб қўйларининг олдига ташлади. Қўйлари хашакни егунга қадар ўзи қўриқлаб турди. Бироқ эплай олмади. Қўтон атрофида изғиб юр-ган қўйлар хашакни улоқ-улоқ қилиб кетишди.

— Тавба, — деди Абдумалик ғижиниб унинг хатти-ҳаракатини ку-затаркан. — Ҳамма ўзини ўйлайди. Бир оғиз сўрамасдан қилаётган ишини қара. Бирор гап десанг қишлоққа бориб: «Абдумалик менга бир туғам хашак бермади», деб жар солади. Биздан аҳволларинг қа-лай деб сўраш ўрнига...

Турсунбой иккаламиз қўтонга қараб юрдик. Абдумалик Гаффор-ни чақириб нималарнидир тушунтирди. Қўтонга яқинлашишимиз билан бир неча совлиқнинг инграгани эшитилди. Бир эмас учта совлиқ ўрни-дан туролмай ағанаб ётарди. Биттаси зўрға оёқларини қоқар, жони чиқиш арафасида эди. Турсунбой югуриб бориб Абдумалиқнинг пичо-ғини олиб қайтди-да, жони чиқаётган қўйнинг бошини кесди. Кейин қолган икки совлиқни ҳам сўйишга тўғри келди. Булар тупроқ ялаган қўйлар эди. Тупроқнинг устидан ямламай хашакни ютган. Оқибатда ичи қотиб, ҳеч нарса ўтмайдиган бўлиб қолган.

Қўйларнинг фақат терисини шилиб олдик. Турсунбой иккимиз кўк-рагимизгача қор кечиб ўламсаларни қўтондан панароқ сойгача ташлаб келдик. Энг ёмони, ҳар куни шу йўлдан қатнаб, сойга уч-тўрттадан ўламса элтиб ташлардик. Турсунбой қор барханлари орасида ҳосил бўлган бу йўлни «ажал ариғи» деб атади.

Сўнгги ҳафтада элликтадан ортиқ қўй нобуд бўлди. Жондорли-

сойнинг қашқирлари куппа-кундуз келиб ўламсаларни судраб кетишарди. Уйни паналаб ётадиган Кўктой билан Сиртлон уларни кўрганда ўзларининг борлигини билдириш учун думини қисиб, ҳурибгина қўйишарди.

Абдумалик шиналардан қилинган ясама охурларга туз соларди. Биз уч кишилашиб Сарикбулоққа йўл очардик. Гаффор жағи тинмай алланималарни гапирар, бизга насиҳат қиларди.

— Шу насиҳатларни худобезори ўғлингиз Норбойга қилсангиз яхши бўларди,— деди унинг гапини шартта бўлиб Турсунбой.

— Сен бола, нега ўзингдан каттани гапини бўласан? — аччиғи чиқди Гаффорнинг.

— Жон ака, пул олсангиз ҳам насиҳатингизни бас қилинг! Қулоқни қоқиб қўлга бердингиз-ку!

— Туриш-турмушинг, гапингни совуқлиги, ер бориб айтмасин, худди раҳматли отангнинг ўзи. Бир тукинг кам эмас. Одам ҳам шунақа бетга чопар бўладими. Одам гаплашиб ишласа қизийди, зерикмайди,— астойдил хафа бўлди Гаффор.

— Насиҳатингизам майли-я, Гаффор ака, шу гапингизга ёлғон қўшганингизга йўқман-да! — бўш келмади Турсунбой.

— Қизик экансан, ёлғон ҳам гапнинг каштаси. Ёлғонниям кимдир гапирсин деб одамлар яратган. Шундай бўлгандан кейин гапирамиз-да,— дангал бўйнига олди Гаффор.

Булоққа йўл очиб бўлиб, қўтон тозалашга киришдик. Абдумалик билан Гаффор қўйларга ем улашишди. Абдумалик булоқни кўздан кечириш учун кетганда Гаффор учта қўзилайдиган совлигини эргаштириб қўтонга кириб келди. У қўйларини ажратиб ем берарди.

— Садағаларинг кетай, укалар, Абдумаликка айтманглар,— деди у аёлларникига ўхшаш ялинчоқ овозда.— Шу арзимаган нарсага ҳам ҳаммамизнинг дилимизни хуфтон қилади.

— Ҳозир ўзи келиб қолмаса бўлгани,— деди Турсунбой қўтон эшигига қараб.

— Энди, укалар, мен сизларга айтсам, тирикчилигимиз шу тўртта мол билан. Совхоз берган суюнчи пулидек ойликка рўзгор тебратиб бўлади дейсанми,— деди қўйларини сурувга қўшиб юбориб олдимизга қайтиб келган Гаффор.— Рўзгор — ғор, дер эди раҳматли энам. Қанча кўп топсанг, шунча кўп кетаверади.

Биз сойнинг этагида кўринган ҳар бир қорага умид билан тикилардик. Кечга яқин «Белорус» тракторида партком секретари Низомиддин Нарзиев келди.

— У ёқ-бу ёғингни тўғрила. Эртага директор отарларни айлангани чиқади. Район ва областдан ҳам катталар бўлса керак,— деди Нарзиев салом-аликдан сўнг.

— Нима қилишимиз керак? Оркестр топиб келишнинг иложи йўқ,— деди Абдумалик совуққина.

— Нега сен мен билан бундай гаплашасан? Директорга бориб айтаман,— деди аччиғи чиқиб Нарзиев.

— Умуман сиз билан гаплашмоқчи эмасман, ўртоқ Нарзиев. Директор келса гаплашаверамиз,— деди Абдумалик чўрт кесиб.

— Сен бола, ҳаддингдан ошиб кетяпсан! Ҳорма деб ҳолингдан хабар олгани келганим учун айборманми? Индамасак Жўрақулдек тутиб олиб уришдан ҳам қайтмайсан шекилли!

— Қўйсангиз-чи, Низомиддин ака! Тўғри, сизни партком секретари қилиб сайлаб қўйишган, лекин аслида сиз ҳеч ким... Коммунист ҳам эмассиз!

— Кимман бўлмаса? — тутоқди Нарзиев.

— Директорнинг югурдагисиз! «Шодмонқулникига тўйга-а», деб қичқириб юрадиган товачидай, «эҳтиёт бўл, эртага директор келади», деб жар солиб юрибсиз. Директор ёки ўша район раҳбарлари келса тўппа-тўғри келавермайдими! Ўзингизни-ўзингиз оёқ ости қилиб юрибсиз, Низомиддин ака. Мен бу гапларни, тўғриси, сизга ачинганимдан...

Ўзимга яқин олиб айтаяпман. Қўполлик қилиб айтганим учун мени кечиринг. Ташвишлар мени шунақа қилиб қўйди.

— Яқинингман деб дуч келган жойда, дуч келган одамларнинг ўртасида ёқамдан олавер! Кўрамиз бу ўзбошимчалигинг қачонгача давом этар экан,— қўлини силтаб гапирарди Нарзиев.

— Бари бир сиз мени тушунмайсиз...

— Биз ҳеч нарсани тушунмаймиз! Фирт саводсиз, оми одаммиз! Бўлдимиз? Ургилдим сендек файласуфдан!

Нарзиев шахт билан «Белорус»нинг кабинасига чиқди. Ҳайдовчи тракторни тезликка солмай пастга қараб бурди.

— Шунча гап ўрнига бир қучоқ хашак олиб келсаям нафи теккан бўларди.— деди Абдумалик тобора узоқлашиб бораётган тракторга тикилганча.— Мана шу одамнинг шунча йўл босиб келиб, раҳбарлар келади, ҳушёр бўл, деб жар солиб кетиши учун ҳам совхознинг битта яп-янги трактори ҳалак. Шу трактор фермаларга ем-хашак ташиса қанчалик фойдаси тегарди.

— Бекор қилдинг, Абдумалик. Ҳар қалай партком оти бор. Энди у сенга кун бермайди,— маслаҳатомуз қайғурарди кўзлари жовдираб Гаффор.

— Аслида бунинг учун у бечора айбдор эмасдир. Бош айб қўл остидаги раҳбар кадрлар кучли, бақувват бўлишини истамаган, директорлик курсисидан қўрққан директорда ва қолаверса сиз ҳамда сизга ўхшаган бепарво одамларда. Одамлар уни шунақа — бугунини ўйлайдиган қилиб қўйишган. Унга қобилиятига яраша — миробликми, ҳисобчиликми, бирор иш бериб фойдаланиш керак эди. Қайтамга шундай вазифада у совхозга кўпроқ фойда келтириши мумкин.

— Бор-йўғинг битта чўпонсан-ку, гапинг райкомнинг гапига ўхшайди-я, Абдумалик,— ҳазиломуз ағрайди Гаффор.

— Фожиамиз ҳам шунда-да! Сизнингча, чўпонман деб оғзимизга латта тикиб юришимиз, фақат юқоридан келган буйруқларни бажариб ўтираверишимиз керак. Бундайларни улар тартиб-интизомли ва меҳнатсевар деб билади. Масалан, узоққа бормай сизни олайлик. Совхозда дала қоровулсиз. Агар одамларга кўпроқ фойдам тегсин, мендан ҳам бирор-бир дарахт ёки бино қолсин десангиз, уззу кун бир бўғоз байтални лўкиллашиб, болаларнинг йиққан сомонини тортиб олиб юрмасдингиз. Заркамар даласининг қоровули Мардонқул бобони яхши биласиз. Ёши етмишдан ошиб қолган. Улуғ Ватан уруши инвалиди. Пенсияни олиб, уйда сандалга оёғини тикиб, жимгина ўтиравериши ҳам мумкин. Лекин у киши бундай қила олмайди. У одамлар учун кераксиз бўлиб яшайдан ор қилади. Сиз эса бизга ёрдамга тўртта қўйингизни ўйлаб келгансиз,— деди Абдумалик охур тозалашга киришаркан.

— Сенга парткомдек одам гап топиб бера олмади, бизга йўл бўлсин, ука!— деди хафа бўлиб Гаффор.— Сениям бола-чақанг мендек саккизта бўлганда биласан. Уларни қорнини гап билан тўйдириб бўлмайди. Ҳозир одамлар ноннинг қуруқ ўзини емайдиган бўлиб қолишди. Нима қилай энди, ука? Боримиз шу...

Гаффор аканинг кўзи ёшланиб кетганда ичимдан бир нима узилиб тушгандай бўлди.

— Гапингиз тўғри, Гаффор ака. Мени кечиринг. Ҳалиям хайриятки дунёда сиздек содда ва ишонувчан одамлар бор. Бўлмаса бу дунёни бошқариб бўлмасди,— деди хижолат бўлиб Абдумалик.

— Бизнинг бўларимиз шу. Лекин сен ёшсан. Эҳтиёт бўлганинг маъқул, ука. Ҳамма гапинг тўғри. Раҳматли отанг ҳам тўғри одам эди. Мендан уч ёш катта эди. Сўнги марта урушга жўнаб кетаётганида кўрганман. Қайтиб келмади худо раҳмат қилгур. Гапинг индалосини айтганда, ука, сен ўзингга эҳтиёт бўл. Тўғриман деб ҳамма гапни айтавермаслик керак. Белингни синдириб қўйишлари мумкин. Бел бақувват бўлмаса узоққа бориб бўлмайди,— астойдил насиҳат қиларди Гаффор.

— Гаффор ака! Уз тинчимни ўйлаб эҳтиёткорлик қилсам, давлат, жамоат бойлигини ўмараётганлар билан келишиб ишласам, унда мен нима деган одам бўлдим? Ахир жамиятимиз, ҳар томонлама ривожланиши, ҳам маънавий, ҳам моддий ривожланиши керак-ку! Биз қоринга кўп эътибор берадиган бўлиб боряпмиз. Сўзсиз, қоринга зўр берилди-ми, виждонни ҳам қоринга жойлаб юбордик деяверинг.

— Э-э, ука, ростини айтганда, бало экансан. Мана умримиз бир манзилга етпти, лекин сен айтганларни ўйламай ўтаверибман. Балки тушунганимда сени ёнингда туриб ўзинг айтган ўшандақа одамларга қарши курашармидим,— деди Гаффор қисик кўзлари билан олис-олисларга тикиларкан.

Турсунбой иккимиз кўтон деворидан аҳён-аҳёнда бўйнимизни чўзиб, уларнинг суҳбатига қулоқ солардик.

Абдумалик кўтон ортига ўтиб кетганида Гаффор ака ғудраниб ўзи билан ўзи сўзлаша бошлади:

— Бола-да, ҳали боши тошга тегмаган. Бир кун боши тақ этиб тошга текканда кўзи очилади-қолади. Лекин тан бериш керак, зўр бола. Уғлинг бўлса шунақа, юрса оёғидан ўт чақнайдиган бўлса. Миясиям тўла. Гапларини семизлигини...

Кеч кириши билан яна ёға бошлаган қор эртаси куни тушга яқин тинди. Лекин совуқнинг авжи пасаймади. Кўтоннинг ичини тозалаб улгурмасдик. Бўрон қорни кўтон ичига урарди. Мен эсимни таниганимдан бери бундай қиш ва совуқни кўрмагандим. Кўтоннинг ўртасига ёққан қор босилиб музлар, музни кўчириб, курашдан чарчаганимизда қуруқ қий сепардик. Қий ҳам бир зумда шилтага айланар, бир ишимиз икки бўларди.

Ҳар куни ҳеч бўлмаганда битта қўй ўлиб, битта совлиқ бола ташлаб, нобуд бўлган қўй ва қўзиларнинг ҳисобини Абдумаликдан бошқа ҳеч ким билмасди. Сурувни эрталаб кўтондан чиқараётганимизда Абдумалик қўйларнинг оёғи остида қолиб нобуд бўлган тўқлини кўриб:

— Ие, Гаффор аканинг тўқлиси-ку! Уят бўлибди,— деди четроққа судраб чиқар экан.

Тўқлисининг ўлигини кўрган Гаффорнинг шом-туби қоронғи бўлиб, қовоғи осилиб кетди. У ичидаги гапини Абдумаликка айтолмас, лекин қўли ишга бормас эди. Абдумалик худди темир одамга ўхшаб, чарчамай ишлар эди. Биз ҳам унинг ишлашига ўрганиб қолган эдик. Бир оз дам олиш учун чўнқайдик. Гаффор пайтавасини қуритмоқчи бўлиб, уйга кириб кетди.

Абдумалик бошини кўтон деворига тираб, шифтга тикилганча сўзларди: Гаффор ака, кўнглини бўлмайд ишлайверинг, қўйингиз камаймайди, десамкикин-а? Ем-хашак кўп бўлса эканки... Йўқ, манавини уйингиздаги сигир-бузоққа, қўйларингизга берасиз, деб ем-хашакдан ажратиб бериб юборолмайман. Кўп бўлса эканки... Бу кўпчиликнинг, халқнинг мулки-ку. Қандай қилиб одамларнинг юзига оёқ қўйиб, Гаффор акага ем-хашак берай? Бироқ яна битта қўйи ўлса, Гаффор ака кетиб қолса керак. Қишлоқда уйига қамаб бўлса ҳам иссиқда тўртта қўйни эсон-омон асраб қолиши мумкин. Худо билади, ҳали бу тоғнинг орасида бизни нималар кутиб турибди.

— Кетаман деса хафа қилмай жавоб бериш керак,— дедим маслаҳатомуз.— Узимиз бу ёғини эплаймиз.

— Йўқ, нимасига хафа қиласан бу бечорани. Меҳнат ҳақиға майли тўрт-беш боғ хашак ҳам берамиз. Жўжабирдек жон.

— Бизга яна хашак келиб қолар.

— Олиб келишади. Бўш келмаймиз, оғайни! Курашамиз! Табиатнинг бундай синовлари инсон учун жуда керак. Иродани синаш имтиҳони бу! Мен бир нарсага ҳайронман, Нурулла. Мана ҳозир қишлоққа бориб одамларнинг чорвасини бирма-бир текшириб чиқ. Бирортасининг қўйи нобуд бўлмаган. Бундан икки баробар қаттиқ қиш бўлса ҳам нобуд бўлмайди. Лекин совхознинг қўйи нобуд бўлади. Айт-чи,

бунинг сабаби нимада? Менимча, бепарволик ва ўзимизни кўпроқ ўйлайдиган бўлиб бораётганимизда. Кишиларимиз истак билан эмас, имконият билан ишлайдиган бўлиб боришяпти. Биз ўзимизнинг лоқайдлигимиз, бепарволигимиз ва бефаҳмлигимизни табиий офатларга тўнкаймиз. Қўтонни қойил қилиб қуриб, етарли ем-хашакни жамғариб қўйганимизда бирорта ҳам қўй нобуд бўлмасди. Нобуд бўлган қўйларимиз қаттиқ қишининг эмас, бизнинг лоқайдлигимиз ва беғамлигимиз қурбони.

Бешинчи боб

Апрелнинг бошларидагина тоғ бағри қорайиб, қорлар эрий бошлади. Сойлар тўлиб-тошиб, қирғоқларни емириб оқарди. Мен бу йили ҳаётимда илк бор баҳорнинг кириб келишини кечаю кундуз, узлуксиз ҳайрат ва иштиёқ билан кузатдим. Сурувимизда қўзилаштиш бошланган бўлиб, қўл-қўлга теғмас, овқатимизни ҳам тик туриб ердик. Қишда сезиларли йўқотиш бўлган, сурувнинг асосий ўзаги сақлаб қолинган эди. Лекин қаттиқ совуқдан анчагина қўйлар ўпкасини олдириб қўйган, галма-гал пўкиллашиб йўталишарди.

Абдумаликнинг ҳисоб-китобича бизнинг талафот қиш мобайнида совхоз кўрган умумталафотдан оз эди. Абдумалик ўз-ўзини кечира олмас, кўзи илинар-илинмас уғғониб, тонг ёришмасданоқ сурувни қўзгаб, ёйгани чиқиб кетарди. У кетгандан сўнг менинг ҳам уйқум қочар, гавронимни судраганча кетидан йўлга тушардим.

Биз ҳар куни эрталаб Жийдали даштида умидбахш тонгни ва она қуёшни қарши олардик. Кейин билсам Абдумалик эсини таниганидан бери тонгни қаршилар экан. Олис тоғлар ортига чўғ ташлаб тонг отавериши билан Абдумаликнинг қиёфаси ўзгариб, кўзлари чақнар, олис-олисларга, Ойқор ортини қизғиш нурга бўяб, умид билан кўтарилаётган чўғдек қуёшга, қуёшнинг илк нурлари санчилиши билан олов рангида товланаётган қорли чўққиларга гап-сўзсиз тикилганча ўтириб қоларди. Кўзидан милтиллаб ёш оқади. Узи буни сезмайди. Шу дақиқада у бор овози билан қўйлаётган қўшиқчига ўхшаб кетади. Абдумалик бу дақиқада она тоғимиз Ойқор, бизга хайру барака олиб келувчи Қаттасой, қишлоғимизнинг подаси ёйиладиган Заркамар яйловлари, қизлар қўшиқ айтиб пахта тераётган орзудай оппоқ пахтазорлар, баҳорнинг илк даракчилари бойчечак, телпақгул ва бинафшалар ҳақида қўйлаётган бўлади. Унинг қўшиғига қишлоқ уйларининг мўрисидан бурқсиб кўтарилаётган тезак тутуни ва тоғ томон йўл олган қишлоқ подасининг маърашлари, чўпон боланинг қалбни энтиктирадиган «ҳайда-ҳайда»си жўр бўлади. Бу ҳаёт, ҳаётнинг узлуксизлиги, гўзаллиги ва ташвишлари ҳақидаги қўшиқ эди. Мен Ойқордан, биз бирга оттирган бедор тонглардан, Бобо қуёш ва Она табиатдан, Абдумаликдан бу қўшиқни ўрганардим. Мен бу қўшиқни бор овоз билан қўйлашга, одамларга етказишга ошиқардим. Дарвоқе, Абдумалик қўйлаётган бу қўшиқ барчага баробар ҳақиқат — меҳнат қўшиғи эди. Абдумалик борлигини шу қўшиққа бағишлаган эди. Бу оламжаҳон туйғулар менинг мурғаккина юрагимга сиғмас, бор овозим билан ҳайқиргим келарди...

Тонг отавериши билан Абдумалик аллақандай илоҳий товушда гўлдираб гапирарди. Бировга гапиряптими, ўз-ўзига гапиряптими билиб бўлмасди. Иккимиз мағрибга қараб қияликда жимгина ўтирардик.

— Меҳнат муҳаббатдан, муҳаббат меҳнатдан бошланади, — деди у бир куни мижжа қоқмай тонг отишини кузатаркан. — Яшаш учун севиш керак.

Бу гапни латтаси чиқиб кетган ён дафтаримга секингина ёзиб қўйдим. Абдумалик ҳақида асар ёзганимда, албатта, ишлатаман дея ҳаёлимдан ўтказдим. Ўзимча «ёзиш учун ҳам севиш керак», деб қўшиб қўйдим.

— Тонг билан баробар одимлаган киши яшаш учун кечикмайди,— давом этди у қуёшнинг оловли рангига кираётган чуққиларга энтикиб тикиларкан.

Ойқор қаршимда шу пайтгача мен кўрмаган рангда жилваланади. Мен ҳечам бундай рангни учратмаганман. Тоғ ёнарди. Бу рангни юракка, вужудга ва ақлга сиғдириб, тасаввур этиб бўлмасди. Гапирай десам овозим чиқмас, мўлтираб тоққа тикилиб ўтирардим. Дарвоқе, мен ҳам Абдумаликнинг қўшиғини машқ қилардим. Назаримда, бу қўшиқда ҳаётдаги бутун яхшилик ва ҳалоллик мужассам эди. Юрагида яшаш ва курашиш ишқи барқ урган одамгина бундай қўшиқни куйлай оларди. Бундай одам қаршимда, шундоққина ёнгинамда ўтирар, биз биргаликда ўзимизни кутаётган бахт ва ташвишлар остонасига қадам қўярдик. Абдумалик ота-боболаримиз куйлаб келган, дунёни ушлаб турган қудратли меҳнат ва муҳаббат қўшиғини куйларди. Мен унга тонгга ишонгандек ишонардим...

Тўл ташвишлари учаламизни ҳам толиқтирадиган даражада бўлишига қарамай, ҳавас билан ишлардик. Турсунбой ҳам анча ўзгариб қолган эди. Энди ҳар бир ишни Абдумалиқдан ҳайиқиб эмас, виждонан бажарарди. У нималарнидир англаб етаётган эди. Бироқ Абдумаликнинг ташвиши бошидан ортиб ётарди. Абдумалиқдаги безовталик, бажарган, бажараётган ишидан қониқмаслик одати бизга ҳам ўтиб қолган эди.

Якшанба куни сурувдан хабар олгани совхоз ишчилар комитетининг раиси Синдор Санақулов келди. Ердამни дўндирадигандек Абдумалиқдан талабларини сўроқлаб ёзиб олди.

— Райкомдан кандидатлик муддати тўлган ва ўтиб кетганларни сўраб суриштираётувди. Сен ҳам ҳақиқийликка ўтиш учун ариза берсанг бўларди,— деди кетаётганда Абдумалиқка.

— Қишда икки юз бошга яқин қўй йўқотдик. Қўзи олиш плани ҳам бажарилмайди. Бу аҳволда қандай қилиб ариза бераман? — жавоб қилди Абдумалик тушкун оҳангда.

— Сен айбдор эмассан. Барчага баробар келган фалокат. Сен аризани беравер, у ёни бир гап бўлар.

— Шу бир гап бўлмай туратурсин, Синдор ака. Қўзилатишни тугатайлик. Бафуржа гаплашармиз.

— Ҳай, ўзинг биласан. Яна ўйлаб кўр,— деди Санақулов эски чарм папкасини қўлтиқлаб машинаси томон юраркан.

У хайрлашиб, жўнаб кетди. Яйдоқ қирда Абдумалик иккимиз қолдик.

— Синдор ака менга рекомедация берган. Шунинг учун қайғуряпти, бечора. Тўғри одам, ишини ҳалол-покиза бажаради. Лекин доимо унга халақит беришади. Бўлар-бўлмас ишга бўришаверади. Бечора, ким нимани буюрса гап-сўзсиз бажаради. Одам юввош бўлса ҳам олғирлар ўртасида эрмак бўлиб қоларкан. Ҳаётда ҳамма ўз ҳақиқатини излаб яшайди. Биров бунга эришади, биров эришмайди. Тасаввурингдаги ҳақиқатга интилиш, унинг борлигини ҳис эта олишнинг ўзи бир бахт. Кўп ҳолларда бу ҳақиқат ўзимизнинг тор доирадаги манфаатларимизнинг қурбони бўлиб қоляпти. Бундай одамлардан ҳеч нима кутиб бўлмайди. Энг ёмони, уларни тезда пайқаб ололмайсан. Улар кўпроқ жиноят ва хато қилмаслик ҳақида ўйлашади. Хатога йўл қўймаслик учун эса ҳеч иш қилмаслик керак. Партком секретари Низомиддин Нарзиев худди шундай одам. Мияси товуқникича бўлса ҳам директорликни кўзлаб юрибди. Директорликка бир поғона қолганини ўйлаб, ҳунарини ишга солаяпти: хушомадгуйликни ҳам, ҳеч бир масалада фикр билдирмай, сохта сукут сақлаб ўзини ақлли кўрсатишни ҳам ўрнига қўяди. Аслида у, ўзича талант деб билган имкониятнини шу амалга етиш учун сарфлаб бўлган. Қолганини эса ўзининг қуруқлигини оқлашга сарфлайди.



— Шу гапларни партия мажлисида айтсангиз нима қилади?— сўрадим унинг мулоҳазасидан лол қолиб.

— Пайти келганда айтаман ҳам!

Шундай дедию Абдумалик телпагини бошига қўйиб, чалқанча ётди. Мен Синдор аканинг биздан тобора узоқлашиб бораётганини кўзатардим. Совуқ шабада этни жунжиктирар, кеч кириши билан сойларнинг шарқираши бир оз тиниб, ер қотарди. Тоғ этакларини яшилликка буркаётган баҳор тракторлар ўрмалаб, одамлар билинар-билинемас ғимирлашиб юрган далаларга, оппоқ гулини ям-яшил бутоқларга алмаштираётган боғларга қадам қўярди. Кафтдек текис шудгордан ҳовур кўтарилади. Узоқларда эса қизараётган уфқ Нурота тоғларига туташиб кетади.

Икки кундан кейин қўтонга келган қўйчилик фермасининг ҳисобчиси Абдумаликни идорага чақириваётганини айтди.

— Бошланди,— деди Абдумалик ёйилиб юрган сурувдан кўзини узмай.

Ниманинг бошланаётганлигини, уни қандай ташвишлар кутаётганини ўйлардим. Даҳлизда чанг босиб ётган, аккумулятори ўтириб қолган мотоциклни икковлашиб бир амаллаб юргиздик. У идорага жўнаб кетдию менинг ичимга ғулғула тушди.

Олтинчи боб

Абдумалик директорнинг қабулхонасига кирди. У ерда уч киши — молбоқар, яна бир чўпон ва учинчи бўлим бошқарувчиси ўтиришарди. Бошқарувчи қабулга кириб тезда директор билан қайтиб чиқди.

— Эҳ-ҳа, муштумзўрлар ҳам келаркан-ку! Узимиз борардик, овра бўлибсан-да,— деди директор эшикдан чиқиши билан Абдумаликка тилла тишлари орасидан гапираркан.

Абдумалик индамади. Унинг гапини эшитмаган кишидай бепарво тураверди.

— Парткомга учраш, ишингни бир ёқлик қил! Сен учун биз райкомдан гап эшитиб юрмайлик! Усиз ҳам ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди,— деди эшик олдига борганда.

— Акт учун калла-поча олиб келгандим,— деди чўпон директорнинг орқасидан эргашаркан.

— Бош бухгалтерга кир. Бу йил актга имзо чекавериб қўлимиз қаварса керак. Менга йўлиққанингни айт.

Абдумаликнинг руҳи тушиб кетди. Қадамини судраб босиб Нарзиевнинг хонаси томон юрди. Эшикни қия очиб мўралади. Нарзиев ўтган йили Саратов педагогика институтини битириб келиб, ҳозир мактабда ишлаётган рус тили ўқитувчиси билан ниманидир ҳижжалаб ёзишарди.

— Тушдан кейин гаплашайлик, кетиб қолма тагин,— деди эшик томон кўзи тушган Нарзиев.

— Директорга рус тилида доклад тайёрлашяпти. Обкомда актив бўларкан,— деди коридорда ғимирлаб юрган идора ходимларидан бири.

Абдумалик идорага иш билан келган яна иккита бош чўпон ва товуқчилик бригадасининг бошлиғи билан ошхонага киришди.

— Юзта-юзта ташлайлик энди, оғайнилар,— деди Мирзақўзи исмли бош чўпон, икки қўлтиғидан иккита шиша чиқараркан. Сўнг икки юз граммлик стаканларга тўлдириб арақ қуйди.

— Бухгалтер Қодир қитмир актларга тезроқ қўл қўйсин, олдик!— деди Мирзақўзи қадаҳ кўтариб.

Абдумалик индамай стаканни бўшатди. Умрида илк бор арақ томоғидан осонгина ўтди. Илгари ҳечам бундай бўлмасди. Қистов билан юзини буриштириб, зўрға бир неча қултум ютарди. Утирганлардан кимдир яна арақ олиб келди. Бирдан боши айланди-ю, Нарзиевга учрашиши эсига тушиб кейинги стаканни ичмади.

— Хафа бўлма, ука, пешонада борини кўрасан,— деди кайфи ошиб қолган Мирзақўзи ошхонадан чиқаётганда. Абдумаликни четроққа тортиб.

— Нима бўпти? — атайлаб сўради Абдумалик қизиқиб.

— Сени масалангни айтаяпман-да,— деди Мирзақўзи.

— Қандақа масалам? — таажжубланди Абдумалик.

— Ие, ҳали хабаринг йўқми? Сени партиядан ўчиришармиш,— деди у кўзлари пирпираб, гуноҳқорона.

— Ҳали партияга қабул қилишгани йўқ-ку, қандай қилиб ўчиришарди?

— Ўтган йили шу пайтда партияга ўтувдинг шекилли?

— Кандидатликка, аъзоликка эмас.

— Уша қайсисига қабул қилишган бўлса, шундан ўчиришар эканда.

— Ким айтди сизга?

— Ҳамма шундай деяпти!

— Бирор жойда шундай эълон ёзиб қўйишмабдими?

— Эълон бўлса бўлгандир. Ҳар ҳолда шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Мен партия эмасман, лекин ростини айтсам, сени партиядан нотўғри ўчиришяпти. Ҳай, Жўрақул тракторчини икки мушт урган бўлсанг урибсан. Улиб қолгани йўқ. Ун мушт урсанг ҳам ўлмайди у бўрдоқи. Нарзиевни сўксанг сўкибсан, шишаси ёрилиб қолмагандир. Эркак одам сўкинади-да. Қишлоқда сўкинмасанг иш битадими. Уша Нарзиевнинг ўзи ҳеч кимни сўкмас эканми? Хотинини тутиб олиб дўппослаганини бутун қишлоқ кўрган. Арзимаган гап учун сенга шунча осилишадими? Шунинг учун ҳам бутун бошли бир одамни партиядан ўчириш керакми? Директорни кўрсам «Абдумаликка раҳм қилинглар! Болалик қилган, эс-хуши жойида бола», деб айтмоқчиман. Тўғри гап учун мени отиб юборишмас. Совхозда мен улардан кўп ишлаганман.

— Аввал ўчиришсин, сўнг бир гап бўлар! — деди Абдумалик кулимсираб.

— Э-э, боласан-да! Партиядан ўчиргандан сўнг қамашади! — куяиб-пишарди Мирзақўзи.

— Бўпти, Мирзақўзи ака, кўпам куйинманг! Чин юракдан менга қайғураётганингиз учун раҳмат. Минг афсуски, сиздек содда, яхши одамлар камайиб боряпти. Хайр! Мен Нарзиевнинг олдига киришим керак.

— Э-э, шошма! Борарсан ўша пўкакнинг олдига! Мен сенга айтсам, жа таги паст бола-да, баччагаринг! Директоримизга шундай мулла минган эшакдек айтган томонига юрадиган, директорлик курсисига хавф солмайдиган одам керак. Низомиддин пўкак худди шундай киши. Ахир, қишлоқда бекорга унга пўкак деб лақаб қўйишмаган-да. Керак бўлса мен ҳам партияман, фақат билетим йўқ! Иккита грамўта деган қоғозим бор. Уч марта газетада суратим чиққан! Ҳаммасини қирқиб олиб қўйибман! Раҳматли отанг шунақа бир гапли, айтганини қилмаса қўймайдиган одам эди! Худди ўзисан! Бўш келма! Булар мард одамлар бўлганда бош эгсанг арзирди! Ҳақиқатчи бўлсанг ҳамма ҳурмат қилади! Нопок одамлар ҳақиқатдан олабўжидек чўчишади! Шунанга! Мен сендан бир неча кўйлакни кўп йиртганман. Бу бошлар тошга тегавериб қотиб кетган! Билдингми!..

— Бўлди, Мирзақўзи ака. Уйга боринг энди. Ишимни битириб қайтаётганимда олдингизга кирарман.

— Биласанми, бир гапни сенга айтиш эсимдан чиқибди. Райкомнинг энг қатта секретари мени «ажойиб одам экансиз» деган. У кишининг гапини директоримиз ҳам эшитиб турувди. Мени зўрға таниса ҳам, кўз олдимда райкомга роса мақтади номард! Энди бўлса, мана, қўриб турибсан, бир ҳафтадан бери олдига киролмайман! Эрталаб кўрдинг-ку, ҳе йўқ, бе йўқ сени ёқангдан оляпти. Аввал салом-алик қил, одамлар билан сўраш, сўнг гуноҳи бўлса, пушканинг оғзига қўйиб отмайсанми, номард! Шаҳарлик директоримиз бу ерга пул тўплаш учун келган! Чорвачиликнинг «ч» ҳарфиниям билмайди. Бўлмаса, «Қишда қўйларни кўтондан чиқарманглар», дейдими!

— Хайр, Мирзақўзи ака! Ишимни тугатиб, олдингизга кираман! Бир отамлашамиз!

— Мен директорга учрашим...

— Эртага учрашасиз. Ҳозир ноқулай.

— Хўп! Бўлмаса, албатта, сени кутаман. Чечангга бешбармоқ қилдириб тураман! Жиянинг Дўствойнинг тўйдан қолган арақ билан коньяк бор...

Абдумалик идора атрофини бир оз айланиб юрди. У Мирзақўзи ҳақида, бутун умрини меҳнатга бағишлаган, сурувига қишлоқдаги қаровчиси йўқ, етим-есирларнинг битта-яримта қўй-эчкисини қўшиб борқиб юрадиган, нима топса бировсиз томоғидан ўтмайдиган, тўғри сўзлиги учун ҳар кимдан дакки еб юрадиган серфарзанд, оддий одам Мирзақўзи ҳақида ўйларди. Жамият учун энг керакли ва унинг томири бўлган бундай одамларни севиш, асраш ва бошга кўтариш керак. Уғли ва укаси билан қарийб қирқ йилдан бери бир отарни эплайди. Ҳеч кимдан ёрдам сўрамайди. Қайтага ёрдам бериб юради. Одамлар кетикдан югуриб-еладиган мукофотларни фарқига ҳам бормайди. Сабаб, у меҳнат қила олади. Қилган меҳнатидан кўнгли тўқ. Шунинг учун ҳам бошқа ўткинчи нарсалар ҳақида ўйлашга вақти йўқ. Ҳозир нима деган бўлса акари тўғри. Мастлик ростлик деб бежизга айтишмаган. Энг муҳими бундай одамларда ёлғончилик ва олғирлик яширинган уддабуронлик ҳақида тасаввур ҳам йўқ. Улар табиатнинг бир аъзосидек, ҳаёт нормаларини онгли равишда англашмаса ҳам, унга амал қилиб, ҳалол-покиза яшашади. Абдумалик шулар ҳақида ўйларди.

Нарзиев асабий ва нотинч эди. Абдумаликнинг назарида у гоят ожиз, бенаводай туюлди.

— Аҳвол оғир, ука!— деди у бир оз ўзини босиб олгандан сўнг қалтироқ овозда.— Райком олдида юзимиз шувит бўлди. Давлатнинг иши, қолаверса, сенинг тақдирингни ўйлаб Жўрақулнинг милицияга берган аризасини текширишни тўхтатиб турибмиз. Сурувингдан қанча

қўй нобуд бўлгани ўзингга маълум. Бундан кўпи ҳали акт қилинмаган. Жўрақул «милиция органлари аризамни текширмаяпти», деб обкомга ёзибди. Шундан бери начальник милиция бизга тинчлик бермайди. Биринчи секретарь директорниям олиб бориб-олиб келди.

— Жўрақул қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида ариза берган. Сиз мени милициядан ҳимоя қилмай қўяқолинг. Мен нима қилай? Эрталабдан бери идорани қоровуллаб юрибман.

— Менинг номимга тушунтириш хати ёз! Жўрақулни урганнингни, раҳбарларни ҳақорат қилганингни ёз! Уялмасанг, ўз уканг Турсунбойни дўппослаганингниям ёз! Масалангни партия мажлиси ҳал қилади!

— Ёзмайман! Қўлингдан келса осиб юбор! Билдингми! Сендек ифвогар ишбузуқи номига тушунтириш хати ёзишни ҳақорат деб биламан.

— Мени ҳақорат қилма!

— Ҳайфи секретарлик кет! Айт, партия мажлисига қачон келай!

Абдумаликнинг авзойи бузилганидан чўчиган Нарзиев қўллари қалтираб стол устидаги қоғозларни йиғиштирарди.

— Мен сен билан гаплашмайман! Керакли жойда гаплашишади!— деди у қоғозларни тутамлаб.

Абдумалик кабинет ешигини тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди. Нарзиев билан ораларида учқунлаб турган чўғ аланга олган эди. Абдумалик чекинса, айблари учун кечирим сўраб, тақдирини ўшалар қўлига топшириб қўйса бўларди. Лекин у бундай қилолмасди. Виждонига қарши боролмасди. У йўлда кетаётиб ўйларди:

«Партияга ўтиб олгунимга қадар нима дейишса «хўп» деб туришим керакмиди?... Йўқ! Кейин ўз-ўзимдан нафратланиб юрардим. Тавба, мен Нарзиевга нима ёмонлик қилдим. Уч-тўртта бор гапни айтганим учун ҳамма ишим бир юз саксон градус орқага бурилиб кетди. Райкомга борсаммикан? Бари бир бу масалани бошланғич ташкилот ҳал қилади. Энг муҳими мажлисда юрагимдаги гапларимни айтиб оламан! Мениям тушунадиган одамлар топилар! Мажлис протоколи райкомга боради-ку! Райкомда мажлис протоколини ўқишармикан?! Тўғри, айбим бор! Лекин менинг ўрнимда улар бўлганда нима қилишарди? Ахир жинни бўлиб қолишимизга сал қолди-ку! Гуноҳимни бўйнимга оламан! Нарзиевни эса ҳақорат эмас, танқид қилганман! Нотўғри гапирган бўлсам исботлаб, тўғри йўл кўрсатсин!..»

Абдумалик шу кунги совхоз марказидан маъюз қайтди. Қиёфаси нақадар ҳорғин ва мунгли кўринмасин, кўзидан ишонч нури ёғиларди. Шу кечаси уйқум келмади. Нимадир, қандайдир эртага қолдириб бўлмайдиган ишни қилишим керакдай туюлди. Аммо қандай иш эканлигини англаб етмасдим. Ярим кечада сурувни сутдек ёруғ Заркамар далаларига ёйиб юбордим-да, тепаликка чиқиб, ойга қараб ўтирдим. Ойқорнинг асрий музликларидан оқиб тушаётган сойларнинг шарқираши баралла эшитилиб турарди. Олис-олислардан сурув етакловчиси — серкаларнинг бўйнига осилган қўнғироқнинг жиринглаши эшитилади. Нимадир бўғзимга тиқилиб кела бошлади. Сўнг беихтиёр шеър тўқий бошладим...

**Юртим, сени куйламоқнинг
Мен-чун икки йўли бор:
Бир сара шоир бўлиб,
Куйлагум кўп жарангдор
Истамайман овозимнинг,
Оддий овоз бўлишин.**

**Ахир, бундай овозлар кўп,
Мумкин эмас келишиш.
Шоирликни эплолмасам,
Қўлимда маҳкам кетмон.
Мени кутар нурсиз чўллар,
Мен шу ёққа кетаман!**

Ён дафтарим уйда қолганлиги учун жумлаларни қайта-қайта такрорлайман. Узимни қушдек енгил ҳис этардим. Овозимнинг борича ҳайқиргим келарди. Шу дақиқада бирдан мен билан бирга имтиҳон топширган марғилонлик қизнинг отини айтиб, тоғлар оша югуриб унинг олдига боргим келиб кетди. Унинг исми Сабоҳат эди. Ҳамма Сабо деб чақирарди. Мен унга дадилроқ туриб бирор гап айта олганим йўқ.

Лекин ҳаммадан кўп тикилганман. Ҳечам тикилиб тўймаганман. У жуда бошқача қиз. Ҳеч кимга ўхшамайди. Унинг олдига бориб гаплашиш учун ўзимни узоқ тайёрлардим. Бироқ кўзим кўзига тушиши билан ҳамма ўйлаб қўйган гапларим эсимдан чиқиб, тиззаларим қалтирайверади. Гапирай десам лабларим ва қош-қовоқларим учиб тушаверади. Бировнинг тинчлигини бузиб гаплашиш мумкин эмасдир, лекин тикилиб ўтириш мумкин-ку. Консултацияларнинг бирида унга, юзига ёйилиб тушган сочига тикилиб қолганимни пайқаган партадош абитуриентнинг гапи тез-тез қулоғим остида жаранглайди:

— Қиз эмас, даҳшат экан! — деди у чуқур нафас олиб.

Негадир унга ҳеч ким бепарқ қарай олмасди. Бундан мен азоблардим. Ёшлигимдан уйимизга ким келса суратини чизиб ўзига тақдим этардим. Лекин қанча ҳаракат қилмайин, унинг суратини чизолмадим. Қўлларим титраб кетаверади. Уни чизиш мумкин эмасди. Унга фақат мўлтираб тикилиб ўтириш керак эди. Гап-сўз ҳам ортиқчалик қиларди. У... умуман, ёзиб тасвишлаб бўлмайдиган даражада гўзал эди. Исмиям гўзал — Сабо! Имтиҳонда унга ёрдам бераман деб ўзим уч баҳо олдим. Лекин бунинг учун қанчалик қувонганимни билсангиз эди..

Сўнг бор овозим билан унинг исмини айтиб чақирдим.

— Сабо-о-о! Қаердаси-и-и-э! Сизни соғинди-и-и-м!!!

Овозимга тоғлар акс садо берарди. Яна беихтиёр шеър айта бошладим. Бу шеър Сабо ҳақида эди:

**Бир кун келиб биз учрашамиз,
Севгимизни этамиз изҳор.
Висол куйин куйлаб абадий,
Икки қалбга келажак баҳор.**

Мен тоғларга қўшилиб кетган эдим! Энди куртак отаётган бодомлар, чўққилар қаршисида сукут сақлаган қирлар менинг шеъримга жўр бўлишарди. Мен бахтиёр эдим! Баҳорда Фарғонага борсам, унинг олдига бораман. «Салом, Сабо, мен келдим», дейман. Қувончим юрагимга сиғмасди. Уни фақат қўшиқ қилиб куйлаш мумкин эди. Шу сеҳрли туйғуларни шеърга солгим, яшил далалар, меҳнаткаш ва жасур Абдумалик, гўзал Сабо ҳақида тенгсиз қўшиқлар яратгим келиб жўшардим.

Еттинчи боб

Абдумалик ҳар кимга ёрилавермас, далада сурув кетида юрганида ичидаги дардини хиргойи қилиб юрарди. Уша, идорадан қайтиб келган куни ўзича «Мени кутгил ва мен қайтарман, ўлимларни қолдириб доғда», дея бошланувчи қўшиқни хиргойи қилиб юрди. Эртасига куннинг иккинчи ярмида аравачали «Урал» мотоциклида иккита милиционер келди. Ҳаммамиз билан совуққина сўрашишди.

— Абдумалик Мирзаев сизмисиз? — деди кўзининг қири билан Абдумаликка қараб.

— Ҳа, — деди Абдумалик осойишта.

— Лейтенант Бўтаев, район ички ишлар бўлими жиноят қидирув инспектори! — честь бериб ўзини таништирди мотоциклнинг аравачасида ўтириб келган қорамағиз, ҳорғин чеҳрали киши.

Сўнг ерга бафуржа ўтириб олиб, Абдумаликни сўроқ қила бошлади. «Ҳайдовчи Жўрақул Жумановни нега ургансиз?», «Ким биринчи бўлиб қўл кўтарган?», «Илгари адоватингиз бўлганми?», «Умуман, мушталлашиб турасизми?» ва шу каби саволлар. Мен четроқда эдим. Абдумаликнинг жавоби эшитилмасди. Лейтенант диққат билан қоғоз тўлдирар, аҳён-аҳёнда Абдумаликка шубҳали назар ташлаб қўярди. Лейтенант ўрнидан тураётиб, Абдумаликка охириги саволни берди.

— Агар Жуманов сизни темир билан уриб йиқитмаганда уни ўлармидингиз?

— Билмайман,— деди Абдумаликнинг елкаси тиришиб истар-истамас.

— Бу чатоқ. Ҳарҳолда унинг шундай деб ёзишида жон бор экан,— деди лейтенант яна алланималарни ёзаркан.

— Жуманов мени ўлиб қолган деб ўйлаб, югуриб милицияга борган. Мен эса ўлмаб қолдим. Ўлмабман ҳам! Қиладиган ишларим кўп, ўртоқ лейтенант. Улишга вақт йўқ! — деди Абдумалик милиционерга тикилиб.

— Яхши, кўрамиз,— деди у юзига сохта тус бериб.— Бу ёғини суд ҳал қилади. Бизнинг вазифамиз жиноий ишни очиб, тергов материални прокуратурага топшириш, ука. Ҳали яна учрашамиз. Хизматчилик. Мабодо қатиқ-патиқларингиз йўқми?

Турсунбой икки косада қатиқ олиб чиқди. Улар индамай қатиқни ичишди.

— Лекин, оғайни, ҳаракатингизни қилмасангиз эрта-индин прокурор сизни қамашга санкция бериши мумкин,— деди Бўтаев жиддий оҳангда.— Мен бир холис одамман.

Абдумалик индамади. Улар жўнаб кетишди. Қирда сўппайиб уч-човимиз қолдик.

— Ишга! Уртоқлар! Нурулла, сен янги қўзилаган совлиқларга ем бер! Турсунбой, сен сурувни йиғиб кел! Икки-учта қўзи онасини эмолмаяпти, мен оғизлантираман! Совлиқлар ориқ, қўзи қанча сўрмасин сут чиқмайди!

Абдумалик шундай дея болалардек чопганча қўтонга тушиб кетди. Турсунбой отни миниб яйлов томон жўнади. Мен ем олиб чиқиш учун даҳлизга кирдим. Тонг қоронғисида сурувни қўзгатдик. Жийдалисой дарасига ёйиб юбориб, Абдумалик иккимиз тепаликка чиқиб ағнаб ётдик.

— Партия аъзолигига ўтиб олганингизда эди! — дедим унга юрак-юракдан ёрдам беришни истаб.

— Партия аъзолигига ўтишга ариза бермайман, Нурулла!

— Нега? Ахир партияга ўтса сиздек одамлар ўтади-да.

— Қани, айт-чи, майли мен аъзоликка ўтиш учун ариза ҳам бердим дейлик. Хўп, нари-бери гап-сўз билан мени партияга қабул ҳам қилишди. Раҳмат сизларга, деб индамай ишимни битганига хурсанд бўлиб юраверишим керакми? Қишлов мобайнида йўқотилган икки юз чамаси совлиқ, ва шунча миқдордаги қўзига ким жавоб беради? Акт қилдириб, давлат олдида ўзингни оқлаб олишинг мумкин. Бироқ виждонинг олдида-чи? Шундай жиноятга йўл қўйиб, индамай, партия сафига қандай кириш мумкин? Қанча ўйлаб кўрмайин, ҳечам ақлимга сиғдира олмаяпман! Тўғри, мен ҳам тезроқ коммунистлар сафида бўлгим, одамларга кўпроқ фойда етказгим келади! Бироқ мен партияга жиноятчи сифатида кирмоқчи эмасман! Ҳалол, пок, ҳамма ҳавас қиладиган бўлиб кириш керак!

Унинг гапига яраша жавоб топа олмаганим учун жимгина қулоқ солиб ётардим...

Эртаси куни олдимизга совхоз комсомол ташкилотининг секретари Тошпўлат Аҳмедов келди.

— Аъзоликка ўтиш учун ариза бермайман деганингни эшитиб келдим,— деди Тошпўлат Абдумаликка ҳайрон бўлиб тикиларкан.

— Ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Ўзимни нолойиқ деб биламан.

— Қизиқ экансан! Ут деганда, ҳамма қатори гап-сўзсиз ўтиб олавермайсанми? Узлариям билишади, сендек, салкам олий маълумотли, қарсиллаган бош чўпонни етти ухлаб тушларида ҳам кўришмайди. Бир-икки дўқ-пўписа қилишади-ю, «сен бизнинг ишончимизсан», дея қабул қилишади.

— Мени кечирасану, жўра, умуман, сен принципсиз, қандайдир ўт-

кинчи одамга ўхшаб кўриняпсан кўзимга. Мен сен айтгандай иш тутолмайман.

— Икки оёғинг бир этикка тиқилиб турибди-ю, яна одамларга ақл ўргатасан! Сенга қолса ҳаммани қайта ўқитиб чиқиш керак!

— Ўқиган билан киши ақлли бўлаверса, кўплар аллақачон академик бўлиб кетарди. Совхоз марказидаги мактаб ҳеч қачон яхши ўқитувчига ёлчимайди, касалхонанинг бош врачлари бир йилда саккиз марта алмашади. Ўқишнинг атрофдаги ҳаёт ҳақиқатини англаб олишга хизмат қилиши, инсонларга фойдаси тегиши керак.

— Тўғри айтасан!

— Тўғри айтасан эмиш! Сен оқ кўйлакни дазмоллаб, галстукни тақиб, ўзинг ёзган сохта справка ва информацияларни директорга қўл қўйдириб, районга ташиб юравер. Тагин район комсомол комитетининг бюро аъзоси эмиш! Ҳар биримиз ўз функциямизни яхши бажармаяпмиз. Ишлашдан кўра кўпроқ гапиришга уста бўлиб боряпмиз.

Уларнинг суҳбати қайнатма шўрва устида ҳам давом этди. Абдумалик бир оз қизишганини ўзи сизди. Келиб-келиб аламимни шу бечорадан оламанми, ўйлади шўрва хўпларкан. Абдумаликнинг гапларидан довдираб қолган Тошпўлат дастурхонга эгилганича косага нон тўғрарди.

— Умуман қишлоқ комсомол ташкилоти олиб бораётган ишлар мени қониқтирмайди,— деди Абдумалик фикрини давом эттириб.— Биз ёшларни ишлаб чиқаришга тортишда мутлақо оқсапмиз. Мана, масалан, қўйчиликни олиб кўрайлик. Ёшлардан бирорта бош чўпон йўқ. Пахтачилик бригадаси бошлиқлари ҳам саноқли. Ҳар икки соҳада ҳам ҳамон эски гвардия жонга ора кирапти. Нега ёшлар қишлоқдан безяпти?

— Ке, қўй. Чалғиб кетдинг. Ҳамманинг ҳам олий маълумотли бўлгиси келади.

— Бу гапларни партия мажлисида масаласи кўрилаётгани учун алаmidан айтяпти деб ўйлама. Сени дўстим деб айтяпман. Бундан бунён нима иш қилишимни партия мажлисидан сўнг айтаман. Ҳа, режаларим — программам бор. Шунини унутма! Биз, албатта, ғалаба қиламиз! Бу мен билан сенинг ғалабанг эмас, тўғри ишнинг ғалабаси бўлади! Ғалаба учун хайрихоҳлик эмас, курашмоқ керак!

— Шу пайтгача сен билан бир марта шундай астойдил гаплашганимга ачинапман. Майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб юраверсанг дунёқарашинг ҳам бачканалашиб кетаркан.

— Биз ўзимизни кўр-кўрона инкор этиб яшамаслигимиз керак! Унда бориб-бўриб ўзимизнинг кимлигимизни унутамиз!

Тошпўлат индамади. Кеч кириб, сурув қайтар маҳали бўлиб қолган эди. Тошпўлат мотоциклини тириллатганча, сойга тушиб кетди.

— Эсингдан чиқмасин, эртага! Соат бешда! — деди кетаётиб баланд овозда.

Абдумалик бошини ирғади.

... Мен уйғонганимда Абдумалик сурувни қўзғатаётган эди. Кийиниб, унга етиб олдим.

— Сурувни Замонаро чўққиси томон ҳайдаймизми? У ерларга ҳали мол туёғи теккани йўқ, ўт-ўлан яхши,— деди Абдумалик энтикиб.— Анча бўлди Замонарога чиқмаганимга!

— Кетдик!

Сурувни ёнбағирга ташлаб, чўққига кўтарила бошладик. Қордан учи чиқиб турган сўнгги бодомнинг шохидан ушлаб, терлаб-пишиб Замонарога чиқдик. Ойқор ортини қизил алвонга бўяб, тонг отарди. Қорли тоғлар танасига қон югургандек офтоб нурида товланар, асрий музликлар билан қопланган чўққиларнинг учидан нур ўйнардди. Биз чўққилар учини ялаб эсаётган Шарқ шамолига ёнаётган юзимизни тутганимизча, ўз тонгимизни қаршилардик. Бу бизга кунора нон ёпиб жўнатадиган, кўзи тўрт бўлиб йўлимизни пойлайдиган оналаримизнинг,

тушларимга кириб чиқадиган Сабонинг, ўзбек ерини оппоқ бахтга буркаган, жазирамада яланг кўкраги қорайиб, кипригига чанг қўнган, тиним нималигини билмайдиган, меҳнаткаш инсон — ўзбек деҳқонининг, она заминни елкасида кўтариб турган оддий ва меҳнаткаш инсонларнинг тонги эди...

Абдумаликка қарадим. Совуқ шамолданми, ҳаяжонданми, кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

— Дунёда ҳар қандай кечикилган ишни тузатиш мумкин! Бироқ ҳеч қачон яшаш учун кечикмаслик керак, Нурулла! — деди у аллақандай бўғиқ овозда.

Мен Абдумаликнинг сўзларини ичимда такрорладим. Ҳаяжондан энтикиб «Кечикма! Кечикма!!! дея ҳайқиргим келади.

Тонг билан оқшом шафағидан ёришган осмон асрий музликлар ва оппоқ қор қоплаган Ойқор бағрида акс эта бошлади...



Эркин Воҳидов

ЖАҲОНГИР
ВА
САРТАРОШ



Амир сўзи вожиб —
Шундоқ қоида.
Фармони фармондир, ҳукми ҳукм эрур.
Юз минг лашкар билан мезон ойида.
Хитога отланди жаҳонгир Темур.
Карнай садолари,
Отлар дупури,
Жарчилар сасидан уйғонди шаҳар.
Чангдан хира тортди қуёшнинг нури,
Бамисли дафъатан қўзғалди маҳшар.
Кўкда юлдузларни санамоқ мумкин,
Лек Темур лашкари холи ҳисобдан.
Форишга етганда аввали қўшин,
Сўнгги чиқар эди энди Сиёбдан.
Олдинда ҳадсиз йўл,
Поёнсиз саҳро,
Қутурган Сайхун бор, қорли Олатоғ.
Амир ўйлаб борар:

«Меники Хито,
Лашкарнинг ярмиси етиб борса соғ».
Сипоҳлар бошида ўзгача хаёл:
«Жаҳонгир бемаҳал бошлади юриш.
Эрта совуқ тушса, не кечар аҳвол?
Қирилиб битмасак бошламай уруш».
Саркардалар ўйлар:
«Хуржунлаб олтин,
Моллар келтирамиз неча минглаб бош...»
Фақат ҳеч нарсани ўйламай, сокин,
Саф четида мудраб борар сартарош.
Унинг иши осон —
Доим бир хилдир —
Хоҳ шаҳарда бўлсин, хоҳи сафарда.
Амир даргоҳида, мана, ўн йилдир
Соқол қайчилайди ҳар кун саҳарда.
Бола-чақа, яқин киши ҳам йўқдир,
На хотин, на уй-жой, рўзғор ташвиши.
Дунёнинг у билан иши ҳам йўқдир,
Унинг дунё билан қанчалик иши?
Мана, буюрдилар,
Отланди йўлга.
Бари бир унинг-чун Ҳинду Чин, Ажам...
Саваш бўлса, қилич ушламас қўлга,
Улуш бўлса, умид қилмас зардан ҳам.

У мудраб боради,
Алмашар тун-кун,
Алмашар ҳафталар.
Довон бадовон —
Ўтрор яқинига етганда қўшин,
Ногоҳ қор аралаш қўзғалди бўрон.
Олға силжимоқнинг имкони йўқ ҳеч,
Не илож,
Тикланди ўтов, хаймалар.
Қор қуюни аро тушди қаро кеч,
Тонг ҳам ёришди,
Қор ҳануз майдалар.
Борган сари авжга минар изғирин,
Ҳеч кимса ўтовдан чиқаролмас бош.
«Ўлжа ширин,
Аммо ундан жон ширин»,
Лашкарбошилардан кулар сартарош.

Кечқурун Темурбек йиғди машварат,
Деди қатъий:
«Бизни қайтармас аёз!»
Шунда биринчи бор аркони давлат
Буюк Жаҳонгирга айтди эътироз.
«Қайтайлик,
Қилмайлик нобуд қўшинни,
Олатоғ йўли не — амир огоҳдир.
Қўра-била туриб, аҳли мўминни
Ўлимга йўлламоқ буюк гуноҳдир».

Лаҳза кўз юммади бу тун Жаҳонгир,
Тонг совуқ шуъласин ёйганда қуёш —
Буюрди:
«Ҳамманинг олдида ҳозир
Ялангликда сочим олсин сартарош».

Буюк Жаҳонгирдек соҳиби тadbир
 На шоҳ, на саркарда дунёда бўлмас.
 Чора топмоқ бўлди чорасиз амир,
 Чора эса бундан зиёда бўлмас.
 Ахир ярим дунё давлатига бош
 Ярим ой тамғалик байроғи билан...

Мана,
 Ҳузурда турар сартарош
 Сочиғу устара, қайроғи билан.
 Суғуриб келдилар уни кўрпадан,
 Бундан ортиқ зулм борми кишига.
 Аёз тўндан ўтиб тешгудек бадан,
 Тегмас бечоранинг тиши-тишига.



Юпқа тўн нимадир,
 Ҳатто пўстинда
 Яланг ерда туриш бу дам маҳолдир.
 Воҳ, ўлтирар тишда
 Шу изғиринда
 Нилий шоҳи кўйлак кийган Жаҳонгир.
 Ултирар бепарво,
 Мағрур, улуғвор.
 Қўкраклари очиқ худди ёз маҳал.
 На титроқ, на ҳатто киприк қоқмоқ бор,
 Бамисоли мисдан ясалган ҳайкал.
 Сартарош ўйлайди,
 Одамлар билиб —
 Айтганлар Темурнинг мингта деб жони.
 Қудрати шунчаки, ҳамма қирилиб,
 Якка ўзи борса, олар Хитони.
 Устара қайраркан уста дамодам,
 Бир хаёл кечади унинг кўнглида:
 Ер юзин титратиб турган бу одам
 Ҳозир бир дақиқа унинг қўлида.
 На фақат Жаҳонгир,
 Юзминглик лашкар
 Унинг измидадир тақдир жаҳон.
 Шундай бир томир бор...
 Тиф тортса агар,
 Шунча лашкар омон,
 Мулки Чин омон.
 Сартарош қамчилар хаёл отини,
 У Темур бошида тик туриб ҳозир,
 Унутди батамом наслу зотини,
 Дунёни унутди,
 Бўлди Жаҳонгир.
 У ўзи асли ким?
 Йўқдай бир одам.
 Қирган сочларининг битта толаси.
 Гирдобида ютган бешафқат олам
 Темур навкарининг етим боласи.
 Мана,
 У атрофга ташлайди назар,
 Гўё лашкар унга дардин сўйлар зор.
 «Амирга тахт керак,
 Вазирларга зар,
 Бизга жондан ўзга нима ҳам даркор».
 Англади —
 Эл зада жангдан, ур-сурдан,

Кўз очди —
Юракка тугди ниятни.

Қутқармоқ бўлди у хунхор Темурдан
Устараси билан инсониятни.

Йўқ, бу қўлидаги устара эмас,
Адолат шамшири, ҳақиқат тиғи.

Бир лаҳза кифоя,
Темур кетса бас,

Дунёда йўқолар дард, офат, йиғи.
Шоҳ, гадо баробар даврон бўлажак,
Дунё омон-омон,
Эл омон-омон.

Абадий тилларда достон бўлажак
Сартарош оламга бахш этган замон.
Узи-чи?

Майли сўнг не бўлса ўзи.

Ким бор йиғлагувчи унинг ўзига.

У тиг кўтарди-ю,

Дафъатан кўзи

Тушди Жаҳонгирнинг қаттол кўзига.

Лаҳза вужудида уйғонди титроқ,

Лаҳза халқумига тикилди жони.

Бу кўзлар айтарди:

«Таги паст, олчоқ,

Йўл бўлсин қутқармоқ сенга дунёни.

Минг йилда ҳам келмас сен айтган даврон,

Эй хомхаёл банда, девона юрак!

Одам насл учун ҳали кўп замон

Қамчи керак,

Шамшир керак,

Мен керак!»

— Йўқ, йўқ!

Адолат-чи, инсоф-чи?

Наҳот,

Одамзод абадий зулмга маҳкум?

— Шундоқ!

Одамзодга оллоҳдур ул зот —

Жонидан, эркидан ким этса маҳрум.

Билмасмисан, итни инсон ит деюр,

Ваҳший шерга эса, ҳурмат айлар фош?

Шафқатни билмасдан мен бўлдим Темур,

Сен мушфиқлик ила бўлдинг сартарош.

Фақат бир сония давом этди баҳс,

Устанинг жавоби бўғизда қолди.

Ногоҳ гулдираган садо келди:

«Бас!

Иш бошла!

Жаҳонгир аёзда қолди!

Бунча тиг қайрадинг, тез бўл, баччағар!

Нега имиллайсан? Совуқни қара!»

Уст-уст қамчи урди бошига навкар,

Шўрликнинг қўлидан тушди устара

Ва хаёл кўкидан тушди сартарош,

Одатий ишига киришди дарҳол.

Қотди кипригида кўздан оққан ёш,

Гўё музлаб қолди мижжада хаёл.

Юксак орзуларни кўмиб кетди қор,

Армон юрагини юлиб ташлади.

Аммо содда умид кетмади бекор,
 Жаҳонгир оҳиста титрай бошлади.
 Шунда ўз-ўзига деди сартарош:
 «Бир бошда бир ўлим,
 Шошдим қаяққа?»
 Оппоқ қирилганда энди ярим бош,
 Шошилмай устара урди қайроққа.
 У одам сўймади,
 Унда бор шафқат,
 Қонга бўямади меҳнаткаш қўлин.
 Фақат у шошмади,
 Бор қадим ҳикмат —
 Қўлнинг шошмаслиги соҳибга ўлим.



Жаҳонгир сесканди,
 Англади уста —
 Шу лаҳза дарз кетди улкан қоя тош...
 Ёзинг, эй ровийлар!
 Утрор устида
 Буюк Жаҳонгирни енгди сартарош.
 Эй сиз, муаррихлар,
 Доно олимлар!
 Сиз тинглаб замонлар гулдирагини,
 Айтиб бероласиз қачон ва кимлар
 Айлантирган тарих ғилдирагини.
 Шоҳлар, файласуфлар, исёнкор зотлар
 Таърифин битганда, унутманг бир дам —
 Қайроқчаси билан инсониятга
 Хизмат қилиб қўйган сартарошни ҳам.

Бир ёнда Рум, Фаранг, бир ён мулки Чин
 Уша — устараси шамширни қирққан,
 Олам йиқолмаган Темурни йиққан
 Хаёлкаш устага таъзимда бўлсин.

Айтмоқ мумкин неча аср ўтиб энди:
 Амирни зотилжам ўлдиргани йўқ —
 Унга ўша лаҳза яшиндек тегди
 Олис келажакдан бизлар отган ўқ.

Алқисса ривоят:
 Авлоди одам
 Подшолар олдида эгмаса-да бош,
 Саждага тургандек бошин қилур ҳам
 Хизмат қилган чоғда унга сартарош.

□

Кўҳна дунё

Роман

Ҳн тўртинчи боб

Ариз Абулвафо Сариқ Тегинобод томон от чоптириб кетган сарбозлар орқасидан узоқ тикилиб қолди. Сарбозлар сариқ парда тутилган соябон аравани қуршаб олган, аравада Ғазнадан келган ҳақими даврон... Ибн Сино ҳазратлари бор эди. Рост, ариз Абулвафо Ибн Сино ҳазратларини кўролмади, чунки, авваламбор, ҳазрат соябон аравадан чиқмади, қолаверса, аравада ўтирган ҳақими ҳозикнинг юзига нечундир қора чарм ниқоб кийдирилган, ниқоб ичидан фақат чўғдай ёнган кўзларигина кўринарди.

Абулвафо Сариқ бунн арава кўзғалиб, ипак парданинг бир чети хиёл кўтарилганида кўриб қолди, кўриб қолди-ю, ваҳима босиб, тирноқларигача музлаб кетди.

Кеча юзи ғирт чўтир, сержаҳл бир мушриф Ғазнадан, вазири аъзам Али Ғарибдан, махфий нома келтирди. Номада айтилишича, чўтир мушриф бошлаб борадиган ҳақим ҳазратларини токи Тегинобод бозорида жар солиниб, одамларга аён қилинмагунча ҳеч бир кимса кўрмаслиги даркор. Жар солиниб фуқарога аён бўлганидан кейин эса, махфий мушриф ҳақими давронни Абулвафо Сариқ ихтиёрига етказди. Абулвафо эса, ҳақим ҳазратларини зўр лутфи қарам ва иззатикром билан кутиб олмоғи, сўнг, Тегинобод ҳокимини бу ишдан бир оғизгина хабардор қилиб, Ғазна томон равона бўлмоғи даркор!

Абулвафо Сариқ, гарчи ҳазрат Ибн Сино тўғрисидаги пинҳоний гапни бошда ўзи чиқарган бўлса ҳам, вазири аъзамнинг махфий номасини ўқиб, юраги увишиб кетди, чунки Али Ғарибнинг режасида Абулвафо ўйлаганидан ҳам хатарли ва мудҳиш бир нарса бор эди. Лекин фақат букун, юзига қора чарм ниқоб кийиб олган бу номаълум кимсани кўрганидан кейингина вазири аъзам режасининг бутун даҳшатини ҳис этди... Ана, соябон аравани қуршаб олган сарбозлар яқиндаги рабoт кўрғони ёнидан ўтиб, олисдан кўзга элас-элас чалинган Тегинобод қалъаси томон от суришди. Сал ўтмай, соябон арава ҳам, уни қуршаб олган сарбозлар ҳам ғира-шира тонг қоронғилигида ғойиб бўлишди.

Абулвафо Сариқ бир-бир босиб, қир ёнбағрига тикилган қизил са-

1 Охири. Боши ўтган сонда.

ропардага қараб юрди. Бундан бир ой муқаддам, Абулвафо Ҳамадондан қайтганида, атайин мана шу работни таплаган эди. Чунки амирал муслимин фармони билан шайланган унинг махсус карвони ҳеч нарсага муҳтож эмас, карвонда ҳамма нарса мавжуд — озиқ-овқатдан тортиб, от-уловгача, қурол-аслаҳадан тортиб, кийим-кечаг-у, хуржун-хуржун олтингача — ҳаммаси муҳайё эди.

Ариз Абулвафо бир-бир босиб, тепасига зар попуқлар тақилган қизил ипак саропардага яқинлашганда, ундан ўн беш-ўн олти яшар, кўзлари катта-катта, нозиккина бир ўспирин чиқиб таъзим бажо келтирди. Бу — ариз жанобларининг суюкли ғуломи эди. Қизил ипак кўйлак ва қизил ипак чолвор кийиб, хипча белини ингичка кумуш камар билан боғлаб олган ёш ғулом, уятчан канизлардай назокат билан бош эгиб:

— Мустаҳаб¹ сувини берайми, тақсирим?— деб сўради.

Бошқа пайт бўлганда Абулвафо Сарик суюкли ғуломининг томоғини силаб эркалаган бўларди, лекин ҳозир кўнглига қил ҳам сиғмай:

— Хуфялар қайда?— деб сўради.

— Чодир ортида. Тақсиримнинг хизматларига мунтазирдурлар.

— Чақир!

Ариз гапини тугатмаган ҳам эдики, чодир орқасидан тўрт нафар қаландар чиқиб келди. Ҳаммаларининг устларида жулдур чопон, бошларида кулоҳ, қўлларида асо, елкаларида хуржун.

Абулвафо Сарик сарғиш қошларини чимириб, уларнинг юзларига битта-битта қадалиб қаради:

— Тунда айтган сўзларим эсларингда борму?

Мўрисимон тўртта кулоҳ баб-баравар эгилди:

— Тоабад эсдан чиқмайду!..

— Ана!— Ариз қўлини ниқтаб, йироқда элас-элас кўринган Тегинобод қўрғонига ишора қилди.— Ҳозир кетган суворийларни кўрдинглар. Дарҳол орқасидан от суринг! Кеча айтдим, тагин айтамен: бирор хато бўлиб, ҳақими давроннинг изи йўқолса, ҳаммангнинг калланг кетади! Сўзим аёнму?

Эски кулоҳли тўрт калла яна баравар эгилди.

— Аён, валинеъмат!

Абулвафо Сарик қаландарлар от суриб кўздан ғойиб бўлгунча орқаларидан тикилиб турди, сўнг чодир панасига ўтиб, таҳорат қилди. Одатда, у бомдод намозига ўтиришдан аввал қароргоҳни бир айланиб чиқар, соқчилардан хабар олар, отлар, туялар, чодирлар, хуллас, махсус карвоннинг ҳамма икир-чикирларини бир-бир нигоҳидан ўтказар эди. Бугун қароргоҳни айланишга ҳам хуши бўлмади. Олисроқда гулхан ёқиб овқат ейишга тутинган баковулларга бир кўз ташлади-да, ҳорғин одимлаб чодирга кирди, тўрдаги гилам жойнамозга ўтиб, икки ракаат намоз ўқиди.

Мана, яқин уч ой бўлдики, ариз Абулвафо Сарик, шу «ҳақими замон»ни деб, сарсону саргардон.

Бундан уч ой муқаддам, тун ярмида уйига бостириб кирган икки мушриф уни иссиқ тўшагидан кўтариб, Ғузғанон қалъасига олиб боришди.

Осмонни қора булут қоплаган, совуқ зимистон кеча эди. Атрофи баланд девор билан қуршалган тош қалъада тиқ этган товуш эшитилмас, қалъа кўҳна мақбарадай совуқ ва осуда эди. Тор йўлақларнинг мрамар деворларига қадалган тилла шамдонларда битта-яримтагина шам ёнар, уларнинг ҳазин шуъласида қаср ичи, гарчи зарҳал безаклар ва ғаройиб ҳинд палослари билан безатилган бўлса ҳам, аллақандай ғариб ва мунгли кўринарди.

Султон қасрининг энг тупқарисида, деворлари ҳаворанг кошинлар билан қопланган улкан чорбурчак хонанинг тўрида, парқу ёстиқларга

¹ Мустаҳаб — таҳорат суви.

суяниб ёнбошлаб ётар, олдидаги олтин хонтахтада биттагина шафтоли гулли кўзача билан биттаю битта нозик чиний пиёла турарди.

Султоннинг азалдан қоқ суяк, бўйчан гавдаси бурунгидан ҳам чўзилган, саҳройиларга хос кенг, суякдор юзи сариқ чарм қопланган ниқобга ўшар, таралмаган сийрак мош-гуруч соқол-мўйловлари пахмайган, фақат кўзлари, сийрак қошлари тагига яширинган қийғоч кўзларигина бурунгидай тийрак ва синчков эди.

— Жаноби ариз! Фақир сизни катта бир умид билан чақиртирдим. Аммо бу умидимни изҳор этишдан аввал сизга айтадургон бошқа бир сўзим бор. — Султон чўғир қовундай сўпоқ бошини ҳам қилиб, узоқ ўйга толди. Унинг овози ҳам таниш, ҳам аллақандай нотаниш, нотовон эди.

— Сўзим шулки, фақирни афв этинг, жаноби ариз! Мен сизнинг қирқ йиллик садоқати зоҳир хизматларингизни унутиб, беҳуда озор бердим... Бенуқсон парвардигор, бани одам, хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо, ахир пировардида ожиз банда эканмиз...

Ё тавба! Ариз Абулвафо оламни зир титратган бу фотиҳи музаффарнинг қўлида қирқ йил хизмат қилиб, бундай ногирон ва нотавон сўзларни биринчи эшитиши эди!

— Офтоби олам! Орадан неки сўз ўтган бўлса, айб сизда эмас, айб беадаб қулингиздадур!

Султон «ўтиринг» деб имо қилди-да, яна кўзини юмди. Унинг маржон-маржон терлаган кенг юзи бужмайиб, юпқа лаблари қаттиқ қисилди:

— Салтанат ғанимлари ёмон сўз тарқатганлар... Гўёким, фақир оғир дардга чалинганмен, гўёким танимдан куч, белимдан қувват кетган эмиш! — Султоннинг узун қорамтир бармоқлари аста йиғилиб, чўқмордай муштга айланди. — Ёлғон! Олло-таолога минг қатла шукрим, тан-жоним саломат, тўрт мучам бут! Менга ўлим тилаган барча ғанимларим билан ошкора куч синашга қувватим етадур! Аммо... кўксимда бир армоним бор! — деди султон ва гўё у бу армон юрагини эзиб юбораётгандек, жундор кўкрагини аста силади. — У ҳам бўлса... ҳазрат Ибн Сино деган ҳақими ҳозикни бир кўрмоқдур!.. Дуруст, мана йигирма йилдирки, бу такаббур ҳақим бизга хизмат қилишдан бош тортиб, элма-эл қочиб юрмиш! Аммо мен ҳам шу буқунга қадар у билан ишим йўқ эди. Агар мен ул алломаи давронни ўз гулшанимда кўришни истаганимда, етти қават ернинг остидан бўлса ҳам топтириб келтирар эдим! Осмонга чиқса оёғидан тортиб туширар эдим, ерга кирса қулоғидан тортиб чиқарар эдим! Эндиликда эса... эндиликда кўрмоғим даркор уни! — Султоннинг овози ногаҳон момақалдироқдай қалдираб, улқаңтанобий хонани янгратиб юборди. Шундай бўлса ҳам ариз Абулвафо султоннинг руҳида қандайдир мажруҳлик борлигига, у тўғрида шаҳарда юрган гаплар, аллақандай васвас дардига мубтало бўлиб қолганлиги ҳақидаги миш-мишлар ҳақ эканига инонди.

Ғазнада анчадан бери кезиб юрган бу совуқ миш-мишлар султоннинг дўстларини даҳшатга солса, ғанимларини беҳад шод этмоқда, тарафдорлари оллодан унга шифо тиласа, душманлари туну кун унга ўлим тиламоқда эдилар. Шу туфайли дориссалтанат нотинч, ҳамманинг қулоғи саройда, машъум хабар тилагида эди. Унинг ўзи ҳам, бир неча йил аввал ҳарбий девондан четлаштирилган Абулвафо Сариқнинг ўзи ҳам шахсий кўшкида ҳар кун, ҳар он бу машъум хабарни кутиб ётарди. Шу боисдан ҳам султоннинг сўзини эшитганда хаёлига келган биринчи фикр — қочмоқ бўлди! Дуч келган томонга бош олиб қочмоқ ва бу ишлар бир тараф бўлмагунча яшириниб ётмоқ бўлди. Бироқ султоннинг олдидан чиққач, бу фикрнинг ноўринлигини тушунди, ўзи ҳам тушунди, пинҳоний кенгашга йиғилган хешу ақраболари ҳам тушунтиришди. Бирламчи, қўл чўзса қўли машиқдан мағрибга етгувчи бу қора қузғундан қочиб қутулмоқ амримахол, иккиламчи, ҳамма нарса оллонинг иродасига боғлиқ. Олло таолонинг инояти билан амирал мўъминин шифо топса унинг ҳоли не бўлади? Фақат ўзи эмас,

барча зурриётлари, авлоду аждодларининг аҳволи не кечади, деган ўй, дуч келган томонга бош олиб қочиб фикридан қайтарди уни.

Хуллас калом, мана яқин уч ойдирки, махфий элчи Абулвафо Сарик йўлада, йўқ, йўлда эмас, икки ўт орасида!

«Ўт» сўзи нечундир амир Масъудни ёдига солди. Амирнинг худди отасининг кўзларидай совуқ, қийғоч кўзлари эсига тушди, қулоқлари остида унинг бўғиқ, таҳдидли овози янграб кетгандай бўлди. Дарҳақиқат, ўннга юрсанг, аждаҳога дуч келасан, сўлга юрсанг жаҳаннамга!

Абулвафо Сарик бу оғир ўйлардан чарчаб бошини ёстиққа қўйди, қўйган заҳоти пинакка кетган экан, бир маҳал аллақандай шов-шувни эшитиб, кўзини очди.

Кун пешиндан оққан, саропарда теварагидаги кўм-кўк адирлар баҳор офтобининг илиқ селига ғарқ бўлган.

Сойнинг у юзидаги Тегинобод қўрғонлари томондан бир гуруҳ суворийлар от суриб келар, уларнинг орқасида сарик ипак парда ёпилган соябон арава кўринар, араванинг ортида яна бир гуруҳ навкарлар кўзга чалинарни.

Ана, олдиндаги гуруҳдан салласига элчи нишони қадалган бир кимса узилиб чиқиб, Абулвафо томон от сурди.

«Мушриф! Кеча вазири аъзамдан махфий нома келтирган чўтир мушриф!»

Салласига элчи нишонини қадаб олган чўтир мушриф, оғзи қулоғида, от суриб келиб, эгардан сакраб тушди.

— Жаноби ариз! Сиз қидирган ҳақими даврон... Абу Али ибн Сино ҳазратлари топилмиш! Ҳазратим Ҳирот бозорида жар солдириб, ногирон ва нотавон бандаларни даволаб юрган эканлар, мана, ҳузурларига таширф буюрдилар!

«Бу ишинг учун бефаҳм каллангдан жудо бўлишингни билмай тиржайсен, аҳмоқ!»— деди Абулвафо ичида, деди-ю, ҳар тарафдан югуришиб келаётган ғуломлар, баковуллар, сарбозларни кўриб:

— Ҳақими даврон... Ибн Сино ҳазратларининг қадамларига ҳасанот!— деб хитоб қилди.— Ё қудратингдан ўргулай, парвардигори олам! Букун Хизр алайҳиссаломни йўқласак бўлур экан. Ниятимиз холис экан, мана, оллога минг қатла шукрким, Ибн Сино ҳазратларини етказди бизга!

У гапини тугатмаган ҳам эдики, сарик ипак парда ёпилган соябон арава етиб келиб, ариз жанобларининг рўпарасида тўхтади.

Салласига нишон қистирилган чўтир мушриф чопқиллаб бориб, соябон араванинг пардасини кўтарди.

— Ариз Абулвафо жаноби олийларининг қароргоҳига хуш келибсиз, Абу Али ибн Сино ҳазратлари! Қадамларига ҳасанот!..

Арава зинасида олдин соқол-мўйлови эндигина сабза урган хушқомат бир ғулом кўринди. У саропарда олдида жимгина бош эгиб турган издахомга аллақандай синовчан назар билан тикилиб қаради-да, пардани очиб:

— Марҳамат қилғайсиз, шайх-ур-раис!— деб таъзим қилди.

Бир оний сукутдан кейин парда ичидаги парда очилиб, эгнига кўк мовут тўн устидан сутдай оппоқ ридо кийган, бошидаги учлик кўк тақия устидан оппоқ симобий салла ўраган «ҳақими даврон»... Абу Шилқим ибн Шаҳвоний кўринди. Бир қўлида саҳтиён жилдли ёстиқдай китоб, бир қўлида фил суягидан жило берилган арғувоний асо, Абу Шилқим арава зинасига оёқ қўйиб, атрофига аллақандай виқорли қараш қилди.

Йўқ, бу Маликул шароб кулбасидаги Абу Шилқим ибн Шаҳвоний эмас, мош-гуруч соқоли ўзига хўп ярашган, бутун важоҳати — эгнидаги мовут тўнидан тортиб, бошидаги симобий салласигача, қўлидаги ёстиқдай китоб ва ҳатто оғир арғувоний асогача — бутун борлигида аллақандай улуғворлик муҳри зуҳур бўлган бир донишманд, шайх-ур-раис, деса дегудек, чеҳрасидан нур ёғилиб турган бир... «алломаи за-

мон» эди! Шундайким, йиғилган райят бир зум эсанкираб қолди. Фақат ҳушёр турган чўтир мушрифгина:

— Тақсири олам!— деб «алломай замон»га таъзим бажо келтирди.— Ул амирал мўминининг ўнг қўли бўлмиш ариз жанобларининг мунаввар саропардасига марҳамат қилгайсиз! Қадамларига ҳасанот, тақсирим!

Ибн Шаҳвоний жойидан жилмади. У Абулвафо Сарикнинг бесўнақай бўй-басти билан қўпол сурмаранг салласига ижирганиб қараб қўйди-да:

— Ташаккур!— деди мийиғида кулимсираб.— Аммо фақирга алоҳида саропарда даркор! Қани, бу саропарда?

Чўтир мушриф ялт этиб аризга қаради:

— Ҳа, шайх-ур-раис ҳазратларига алоҳида саропарда тикилмоғи даркор! Алоҳида!

Шу заҳотиёқ бир неча ғулумлар: «Саропарда! Саропарда!» деб қичқирганларича, узоқдаги оқ ўтовлар томон югуриб кетишди.

Чўтир мушриф яна «ҳақими даврон»га қараб таъзим қилди:

— Тақсири олам! Сиз ҳазратимга саропарда тикилгунча ариз жанобларининг чодирига марҳамат қилгайсиз!

— Қадамларига ҳасанот!— деди Абулвафо Сарик бесўнақай қаддини икки букиб.

Ибн Шаҳвоний хушсурат шогирдининг елкасига қўлини қўйиб, аравадан тушди, виқор билан ерни бир-бир босиб, қизил ипак чодир томон равона бўлди.

Ҳамма, ҳатто Абулвафо Сарикнинг ўзи ҳам, мартабаларига зид бир шошқалоқлик билан орқага тисарилиб, унга йўл беришди, ёлғиз салласига нишон қистирилган чўтир мушрифгина «ҳақими даврон ҳазратлари»ни чодирга бошлаб киришга журъат эта олди.

«Ҳақими даврон» Тегинобод бозорида жар солиниб, оломон олқишига сазовор бўлгандан кейин нечоғлик ўзгариб қолмасин, чўтир мушриф, эҳтимол, «ҳазратлари»ни Ғазнадан ўзи олиб келгани учундир, уни унча назарига илмас эди. Гарчи тўсатдан димоғ-фироқ пайдо қилган «алломай замон»нинг бемаъни қилиқларини кечиришга мажбур бўлса ҳам, ичида ундан кулар, назарида, «шайх-ур-раис» бир неча дақиқадан кейин ўзига келиб, мўминлашиб қоладигандек туюларди. Шунинг учун ҳам тўрдаги олти қиррали хонтахта атрофига жойлашиб, дуо ўқилгандан кейин гапни яна чўтир мушриф бошлади.

У келгуси ишларни маслаҳатлашиб олмоқчи эди, бироқ энди оғзини очган ҳам эдики, «ҳақими ҳозиқ» бармоқларидаги қўша-қўша тилла узукларини кўз-кўз қилиб, оппоқ нозик қўлини кўтарди.

— Сафар ҳақида ҳали кўп сўзлашамиз, жаноби мушриф! Биз ҳақимлар айтамиким, аввал таом, баъдаз калом! Билиб қўйинг — бу нақл кўп пурҳикмат нақлдур!..

«Ҳақими даврон» шундай деб, қўйироқда камтарона бош эгиб ўтирган Абулвафо Сарикқа юзланди:

— Фақирни кечиргайсиз, жаноб ариз, биз ҳақимлар тановулга киришишдан аввал дастурхонга тортиладурғон таомларни билмоғимиз даркор...

— Шўрва,— деди Абулвафо Сарик,— шўрваи шер номи билан донг чиқарган хўроз шўрва, ҳазратим.

— Бу шундай шўрваки!— деди чўтир мушриф.— Ичган хўроз бўлур, ичмаган макиён!

— Боракалло! Минг макиёндан бир хўроз аълодур!— деди «ҳақими замон»,— зотан, табобатда хўроз гўшти минг бир балога даводур. Яна?

— Кабоб! Қулинг ўргилсин барра қўзичоқнинг жигаридан қилинган гандир кабоб, ҳазратим. Арча кўмирида пиширилган.

— Балли! Арча кўмирида пиширилган бўлса ёмон бўлмас. Хўш, энди майдан сўзланг, жаноби ариз!

— Май?

— Ҳа, май!— «Ҳақими даврон» чиройли қайчиланган мош-гуруч соқолини силаб, тўсатдан қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Ё ариз жаноблари умрида шароб ичмаганларми? Ё шўрвай шердан бошқа неъматни истеъмол қилмаганларми?

Мушриф ҳам «ҳақими даврон»нинг кулгисига қўшилиб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— О, сиз жаноби аризни билмайсиз, ҳазратим! Ёшлиқда ариз жанобларининг саройида бўлган гулгун ўлтиришлар-у, бу ўлтиришларни безаган мутриблар, маликул каломлар! Дарё янглиғ оққан шароб-у, гулоблар!..

— Нозанинлар-чи? Ё хўроз шўрвани тановул қилиб макиёнлардан қочганларми ариз жаноблари?

— О, сиз ариз жанобларининг канизларини кўрмагансиз, ҳазратим!— деди чўтир мушриф ва баркаш кўтариб кирган баковулларни кўриб:

— Бода! Бир хум бода!— деб буюрди.

Зум ўтмай, ўртадаги олти қиррали хонтахта юз хил ноз-неъматларга тўлди. Нафис кумуш тақсимчаларда пўсти нозик ғалвирак бодомлар, хурмо ва писталар, қора майиз ва кўк кишмиш, қаймоққа қорилган иссиқ патирлар, сомса ва бедана қовурдоқлар, буғи бурқираб турган шўрвай шер, қўйингки, оламда неки неъмат мавжуд, ҳаммаси муҳайё бўлди.

«Ҳақими даврон» чўтир мушриф тутган пиёлани бир кўтаришда бўшатди-да, ариз Абулвафога қараб:

— Минг афсуски, жаноблари фақирнинг китобларини мутолаа қилмабсиз!— деди қўша-қўша тилла узуклар билан безалган оппоқ кўлини тиззасидаги ёстиқдай китобга қўйиб,— фақир бани башар ғамида тунларни бедор ўтказиб, бундай бебаҳо китоблар битдим. Бани одам эса, бу ноёб дурдоналардан бенасиб, яъники, донолар фикридан беҳабардур. Агар баҳраманд бўлиб, бу бебаҳо дурдоналардан бохабар бўлғонингизда билур эдингиз: яши шароб ҳам гўзал нозанин каби оллонинг бебаҳо неъматидур! Шундай неъматким, бу неъматни истеъмол қилмоқ гуноҳ эмас, билъақс, уни истеъмол қилмаслик гуноҳи азимдур! Алхусус, шўрвай шердан кейин. Ё жаноблари бу бебаҳо неъматни истеъмол қилиш бахтидан мосуводурларми? Мосуво бўлсалар давосини қилурмиз!..

«Ҳақими замон» билан чўтир мушриф баробар қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Абулвафо Сарик эса, ҳамон сигирнинг кўзларидай сарғиш кўзларини лўқ қилиб ўтирар, афтидан, у «ҳақими даврон»нинг тагдор сўзларини ҳануз яхши илғаб ололмас эди.

— Бас!— «алломай замон» тўсатдан шогирдига юзланди.— Биз ўз истакларимизни қоғозга битиб бермасак, ариз жаноблари тушунмас эканлар. Қалам-қоғозингни ол. Олдингми? Ёз!.. Авваламбор, ҳар лайлу наҳор, тоғ оҳуси сутидан олинган бир коса қаймоқ муҳайё қилин-гай!

Абулвафо Сарик маъсум кўзларини жовдиратиб, чўтир мушрифга қаради.

— Тоғ оҳуси?

— Оҳу эмас, сут! Яъники, оҳу сутидан олинган қаймоқ! Ё умрида қаймоқ тановул қилмаганларми, жаноби ариз?

— Қилганмиз, тақсир, қилганмиз, аммо... тоғ оҳуси?

— Нечун ажабланасиз, жаноби ариз? Ё амирал-мўъминининг вилоятларида тоғлар йўқми?

— Бор, тақсири олам!

— Ё бу тоғларда оҳу йўқми, жаноби ариз?

Бу сафар Абулвафо Сарик ўрнига чўтир мушриф:

— Офарин!— деб хитоб қилди.— Сиздай алломай замон учун оҳу сути у ёқда турсин, анқонинг уруғи десапгиз ҳам муҳайё қилурмиз, ҳазратим!..

— Боракалло, иним!.. Балх тутининг шарбати!

Абулвафо Сарик кўзлари пирпираб:

— Ҳирот тутининг шарбати бўлса-чи?— деб сўради.— Яъники, Ҳиротда пайванд қилинган балх тутининг шарбати!

— Йўқ, йўқ! Балх тупроғида ўсган балх тутининг шарбатидан бошқа шарбат истеъмол қилмаймен!..

— Бош устига!— деди чўтир мушриф, ҳайрат тўла кўзлари чақнаб.

— Пешинга... Бодом ёғида қовурилган оҳу боласининг гўштиким, унга кийик ўти билан райҳон талқони, зира ва қорақат уруғи солинмоғи даркор!.. Ёдингизда бўлсин, бу гиёҳлардан бирортаси бўлмаса бир қақирим йироқдан сезиб оламен!..

— Бош устига, ҳазратим!

— Кечки таом энгил бўлмоғи даркор! Бир жуфт бедана кабоб билан боя айтган хўроз шўрваким, бу шўрвани нозик бир макиён билан, яъниким, онаси ўпмаган ёш бир малак билан бирга баҳам кўрсак нур устига нур бўлур!

— Тасанно, ҳазратим, тасанно!— қичқирди чўтир мушриф, мастона ишшайиб. Абулвафо Сарик эса, бошидаги бесўнақай салласи бир томонга оғиб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, у худди пири муршиди олдида довдираб қолган муридга ўхшарди.

Қизиқ, боя эрталаб юзига ниқоб кийган бу кимсани тасодифан кўрганида кўнглига ёпирилиб келган шубҳалар энди, «ҳақими даврон»нинг ғаройиб талабларидан кейин тамом тарқаб кетди. «Ҳақим ҳазратлари»нинг талаблари ортиб борган сари, ажабо, ариз жанобларининг қалбидаги ҳурмат-эҳтиром ҳам ортиб борар, фақат биттаю битта талаби, яъники, онаси ўпмаган малак тўғрисидаги шарти уни хиёл довдиратиб қўйганди.

— Шайх-ур-раис ҳазратлари фақирни афв этсинлар,— деди ариз, кўрқа-писа.— Мавлонаи замон айтган ул жаннатий малак... ҳар куни янгиси бўлмоғи даркорми ёхуд...

— О, жаноби ариз! Қошқийди ҳар куни янгиси бўлса!.. Бу неъматнинг янгисига не етсин, тақсирим? «Ҳақими даврон» яна боягидай қаҳ-қаҳ отиб кулди-ю, тўсатдан нимадир эсига тушиб, кулгусини тийди. Ҳа, инчунин, камина эшитган эдим... Бухоро ҳоқими амир Алитегиннинг суюкли кенжа хотини Тегинобод қалъасида асира деб эшитган эдим!

Ариз кўзини лўқ қилиб, чўтир мушрифга қаради.

— Амир Алитегиннинг суюкли хотини?

— Ҳа, ул офтоби олам султон Маҳмуд бундан уч-тўрт йил муқаддам, Бухорои шарифга юриш қилганида амир Алитегиннинг суюкли хотини билан эрка қизини асир қилиб олиб кетган эмишким, эшитишимча, бу гўзал маҳбуслар Тегинобод қалъасида эмиш. Эҳтимол, уларни топтириб келурсиз?

— Йўқ, йўқ, чораси йўқ бунинг!— деди ариз кўрқиб кетиб.— Бирламчи, гўзал асиралар Тегинободда эмас, бошқа жойда сақланур! Иккиламчи, улар амирал мўъминининг қаттиқ назоратидадур!

— Офарин сизга, жаноби ариз!—«Ҳақими замон» учинчи пиёла шаробни сипқариб, чиройли мўйловини силади.— Гўзал асиралар олампахоҳнинг назоратида бўлса, олампахоҳнинг ўзлари эрта-индин фақирнинг назоратига тушгусидир. Чумчуқдай жони каминанинг қўлида бўлгусидир!— деди «ҳақими даврон», деди-ю, тўсатдан кўзлари бақрайиб бўсағага қараб қолди.

Саропарда бўсағасида, қўлида ноз-неъмат тўла кумуш баркаш, Абулвафо Сарикнинг ёш ғуломи турар, унинг қизларнинг кўзларидай қоп-қора серкиприк кўзлари ҳаё билан ерга тикилган эди.

— Кел, юлдузим, тортинма, келабер, оппоғим! Кўзларингдан оғанг айлансин!— деди «алломай замон», оғзининг таноби қочиб.— Сизларга рухсат, жаноби ариз ва жаноби мушриф! Фақир дам олмоғим даркор! Хизматимга шу чеҳран шамсни қолдирсангиз бас. Сизларга рухсат, биродари азизлар!

Абулвафо Сарик нажот сўраб мушрифга қаради.

— Бул ёш гулом...

— Даф бўл кўзимдан!— ибн Шаҳвоний қўлидаги пиёлани хонтахтадаги кумуш баркашга қараб отди.— Қимсан «ҳақими даврон Ибн Сино ҳазратлари»га сўз қайтармоқ!.. Кўзимдан йўқол, мияси айниган тентак!

Абулвафо Сарик бошидаги бесўнақай салласини тўғрилаб, бир нарса демоқчи бўлди, бироқ чўтир мушриф унинг қўлидан «шап» ушлаб, ташқарига судради.

— Вазмин бўлинг, жаноби ариз, вазмин бўлинг!

«Алломаи замон», яъники Абу Шилқим ибн Шаҳвоний уларга қайрилиб ҳам қарамади. У ширакайф кўзларини мастона сузиб, ёш маҳрамни ёнига тортарди.

Абулвафо Сарик худди бўталоғидан айрилган катта туядай, орқасига қарай-қарай чодирдан чиқди.

Ҳн бешинчи боб

Берунийни «Қалъаи қаҳр»дан олиб чиққан Абу Наср Мишкан уни ўз навкарлари билан то ҳовлисиғача кузатиб қўйди. Хайрлашаркан, саройдан шу бугуноқ чопарлар келиб уни олиб кетишини, султон билан учрашишга ҳозир у нозир бўлиб туришини тайинлади.

Эшикни Сабҳу очди, очди-ю, устодини кўриб, саломлашиш ўрнига турган жойига тиз тўкди, гоҳ нигоҳини осмонга тикиб, гоҳ ер ўпиб, кўкка тавалло қилишга тутинди. Азалдан қоп-қора, озгин йигит, у бурунгидан ҳам озиб, чўп бўлиб қолган, ғам чўккан кўзлари ичига боғтиб, сўнаётган шамдай милтираб турарди. Беруний Сабҳуни ўрнидан турғазиб, ҳовлига кирди. Ҳовлига сув сепилган, ариқ бўйларига гул ва райҳон ниҳоллари ўтқазилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Лекин Берунийга нимадир етишмаётгандай туюлиб, Сабҳуга қаради.

— Садафбиби қайда?

— Садафбиби... бибим!— Сабҳу эшик тутқичини қўйиб юбориб яна турган жойига тиз чўкди-ю, пешонасини ерга гурс-гурс урди.— Бидан айрилиб қолдик, устод. Айрилиб қолдик!

— Қачон?

— Ушал... сиз ҳибсга тушган кун тунда...— тўрт нафар сарбозлар бостириб келиб соябонли аравага тикиб олиб кетдилар.

Беруний деворга суянганича узоқ турди. Бу совуқ хабарни эшитиши билан негадир эсига лоп этиб Пири Букрий тушди. Нигоҳи олдига қоронғи ертўла келди, ертўланинг бурчагида улкан қора каламушдай ғимирлаб, юм-юмалоқ қутичани топиб чиққани, унинг ичидаги бебаҳо жавоҳирни кўз-кўз қилиб, Садафбибини сўраб ялиниб-ёлворганлари хаёлида жонланди-ю, аъзон баданини совуқ тер босди. Уша! Букрий! Бироқ... букри бўлса, Сабҳу айтган сарбозлар қайдан келди? Йўқ, тунда бостириб келиш фақат сарой сарбозларининг қўлидан келади! Лекин ундай деса... наҳот султон, ҳарамни тўла каниз, ишқи шу шўрлик жорияга тушган бўлса?

Эҳтимол, бу жумбоқни Маликул шароб ечиб берар? Эҳтимол, бу сирдан воқифдур у, деди Беруний. Бироқ Сабҳу унинг бу умидини ҳам чил-чил синдирди. Маълум бўлишича, Беруний ҳибсга тушган кунлари Маликул шароб ҳам зиндон қилинган, буни сабабини ҳам ҳеч ким билмас, бировлар шаккоклик қилиб, султонга қарши гапирган деса, бировлар уни зиндонга ташлаган султон эмас, вазиру вазаро дейишарди!..

Садафбидан жудо бўлган фақир кулба худди шамсиз ҳужрадай хиралашиб, ҳувиллаб қолган эди. Беруний ўзи ҳам энди билди: унинг кулбасини тўлдириб, офтобдай яшнатиб турган Садафбиби экан! Қизнинг кулги аримайдиган кулча юзи, хоразмча сал чучук тили, бирда шўх, бирда мунгли, аммо ёқимтой қўшиқлари экан!

Не қилмоқ керак? Қайдан қидирмоқ керак? Бу ишда Хатлибегим-

дан бошқа бирор кимсадан нажот кутиш қийин эди. Шу боисдан Беруний, гарчи бу ўқтам, шаддот хотинга рўбарў бўлишдан юраги безилласа ҳам, Абу Наср Мишкан айтган чопарларни сабрсизлик билан кута бошлади. Бироқ соҳиби девон айтган чопарлардан нечундир дарақ йўқ эди.

Беруний, гарчи уйдан чиқмаса ҳам, шаҳардаги таҳлика баттар кучайганини, саройда бошланган пинҳоний кураш баттар авж олганини пайқар, шунинг учун ҳам бирда чопарларнинг келмаганидан суюнса, бирда шаҳардан бош олиб чиқиб кетгиси келар, аммо Садафбиби билан Маликул шаробнинг тақдири уни бу фикрдан қайтарар эди.

Беруний уларни қутқариш чораларини ўйлаб, хаёлан минг бир кўчага кириб чиқар, бироқ ҳеч бир чора тополмай кўнгли хуфтон бўларди-ю, бу тизгинсиз ўйлар гирдобидан қутулиш умидида гоҳ «Ҳиндистон»ни қайта қўлга олиб, уни янги саҳифалар билан тўлдирад, гоҳ «Қалъаи қаҳр»да хаёлига келган ихтирони ниҳоясига етказиш умидида расадхонага йўл оларди.

Расадхона «Гардиз» қалъасининг юқорисида, «Кўҳишер» чўққисининг тепасида бўлиб уни бундан ўн икки йил муқаддам, Ҳиндистон сафаридан аввал Беруний ўзи бош бўлиб қурдирган эди. Икки ошёна-ли муаззам бинонинг юқори қаватида сайёралар ҳаракатини кузатувчи мураккаб асбоблар жойлашган, хона деворларига тавқим ва жадваллар осилган. Биринчи қаватда эса илмий анжуман ва мушоиралар учун махсус хоналар, султонга аталган дoston ва қасидаларни кўп нусхаларда кўчирувчи ҳуснихат хаттотлар учун қурилган шинам ҳужралар бор. Илгари, расадхона қурилган дастлабки йилларда, султон бу ерга кўп келар, кечалари у мураккаб асбоблар ёнида ўтириб, мунажжимлар билан сирли суҳбатлар қуришни, айниқса, назм бўстонларининг боғбонлари битган дoston ва қасидаларни эшитишни яхши кўрарди. Кейин хушхат хаттотлар султонга ёққан энг дабдабали қасидаларни юзларча нусхаларда кўчириб, қўл остидаги барча ҳокимларга, элчилар орқали эса хорижий элларга совға қилиб жўнатарди. Лекин кейинги йилларда, султон дунёвий ишлардан сал ўзини тийиб, тақвога юз тутгандан буён, айниқса касалга чалиниб, дабдабаю асъасалардан кўнгли совигандан бери расадхонадан файз кетган, кўп алломалар ҳам қадамларини тийган, фақат кекса мунажжим мавлоно Абу Толиб Фарруҳий билан шоир Зийнатий, ёшлардан эса салоҳиятли тарихчи ва ноёб хушхат соҳиби Абу Фазл Байҳокийгина ҳамон келиб-кетиб туришарди.

Беруний илгарилари ҳам кўп вақтини расадхонада ўтказар, унинг тинч, осуда хоналарида ўтириб, мутолаа ва мушоҳада билан шугулланар, бу ишлардан чарчаган чоғларида эса, ўз ҳамкасб биродарлари билан илми нужум, ҳандаса ва фалсафа ҳақида суҳбат қуришни яхши кўрарди. Мана энди, азиз дўсти Маликул шароб билан Садафбидан айрилиб, ўзини қўядиган жой тополмай қолган бу оғир кунларда ҳам расадхона унинг жонига оро кирди. У расадхона устахонасига махсус дастгоҳ ўрнатиб, «Қалъаи қаҳр»да хаёлан ихтиро қилган ғаройиб асбобни ясашга киришди.

Обдаста шаклида ясаладиган бу олат ва унинг тузилиши Берунийнинг калласида обдан пишган эди, бироқ шундай бўлса ҳам, бу ихтиро уни кўп қийнади. Айниқса, обдаста жўмраги тагига ўрнатиладиган тарозуни ясаш мушкул бўлди, чунки бу тарозу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда «сезгир», яъни бир мисқолнинг юздан бирини ҳам аниқлай олиши лозим эди. Шундайким, сув тўла обдастага солинган маъдан ўз ҳажми баробар сув томчиларини сиқиб чиқарганида «нозик» тарозу маъдан оғирлиғини, тўғрироғи, маъдан оғирлиғининг сиқиб чиқарилган сув оғирлиғига нисбатини аниқламоғи лозим. Бу нисбат, ўз навбатида, олтин оғирлиғига нисбатан солиштирилади ва шу йўсин табиатда неки маъдан бўлса, ҳаммасининг, солиштирма оғирлиғини аниқлаш имқонияти яралади...

Беруний аввал бу «нозик» тарозуни топиш умидида растама-раста юриб, ҳамма таниш заргарларни айланиб чиқди. Пири Букрийдан бош-

қа ҳамма атторларнинг тарозуларини кўздан кечирди, бироқ ўзи истаган «сезгир» тарозуни ҳеч кимдан тополмади. Ҳатто хазинадорларнинг олтин тарозулари ҳам у тилаган даражада «нозик» эмас эди! Аммо Берунийни кўп қийнаган бу муаммонинг яхши томони ҳам бор. У фикр-ни чалғитиб, кўнглида зил бўлиб ётган оғир ўйларни хиёл тарқатар эди. Шу боисдан Беруний бир неча вақт кечаю кундуз расадхонадан чиқмади. Бугун бир лаҳза ором олиш умидида шаҳар ҳовлисиغا келган эди, ғам-андухда иш билан ўзини чалғитди. Тонг пайти ўтирган жойида кўзи илинган экан, Сабҳу кириб уйғотди.

2.

Ташқарида тўрт нафар навкар от ўйнатиб турар, улар орасида бошига кўк салла ўраб, устига кўк мовут тўн кийган соҳиби девон кўри-нарни.

Тонг яқин, теварак-атрофда хўрозлар қичқирар, итлар ҳураб, гоҳо-гоҳо эшаклар ҳанграр, лекин осмон ҳануз юлдузга тўла, зодагонлар дўҳасининг ҳар жой-ҳар жойига ўрнатилган тош фонуслар ҳануз ўчирилмаган эди.

Афшонсой ёқасидан тасир-тусур от суриб кетаётган суворийлар Боғи Маҳмуд қўрғонига етгач, худди бир нарсани йўқотгандай, бир он тапир-тупир қилиб туришди-да, чап қўлдаги «Кўшки давлат» саройига эмас, ўнг қўлга, шаҳар ташқарисига қараб бурилишди. Сал ўтмай, сойнинг у юзидаги уйлар, расталар, дўконлар, мачит ва карвонсаройлар орқада қолиб, олдинда бир-бирига тутшиб кетган ясси қирлар кўринди, қирлар ортида «Мозори калон» қабристонини мачитининг тиллакори гумбази ярқираб кетди.

Беруний ҳайрон бўлиб, ёнида от чоптириб бораётган соҳиби девонга қаради. Девон бошлиғи кўзини юмиб, маъюс бош чайқади: «Сабр қилинг, мавлоно!»

Зум ўтмай, қабристон қўрғони ҳам ўнгда қолиб, олдинда қалин арчазор қирлар кўринди. Димоққа ёш арча ва ёввойи гиёҳларнинг нозик бўйи гуп-гуп урди, сўнг, қирлар орасида кенг сайҳонлик намоён бўлди. Ёш арчалар билан қуршалган бу сайҳонлик ўртасига, худди мўъжаз тилла қасрни эслатувчи сап-сарик ипак саропарда тикилган эди. Саропардадан йироқроқда яна бир чодир кўринар, чодир атрофида ғимирлаб юрган аллақандай соялар кўзга чалинарни. Арчазор сув қуйгандек жимжит, овлоқдаги қабристон каби мунгли сукутда эди...

Соҳиби девон, навкарлар ёрдамида отдан тушиб, увишиб қолган оёқларини уқаларкан:

— Мавлоно,— деди аллақандай ёлвориб.— Олампаноҳнинг аҳволи оғир. Не истак билдирса йўқ демайсиз, азизим!

Шу пайт қаршидаги ипак саропардадан тўпигигача қора либосга ўраниб, юзини қора дурра билан тўсиб олган бир аёл чиқиб, юзидаги дуррасини сал кўтарди.

— Ассалому алайкум, мавлоно!

«Хатлибегим?»

Хатлибегим, қора дуррасини қайта юзига тортиб, соҳиби девонга юзланди:

— Кечаги сўзим ёдингиздадур? Бу суҳбат пинҳона қолмоғи лозим! Фурсат зик, тез кириг, тақсирим! Мен сизларни Осмон маликаси саройида ўз хосхонамда кутамен!..

Хатлибегим, шундай деди-да, оёқ остидаги майин гиёҳларни шип-шип босиб, арчазор орасига кириб кетди.

Беруний беихтиёр юраги увишиб, соҳиби девон орқасидан саропардага кирди. Биттаю битта шам ёқилган юз кишилиқ улкан саропарда бўм-бўш ва нимқоронғи эди. Саропарданинг чап томонида, баланд қилиб тўшалган оқ кигизлар устида... бошига қора телпак, эгнига узун

қора жун чакмон кийган бир одам... (Е раб! Бу одам султон Маҳмуд Ғазнавий эди!) узала тушиб ётарди!

Саропардада одатдаги зеб-зийнатлардан асар ҳам йўқ, султоннинг кийим-бошидан тортиб, ерга тўшалган кигиз, мустаҳаб учун қўйилган жом ва қумғонлар, ҳаммаси эски ва аллақандай ғариб эди...

Султон саропардага кимдир кирганини сезиб, ўрnidан қўзғалмоқчи бўлди, бироқ Абу Наср Мишкан жаноблари чаққонлик билан пилдираб бориб, боши остидаги ёстиқларни кўтариб қўйди. Султон ўймоқ тагидаги симобдай милтираган кўзлари билан Берунийга бир он синовчан тикилди, сўнг: «яқинроқ кел!» деб имо қилди-да, кўзини юмди.

— Мавлоно Абу Райҳон! Не чора, ҳаммамиз ҳам ожиз бандамиз. Чумчуқдай жонимиз яратғувчининг ҳукмидадур. Ва лекин... худованди карим кўнглимга бир армон солмиш, ул ҳам бўлса... Ибн Сино ҳазратларини бир кўрмоқдур!— Султон сийрак киприклари орасидан сизиб чиққан кўз ёшини «қўлт» этиб ютинди-да:

— Олло шоҳид!— деб хитоб қилди.— Олло шоҳид, бу армонни кўнглимга яратғувчим ўзи солмиш! Бас, сизни чақирмоқдан муродим шулким, бу сўнги армоним ўзим билан бирга гўримга кетмагай!

Соҳиби девон шоша-пиша чўнтагидан дастрўмолини олиб кўзига босди.

— Давлатпаноҳ! Иншоолло, ниятингиз мустажоб бўлур. Ариз Абулвафо Сарикдан хабар келди: Ибн Сино ҳазратларини олиб, бир ҳафта бурун Тегинободдан чиққан эмиш. Мана, мавлоно Абу Райҳон ҳам букун йўлга чиқур, ул зоти шарифни қарши олиб, тезда Ғазнага етказадур.

«Е тавба! Наҳот бу сўзлар рост бўлса? Наҳот Абу Али, йигирма йилдан буён султон Маҳмудга хизмат қилишдан бош тортиб, мусофир юртларда дарбадар кезиб юрган Абу Али энди Ғазна томон йўл олган бўлса? Наҳот Абу Райҳон у билан дийдор кўришмоқ бахтига муяссар бўлса?»

Султон Берунийнинг юзида акс этган ҳаяжонни бошқача тушунди, чоғи:

— Фақирни афв этинг, мавлоно,— деди чуқур хўрсиниб.— Тунов куни жаҳл устида сизга қаттиқ озор бердим. Не чора — салтанат юмушлари шундай эканким, тахт соҳиби бирда ўз фуқаросининг бошини силаса, бирда қаттиққўл бўлмоқдан бошқа чора йўқ экан!

Берунийнинг дилида бир зум «ярқ» этиб ёнган шам қайта сўнди. Унинг қалбида қат-қат бўлиб ётган туғёнлар, уйқусиз тунларда султонга айтишни армон қилган энг шафқатсиз сўзлар лоп этиб қайта эсига тушди. Ёшлик чоғларида, адолатсиз ишлардан юраги ловиллаб ёнган пайтларида, Беруний, бу сўзларни султон билан юзма-юз туриб гаплашишни орзу қилар, устоди Абдусамад Аввал каби дор тагида туриб бўлса ҳам, кўнглидаги дардларини тап тортмай айтиш умидида юрарди. Мана, ўша дамлар келди, юрагида йиғилган ҳамма дарду ситамлари, ҳамма алам, ҳамма исёнларини тўкса арзийдиган қасосли онлар келди. Ва лекин... бошига олтин тож ўрнига эски қалпоқ, эгнига заррин либос ўрнига қора чакмон кийиб, эски кигиз устида узала тушиб ётган бу ғариб султон!.. Унинг қудуқ тагидаги бир томчи симобдай милтираган мунгли кўзлари!..

— Субҳонолло! Сўзимга инонинг, алломаи даврон! Осий банда қилган гуноҳларимни биламен. Шу сабабдан мана, гўристонга келдим. Ниятим — валилар қабрини тавоф айлаб, уларнинг руҳини шод этмоқдур! Қайсики бандаи мўминнинг кўнглига озор берган бўлсам ёхуд ноҳақ зулм қилган бўлсам, аҳдим — барчанинг кўнглини овламоқ, мулкига хиёнат қилган бўлсам, ўн баробар кўпроқ қилиб қайтариб бермоқдур. Зеро, фақирдан жабр кўрган ҳар бир бандаи мўмин камининг гуноҳидан ўтса...

Мана, соҳиби девон шоҳид! Уч кун муқаддам шаҳри Тусга яна бир туя олтин, бир туя кумуш йўлладим. Муродим — ул маликул калом... Абулқосим Фирдавсий ҳазратларининг мақбарасига мрамар

сағана ўрнатиб, таваллуд топган шаҳрида яна бир масжиди жоме қур- дирмоқдур!..

«Ё парвардигор! Бу инсоф, бу афсус-надоматларни бу ғофил банданнинг кўнглига ўттиз-қирқ йил муқаддам солсанг бўлмасмиди? Эл бошига мислсиз офат келтирган жангу жадаллар, илм аҳлига қилган хўрлик ва таҳқирлардан аввал инсофга келтирсанг бўлмасмиди? Нечун фақат умрининг сўнггида, кўзига азроил алайҳиссалом кўринганда инсофу адолатга келтирдинг бу қаҳри қаттиқ бандангни?»

Султон Берунийдан жавоб кутиб, бир дақиқа сукут сақлади, сўнг, яна ўша маҳзун овозда давом этди:

— Сизга ёлғон, оллога рост, мавлоно! Мана ўн йилдирким, мен ул назм султони Абулқосим Фирдавсийни ранжитганимдан пушаймон- мен! Нечун ўшанда ул маликул каломни ўз қанотимга олмадим, не- чун ичи қора вазирлар сўзига кириб, уни Ғазнадан ҳайдадим? Нечун ёзган китобини олиб, бошидан олтину жавоҳир сочмадим?

Султоннинг овози тўсатдан тизгинсиз бир ўкинч билан янграб кет- ди-ю, Абу Наср Мишкан қуйилиб келган кўз ёшларини қулт-қулт ютиб:

— Офтоби олам!— деб зорланди.— Бу ишда пушаймон чекманг! Агар Абулқосим Фирдавсий — Олло унга равзаи ризвондан жой ато қилгай!— ўша дақиқада такаббурлик қилмай, сиздай амирал мўъми- нинга изҳори ихлос этганида, агар назм аҳли бахиллик қилиб, сиздай олампаҳоҳни чалғитмаганида... сиз бу ишни қилмас эдингиз!..

— Ташаккур, азизим!

Беруний индамай бошини ҳам қилди. Шу заҳотиёқ Афшон шол даҳасидаги эски ҳаммом кўз олдига келди. Ҳаммом тўла кафангадо шоирлар, мутриблар, мискину мажруҳлар ўртасида, бир қўлида коса тўла кумуш танга, бир қўлида май, буй-басти келишган, серсоқол, сержаҳл бир мўйсафид турар, у уст-устига қадаҳ кўтариб, косадаги кумуш тангаларни ҳовучлаб осмонга отар, бироқ ерга сочилган танга- ларга ҳеч ким қарамас, ҳамма унинг улуғвор важоҳати ва исёнкор сўзларига маҳлиё бўлиб қолган эди:

— Назм султони аталмиш камина ҳам «Шоҳнома»ни ёзгунча сен- лар каби гадо эдим! Букун «Шоҳнома»ни ёзиб тугатганимда ҳам ўшан- дайин гадомен!.. Мана «Шоҳнома»нинг пулини олинглар! Ярмини сенларга, ярмини султон Ғазнавийнинг ўзига инъом этамен. Токи, ул соҳибқирон ҳиндлар юртига юриш қилиб, хазинаси бўшаб, камбағал бўлиб қолмишлар!

Серсоқол, сержаҳл шоир шундай деб, яна бир сиқим тангани ос- монга отади, ерга тушган кумуш тангалар аллақандай шўх жаранг- лаб ҳар томонга юмалаб кетади. Бу шўх даранг-дурунгни мискину мажруҳларнинг хуррам қийқириғи босиб кетади.

— Офарин, устод!

— Йўқ, сиз гадо эмас, гадолар пирисиз, Устод!

— Пири эмас, шоҳи де, тентак, гадолар шоҳи!

Бу воқеани эслаши билан Берунийнинг ёдига негадир Маликул шароб тушди-ю, энди оғзини очмоқчи бўлган эди, амирал мўъминини унинг сўзини бўлди:

— Ибн Сино ҳазратларига етказгайсиз, мавлоно! Ул зоти шариф Ғазна мунаварада энг юксак икром топғусидир. Саройга ташриф буюрган куни вазни баробар олтин инъом этамен. Табаррук бошидан жом-жом дур ва жавоҳир сочамен! Ғазнанинг энг баҳаво жойидан мрамор қаср қуриб, ҳарамимдан истаган канизни совға қиламен!..

«Ажаб дунё экан бу дунё! Куни кеча бутун рўйи заминни зир тит- ратган, аркони ҳарб ва аркони давлат олдида илм аҳлини сариқ ча- қага олмаган бу мустабид шоҳ букун Ибн Синонинг оёғига йиқилмоқ- қа рози! Ҳақиқатан... ал-қасосил миналҳақ! Ҳақиқатан қасосли дунё экан бу дунё!»

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, мавлоно! Ибн Сино ҳазратлари қан- дай мартабага эришса, сиз ҳам шундай мартабаларга эришурсиз!..

Беруний Маликул шароб тўғрисида гапириш мавриди келганини сезиб, таъзим қилди:

— Бу яхшилигингизни тоабад унутмаймен, давлатпаноҳ! Аммо... бир қошиқ қонимдан кечсангиз... сизга бир илтимосим бор!

— Сўзланг, мавлоно!

— Илтимосим шулки... давлатингиз соясида Маликул шароб деган бир ғариб бор.

— Ғариб эмас... шаккок майпараст ул! Хўш?

— Каминани кечиргайсиз, давлатпаноҳ! Аммо... билмам нечун, кексалик манзилига қадам қўйган бу ногирон бандани кимлардир зиндонга ташлабдур. Унинг кексалиги ҳурмати...

Султон ётган жойида бетоқат қимирлаб, қоқ суяк қўлини кўтарди.

— Бошқа пайтда арзингиз инобатга ўтмас эди, мавлоно! Зеро-ким, ул бетавфиқ майпараст... Хўп! Мавлононинг арзи ерда қолмасин. Фармон ёз, Абу Наср!

Беруний икки қўлини кўксига қўйганича орқаси билан юриб, саропардадан чиқди, чиқаркан: «Садафни ҳам сўраб-суриштираман бўлур эди», деган фикр кўнглидан ўтди, бироқ бу фикридан дарҳол қайтди.

«Йўқ, бу дунё устунларидан бир маҳалда икки нарсани илтимос қилиб бўлмас. Яхсиси бу илтимос билан Хатлибегимга мурожаат қилмоқ жоиз!».

Ўн олтинчи боб

С. ЕКЎБОВ ◆ КУХНА ДУНЕ ◆ РОМАН

Беруний билан соҳиби девон саропардани тарк этгандан кейин султон аъзойи бадани аллақандай бўшашиб, узоқ ётди.

Кеча кун ботиш олдида «Мозори калон» қабристони яқинидаги бу қирларга келиб қўнганидан кейин биқинидаги санчиқ хиёл пасайиб тинимсиз қақшаб оғриган жисми сал ором олган, бу ором қалбида умид шамини ёққан эди. Бу шам ҳамон милтираб турибди...

Ана, қабристон томондан азон овози эшитилди. Мўминларни бомдод намозига чақирган бу мунгли овоз тоғларда акс-садо бериб, шундай тиниқ янградик, султоннинг аъзойи бадани жимирлаб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Назарида, бу овоз қабристон мачитидан эмас, йўқ, ғойибдан келаётган илоҳий овоз бўлиб туюлди-ю, нечундир марҳум падари бузрукворининг бир гапи эсига тушиб кетди.

У маҳалда султон ҳали ёш эди. Падари бузруквори амир Сабуктегин,— олло унинг охиратини безавол, имонини басаломат қилғай!— Нишопурга юриш бошлаган чоғлар эди.

Худди ҳозиргидай илиқ баҳор кунлари эди. Нишопур йўлидаги адирлар, қирлар, кўз илғамас сайҳонликлар ям-яшил гиёҳлар билан қопланган, қир ва даштларни тўлдирган ҳисобсиз лашкар ҳам қандайдир кўтаринки руҳда эди. Ҳар куни намози аср пайти қўшин бир жойга бориб қўнар, шунда улкан қароргоҳ чумоли уясидай гимирлаб қолар, кечаси даштда беҳисоб гулханлар ёнар, қўйлар, отлар, ҳўкизлар сўйилар, дошқозонлар осилиб, марҳум қиблагоҳи учун қурилган юз кишилик саропардага барча амирлар, лашкарбошилар, вазиру вузаро тўпланар, уларга энг нозик таомлар тортилар, энг машҳур мутриблар, хонанда ва созандалар йиғилиб, тонготар базмлар бўларди...

Бир куни, эсида бор, Нишопур яқинидаги Хокисор деган жойга етиб боришди. Йўлнинг икки томони баланд адир эди. Бу адирларга етганда амир Сабуктегин тўсатдан бошқалардан ўзиб кетди-да, бир қирдан иккинчи қирга от суриб, узоқ айланиб юрди. Ҳамма ҳайрон, лашкарбошилар унга яқинлашишни ҳам, орқада қолишни ҳам билишмас, амир эса, лом-мим демай ҳамон от сурар, ҳар қирга чиққанида атроф-теваракка узоқ тикилиб қолар, сўнг яна лом-мим демай, олдинда кўринган бошқа бир қирга от суриб кетарди.

Ниҳоят, навбатдаги қирга чиққанида қидирган нарсасини топди

чоғи, отдан сакраб тушди-да, тиз чўкиб қайта-қайта ер ўпди. Кетмакет от чоптириб борган ёш Маҳмуд отасининг қўлида катта бир темир қозикни кўрди. Падари бузруквори, кўзида ёш, бу қозикни қайта-қайта ўпар, сўнг қиблага юзланиб бот-бот сажда қиларди. Ҳамма ҳайрон, падари бузруквори эса, намоз ўқишда давом-этар, бир рақаатдан кейин иккинчи рақаатга киришар эди. Ниҳоят, юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди-да, қозик топилган тепаликка саропарда тикишни, қўйлар сўйилиб, бутун лашкарга зиёфат беришни амр қилди.

Уша кун хуфтон намозидан кейин падари бузруквори саропардага ҳамма лашкарбошиларни йиғиб, Бухоро бозорида қул бўлиб сотилганидан кейин бошига тушган мусибатларни сўзлаб берди. Уни сотиб олиб, Нишопурга ҳайдаган қулжаллоб шундай хасис эканки, остидаги оти йўлда йиқилиб қолганида ўлган отнинг эгар-жабдуқларини ҳам унинг елкасига ортиб, бу бепоён чўли биёбондан яёв ҳайдабди...

— Елкамда эгар-жабдуқ — деган эди ўшанда падари бузруквори.— Ялангоёқ тиган босиб, салкам бир ҳафта яёв юрдим. Шундайким, бу чўли биёбонда кўрган азоб-уқубатларим, чеккан заҳматларимни яратган эгам ҳеч бир бандасининг бошига солмағай... Охир-пировардида, жоним ҳалқумимга келиб, юришга мадорим қолмай адо бўлганимда мана шу тепага, ҳозир саропарда тикилиб, сизлар ўтирган жойга келиб қўндик. Фақир ёлғиз соям қолган эди. Бир қултум сув ичишга мажолим йўқ, шу ерга келиб қуладим-у, тилим-тилим бўлиб кетган оёқларимни уқалаб, тонг отгунча нола чекдим. Ёзуғи не ожиз бандангнинг деб, кўкка тавалло қилдим. Охири чарчоқ енгиб, кўзим илнинг экан, туш кўрдим... Тушимда... қўлида асо, бошида салла, оппоқ бир қария тепамга келиб:

— Ҳей, бандан ғофил!— деб хитоб қилди.— Нечун парвардигори оламга бунчалар оҳу фарёд қиласен? Нечун бунчалар гусса чекасен?

— О, валинеъмат, бузруквор! Фақир йиғламай ким йиғласин? Менинг бошимга тушган бу кўргулик ҳеч бир мўминнинг бошига тушмасин!

— Инналлоҳо маассобирин!— деди оппоқ чол.— Олло сабр қилгучилар билан биргадур. Сабр қил, бўтам. Фақир у ҳақиқ Хизр алайҳиссалом бўламен. Сабр қилсанг... бошинга тушган бу мусибатлардан яқин кунларда фориг бўласен, толеинг баланд, истиқболинг ёруғ бўлгусидир. Улуғ мартаба ва тожу тахт кутадур сени! Шукрона билдириб, сабр қил, бўтам!..

— Уйғониб кетсам... кўрганларим туш экан,— деган эди ўшанда падари бузруквори кўзига ёш олиб.— Тонг яқин бўлса-да, карвон аҳли уйқуда эди. Дарҳол ўрнидан турдим, таҳорат қилиб намозга киришдим. Карвон аҳли ғафлат уйқусидан уйғонгунча камина эллик рақаат намоз ўқидим. Ҳар рақаатдан кейин аъзон баданимдаги оғриқ тарқаб, охир-пировардида жисмимда шундай бир қувват сездимки, қолган йўлни отдай елиб-югуриб босдим. Нишопурга икки кун деганда кириб бордик. Нишопур бозорида тақдир каминани Сомонийлар сипоҳсалори Алптегинга рўбарў қилди. Амир Алптегин — олло унинг руҳини масрур қилгай!— салоҳиятли лашкарбоши, мард ва танги одам эди. Ул зоти шарифнинг фақирга меҳри тушиб, ўзига надим қилиб олди. Фақир ҳам унга ҳалол хизмат қилдим, жангу жадалларда от суриб, берган тузини оқладим. Шу-шу, бирламчи, олло-таолонинг инояти билан, иккиламчи, Хизр алайҳиссаломнинг дуои саодати мустажоб бўлиб, мана, соҳиби тож бўлдим!..

Султон падари бузрукворининг бу ҳикоясини эсларкан, кеча ҳам, бугун ҳам, негадир Хизр алайҳиссалом унинг ҳам тушига кирадигандай, унга ҳам шифо тилаб, оқ фотиҳа қиладигандай туюларди.

Султон кўзини юмиб, кўкка тавалло қилиб ётаркан, бир неча бор бурчакда, саропарданинг шам шуъласи етмаган ғира-шира жойида, оппоқ бир чол унга тикилиб тургандай, гўё унинг мулойим, афсунгар

овози қулоғига чалингандай бўлди. Бироқ ҳар сафар кўзини катта-роқ очиб, ўша томонга тикилиб қараш билан нуроний қария қайгадир гумдон бўларди. Мана ҳозир ҳам шундай бўлди. Назарида, чодирнинг пардаси кўтарилиб... қўлида асо... бошида оппоқ дастор, нуроний бир қария, йўқ, қария эмас, чеҳрасидан ажиб нур ёғилиб турган Хизр алайҳиссаломнинг ўзи кириб келди. Хизр алайҳиссалом пойгакда тўхтаб, унга бир нималар деб шивирлади. Ё раб! Наҳот тушида аён бўлган нарсалар тагин беҳуда рўёга айланса? Наҳот кўзини очиши билан бу меҳрибони бошафқат қария яна қайгадир гумдон бўлса?.. Йўқ, султон кўзини очмайди. Сўзланг, валинеъмат! Қўл очинг, бандаи ожизни ўз ҳифзи ҳимоятингизга олиб, дуои саодат қилинг, пири муршид! Осий банда эса, туну кун истиғфор айлаб, қолган умримни тоат-ибодат билан ўтказгаймен!»

Шу пайт қулоғига:

— Олампаноҳ!— деб аста шивирлаган овоз эшитилди. Овоз султон тасавуридаги ҳазрат Хизр овозидай мулоим ва сеҳрли эмас, сал хирийлоқ ва ўктам эди. Лекин султон кўзини очмай: «Ё жаббор! Ё ҳаллоқ!»— деб шивирлади.— Узингга минг қатла шукрким, осий бандангнинг сўнгги тилагини вожиб қилдинг!

— Давлатпаноҳ!— бу сафар овоз аниқроқ эшитилди.— Кўзингизни очинг. Тонг отди. Барча аҳли мўмин «Мозори калон» қабристонида ҳозир нозир. Бомдод намози қазо бўлмасин!

Энди батамом аён бўлди — гапираётган Хизр алайҳиссалом эмас, пири муршид имом Сайид эди! Аммо султон бирдан кўнгли сув ичгандай ёришиб:

— Пирим,— деб хитоб қилди.— Сиз ҳозир фақирга ҳазрат Хизр алайҳиссалом тимсолида аён бўлдингиз. Пешонамни силаб, дуои саодат тиладингиз! Пири муршид дуоси — муҳри худодур! Худо хоҳласа энди шифо топғусимен, пирим, шифо топғусимен!

Имом Сайид кўзларини кўкка тикди, каҳрабо тасбеҳ ушлаган оппоқ қўлларини очиб:

— Илоҳи омин!— деб юзига фотиҳа тортди.— Иншоолло, ҳар лайлу наҳор такбир тушириб, машойиҳлардан сиз амирал мўмининга кушойиш тилаб, дуо қилиб турибмизким, бу дуои хайримиз мустажоб бўлғай! Дард — меҳмон, шифосини берса ажаб эмас. Илоҳо, бало юкин тортмоққа қувват ва муҳаббатинг меҳнатини тортмоққа сабр бергайсен. Қани, биссимиллоҳи-ир раҳмонир-раҳим!

Султоннинг чуқур ботган кўзлари зимистон кулбадаги шамдай ярқираб кетди-ю, қуриган теракдай қовжираган танасида аллақандай нотабий бир куч сезиб, секин ўрнидан турди.

Ташқарида, арчазорга тикилган саропарданинг бир ёнида ҳаммаси бирдай сафроранг жубба кийган уламои забардастлар қўл қовуштириб турар, иккинчи тарафида эса аркони ҳарб ва аркони давлат, вазиру вузаро ва аъёну боёнлар саф тортган эди.

Офтоб ҳали чиқмаган, йироқдаги қорли тоғлар усти энди оқара бошлаган, бироқ теварак-атроф яшнаб-яшариб кетган. Оёқ остидаги бўлиқ майсалар орасида чигирткалар чириллар, Афшонсой томонда, қурбақалар қуриллар, димоққа арча, наъматакгул, ёвшан, бўзтикан ва ёввойи пнёз ҳиди гуп-гуп урарди...

Султон бирдан қуйилиб келган қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, орқасига, Афшонсой ортидаги шаҳарга ўгирилиб қаради.

Суюкли шаҳри! Падари бузруквори амир Сабуктегин асос солган, лекин унинг, султон соҳибқироннинг пешона тери, меҳру муҳаббати, зар ва зўри билан камол топган... суюкли шаҳри Ғазнаи мунавара!

Шаҳар туташ боғлар орасидан яхши кўринмас, фақат Боғи Феруз ортидаги Осмон маликаси қасрининг оқ мрамар пештоқлари билан Қўшки давлат саройининг ложувард гумбази элас-элас кўзга чалинарди.

Осмон маликаси!

Султон, негадир Ғазнада қурдирган барча сарой, кўшк ва қасрлари, беҳисоб мачитлари орасида улкан оққушга ўхшаган мана шу мрамор саройни яхши кўради. Феруза боғи билан маъсум келинчакни эслатувчи мана шу оқ қаср дилининг ҳуши, кўнглининг ороми! Феруза боғидаги осуда йўлкалар, қишин-ёзин кумуш фавворалар сувига чўмилган мусаффо гулзорлар, чиний кошинлар билан безатилган тиниқ ҳовузлар ва уларда сузиб юргувчи оққушлар, камалак рангли товуслар, хурмо ва ананас янглиғ нодир дарахтлар ўсгувчи кўркам хиёбонлар!

«Э, яратган эгам! Наҳот бу гўзалликни, бу қасри муаззамлар, бу жаннатмонанд боғларни барпо қилиб, энди роҳату фароғатда яшайман деганида ҳаммасидан мосуво қилсанг? Наҳот унинг, амирал мўъминин аталмиш султон Маҳмуд Ғазнавийнинг тақдирини гўристонда тентираб юрган анов гадолар ва йўқсиллар тақдири билан баробар қилсанг? Борадиган жойи ҳам ўша гадолар борадиган беш газ совуқ гўр бўлса? Унда нечун қуръони каримда «ас салотин зинналлоҳи фил арз», яъники, «султонлар ердаги соямдур», дединг? Нечун уларни бандаларинг устидан баланд кўтардинг, э, сарвари коинот?».

Султоннинг хаёлини Али Ғарибнинг:

— Тахтиравонни келтиринг!— деган ўктам овози бўлди. Унга Абул Ҳасанакнинг аллақандай қувноқ, хуррам товуши қўшилди:

— Шошманг, ҳазратим, мен, мен ўзим...

«Гур» этиб ёпирилиб келган катта оломон тахтиравонни даст кўтариб олди-да, талашиб-тортишиб қабристон томон йўналди.

Раъиятнинг бошида имом Сайид борарди. Эғнида кенг сафроранг жубба, бошида сурмаранг салла, имом Сайид, қўлидаги асосини ерга дук-дук қадаб, тўйган ғоздай аста-аста қадам ташлар, унинг юришида, оппоқ қошлари тагига яширинган катта-катта сарғиш кўзларининг мамнун порлашида, кўксига тушган чиройли соқолининг кумушранг жилосида ички бир виқор ва мамнуният барқ уриб турарди. Ҳа, у энди ўзидан мамнун бўлса арзийди. Ахир кимсан, буткул рўйи заминни зир титратган султон соҳибқиронни ўз иқтидорига бўйсундириб, ёт деса ётадурғон, тур деса турадурғон қилди! Рост, султон ҳеч қачон имом Сайидга қарши борган эмас. Пойқадами етган юрт борки, ҳамма жойда унинг истаги билан янги мачитлар қурдириб, барча пешвойи дин ва уламои забардастларга ҳомийлик қилган, юксак рутбалар билан кўнгилларини ҳушнуд этган. Ва лекин ҳеч қачон бунчалик тобе, бунчалик муте ҳам бўлган эмас! Гарчи, имомнинг панду насихатларини тардид¹ этмаса ҳам, пинҳона ўз билганини қилган, билъақс, анов алломан мутакаббир Абу Али ибн Синога зимдан элчи юбориб, кечаю кундуз унинг йўлини пойлаб ўлтирмас эди! Имом хуфяларининг хабар беришича, султон ҳатто анов бетавфиқ Абу Райҳон Берунийни ҳам ҳибсдан чиқариб, махсус дивсуворлар билан Ибн Синога юборишга аҳд қилган. Шу боисдан ҳам имом ҳазратлари боя саропардага кирганда султондан норози эди, лекин бу ўртада чамаси султоннинг руҳида ногаҳоний бир ўзгариш рўй берди. У Хизр алайҳиссалом тўғрисида сўз очиб, имомнинг кўнглини чоғ қилди. «Сизни Хизр алайҳиссалом тимсолида кўрдим», деди. Бас: эндиликда имомнинг айтгани айтган, дегани деган! Эндиликда ҳеч бир кимса, ҳатто ул такаббур ҳаким Ибн Сино ҳам султоннинг жilовини ўз қўлига ололмайди! Султон энди тоабad имом Сайид ҳазратларига мусалламдур.²

...Султон. тахтиравон қаттиқ силкинганини сезиб, кўзини очди. Юксакда, боягидан ҳам тиниқлашган кўм-кўк осмон қаърида, ёлғиз оқ булут сузиб юмарди. Йўқ, бу булут эмас, булут шаклидаги бир одам, устида ҳакимлар ридоси, бошида ҳакимларнинг учлик оқ қалпоғи, соқоли кўксига тушган нуруний бир кимса! Ё раб! Ҳакими даврон... Ибн Сино эмасми бу?.. Ҳа, ҳа, ҳазрат Ибн Сино! Худди ўзи!

¹ Тардид — рад қилмоқ.

² Мусаллам — таслим.

Боя Хизр алайҳиссалом кўзига кўрингани бежиз эмас! Хизр алайҳиссалом ҳақими даврон Ибн Сино тимсолида аён бўлса ажаб эмас! Истиқболнинг хайрли аломати бу!

Султон бирдан томоғи ғип бўғилиб, кўзини юмди. Шу пайт дарёдай гувиллаган оломон овози қулоғига кирди.

Имонсиз Маликул шароб: «Буткул хазинангни садақа қилсанг ҳам, қилган гуноҳларингни ювомайсен», деди. Йўқ, султон мардуми мўминга яхшилик қилгон экан, мана, бутун Ғазна кўчиб чиқмиш! Юришга қодир аҳли имон борки, бари истиқболига келмиш. Фақат... Қутлуғқадам анов айтган Бобо Хурмо қайда? Уни топмоқ даркор! Кимгаки озор берган бўлса, ҳаммасини қидириб топмоқ ва кўнглини олмоқ даркор. Э яратган эгам! Нечун инсофу адолат тўғрисидаги бу ўйлар унинг хаёлига энди келмиш? Ногаҳон ёпишган манов балои наҳс билан бирга келмиш?

Азим дарё тобора кучлироқ гувилламоқда эди. Ана, зикр тушган дарвишларнинг ваҳимали «хув-хув»лари, навкарларнинг «пўшт-пўшт»лари ва ҳатто айрим хитоблар қулоғига чалина бошлади.

— Бу не? Кимнинг тобути бу?

— Тобут эмас, тахтиравон бу, хумкалла! Подшои олам!

— Худо раҳмат қилғай! Инсофли подшо эди султон Маҳмуд!

— Инсофли подшо? Ҳи-ҳи-ҳи! Гўрига ўт тушгай бундай инсофли подшонинг!

«Ё халлоқ! Уни дафн этмоқ азмидадур бу каззоб вазиру вузаро! Валилар қабрини тавоф қилмоқ баҳонасида уни дафн этмоқ учун олиб кетмоқдалар. Тириклайин гўрга тикмоқ ниятида!»

Султон ногаҳон тахтиравонни ларзон урдириб, қаддини тиклади. У қабристон қўргони олдига йиғилган беҳисоб оломонни кўрди. От ўйнатган суворийлар, зарбоф тўнларга ўралган аркони давлат ва аркони ҳарб, кашкулларини силкитиб, дуд ва тутун ичида зикр тушган дарвишлар, косов қўлларини чўзиб, садақа сўраган гадолар, увада тўнли моҳовлар, оқ ғоздай керилган уламои забардастлар!

Султон бебош дарёдай кўпириб тошган бу оломонни кўриб, бир дақиқа ҳушидан айрилиб, гаранг бўлиб қолди. Сўнг, «Мозори калон» қабристонининг қўргонига кўзи тушди-ю, даҳшат ичида:

— Қайт орқангга! Қайт!— деб бақирди-да, тахтиравонга чалқанча йиқилди.

Ҳн еттинчи боб

Беруний билан соҳиби девон Абу Наср Мишкан навкарлар қуршовида Афшонсойга яқинлашиб қолганларида, қаршида «Мозори калон» қабристони томон йўл олган оломон кўринди. Тўп-тўп дарвишлар, бир-бирлари билан сўкишган, алланималарни талашган гадолар, от ўйнатиб «пўшт-пўшт»лаган зодагонлар, асоларини дўқиллатиб, кўкка нола қилган мажруҳлар, нажот тилаган хасталар, соғлар, пиёда ва отлиқлар чиндан ҳам қирғоқлардан тошиб чиққан селдай ёпирилиб келарди. Фақат Афшонсой соҳили эмас, ғира-шира тонг қоронғилигига бурканган шаҳар ҳам чўп суқилган ари уясидай гувиллар, даҳаларда гулханлар ёнар, қоровулларнинг шақилдоғи шақиллар, у ёқдан-бу ёқча чопган от туёқларининг дупури осмону фалакка чиққан эди. Лекин ажабо: Осмон маликаси саройи ҳам, сарой ортидаги Хатлибегимнинг алоҳида кўшки ҳам сув қуйгандек жимжит, қўргон олдидаги улкан майдон кимсасиз, хиебон ва гулзорларда тирик бир жон кўринмас эди...

«Меҳмон»ларни кўшк олдида кутиб олган ёш каниз бош девон соҳибини бир четга имлаб, қулоғига алланималарни шивирлади-да, зар сочилган шаффоф дурраси билан оғзини тўсганича, Абу Райҳонга қараб таъзим қилди.

— Марҳамат қилсинлар, мавлоно... Бегим сизни кутмоқдалар!

Канизнинг кўзлари нечундир кулиб турарди.

Беруний оқ мрамор зинадан чиқиб, баланд пешайвон орқали узун йўлакка кирди. Йўлакнинг икки тарафида қатор ўймакор эшиклар саф тортган, токчаларидаги тош фонуслар шуъласида эшикларнинг олтин тасмалари ва уларга қадалган дур ва жавоҳирлар кўк, қизил, нафармон рангларда нафис жило сочарди.

Олдинда бораётган ёш каниз тўрдаги эшикни очиб, тезгина ичкарига кириб чиқди-да, яна бояғидай билинар-билимас кулимсираб, навозиш билан бош эгди:

— Марҳамат, мавлоно!

Беруний негадир хиёл юраги ўйнаб, ичкарига кирди. Хатлибегим деворларига шафтоли ва бодом гулли нозик сўзана ва палаклар тугтилган катта чорбурчак хонанинг тўрида, ноз-неъматлар билан тўлдирилган дўнгалак хонтахта орқасида, қизил шойи болишларга суяниб ўтирарди. Шифтдаги чамбарак қандилга терилган ҳисобсиз шамлар шуъласида хонадаги ипак гиламлар, токчалардаги ёқут пиёла ва кумуш баркашлар, фил суягидан ясалган ғаройиб қути ва қутичалар, нодир зийнатлар, зийнатларгина эмас, заррин либосларга ўранган Хатлибегимнинг ўзи ҳам аллақандай нотабий ярқираб кетган, гўё хона тўрида жонли аёл эмас, токчалардаги олтин маъбудаларнинг яна биттаси жой олган эди.

Беруний кириб, таъзим қилиши билан «олтин маъбуда»га жон кирди, ёқут кўзли тилла узук ва йирик олтин билагузуклар тақилган қўлларини узатиб, такаллуф билан ёнидан жой кўрсатди.

— Хуш келибсиз, мавлоно, тўрға ўтинг.

Беруний бегим кўрсатган жойга ўтиб ўтираркан, мушк-анбар ва упа-эликнинг хушбўй ҳиди димоғига «гуп» этиб урилди.

Буқун бегимнинг либослари ҳам, пардоз-андозлари ҳам бошқача: зар сочилган кўк шойи кўйлак устидан қизил бахмал мурсак кийган, бошига ҳарир шойи дурра ташлаб, дурра устидан инжу қадалган тож қўндирган. Қорача юзига қалин упа суриб, қийғоч кўзларига сурма тортилган, ҳатто тишига суркалган тишқолиси ҳам янгилангандек, гапирганда тишлари қора садафдай ялтиллаб кетарди. Беруний ихтиёрсиз суратда бегимнинг ҳаракатларини кузатаркан, бундан кўп йиллар илгари, синд музофотидаги кўл соҳилида пинҳона учрашганларида ҳам димоғига мушк-анбарнинг худди шундай нозик ҳиди «гуп» этиб урилгани ёдига тушди. Ушанда ҳам Хатлибегим мана шундай қимматбаҳо заррин либослар кийиб, юзига нозик бўёқлар суркаб олганди. Лекин унда, бегимнинг шахсий саропардасида пинҳона учрашганларида, бу ўктам қорача жувонга ҳаммаси ярашар, заррин либос ҳам, юзига суркалган упа-элик ҳам, қийғоч кўзларига тортилган сурма ва ҳатто тишқоли суртилган тишлари ҳам — ҳаммаси ёқимтой ва жозибали эди. Ҳозир эса унинг юзи... ҳинд қоҳинлари ва афсунгарлари киядиган ниқобни эслатар, фақат сурма тортилган сузук кўзлари аллақандай чақнаб, хушомад аралаш илтижо билан жавдираб турарди...

«Қорамтир аёл юзига упа суртса... қора қозонга ун чаплангандай бўлар экан. Ақлли хотин, нечук бунга фаросати етмайди?»

— Шаробми ё шарбатми, мавлоно?

— Шарбат,— деди Беруний ва Хатлибегимнинг юпқа лабларида зуҳур бўлган истеҳзоли табассумини кўриб, қўшимча қилди:— Не чора, наҳр-улҳаёт шундай тез оқар эканким, шароб ичадурғон ёшлик чоғларимиз ўтди-кетди, бегим.

Бегимнинг сузук кўзларида фавқулодда шўх учқунлар жилва қилди, тишқоли суртилган қора садаф тишлари ғалати ярқираб кетди.

— Бильякс, энди кучга тўлгансиз, мавлоно!

— Ташаккур, бегим...

— Ёшлик пайтларим ўтган деб нола қиласиз, уйингизда эса.. ўн гулидан бир гули очилмаган соҳибжамоллар хизмат қилади!

Беруний «ялат» этиб қаради. Уна чапланган ниқобли юз ҳануз совуқ кулимсиради!

«Алвасти!... Садафббининг бошига етган шу алвасти!»

— Аёл зотини маъзур тутасиз, мавлоно, сизга бир оғиз сўзим бор. Ун гулидан бир гули очилмаган ул соҳибжамол... сизга фақат жориялик қилган эдими ёки...

— Сўзингизни англадим, бегим. Ул шўрлик маъсума... фақирнинг юртидан олиб келиб сотилган бир жориядур. Бу жория билан бизнинг элимиз бир, тилимиз бир!..— Беруний ҳаяжон ичида ўтирган жойида бир тебраниб қўйди.— Ҳибсда ётган чоғимда... кулбаи вайронамга бир гуруҳ сарбозлар бостириб келиб шўрлик маъсумани олиб кетмиш, бегим.

Хонага бир дақиқа чуқур сукут чўкди. Бу сукутни Хатлибегимнинг совуқ кулгиси бузди:

— Бир гуруҳ сарбозлар бостириб кириб, суюкли жориянгизни олиб кетган бўлса... буни мен ғарибга арз қилганингиз қизиқ, мавлоно!

— Каминанинг гуноҳидан ўтинг, бегим, мискин кулбамга бостириб борган ул сарбозлар саройдан эмиш!..

— Билмам! Султони салотиннинг аҳволи сизга аён! Борингки, аҳволи яхши бўлганда ҳам султон сизнинг жориянгизга зор эмас, мавлоно. Олло-таоло унга шифо бергай! Шифо берса... ҳарам тўла парипайкар. Сизнинг жориянгиз бу гулрухсорлар олдида чўриликка ҳам ўтмайди, мавлоно...

Хатлибегимнинг заҳархандаси Берунийнинг юрагидаги шубҳани сўндириш у ёқда турсин, баттар ўт олдириди.

«Шу жодугар! Шўрликнинг бошига етган шу жодугар!»

Уртага чўккан жимликни Хатлибегимнинг бирдан ўзгарган таҳдидли овози бўлди:

— Офтоби олам сизга ўз тилагини изҳор этгандур, мавлоно!

— Изҳор этдилар, бегим. Ибн Сино ҳазратлари йўлга чиққан эмиш!

Хатлибегим бетоқат бош чайқаб:

— Сиз ул ҳаками ҳозиқ... Ибн Сино ҳазратларини танийсиз?— деб сўради.

— Таниймен. Биз Хоразмда, Маъмун ибн Маъмун саройида беш йил бирга хизмат қилганмиз, бегим...

— Офарин! Танисангиз сиздан бир илтимос, мавлоно,— Хатлибегим тирноқларига хина қўйилган узун қорамтир бармоқларини Берунийнинг қўлига қўйди-да, яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Сиздан яширадургон сир-асрорим йўқ, мавлоно. Бир маҳаллар ўзингиз сабоқ берган шогирдингиз амир Масъуддан кеча ажаб бир мактуб олдим. Хабарингиз бор, ул шаҳзодаи валиаҳд Исфаҳонда лашкар тортиб турмиш!

Хатлибегим негадир кўзига ёш олиб, бир дақиқа жим қолди.

— Ул садоқати боқий шогирдингиз, амир Масъуд ёзмишким, ҳаками даврон Ибн Сино ҳазратлари Ғазнага боришдан бош тортиб, ҳануз Ҳамадон томонда қочиб юрган эмиш!..

Беруний ер остидан Хатлибегимга ўгринча қаради. Бегим дастурхон тагидан икки букланган бир мактубни олиб кўрсатди-да, қайта дастурхон тагига яширди.

— Ҳа, шаҳзодаи валиаҳд худди шундай деб ёзмиш. Сиз билмайсиз, мавлоно, бу вазири аъзам Али Ғариб билан анов ҳез... мени афв этинг, мавлоно, анов хушчехра ҳезалак Абул Ҳасанак!.. Бу икки қузғуннинг ниятлари ёмон, мавлоно! Агар султон соҳибқирон бу фоний дунёни етим қолдириб, ул боқий дунёни обод этса... бу икки баттол шаҳзодаи валиаҳдни тожу тахтдан Мосуво қилиб, ўрнига анов бефаросат шаҳзода Муҳаммадни кўтармоқ ниятидадур... Сўзим аёнму, мавлоно?!

— Вазирлар тўғрисидаги сўзингиз аён, бегим. Аммо ҳазрат Ибн Сино!..

— Мен ҳам шунга ҳайронмен, мавлоно,— деди Хатлибегим.— Ул

ҳакими ҳозир Ғазнага келишдан бош тортиб, Ҳамадон томонларда қочиб юрган бўлса... султон айтган бу Ибн Сино қайдан келди? Бу Ибн Сино Тегинободдан топилган эмиш, мавлоно!

Хатлибегимнинг сўзларида ақл бовар қилмас бир сир-асрор бор эди! Беруний беихтиёр ёқасини ушлаб:

— Ажаб жумбоқ!— деб юборди.— Сиз айтмоқчисизки, Тегинободдан чиққан бу Ибн Сино бошқа ҳаким, яъники, сохта Ибн Сино демоқчисиз, бегим?

Хатлибегим қаттиқ уф тортиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Билмам, мавлоно. Мен уни кўрмаган бўлсам... Чин Ибн Синоми, сохтами — бу жумбоқни ёлғиз сиз еча оласиз, мавлоно!

— Дуруст. Аммо бу ишдан, яъники, чин Ибн Сино ўрнига сохта Ибн Сино топиб, уни султони салотинга рўбарў қилмоқдан мақсадлари не бу икки вазирнинг?

— Мақсадлари? О, мавлоно, мавлоно! Алломай замон деган номингиз билан бу икки шайтоннинг фириб юмушларига ақлингиз етмайди. Мақсадлари — амирал мўъминининг бошига етмоқ! Бу сохта Ибн Сино қўли билан унга оғу бериб ўлдирмоқ!— деди Хатлибегим, деди-ю, ўз сўзидан ўзи қўрқиб, кўзлари олазарак бўлиб эшикка қаради.

Беруний боши гаранг, тили лол, чурқ этмай ўтирарди. Боя Ибн Сино тўғрисидаги хабарни эшитганида юрагига ёпирилиб келган қувонч энди тамом сўнган, унинг ўрнини яна ўша эски аламли ўйлар эгаллаган эди.

«Ҳақиқатан, нечун уни, фикри-зикри китоб билан банд бўлган бир шўрлик алломани бу қабиҳ ишларга шерик қилмоқчи бўладилар? Ҳокимият учун, тожу тахт учун, бани одамлар устидан ҳокимлик қилмоқ учун ҳеч бир тубанликдан қайтмас эканлар, ўзлари қилсин бу тубанликини! Унинг ёлғиз тилаги — бу фитна-фасодлардан йироқ юриб, қолган умрини мутолаа ва мушоҳадага бағишламоқ эди! Наҳот бу разил ишлар сабаб, энг сўнгги ниятидан ҳам мосво бўлса?»

Хатлибегим, гўё унинг кўнглидаги ғалаёни сезгандек, шитоб билан ўрнидан турди.

— Қолган сўзни сизга соҳиби девон... Абу Наср Мишкан жаноблари айтар. Сиз учун от-улов, хуфялар, навкарлар — ҳаммаси шай! Шояд Тегинободдан топилган бу ҳакими даврон ўшал сиз билган чин Ибн Сино бўлса!..

— Шояд!— Беруний жимгина таъзим қилиб эшик томон юрди.

— Бир он сабр қилинг, мавлоно!— Хатлибегим учига инжу қадалган заррин шиппаги билан ипак гиламларни шарпасизгина босиб бориб, тоқчадаги олтин баркаш орқасидан бежиримгина бир қутича олди.

— Кеча саройга савдо аҳли ташриф буюриб, арзимас бир нарса ҳада қилган эдилар. Кўриб қимматини айтсангиз, мавлоно.

Хатлибегим, аллақандай сирли кулимсираганича, қутичани очди. Фил суягидан ясалган бежиримгина қутичанинг тагида... кўк, қизил, нафармон ва яна аллақандай нозик рангларда жилланган йирик бир жавоҳир ётарди! Ё тавба! Бу ўша, Пири Букрий кўрсатган, не-не шоҳу гадоларнинг қўлидан ўтган, не-не мудҳиш воқеаларга сабаб бўлган ва охир-пировардида Садафбиби учун ваъда қилинган машъум жавоҳирнинг ўзи эди!

Берунийнинг назарида, гўё бирдан офтоб чиқди-ю, кўз олдини тўсиб турган туман тарқаб кетди! Худди Ҳиндистонда, Нанда шаҳри ёнидаги тоққа чиққанида тўсатдан миясида нимадир «ярқ» этиб, Ер куррасининг шакли аён бўлганидек, ҳозир ҳам ҳамма нарса аён бўлди: бу совға Хатлибегимга Садафбиби учун келган! Мунофиқ Пири Букрий Садафбиби учун инъом қилган бу жавоҳирни!

Беруний бирдан қути ўчиб, бегимга тик боқди.

— Бу жавоҳир... кўп ёвуз ишларнинг шоҳиди бўлган, кўп шоҳу гадоларнинг бошини еган жавоҳирдур, бегим...

Хатлибегимнинг қисик кўзлари ҳайрат билан порлади.

— Ажаб ҳангома! Сўзланг, мавлоно!

— Бу жавоҳирнинг тарихи узоқ, бегим. Насиб бўлса бир кун сўзлаб берурмен. Бунинг баҳоси ҳам... бебаҳодур. Ва лекин қанча бебаҳо бўлмасин, бир шўрлик ожизанинг ҳаёт-мамотини бу тошга боғламоқ... адолатдан бўлмас, бегим!

— Шўрлик ожиза?

— Нечун ажабланасиз, бегим? Бу жавоҳир... менинг жориям, шўрлик Садафби учун инъом қилингандур сизга, бегим!..

Хатлибегимнинг упа суртилган қорача юзи тўсатдан нафрат аралаш ғазабдан бужмайиб кетди.

— Жориянгизми ё ўйнашингизми у манжалақи?

— Бегим!..

— Бас! Сизга рухсат, мавлоно! Амри подшо — вожибдур! Фармони олийни бажо келтиринг, мавлоно!

Беруний бегимнинг ўт чақнаган нигоҳидан кўзини узиб, бошини ҳам қилди.

— Қуллуқ, бегим! Аммо... Фақирнинг арзини ҳам инобатга олинг! Шўрлик жория саройда бўлса озод қилинг! Агар анов фирибгар букрининг қўлида бўлса — ул баттол букри қўйиб юборсин бегуноҳ маъсумани!..

— Маъсума! — Хатлибегим тескари бурилиб, девордаги ипак гиламни аста тимдаларкан:

— Э, яратган эгам! — деб нидо қилди. — Э, расули барҳақ! Қайси гуноҳларим учун бу хўрлик, бу ҳақорат?.. Тирноғимга арзимайдиган бир чўри! Кўчада қолган бир манжалақи!..

Беруний индамай эшик томон йўналди.

«Ё тавба! Не-не бек ва амирлар турганда кимсан амирал мўминининг суюкли синглиси бўлмиш бу хотиннинг ишқи фақирдай кекса бир алломага тушса?..»

Беруний эшикни секин очиб, ўзини йўлакка олди. Ичкаридан ҳамон Хатлибегимнинг бўғиқ, аламли йиғиси эшитилиб турарди.

Ўн саккизинчи боб

Ҳибсхона тўнтарилган қозондай зимистон эди. Маликул шаробни бошлаб келган сарбозлар унинг қўлидан кишанини, кўзидан қалин бўз белбоғни ечиб, эшикдан итариб юборишди. Маликул шароб оёқлари остидаги тўнкага ўхшаш бир нарсага қоқилиб кетди-ю, бор оғирлиги билан юз тубан йиқилди, боши қаттиқ бир нарсага тегиб, анчагача ҳушини йиғолмай ётди. Унинг икки кўзи шифтда эди. Шифтдаги дўппидеккина туйнукдан тушган бир ҳовуч нур ертўланинг кафтдек жойини ҳам ёрита олмас эди. Энг ёмони — ертўлада бирор жонзот ўлган бўлса керак, зиндонни тўлдирган қана ва каламуш ҳидига ўлакка ҳиди қўшилган, кўнгилни оздирувчи бу қўланса ҳидга тоқат қилиб бўлмас, бироқ тоқат қилмай илож йўқ, бошини тошга уриб додласа, додини ҳеч ким эшитмас эди!

Йўқ, кимдир бор! Ҳибсхонанинг аллақайси бурчагида кимдир бегоқат питирлагандай, аста инграгандай бўлди.

Маликул шароб секин бошини кўтариб, қулоғини динг қилди.

— Ҳой, ким бор бу балои жаҳаннамда?

Қибла томондаги зимистон бурчакдан:

— Маликул шароб? — деган заиф овоз келди.

— Бобо Хурмо? — Маликул шароб оёқ остида юмалаб, ётган ёғоч товоқ, жом ва қумғонларни ағдар-тўнтар қилиб, овоз келган томонга эмаклади.

Белигача қип-яланғоч Бобо Хурмо тақир бўйрада узала тушиб ётар, унинг соч-соқоли бурунгидан ҳам ўсиб кетган, кўзлари юмуқ, ҳарорати баланд, аллақандай хириллаб нафас оларди.

— Сув! Бир қултум сув!

Маликул шароб қоронгида ер тимирскилаб — унинг кўзи зимистон ертўлага эндигина ўргана бошлади, — қора қумғонни топиб келди. Бобо Хурмо қумғон жўмрагига тишини шақ-шақ уриб, сув ичаркан:

— О! — деди безгак тутгандай қалтираб. — Қани энди ўшал гулгун майингдан бир пиёла бўлса, Маликул шароб! Лоақал бир пиёла! Ўт ичида қовуриламаен, азизим, ўт ичида!

Маликул шароб эндигина унинг баданида соғ жойи қолмаганини кўрди, қорни, кўкраги, бўйни, ҳатто юзлари ҳам қамчи изларидан тарам-тарам бўлиб кўкариб кетганди!

Маликул шароб чакмонини ечиб, унинг боши остига қўйди, белбоғини ёзиб, устига ёпди.

— Шўрлик Бобо Савдой! Қайси гуноҳларинг учун сени қийноққа солдилар бу баттоллар?

— Гуноҳларим? — деди Бобо Хурмо ётган жойида тўлғаниб. — Бирдан-бир гуноҳим сенинг майхонагда айтган эртагим!

— Эртагинг?

— Ҳа, тунов куни, туслик икки сайёҳ ташриф буюрган оқшом бешафқат бир кимсани тахтга ўтқазган нодон фуқаро тўғрисида сўзлаган эртагим ёдингдами? Ёдингда бўлса ўшал эртагим учун! Гўё бу эртак билан камина султон соҳибқироннинг иззатини ерга урган эмишмен. Уни жоҳил ва бераҳм, Ғазна аҳлини эса нодонга чиқарган эмишмен!..

Маликул шароб бўғилиб кетаётгандай бўлиб, бўз кўйлагининг ёқасини шартта юлқиб очди-да, ҳолсизланиб деворга суянди.

Ё тавба! Неча марта унинг ўзига ҳам худди шундай бемаъни айблар тақашган, бирда шаккокликда, бирда даҳрийликда, яна бирда эса салтанат қудрати ва амирал мўъминин обрўсига путур етказишда айблаб, неча марта зиндонга ташлашган. Ўзлари тўқиган бўҳтонларга иқроқ қилишга уриниб, не-не қийноқларга солишмаган уни! Яхшиям, султон Маҳмуд ёшлик чоғларида, юрагида инсоф ва адолат туйғуси тамоман сўниб битмаган маҳалларда, Нарғизабону сабаб, собиқ фуломи Қутлуғқадамнинг дахлсизлиги тўғрисида бирдан-бир адолатли фармон берган экан. Маликул шароб, ҳар сафар бошига қилич келганида, шу фармонни дастак қилиб, қутулиб кетарди. Аммо бу сафар... Бу сафар султонга бир бало бўлганга ўхшайди. Аввал Берунийни ҳибс қилдирди, ундан кейин ўзини Ибн Сино деб атаган анов телба майпарастни! Майпарастдан кейин унинг шогирдини, шогирдидан сўнг манов шўрлик Бобо Хурмо Савдойини, Савдойидан кейин уни! Ҳатто Садафбиби ҳам қайгадир йўқолган. Беруний зиндон қилинган куни кечаси бир гуруҳ навкарлар бостириб бориб, уни ҳам қасққадир олиб кетишган! Ё алҳазар! Қимки Маликул шаробга яқин бўлса, ҳаммаси ҳибсда! Энди бу ҳибсдан, ўлакса ҳиди анқиган бу жаҳаннамдан тириклайин чиқа оладими, йўқми — буёғи ёлғиз оллога аён!

Майли! Унга бари бир. Уни бу бевафо дунё билан боғлаб турғувчи на бир илдинж қолди, на бир яхши умид! Фақат бир нарса қийнайди уни, у ҳам бўлса Нарғизабону!..

Нарғизабонунини еслаши билан ҳозиргина майхонада ўзини сарбозларнинг оёқлари остига ташлаб, фарёд чеккан кампири кўз олдига келди-ю, тирноқларигача зирқираб кетди.

Сарбозлар мажруҳ кампирнинг фарёдига қулоқ солишмади. Кампир, қилич кесган майиб қўллари билан сарбозларнинг этагига тирмашиб, бўсагагача эмаклаб борди-да, ўша ерда юмалаб қолди. Қўлига кишан урилган Маликул шароб эса, ерда йиқилиб қолган кампир томон бир-икки талпиниб кўрди, бироқ сарбозларнинг қўллари темир кишанлардан ҳам маҳкам эди, яраланган қушдай питир-питир қилди-да, «шилқ» этиб йиқилди.

Йўқ, бу машъум юмушлар бежиз эмас, бу ерда теран бир сир-асрор бор. Анов телба сайёҳ ҳам бир балони бошлаб келди! Бошда, бу сайёҳ майхонага пинҳона кириб келганида, айниқса, хушсурат шо-

гирдининг қўлидаги суратни кўрганида Маликул шароб унинг Ибн Сино эканига чиппа-чин ишонди! Сайёҳ эса... сайёҳ бир ҳафтагача Маликул шаробнинг ертўласига яшириниб олиб, кечаю кундуз ичди, шундай ичдики, охир-пировардида ўз қусуғига ўзи булганиб қолди. Майдан ҳушига келган чоғларида эса, сарой ва султон ҳақидаги миш-мишларни сўраб-суриштирар, майхона эшигини қия очиб, майхўрларнинг гап-сўзларига ўгринча қулоқ солар, сўнг яна ертўлага тушиб, хумларни қучоқлаганича ичкиликка муккасида кетарди!

Умрида муғомбирлик кўчасидан ўтмаган оқкўнгил одам, Маликул шароб шунда ҳам гумонсирамаган эди, бир кун тун ярмида ертўлада кўтарилган аллақандай ғала-ғовурдан уйғониб кетди. У ердан қаттиқ сўкинган бўғиқ овозлар, тарақ-туруқ товушлар эшитиларди. Тўсатдан, эшик шарақлаб очилиб, кимдир алпанг-талпанг юриб чиқди. Бу — ёш сайёҳ эди. Унинг юзлари тирналган, кўзлари ола-кула, ўзиям оёғида зўрға турарди.

— Бу не тўпалон? Не бўлди?— деди Маликул шароб қаттиқ ранжиб.

— Анов... Абу Шилқим!— деди ёш сайёҳ йиғи аралаш ғўлдираб.— Узини Ибн Сино деб, аҳли мўминларни тўнаб юрган Абу Шилқим ибн Ш-шаҳвоний! С-сирини очсам бугун ддорга ттортилади!— Шогирд шундай деди-ю, ўз сўзидан ўзи қўрқиб кетдими ёхуд сабаби мастликми, юз тубан тушиб, дарҳол пинакка кетди.

Маликул шароб ўзларини Ибн Сино деб, оқ кўнгил авомни тунаб юргувчи қаллоблар ҳақида кўп эшитган эди. Бу сафар ҳам худди шундай фирибгарлардан бирига дуч келганини сезиб, уни ҳайдашга чоғланган эди, бироқ худди ўша кеча бир гуруҳ навкарлар майхонага ногаҳон бостириб келиб, «Ибн Сино ҳазратларини» қўл-оёғидан боғлаб олиб кетишди!

Маликул шаробнинг хаёлини Бобо Хурмонинг аста инграган овози бўлди.

— Сув берайми, пирим?

— Йўқ-йўқ... Камина сенга бир сўз айтмоқчи эдим, ёдимдан кўтарилди! Ҳм... Ҳа, ёдимга тушди! Бу ёвузлар... ўша кун майхонангга меҳмон бўлиб келган икки сайёҳни кўп сўраб-суриштирдилар, Маликул шароб!

— Нечун?

— Билмас, азизим! Бу ерда не сир-асрор бор, ёлғиз олло билади! Аммо шу икки сайёҳ билан анов... имомни кўп суриштирдилар, қузғунлар!

— Қайси имом?

— Қайси бўлур эди? Ушал биродаринг имом Исмоил Ғозийни айтамен. Оо!.. Қани энди безавол ёшлик чоғларим қайтиб келса! Имом Исмоил лашкарларида от суриб, ё бу имонсизларни қирғинбарот қилсам ё жанг майдонида шахид ўлсам!

Маликул шароб деворга суянганича кўзини юмди, юмган заҳоти дарҳол имом Исмоилнинг қилич теккан чандиқ юзи, лочиннинг кўзларидай тийрак, ўткир кўзлари ёдига тушди.

Маликул шароб ҳам неча марта Имомнинг Кўҳишер дарасидаги қароргоҳига бош олиб қочмоқчи бўлган, лекин имом унинг бу истагини ҳушламаган эди. «Салтанатдаги аҳволни билиб турмоқ учун Ғазнада пинҳоний маконимиз бўлмоғи даркор, бу ишда сенинг майхонангдан яхши жой йўқ, деб, уни ниятидан қайтарган эди. Наҳот илоннинг ёғини ялаган бу маккорлар бу сирдан ҳам огоҳ топган бўлсалар?»

— О, ёвузлар, ёвузлар!— деди Бобо Хурмо инграб.— Ҳамма нарсадан воқиф булар! Ер остида илон қимирласа — биладилар бу қаззоблар!

— Нечун билмасинлар? Бир одамга ўн айғоқчи, ўн хуфя!..

— О, Маликул шароб! Бу малъун хуфялар орасида инонган тоғингни кўрасен ҳали! Қил ўтмас қадрдонингни кўрасен ҳали!..

Маликул шароб беихтиёр юраги увишиб:

— Қил ўтмас қадрдоним?— деб сўради.

— Ҳа, таассуфлар бўлгайким, инонган тоғинг ҳам айроқчи экан!
«Инонган тоғим? Ким экан у инонган тоғим! Епирай! Бир бало бўлди бу салтанатга! На давлат тинч, на султон!

Маликул шароб пайғамбар ёшига кириб, не-не фожиаларни кўрмади! Шўрлик мардуми мўмин ажал келса «ўлим ҳақ» деб, тақдирга тан бериб, бу норасо дунё билан бефигон, бефарёд, безабонгина видолашади. Қирқ йил салтанат тебратиб, давру даврон сурган бу султон эса... тилида «ўлим — оллонинг инояти» деса ҳам, дилида таваҳхум, жунунлар ҳолига тушиб қолди!

Бундан уч кун муқаддам, майхўрлар тарқаб, майхона уйқуга чўганида, Маликул шаробни бозор қоровули кириб уйғотди.

— Сени кекса бир девона йўқлаб келмиш!

— Неки аҳмоқ йўқлаб келса уйғотаберасанми, нодон? Девона бўлса бир бурда нон садақа қил!

— Кечиргайсен, Маликул шароб. Девона айтадики, вазири аъзамдан келдим деб! Қўлида бир халта олтин! Мана, ўзи ҳам кирди...

Маликул шароб ялт этиб эшикка қаради, қаради-ю, ўз кўзларига ишонмай анграйиб қолди. Ё тавба! Бўсағада... амирал мўминин султон Маҳмуд Ғазнавий турарди!.. Устида эски чопон, бошида хоразмча эски чўғирма, белида қизил бўз белбоғ!

У: «Индама, овозинг чиқмасин!» деган маънода кафтини лабига босди, сўнг, бозор қоровулига юзланиб:

— Сен борабер!— деб гўлдиради-да, оёғини аранг судраб ичкарига кирди.

Қоровул қўлидаги тош фонусни токчага қўйиб, шоша-пиша хондан чиқди, чиқиши билан султон, гўё кимдир оёғига болта ургандай, тиззалари қалтираб, ердаги эски наматга ҳолсизгина чўккалади, шунда белидаги халтаси ерга тегиб, даранг-дуринг овоз чиқарди.

«Қоровул айтган олтин!— Епирай! Олтинларни не қилади? Девона сифатида тун ярмида не матлабда тентираб юрибди бу жунунсифат султон?»

Амирал мўминин, кўзлари юмуқ, оғир ҳансираб анча ўтирди. Унинг юзи тунов кун тоғда кўрганидан ҳам баттар саргайиб, бўйинлари бўш халтадай осилиб қолган, сийрак, мош-гуруч соқоли чувалиб кетган, у чиндан ҳам ҳолдан тойган оч гадога ўхшарди.

— Биродарим, Қутлуғқадам!— деди султон, аллақандай ногирон, маҳзун товушда.— Тунов кунги сўзларинг ҳануз ёдимда, ҳануз кечалари уйқу бермайди менга!..

Сал ҳушига келган Маликул шароб ногаҳон юраги «шиғ» этиб:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсен, амирим!— деди.— Қуриб кетгур риндона кайфият сабаб, фақир ўша кун кўнглинга озор бердим...

— Йўқ, йўқ!— Султон заиф чироқдай милтираган кўзларини бир очиб, қайта юмди.— Сўзимга инон, Қутлуғқадам, агарчанд олло-таоло ўз ниятини дариг тутмай бу дарди бедаводан фориг қилса... мен ҳам дарвешликни ихтиёр этиб, бир тунда дориссалтанатдан чиқиб кетар эдим. Устимга жанда, бошимга кулоҳ кийиб, «хув» деб бошимни олиб чиқиб кетар эдим, тиланчилик ила кун кечириб, қилган гуноҳларимни ювар эдим! Э, яратган эгам! Узингдан ўзга ғамгузорим йўқ!— деди султон, тўсатдан аллақандай фарёд чекиб.— Ва лекин... наҳот бу майпараст айтгандай савоб юмушларимдан қилган гуноҳларим кўп бўлса? Йўқ, инонмаймен бу гапга! Аммо... инонмасам ҳам, мана, бир халта олтин олиб келдим, Қутлуғқадам! Ушал ўзинг айтган етим-есирларга улашгайсен! Керак бўлса... юз халта десаиғ ҳам келтириб берурмен...

Султон сўзини тугатмаган ҳам эдики, эшик шарақлаб очилди-да, гира-шира хонага... вазири аъзам Али Ғариб кириб келди.

Султон, гўё Али Ғариб эмас, кўзига балон азим кўрингандай талмовсираб:

— Али Ғариб?— деб хитоб қилди.

— Ё. раб!— деди Али Ғариб, ёқасини ушлаб.— Султон соҳибқирон гадо кийимида? Бу не ҳол? Сизга не бўлди, олампаноҳ?

Султон ногирон жисми қалт-қалт титраб:

— Йўқол кўзимдан, баттол!— деб бақирди. Бироқ вазири аъзам амирал мўъминининг ҳайқиринига бўйсуниб ўрнига ерга тиз чўкиб, султоннинг оёқларини қучоқлаб олди:

— Садоқати боқий қулингизни афв этгайсиз, олампаноҳ! Ба лекин... биров кўрса не дейди? Эл-юрт эшитса не бўлади, офтоби олам?

— Даф бўл, иблис!

— Майли, каминани ўлдирсангиз ўлдингиз! Аммо... букун дарғазаб бўлсангиз, эртага ташаккур айтасиз фақирга! Ҳеч бир кимса кўрмагай сизни, олампаноҳ!— Али Ғариб шундай деб, қўйнидан қизил шойи белбоғ чиқарди-да, султоннинг юзига ташлаб эшикка юзланди:

— Сардор!

Ташқарида тапир-тупур оёқ товушлари эшитилиб, хонага икки навкар кириб келди.

— Кўтаринг бу гадони! Олиб чиқиб, аравага солинг!

Юзи қизил шойи белбоғ билан ўралган султон бир-икки марта питир-питир қилди-да, ўликдай узала тушиб ётиб олди.

То навкарлар султонни кўтариб олиб чиқиб кетгунча Али Ғариб бир чеккада қовоғини уйиб сукут сақлаб турди, сўнг, Маликул шаробга қараб:

— Сўзимни қулоғингга қўйиб ол, бетавфиқ!— деди паст, таҳдидли товушда.— Туя кўрдингми — йўқ! Бия кўрдингми — йўқ! Билъакс, пўстингни шилиб, ичига сомон тикамен, шайтон!

...Ҳа, бир бало бўлди бу салтанатга! Ҳаммаёқ хуфя! Ҳаммаёқ айфоқчи! Ҳаммаёқ ваҳима!..

— Қил ўтмас қадронинг дединг, Бобо Хурмо!

— Ҳа, ул қузғун сенинг тузунгни ичиб, тузлуғингга...

Бобо Хурмонинг сўзи оғзида қолди, чунки шу пайт зиндоннинг қўш табақали залворли эшиги ғичир-ғичир қилиб, базўр очилди-да, тош фонус кўтарган икки сарбоз кўринди.

— Осий банда Қутлуғқадам! Чиқ зиндондан!

Маликул шароб қоронғида Бобо Хурмонинг боши узра эгилди.

— Алвидо! Дийдор кўриш насиб этмаса рози бўл, Бобо Хурмо!— Маликул шароб бўғзига тикилган кўз ёшини ичига ютиб, ўрнидан тураркан, Бобо Хурмонинг; «Илоё каминанинг бошига тушган бу уқубат сенинг бошингга тушмагай, азизим!»— деб шивирлаганини эшитди.

Икки сарбоз бири олдинда, бири орқада, Маликул шаробни зиндондан олиб чиқишди-да, узун тор йўлакдан қаёққадир бошлаб кетишди.

Маликул шароб, текис йўлакда қоқиниб-суришиб бораркан, уни кутаётган қийноқлар тўғрисида эмас, ҳамон Бобо Хурмонинг сўзлари тўғрисида ўйларди.

Субҳонолло, ким экан у, Маликул шаробга қил ўтмас қадрон тутишиб, боз устидан гап ташиб юрган? Тузини еб, тузлуғига туфлаб юрган у баттол ким? Пири Гижжакийми ё анов кекса нашаванд Бобо Ҳофиз Булбулийми ёхуд... Пири Букрийми?... Йўқ, йўқ, ўз элидан айрилиб, мусофир юртида юраги қон бўлиб юрган бу мажруҳ машшоқ бундай тубанликка бормайди! Нафосат ва назокат аҳлидан бу ёвузлик чиқмайди!

Тўсатдан тор йўлакнинг икки томонидаги турнақатор эшиклардан бири очилиб, ичкаридан... яланғоч қилич ушлаган эчкисоқол бир навкар чиқди. Сарбозлар уни кўришлари билан ўзларини четга олиб, Маликул шаробга йўл беришди. Навкар маҳбусга бошдан-оёқ тикилиб қаради, бўз кўйлаги тагидан озгин танасини пайпаслаб кўрди, кейин қовоғини уйганича ичкарига имо қилди: «Кир!»

Маликул шароб, биринчи дафъа юраги алланечук увишиб, қий-

гоч эшикдан ичкарига кирди. Унинг кетидан серсоқол навкар ҳам кириб, эшикни зич ёпди.

Торгина чорбурчак хона, токчадаги тош фонусни ҳисобга олмаганда, деярли жиҳозсиз, унда фақат икки курси турар, уларнинг бири бўш, иккинчисида эса... во, дариг! кимсан вазири аъзам, Али Ғариб жанобларининг ўзлари ўтирар эди!..

Маликул шароб шайтонга сабоқ бергувчи бу қари тулкини ҳам, ундан аввал қирқ йил ҳукм сурган собиқ бош вазир Хўжа Аҳмад Маймандийни ҳам яхши билар, улар даврида неча марта ҳибсга тушган, бирда шаккоклик, бирда даҳрийлик, яна бирда салтанат шаънига ёмон сўзлар айтдинг, деган кечирилмас гуноҳлар эвазига зиндонга солинган, аммо ҳеч қачон шахсан вазири аъзамнинг терговига мушарраф бўлмаган эди!..

У беихтиёр кинояли кулимсираб, пойгакда тўхтаган эди, Али Ғариб:

— Насл-насабинг қул бўлса-да, Маликул шароб деган номинг бор, — деди билинар-билинемас кулимсираб. — Марҳамат, курсига ўтир, Қутлуғқадам!

— Ташаккур! — Маликул шароб курсига ўтириши билан вазири аъзам ўрнидан туриб кетди-да, қўлларини орқасига қилиб, тор, шипшыйдам хонани бир айланиб чиқди. Унинг ҳаракатлари асабий, қовоғи солиқ, укки кўзлари уйқусизликдан қизариб, баттар киртайиб қолганди.

«Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ умр! Бош вазир бўлиш ҳам осон эмас! Аммо осон бўлмаса, бу азоб-уқубатни елкасига ортиб не қилади бу пакана фосиқ? Қўраси тўла қўй, хазинаси тўла ганж, ҳарами тўла каниз! Айшини уриб, кайфини суриб ётмайдими боғу бўстонида! Йўқ, ётиб бўпти бу қари тулки! Ҳокимият керак бу иблисга! Бани одам устидан, ўзи янглиғ бандалар устидан ҳокимлик қилмоқ дардига мубтало бўлган бу дажжол!»

Али Ғариб тўсатдан юришдан тўхтаб:

— Осий банда Қутлуғқадам! — деди секин, мулоим товушда. — Бизга шу нарса аёнким, бундан чамаси уч ҳафта муқаддам, сенинг майхонангга бир кекса сайёҳ ўз шогирди билан пинҳона келиб қўнмиш. Ва бир ҳафта меҳмон бўлмиш. Ким эди ва не муддаода келган эди бу сайёҳ?

Вазири аъзам сўзини мулоим бошласа ҳам, охирини таҳдид билан тугатди-ю, Маликул шароб бир он аллақандай толмовсираб қолди.

— Бу сайёҳнинг не мақсадда юргани фақирдан кўра сиз жанобларига аёнроқ эмасму, тақсир?

— Сабаб?

— Сабаби... шу дақиқада жанобларининг қўлидадур, ул фирибгар!

— Фирибгар?

— Ҳа, ўзини ҳазрат Ибн Сино деб, шўрлик авомни тўнаб юрган бир баттол экан ул сайёҳ!

— Ҳмм! — Али Ғариб худди нохуш гап эшитган одамдай юзи бужмайиб, қовоғини уйди. — Хўш, сохта табиб эканини қайдан билдинг унинг?

— Камина ёмон одамни минг чақирим наридан биламен, тақсир! Кимсан ҳақими даврон Ибн Сино ҳазратларига номуносиб юриш-туришларидан, маст-аласт қилиқларидан, телба-тескари гап-сўзларидан билдим, ҳазратим!

— Хулқи-атворидан! — деди вазири аъзам, негадир бирдан ғазаби жўшиб. — Ибн Сино ҳазратларини фаришта деб ким айтди сенга?

— Фаришта эмасдур ва лекин...

— Сен ул ҳақими даврон... Ибн Сино ҳазратларининг суратини кўрдингму? Ушал машҳур ва маълум сураткаш, алломан замон Абу Наср Арроқ чизган суратни кўрдингму?

— Кўрдим, тақсир олам.

— Хўш? Ухшайдиму?

— Ухшайди...

— Икки томчи сувдай ўхшайди!— деди Али Ғариб.

Маликул шароб вазири аъзам жанобларининг мақсадига тушунолмай бир лаҳза жим қолди.

— Ё сўзим нотўғрими, Қутлуғқадам?

— Тўғри ва лекин... ул фирибгар...

— Фирибгар!— деди Али Ғариб киртайган кўзларини чақчайтириб.— Фирибгар бўлса нечун унга майхонанг тўридан жой бердинг? Азиз меҳмон деб; шоҳларга кўрсатмаган лутф-карам айладинг, бошингга кўтариб эъозладинг! Эъозлаб туриб, салтанатга қарши пинҳона суҳбатлар қурдинг?— Вазири аъзам оппоқ, лўппи қўлини мушт қилиб тугди-да, пошнаси баланд қизил сахтиён этиги билан ерда дикдик сакраб, Маликул шаробга яқинлашди.— Ёлғиз бу сайёҳ эмас, мана қирқ йилдирки, Ғазнаи мунавварада неки ипринди-сиприндилар, неки гадо, неки қаланғи-қасанғи, дордан қочган неки қаллоблар бўлса ҳаммасига бошпана берасен! Улар билан куфр мажлислар қурасен. Ва бу мажлисларда салтанат шаънига бўҳтонлар ёғдириб, шаккоклик қиласен!..

Маликул шароб қўлларини курси суянчиғига тираб, аста ўрнидан турди.

— Тақсири олам! Агар қирқ йилдан бери шаккоклик қилгон бўлсам, салтанат шаънига ёмон сўзлар айтиб, бўҳтонлар ёғдиргон бўлсам, нечун фақирнинг тилини суғуриб олмадингиз? Нечун оёғимдан дорга осиб, остимдан ўт қўймадингиз, жаноби бош вазир?

— Заҳрханда қилма, бетавфиқ! Агар амирал мўъминин... сабаби ёшлик, фармон бериб қўймаганида, ўзим билар эдим не қилмоқни. Аммо... Бас! Энди пичоқ суякка бориб тақалди! Энди сенинг қилмишларинг аён бизга! Босган ҳар бир қадаминг, айтган ҳар бир сўзинг аён бизга! Томчи сел бўлмас, душман эл бўлмас! Анов қузғун имом Исмоил билан тилинг бир сен имонсизнинг!

— Қайси имом Исмоил, тақсир?

— Ҳозир биласен қайси имом!— Вазири аъзам укки кўзлари чўндай ёниб, эшикдаги эчкисоқол навкарга юзланди.— Чақир ўргамчини! «Ўргамчи» сўзини эшитиши билан Маликул шароб «шилқ» этиб, курсига ўтириб қолди.

«Ўша! Пири Букрий! Одамлар уни нечундир «қора ўргамчи», деб кўп хушламас эди. Маликул шароб бўлса мусофир деб, кўнгли ўксик, майиб-мажруҳ деб, туғилган юртидан айрилган бир ғарибу нотавон деб, унга раҳм-шафқат қилган, уйининг тўридан жой бериб, бошини силаган эди!.. У иблис бўлса тузини ичиб, тузлуғига туфуриб юрган экан! Во, дариг! Наҳот бу гап рост бўлса? Наҳот ўз куйлари билан бир уй майхўрларни йиғлатиб юрган бу букри бундай тубан сотқинликка борса?»

Маликул шароб, ўтирган жойида гужанак бўлиб, кўзини чирт юмиб олди. Шу пайт эшикда қандайдир бир шарпа эшитилди, сўнг Али Ғарибнинг:

— Қани, сўзла, ўргамчи!— деган таҳдидли овози қулоғига чалинди-ю, қўрқинқираб кўзини очди.

Пойгакда... Пири Букрий турарди! Йўқ, бу Маликул шароб билган Пири Букрий эмас, бошқа бир букри эди! У одатдаги қора чакмон ўрнига кенг зарбоф тўн кийиб, бошидаги эски кулоҳ ўрнига учига дур қадалган сувсар телпак қўндириб олган, ўзиям, соқол мўйловлари қайчиланиб, аллақандай ёшариб кетган эди. Фақат кўзлари, ўша, болаларнинг кўзларидай маъсум кўм-кўк кўзлари аллақандай бежо жовдирарди!

Маликул шароб Пири Букрийнинг чеҳрасига жирканч аралаш таажжуб билан тикилиб қараркан, тўсатдан, «Садафбиви!» деган фикр миясида яшиндай ярқ этди.—«Ҳа, бу букрининг ясаниб, силлиқ бўлиб

олгани бежиз эмас, шўрлик қизни қўлига туширган бу қари ўргамчи!»
Бу фикр Маликул шаробни шундай ҳайратга солдики, тили гапга келмай, бир он анграйиб қолди, сўнг қаёқдандир — олисдан вазири аъзамнинг товуши қулоғига чалинди:

— Ҳа, букри, нечун оғзингга талқон солиб олдинг? Сўзла! Бор ҳақиқатни сўзла! Ҳаммасини эшитсин бу нобакор!

Маликул шароб ялт этиб Пири Букрийга қаради. Букрий қўлтиғидан қора чарм жилдлик қалин бир китобни олиб, вазири аъзамга таъзим қилди:

— Тақсирим! Мана, марҳамат, ҳаммаси битилган бу дафтарга! Сўнгги йигирма йилда бу шаккок майпарастнинг куфр майхонасида неки сўз айтилган бўлса, салтанат шаънига, подшойи олам ва сиз жанобларининг шаънига доғ тушургувчи неки фисқи фужур гап бўлган бўлса — ҳаммаси бу дафтарга битилган! Кунма-кун, сўзма-сўз битилган, тақсир!

Пири Букрий шундай деди-да, қалин дафтарни кафтларида тутганича, вазири аъзам томон юрди. У Маликул шаробдан ҳадиксираб, уни четлаб ўта бошлади. Бироқ Маликул шароб сапчиб ўрнидан турди-ю:

— О, қузғун, о, нокас! — деб муштини кўтарди. — Салкам йигирма йил тузимни ичиб, тузлуғимга туфурган, онкўр! Нега ер ютмайди сен иблисни? Нега?

Пири Букрий кўзлари ола-кула бўлиб, даҳшат ичида орқага тисарилди. Аммо Маликул шароб бир ҳатлашда унга етиб, зарбоф тўнининг ёқасидан олди:

— Бу сотқинлигинг учун, йигирма йил бу қора дафтарга битган иғво сўзларинг учун не олдинг? Не шон-шараф топдинг, не мартабаларга эришдинг, букри шайтон? — Маликул шароб шундай деб, букрининг қўлидаги қора чарм жилдлик қалин дафтарни юлиб олди-да, қулочкашлаб бошига туширди. Пири Букрий «иҳ» деб, бошини ушлаганича ерга чўккалаб қолди. Маликул шароб унга қараб яна талпинди. Бироқ шов-шувни эшитиб, чопиб кирган эчкисоқол навкар уни қўлларидан қайириб, эшик томон судради.

Маликул шароб навкар билан олишиб эшикдан чиқаркан, тўрда ҳайкалдай қотиб қолган вазири аъзам билан ерда инграб ётган букрига ижирганиб қаради ва бор кучини тўплаб букрининг юзига туфлади:

— Бу кунингдан бешбаттар бўл, баттол!

Ҳн тўққизинчи боб

1

Беруний ҳеч нарсага тушунолмай қолди. Уни Ғазнадан олиб чиққан навкарлар гоҳ карвон йўлидан юрса, гоҳ пистирма жойларга бурилиб, тоғу тошлар, қир ва адирлар, жарликларни паналаб кетарди. Катта карвон йўлида эса қандайдир шубҳали чопарлар, қўш отлиқ дивсуворлар, саллаларига найзасимон кумуш нишон қадалган мушрифлар бетиним от суришар, бири Тегинобод томон йўл олса, бири билъакс, Ғазна томон от чоптириб ўтарди.

Берунийни бошлаб кетаётган мушриф худди искович итдек, ҳамма нарсани олдиндан сезарди, йироқда одам қораси кўринган заҳоти унинг кимлигини билиб, гоҳ навкарларни пистирмага бошлар, гоҳ аксинча, ўз йўлида дадил давом этар, чопарлар билан саломлашиб, ҳолаҳвол сўрашиб ўтарди.

Хатлибегим бошлиқ бир қанча аркони ҳарб ва аркони давлат бир томонда, ваъзири аъзам Али Ғариб ва унинг тарафдорлари бир томонда, тожу тахт учун пинҳоний кураш кетаётганини Беруний яхши би-

ларди. Аммо бу кураш бунчалик шиддатли тус олгани хаёлига ҳам келмаган эди. Боз устига қаёқдандир пайдо бўлган бу сирли Ибн Сино! Унинг номи билан боғлиқ бу қоронғи миш-мишлар! Бу аёвсиз пинҳоний кураш!

Ҳар сафар, навкарлар махфий мушрифнинг имоси билан отларнинг бошларини пистирмага бураркан, Беруний ич-ичидан зил кетар, қай балодан бу тубан ишга аралашиб қолдим, деган фикр уни қаттиқ азоблар эди. Шундай пайтларда расадхонадаги сокин ҳужраси, хон-тахтада қолган қўлёмалари, жавондаги китоблари кўз олдига келарди-ю, юраги баттар ачишиб кетарди.

Беруний сўнгги йилларда, ёшлиқ давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйганидан бери фурсат деб аталмиш неъматнинг қадрини жуда юксак баҳолайдиган бўлди. Беҳуда ўтган ҳар бир дақиқа уни қаттиқ изтиробга солар, ҳатто ҳордиқ онлари ҳам ҳузур ўрнига кўнглини ғаш қиларди. Айниқса «Қалъаи қаҳр»ни кўриш бахтига мурассар» бўлгандан бери бу туйғу кучайиб кетди. Назарида, ўйлаб қўйган кўп режалари, хусусан, маъданлар ҳақидаги бош китоби билан наботот олами тўғрисидаги асарлари ёзилмай қоладигандай туюлиб, кўнглидаги ғашлик баттар кучаяр эди, айтилган замонда, бўлғуси учрашув ҳам уни тобора ҳаяжонга солмоқда эди. Тўғриси айтганида, Беруний қайдандир пайдо бўлган бу сирли табиб, Хатлибегим айтганидек, ёлғон Ибн Сино эмас, чин Ибн Сино бўлиб чиқишини истар, жуда-жуда истарди. Султон ўз йўлига, улар эса... қани энди, сабаби бу қинғир иш бўлса ҳам, дийдор кўришмоқ насиб этса! Дийдор кўришиб, ёшлик чоғларини бир эслашса! Аввал Бухсрода, Афшона қирларида ёнбошлаб ётиб тўйиб-тўйиб дардлашган онларини, кейин Гурганжда, Маъмун ибн Маъмун саройидаги «Мажлиси уламо» йиғинларида бўлган баҳс-мунозараларни эслашиб, ажиб нурга йўғрилган ўша масъуд дамлар ҳақида суҳбатлашса, сабаби ёшлик, ораларидан ўтган низо ва нифоқлар учун кечирим сўрашиб, кўнглиларидаги ғуборларни ювишса!

Ибн Сино сўнгги сомониёлар инқирозидан кейин Бухорони тарк этиб, Гурганжга келган маҳалда Беруний Маъмун ибн Маъмун саройидаги энг нуфузли алломалардан ҳисобланар, у «Мажлиси уламо» нинг доимий раиси эди.

Маъмун ибн Маъмун туғилишдан нимжон, касалманд, ҳадикчи одам эди. У, султон Маҳмуд сабаб, тожу тахти доим силкиниб тургани учун ҳамма нарсадан, ҳатто ўз соясидан ҳам чўчир эди. Ёмон туш кўрса тушидан кўрқар, осмонда момақалди роқ қалдираса момақалди роқдан, яшин чақнаса яшиндан ваҳимага тушар, шунинг учун ҳам саройда на фақат шоир ва алломалар, ҳар хил фолбинлар, афсунгарлар, азайимхонлар ҳам ивирсиб юрарди. У бирда машҳур алломаларнинг мажлисларида иштирок этса, бирда бу «куфр иши» учун уламои забардастлардан узр сўраб, уларнинг этагида намоз ўқир, яна бирда эса, фолбинлар ва қоҳинлар «тилсими»га инониб, қабристонларда тунаб чиқарди. Шу боисдан «Мажлиси уламо»нинг йиғинларида кўпроқ табиат офатлари — бот-бот бўлиб турадиган бўрон ва довуллар, Жайхуннинг бебош тошқинлари, элга қирғин келтирувчи вабо ва чечак касаллари тўғрисида гап борарди.

Ибн Сино у маҳалда ёш эди. Бироқ ёш ҳақимнинг ҳар бир сўзи чуқур илм ва мантиққа асосланар, у тиббиёт пирлари — Уқлидус ва Жолинус, Абубакир ар-Розий ва Буқрот ҳақим каби алломаларнинг китобларини ёддан билар, ҳатто Арастунинг илоҳият бобидаги машҳур асарини ҳам ипидан игнасигача ўрганган, зотан, мажлисда қандай мураккаб масала кўтарилмасин, ҳаммаси тўғрисида фикр билдиришга қодир эди.

Беруний ҳар сафар Ибн Сино ва унинг Гурганждаги обрўси ҳақида ўйлаганида кейинчалик унга ёзган хатлари, тўғрироғи, бу хатларда йўл қўйган густоҳликлари эсига тушади-ю, кўнгли ғаш бўлади. Хаёлидан эса: «Бу дағалликларга сабаб не? Инсон номига номуносиб



рақобат дарди эмасму?» деган фикр ўтиб, дил-дилидан изтироб чекади.

Йўқ, Ибн Сино ҳеч қачон манманлик қилган эмас, унга эса ҳурматсизлик аломатини кўрсатган эмас. Улар илк бор Бухорода учрашган маҳалларидаёқ ёш Абу Али Берунийни «устод» деб атаган эди, кўп йиллардан кейин Гурганжда учрашганларида ҳам «устод» сўзини оғзидан туширмади.

Йўқса нечун Беруний кейинчалиқ, табиат сирлари тўғрисидаги ёзишмаларида, алхуус, Арастунинг «Илоҳияти» ҳақида, жисмларнинг иссиқлик ва совуқликда кенгайиши ва торайиши тўғрисида хат ёзишганларида Ибн Синога нисбатан кўполлик қилди, алломалар шаънига ярашмайдиган густоҳликка йўл қўйди? Ёзишмалар ҳам майли, Ибн Сино Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагирнинг қизи Зарринабонунинг илтимоси билан шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш тўғрисида рисола ёзганида, Беруний унинг бу рисоласини камситди, ҳатто уни ерга урувчи мактублар йўллади? Нечун?..

Бунинг сабаби ҳам ўша дард, инсон шаънига, хусусан алломалар шаънига номуносиб рақобат туйғуси эмасму?

Учрашув онлари яқинлашган сайин бу ўйлар Берунийни кўп қийнар, кўп эзар эди!

Ғазна — Тегинобод йўли кўм-кўк адирлар орасидан ўтар, дам кенг сайҳонликлар, ҳудудсиз ялангликларга чиқар, дам яна бир-бирига ўхшаб ям-яшил ясси қирларни оралаб кетарди.

Тоғи-гоҳида узоқ-яқинда баланд тоғлар кўзга чалинар, йўл тор ва қоронғи дараларга шўнғир, шарқираб оққан сой ва дарёларни ёқалаб кетарди...

Сафарнинг иккинчи куни кечқурун улар баланд қир ёнбағрида жойлашган катта бекатга етиб қўнишди.

Бекатнинг улкан сардобаси бор, афтидан, у катта карвонга мўлжалланган эди. Лекин сардобадан ҳам бурун Берунийнинг диққатини бекат ортидаги баланд қир жалб этди. Узоқдан улкан гумбазга ўхшаб кўринган бу қир нимаси биландир Нанда шаҳри яқинидаги юксак тоғни эслатарди. Беруний қирни узоқдан кўргандаёқ ғалати бўлиб кетди-ю, бекатга етиб отдан тушишлари билан махфий мушрифдан ижозат сўраб, қир томон йўл олди.

Офтоб уфққа ёнбошлаган, бутун олам унинг илиқ нурига ғарқ бўлган. Қир ёнбағрида сурув-сурув қўй-қўзилар ўтлаб юрар, тушовланган отлар, сигирлар, тошдан-тошга сакраб юрган оқ эчкилар кўринарди. Бекат кўрғонининг ҳар жой-ҳар жойидан тутун кўтарилар, ҳавони тезак ва ёвshan хиди тутган эди!..

Ҳа, худди ўзи! Нанда шаҳри ёнидаги тоғ ҳам худди шундай кўм-кўк, худди шундай баланд, теварак-атроф эса бундан ҳам текис, бундан ҳам беқиёс, беҳудуд бир сайҳонлик эди!..

Ҳануз ёдида: у ҳар юз қадам кўтарилганда бир тўхтаб, уфққа қарар, уфқ эса яна бир неча чақирим чекина, янги кенгликлар, пастдан кўринмаган йироқ манзаралар намоён бўларди... Ҳар сафар янги баландликдан янги уфқ очилганда Беруний бу нуқтадан хаёлан чизик ўтказиб, турган жойига нисбатан ҳосил бўлган бурчакни белгилар экан, фавқулодда улкан бир кашфиёт олдида турганини сезиб, юраги гурс-гурс урарди!

Ҳақиқатан, ғалати яралган экан инсон ақл-идроки! У гўё хасис баққолдай, илм деб аталмиш дурдоналарни битта-битта териб, миянинг, энг хилват бурчакларига йиғиб қўяверар экан. Аммо нимадир туртки бўлиб, кечаси ёнган машғалдай «ярқ» этиб ёнмагунча бу хилватдаги дурдоналар ҳам жилоланиб ярқираб кетмас экан!

Берунийнинг назарида, Нанда тоғидаги ҳодиса унинг учун ана шундай машғал хизматини қилди-ю, хаёлида йиғилиб юрган фикрларга ажиб бир тиниқлик киритди! Ҳа, бу воқеадан анча олдин, самовий ҳодисаларни кузатиб, машҳур расадхоналарда юлдузлар жадвалини тузиб юрган пайтларида ҳам ер куррасининг шакли ҳақидаги

бу фикр унинг кўнглидан кўп мартаба ўтган эди! Лекин ўша кунни, Нанда тоғидаги харсанг тош устида ўтириб, тоққа чиқиш жараёнида намоён бўлган ғаройиб ҳодиса тўғрисида хаёл сураркан, илгари қилган тахминлари аниқ ва мукаммал бир шаклга кирди!

Ўша оқшом, Беруний тоғ тепасида, осмон тўла юлдузларга тикилиб тонг оттирди. Мижжа қоқмай тонг оттирди! У дунёда энг бахтли одам эди! Чунки ўша кеча унга табиатнинг буюк бир сири аён бўлганди!

...Кечки офтоб уфққа кўнди, қирлар устини қоплаган ҳарир туман орасида у худди эритилган бир жом олтинга ўхшарди. Ана, бу бир жом олтин гўё улкан наҳрга чўмгандай ер қаърига аста чўмиб кетди. Лекин Беруний билар, агар у бу қирдан баландроқ қирга чиқиб боқса ботган офтоб ҳамон ботмаган бўлади, ҳамон жом тўла олтиндай балқиб туради!

Рост, Беруний бу улуг кашфиёти ҳақидаги рисоласини ҳали алломалар даврасида эълон қилмади, чунки билади: оддий алломалар у ёқда турсин, энг катта мунажжимлар ҳам бу рисола идрок этишга ожизлик қилади!

Ҳайҳот! Унга беш қўлдай аниқ кўриниб турган ҳақиқат бошқаларга қоронғи, унга аён бўлган сир-синоат бошқалар учун жумбоқ! Уни эзаётган нарса ҳам шу! Унинг кашфиётларига ақли етадиган, фарзларининг мағзини чақа оладиган на бир йўлдоши бор, на бир сирдоши! Ҳаётда ақли ақлингга тенг бир ҳамдамнинг, қилган кашфиётларинг, ўйлаган ўйларингга тушунадиган, дардларингга ҳамдард бўладиган бир кимсанг бўлмаса қийин экан! Қани энди ёнида Ибн Сино бўлса! Ибн Сино у қилган кашфиётлар, у ёзган китобларнинг мағзини чақа оларди, уларнинг қадрига етарди!

Уфқдаги бир жом олтин батамом ерга сингиб кетди, йироқ-йироқларда ловиллаб ёнган шафақ аста сўнди. Қора духобадай тиниқ осмонда илк юлдузлар ёнди, бекат ҳужраларининг даричалари ёришди...

Беруний асосига суяниб, секин ўрнидан турди.

2.

Ё, халлоқ!

Хирагина мойчироқ аранг ёритган тор ҳужранинг тўрида... бошида эски қалпоқ, эғнида эски олача чакмон, кекса бир одам ўтирарди!..

Маликул шароб!

— Офарин, алломаи замон! Танидинг-а!— Маликул шароб ёнидаги хуржунини бир четга суриб, ўрнидан турди.

Унинг соч-соқоли аввалгидан ҳам ўсиб кетган, ўзиям чўпдай озиб, аллақандай букчайиб қолган, бироқ ҳануз илгаригидай хуррам кўринар, оғзидан билинар-билимас шароб ҳиди келарди...

Беруний азиз биродарининг аҳволидан юраги зирқираб, кучоғини очиб кўришди.

— Епирай! Ҳибсдан чиқдингми ё майхонадан келдингми, азизим?

Маликул шароб, бошидаги эски қалпоғи билан юз-кўзларини артиб, кинояли кулимсиради:

— Ғалати сўзларни сўзлайсен, алломаи даврон! Маликул шаробга зиндон ҳам майхона, майхона ҳам майхона! Тиласанг сенга ҳам қуйиб берамен!— Маликул шароб шундай деб, олача чакмонининг белбоғини ечди, қўйнидан кичикроқ бир мешни суғуриб олиб, уни шалоплатиб чайқади.

**Бу дунё бир ҳибсхона, билиб ол,
У дунё ҳам эмас жаннат, келиб қол,
У ҳам ортмас улуглардан, кўнгил уз,
Кунинг битмай ичиб, ўйнаб-кулиб қол!**

Маликул шароб мешнинг оғзидаги чарм ипни ечди, бошини орқасига ташлаб, қултиллаб, бир-икки ҳўплам шароб ичди-да, мешни Берунийга узатди.

**Бу дунёи кўтир ўтар-да, кетар,
Қани, Абу Райҳон, ол, мешни кўтар!**

Беруний ўзини тутолмай беихтиёр кулиб юборди-ю, дарҳол лаблунжини йиғиштирди.

Маликул шароб, гарчи бир қарашда жуда хушнуд кўринса ҳам, гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатларида илгари унга ёт бўлган чуқур бир ногиронлик сезилиб турарди. Зотан, у сўнгги йилларда май ичишни йиғиштириб қўйган, уни қанчалик улуғламасин, ўзи камдан-кам оғзига оларди. Энди эса...

Беруний ғира-шира қоронғиликда қадрдонининг заҳил юзига, ичига ботиб кетган ғамгин кўзларига тикилиб-тикилиб қаради.

— Сенга не бўлди, Маликул шароб? Султон зиндонига тушган ҳеч бир бандани мўмин ундан омон чиққан эмас. Мана, қутулиб чиқиб-сен, шукр қил, азизим!

— Йўқ, Абу Райҳон! Сен билмайсен! Қаминанинг юрагини қон қилган нарса султоннинг зиндони эмас! Зиндонда еган калтақларим ҳам эмас!— Маликул шароб шундай деб хитоб қилди-да, эғнидаги эски чакмонини шартта ечиб, ерга отди. Унинг қовурғалари туртиб чиққан нимжонгина танасида соғ жой йўқ, ҳаммаёғи кўк бўёқ суртилгандай тарам-тарам бўлиб кўкариб кетган, чумчуқдай жон бу ожиз танадан «пир» этиб учиб кетмаганига ҳайрон бўларди киши.

— Йўқ, Абу Райҳон! Маликул шаробни қийнаган нарса зиндон азоби эмас, йўқ! Қаминани қийнаган нарса... қил ўтмас қадрдонининг хиёнатини!.. Бу лаънати Букрий! Эвоҳ, сен ҳақ экансен!

Беруний индамай деворга суяниб турарди. У Пири Букрийни қанчалик ёмон кўрмасин, унинг бу тубан ишларидан беҳабар эди. Маликул шароб майхонасида майхўрлик қилиб, наю навоси билан ҳамманинг қўнглини олиб, зимдан гап ташиб юрган бир иблис эканини хаёлига ҳам келтирмаган эди!..

— О баниодам! Баниодам!— деди Маликул шароб фиғони чиқиб.— Баниодамнинг бу тубанлиги олдида нечун бу осмон ағдарилиб ерга тушмайди? Нечун асфаласофилинга кетмайди бу норасо олам? Ул тубан айғоқчи билмайдики, бу дунёда кимки вафо қилса вафо, жафо қилса жафо топғусидир! Камина эса, уни мусофир деб, фақиру ҳақир деб, раҳм-шафқат қилиб юрибмен! Май ичсам ул каззобсиз ичмас эдим, ош есам, ул қузғунсиз эмас эдим! Ул баттол бўлса... сўзлаган ҳар бир сўзимга юз сўз қўшиб, яхши каломимни ёмонга йўйиб, анов маккор вазири аъзамга етказиб юрган экан!.. Ё тавба! Бу тубан юмушга қўл урган ул сотқинни бир кўрсанг эди, Абу Райҳон! Куни кеча гадодай ивирсиб юрган бу азозил, зарбоф тўнларга ўралиб олмиш, соч-соқолини қиртишлаб, яшариб кетмиш ул букри!

«Садафбиби! Шўрлик Садафбиби!»

Беруний тишини-тишига босиб ҳамон деворга суяниб турар, дилида эса илгари ҳеч қачон ҳис этмаган аламли туйғулар жўш урарди. Қани энди, шу топда шартта чиқиб, Фазна томон от суришнинг иложи бўлса! Ҳеч жойда тўхтамай, тўғри Фазнага кириб борса, кириб борса-ю, бургага тузоқ қўйган бу иблиснинг гирибонидан ушласа!

— Йўқ!— деди Маликул шароб.— На адолат бор бу осий бандаларда, на инсоф ва на ҳақиқат!.. Қирқ йил элда қатлу қирғин қилиб, энди азроил қўлида тўлғаниб ётган бу султон эса... ўзини «ҳакими даврон» деб, ҳаммани шилиб юрган бир қаллобни чин Ибн Сино деб, эълон қилса!

Беруний, гарчи бу гапни эшитган бўлса ҳам, беихтиёр бир сапчиб тушди:

— Ҳаммани шилиб юрган бир қаллоб? Сўзингни англамадим, Маликул шароб?

— Нечун англамайсен? Вазири аъзам топган бу Ибн Сино — чин Ибн Сино эмас, Али Ғарибнинг ўзи янглиғ бир маккор! Шаҳарма-шаҳар изғиб юрган бир майпараст, ўзини Ибн Сино деб, авомни тўнаб юрган бир қаллоб! Вазири аъзам топган бу ҳазрат Ибн Сино ўшал баттол! Лақаби — Абу Шилқим ибн Шаҳвоний!

— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний? Ажаб лақаб! Бу сирни қайдан билдинг?

Маликул шароб мақтов эшитган ёш боладай қиқирлаб кулди:

— Сирини айтдим, асрорини сўрама, Абу Райҳон! Аммо ёдингда бўлсин. Бу сирни бутун дориссалтанатда фақат икки киши билади. Бири ул шайтони лаин Али Ғариб, бири — каминаи камтарин! Бас! Сен чин Ибн Синони танисанг, камина бу сохта Ибн Синони таниймен! Икковимиз ҳам бу мудҳиш сирдан воқиғимиз! Ва лекин бу воқиғилик бизга не келтиради — яхшилиқми ёхуд ёмонлик — буни ёлғиз олло билади, Абу Райҳон!..

Беруний жавоб бермади. Унинг кўнглига ҳозир на гап сиғарди, на ҳазил-мутойиба!

Маликул шаробнинг гаплари, Садафбиби тақдири, чин ва ёлғон Ибн Сино ҳақидаги мудҳиш ҳангома — бунинг ҳаммаси унинг кўнглидаги осойишталикни изидан чиқарган, хаёли яна тўс-тўполон бўлиб кетганди.

3.

Одатда тонг қоронғисида йўлга тушадиган навкарлар бу сафар кун чиқди ҳамки, ўринларидан қўзғалишмади. Беруний билан Маликул шаробни ҳеч ким безовта қилмади, улар гўё мушрифларнинг эсларидан чиққан эди. Фақат тушга яқин қаёқдандир икки суворий от чоптириб келди-ю, работ чўп суқилган ари уясидай гувиллаб қолди. Туррошлар бекаат қўрғонининг ич-сиртини сулуришга киришишди, фарошатор тизилган мешкобчилар сардобадан сув олиб, катта йўлга сув сепишди, отбоқарлар отхоналардан энг чопқир отларни олиб чиқиб, янги эгар-жабдуқлар уришди. Беруний билан бирга келган сарбозлар эса, гўё Ибн Сино аталмиш ҳақими давронни эмас, аёвсиз душман лашкарларини қарши олишга ҳозирлик кўраётгандек, қиличларини қайраб, отларини шай қилиб қўйишди. Сал ўтмай, Берунийлар жойлашган ҳужрага уларни бошлаб келган пучуқ мушриф ташриф буюрди. У эғнига янги зарбоф тўн кийган, белини оғир қумуш камар билан боғлаб, бошига коқил осилган дубулға қўндириб олганди.

Пучуқ мушриф бандига попуқ тақилган эгри қиличини этигига шақ-шақ уриб, ерни тап-тап босиб кириб келди, қовоғини уйиб, ҳар бир сўзини қиличдай кесиб-кесиб гапирди, бироқ хатти-ҳаракатларида қандайдир ички бир ғалаён сезилиб турарди.

— Мавлоно! — деди у Берунийга мурожаат қилиб. — Ҳозир... ҳақими даврон... Ибн Сино ҳазратлари етиб келадурлар. Ул офтоби оламининг амру фармонлари шулким, биз ул муътабар зотни ўз қанотимиз остига олиб, соғ-саломат дориссалтанатга етказмоғимиз даркор... Сиз ул зоти олийларини яхши танийсиз, мавлоно?

Беруний секин бош ирғади.

— Таниймен, агар бу Ибн Сино фақир билган ўшал Абу Али Ибн Сино бўлса...

Пучуқ мушриф Берунийнинг киноясига тушунмаган бўлиб, Маликул шаробга қозланди:

— Сиз ҳам танийсиз?

— Билмам. Камина Абу Шилқим ибн Шаҳвоний деган бир кимсани таниймен, халос!

— Ибн Шаҳвоний?

— Балли, жаноби мушриф! Яқинда Ғазнаи мунавварада Абу Шил-

қим ибн Шаҳвоний деган бир фирибгар пайдо бўлган эди, фақир ўшал фирибгарни таниймен, холос!

Пучуқ мушриф «бу одамнинг ақли жойидами», деган маънода қовоғини уйиб, Берунийга бир қараб олди-да, қўлини қиличининг бандига қўйди.

— Бу ишда қандай сир-асрор бўлмасин, каминадан бошқа бирор тирик жон билмаслиги даркор! Билъакс, бошингиз кетадур! Неки сир-синоат бўлса, дориссалтанатга боргач, девони давлатда сўзлаб берурсиз. Ҳозир эса шу нарса ёдингизда бўлсин: мавлоно Беруний ҳазрат Ибн Сино билан бирга соябон аравада кетадилар. Сиз эса... навкарлар билан бирга бўласиз! Фармони ҳумоюн шу эрур!

Беруний жимгина бош эгди. Маликул шароб бир нима демоқчи эди, пучуқ мушриф «гап тамом», деган маънода қўлини кўтарди.

— Фармони олий — ҳукми худодур! Тамом, вассалом!

Кун чошгоҳдан оғиб, офтоб найза бўйи кўтарилганда, бекат минораларидан: «Кўринди! Кўринди!» деган садолар эшитилди.

Сал ўтмай уфқда, бир-бирига туташиб кетган кўм-кўк адирлар ортида, катта оқ булут кўринди. Бу — от-аравалар кўтарган чанг-тўзон эди. Зум ўтмай, тўзон орасидан отилиб чиққан бир гуруҳ суворийлар кўзга чалинди.

Работ олдидаги катта йўлни пучуқ мушриф бошлиқ навкарлар эгаллаган, йўл четида отбоқарлар йигирма чоғлик отларни шай қилиб туришар, уларнинг орқасида эса, сув тўла мешларини орқалаб олган мешкобчилар кўринарди.

Беруний билан Маликул шароб қўрғон дарвозаси олдида, негадир ранги ўчиб, дир-дир титраб турган бекат назоратчиси ёнидан жой олишди.

Мешдаги майни ичиб тугатган Маликул шаробнинг кайфи чоғ эди. У гоҳ ўзича секин хиргойи қилар, гоҳ: «О, каззоб! О, қузғун!» деб сўкиниб қўярди. Беруний эса... Беруний ҳамон ўша ғалати ҳолатда эди. Хатлибегим билан Маликул шаробнинг гапидан кейин кўнглида уйғонган ғалаён энди жунбушга келган, узоқдаги оқ булут яқинлашган сайн унинг дилидаги ғалаён ҳам тобора ортиб борарди.

Ана, уфқдаги оқ тўзон орасида бир гуруҳ навкарлар, навкарлардан кейин сариқ ипак мато билан ёпилган соябон арава кўринди. Узоқдан катта чодирни эслатган бу арава тўрт томонидан ўттиз-қирқ нафар суворий билан қуршаб олинган, гўё соябон аравада Ибн Сино отли ҳақим эмас, бутун рўйи заминни тиз чўктирган жаҳонгир сурон солиб келарди!..

Ана, аравани қуршаб олган суворийлар аниқроқ кўринди. Олдинда, қора терга тушган кўк қашқа арғумоғини елдириб, ўша, Абу Шилқим ибн Шаҳвонийни Тегинободга кузатиб борган чўтир мушриф келарди. Мушрифнинг қорамтир чўтир юзи бўғриққан, кўзлари чақчайган, гўё бекат олдидаги катта йўлда амирал мўъминининг элчилари эмас, ёвуз қароқчилар йиғилган эди!

Ниҳоят, аравани қуршаб олган сарбозлар тасир-тусир от суриб етиб келишди. Улар катта йўлни тўсиб турган навкарларга беш-ўн қадам етмай тўхташди. Шу заҳотиёқ олдинда келаётган чўтир мушриф узангига оёқларини тираб, эгар устида қаддини ростлади-ю, бўғиқ, таҳдидли овозда:

— Бекат беги!— деб қичқирди.— Чарчаган отлар дарҳол алмаштирилсин! Қолганларига сув ва ем берилсин!

Чўтир мушриф сўзини тугатмаган ҳам эдики, соябон аравага ёпилган ипак мато ғимирлаб, туйнук очилди-да, бошига кулоҳсимон кўк қалпоқча кийиб, устидан оппоқ симобий салла ўраб олган бир кимса кўринди.

Узунчоқ, хушсурат юзи иссиқдан бўғриққан, калтагина мош-гуруч соқоли ўзига ярашган бу уламонома кимса кўзлари хушнуд чарақлаб, теварак-атрофга қизиқсиниб қаради, қаради-ю, тўсатдан:

— Маликул шароб!— деб қичқириб юборди.

Маликул шароб негадир саросимага тушиб, Берунийга юзланди.

— Уша! Худди ўзи! Абу Шилқим ибн Шаҳвоний!

— Маликул шароб!— хушнуд қичқирди аравадаги кимса.— Офарин! Фақирдай ҳакими давронга пешвоз чиққан шоири замон Маликул шароб дунё тургунча турсинлар!

Маликул шароб Берунийнинг биқинига туртиб, қиқирлаб кулди.

— Маст! Фирт маст, муттаҳам!

Ибн Шаҳвоний қўлини кўтариб яна бир нарса демоқчи бўлди, бироқ кимдир унинг оёғидан ушлаб қаттиқ тортди чамаси, қўлини кўтарганича соябон арава ичига гумдон бўлди-ю, очилган туйнук қайта ёпилди.

Бир зум тилдан айрилиб, гунг бўлиб қолган оломон орасида пиқ-пиқ кулги ва ғала-ғовур кўтарилди. Бу ғала-ғовур Берунийни бошлаб келган пучуқ мушрифни ҳушига келтирди чоғи, у ер депсинган отини чўтир мушриф томон ниқтади.

— Жаноб мушриф! Ул офтоби оламнинг фармони олийлари шулким, бу алломаи даврон... Ибн Сино ҳазратларини каминанинг тасаруфига топширғайсиз!

— Қани ўшал фармони ҳумоюн?

— Мана!— мушриф бошидаги кокилли дубулғаси тагидан тўрт букланган зарҳал қоғозни олиб ҳавода силкитди, лекин уни чўтир мушрифга топшириш ўрнига тўсатдан қилични шартта қинидан суғуриб:

— Бўшат йўлни!— деб амр қилди.

— Лаббай? Бундай фармони олийдан фақирда юзтаси бор!— чўтир мушриф ҳам қилични шартта қинидан суғурди. Мушрифлар билан баробар икки томондаги навкарлар ҳам қилич суғурдилар-у, бир-бирларига ташландилар. Жанг ҳидини сезган аргумоқлар аччиқ кишнаб осмонга сапчиди, оламни ваҳший қийқириқ ва қиличларнинг шарақ-шуруғи тутди.

— Бўшат йўлни!

— Ўзинг бўшат!

— Бос!

— Ур!

— Ур, ҳа, ур! Сур, ҳа, сур!

Шундан кейин нима бўлди — буни ҳеч ким билолмай қолди. Катта йўл бўйидаги қирғин қанчалик тез бошланса, шунчалик тез тугади. Беруний ҳатто ҳушини йиғиб ҳам ололмади.

У: «Тўхтаг! Бу не қабоҳат? Уртадаги низони ақл-идрок билан ечмоқ даркор!» демоқчи бўлди, ҳатто, ўзини отлар тагига ташлаб бўлса ҳам, қирғинни тўхтатмоқчи эди. Лекин бунинг ўрнига негадир Маликул шаробни қучоқлаганича жойида қотиб қолди. Ҳушига келганида эса, қирғин тугаган, Тегинободлик чўтир мушриф Хатлибегимнинг пучуқ мушрифини чопиб ташлаган, унинг навкарларидан фақат бир нечтасигина омон қолган, улар ҳам узоқдаги адирлар томон лапанглаб қочиб кетмоқда эди.

Ўз рақибини чопиб ташлаган чўтир мушриф қонга ботган қиличини қинига солиб, осмонга сапчиган кўк қашқа аргумоғини катта йўлга бураркан, ёнидаги суворийга Беруний билан Маликул шароб томон ишора қилиб бир нима деди. Шу заҳотиёқ бир нечта суворий от чоптириб келиб, Маликул шаробга тармашишди, унинг оёқ-қўлларини боғлаб, арава томон судраб кетишди.

Ҳамон карахт бўлиб турган Беруний шундагина ҳушига келди-ю, чўтир мушриф томон интилди.

— Жаноб мушриф! Бу дарвеш — фақир бир шоир! Султони салотиннинг фармони бор! Дахлсиздур ул!

Чўтир мушриф Берунийга қайрилиб ҳам қарамади. Қон ҳиди ва жанг суронидан қутуриб, ҳамон осмонга сапчиган қора аргумоғига қамчи уриб:

— Кетдик!— деб хирллади-да, отининг жиловини қўйди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам тасир-тусир от суришди.

Беруний бекат дарвозасига суянганича жойида қотиб қолди.

Йигирманчи боб

«Буқун субҳи содиқ чодирдан чиқиб кетган Шайх пешиндан кейин хачир етаклаб олган серсоқол бир мўйсафидни бошлаб келди. Шайх ғайритабиий бир ҳаяжонда эди. У серсоқол кимсани чодирда қолдириб, каминани чодир ортидаги тепага бошлаб чиқди, эғнидаги чакмонини гиёҳлар устига ёзиб ёнбошлади. Мен унинг сўзига мунтазир бўлиб, ёнига чўнқайдим.

Шайх, кўзлари юмуқ, узоқ хаёлга толиб ўтирди, сўнгра:

— Ҳамадондан дарак йўқми?— деб сўради.

— Дарак йўқ,— дедим.

— Ҳамадондан от-улов, озиқ-овқат келса... Исфаҳонга йўл олур-миз...— деди шайх.

Ажаб гап! Қуни кеча Исфаҳондан амир Масъуд элчилари келганини эшитиб, Ҳамадондан пинҳона қочиб чиққан Шайх, буқун энди Исфаҳонга йўл олурмиш!..

— Исфаҳонда... қора ўлат кезиб юрган эмиш,— деди Шайх.— Уйма-уй, кўчама-кўча, даҳама-даҳа қора ўлат кезиб юрган эмиш!..

Бошимга бир хум совуқ сув қуйилгандай вужудимни қалтироқ босди.

— Қора ўлат кезиб юрган шаҳарга бориб, ўзини шамга урган капалак ҳолига тушмайлик, устод,— дедим.

Шайхнинг нигоҳида совуқ қаҳр, лабларида кинояли табассум зоҳир бўлди.

— Балли, ўғлим! Исфаҳонда қора ўлат чарх урсин! Аҳли мардум бошига оғир мусибат тушсин, «ҳакими даврон» номини олган фақир эсам, жон ширин, бошимни олиб қочай! Балли, азизим!

Уйламай сўзлаганимдан қаттиқ ўсал бўлдим. Боз устига Шайхнинг Исфаҳонда қолган иниси Абу Маҳмуд ёдимга тушиб, қора терга тушдим. Сўз нишобини бошқа томонга буриш муродида Шайхдан вабо ва қора ўлат янглиғ балою офатларнинг сабабини сўрадим.

— Сабабини ўлат хуруж қилган шаҳарнинг ўзига бориб аниқламоқ даркор,— деди Шайх.— Ва лекин Буқрот ҳаким, Жолинус, Абубакир ар-Розий каби табиблар, қадимий Рум, Қоҳира, Ҳинд ва Чин тарихчиларининг гувоҳлик беришича, жангу жадаллар сабаб Исфаҳондай гавжум шаҳарлар қамалда қолиб, очлик, яланғочлик хуруж қилган чоғларида вабо янглиғ балою офатлар авж олгусидир. Ул мўътабар алломаларнинг китобларида зикр қилинишича, бундай мусибатли кунларда ер қаъридаги барча инсу жинс юзага чиқиб, ўлат ейишга тутунадур, ўлат ҳиди ва ўлат қонини уйма-уй ташийдур. Биласен: касал борки, юқмайди, касал борки, кишидан кишига ўтади. Қора ўлат ҳам сичқон ва каламушлар билан уйдан-уйга ўтиб, ўлим судраб юргувчи нуқс офатдур. Ажаб эмаски, Исфаҳон бошига тушган бу қора кунларни ўшал махлуқлар бошлаб келган бўлса!

Зарринруд дарёсининг чап соҳили ёдимга тушди. Шаҳристондан чиқиб, дарёдан ўтиш билан йўқсиллар даҳаси бошланади. Қинғир-қийшиқ кўчалар, қулбаи вайроналар, бостирмалар, ғариб карвонсаройлар, темирчилар, чилангарлар, тақачилар, бешиксозлар, эгарчи ва сангтарошлар, тобутсоз ва пичоқчиларнинг хароба дўконлари нигоҳим олдига келди. Назаримда, ҳаммаёқда мурдалар қалашиб ётгандай, улар орасида дайди итлар, оч мушуклар, сичқон-у, каламушлар изғиб юргандай бўлиб, жисмим музлаб кетди.

— Билмам,— деди Шайх.— Қўрққанга қўша кўринур, дейдилар. Гоҳо офат келтиргувчи бошқа касалликларни «вабо», деб ваҳимага тушадилар. Билмам, агар бу йўловчининг «қора ўлат» дегани рост

бўлса — унинг давоси ҳам мушкулдир. Бориб кўрганда аён бўлур. Аммо неки дори-дармон, неки доривор гиёҳ бўлса — ҳаммасини сандиқларга жойламоқ даркор, ҳаммасини олиб кетмоқ даркор! Шокалон деган анов йўловчи сенга ёрдам беради.

— Бу йўловчи ким? Исфаҳонликми? — деб сўрадим.

Бу саволимдан Шайх ғалати аҳволга тушди.

— Йўқ, бу йўловчи Исфаҳондан эмас, Бухорои шарифдан, — деди Шайх. — Камина таваллуд топган Афшонадан. Болалик чоғларимизда бир даҳада бирга ёнғоқ ўйнаб катта бўлганмиз. Камина Бухородан кетганимдан кейин бу шўрликнинг бошига ҳам кўп савдолар тушибди, — Шайх шундай деб, ажаб бир севги ҳангомасини сўзлаб берди.

Афшоналик серсоқол йўловчининг зурриёти билан Исфаҳонга, амир Масъуд саройига инъом қилиб юборилган туркий санам ўрта-сидаги бу ишқ ҳангомаси Шайхни нечундир қаттиқ изиробга солган эди.

— Мен бу шўрлик йигитни кўрмоғим даркор, — деди Шайх. — Албатта кўрмоғим даркор!.. Ешсан, ўғлим, муҳаббат жафоси бошингга тушмаган. Муҳаббат жафосини тортмабсен, бу фоний дунёга келмабсен!

Камина, бу не жафо экан, сўзлаб беринг, устод, деб кулган эдим, Шайх маънос бош чайқаб: «Йўқ, ишқ достонини сўзлаб бўлмас, — деди. — Бу достонни ёзмоқ мумкин, назмга солиб куйламоқ мумкин, аммо уни бировга сўзлаб бўлмас, кимки сўзласа қадрини ерга урар, азизим».

Шайх шундай деб, узоқ фикрга толди. Мен устоднинг маҳзун чеҳрасига қараб дилидан нелар кечганини, юрагида не дардлар борлигини ўйладим. Шайх ёшлигида бўй-басти келишган, бағоят хушсурат йигит бўлган. Не-не санамлар унинг васли орзусида оҳ чекиб ўтганлар. Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмағирнинг қизи Зарринабону Шайхга шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш усули ҳақида китоб ёздириш баҳонасида уни лутфан саройга таклиф этган. Шайх Зарринабону айтган рисолаи ёзиб берган, бону эса рисола бу ёқда қолиб, Шайхнинг ўзига муҳаббат изҳор қилган. Рай ҳокимаси маликан Саида ҳам шу аҳволга тушган. У ўғлининг молихулия¹ дардини даволатиш матлабида Шайхни чақиртирган. Аммо Шайхни кўргач, унга ошиқ бўлиб қолган. Шайх ёши бир жойга борган бу маликанинг изҳори ишқидан зўр-базўр қочиб қутулган. Зотан, Шайх аёл зотининг дардини ҳам, кўнглини ҳам бағоят чуқур туяди. Мен буни бундан беш-олти йил муқаддам «ал-Қонун»нинг олтинчи жилди битилганда билдим. Бу жилднинг бир неча фасли² ожизаларнинг касаллари ва уларни даволашга бағишланган.

Шайх бу фаслларда аёллар жисми, уларнинг олатидаги энг қалтис касалликлар, ёмон шишлар, ҳайз кўриш ва кўрмаслик, фарзанд бўлиш ва бўлмаслик сабаблари ҳақида, ёзган бу касалликларни даволаш йўллари, алхусус, бу ишда жарроҳия усулларини қўллаш тўғрисида шундай билимдонлик ва шундай нозик тафсилотлар билан баён қилганким, камина ўқиб лол қолдим, токи бу фаслни ёзмоқ учун оғир дардга чалинган неча-неча ожизаларни кўрмоқ ва уларни даволамоқ лозимдур. Боз устига бу шундай дардки, Азроил алайҳиссалом эшикдан кириб келмагунча аёл зоти табибга кўринмайди. Бир сафар Исфаҳонда бадавлат бир савдогар ўз маҳбубасини беҳуш ҳолда тун ярмидан ошганда олиб келгани ёдимда. Шайх буни билгани учун бу ишни катта одоб ва ибо билан қилар эди, шу боисдан кўплар унга пинҳона мурожаат қилар эдилар.

«Ал-Қонун» китобининг яна бир фасли — ошиқлар вужуди ва уларнинг севги алоқаларига бағишланган. Шайх бу нозик масалада

¹ Молихулия — асаб касаллиги.

² Фасл — боб маъносига.

ҳам ажиб зукколик ва майинлик билан фикр юритганким, маҳбубларнинг Шайхга бу йўсин меҳр қўйишининг боисини камина шу фаслни ўқиганимда англадим. Шайх уқтирадиги, севгида руҳ билан вужудни бир-биридан ажратиб бўлмас, ошиқ-маъшуқлар висол онларида бағоят мулойим бўлмоқлари лозим, алхусус эр, токи маҳбуб жисми шундай яралганки, ул майинликка ташнадур. Шайх бу нозик муаммоларни шундай шарму ҳаё ва ибо билан баён этадики, унинг дилнавозлиги ва назокатига таҳсинлар ўқидим.

Шайх ҳануз маҳзун ўйлар оғушида эди. У менинг бетоқат бўлганимни сезиб: «Мен ул шўрликни, амир Масъудга инъом қилиб юборилган ул бахтиқаро ожизани кўрмоғим лозим», деб қаттиқ уф тортди.

Мен Шайхдан, ул шўрликни танийсизми, деб сўрадим. «Йўқ, мен ул бечоранинг онасини танир эдим», деди Шайх. Мен бошқа савол беришга журъат этмадим.

Кун ботиб, қош қорайганда чодирга қайтдик. Хуфтон намозидан кейин Шайх чодирга шам ёқтириб, қоғоз-қалам сўради. Мен Шайхнинг кўнгли назм ва наво ишқида эканини англадим.

Шайх куй ва назм бобида қалам тебратишга аҳд қилса, унинг кўнгли танҳоликни тусаб қолади. Илм бобида бир нарса ёзишга жаҳд қилганида эса, билъакс, шогирдларини йиғишни, ўзи айтиб туриб, уларга ёздиришни яхши кўради, аммо шеър ишқида ёнган чоғларида танҳоликка майл билдиради.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мен Шайхнинг хаёл оғушида аста тебраниб, лаблари пичирлаб ўтирганини кўрдим-да, унинг хаёлини ҳуркитишдан ийманиб, бир чеккага жой солиб ётиб қолдим.

Қаттиқ уйқуга кетибмен, бир маҳал қулоғимга ҳазин бир овоз киргандай бўлди. Қимдир юракни эзиб, сув қилиб юборгувчи бир товушда нола қилар, дарду ҳасратларини айтиб йиғлар эди. Уйғониб кетдим.

Шайх чодирнинг тўрида бошини ҳам қилиб, ўзи ясаган ғижжакда мунгли бир куйни чалиб ўлтирарди. Унинг ёнида Шокалон деган боёги серсоқол мўйсафид болишга ёнбошлаб ётарди. Ёниб бўлаёзган шам шуъласида Шайхнинг мижжаларида ёш томчилари симоб зарраларидай милтираб турарди. Билдим — Шайх ҳозир чодирда эмас, хаёлан ўзи чалаётган ҳазин куй қанотларида бошқа бир оламда парвоз қилиб юрибди...

Куй тинди.

Шайх мижжаларидаги ёш томчиларини кафти билан артиб, ҳам-шаҳарига қараб жилмайди.

— Қариганда кўнгли бўш бўлиб қолар экан киши, Шокалон!

— Айб қариликда эмас, асли кишини йиғлатадиган куй бўлибди,— деди Шокалон,— битган байтинг ҳам юракни тилка-пора қилади, басталаган куйинг ҳам. Яна бир ўқи, Абу Али!..

Шайх бир хўрсиниб олди-да, кўзларини юмиб секин ўқиди:

Дилимда она юрт доғи,
бу дарднинг борми давоси,
Эрам боғидан афзалдир
она юртингни саҳроси.
Кўзимга тўтиё қилгум
агар бир кун гузар этсам,
Мусофир ҳирқасин ташлаб
диёрим васлига етсам.

— Ҳайҳот!— деди Шайх бошини сарак-сарак қилиб.— Мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас, деганлари рост экан. Жудодик не, туғилган юртдан айрилиб, мусофир бўлмоқ не,— фақирдан сўр, Шокалон! Кўзимни бир дақиқа юмсам... нигоҳим олдига Афшона қирлари келади, болаликда чўмилган ариқлар ва булоқлар келади. Кўзим уйқуга кетса... Бухоро кўчалари, Жўйи Мўлиён даҳаси тушимга киради. Уйғониб кетиб, тонг отгунча тўлганиб чиқамен...

— О, Абу Али! Абу Али!— деди Шокалон уф тортиб.— Афшона ҳам, Бухоро ҳам сен билган Афшона-ю, сен билган Бухоро эмас!..

— Не чора?— деди Шайх,— не чора, Шокалон? Сенинг сўзларингга инонмай иложим йўқ. Аммо... не бўлмасин, кўзимни бир он юмсам нигоҳим олдига болалик чоғларим келади. Ушал боғлар, ўшал қирлар, ўшал сувлар эсимга тушади. Қариган чоғимда бир кўрсам, Афшона боғларини бир кезсам, Бухоро кўчаларидан бир ўтсам, падарим қабрини бир зиёрат қилсам, шундан бошқа тилагим йўқ. Шокалон...

— Иншоолло, тилагинг қабул бўлғай, Абу Али!— деди Шокалон.

— Майли,— деди Шайх,— сен ётиб дамнингни ол, менинг уйқум қочди, далага чиқиб, бир айланиб келамен...

Шайх шамларни ўчириб чодирдан чиқди.

Эртасига Ҳамадондан келадиган юклар етиб келди. Биз Работни тарк этиб, Исфаҳон томон йўл олдик».

(Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан).

1.

Сипоҳсолар¹ Абу Тоҳир тонг чоғи от чоптириб келганида бутун сарой оёққа турган, ҳовлидаги тош фонуслар, қандиллардаги шамлар ёқилган, қиличларини шарақ-шуруқ қилган навкарлар, ранглари қув ўчган ҳарам бекалари, тасбеҳ ўгирган уламолар ва яна аллақандай қора кўлагалар у ёқдан-бу ёққа изғиб юрар, шам шуъласи ёритолмаган ғира-шира бурчаклардан: «Симоб! Симоб!— деган шивир-шивир овозлар эшитиларди.— Бухоро санами амирнинг қулоғига симоб қуймиш!»

Иккинчи ошёнадаги саломхонада, табиблар бўлса керак, узун оқ яктаклик уч-тўрт одам қақшаб-қалтираб турар, тўрдаги шабистон эшиги берк, ичкаридан секин инграган бўғиқ овоз эшитиларди.

Саломхонага шитоб билан кириб келган Абу Тоҳир шитоб билан юриб бориб эшикни очди. Ичкаридан келаётган бўғиқ нола эшик очилганда қаттиқроқ эшитилди-ю, эшик ёпилиши билан сўнди.

Амир Масъуд, не-не жангларда ёвга аёвсиз қирон келтирган, Ҳиндистон чакалакзорларида қутурган йўлбарслар билан яккама-якка олишган амир Масъуд, бошини зарбоф тўнининг этагига ўраб, ерда юмалаб ётар, унинг аламли инграши улкан чорбурчак хонанинг қуббасимон шифтида акс садо бериб, совуқ янграрди. Амирнинг тепасида кўрқувдан қўлидаги косаси дир-дир титраган нотаниш бир табиб билан рангида ранг қолмаган эшик оғаси турарди.

Абу Тоҳир тез юриб бориб амирнинг ёнига тизза букди.

— Валинеъмат.

Амир тузоққа тушган қушдай питир-питир қилиб, зарбоф тўни этагидан бошини соқит қилди. Худди отасининг кўзларидай қийғоч кўзлари қонталашган, ёноқлари бўртиб чиққан чўяндай қоп-қора юзи аллақандай кўкариб кетган.

— Абу Тоҳир!— деди амир Масъуд тўсатдан кўзларида ўт чақнаб.— Ул маккор саҳронишин Алитегин падари бузрукворим учун каминадан ўч олмоққа қасд қилибди! Инъом этган фоҳишаси симоб қуйди қулоғимга, симоб!.. Қани фаришта ниқобидаги ул жодугар?— деди амир, қонталашган кўзларини эшик оғасига қадаб.

Эшик оғаси икки букилиб таъзим қилди.

— Ул жодугар ақлидан озмиш, амири калон!

— Ақлидан озган бўлса... тириклайин гўрга тикмоқ лозим ул ёсу-манни! Ҳмм...— Амир яна қулоғини чангаллади-ю, юзтубан тушиб боши билан ер сузишга киришди.

Абу Тоҳир бетоқат бўлиб:

¹ Сипоҳсолар — бош қўмондон.

— Иншоолло, шифо топасиз, валинеъмат!— деб хитоб қилди.— Фақир амиримга ажаб бир хабар топиб келдим! Тобаристон дарвозасининг дарвозабони... дарвеш кийимида уч нафар номаълум кимсаларни тутибдур.

— Номаълум кимсалар? Мен ажалдан сўзласам, сен номаълум кимсадан сўзлайсен!..

— Амири калон!— деди Абу Тоҳир зорланиб.— Сўзимнинг «берди»сини эшитинг. Бу дарвешларнинг бири ўзини... ҳазрат Ибн Сино деб атармиш!..

— Ҳазрат Ибн Сино?

— Баайни шундай!

— Э, яратган эгам! Валинеъмат падари бузрукворим бўйи баробар олтин ваъда қилганида ҳам боришдан бош тортиб, қочиб юрган ҳазрат Ибн Сино энди дарвеш қиёфасида ўз оёғи билан юриб келмиш!— Амир, қон талашган қисик кўзларини лўқ қилиб, бошини ликиллатди, ликиллатганда бир он тинчиган оғриқ қайта хуруж қилди чоғи, қулоқларини шап ушлаб:

— Ибн Сино бўлса, қайда?— деб ингради.— Олиб кел уни дарҳол! Ё халлоқ! Шояд бу ҳакими ҳозиқ сабаб, ўзинг берган бу дарди бедавони ўзинг даф қилсанг!

Абу Тоҳир апил-тапил ўрнидан туриб, ташқарига отилди.

Бу пайт Ибн Сино билан Абу Убайд саройнинг боғ томонидаги ҳовлида, бир маҳаллар ҳавзи кавсар номини олган мрамар сарҳовуз бўйида ўтиришар эди.

Ҳали кун чиқмаган, бироқ ҳовлидаги чинор ва садалар нафис лоларанг шуълага чулганган, офтобни соғинган қушларнинг куйи авжигача чиққан. Тонг ели овлоқ қир гиёҳларининг сал тахир, ўткир ҳидларини уфурарди. Қаердандир-яқиндан қилич-қалқонларнинг шарақ-шуруғи, «ҳаҳ, ур! ҳаҳ, чоп!» деган бўғиқ хитоблар эшитилар, афтидан, сарой ортидаги ҳовлида сарбозлар машқ қилишмоқда эди.

Ибн Сино ғалати бир ҳолатда эди.

У кеча намози асрда Абу Убайд ва Шокалон билан бирга Тобаристон дарвозасига етиб келганида кимлигини ошкор қилмоқчи эмас эди. У ўз шериклари билан дарвиш қиёфасида дарвозадан ўтиб, шаҳарни даҳама-даҳа, кўчама-кўча айланиб чиқмоқчи, қора ўлат тўғрисидаги мудҳиш гапларнинг рост-ёлғонлигини сўраб-суриштирмоқчи ва шунга қараб бирор тadbир кўрмоқчи эди. Кейин ҳовлисига ўтиб, иниси Абу Маҳмуддан хабар олиш ниятида эди. Унинг ҳовлиси саройдан йироқ эмас, Зарринруд дарёсининг машриқ томонида, Шаҳристон мачитининг ортидаги Куни Гумбаз даҳасида, сердарахт, серсоя, осойиштагина бир кўчада.

Бухорога ўхшаш Исфаҳоннинг ҳам ўн икки дарвозаси бўлар, устига тоғдай юк ортилган филлар ҳам бемалол ўта оладиган бу дарвозалардаги ҳамма дарвозабонлар уни яхши танир эди. Агар Тобаристон дарвозасида илгариги дарвозабон бўлганида «Ибн Сино» деган калиманинг ўзи кифоя қиларди, бироқ амир Масъуд тайинлаган янги дарвозабонлар «Ибн Сино» деган номни эшитганларида ҳам пинакларини бузишмади, ё ишонишмади, ишонишса ҳам парво қилишмай, кечаси билан ушлаб ўтиришди. Фақат тонг чоғи оғиз-бурнини қора мато билан боғлаб олган бир сардор бориб, уларни отга миндириб олиб кетди.

Шаҳар ҳали уйқудами, ё барча мардуми мўъмин уни тарк этганими, қалъа узра қандайдир совуқ сукунат ҳоким эди. Ғира-шира кўчалар, чорраҳалар, гузарларда қандайдир қора соялар, йўқ, соя эмас, ўлик йиғиб юрган сарбозлар кўзга чалинарди... Ҳа, Ибн Сино янглишмади, устларига қора либос кийиб, оғиз-бурунларини қора мато билан ўраб олган сарбозлар, қўлларида паншаҳа, кўчама-кўча ўлик йиғиб юришарди...

Улар дарё соҳилидаги гузарлар, тор кўчалар, хароба кулбалар

бўсағасида чўзилиб ётган мурдаларни худди тўнкани тепгандек тепиб кўришар, сўнг, қўлларидаги паншахани ерда чўзилиб ётган мурдага пичанга санчгандек санчиб, даст кўтаришарди-ю, орқаларида келаётган аравага отишарди.

Нимқоронғи кўчаларда ўлик йиғиб юрган қора соялар, айниқса, Пули шаҳристон кўпригидан ўтиб, «Нақши жаҳон» майдонига яқинлашганларида кўпайиб кетди.

Во дариг! Шокалон айтган машъум гаплар рост чиқди, рост!..

Ибн Сино, юраги тинимсиз зирқираб, бир-икки жойда тўхтамоқчи бўлди. Бироқ уларни бошлаб бораётган сардор, қамчи ўқталиб, тўхташни қатъий ман қилди.

«Нақши жаҳон» майдонидан ўтишлари билан ўнг қўлда, дарёнинг у юзида, «Ҳисор» кутубхонасининг юксак пештоқлари кўзга чалинди.

Суюкли маскан! Сўнгги йилларда руҳига сафо, кўнглига тасалли бериб келган бирдан-бир оромгоҳ! Алломалар, шоирлар, толиби илмлар қароргоҳи!.. Ибн Синонинг ўз ҳовлиси ҳам кутубхонага яқин, Кун Гумбаз даҳаси кутубхона ортидаги гузардан бошланади. Лекин бу не? Кутубхонанинг баланд тиллакори гумбази ўпирилиб тушган, атрофдаги дўкон ва расталарга ўт кетган бўлса керак, улкан култепага айланган эди!

Ибн Сино юраги қаттиқ сиқилиб, отининг бошини беихтиёр ўнгга бурди, бироқ олдинда кетаётган сардор яна қаҳр билан бурилиб, «орқамдан қолма!» деб ишора қилди... Яна озгина юрса ҳовли-жойини, ёру биродарларини кўрарди, иниси Абу Маҳмуд тирикми, йўқми — бохабар бўларди. Не чора? Кўролмади. Билолмади!

Мана энди кўнгли хуфтон, сарой ҳовлисида, мрамар сарҳовуз соҳилидаги мрамар супада ўтирибди. Рўпарадаги икки ошёналик ҳаворанг мрамар сарой мовий осмондай тиниқ ярқирайди, боғда булбуллар сайрайди, дала гиёҳларининг нозик атри уфуради, иссиқ нон ва қовурилган гўшт ҳиди димоққа гуп-гуп уради, гўё шаҳарда на қора ўлат бор, на очлик-яланғочлик!

Ибн Сино ичида аччиқ кулимсираб, кўзини юмди!

«Ҳа, нечун бунга ажабланасен, Абу Али? Ўзинг билган Шамсуддавла даврида ҳам, бу шаҳарда кўп йиллар ҳокимлик қилган Алоуддавла чоғларида ҳам шу аҳвол эмасмиди? Мана шу баланд деворнинг у томонида биров оч бўлса, биров тўқ, бировнинг усти бўлса, биров яланғоч эмасмиди? Бу томонида эса, мана шу сарҳовуз ўртасидаги ана у гумбазли шийпон тагида ҳар оқшом мисли кўрилмаган базми-жамшидлар бўларди. Бу ерга барча аркони ҳарб ва аркони давлат йиғилар, тиниқ, хушбўй шароб фавворалардан оққан сувдай оқар, энг машҳур созанда ва навозандалар ўлтириш аҳлининг кўнглини хушлар, гоҳи-гоҳида эса, ҳовузнинг у чеккасидаги сўри олдига ҳарир парда тугилиб, унга ёш, гўзал канизлар таклиф қилинар, улар ярим яланғоч бўлиб рақсга тушишар эди...

Ҳамадонда-чи? Алоуддавлдан аввал Шамсуддавла ҳокимлик қилган чоғларда-чи?

Бир кун соғ бўлса, ўн кун хаста, бир кун хушёр бўлса, ўн кун сармаст — Шамсуддавла мешдай қорнини майга тўлғазиб, телба-тескари ишлар қилар, жунбишга келган чоғларида ўзини улуғ саркарда деб ҳис эгар, фақат қўшни шаҳар ва қўшни давлатлар эмас, машриқда султон Ғазнавий, мағрибда Румгача забт этиш ҳақида ақл бовар қилмас режалар тузарди. Саройга йиғилган аъёну боёнлар эса, қўлларида лиммо-лим қадаҳ, маст-аласт ҳокимга ҳамду санолар ўқишар, ўзини амирал мўъминин, деб атаган саҳронишин султон Ғазнавийни калака қилишиб, тентак Шамсуддавлани кўқларга кўтариб мақташарди, уни бирда фотиҳи музаффар дейишса, бирда бўлғуси амирал муслимин, деб аюҳаннос кўтаришарди...

Шон-шуҳрат орзусида ёнган телба ҳоким эса бу мадҳиялардан баттар шишар, шу он, шу дақиқа қўшин тортишга чоғланарди. Ҳа,

у тунги базми жамшидларда жўшиб жунбишга келар, эрталаб эса, мешдай қорини чангаллаб, дод-фарёд чекар, кечаги «фотиҳи музаффар», эрталаб кучала еган итдек тиришиб, илтижо тўла кўзлари билан Ибн Синонинг кўзларига мўлтираб қарарди. Уни бирда «ҳазратим» деса, бирда «тақсири олам», деб чақирар, унинг айтганини тарки вожиб қилмасди. Ибн Сино эса, сабаби ёшлик, адолатли шоҳ ҳақидаги кўнглидаги эзгу орзусини рўёбга чиқариш истаги билан ёнар, ўлим даҳшатидан қўйдаи юввош бўлиб, кўзлари мўлтираб ётган «фотиҳи музаффар»ни инсофли ва диёнатли ҳокимга «айлантириш»га тутинарди. Шу ниятда телба ҳокимга ҳар куни ҳуқна қилиб, оғзига дору қўйса, суюлган миясига эзгу истаклар, адолатли шоҳлар ҳақидаги эртак ва ривоятлар, буюк алломаларнинг буюк орзуларини «қуйишга» тутинарди. Шунда яна бир ажаб ҳол содир бўлар, Ибн Сино доруларидан енгил тортган гўдакфеъл, телба ҳоким унинг эзгу ўйларини, етимпарвар, гадопарвар шоҳлар ҳақидаги эртак ва ривоятларини жон қулоғи билан эшитарди. «Ҳазратим»нинг ҳар бир сўзини маъқулларди, ногаҳон ёпишган бу бедаво дарддан даво топса, иншоолло, ўзи ҳам шундай эзгу ишлар қилишга қасам ичарди. Ибн Сино эса, яна сабаби ёшлик, оқкўнгиллик, мешқорин Шамсуддавланинг берган ваъдалари, ичган қасамларига оппа-осон инонардди. Инонгани учун ҳам унга вазир бўлишга розилик берган, кейин вазирлик мансабига суяниб, девони лашкарга ажратилган пулларни девони давлат ихтиёрига ўтказган, қўшин сонини камайтириб, мадрасалар, карвонсаройлар қуриш, ариқлар қазиб, дашти-биёбонларга сув чиқазиш режаларини тузган эди. Лекин эвоҳ! Унинг режалари амирлар қиличини қориндан чиқарган, инсофга юз тутган «одил шоҳ!» эса... қорнидаги оғриқ сал пасайиб, кечалари кўзига кўринган азроил алайҳиссалом даф бўлиши билан ҳазрат Ибн Синога берган ваъдаларини ҳам ёдидан чиқарарди! Ваъдалар ўрнига Ҳамадон боғидаги худди мана шундай гумбазли шийпон тагида яна илгариги базми жамшидлар бошланар, яна май ва шароб-фавворалардан оққан сувдай оқар, яна созанда ва хонандаларнинг куй ва қўшиқлари осмону фалакка кўтарилар, яна бурунгидай ҳамду санолар ўқилиб, кечагина игна ютган итдай инграб ётган «одил шоҳ» яна жаҳонни тиз чўктириш орзуси билан ёнар эди! Бу ҳол неча марта такрорланди! Эвоҳ, фақат амир Шамсуддавланинг пуч орзулари эмас, Ибн Синонинг маърифат ва эзгулик ҳақидаги орзулари ҳам — ҳаммаси-ҳаммаси пуч хаёл бўлиб чиқди!

Ибн Синонинг хаёлини:

— Ҳазратим!— деган овоз бўлди.

Ҳовузнинг олдида сипоҳсолар Абу Тоҳир қўл қовуштириб турарди.

— Марҳамат! Амири калон лутфан кўрмоқ истайдур сизни!— Абу Тоҳир Абу Убайднинг эғнидаги қуроқ жандасига шубҳа билан қараб қўйди. Буни пайқаган Ибн Сино:

— Бу йигит шогирдим бўлур,— деди.— Каминага ёрдам берур. Йўл бошланг, жаноби сардор!

Таниш кошонанинг беҳисоб шамлар зўрға ёритган тор ва узун йўлақлари кимсасиз эди. Икки ёндаги қатор икки табақали беҳисоб ўймакор эшиклар берк, мрамар зиналардаги гиламлар йиғиштириб олинган, йўлак шип-шийдам ва кўримсиз эди.

Иккинчи қаватдаги улкан саломхонанинг бурчагида бир гуруҳ оқ жуббали уламолар ғуж бўлиб туришар, уларнинг кўзларида қўрқув ва ташвиш акс этарди.

Абу Тоҳир билан кириб келган икки дарвишни кўрганда улар «гур» этиб, бир кўзгалиб олишди-ю, яна жим бўлиб қўблишди. Уртага чўккан жимликда:

«Ибн Сино дарвеш қиёфасида? Вой, тавба! Қай бири Ибн Сино?» деган шивир-шивир овозлар эшитилди.

Абу Тоҳир икки табақали нақшинкор эшикни аста очиб, Ибн Сино билан Абу Убайдга йўл берди.

Шифти ва деворлари нозик пуштиранг кошинлар билан зийнатланган кенг, бироқ аллақандай фэйзсиз хона ғира-шира эди.

Боя Абу Тоҳир кирганда гилам устида юмалаб ётган амир Масъуд бир маҳаллар Шамсуддавла, кейин Алоуддавла ўтирган сержило олтин курсида ўтирар, у ўнг қулоғини маҳкам ушлаб олган, кўзлари юмуқ, кўкимтир кенг юзида чексиз бир изтироб муҳрланган эди.

Амир, Абу Тоҳирнинг «валинеъмат!» деб шивирлаганини эшитиб, кўзини очди-ю, эшикда таъзим бажо келтириб турган икки қаландарга узоқ қадалиб қолди. Унинг кўкимтир юзидаги изтироб таажжуб билан, таажжуб шубҳа билан алмашди.

— Ҳазрат Ибн Сино?.. Узини Ибн Сино, деб даъво қилгон ким?

— Фақир, давлатпаноҳ!

— Во ажабо!— деди амир.— Сен ўшал... ҳаками даврон Ибн Сино бўлсанг... ул амирал мўъминин элчи юборганида нечун яшириндинг? Нечун менинг мушрифларим борганда Ҳамадонни тарк этиб, бош олиб қочдинг? Нечун қочдинг-у, нечун энди ўз оёғинг билан юриб келдинг?

Ибн Синонинг лабларига билинар-билинемас табассум югурди.

— Агар амири калон каминадан норози бўлсалар Исфаҳонни дарҳол тарк этишга ҳозирмен, давлатпаноҳ!

— Йўқ-йўқ! Мен ташрифинг сабабини сўрадим, холос!

Ибн Сино чуқур хўрсиниб, бошини пастроқ эгди.

— Амири калон! Каминани Исфаҳонга олиб келган бирдан-бир сабаб — вабодур!

— Вабо?

— Маъзур кўрасиз, амирим, вабоми ё кавсусми¹,— ҳозир бир нарса дейишга ожизмен. Ва лекин шаҳарда уйма-уй қора ўлат кезиб юрмиш деган машъум хабар қулоғимга етиб борди. Бу машъум хабар...

— Шаҳарда қора ўлат кезиб юрган бўлса... инчунин, ҳукми оллошу эрур!— деди амир, деди-ю, тўсатдан юзи қаттиқ бужмайиб, ўнг қулоғини чангаллаб олди.

— Симоб! Маккор Алитегин юборган жодугар симоб қуймиш қулоғимга. Симоб!

«Маккор Алитегин юборган жодугар?»— Ибн Сино юрагида кўтарилган ғалаёни зўрға босиб, тахтга яқинлашди:

— Симоб? Қандай симоб?

— Ул фирибгар Алитегин...

— Аввал оғриқдан сўзланг, амирим! Бетўхтов оғрийдими ё?..

— Йўқ-йўқ... дам оғриб, дам тўхтайдур. Бигиз суққандай безиллаб оғрийдур!

— Тўхтаганда-чи? Дарҳол тўхтайдурми, ё оғриқ давом этадурми?

— Дарҳол тўхтайдур, дарҳол! Мана, тўхтади, оллога шукр, тўхтади... Йўқ-йўқ, тагин бошланди. Миямга ўтди. Қулоқ пардамни тешиб миямга ўтди! Симобнинг ўзи эмас, оғу қўшилган симоб бу, оғу! Э яратган эгам! Ёзуғим не менинг, ёзуғим?

«О, қаттол! Бераҳм-бешафқат, қаттол! Сен келтирган бу қатлу қирғин, бу очлик-яланғочлик, бу офат — ёзуғинг эмасми, дажжол?»

Ибн Сино бўғзига келган аламни зўрға ичига ютиб:

— Камина ул канизни кўрмоғим даркор,— деди.— Ул каниз...

— Кўрмоғи даркор! Субҳон олло! Аввал бу азобдан қутқар мени! Агар чиндан ўшал ҳаками даврон... ҳазрат Ибн Сино бўлсанг бу балои ногаҳонийдан қутқар аввал! Кейин... керак десанг, ҳасмингга ол, ул жодугарни!

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, қулоғингизни даволаймен, амирим. Аммо... даволашдан аввал сизга бир арзим бор...

— Аввал давола, сўнгра айтасен арзингни!

— Сабр қилинг, амири калон! Арзим шулки, шаҳар дарвозалари

¹ Кавсус — тиф.

дарҳол очилмоғи даркор. Бу балои офат оғушида қолган шўрлик аҳли мардум қир-адирларга чиқиб, баҳор гиёҳларидан баҳраманд бўлмоғи лозим. Шу букун барча жарчи ва барча табибларни саройга йиғмоқ жоиз! Фақир доривор гиёҳлар номини айтиб берамен. Жарчилар ва табиблар жар солиб, бу гиёҳларни мардumi мўминга айтмоқлари лозим! Гузарларда дошқозонлар қурдирмоқ даркор. Доривор гиёҳларни қайнатиб, сувини уйма-уй улашмоқ лозим. Билъакс, барча аҳли мўмин кирилиб кетур, амири калон!

— Е халлоқ!— амир қўлини қулоғидан олиб, қонталашган кўзларини Абу Тоҳирга қадади.— Сен... қай гўрдан топиб келдинг бу телба дарвешни?— деди у қалтироқ босиб, лекин бир дақиқа тинган оғриқ қайта хуруж қилди, чамаси, курсидан секин сидирилиб тушиб, ердаги гиламга юз тубан ётиб олди.— Ҳақими ҳозиқ Ибн Сино эмас, маккор бир шайтон бу! Билъакс... неки арзи бўлса аввал даволаб, кейин айтса ўлурму бу хунрез?

— Ҳозир доволаймен, амирим, ҳозир... Фақат фақирнинг шарти ёдингизда бўлсин!— Ибн Сино шундай деди-да, Абу Тоҳирга юзланди.— Учинчи шеригим қайда? Дарҳол топинг уни! Туяда дори-дармон солинган сандиқлар бор. Фармон беринг: дарҳол келтирсинлар!..

— Дарҳол!— деди амир инграб.— Дарҳол!

Абу Тоҳир апил-тапил юриб хонадан чиқди, Ибн Сино оёқ учиди юриб, Абу Убайднинг ёнига борди.

— Сен ҳовлига тушиб, қизил сандиқни оч!..

Абу Убайд унинг сўзини эшитишга сабри етмай:

— Устод!— деб шивирлади.— Устод! Чиндан амирнинг қулоғига симоб қуйилганму?

Ибн Сино кафтини оғзига қўйди.

— Йўқ, чамаси қулоғи йиринглаб, қурт тушган...

Абу Убайднинг кўзларидаги қўрқув ваҳимага айланди.

— Қурт?

— Ҳмм!— ингради амир.— Қайдасен, ҳақими ҳозиқ? Даф қил бу балои офатни! Бўйинг баробар олтин берамен, олтин!

Ибн Сино амирга жавоб бермай, Абу Убайдга юзланди.

— Қизил сандиқни очсанг кўк шишачада миср боқиласининг ширасини кўрасен. Унинг ёнидаги қора халтада янчилган куст, сариқ халтада назли ўти бор. Тўхта! Нафармон шишачада ковул уруғининг қайнатмаси ҳам бор. Чопиб тушиб, ҳаммасини олиб кел!

— Дарҳол!— деди амир боши билан ер сузиб.— Ҳой, ким бор? Саройбон? Дарҳол келтир доруларни, дарҳол!..

2.

Амир Масъуд уйқудан уйғонса ҳам қимир этишга қўрқиб тўша-гида узоқ ётди. У қаттиқ ухлаган бўлса керак, офтоб машриқдан мағрибга кўчган, хилватхонанинг кунгай томонини қоплаган шерозий гиламлар, фақат гилам эмас, бутун хона — нозик ложувард кошинлар билан зийнатланган шифт, шифтдаги жимжимадор биллур қандил, қандилга терилган шамдонлар, деворларга осилган қилич ва қалқонлар — ҳаммаси гўё қонга бўялгандай тиниқ қирмизи рангга кирган эди.

Амирнинг қулоғига қадалган санчиқ тақа-тақ тўхтаган, хаёли равшан, ҳорғин жисми ажиб бир ором ва фароғатда эди. У кўпдан бери вужудида бундай роҳат-фароғат сезмаган, фақат болалик чоғларида, кечалари суюкли аммаси Хатлибегимнинг кучоғида ётиб, унинг майин сийнасини ўйнаб эркаланган маъсум болалик чоғларидагина шунга ўхшаш ажиб бир ҳолатда бўларди, холос.

«Е карим! Бу кўрсатганингга минг қатла шукр! Осий бандангдан ўз иноятингни дариг тутмадинг. Емонлар йўллаган балои офатни ўзинг даф этдинг!..»

Ҳа, кечаси қулоқ-миясига наштардай санчилган оғриқдан уйғониб кетганида амир бу фоний дунё билан видолашиш онлари келди, деб ўйлаган эди. Йўқ, оллонинг меҳри-карамига қарангки, Ибн Сино тим-солида бу ҳақими балогардонни етказди!

Бу ҳақими ҳозиқ сафро рангли уч-тўрт томчи малҳам томизиб, майиздеккина бир нарсани ичирди ҳамки, амир кўзи уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди... Мана энди, толиққан вужудида ғалати ором, хаёли офтобдай мунаввар, осуда хилватхонада ёлғиз ётибди.

Ажаб савдо! Наҳот эгнига қуроқ жанда, бошига эски қулоқ кийиб олган бу кекса қаландар чиндан ҳам ҳақими даврон аталмиш ҳазрат Ибн Сино бўлса?.. Агар чиндан ҳам ўшал Ибн Сино бўлса... нечун дарвеш кийимида келди? Нечун эрмиш! Ўз ихтиёрим билан келишимга сабаб — шаҳарда уйма-уй кезиб юрган қора ўлат демадими бу дарвеш? Вабоми — кавсусми, хуллас калом, аҳли мардумнинг бошига тушган балои офат сабаб, раҳм қилиб келдим, демадими у? Ҳа, шундай деди! Шаҳардаги барча жарчи, барча табибларни чақирмоқ керак, деди. Дорувор гиёҳларим бор, даҳа-даҳаларга дошқозонлар ўрнатмоқ лозим, бу дорувор гиёҳларни қайнатиб, аҳли мўминга улашмоқ даркор, деди. Шаҳар дарвозаларини очиб, мардumi мўминни қир ва адирларга чиқармоқ лозим, токи мен айтган дорувор гиёҳларни териб есинлар, деди.

Вабо! Қора ўлат!

Мана, бир ойдан ошдики, бу балои азимдан амирнинг ўзи ҳам қаттиқ васвасада. У сарой дарвозаларини тақа-тақ ёпдирган. Одам боласи уёқда турсин, пашша ҳам киролмайди. Лекин пашша киролмас ҳам бир-биридан совуқ хабарлар қулоғига етиб келмоқда. Уйма-уй кезиб юрган қора ўлат тўғрисида, очликдан ит, мушук ва ҳатто каламушларни ея бошлаган йўқсиллар тўғрисидаги мудҳиш миш-мишлар амирни ҳам ваҳимага солмоқда, кечалари кафанга ўралган ўликлар, жулдур чопон гадолар, қоқ суяк тиланчилар тушларига кириб, оромини бузмоқда. Шу боисдан ҳам доврўғи оламга кетган бу алломай замоннинг ўз оёғи билан кириб келгани яхши бўлди. Яхши бўлди-ю, бироқ унинг келиши билан бошқа бир ғоят нозик ва ғоят қалтис муаммо туғилди. Агар дарвеш қиёфасидаги бу кимса чиндан ҳам ўшал ҳақими даврон Ибн Сино бўлса, амир уни дарҳол, шу бугуноқ дорис-салтанатга, падали бузрукворининг ҳузурига жўнатмоғи лозим! Чунки ҳазрат Ибн Сино Исфаҳонга, амир Масъуд саройига ташриф буюргани тўғрисидаги бу хабар Ғазнаи мунавварага етиб борса, давосиз дард оташида қоврилиб ётган валинеъмат не дейди? Усиз ҳам ўз фарзандидан ҳадиксираб, уни тожу тахтдан мосуво қилиш ниятида юрган отаси қаҳр қилчини яланғочламасикин? Яланғочлайди! Бас! Бу хабар овоза бўлмаслиги даркор, уни ҳеч ким, алхусус, танийдиган одамлар кўрмаслиги жоиз! Агар лозим бўлса бошқа табиб ва жарчилар жар солсинлар, дошқозонларда дорувор гиёҳларни қайнатиб, фуқарога улашсинлар, Ибн Сино эса... Йўқ, уни ҳеч ким кўрмаслиги маъқул, саройда турганини ҳеч ким билмаслиги даркор!

Амир шу тўхтама келди-ю, ёстиғи остидан шақилдоғини олиб шақиллатди. Эшик оғаси йўқ бўлса керак, Абу Тоҳир кириб, амирнинг қаршисига тизза букди:

— Оллога шукр!— деб кулимсиради у.— Ранг-рўйингиз яхши, амири бузруквор!

Амир қовоғини уйиб:

— Анов... дарвеш қиёфасидаги табиб қайда?— деб сўради.

— Табиб... Ижозатингиз билан ҳамадонлик жодугарни кўргани кетди, валинеъмат.

— Ҳмм...— амир парқув ёстиқларини қўлтиғига тортиб, оёқларини кўрпачага узатди. У ҳам отасига ўхшаб, энг яқин надимларига оёқ уқалатишни яхши кўрарди.

Буни билган Абу Тоҳир беихтиёр амирнинг оёқ томонига силжи-

ди. Лекин шу пайт эшик берухсат очилди-ю, эшик оғаси кириб, таъзим қилди.

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, амирим, дивсувор!

— Қайдан?

— Дориссалтанатдан, амири калон! Ул меҳри дарё Хатлибегимдан мактуб келтирмиш!

Амир шитоб билан ўрнидан турди-да, тўрдаги йўлбарс териси билан қопланган нақшинкор курсига бориб ўтирди.

— Ижозат эт, кирсин!

Эшик оғаси чиқиши билан бўсағада бошида дивсуворлар нишони қадалган қундуз телпак, эғнида қалин жун чакмон, белига кумуш камар тақилган, кўзлари уйқусизликдан қонталашган бир навкар кириб, пойгакка тиз чўкди-да, лом-мим демай қамчисининг дастасини бурашга киришди.

— Мактуб!

Дивсувор ҳамон индамай қамчисининг дастасини бурар эди. Тўсатдан, дастанинг бош томони ажралиб, қолган қисмида ингичка кавак кўринди. Дивсувор кавакдан найча қилиб ўралган бир қоғозни олиб амир ўтирган курси томон эмаклаб кела бошлади.

— Кимхоб тўн!

Амир қалтироқ қўллари билан найсимон мактубни ёзиб, ўқишга киришди. Унинг қийғоч кўзлари қоғоз сатҳидаги чумоли изи янглиғ майда сатрлар устида югураркан, ҳаяжондан бўғриққан қорамтир юзида таажжуб аломати зоҳир бўлди, таажжуб ҳайрат билан алмашди-ю:

— Субҳонолло!— деб ўрнидан туриб кетди.

Абу Тоҳир рангги ўчиб:

— Не мужда бор?— деб сўради.— Ул валинеъмат амирал мўминин, иншоолло, саломатдурлар?

— Саломат! Иншоолло, саломат!— Амир тўсатдан асабий хохлаб кулди.— Ул ҳақими даврон... ҳазрат Ибн Сино дориссалтанатда эмиш!

— Ё тавба! Ҳазрат Ибн Сино дориссалтанатда?

— Ҳа, ҳақими даврон Ибн Сино Ғазнаи мунавварада пайдо бўлган эмиш! Уни ўша, икки ой муқаддам келиб кетган ариз Абулвафо Сариқ Тегинободдан топиб берган эмиш. Вазири аъзам Али Ғариб билан анов... ҳезбачча Абул Ҳасанак асъасаю-дабдаба билан кутиб олган эмиш ҳазратларини!

— Валлоҳи аълам!— деди Абу Тоҳир ёқасини ушлаб.

— Сен эрса... бу дарвешга инониб юрибсен!

— Амири калон! Давлатпаноҳ!— Абу Тоҳир кимнинг олдида тургани ёдидан чиқиб, ёқасини ушлаганича у ёқдан-бу ёққа юрди.— Йўқ, йўқ, бу сўзга инонманг, валинеъмат! Яъники, дориссалтанатда пайдо бўлган ул Ибн Сино... чин Ибн Сино эмас, ёлғон Ибн Сино!

Амирдан садо чиқмади. У тўрдаги курсига суянганича узоқ ўйга толди. Туйнукдан қуйилган қизғиш шуълада отасининг юзидай дағал кенг юзи ниқобдай совуқ, сийрак қошлари қаттиқ чимирилган, тақасимон мурти тагидаги юпқа лаблари алланималарни пичирлар, у гўё ўз-ўзи билан гаплашар эди.

— Ёлғон Ибн Сино нечун керак ул икки корчалонга?

— «Нечун?!»— деди Абу Тоҳир кинояли кулимсираб.— Ҳар қалай, яхши ният учун эмасдур, амирим!

— Инчунин?

— Инчунин амирал мўминининг ишончини қозонмоқ, сўнг, даволаш баҳонасида бу сохта Ибн Сино қўли билан...— Абу Тоҳир ўз гумонидан ўзи кўрқиб кетиб ялт этиб амирга қаради.

Амир қисик кўзлари баттар қисилиб, унга тикандай қадалиб турарди.

— Қўли билан не? «Худо»сини айтдинг, «берди»сини ҳам айт, Абу Тоҳир!

— Валинеъмат, сиз айтган ул икки маккор ҳеч нарсдан қайтмайди! Сохта ҳақим қўли билан оғу беришдан ҳам қайтмайди, ул икки шайтон!

Амир белидаги эгри қиличини кўзгудай ялтираган этигига шақшақ уриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг тор пешонаси тиришиб, юзида кўпдан бери юрагини кемираётган чуқур бир изтироб акс этди.

Абу Тоҳир ҳақ! Суюкли аммасидан келган хуфя мактубда ҳам шунга ўхшаш бир фикрнинг шабадаси бор. Хатлибегим ишончли дивсуворга ҳам унча ишонмаган бўлса керак, буни очиқ айтмаган, лекин бари бир, мактубида шу гапга ишора бор. Амир эса... йўқ, амир ўз падарига ёмонликни раво кўрмайди... Аммо... валломат падари бузрукворининг бу мислсиз адолатсизлиги! Тўнғич зурриётини шаръий валиаҳд шаҳзода Масъуд турганда анов телба кенжатоини валиаҳд деб овоза қилгани!..

«Йўқ, ёлғиз отаси эмас, анов икки вазир, шайтонни авраб ўз ноғорасига ўйнатган анов икки қузгун айбдор бу хўрлик, бу ҳақорат, бу адолатсизликка! Кекса падарини илондай чирмаб олган ўшал икки иблис айбдор ҳамма балога! Бас, бу ҳазрат Ибн Синони юбориб кўзини очмоқ даркор падарининг, кўзини очиб, пўстини шилмоқ лозим анов икки баттолнинг! Пўстини!»

— Сўзимга қулоқ сол!— деди амир, тўсатдан юришдан тўхтаб.— Сен шунга иқрорсанким, дориссалтанатда пайдо бўлган ул Ибн Сино чин Ибн Сино эмас, бул Ибн Сино — чин Ибн Синодур!

— Валлоҳиаълам, амирим!

— Агар бу сўзга имонинг комил бўлса не қилмоқ даркор, Абу Тоҳир?

— Уйлаб кўрмоқ даркор, валинеъмат!

— Уйлаб кўрмоқ эрмиш! Ҳозир, шу букун энг чопқир отлар билан ўн нафар навкар шайлагайсен! Озиқ-овқат, кийим-кечак — ҳаммаси тахт бўлсин! Субҳи содиқ ҳазрат Ибн Синони шул навкарлар билан Ғазнаи мунавварага йўллайсен! Шундайким, кўни билан икки ҳафтада дориссалтанатда ҳозир у нозир бўлғай! Сўзим аёнму, Абу Тоҳир.

Абу Тоҳир лом-мим демай бош эгди:

— Аён, амири калон!

Йигирма биринчи боб

Мана, икки кундирки, вазири аъзам Али Ғариб Осмон маликаси саройининг саломхонасида султон ҳузурига киролмай сарғайиб ўтирипти.

«Ҳазрат Ибн Сино», яъники, Ҳиротдан дабдаба ва асъаса билан олиб келинган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний икки кундан бери султон ҳузуридан чиқмайди.

Али Ғариб «ҳақими даврон» ҳазратларини фақат бир маротаба, Тегинободдан келиб сарой олдида соябон аравадан тушаётганида кўрди, холос.

Аравадан тушган «ҳазратлари» дарвоза олдида турган хўроздай қип-қизил, юм-юмалоқ вазири аъзам билан бош ирғабгина кўришди-да, унинг ёнида турган хушқад, хушсурат аъёнга мурожаат қилди:

— Маъзур тутасиз, агар янглишмасам, жаноблари... вазири бузруквор Абул Ҳасанак ибн...

Абул Ҳасанак мийиғида кулимсираб Али Ғарибга ишора қилди:

— Вазири бузруквор жаноблари бу киши бўладилар.

Лекин «ҳазратлари» бош вазирга қайрилиб ҳам қарамади. Унинг мастона сузилган кўзлари Осмон маликасининг юксак мармар пештоқларида эди.

Бош вазирга «ҳазратлари»нинг мана шу қилиғи, уни таниб тани-



маганликка олгани айниқса алам қилди. Во дариг! Унинг олдида туннов кунги қўрқувдан дир-дир қалтираган сохта «ҳақими даврон» эмас, гўё чин ҳазрат Ибн Синонинг ўзи, балки ундан ҳам сервиқор, ундан ҳам басавлат бир кимса турарди!

— Билишимча,— деди бу кимса овози вазмин дўриллаб.— Билишимча, ул офтоби олам фақирни шу қасри беназирда кутмоқдалар. Қани, бошланг, вазири аъзам!—«ҳазрат»лари бошидаги симобий дастори ва энгидаги оппоқ ридосини тўғрилаб, сарой томон йўл олди. Унинг оғзидан «гуп» этиб май ҳиди келди. Буни сезган Али Ғариб ялт этиб ариз Абулвафо Сариққа қаради. Найнов Абулвафо икки букилиб, таъзим қилди:

— Не чора, тақсирим? «Ҳазрат»лари айтдиларким, яхши май яхши дору эмиш...

Вазири аъзам Абулвафо Сариқнинг гапидаги кинояни ичига ютди-да, «ҳазратлари»ни ҳаммомга солиб, янги либослар кийдиришларини буюрди. Унинг «ҳақими замон»га оид берган биттаю битта буйруғи шу бўлди. Чунки ҳаммомдан янги либослар кийиб чиққан Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, вазири бузрукворнинг ёнидан виқор билан юриб ўтди-да, саломхонага нозик мушк-анбар атрини сепаиб, султоннинг шабистонига кириб кетди. Ҳаммомга уни Абул Ҳасанак олиб кирган эди, султоннинг ҳузурига ҳам Абул Ҳасанак олиб кириб кетди. Икки қарға топишди. У эса, бу ишга бош-қош бўлган вазири аъзам эса, мана икки кундирки, саломхонада, икки кўзи шабистоннинг дур ва садафлар билан зийнатланган нақшинкор эшигида, амирал мўминининг бир оғиз сўзига зор бўлиб ўтирибди...

Кечадан бери хилватхонага кимлар кириб, кимлар чиқмади! Айниқса хазинадорлар билан баковуллар серқатнов бўлиб қолишди. Хазинадорлар баркаш-баркаш олтин динорлар, ёқаларига инжу, ёқут ва марварид қадалган зарбоф тўнлар кўтариб ўтишар, баковуллар эса нозик доривор гиёҳлар атрини сочган тоғ-тоғ бедана кабоблар, арча кўмирида пиширилган барра қўзйлар ва яна минг хил нозик таомларни бетиним ташишар, шафақранг шароб солинган биллур идишларни кўтариб ўтишарди... Бир неча ойдан бери гўристон сукунатига чўмиб, улкан мақбарага ўхшаб қолган Осмон маликасига тўсатдан жон кириб, ари уясидай гувиллаб қолди. Қалондимоғ эшик оғалари, чаққон, серҳаракат ёш маҳрамлар, баковуллар, ранг-баранг капалаклардай лип-лип учиб юргувчи ҳарам бекаларининг юзларига табассум, лабларига кулги югурган, ҳамманинг оғзида офтоби оламга шифо келтирган «ҳақими ҳозиқ Ибн Сино ҳазратлари»нинг муборак номи, «алломаи замон»нинг мўъжизакор дори-дармонлари, ажални даф этгувчи сеҳргар муолажалари!..

Гоҳо-гоҳо, икки табақали ўймакор эшик аста очилиб, Абул Ҳасанакнинг боши кўринар, шунда остонада амру фармон кутиб қўл қовуштириб турган хазинадорлар, баковуллар, вазирнинг сўзини имошорасиданоқ илғаб олгувчи содиқ маҳрамлар унга қараб талпинишар эди. Четроқдаги юмшоқ курсида ўтирган вазири аъзам ҳам шоша-пиша ўрнидан турар, у ҳам Абул Ҳасанак томон умид билан талпинар эди. Лекин Абул Ҳасанак қовоғини солиб, ҳақоратомуз бир ҳаракат билан уни тўхтатади-да, хазинадор ва баковулларга берадиган фармонини бериб, аста орқасига қайтади. Бош вазирнинг султоннинг саломатлиги тўғрисидаги саволига эса:

— Алҳамдулилло, яхши, алҳамдулилло!— деб доимо бир хил ва доимо ноаниқ жавоб қайтаради.

Вазири аъзам кеча шу тариқа намози асргача ўтирди, кейин шабистонга киришдан умидини узиб, Кўшки маъмурга қайтишга мажбур бўлди, сўнг, кечаси, сарой уйқуга кетганда, шахсий айғоқчиси бўлмиш бош баковулни олдириб, бўлаётган ишларни суриштирди.

Бош баковулнинг айтишича, «ҳақими даврон»нинг пойқадами ёққан, султоннинг вужудидаги санчиқ тўхтаб, анча енгил тортган. Шу сабабдан давлатпаноҳ «ҳақими замон»га бир неча баркаш олтин инъ-

ом этган, боз устига хилватхона билан машваратхона ўртасидан «ҳакими даврон»га алоҳида бир хона ажратилган. Подшойи олам кўзи илинган чоғларида «ҳакими ҳозиқ» билан Абул Ҳасанак шу хонада истироҳат қилишар эмиш.

Вазири аъзам хуфянинг сўзини эшитиб, тонг отгунча мишжа қоқмади, худди қават-қават шойи кўрпаларда эмас, тиканда ётгандек ағанаб чиқди.

Йўқ, Али Ғариб ҳеч қачон худованди каримнинг қудратига шак келтирган эмас. Ва лекин ўзини кимсан «ҳазрат Ибн Сино» деб, аҳли мўъминни чалғитиб юрган бу фирибгар табибнинг дорулари султоннинг давосиз дардига даво бўлиши! Бу дорулардан шифо топган офтоби оламнинг у маккорга баркаш-баркаш олтину жавоҳирлар инъом қилиб, устига зарбоф тўнлар ёпиши! Бу баттол табибни топган Али Ғариб бир четда қолиб, барча эҳсонларни яратган эгам жамол бериб, ақл бермаган анов ҳезалак вазирнинг олиши! Дарҳақиқат, тескари дунё деганлари рост экан бу дунёни!

Бугун пешида саломхонага тўсатдан Хатлибегим кириб келди. Эғнида узун қора бахмал кўйлак ва тугма ўрнига инжулар қадалган қора духоба мурсак, бошида зар сочилган қора ипак рўмол, Хатлибегим чеккадаги юмшоқ курсида ўтирган Али Ғарибга бир ўқрайиб қаради-да, унинг саломига алик ҳам олмасдан, шабистон томон йўналди. Бироқ эшикда турган икки маҳрам ақл бовар қилмас бир бетакаллуфлик билан бегимнинг йўлини тўсишди.

Хатлибегимнинг ула суртилган қорамтир юзидан қони қочиб, сурма тортган қисик кўзлари чарақлаб кетди.

— Мени танидингларму, итбаччалар ё кўзларинг кўрму?

— Танидик, олийҳиммат она бегим, танидик. Ва лекин... ижозат йўқ, она бегим.

— Ижозат бўлмаса, кириб арз қил..

— Арз қилиб бўлмас, она бегим!

— Қим бор хилватхонада? Дарҳол хабар бер: офтоби оламдан ҳол сўргани Хатлибегим қадам ранжида қилмиш деб айт, итбачча!

Нимаси биландир Абул Ҳасанакка ўшаб кетадиган хушсурат эшик оғаси ранги оқарганича хилватхонага кириб кетди. Хатлибегим эса кескин бурилиб, вазири аъзамга қаради. Гўё уни эндигина кўргандай шитоб билан юриб, олдида борди.

Али Ғариб саломхонанинг тўридаги кичкинагина ўймакор эшик томон чекиниб, чоғроқ хонага кирди. Орқасидан Хатлибегим ҳам кирди, эшикни зич ёпиб, бош вазирнинг кўзларига тик қаради:

— Бу саройда... бу салтанатда не юмушлар содир бўлмоқда, жаноб вазири аъзам?

— Фақир... фақир ҳам ҳайрону ҳайратдамен, бегим!

— Ҳайратдасен! Ҳамма балога бош бўлиб, энди ҳайратдасен, вазири аъзам! Қим бор хилватхонада?

— Анов... Абул Ҳасанак.

— Абул Ҳасанак? Анов хотинчалиш, ҳезалак вазир? Тағин ким?

— Тағин... ҳакими даврон... ҳазрат Ибн Сино!

— Ибн Синоми ё... ўзини Ибн Сино деб, аҳли мўминни чалғитиб юрган бир муттаҳамми?

— Она бегим! Олийҳиммат бегим!— деди Али Ғариб зорли илтижо билан.— Авваламбор, яратган эгам, қолаберса, шу ҳакими давроннинг муолажаси сабаб, офтоби оламга ёпишган балойи офат, иншоолло, даф бўлмиш. Амирал мўъминининг аҳволи-руҳияси яхши, кўнгли равшан топмиш. Иншоолло...

— Яхши бўлса... нечун бу ит эмган қулбаччалар йўлимини тўсди? Ё Хатлибегим билан султон Маҳмуд бир курсоқдан тушмаганму? Ямин уд-давла амир Сабуқтегиннинг пушти камаридан булган зурриёт эмасму Хатлибегим?

— Бегим! Олийҳиммат бегим!..

— Олийҳиммат!— деди Хатлибегим масхараомуз.— Агар бу та-

биб ўша... ҳаммага маълум ва машҳур Ибн Сино ҳазратлари бўлса... нечун уни аҳли мардумдан пинҳон тутасиз?

— Бегим!

— Нечун мавлоно Абу Райҳон Берунийдан яширдингиз уни? Ё бу икки аллома дўсту биродар эканидан хабарлари йўқму жанобларининг?

— Олло шоҳид!— деди бош вазир мунчоқ кўзларини шифтдаги туйнукка тикиб.— Улимдан хабарим бор ва лекин бундан хабарим йўқ, бегим.

— Маликул шароб қайда?

— Маликул шароб?— Бош вазир жавоб бериб улгурмади, шу пайт эшик очилиб, бўсағада ранги оқарган эшик оғаси пайдо бўлди.

— Олийҳиммат бегим, афв этсинлар. Қиришга ижозат бўлмади! Хатлибегим, худди беҳосдан зарб еган одамдай, турган жойида чайқалиб кетди-ю, юмшоқ курсининг нақшинкор суянчиғини чангаллаб олди. Афтидан, эшик оғасининг сўзи умрида рад жавобини эшитмаган бу шаддод хотинга маломат тошидан ҳам қаттиқ теккан эди. Бегимнинг тирноқларига хина қўйилган узун қорамтир бармоқлари курси суянчиғида дир-дир титрар, юпқа лаблари худди яраланган қуш қанотларидай пир-пираб учарди.

— Бу сўзни ким айтди сенга, эшик оғаси? Анов ҳез... ҳезбачча вазирми ё...

— Ҳар иккови, бегим. Вазир ҳам, ул ҳақими замон... ҳазрат Ибн Сино ҳам! Олампаноҳнинг ўзлари ҳам бегимни кўришга рўйхушлик бермаган эмишлар!

— Елғон! Елғон сўз бу, эшик оғаси! Даф бўл кўзимдан!— Хатлибегим шартта бурилиб, вазири аъзамга қаради. Бурилганда бўйнидаги қат-қат зебигардон ва марварид шодалари, қулоқларидаги ёқут кўзли олтин сирғалари нафис жаранглаб кетди-ю, юксак қуббасимон шифтда ғалати акс садо берди.

— Вазири аъзам!— деди Хатлибегим. Унинг овози бирдан ўзгариб, вазмин ва совуқ оҳанг касб этди.— Ул ҳезалак вазир билан сенинг бахтингга амирал мўъминин шифо топғай! Агар мабодо бу қабих юмушларинг, бу ҳийлаи найрангларинг сабаб... бир фалокат юз берса!..

— Она бегим!— Али Ғариб, қўлларини кўкка чўзиб тўсатдан ергатиз чўкди.— Сизнинг қаҳрингиз фақирни чўчитади, бегим! Олло-таолло ўзи етказган бу нажот фариштасини маккорга чиқариб, фақирни найрангбоз дейсиз! Ёзуғим не менинг? Ёзуғим етти иқлимни оёққа тургазиб, чопар устига чопар, элчи устига элчи йўллаб, топтириб келганимми бу ҳақими ҳозикни?

Эшикка борган Хатлибегим кескин ўгирилиб қаради:

— Шу сўзларинг рост бўлса... каломуллои шарифни ўпиб қасам-ёд қиласен!

— Ё жаббор! Ё халлоқ!— деди Али Ғариб ҳамон кўкка қўл чўзиб.— Қасамёд қиламен!

— Қасамёд қилсанг... эртага мавлоно Абу Райҳонни саройга йўлдаймен. Мавлоно бу ҳақими даврон билан суҳбат қуриб, изҳори ихлос қилажак! Мен оғамнинг, бир курсоқдан тушган ёлғиз оғамнинг аҳволи — руҳиясини билмоғим даркор, унинг дийдорини кўрмоғим даркор!

Хатлибегим, қора рўмол ўралган такаббур бошини баланд кўтарганича, шитоб билан юриб хонадан чиқди. Вазири аъзам эса, ўрнидан туришга мажоли етмай, ўтирган жойида ўтириб қолди. Бу ўктам, эркакшода хотин уни ёмон кўришини, унинг биттаю битта мақсади оғаси ўрнига суюкли жияни амир Масъудни тахтга кўтариш эканини вазири аъзам яхши билади. Амир Сабуктегиннинг — Олло унинг гуноҳларини кечиргай!— ёлғиз қизи, султони салотининг суюкли синглиси бўлмиш бу такаббур бегимнинг бош суқмаган иши йўқ, саройда соҳиби девон Абу Наср Мишкан каби ўз одамлари, аркони ҳарб ва аркони давлат орасида ўз тарафдорлари, ўз хуфялари бор. Вазири

аъзам буни билади, жуда яхши билади, бироқ шундай бўлса ҳам унинг бунчалик қаҳри қаттиқ эканини биринчи кўриши!

Мавлоно Абу Райҳонни юборар эмиш! Топган сўзини қаранг бу фариштасиз алвастининг!

Али Ғариб билади: бу занжи башара алвасти билан ўша даҳрий мавлоно Беруний орасида пинҳоний бир сир бор. У такаббур алломанинг бошига мушкул тушса бас, бу жодугар дарҳол ҳозир у нозир бўлади, дарҳол уни ўз паноҳига олади. Мана, яқинда ул бетавфиқ мавлоно султоннинг ғазабига дучор бўлиб, «Қалъаи қаҳр»га тушганида ҳам уни шу ёсуман қутқариб олди. Қўлига фармон тутқазиб, маҳфий мушриф билан «ҳакими даврон»ни қарши олгани жўнатди. Ёлғиз Беруний эмас, анов шаккок Маликул шаробни ҳам қўлга олди. «Митти тулки» деб, ном чиқарган бош девон соҳиби Абу Наср Мишканни ишга солиб, у майпарастни зиндондан чиқарди ва Абу Райҳоннинг орқасидан югуртирди! Яхшиямки, вазири аъзамнинг хуфялари бу жодугарнинг хуфяларидан чапдастроқ экан, ҳамма ишнинг олдини олишга муваффақ бўлишди. «Ҳакими даврон» аталмиш бу сохта Ибн Синони таниб қолиши мумкин бўлган одам борки, ҳаммасини қайта ҳибсга солди. Энди бу «ҳакими замон»ни танийдиган бирдан бир одам қолди, у ҳам бўлса мана шу алвасти айтган имонсиз Беруний!

«Осий бандангни ўзинг кечиргайсен, э яратган эгам! Али Ғариб не қилмасин, сенинг ердаги соянг бўлмиш амирал муслиминга меҳру садоқат азмида қилди. Мана ҳозир ҳам изҳори ихлос аҳдида унинг остонасида тиз чўкиб ўлтирибди. Фақирдан фақат яхшилик кўрган бу кўрнамаклар эса, уни хор қилиб, устига чиқиб олдилар! Ахир бу не ҳақорат? Не кўргулик? Қайси гуноҳлари учун бу интиқомни раво кўрасен, э, худованди карим?..»

Вазири аъзам яқинлашаётган оёқ товушларини эшитиб апил-тапил ўрнидан турди. Эшикда, кўзлари ҳадик билан жовдираб... Абул Ҳасанак турарди.

— Анов... қари ёсуман даф бўлдиму?

— Даф бўлди.

— Хайрият!— Абул Ҳасанакнинг лабларига аллақандай истехзо аралаш шўх кулгу югурди.— Фақирни кечиргайсиз, тақсирим! Ул ҳакими даврон, «Ибн Сино ҳазратлари»нинг хоҳиши шу эди!

— Каминага «ҳакими даврон» эмас, офтоби оламдан сўзланг, жаноб вазир!

— Офтоби олам отдайдурлар!

— Отдай?

— Шундайким, кўнгиллари май ва моҳ¹ тиламиш! Ҳозир машваратхонага қирқ гулидан бир гули очилмаган соҳибжамоллар, созанда ва навозандалар йиғилур!

— Созанда ва навозандалар? Ҳазил мутойибанинг ўрни эмас, жаноб...

— Ҳазил-мутойиба?— Абул Ҳасанак мастона қиқирлаб кулди-да, эшикни ёпиб шивир-шивирга ўтди.— Бу ҳакими ҳозиқ сиз топган сохта Ибн Сино эмас, ўшал, оламга машҳур ва маълум чин Ибн Синонинг ўзгинасидур, тақсири олам. Шундайким, бу алломан замон минг бир дардга даво топғусидур, ҳаттоким (олло ўзи афв этгай!) ўликни тирилтирмаққа қодирдурлар. Инонмасангиз орқамдан юринг, тақсирим!

Абул Ҳасанак билан Али Ғариб саломхонага, саломхонадан хилватхонага, ундан машваратхонага ўтдилар.

Баланд қуббасимон шифтига беҳисоб биллур қандиллар осилган ўрдадай кенг, муаззам машваратхонанинг тўридаги сержило олтин тахт ўрнига улкан сўри ўрнатилиб, унга доларанг ипак гиламлар, гиламлар устига қат-қат шойи кўрпачалар ёзилган эди. Бу кўрпачаларда... офтоби олам оқ парқув ёстиқларга ёнбошлаб ётарди... Султон-

¹ Моҳ — ой; ой юзли малак маъносида.

нинг ўнг томонида эгнида банорас тўн, бошида мўрисимон кўк духоба тақя устидан симобий салла ўраб олган «ҳакими даврон»... Ибн Шаҳвоний чордона қуриб ўтирар, чап томонидан эса шоир Унсурий жой олган. Уларнинг олдидаги дастурхонда нозик гиёҳлар бўйини таратган қип-қизил бедана кабоблар, арча ҳиди уфурган қовурмалар, нафис ёқут ва феруза ликопчаларда олтиндай товланган шиннилар, гулдор чиний тақсимчаларда юз хил ширинликлар, шафақ ранг май, гул-лоб ва шарбатлар тўла биллур идишлар саф тортган.

Машваратхонанинг тўрт бурчагидаги тўртта ёқут косалардан ҳарир кўкимтир тутун кўтарилар, тутун билан бирга мушк-анбар, арча, кийик ўти, райҳон ва яна қандайдир доривор гиёҳларнинг ўткир ва хушбўй ҳиди димоққа гуп-гуп урарди.

Султон эшикда пайдо бўлган бош вазирни кўриб, фавқулодда чаққон ҳаракат билан қадини ростлаб ўтирди, қовоқлари шишган киприксиз кўзлари аллақандай сузилиб:

— Офарин сендай вазири аъзамга!— деб заҳарханда қилди.— Сенга ўхшаш суянган тоғларим каминага гўр қазиб, кафан бичиб юрган эдинглар. Мана, яратган эгам ўз иноятини дариф тутмай, ҳакими даврон... Ибн Сино ҳазратларини етказди...

Султоннинг ранг-рўйи унча ўзгармаса ҳам қуриган теракдай қоқ суяк гавдасида қандайдир пинҳоний бир куч, кишини таҳликага солгучи аввалги шиддат пайдо бўлган, куни кечагина пилиги пасайтирилган чирогдай милтираб турган қисик кўзлари бугун қайта чақнаб-чарақлаб кетганди.

Али Ғариб, вужудини совуқ тер босиб, сўри олдига чўккалади.

— Офтоби олам! Иншоолло, арзи ихлосингиз яратганининг қудрат қулоғига бориб етгай! Ҳазрат Ибн Синони етказган ул сарвари коинот сиздай амирал муслиминни ўз хифзи ҳимоятига олиб, барча балон наҳсларни даф қилгай! Умри саодатингизга саодат қўшгай! Ғанимларингиз куйиб, ҳешу ақраболарингиз хушнуд бўлгай! Илоҳи омин...

— Омин!.. Урнингдан тур, Али Ғариб! Ўз садоқатингни изҳор қиладургон саодатли онлар келди!

Али Ғариб, қўли кўксида, журъатсизгина ўрnidан туриб, шойи кўрпачалар тўшалган сўри чеккасига омонатгина ўтирди. Утираркан, шоир Унсурийнинг лабларида билинар-билинимас табассум жилва қилганини кўриб қолди. Соқол-мўйловини қайчилаб, аллақандай яшариб кетган Унсурий Абул Ҳасанак билан негадир ўғринча кўз уриштириб олди.

«Ё раб! Бу не имо-ишора? Не савдо?»

— Садоқати зоҳир қулингиз тоабат хизматингизга мунтазирмен, олампаноҳ!

— Мунтазир бўлсанг... бир хизмат борким, уни сидқидилдан отқарсанг тоабат миннатдор бўламен. У дунё-бу дунё бу яхшилигингни унутмаймен.

— Бош устига, давлатпаноҳ!

— Бош устига бўлса... ул неъмат, яъники, маликул калом Унсурий айтган неъматини илоҳий ёдингдаму, Али Ғариб?

— Неъматини илоҳий?

— Ҳа, мана бу китобда битилган неъматини илоҳий!— шоир Унсурий хонтахта остидан кўк саҳтиён жилдли оғир китобни кўлига олиб Али Ғарибга юзланди.— Ёдингизда борми, бундан бир ой муқаддам шу масалада машварат чақирилган эди. Ҳеч бир аллома бу жумбоққа жавоб топмаган, анов алломай гумроҳ Абу Райҳон эса бу китобда битилган сўзларни чўпчакка чиқарган эди...

— Чўпчак? Ҳазар, алҳазар!— Боядан бери қандайдир улуғвор сукутга чўмиб ўтирган «ҳакими даврон» ўйчан нигоҳини ердан узиб, шифтга тикди.— Ҳиндлар юртида неча йил юриб, ул неъматини илоҳий қайдалигини билмаса? Ҳазар, алҳазар ундай алломай замонга!

Миттигина чиний пиёлага «қулт-қулт» шароб қуяётган Абул Ҳасанак ялт этиб «ҳакими даврон»га қаради.

— Чақирмоқ керак уни! Чақириб адабини бермоқ даркор унинг!

— Йўқ-йўқ,— деди «ҳаками даврон», нимадандир ҳадиксираб.— Камина ундай гумроҳлар билан юз кўришишдан ҳазар қиламен! Ёдингизда бўлсин, жаноб вазир! Ул неъматинилоҳий Кўҳи Сарандипда ўсадур! Ҳа, ўшал Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан кейин макон қилган Кўҳи Сарандипда ўсадур!.. Кўҳи Сарандип эса Ҳиндистон билан Чин ўртасидадур. Яъниким, Ҳиндистон сарҳадидан ўтгач, ҳаммиша машриққа юз тутиб, отда қирқ кечаю қирқ кундуз юрасиз. Қирқ шаҳар, қирқ наҳр ва қирқ тоғдан ошиб тушасиз. Шунда нигоҳингиз олдида бир уммон намоён бўлурким, кемаға тушиб, яна қирқ кун сузасиз. Сўнг кўз олдингизда қирқ орол намоён бўлур. Қирқ оролнинг ўртасида гўзалликда тенгсиз бир орол, оролда эса одам алайҳиссалом макон қурган Кўҳи Сарандип зуҳур бўлурким, унда ўшал мўъжиза дарахт, яъники, ул сарвари коинотнинг қудрати билан яралган неъматинилоҳий ўсадур!

— Отда қирқ кун, кемада қирқ кун — ҳеч вақо эмас!— Абул Ҳасанак қўлидаги пиёлани бўшатиб, шоир Унсурийга ер остидан ўгринча бир қараб қўйди.— Вазири аъзам жаноблари бундай сафарларга ўрганиб қолгандурлар!

— Балли!— деди шоир Унсурий.— Тожу тахтимизнинг шону шавкати, динул исломнинг дасти шамшири, салтанатнинг фахри-ифтихори, офтоби оламнинг саломатлиги йўлида чекилган ҳар қанча заҳмат ҳар бир садоқати боқий маҳрам учун роҳату фароғатдур!

«Во дариг! Нечун мен бу ширин забон тўтиқушнинг шакар тилини ўз вақтида суғуриб олмадим, суғуриб олиб, итларга ташламадим! Нечун?»

«Ҳаками даврон» ҳазратлари виқор ва салобат билан ўтирган жойида бир тебраниб:

— Офарин сизга, маликул калом!— деб хитоб қилди.— Баҳодирлигу диловарликда ягона бўлмиш офтоби оламнинг сиҳати йўлида ҳар қанча ғурбат чексак — оз! Зероки, ул неъматинилоҳий шундайким...

— Уликни тирилтирадур!..

— Йўқ!..— деди Абу Шилқим ибн Шаҳвоний аста бош тебратиб. Унинг аллақандай виқорли, хушсурат чеҳрасида сокин ва хиёл ғамгин бир ифода зуҳур бўлди.— Улим — ҳукми оллодур! Ва лекин тупроқдан лой қориб Одам Атони яратган, сўнг, нафасидан уфуриб жон ато қилган худованди карим шундай неъмат ҳам яратмишким, бу неъматинилоҳийни қирқ кун ҳар лайлу наҳор истеъмол қилган бандаси... хаста бўлса минг бир дардига даво топадур, кекса бўлса қирчиллама йигитга айланадур.

Шоир Унсурий негадир кўзига ёш олиб:

— Офарин Сизга, Ибн Сино ҳазратлари!— деб хитоб қилди.

— Офтоби олам!— деди Абул Ҳасанак — қирқ яшар чоғингиз ёдингиздаму?

— Фақирнинг ёдида!— шоир Унсурий ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирди.— Қирқ ёшида олампаноҳ Ҳиндистонни забт этиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрни тиз чўқтирганлар!

Абул Ҳасанакнинг мастона сузилган кўзларида шўх учқунлар жилва қилди:

— Ҳиндистон эмас, ҳинд паривашларининг қалбларини забт этганлар! Хуросон эмас, Хуросоннинг оҳу кўзли соҳибжамолларини, Мовароуннаҳр эмас, Мовароуннаҳрнинг бодом қовоқ ҳурилиқларини ром қилганлар денг, маликул калом!..

Вазири аъзам кўз остидан султонга ўгринча назар ташлади. Султон, сийрак мўйловининг учлари пастга осилиб, кўзлари сузилиб ётар, бир қарашда беҳол йиқилиб қолган ширакайф одамга ўхшарди.

Али Ғарибнинг ўгринча назар ташлаганини кўриб қолган «ҳаками даврон» негадир безовталаниб, банорас тўнининг чўнтагидан тўрт букланган зарвароқ қоғоз олиб ёзди-да, ундан майиздеккина бир нарсани олиб, султонга узатди.

— Банияти шифо, давлатпаноҳ! Яхши ният қилиб, бу доруни ичиб юборинг. Инчунин, бу дору неъмат илоҳийнинг айна ўзи бўлмаса ҳам унинг инисидур!

«Ё тавба, доруми бу ё афюнми?»

Султон Абул Ҳасанак тутган бир пиёла шарбат билан дорини ичиб юборди-да, бир неча дақиқа кўзларини юмиб қимир этмай ўтирди. Султон билан бирга «ҳакими даврон» ҳам унга тикилганича қотиб қолди. Ниҳоят, султоннинг кўкимтир сарғиш юзига сезилар-сезилмас қизиллик югурди. Буни кўрган Ибн Шаҳвоний енгил тортиб, Абул Ҳасанакка қаради. Абул Ҳасанак ҳам «офарин сизга», дегандек унга қараб бир жилмайиб қўйди.

Ниҳоят, султон қисик кўзларини очди. У худди бошқа бир оламга парвоз қилиб қайтган одамдек, атрофига аллақандай ҳадик ва қўрқув билан қаради-ю, кўзи вазири аъзамга тушиб:

— Ҳа!— деди ниманидир эслаб.— Сенга уч кун муҳлат, қари тулки! Истаган ғулом, истаган от-улов, истаган ганжингни ол! Девони давлатнинг номидан барча вилоят ва музофот ҳокимларига фармони олий йўлла! Кўҳи Сарандипга бориб ул неъмат илоҳийни олиб келмоқ учун неки ёрдам даркор бўлса — барини муҳайё қилсинлар сенга! Сўзим аёнму?

— Аён, валинеъмат!..

«Э худо! Иблисни жиловлаб минган бу баттол табибни қай гўрдан топдим? Бир балои ногаҳондан қутуламен деб, бошимга минг балои ногаҳон орттирдим».

— Аён бўлса, дарҳол йўлга чиқ! Қирқ кечаю қирқ кундуз уёққа, қирқ кечаю қирқ кундуз буёққа, жамики саксон кунда ҳакими даврон ҳазратлари айтган неъмат илоҳийни дастурхоним устига қўясен!

Вазири аъзам тили лол, қулоғи кар, ҳайкалдай қотиб қолди. У тўсатдан тиз чўкиб ёлворгиси, неъмат илоҳий ҳақидаги бу гапларгина эмас, рўпарада савлат тўкиб ўтирган «ҳакими даврон»нинг ўзи ҳам авомни чалғитиб юрган сохта табиб эканини айтгиси, бунинг ҳаммасини ўзи ўйлаб топганига иқроп бўлгиси келди. Лекин бу фикр хаёлига қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез даф бўлди. Эвоҳ, энди бу гапларни гапирмоқ тугул учини ҳам чиқариб бўлмас эди!..

Тўсатдан султон ёстиғи тагидан тилла шақилдоғини олиб шақиллатди:

— Тағин бир баркаш олтин, тағин бир зарбоф тўн!

Али Ғарибнинг вужудини зирқиратган оғриқ хиёл тарқади. У умрида кўп зарбоф тўнлар кийган, беҳисоб олтинлар олган, бироқ ҳар сафар офтоби оламнинг табаррук қўлларидан янги тўн кийиб, янги инъомлар олганида аъзои бадани яйраб, кўзидан ёш чиқиб кетарди...

Зум ўтмай, эшик оғаси елкасида зарбоф тўн, қўлида бир баркаш олтин, таъзим қилиб кириб келди. Буни кўрган вазири аъзам вужудига иссиқ ҳаяжон югуриб ўрнидан турди, турди-ю, келтирилган инъомлар унга эмас, «ҳакими даврон»га аталганини сезиб, суратдай қотиб қолди.

Абул Ҳасанак ўрнидан сакраб туриб, эшик оғасининг қўлидан зарбоф тўнни олди-да, таъзим билан «ҳакими даврон»га тутди. Шоир Унсурий эса, худди кумуш баркашда олтин эмас, неъмат илоҳий уйиб қўйилгандай тамшана-тамшана лаганни қўлига олди.

— Олтин муборак, ҳазратим!

— Сарупо муборак, ҳазратим!

Ибн Шаҳвоний елкасига ташланган зарбоф тўнни тўғрилаб, олтин баркашни оларкан, ҳамон ўша виқор ва ўша салобат билан бош эгди.

— Тоабад миннатдормен, олампаноҳ!

— Ташаккур, ҳазратим! Хаста жисмимга ёпишган бу балои наҳсдан фориг бўлган куним олтину жавоҳирга кўмамен сизни! Зеро, ити-

нгизнинг товоғигача олтин бўлсин! Тагин не тилагингиз бор, сўзланг, ҳазратим, ҳаммаси муҳайё бўлур!

«Ҳақими даврон» сирли жилмайиб, сиполик билан бош эгди:

— Фақир... сиз офтоби оламнинг саломатлигидан бошқа тилагим йўқдур, олампаҳо. Ва лекин бани одамнинг саломатлиги ёлғиз унинг жисми эмас, руҳига ҳам боғлиқдур, валинеъмат! Инчунин, кўнгил нечоғлиқ равшан, дил нечоғлиқ сафо бўлса, жисм ҳам шунчалик тетик бўлғусидур. Шу боисдан фақир у ҳақир истар эдимки, бу қасри олийда ҳеч бир ғам-андух макон қурмаса! Билъакс, Ғазна мунавварада, неки машҳур ва маълум хонанда ва созанда бўлса, барчаси шу даргоҳи муаззамга йиғилса! Соз чалиб, сиз олампаҳонинг кўнглини хушласа! Ҳарамингизда неки ёш канизлар бўлса, бу давраи саодатда гулгул яшнаб, хиромон айласа! Токи, уларнинг чеҳраи шамсларини кўриб, қалбингизда йигитлик истаги жўш урса! Томирларингиздаги қонингиз кўпириб, васлингиз ишқида ёнган ул офатижонларга саодат ато қилсангиз!

Абул Ҳасанак ширакайф кўзларини сузиб:

— Офарин, ҳақими даврон!— деб хитоб қилди. Унга шоир Унсурий жўр бўлди:

— Тасанно сизга, ҳақими ҳозик! Фақат илми ҳикмат бобида эмас, шакарғуфторлик бобида ҳам фақир сиздан мот бўлдим, мот!

Али Ғариб султонга яна ўғринча назар солди. Султон, кўзлари сузилиб, сирли ишшайиб ўтирар, афтидан, бояги майиздеккина нарса уни ғалати бир ҳолга солиб қўйган эди. «Э, яратган эгам! Бу не ҳол, не ҳодиса? Мен ақлимдан оздимми ё ғафлат тузоғига тушган бу телбалар ақли-хушларидан айрилиб ғирт тентак бўлдим?»

— Дарҳақиқат, май ва маҳбубда сир кўп!—«Ҳақими даврон» кўзлари ҳайрат ва илҳом билан порлаб султонга юзланди:

— Офтоби олам ижозат берсалар, ибратли бир ривоят сўзлаб берсам. Инчунин, бундан беш-олти йил муқаддам эски ғанимингиз, Бухоро ҳоқими Алитегин фиқ-фасод гапларга инониб, каминани зиндонга ташлади. Зиндонким, унга қирқ зина билан тушилади! Садоқатли қулингиз бу жаҳаннамда қирқ кун илону чаёнларга ем бўлиб ётдим. Аммо олло-таоло фақирга раҳм қилди. Яъники, қирқ кун деганда ул саҳронишин амир шундай бир давосиз дардга чалиндиким, ноилож тагин каминани камтаринга ёлвориб келди! Шунда фақир унга бир шарт қўйдим: зиндонга тушадурғон қирқ зинанинг ҳар бирида онаси ўпмаган бир соҳибжамол турсин! Ва ҳар бирининг қўлида бир пиёла май бўлсин! Не чора, давосиз дард сабаб, ул баттол фақирнинг шартларини рад қилиш чорасини топмади. Камина эса, қирқ кунда адоий тамом бўлгон камина эса... қирқ зинанинг ҳар пиллапоясига бир тўхтадим, соҳибжамол тутган майдан бир хўплаб, гулғунча лабларидан бир бўса олдим. Ва шу йўсин май ва бўса ёрдамида зинама-зина кўтарилдим. Сизга ёлғон, оллога чин, олампаҳо, қирқ хўплам май билан гул юзли нозанинлар лабидан олган қирқ бўса сабаб, беҳол жисмига шундай бир қувват ато бўлдиким, қирқинчи пиллапояга етганимда отдай бўлиб, зиндондан ўзим сакраб чиқиб кетдим, олампаҳо!

— Ақли шуурларига тасанно ҳазратимнинг!— Абул Ҳасанак билан шоир Унсурийнинг кетма-кет хитоблари машваратхонани янгра-тиб юборди.

Султон ҳам ўрнидан қўзғалиб:

— Қани ўшал офатижон нозанинлар?— деб сўради, сўради-ю, нигоҳи бош вазирга тушиб, қийғоч кўзлари тўсатдан чексиз бир қувонч билан чарақлаб кетди.

— Келдингми, вазири аъзам? Олиб келдингми, ул неъмат илоҳийни?

Ҳамма баробар бурилиб султонга қаради, ҳамманинг, ҳатто ширакайф Абул Ҳасанакнинг кўзларида ҳам қўрқув ва саросима акс этди. Машваратхонага бирдан жимлик чўкди, бу жимликда эшик орқасидан чилдирманинг даранг-дурунги, сетор ва гижжакларнинг ғит-ғити

эшитилди, аёлларнинг пиқ-пиқ кулгиси, зеби зийнатларнинг нозик жаранги кулоққа чалинди.

Вазири аъзам, тирноқларигача музлаб, ерга тиз чўкди.

— Олампаноҳ! Бир қошиқ қонимдан кечинг, олампаноҳ!

— Ҳануз топиб келмадингми ул неъмат илоҳийни? Ҳануз ивир-сиб юрибсенми бу ерда? Йўқол! Даф бўл кўзимдан, баттол!

Абул Ҳасанак ўрнидан сакраб турди-да, гиламда юмалаб ётган вазири аъзамнинг кетига бир тепди.

— Даф бўл, маккор!

— Даф бўл!..

Вазири аъзам, кўзида ёш, апил-тапил ўрнидан туриб, эшик томон пилдиради. Саломхонада чилдирманинг гижбанги авжга чиқмоқда, дутор ва сеторларнинг даранг-дурунги, раққосаларнинг шўх кулгиси янграрди.

Йигирма иккинчи боб

1.

«Амир Масъуд фармон қилганидек уч ҳафта эмас, тўртинчи ҳафтанинг чоршанба кuni намози асрда Ғазна яқинидаги бир бекатга келиб тушдик. Айтишларича, Ғазнага ярим кунлик йўл қолган эмиш. Одатдагидай, эртага субҳи содиқ йўлга чиқсак, пешинга қолмай Ғазнаи мунавварага кириб борар эканмиз.

Эпирай! Босиб ўтган йўлни ўйласам... ҳайратдан ёқамни ушлаймэн. Салкам тўрт ҳафта туну кун баб-баробар от сурибмиз. Бахтимизга, фасли баҳор яхши келди, оллонинг инояти билан кунлар илиқ бўлди. Фақат Гурийлар юртининг чуқур даралари ва қорли тоғларидан ўтиш чоғида кўп азият чекдик.

Бу тоғлар, тубсиз дараларда қор кетмаган экан, шундай жойлар бўлдики, отлар қоринларигача қорга ботиб қолди. Агар навкарлар ғайратли, отлар ярамли бўлмаганда, эҳтимол, жисмимиз бу тоғу тошлар орасида яхлаб, руҳимиз у боқий дунёга парвоз қиларди. Аммо ойнинг ярми қоронғи бўлса, ярни ёруғ деганларича бор экан. Бу уқубатлар эвазига узоқ йўлда шундай фусункор жойлар учрадики, бу кўм-кўк қирлар, чаман гуллаган боғу роғлар, ҳадсиз-ҳудудсиз яйловларни кўриб, бу фоний дунёнинг кўрки-жамолига лол қолдик. Алхусус, Ҳирот тевараклари гўзалликда беназир экан. Бу музофотнинг Машриқ томонидаги Боғдис водийсидан ҳисобсиз серсув тиниқ дарёчалар оқиб ўтар экан. Бу дарёчалар оралиғидаги ўтлоқларни кўриб кўзингиз тўймайди. Боғлар, тоқзорлар, экинзорлар бир-бирига туташиб кетган, ҳаммаёқ кўм-кўк, мусаффо, ҳар қадамда зилол чашма. Шундайким, бу тиниқ чашмаларга Ҳавзи Кавсар ҳам тенг келолмас.

Боя Гурийлар юртининг қорли тоғларини айтдим. Дарҳақиқат, бу тоғлар бизга кўп азоб берди. Аммо осмону фалакка тиралган бу тоғлар оралиғида Бамиян деган бир воҳа бор эканким, уни бамисоли боғи фирдавс дейсиз.

Воҳанинг узунлиги нари борса уч-тўрт фарсанг, кенглиги кўп бўлса бир фарсанг келар. Бироқ унинг қоқ ўртасидан серсув дарё шарқираб кесиб ўтар экан, дарёнинг икки қиргоғи гўзалликда тенгсиз, ямياшил бир боғким, кирсангиз чиққингиз келмайди. Бу кўркам боғларга шундай тартиб берилганким, унда шафтолизордан хурмозорга, хурмозордан бодомзорга, бодомзордан узумзорга ўтасиз. Ҳаммаёқда булбуллар хониш қилади, ҳар қадамда ранг-баранг, ғаройиб қушлар пир-пир учади, ҳар бир дарахт тепасида лайлақлар кўниб ўтирипти.

Бу воҳанинг яна бир ғалати томони шундаким, дарёнинг икки ёнидаги ҳарсангтошларга Будди деган ҳиндлар маъбудининг икки баҳайбат ҳайкали ўйиб ясалган. Бирининг бўйи камида юз газ келади, иккинчисиники 60-70 газ. Тошга ўйилган бу маъбудларнинг ёнларида

беҳисоб горлар бўлиб, улар ҳам ғаройиб суратлар билан безатилган.

Хуллас калом, йўл азоби эвазига кўп ажойиб нарсаларни кўришга муяссар бўлдик.

Айтишларича, султоннинг энг чопқир дивсуворлари ҳар куни йигирма-ўттиз фарсанг¹ йўл босиб, Ғазнадан Исфаҳонга икки ҳафтага қолмай кириб борар эмишлар. Улар учқур отларининг ёнига яна бир сара отни шатакка олиб, уларни навбатма-навбат минар экан, бекатларда эса дивсуворлар учун махсус отлар шай турар эканким, етиб боришлари билан отлар алмашинар экан.

Бизга ҳам шу тартиб жорий этилди. Тартиб шундай эдиким, биздан олдин кетган дивсуворлар бекатларда энг сара отларни шай қилиб, кутиб турар эдилар. Биз етиб боришимиз билан чарчаган отларни топшириб, янги отларга минар эдик. Бир неча музофотларда эса от ўрнига югурик туялар бердилар. Шайх югурик туяларга илгари ҳам минган экан, камина минмаган эдим, бу ажаб ҳолни қарангки, югурик туялар югурмоққа киришса энг чопқир бедовларни ҳам ортда қолдириб кетар экан. Бедов чарчаса чарчар эканки, югурик туя чарчамас экан. Аммо сабаби кексалик, югурик туялар бу сафар Шайхга тўғри келмади. Зотан, бу олис, сермашаққат йўл Шайхни қаттиқ қийнаб, тамом ҳолдан тойдирди.

Гарчанд, Шайх учун от ва туяларга махсус кажава ва маофа² ўрнатиб берсалар ҳам, гарчанд йўлнинг бир қисмини соябон араваларда ўтса ҳам, сабаби кексалик, устод кўп азият чекди. Боз вужуд қийноғига руҳий азоб қўшилиб, Шайх кўп қийналди.

Дарҳақиқат, яхшиликка ёмонлик, деган кўҳна матал рост экан. Билъакс, Шайхнинг муолажасидан шифо топган ноинсоф амир Масъуд лоақал уйига бориб, иниси Абу Маҳмуд тирикми, йўқми, хабар олишга ижозат бермасмиди? На иниси билан дийдор кўришишга ижозат этди, на «симоб қуйди, деган» тўхмат билан зиндонга ташланган Бухоро малагини кўришга рухсат берди!..

Бу ерда не сир-асрор бор — ҳануз билмаймен, аммо бу шўрлик санамни кўришга ижозат бўлмагани Шайхга айниқса қаттиқ тегди. Исфаҳондан Ғазнага кетадиган куни кечаси Шайх мижжа қоқмай тор ҳужрада юриб чиқди. Субҳи содиқ ўн нафар навкарлар қуршовида йўлга чиқдик. Пули шаҳристон кўпригидан ўтиб, Ҳирот дарвозаси томон йўл олдик. Кимсасиз кўчаларда ҳануз қора ўлат шарпаси ҳоким эди. Юзлари ва оғизларини қора мато билан ўраб олган қора кўлагалардан бошқа тирик бир жон кўринмас эди, улар ҳар жой-ҳар жойда юмалаб ётган мурдаларни араваларга ортиб юрар эдилар...

Биз Пули шаҳристон кўпригидан ўтиб, ўнг қўлга бурилганимизда Қуни Гунбаз гузарининг мачити ва мачит орқасидаги «Ҳисор» кутубхонасининг муаззам биноси кўринди. Кутубхонанинг юмалоқ гумбази ўпирилиб тушган, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган мухташам бинонинг фақат баланд пештоқлари омон қолган эди, холос.

Шайх, икки кўзи гузарда, отининг жиловини тортиб тўхтатди. Унинг ҳовлиси кутубхонанинг орқасида, Қуни Гунбаз гузарининг бошида, қўл чўзса тегадиган жойда эди. Бироқ олдинда бораётган чағиркўз, шопмўйлов мушриф Шайхнинг тўхтаганини кўриб, унинг ёнига бостириб келди-да, отининг сағрисига уст-устига қамчи урди. Шайх мушрифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди, гўё чағиркўз мушрифнинг қамчиси зарбидан тили соқов, қулоғи кар бўлиб қолди. Фақат ўн кунлар ўтиб, Ҳирот тоғлари ва Гурийлар дарасидан қиқиб олганимиздан кейингина, чехраси хиёл ёришди. Кечалари кенг сайҳонликларда ёҳуд улкан бекат чеккаларида тўхтаб, гулхан ёқиб пича ҳордиқ чиқарган чоғларимизда, унча-мунча гаплашадиган бўлди.

¹ Фарсанг — 150—180 километрга тўғри келади.

² Маофа — чармдан ясалган нурсига ўхшаш ўриндиқ.

Биз ҳар куни камида йигирма фарсанг йўл босар эдик, аммо қанча йўл юриб, қаерга етиб қўнмайлик, ўшал жойга биздан олдин узунқулоқ гап етиб борар эди. Шундайким, биз етиб борган жойда бир қанча хасталар, майиб-мажруҳлар пайдо бўлиб қолар эди. Улар Шайхнинг келаётганини қайдан билди, бу сир-асрорни кимдан эшитди — бу нарса ёлғиз оллога аён, аммо давосиз дардга мубтало бўлган бу шўрликлар дод-фарёд билан Шайхнинг оёғига йиқилиб, нажот сўрар, навкарлар уриб-сўксалар ҳам кетмас эдилар. Шунда Шайх навкарларни тўхтатиб, уларни даволашга киришар эди.

Зотан, Шайх сафар чоғида ҳам ором не, ҳордиқ не — билмади, бир зум имкон бўлса бас, йўлда учраган дашт гиёҳларини йиғар, парранда ва даррандаларни кузатар, гоҳида, кўнглидаги ғам-андуҳ хиёл тарқаб, дили равшан тортган чоғларида йўлдаги тоғ ва даралар ҳақида фикр юритар, чамамда, бу оғир йўлда ҳам у бўлғуси китобларини ўйлар эди!

Дарҳақиқат, Шайх ҳатто рақиблар иғвоси билан «Фараж» қалъасига қамалганида ҳам фурсатни бекор ўтказмаган, туну кун мутолаа ва мушоҳада билан банд бўлган эди.

Қалъа беги ибн Яқзон инсофли, адолатли, диёнатли одам эди. У Шайхга «Фараж» қалъасидаги энг тинч, энг осуда хонани бўшатиб бериб, ош-сувидан хабар олиб турган, қоғоз-қалам — ҳаммасини муҳайё қилиб берган эди. Қамини ҳар бомдод қалам-қоғозларни олиб Шайхнинг ҳузурига кирар эдим. Шайх айтиб турар, мен эса ёзиб олар эдим. Шу йўсин тўрт ой бу қалъада ётганимизда Шайх ўзининг энг баркамол шеърини ва насрий асарларини ёзиб тугатган эди. «Ҳайи ибн Яқзон», «Қушлар рисоласи» ва «Саломон ва Ибсол» деган қиссаларини, кўп шеърлари, мусиқа бобидаги рисоласининг бош қисми ва мантиққа оид бир қанча асарларини Шайх ўша қалъада, маҳбуслиқда битган эди. Кейинчалик Шайх «Бу дунёда бир ёмонликнинг бир яхшилиги ҳам бўлади, рақибларим иғвоси сабаб, «Фараж» қалъасига қамалмаганимда, эҳтимол, бу асарларим ёзилмас эди», деб кулиб юрган эди!..

Лекин «Фараж» қалъасида маҳбус бўлиб ётганида, Шайх, бир дақиқа ҳам ғам-андуҳ чекмаган эди. У маҳалда Шайх ҳали ёш эди. Ҳар субҳи содиқ бошланадиган суҳбатларимиз гоҳо тун ярмигача, гоҳо тонг отгунча давом этар, кунлар қандай ўтганини билмас эдик. Энди эса, Шайх қаттиқ изтиробда эди. Унинг юрагини аллақандай пинҳоний бир алам, ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган интиҳосиз бир дард туну кун каламушдай кемирар эди.

Бу пинҳоний дард сирларини эҳтимол ҳамшаҳари Шокалон билса, бироқ Шокалон Исфаҳонда қолиб кетди, Шайх қанча ялиниб-ёлвормасин, Шокалонни бирга олиб кетишга ижозат бўлмади.

Ҳар оқшом саҳрода тўхтаб, гулхан ёқиб дам олишга чоғланган пайтларимизда Шайх йироқ-йироқларга кетади-да, танҳо узоқ айланиб юради.

Шайхга ором бермаган бу ғам-андуҳларнинг сабаби не? Буни мен кўп йиллардан кейин билдим. Маълум бўлишича, Шайх ёшлик чоғларида амир Масъудга инъом қилиб юборилган бухоролик малакнинг онасига муҳаббат қўйган экан. Аммо тақдири азал сабаб, севгилиси билан қовуша олмаган экан. Шу боисдан ҳам Исфаҳонда, амир Масъуд зиндонидида қолган шўрлик қизнинг қисмати унга ором бермай кўп қийналган экан.

Шояд энди Шайхнинг омади келиб, султон сиҳат топса-да Шайхнинг юзи ёруғ бўлса! Шунда султон ҳам, эҳтимол, лутфи эҳсон кўрсатиб, тила-тилагингни дер, Шайх эса ул бахтиқаро малакнинг жонини тилаб олар!.. Шояд шундай бўлса!..

Шайх қаттиқ чарчаган эди, бекатга келиб қўнишимиз билан ўз ҳужрасига кириб ётиб қолди, мен таом тайёрлашга киришдим.

Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан.

Йўл азоби — гўр азоби, деганлари бежиз эмас экан. Боз устига Исфаҳондан чиққандан бери юрагини қиймалаган нотинч ўйлар, Шокалон айтган гаплар, амир Масъуд зиндонда қолган Бўтакўзбегим қизининг тақдири — бунинг ҳаммаси дилига бир зум ором бермай тасомом ҳолдан тойдирган экан, Ибн Сино ҳужрага кириб чўзилди-ю, кўзи уйқуга кетди. Бироқ бу не? Кўзи илиниши билан қулоқлари остида мунгли куйдай ҳазин бир овоз янгради:

«Мен шўрликни кечиргайсиз, ҳақим ҳазратлари! Кўз ёшимга раҳм қиладиган, зоримни эшитадиган бир кимсани тополмай, тагин сизга бўзлаб келдим!»

«Ё тавба! Бўтакўзбегим! Камина сени оламдан ўтган десам!..»

«Ҳа, мен оламдан ўтганмен, ҳазратим. Суягим Олой тоғларининг этагига қўйилмиш, Угуз тоғининг бағрига кўмилмиш!»

«Ё раб! Улган одам тирилиб келса! Бўтадай бўзлаб юрса!»

«Не қилай? Елғиз қизимнинг бошига тушган мусибатни билурсиз. Онаизор, бу мусибатни эшитиб, гўримда тинч ётолмадим, оҳ чекиб, оллога илтижо қилдим. Билмам, оҳим арши аълога бориб етдими ё тошни эритган кўз ёшларим кўкни ҳам эритдими, яратган эгам қайта жон ато қилди. Гўримдан чиқдим-у, бўтасидан айрилган оқ гуядай бўзлаб, қизимни излаб Исфаҳонга бордим. Бироқ додимни эшитадиган тирик бир жон топмадим. Шу-шу, дилим вайрон, кўзим гирён, тагин ортингиздан қувлаб келдим, ҳазратим. Мен уни оллодан тилаб олган эдим. Сизнинг пушти камарингиздан бўлмаса ҳам сиздан бўлгандай суяр эдим уни!»

«Айтмасанг ҳам англадим бунини. Узинг билган Шокалон айтди. Аммо не чора, бегим?»

«Не чора? Ушал машъум фироқ онлари ҳам «не чора», деб нолиган эдингиз, бугун яна нолийсиз. Бу не бадбахт дунё эканки, ёмонликка чора бўлмаса? Мен ғарибнинг бошидан нелар кечганини ҳеч бир кимса билмаса?»

«Сен ҳам билмайсен, бегим!..»

«Йўқ, биламен. Мен шўрликни кўнглингиздан ўчириб, ўрнига китоблар битдингиз. Ҳақими даврон, деган ном чиқардингиз. Мен ғариб эсам... Дунёда Олой тоғларидай улкан тоғлар йўқ экан. Унинг қорларидай оппоқ қорлар кўрмадим, сувларидай ширин сувлар ичмадим, Олой яйловларидай кўркам яйловлар йўқ экан оламда! Мен эсам... икки кўзим йўлда, хаёлим Афшона қирларида, эрта кўклам сиз билан от суриб ўйнаган лозазор даштлар ишқида ой-йилларим ўтди, ой-йилларим ўтди! Кундуз кўзим тўрт: карвон йўлларига тикилдим, тунларда унсиз бўзлаб тонг оттирдим, сиз эса...»

«Сен ёзган китобларимни санайсен, орттирган шон-шухратимни сўзлайсен. Мен эсам... сени бир кўрмоқ учун ёзган барча китобларим, орттирган барча шон-шухратимдан воз кечар эдим! Бир дақиқа иккиланмай ҳаммасидан воз кечар эдим, бегим, азизим, кўз очиб кўрган севгилим!»

«Севгилим дедингиз! Шу сўзингиз рост бўлса... оллодан тилаб олган ёлғизимни сизга топширдим! Мана, султон Маҳмудни даволаш муродида Фазнага йўл олибсиз. Мен ҳам ортингиздан бўзлаб келдим. Омадингиз юриб, султон шифо топса додимни унга етказгайсиз! Ёдингизда бўлсин: сизнинг пушти камарингиздан бўлмаса ҳам сиздан бўлгандай севар эдим уни! Агар қизим бир нарса бўлса... суягим Олой тоғларида, арвоҳим қарғиш теккан Исфаҳонда, тоабат бўзлаб ўтамен, ҳазратим, бўзлаб ўтамен!..»

Ибн Сино аллақандай босинқираб уйғониб кетди. У деворларига қизил ипак гиламлар тutilган серҳашам ҳужрада ётар, тоқчалардаги шамларнинг аксари ўчирилган, ҳужра ғира-шира, фақат шифтдаги дўппидеккина туйнукдан оппоқ, ёруғ юлдузлар чарақлаб турарди.

«Ё тавба! Бу не? Тушими, ўнгими?»

Ибн Сино туш кўриш ҳодисаси ҳақида кўп ўйлаган, унинг сирларини ўрганишга кўп уринган. Аммо... йўқ, бу туш эмас, назарида, у ҳозир тирик бегимни кўрган, унинг алам тўла таниш, мулойим овозини эшитган эди!..

...Ҳа, ўша куни, Исфаҳонга келиб, амир Масъуднинг қулоғини даволаган куни, у Бўтакўзбегимнинг қизини кўриш умидида эди. Оғриқ азобидан қутулган амир уйқуга кетишдан аввал зиндон қилинган шўрлик малакни кўришга ижозат берган ҳам эди. Бироқ зиндонбон уни кўрсатиш учун амирнинг муҳри босилган фармони олий талаб қилди, бироқ амир уйқудан уйғониб, фармон бергунча, саройда қандайдир бир воқеа содир бўлди чамаси, ҳибсда ётган Қорақўзбегимни кўрсатиш у ёрта турсин, унинг ўзини ҳибсга олишди. Бир кеча ҳибсда сақлаб, эртасига тонг қоронғисида... қўл-оёқларини боғлама-салар ҳам боғлагандан бешбаттар қилиб, бу ёққа олиб келишди!

Ибн Сино юраги қаттиқ сиқилганини сезиб, ёстиққа ёнбошлади. аста кўзини юмди. Юмиши билан нечундир нигоҳи олдида яна Афшона ортидаги ям-яшил қирлар келди. Қир устида улкан оқ ўтов. Пастда, қир атрофида эса, бошқа кичикроқ ўтовлар, оқ, қизил, қора ўтовлар... Баҳор. Далалар, далаларгина эмас, ҳатто жонсиз қумликларга ҳам жон битган, ҳаммаёқ тилларанг чучмомалар, бўзтиканлар, бахмалдай майин ёвшан ва шувоқлар билан қопланган, тиниқ кўзигуллар, равоч ва хушбўй кийик ўтлари, митти читиргул ва сариқ бошлар орасида беҳисоб лолақизғалдоқлар чўғдай ёнади, ўтовлар ёнида бошларидаги қизил қалпоқчаларига укки патлари қадалган хипчабел, бодомқовоқ қиз-келинчақлар сочларига тақилган кумуш тангаларни майин жиринглатишиб, чопқиллашиб юришади.

Кечалари, тиниқ, серюлдуз Афшона кечалари, беҳисоб ўтовлар олдида гулханлар ёнади, қароргоҳдан йироқда, поёнсиз даштнинг хилват жойларида қиз-йигитлар йиғилишади, сўнг бирда шўх, бирда хиёл маънос қўшиқ ва лапарлар чексиз-чегарасиз дашт узра сокин дарёдай оҳиста оқади.

Ёш Абу Али бу ҳазин лапарларни эшитиб, қир бағрида ёнбошлаб ётаркан, назарида қандайдир улкан кемага тушиб, бошқа бир гўзал оламга сузиб кетаётгандай бўлади. Тўсатдан, унинг қўлига кимнингдир майин, илиқ кафти аста тегади, гўё мулойим бир қушча келиб кўнгандек туюлади.

— Таксир, бекам йўқлайдур сизни!

Бодомқовоқ, қийғоч кўз каниз митти қушчадай мулойим қўлини Абу Алининг қўлидан узмай уни қаёққадир бошлайди. Атроф зимзиё. Абу Али ҳеч нарсани кўрмайди, бироқ абжир каниз ҳеч нарсага қоқинмай қалин саксовулзор томон бошлайди-да, қаёққадир етаклаб кетади.

Ана, юқорида, юлдуз тўла осмонга қўшилиб кетган қир устида улкан оқ ўтов кўзга чалинади.

Ўтовга яқин қолганда таниш бўрибосарларнинг ваҳимали ириллаши эшитилади-ю, зимистон тун қаъридан икки ясовул чиқиб келади.

— Бу ким, тун ярмида санғиб юрган?

— Ҳаким ҳазратлари!— дейди каниз.— Ҳаким ҳазратларини бекам йўқламишлар!..

Абжир каниз Абу Алини секин туртиб, ўтов томон йўллайди.

Ўтовнинг чанғароғига осилган қандилда биттаю битта мойчироқ милтирайди. Унинг заифгина шуъласида ўтов бурчагига тугилган чимилдиқ кўринади.

Абу Али кириши билан чимилдиқнинг бир чети кўтарилиб, гўё оққушнинг бўйнидай оппоқ нозик қўллар кўринади-ю, бетоқат ҳаракат қилади: «Бери келинг!»

Абу Али юраги тузоққа тушган қушдай питирлаб, чимилдиққа яқинлашади. Шу пайт чимилдиқ, очилиб оппоқ нозик қўллар унинг бўйнидан қучиб, пастга тортади.

— Ҳазратим!

Ерга тиз чўккан Абу Али юзида Бўтакўзбегимнинг чўгдай иссиқ юзини, ҳаяжонли нафасини ҳис этади. Бегимнинг сочларидан дала гиёҳларининг хушбўй, нозик бўйлари уфуради, лабларидан аллақандай тотли ва шўртанг таъм келади...

— Устод!

Ибн Сино, хаёл оғушидан зўрға қутулиб, рўпарасида қўл қовуштириб турган шогирди Абу Убайдга қаради.

— Овқат келтирайми, устод?

— Ташаккур, азизим.

— Сизга не бўлди, устод? Кун бўйи туз тотмадингиз...

— Зарари йўқ, табобатда гоҳо очлик тўқликдан фойдалироқдур,— Ибн Сино шундай деб бир кулимсираб қўйди-ю, шогирдининг йўл азобидан киртайиб қолган кўзларидаги ташвишни кўриб, кўнгли хиёл юмшади.

— Майли, азизим, камина ҳовлига чиқиб, бир нафас олиб келай. Кейин овқатни бирга баҳам кўрамиз.

Кеча ойсиз, бироқ серюлдуз эди. Бекат ҳали уйғоқ, беҳисоб ҳужраларнинг даричалари беҳисоб митти юлдузлардай милтирайди, бироқ ҳовлида одам сийрак, фақат қаердадир-олисда, дарвоза томонда гулхан ёнар, у ердан ғала-ғовур овозлар, асабий хитоблар, гоҳи-гоҳида эса «гур-гур» кулги эшитиларди.

Ибн Сино бир-бир босиб гулхан томон юраркан, даврадан келаятган овозлар қулоғига чалинди:

— Топиб бўлибсен адолатни, хомкалла! Бу дунё тугул, у дунёдан ҳам тополмайсен уни!

— Ҳамма баробар эмас, тентак! Ақлли пошшолар ҳам ўтган бу дунёда!

— Ақлли пошшони ўз кўзинг билан кўрдингми, нодон?

— Узинг нодон!

Ғала-ғовур, кулги, асабий хитоблар авжига чиқди. Ибн Сино ичида кулимсираганича қадамини жадаллатди, шу пайт орқасида қандайдир соя пайдо бўлиб:

— Ҳазратим!— деб шивирлади.— Борманг у ёққа, бетавфиқ қарматийлар йиғилган у ерда!

Бироқ Ибн Сино тўхташ ўрнига қадамини тезлатди-да, гулханга яқинроқ жойда юмалаб ётган тўнкага кўзи тушиб, унга чўнқайди. Уни таъқиб этган соя тўхтаб, орқага чекинди ва чўкка тушиб кавш қайтараётган туялар панасига ўзини олди.

Ибн Сино тўнкага чўнқайган заҳоти гулхан ёнида ёнбошлаб ётган, эгнига кўк чакмон, бошига кўк қулоҳ кийган, бўй-басти келишган, фақат ўнг қошининг устида катта чандиғи бор бир қаландар:

— Ҳой, мўминлар!— деб хитоб қилди.— Камина бу жумбоқни ечиб бергувчи бир ривоят эшитганмен. Кимки бу ривоятни тингламоқни истаса... бир танга-ярим танга садақа қилсин!

Даврада пиқ-пиқ кулги эшитилди.

— Ривоятни ҳам ақчага сотасенми, ноинсоф!

— Охир замон келганидан нишона бу!

— Кўп валдирамай ақчанг бўлса бер — эштайлик ривоятни!

Ибн Сино пешонаси чандиқ бу хушқад барваста қаландарни қаердадир кўргандай бўлди, бироқ ҳарчанд уринмасин, қаерда кўрганини эслай олмади-ю, чўнтагидан уч-тўртта дирҳам топиб, унинг қулоғига ташлади.

Қаландар чандиқ пешонасини силаб, унга бир зум тикилиб қаради-да, йиғилган хайр-эҳсонни белбоғига тугиб, ҳикоясини бошлади:

— Шундайким, бир подшо кунлардан бир кун туш кўрмиш. Тушида етти ориқ ҳўкиз етти семиз ҳўкизни еб қўймиш. Уйқудан уйғониб кетган подшо кўрққанидан дарҳол донишмандларни йиғиб, улардан тушининг таъбирини сўрмиш. Шунда энг кеска бир донишманд айтибдики, мамлакатда етти йил тўқчилик бўлади, одамлар фаровон

О. ЁҚУБОВ ◆ КУҲНА ДУНЕ ◆ РОМАН

гурмуш кечиради, сўнг қаттиқ қурғоқчилик бошланиб, етти йил кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган очлик ва қаҳатчилик юз беради.

— Бунга қарши не чора кўрмоқ даркор?— деб сўрабди подшо.

— Бошда бўладурғон етти йил фаровонлик чоғида, кейин келадурғон етти йиллик қаҳатчиликка етадурғон дон-дун ва етти йиллик сув ғамламоқ даркор!

Алқисса, донишманднинг таъбири рўёбга чиқиб, етти йил обу ҳаво яхши келмиш. Ҳаммаёқ тўкин-сочин, мамлакат обод бўлмиш. Шундайким, донишманднинг таъбири ҳатто хотирдан кўтарилмиш. Бир кун подшойи олам донишмандни чақириб: тақсир, таъбирингиз рост бўлса сиз айтган очлик ва қурғоқчилик қайда?— деб таъна қилибди.

Шунда донишманд:

— Шошманг, подшойи олам, дебди,— бир кун уйқудан қаттиқ қорнингиз очиб уйғонасиз. Шу куни мен айтган қурғоқчилик бошланиб, мамлакат очлик ва қаҳатчиликка юз тутади!

Филҳақиқат, эртасига подшо уйқудан қаттиқ қорни очиб уйғонибди. Шу-шу, қаттиқ қурғоқчилик келиб, очлик ва қаҳатчилик бошланибди. Бу бахтсизлик етти йил давом этмиш. Йўғонлар чўзилиб, ингичкалар узилмиш. Агар тўқчилик йиллари донишманд айтган сув ва ғалла ғамланмаганда барча аҳли мўъмин қирилиб кетар экан. Шунда подшойи олам яна кекса донишмандни чақириб, қачон бу қурғоқчилик ва қаҳатчилик тугайди?— деб сўрабди. Донишманд айтибдики, подшойи олам, бир ҳафта сабр қилгайсиз. Бир ҳафтадан кейин қурғоқчилик тугаб, қаттиқ ёмғир ёғади. Аммо,— демиш донишманд.— Барча аҳли мўъминга хабар қилгайсиз. Биринчи ёмғир сувини ҳеч ким ичмасин, токи кимки уни ичса, ақлдан озадур!

Подшо жарчиларга фармон бериб, донишманднинг сўзини элга етказибди. Лекин бу гапга қулоқ солгувчи бир кимса бўлмабди. Подшодан бошқа ҳамма ёмғир сувини ичиб, ҳамма баб-баробар ақлдан озибди. Шу-шу, ҳеч ким подшонинг амри фармонларига итоат этмайдиган бўлибди. Шунда подшойи олам кекса донишмандни учинчи бор чақиртириб, бу балога қарши не чора кўрмоқ даркор, деб маслаҳат сўрабди. Донишманд жавоб бермишки, бу балонинг бирдан-бир чораси — сиз ҳам ўшал сувдан ичасиз, фуқаро шундагина амри олийларингизга итоат қиладур, дебди.

Чорасиз қолган подшойи олам ҳам ўша ёмғир сувидан ичиб, ўзи-ям ақлдан озибди. Ақлдан озиб, телба-тескари фармонлар бера бошладилар. Шунда телба фуқаро телба подшодан мамнун бўлиб, унинг телба-тескари фармонларига жон-дилдан итоат этадиган, амру фармонларини шак келтирмай вожиб қиладиган бўлибди.

Қаландарнинг сўнгги гаплари зўр қаҳқаҳа ва заҳарханда хитоблар остида кўмилиб кетди:

— О, ҳо, ҳо! Баайни Ғазнадаги ишлардан сўзладинг, дарвеш!

— Балли! Агар биз ҳам нодон бўлмасак қиличидан қон томган бу телба султонга қуллуқ қилиб юрармидик?

Ғала-ғовур ва қийқириқ баттар авжига чиқди. Шу пайт гулхан ортидаги зим-зиё қоронғилиқдан:

— Ушланг, бу қарматийларни!— деган таҳдидли хитоб янгради.— Бу карвонсарой бединлар уясига айланмиш! Даҳрийлару қарматийлар йиғилмиш бу уяга! Ушланг бу муртадларни!

Чўкка тушган туялар панасидан, гўё шу таҳдидли овозни пойлаб тургандай қилич яланғочлаган беш-ўн нафар навкар ёпирилиб чиқди.

Ибн Сино у ёғи нима бўлганини яхши англамай қолди. Чамаси, гулхан теварагида ўтирган гадолар сапчиб турдилар-у, «қоч!», деган хитоб билан ўзларини ҳар томонга уришди. Ибн Сино ҳам сакраб ўрnidан турди, бироқ ҳали жойидан жилмаган ҳам эдики, кимдир келиб унинг қўлидан ушлади.

— Бу шаккок қарматийлар сизга не керак, ҳазратим? Хужрангизга кириб дам олинг! Субҳи содиқ йўлга чиқамиз!

Ибн Сино индамай орқасига қайтди. Тўс-тўполонни эшитган Абу

Убайд ҳам ҳужрадан югуриб чиққан эди, биргалашиб ҳужрага қайтди. Ажабо! Дориссалтанат остонасида қарматийлар тўғрисидаги бу гаплар! Пешонаси чандиқ бу хушқад барваста қаландар ва унинг ғалати ривояти!..

Ибн Сино уни қаердадир кўрган, эҳтимол даволаган. Салкам қирқ йил табиблик қилиб, у мингларча, балки ўн мингларча хасталарни даволаган. Шундай бўлса ҳам, одатда, даволаган кишиси ёдидан чиқмас эди. Бу қаландарни ҳам эслагандай бўлди, уни қаердадир даволагани аниқ, аммо қаерда? Гурганждами, Журжондами ёхуд Ҳамадон ва Райдами? Қаерда?.. Қаерда? Қаерда?..

Ибн Сино кўзи илиндими, йўқми — ўзи ҳам билмай қолди. Қулоғига яна аллақандай шов-шув, қиличларнинг шарақ-шуруғи, кимларнингдир инграган, сўкинган овози, от туёқларининг дупури эшитилгандай бўлди. Сўнг зулфинлар шарақлаб, ҳужранинг икки табақали ўймакор эшиги тарақлаб очилди. Бўсағада... қўрқувдан дағ-дағ титраган Абу Убайд, Абу Убайднинг орқасида эса бошига ағдарма телпак, эғнига кўк чакмон кийиб, белига эгри қилич тақиб олган норғул бир йигит кўринди.

— Устод!— Абу Убайд, негадир кўзига ёш олиб Ибн Синони қучоқлаб олди. Норғул йигит эса, тавозе билан бош эгиб, салом берди.

— Қўрқманг, ҳазратим: Бизнинг лашкаримиз... ҳақ ва адолат лашкаридур, тақсирим!

«Ҳақ ва адолат лашкари!»

Ибн Сино ҳайрат билан йигитнинг шиддатли қорамтир юзига тикилди.

«Донишлар ва алломалар дилидаги бу муқаддас сўзларни қайдан билади бу йигит?»

— Ҳозир бекатни босган ҳам шу... «ҳақ ва адолат» лашкарими, ўғлим?

— Йўқ!— йигит бошини мағрур кўтарди.— Биз карвонсаройни эмас, султон Маҳмуд сарбозларини босдик, тақсир! Матлабимиз — бу мустабид султонни тахтдан ағдариб, юртда ҳақ ва адолат тикламоқдур!— йигит шундай деб, яна қўл қовуштириб таъзим қилди.

— Сиздан илтимос: «Кўшки қасос» аталмиш қароргоҳимизга ташриф буюргайсиз! Қаминанинг сўзи эмас, «ҳақ ва адолат» лашкарининг сардори имом Исмоил Ғозий ҳазратларининг илтимосидур бу!

— Имом Исмоил Ғозий!

— Шундай, ҳазратим!

Норғул йигит Ибн Синонинг жавобини кутмай, орқасига ўгирилди-да:

— Отлар қайда?— деб қичқирди.

— Отлар шай, сардор!— деган овоз эшитилди.

Тонг отган, уфқдаги қорли чўққиларнинг тепаси оқариб қолган, артилган шишадай тиниқ, мовий осмоннинг у ер-бу ерида сўнгги юлдузлар сўнаётган шамдай заиф милтирарди.

Қўрғон ўртасида, кечаси гулхан ёнган жойда, қўллари орқасига боғланган бир нечта исфаҳонлик сарбозлар ётар, бироқ улар орасида шопмўйлов мушриф кўринмас, дарвоза олдида эса «ҳақ ва адолат лашкари»нинг суворийлари бўлса керак, бошларига кўк ёпинғич ташлаб, эғниларига кўк чакмон кийган беш-ўнта отлиқлар кўзга чалинарди.

Сардор айтган «Кўшки қасос» бекатдан бир-икки фарсанг йироқда, кичикроқ сой ёқасидаги қалин арчазор орасида экан. Ибн Сино бир гуруҳ суворийлар қуршовида, ўрмондай қалин чакалакзор ва қамишзорлар орасидан отини елдириб бораркан, миясида ҳамон ўша нотинч ўйлар ғужғон уради.

«Ҳақ ва адолат лашкари!..» Бошларига кўк ёпинғич ташлаб, устларига кўк чакмон кийиб олган бу суворийлар қарматийлар экани энди унга аён! Аммо... имом Исмоил Ғозий ким? Исмоил Ғозий... Исмоил Ғозий!.. Исфаҳонда, телба амир Шамсуддавла даврида, «яратув-

чи олдида шоҳу гадо баробар», деб чиққан ва бу даъвоси учун масжиди жомеъда ўқилган хутбада «шайтони лан» деб қораланиб, юз дарра еган девқомат бир қаландар бўларди. Агар Ибн Сино янглишмаса, унинг исми ҳам Исмоил, ҳа имом Исмоил эди!

Иўқ, Исфаҳон қайда-ю, Ғазна қайда? Имом Исмоил дориссалтанат остонасида не қилади?

Ана, олдинда от ўйнатиб бораётган суворийлар чуқур жарликдан от суриб ўтишди-ю, ўнг томондаги арчазорга шўнғиб кетишди. Сал юрмасдан, арчазор сийраклашиб, олдинда қатор кўк чодирлар, ҳисобсиз қамиш қапа ва бир неча ўтов тикилган кўкаламзор майдон кўринди.

Майдоннинг ҳар жой-ҳар жойида сарбозлар тўп-тўп бўлишиб қиличбозлик ва найзабозликдан машқ қилишар, дарахтларга камонлардан ўқ узишар, кураш тушишар, ўтовлар ортидаги ўчоқлардан пағапаға буғ ва тутун жўтарилар, афтидан, у ерда овқат пиширилди.

Ибн Синони бошлаб келган сардор орқасига ўгирилиб, «кетимдан юринг!» деган маънода имо қилди-да, отининг бошини машриқ тарафдаги катта кўк чодир томон бурди. Кўк чодирнинг икки ёнида икки сарбоз қилич яланғочлаб турарди. Сардор шартта ёқасини очиб, бўйнидаги уч бурчак кўк туморчасини кўрсатди-да, ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай, чодирдан қайтиб чиқиб, отда ўтирган Ибн Синога таъзим қилди:

— Пири муршид сизни сўрайдур. Марҳамат қилғайсиз, ҳазратим!

Ибн Сино Абу Убайд ёрдамида отдан тушди. Чодир бўсағасида бир лаҳза тўхтаб, уст-бошини тузатди. Сўнг, негадир юраги гурс-гурс уриб, ичкарига кирди.

Тагига бўйра тўшалган катта саропарданинг тўрида чап қўлини кўк мато билан ўраб, бўйнига осиб олган новча бир қаландар, қиблага қараб чўккалаб ўтирарди. Қаландарнинг олдида кўк жойнамоз, орқасидаги илгакда кўк чакмон ва кўк ёпинғич осиглиқ турар, уларнинг ёнида қилич-қалқон ва камон ўқлари терилган кўк чарм садоқ кўриларди.

Ибн Сино пойгакда тўхтаб, жойнамозда чўккалаб ўтирган серсоқол қаландарга тикилиб қаради-ю, беихтиёр юраги «шиғ» этди.

Кўзларини юмиб, қиблага қараб тиловат қилиб ўтирган бу барваста қаландар... ё раб!.. кечаси ғалати чўпчак айтиб, ҳаммани кулдирган, бундан ўн йил муқаддам эса, Исфаҳон мачитида уламон киромлар лаънатига учраган... машҳур қаландар имом Исмоил Ғозий эди! У, афтидан бомдод намозини ўқиб бўлиб, тасбеҳ ўгириб ўтирар, бошида кўк салла, эгнида кўк бўз кўйлак, чуқур хаёлга толган эди.

Ибн Сино ҳамон тили лол, намоз ўқиб ўтирган имомга жимгина тикилиб тураркан, кўз олдига Пули Шаҳристон кўпригининг ортидаги чилангарлар даҳаси келди.

Зимистон кеча. Ибн Синони бошлаб борган одамлар уни торгина бир ҳовлига, ҳовлидан кичкинагина, зах ҳужрага бошлаб киришади. Токчадаги мойчироқ шўўласида Ибн Сино ҳужранинг тўрида узала тушиб ётган ярим яланғоч бир кимсани кўради, кимсанинг қамчидан тилим-тилим бўлган тақир боши, юзи, бўйни, елкалари қоп-қора қон, кўзлари юмуқ.

Ибн Сино беҳуш кимсага яқинроқ бориб, бўйрага тиз чўкади-ю, ўшандан уч-тўрт кун аввал, масжиди жомеъдаги хутбадан кейин юз дарра еган новча қаландарни танийди.

Дарҳақиқат, бу ўша, «яратғувчининг олдида шоҳу гадо баробар», деб чиққан ва бу даъвоси учун хутбада лаънатланиб, аёвсиз калтакланган қоп-қора, барваста қаландар эди!..

Ибн Сино ўшанда беҳуш ётган бу қаландарни бир ой пинҳона даволаб оёққа турғазган, аммо ундан кейин қисмати не бўлди, бундан беҳабар эди!

Дунёнинг ишлари ғалати экан. Мана, тақдири азал уларни яна дуч қилди! Келиб-келиб Ғазнаи мунаввара остонасида дуч қилди!

Имом Исмоил жойнамозини йиғиштириб, тавозе билан қўл қовуштирди:

— Фақир кулбамизга хуш келибсиз, ҳаким ҳазратлари, қадамларига ҳасанот, марҳамат, тўрга ўтсинлар!

Ибн Сино имом кўрсатган жойга ўтиб ўтираркан, унинг синовчан тикилиб қолганини пайқаб, яна боягидай ғалати бўлиб кетди. Имомнинг пешонаси ва ўнг қоши устидаги чандиғи, сал қисилган кўзлари, ўзига ярашган соқол-мўйлови, бутун важоҳатидан аллақандай сеҳрли бир куч ва пинҳоний бир иқтидор ёғилиб турар, ҳар бир ҳаракатида ўзига ишонч ва қатъият сезиларди.

Бошига кўк ёпинғич ёпинган бир навкар кириб, ўртага бўз дастурхон ёзди, дастурхонга сопол кўза билан икки сопол пиёла ва икки арпа нон қўйди-да, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Имом Исмоил соғ қўли билан сопол кўзадан арпа гўжа қўйиб Ибн Синога узатаркан, билинар-билинемас кулимсиради:

— Чамамда, ҳазратлари тунда каминани танимадилар?

— Тунда танимаган эдим, аммо...

— Танимаганингиз ажабланарли ҳол эмас, ҳазратим. Исфаҳонда кечган ул воқеаларга салкам ўн йил бўлмиш. Аммо фақирни бир ой пинҳона даволаб, жонсиз жисмимга қайта жон ато қилганингиз тоабад ёдимдадур, ҳазратим!

— Ташаккур,— деди Ибн Сино ва имомнинг кўк мато билан ўраб, бўйнига осиб олган қўлига зимдан кўз ташлади.— Чамамда, тақсирим яна муолажага муҳтождурлар?

— Ҳа,— деди имом ўнг қўли билан ярадор қўлини аста силаб.— Минг таассуф, тундаги тўқнашувда бир неча йигитларимиз жароҳатландилар.

— Марҳамат, ёрдам бермоқ лозим бўлса, камина хизматларига ҳозирмен!

— Миннатдормен, тақсир. Аммо сизнинг ёрдамингиздан ҳам зарур бир гап бор.— Имом тўсатдан қовоғини уйиб, Ибн Синога синовчан тикилди.— Сўзимга қулоқ солинг, ҳазратим. Биз бу қароргоҳдан дарҳол кетмоғимиз даркор. Сабаби — ҳазратларини излаб дориссалтанатдан лашкар бостириб келиш хавфи бор! Бас, ҳазратимдан бир нарсани сўраб олмоғим лозим.

— Бош устига!

— Камина эшитган эдимки, ҳазратлари бу бераҳм мустабид султонга хизмат қилишдан тоабад бош тортиб, қочиб юрмишлар деб! Бу сўз рост бўлса... нечун бу аҳдингиздан қайтиб, уни даволагани келдингиз, тақсир?

Имомнинг хиёл бўғиқ овозида аллақандай норози ва таҳдидли оҳанглар янгради.

— Не чора,— деди Ибн Сино чуқур хўрсиниб.— Биз ҳакимлар учун шоҳу гадо баробардур. Хаста борки, хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо — уни даволамоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздур, тақсир! Аммо...

— Билмам, ҳазратим. Бу бетавфиқ султонга ёпишган бу дарду бедаво... тақдири азалнинг хайрли ҳукми эмасму? Қирқ йиллик қатлу қирғинлари, жабру-ситамлари, тўккан дарё-дарё қонлари учун кўк юборган интиқом эмасму? Бас, бундай бешафқат мустабид шоҳни даволамоқ гуноҳи кабир¹ эмасму, ҳазратим?

Ибн Сино имомнинг аллақандай қаҳр ва илҳом билан порлаган кўзларидан қўзини олиб қочди. Ажабо! Қаҳрли кўзларидан ўт чақнаб турган бу имомнинг сўзларида донишмандларга хос бир мантиқ ва адолат бор эди!

Имом Исмоил гўё унинг ўйларини илғаб олгандай:

— Ҳа,— деб хитоб қилди.— Ҳақ ва адолат лашкарининг ғозийла-

¹ Гуноҳи кабир — катта гуноҳ.

ри бугун-эрта Ғазавот туғи остида бирлашиб, юртимиз тупроғини бул мустабид шоҳ зулмидан фориг этмоқ азмидадур!

«Ғазавот туғи? Ё тавба! Агар «ҳақ ва адолат лашкари», деган сўз рост бўлса... нечун бу кураш ғазавот туғи остида бошланадур?— деди Ибн Сино ичида. Лекин дарҳол бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Мисрда, имом аз-Зоҳир бошчилигида бўлиб ўтган занжилар исёни лоп этиб ёдига тушди. Бу занжи қуллар исёни ҳам ғазавот туғи остида ўтганини Ибн Сино яхши билар эди. Бироқ яхши билса ҳам шафқатсиз қон нафаси уфуриб турган бу сўз унинг юрагига аллақандай совуқ шаббада бўлиб тегди-ю, кўнглини ёритиб турган илиқ нур сўнди-қолди. Имом эса буни сезмай:

— Тасанно!— деди чеҳраси очилиб.— Сукут — аломати ризо! Агар каминанинг сўзига рози бўлсангиз бизнинг лашкаримизга қўшилгайсиз, ҳазратим!

Ибн Сино базўр ҳушини йиғиб:

— Ташаккур,— деб қўлини кўксига қўйди.— Аммо... тақсиримнинг лашкари султон Маҳмуд лашкарига тенг келурми?

— Султоннинг таянчи — беҳисоб лашкар бўлса, бизнинг таянчимиз ҳақ ва адолатдур! Маконимиз осмон баробар тоғлардур! Бас! Фурсат зик, ҳазратим. Ё «ҳа» дегайсиз, ё «йўқ!»

Ибн Сино ҳамон нима дейишини билмас эди. Унинг кўз олдига яқиндагина не машаққатлар билан босиб ўтган тоғ ва даралар келди, келди-ю, бир зум имомнинг сўзига киргиси, унинг лашкарига қўшилиб, «ҳайю ҳайт», деб ўша тоғларга, султон қўшинлари, унинг машъум хуфялари ва мушрифлари етолмайдиган чўққиларга чиқиб кетгиси келди. Аммо...

— Таассуфлар бўлсинким, камина сарбоз бўлиб туғилган эмасмен...

— Сарбоз бўлиб туғилмасангиз ҳам сарбозу саркардалардан юз чандон ортиқ иззату икромда бўласиз, ҳазратим.

— Тоабат миннатдормен. Ва лекин... камина бутун фикри-зикрим илми ҳикматдадур. Уйлаб қўйган асарларим, бошлаб қўйган китобларим бор — шуларни ниҳоясига етказсам...

— Китобми ё одил шоҳлар ҳақинда чўпчакми?— деди имом Исмомил чандиқ қошлари асабий пирпираб.— Мен сиз алломаларга ҳайронмен! Одил шоҳларни кўмсаб ва ёмон ҳокимларни лаънатлаб ёстиқдай-ёстиқдай китоблар битасиз. Узларинг эса... султон Маҳмуд янглиғ мустабид шоҳлар хизматида қуллуқ қилиб юрасиз.

— Не чора?— деди Ибн Сино ва имомнинг кўзлари совуқ чақнаганини кўриб, бошини эгди.— Боз устига Исфаҳон қора ўлат исканжасида қолган. Умидим — тезроқ қайтиб бормоқ, қайтиб бориб шўрлик мардуми мўминнинг хизматида бўлмоқ...

— Бас!— Имом Ғозий соғ қўлини бир силтаб ўрнидан турди.— Сизга ижозат, ҳазратим.

— Рухсат этсалар, жароҳатланган қўлларини кўрсам...

— Ташаккур!— деди имом Ғозий, худди аразлаган боладай чандиқ юзини терс буриб.— Қўлим синганми, йўқми,— шуни айтиб берсангиз бас!

Ибн Сино имомнинг қўлидаги қалин бўз латтани аста ечди. Имомнинг билагини қилич кесган, узун ва чуқур ярасига нимадир сепилган, лекин қон ҳануз тўхтамаган эди.

Ибн Сино имомнинг шишиб кетган билагини аста-аста ушлаб кўрди. Имом, ранги девор, тишини тишига қўйганича, жимгина бош эгиб турарди.

Ибн Сино ярани авайлаб артиб, қайта боғлади.

— Хайрият, суяк омон...

— Хайрият,— деди имом ҳам.

— Аммо ярангиз хавфли. Фақирга бир одам қўшиб берасиз. Уқилон заҳри билан аччиқ бодом ёғидан ясалган дору берамен. Уни ҳар қуни икки маҳал суртасиз!

— Ташаккур!— деди имом Исмоил, ҳамон қовоғи очилмай.— Сизга рухсат, ҳазратим! Менинг сарбозларим сизни работга элтиб қўядилар. Ва лекин ёдингизда бўлсин: мабодо, ҳазратлари бирор ёрдамга муҳтож бўлиб қолсалар... Ғазнада Маликул шароб деган бир шоир бор. Уни дориссалтанатда танимаган одам йўқ. Ушал бандан мўминга хабар қилгайсиз. Хайр, султон сарбозлари бостириб келгунча бекатга етиб олинг. Омон бўлинг, ҳазратим!

Имом Ғозий шитоб билан юриб чодирдан чиқди.

Ибн Сино чодирда ёлғиз қолди. У имом Ғозийнинг илтимосини рад этиб, тўғри қилдими ё нотўғрими — буни ўзи ҳам билмас эди.

Йигирма учинчи боб

1.

Кечаси Осмон маликаси саройда ўтган тонготар базми жамшиддан сўнг маст уйқуга кетган вазир Абул Ҳасанак кимнингдир турткисидан базўр қўзини очди. Тепасида, қўлида дир-дир титраган шам, «назм бўстонининг боғбони» шоир Унсурий турарди.

Хона бўм-бўш, ўртада турган хонтахта четга сурилган, унда ейилмай қолган бир лаган қовурдоқ, май тўла биллур идишлар, ёқут ва феруза пиёлалар бетартиб юмалаб ётар, ёнидаги тўшак эса бўм-бўш, кечаси «ҳазрат Ибн Сино» билан бўлган майхўрликдан сўнг ёнида қолган ҳарам бекаси уни тарк этган, тўғрироғи, бека эмас, вазир жанобларининг ўзи уни беҳаё-бешарм бир сўзи учун кетига тепиб, ҳайдаб юборган эди!..

— Хўш, сабаб тун ярмида ажинадай тентираб юрибсен?— деди Абул Ҳасанак қайта жойига чўзилиб.— На ўзинг ухлайсен, на бошқаларга уйқу берасен!..

Шоир Унсурий, қўлидаги шам бадтар титраб, тўшак ёнига чўккалади.

— Машъум хабар, валинеъмат!

— Машъум хабар?— Абул Ҳасанак устидаги шойи кўрпани отиб юбориб, қаддини ростлаб ўтирди.— Офтоби олам?..

— Офтоби олам, оллога шукр, саломатлар,— деди Унсурий шошиб.— Аммо... Ғазнага ҳазрат Ибн Сино келмиш!

— Қочмиш?!— деди Абул Ҳасанак талмовсираб.— Қаёққа қочмиш?!

— Қочмиш эмас, келмиш! Исфаҳонлик чин ҳазрат Ибн Сино келмиш! Шундайким, гўё саройдаги бу Ибн Сино эмас, амир Масъуд йўллаган ўшал Ибн Сино — чин ҳазрат Ибн Сино эмиш!..

Абул Ҳасанак афтини бужмайтириб, заҳарханда қилди:

— Бул Ибн Сино, ул Ибн Сино! Тақсирим қайдан топдилар бу хабарни?

— Камина бу хабарни Пири Букрийдан эшитдим. Бу маккор букрининг эса, хабарингиз бор, билмаган сир-асрори йўқдур. Пири Букрийнинг айтишича, Хатлибегим бошлиқ бир гуруҳ амирлар Исфаҳондан келган ул Ибн Синони эрта-индин асъасаю дабдаба билан қарши олмоққа чоғланганлар. Чоғланганлар орасида анов мутакаббир аллома Абу Райҳон Беруний ҳам бор эмиш. Бу ишга ҳаттоким қадрдон хешингиз... вазири аъзам Али Ғариб ҳам бош қўшган эмиш!..

— Али Ғариб?— Абул Ҳасанак ўрнидан сапчиб туриб, хонтахта ёнига борди. Итоатсиз қўллари билан ёқут пиёлани тўлдириб май қуйди-да, бир кўтаришда бўшатиб, хонани айланишга тутинди.

«Бул Ибн Сино, ул Ибн Сино! Чин Ибн Сино, ёлғон Ибн Сино!»

Ажабо! Бир-икки ҳафта муқаддам «ҳазрат Ибн Сино» аталмиш бу кимса саройда пайдо бўлгандан буён бу гаплар унинг хаёлидан тамом кўтарилган эди. Анов имонсиз Али Ғариб қаердадир топиб келган бу иблиснинг сохта Ибн Сино экани, оламда ҳақими даврон аталмиш чин Ибн Сино борлиги, у қаердадир — йироқларда, амир Масъуд

турган Исфаҳон томонларда қочиб юргани вазир жанобларининг ҳаё-
лидан батамом қўтарилган эди!

Ўзини «ҳазрат Ибн Сино» деб атаган бу кимса, дориссалтанатга қадам қўйди ҳамки, саройда ғалати ишлар бошланиб кетди. Ҳамма унинг ҳукми ва сеҳрига мафтун бўлиб, гўё ақли-ҳушидан айрилиб қолди. Авваламбор, сўнгги бир неча ойдан буён саройда, наинки сарой, бутун салтанатда ҳукм сурган таваҳҳум ва таҳлика қайгадир даф бўлиб, ҳамма енгил нафас олди, мотам кайфияти тарқаб, қандайдир енгил, хушнуд, сафоли кунлар бошланди, гўё осмонни қоплаган қора булутлар тарқаб кетди-ю, ярқираб офтоб чиқди. Мотам либосини кийган ҳарам бекалари, баковуллар, ҳазинадорлар, хонанда ва созанда-ларга жон кирди, шу-шу, серлаззат базми жамшидлар, кайфу сафо, мусиқа ва мушоиралар бир-бирига уланиб кетди. Бу кайфият, бу хушнудликнинг бош сабаби эса, бирламчи, оллонинг инояти, иккиламчи «ҳаким ҳазратлари»нинг муолажаси бўлди. Шу муолажа сабаб жар ёқасига бориб қолган амирал мўъминин кундан-кунга «бери қарай» бошлади. Бир-икки ҳафтадаёқ дилига ором, белига қувват кирди, шундайким, бундан бир неча кун муқаддам, дориссалтанат аҳлига кўри-ниб, мардуми мўъминларга ўз чеҳрай шамсларини намоеъ этиб, улар-ни бахтиёр қилиш иштиёқи туғилди. Шу боисдин, Ғазнаи мунаввара кўчалари супурилиб-сидирилди, майдон ва гузарларга сув сепилиб, дарохтлардаги чанглар ювилди, ҳовузларга сув қуйилиб, фавворалар ишга туширилди, дўкон ва раста пештоқларига қимматбаҳо ипак ва шойи матолар тутилди, бозорлар ва карвонсаройларда неки шубҳали кимсалар, гадолар, қаланғи-қасанғилар, неки ипринди-сипринди йўқ-силлар бўлса, ҳаммаси шаҳар ташқарисига ҳайдалди. Кеча, ниҳоят, ҳамма ишлар интиҳосига етди. Сарой олдидаги майдонда султони са-лотиннинг шахсий ғуломлари бўлмиш етти юз суворий саф тортди. Уларнинг ҳаммаси эғнларига бир хилда қизил чакмон, бошларига қизил попукли мис дубулғалар кийган, ҳаммаси бирдай қилич яланғочлаб, ҳаммаси бирдай оқ бедов минган. Фақат ҳар юз суворийнинг бошида турган ясовулларгина эғнларига кўк бахмал тўн кийиб, ҳам-маси бир хил қора арғумоқ минган, қўлларида эса яланғоч қилич ўрнига, кўк туғ ушлашган.

Пешинга яқин Осмон маликаси қасри олдидаги кенг майдонга от ўйнатган амиру умаро, кимхоб ва зарбоф тўнларга ўранган аркони давлат, ҳаммаси бир хил сафроранг жубба кийган уламои киромлар йиғилишди. Сўнг қаср буржларида ўнларча ноғоралар гумбурлаб, ўн-ларча карнайларнинг пайваст наъраси осмону фалакни зир титрат-ди-ю, саройдан... бир ёнида имом Сайид, бир ёнида Абул Ҳасанак би-лан «ҳазрат Ибн Сино», амирал мўъминин чиқиб келди. Султоннинг бошида... учига инжулар қадалган қундуз телпак, эғнида тилла тас-малар билан зийнатланиб, тугма ўрнига дур ва ёқут қадалган қизил зарбоф тўн, белида беш юз мисқоллик¹ тилла камар, оёғида пошна-ларига кумуш тепки қоқилган қизил чарм этик. Унинг ёноқлари тур-тиб чиққан кенг, суяқдор юзи ҳамон мумдай сарғиш, аммо чуқур ботган қийғоч кўзлари тунги алангадай чарақлаб турар, қадам таш-лашлари бардам ва шиддатли эди. Султон дарвозадан чиқиши билан унга туёқларидаги тақаларидан тортиб, эгар-жабдуқларигача соф қизил тилладан ясалган, пешонасига зар попуқлар тақилган сеvimли қора қашқа бедовини рўпара қилишди. Бироқ амирал мўъминин отга минишдан аввал, майдонда баб-баробар таъзим бажо келтириб турган мингларча, йўқ, ўн мингларча садоқатли зоҳир аёёну боёнларга, қилич яланғочлаганларича серрайиб қолган суворийлар ва кўк туғ ушлаган ясовулларга узоқ ва синовчан тикилиб турди. Кейин, қўлтиғидан олган надимларни силтаб ташлаб, узангига оёқ қўйди, қўйди-ю, ўн минг оломоннинг жўр ва ҳайратомуз хитоби остида, ўзини эгарга олди!

¹ Бир мисқол — 4,5 грамм.

Ноғоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмону фалакка чиқди. Шу музаффар садолар остида беҳисоб аркони ҳарб ва аркони давлат қуршовида, қилич яланғочлаган етти юз суворий ва кўк туғларини ҳилпиратган юзларча ясовуллар даврасида амирал мўминин дориссалтанат кўчаларидан, сув сепилиб ёғ тушса ялагудек қилиб кўйилган чорраҳа ва гузарлардан, кумуш фавворалар ўрнатилган майдонлардан, кўк, қизил, сариқ матолар билан безатилган раста ва дўконлар олдидан қора қашқа бедовини ўйнатиб ўтди. Хачир миниб, хуржунларини кумуш ва тилла тангаларга тўлдириб олган хазинадорлар кўчалар ва гузарларни тўлдирган оломоннинг бошига ҳовуч-ҳовуч пул сочди. Шу йўсин, ерга сочилган тангаларнинг жаранг-журунги, бу тангаларни талашиб муштлашган оломоннинг ҳайқириғи ва отлар дупури остида султон Қўшки давлат рўпарасидаги масжиди жомеъга етиб борди.

Юсак пештоқлари осмону фалакка санчилган, ложувард тилла-кори гумбазлари офтобда камалак рангида товланган бу муҳташам масжиднинг юз минг намозхонга мўлжалланган мармар майдонига қизил гулдор полослар тўшалган эди. Амирал мўминин шу масжид айвонида, ҳаммаси бир хил сафроранг жубба кийган мингларча уламон забардастлар даврасида, майдонга йиғилган юз минг намозхон иштирокида пешин намозини ўқиди. Намоздан кейин имом Сайид масжид меҳробидан туриб, ваъз айтди, барча мўминларнинг тўккан кўз ёшлари ва қилган дуои жонлари кўкка етиб борганини, яратган эгам ўз марҳаматини дариг тутмай, «Ҳазрат Ибн Сино»ни етказиб, ўзи берган дардини ўзи даф этганини сўзлади ва кўзига ёш олиб, дуога қўл очди: илоё, жафо юкини тортмоққа тоқат ва муҳаббатинг меҳнатини чекмоққа бардош ато қилгайсен. Омин!

Имомнинг ваъзи ва бутун дориссалтанатни ларзага келтирган юз минг кишининг жўр «илоҳи омин»идан кейин энг мўътабар мартабадорлар, амирлар, девон беклари Феруза боғига лутфан тақлиф этилди.

Боғи Ферузнинг қоқ ўртасига, гумбазли шийпон ёнидаги мармар ҳовуз теварагига ранг-баранг ҳинд гиламлари тўшалиб, беш юз кишига дастурхон тузалган эди.

Осмон беғубор, тиниқ, офтоб сели гўдак кулгисидай ёқимтой эди. Кўм-кўк ясси қирлар бағридаги беҳудуд Боғи Феруз жаннатдай гўзал, ҳаммаёқ ям-яшил, тиниқ, мусаффо, ҳар бир дарахт, ҳар бир гул тагида булбуллар сайрар, қовурилаётган гўшт, қалампир ва пиёзнинг ўткир ҳидига ҳовуз бўйларидаги райҳон ҳиди, қир гиёҳларининг сал тахир нозик бўйлари қўшилиб, ҳавони аллақандай бетакрор хушбўй атир нафаси тўлдирган эди. Ҳовузнинг икки ёнидаги икки супани хонанда ва созандалар эгаллаган, созларнинг куйи боғдаги булбуллар овозига қўшилиб, юракларда ширин орзулар ва аллақандай хаёлий гўзал ҳислар уйғотарди.

Амирал мўминин бир ёнида Абул Ҳасанак, бир ёнида «ҳазрат Ибн Сино», кўк гумбазли шийпонга чиқиб, суянциқлари ёқут ва жавоҳирлар билан зийнатланган, устига шер териси ташланган юмшоқ курсига ўтирди, қолган мартабадорлар эса ҳовуз теварагидаги шойи кўрпачалардан жой олишди.

Нозик ҳаворанг кошнлар билан қопланган ҳовуз сувига бир кун аввал беш минг каллақанд ташланган, истаган киши ўтирган жойида пиёласини чўзиб, шарбатга айланган бу сувдан тўйганича сипқариши мумкин эди!

Зиёфат яна «ҳакими даврон ҳазратлари»ни улуғлашдан бошланди. Амирал мўминин унга ўз қўли билан оғзига сиққунча олтин ошатиб, эгнига бошдан оёқ янги сарупо ёпди, сўнг, назм бўстонининг боғбони шоир Унсурий аввал султони салотинга, кейин «ҳазратларига» бағишлаган икки янги қасидасини ўқиб берди. Янги қасида янги куйларга, куйлар қадаҳлар жарангига уланиб кетди-ю, базми жамшид авжига чиқди. Май дарё бўлиб оқди, сомсапазлар барра кўзи гўштига доривор гиёҳлар қўшилган иссиқ сомсаларини кўз-кўз қилишди,

кабобпазлар арча чўғларида жизгинак қилинган ва арча бўйи таралган думба аралаш жигар кабобларини намоиш этишди, кабобдан кейин ёқут косаларда кийик ўти, райҳон ва қора мурч солинган шўрваи шер, шўрваи шердан кейин қисик кўз нозанинлар сурати солинган чиний лаганларда бедана гўшти босилган қизил палов тортилди.

Султон бошда хиёл хомуш эди. Уқилган қасидалар, чалинган куйлар, дунё тургунча туришини тилаб айтилган ҳамду саноларга жимгина қулоқ солиб, бирда кинояли кулимсираб, бирда гўё тинимсиз ўқиладиган бу мадҳияларни хушламагандай, аллақандай маҳзун хаёлларга чўмиб ўтирди.

Базм қизиб, палов тортилган маҳалда «ҳакими ҳозиқ ҳазратлари» амирал мўъмининга бир пиёла май тутди. Султон бу майни ичди-ю, гўё ичига олов киргандай баногоҳ сергак тортди. Белидаги беш юз мисқоллик олтин камарини олиб, бир чеккага отди, тугма ўрнига беҳисоб жавоҳида қадалган зарбоф тўнини ҳам ечиб ўрнидан даст турди-да, ҳоҳида узуни, қоқ суяк қўлларини машшоқлар томон узатиб:

— Бас!— деди қисик кўзлари чўғдай ёниб.— Бас бу қўшиқ, бу ҳамду санолар!

Ҳовуз бўйидаги ғала-ғовур, супалардаги машшоқларнинг тинғир-тинғири тиниб, орага совуқ, таҳдидли сукунат чўкди. Қизарган, бўғриққан юзлар оқариб, мастона сузилган кўзлар гумбазли шийпон томон ҳадик ва қўрқув билан тикилди.

— «Дунё тургунча турғайсиз! Файзи илоҳий тоабат ёр бўлғай!»— деди султон кесатиб.— Май устида мадҳия ўқимоқ осон, аммо вафодор надим бўлмоқ мушкул бу дунёда! Ҳа, ҳамманинг ичини кўриб турибди султон Маҳмуд! Дилларингда не ўй, кўнгилларингда не ғараз, каллаларингда не фисқу фужур — барини кўриб турибди султон Ғазнавий! Буқун каминага ҳамду сано ўқиган аъёну боёнлар... кеча унга ўлим тилаган эди дилларида!— султон шундай деб бир қадам олдинга юрди, юриши билан пастда, дастурхон атрофида ўтирганлар, бир газ орқага тисарилишди.

— Ҳа, кимки вафо қилса вафо, жафо қилса жафо топғусидир бу дунёда! Қимки султон Ғазнавийга чоҳ кавлаган бўлса, ўзи шу чоҳга қулагусидир! Султон Маҳмуд эса, дини ислом йўлида ҳамиша камарбаста, яқин келгусида машриқда Қашмир, мағрибда қайсари Рум, қўйингки, пойқадамим етмаган жой қолмас!..

Шоир Унсурий пилдираб келиб, шийпон зинасига тиз чўкди-да, кўзига ёш олиб:

— Илоҳи омин!— деб хитоб қилди.

Мастона овозлар бир-бирига қовушмай заифроқ янгради:

— Илоҳи омин!

— Аммо... кимки, тили шакар, дили заҳар бўлиб ёмонлик тиласа, тоабат эсларида сақласинлар!— Султон шундай деб шийпон устунини қучоқлади-да, пастга, емиш тўла хонтахталар орқасида ғужанак бўлиб ўтирган мартабадорларга қадалиб-қадалиб қаради, гўё улар орасидан энг ашаддий душманини қидираётгандай узоқ тикилиб турди-да, тўсатдан:

— Анов еблиси лаин... вазири аъзам қайда?— деб сўради.

Абул Ҳасанак шоша-пиша таъзим бажо келтирди.

— Олампаноҳнинг мўнаввар хотираларида бўлса, ул муғомбир тулкини ҳаким ҳазратлари айтган «неъмат илоҳий»ни топиб келмоқ учун «Кўҳи Сарандип»га йўллаган эдик, давлатпаноҳ!

— Ҳануз қайтмадимки ул маккор?

— Яқинда қайтмоғи даркор, олампаноҳ!

— Ҳмм!— деди султон кўзини юмиб.— Май!

Ҳовуз теварагидаги аъёну боёнлар нақшинкор устунни қучоқлаб турган султондан кўзларини узолмас, улар гўё илон сеҳрига илинган бақалардай жой-жойларида серрайиб қолишган эди.

Султон Абул Ҳасанак тутган майни аста ва узоқ симириб, пиёлани қайтариб берди-да, яна ҳовуз атрофида бақалардай кўзлари чақ-

чайиб ўтирган аъёнларига қаради, гўё уларнинг орасидан яна бир ашаддий душманини қидирмоққа киришди.

— Ҳа, айтгандай, анов шаккок шоир... Маликул шароб қайда?— тўсатдан сўради султон. Сўраши билан ҳовуз бўйидаги сарой аҳли баб-баробар «уф», деб енгил нафас олди.

— Ул шаккок шоир...— деди Абул Ҳасанак, нечундир талвасага тушиб.— Хабарим йўқ, давлатпаноҳ! Ипринди майхонасида қусигига беланиб ётгандир ул бетавфиқ!

— Фармон бер, дарҳол топиб келсинлар ул имонсизни! Узига умр тилаш ўрнига султонга ўлим тилаган ғаламислардан бири ўшал қузгун эди! Чақир, ҳолини кўрсин султони салотиннинг!..

Амирал мўъминин шундай деб жойига бориб ўтирди. Утириши билан нимадандир безовталаниб, аллақандай питирлаб қолган Ибн Шаҳвоний ёнини кавлаштириб, зарҳал қоғозга ўралган мошдеккина сафдоранг бир дори олди-да, султонга узатди.

— Бир ҳўплам шарбат билан ичиб юборинг, давлатпаноҳ. Белингизга қувват, дилингизга сурур бағишлайди бу дору!

Дарҳақиқат, доридан кейин чорак соат ҳам ўтмадики, султоннинг қийғоч кўзлари артилган динордай ярқираб, юпқа лабларига кулги югурди-ю, тўсатдан амир Алитегиннинг кенжа хотинини кўриш истagini билдирди.

Абул Ҳасанак ичида «ҳаким ҳазратлари»га яна бир бор таҳсинлар ўқиб, дарҳол тахтиравонни рўбарў қилди. Сўнг «Ибн Сино ҳазратлари» билан султонни саройга элтиб, махфий гўшага киритди-да, Осмон маликаси қасрининг беҳисоб хоналаридан бирида Ибн Шаҳвоний билан бирга айшни давом эттирди!..

Ё халлоқ! Ҳамма, ҳамма ишлар яхши кетаётган бир маҳалда... бу машъум хабар! Гўё султонни даволаган бу «ҳакими даврон» Ибн Сино эмас, Хатлибегим билан анов баттол Али Ғариб топган ул Ибн Сино — чин Ибн Сино эмиш!.. Боз устига бургага тузоқ қўйган бу вазири аъзам яқин-яқинларгача Хатлибегим билан амир Масъудни кўрарга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Энди эса улар билан тил топишган эмиш! Узи топган «ҳазрат Ибн Сино»дан айниб, бошқа Ибн Синони топган эмиш!.. Ҳай атганг! Агар Абул Ҳасанак эски рақибининг бу қадар қабиҳлигини билганида тунов кунни уни «неъмат илоҳий»ни топиб келиш учун «Кўҳи Сарандип»га эмас, тўппа-тўғри асфаласофилнга жўнатиб қўя қолар эди!

Абул Ҳасанак билар, султоннинг фармони билан «Кўҳи Сарандип»га жўнатилган бош вазир Гардиз тоғлари орасидаги Кўҳандиз қалъасида яшириниб ётарди. Тошга ўйилган минг пиллапоялик бу махфий қалъада энг ашаддий ғанимлар сақланар, шундай бўлса ҳам дарғазаб султоннинг кўзидан йироқ бўлишни истаган бош вазир ўша қалъага махсус жой қилдириб, каламушдай бекиниб олган, чамаси қаёққа яширинганини ҳеч ким билмайди, деб ўйларди. Лекин Абул Ҳасанак буни билар, бош вазир Кўҳандиз қалъаси тугул, етти қават ернинг тагига кириб кетса ҳам билган бўларди. У фақат фурсат пойлар, «Неъмат илоҳий»ни топиб келишга кетадиган саксон кун ўтгач, уни ёқасидан ушлаб, яшириниб ётган қавагидан судраб чиқишни режалаб қўйган эди! Аммо бу режани тузаркан, Абул Ҳасанак уни Кўҳандиз қалъасида тавбасига таяниб ётибди, деб ўйлаган эди! Бургага тузоқ қўйган бу қари тулки эса тавбасига таянмоқ у ёқда турсин, анов ёсуман Хатлибегим тарафига ўтипти, ўтгани ҳам майли, амир Масъуд юборган чин Ибн Синони султонга рўбарў қилмоқчи бўлганлар билан тил бириктирибди! Бас, бу қузгун бош қўшган ишдан кўрқмоқ даркор! Ҳар қалай, эҳтиёт — шарт. Қаердадир айш қилиб ётган «ҳакими даврон» ҳазратларини топиб, уни бу гапдан огоҳ қилиб қўймоқ лозим!

Абул Ҳасанак ҳамон рўпарасида титраб-қақшаб турган Унсурийга қараб, кинояли кулимсиради:

— Йўл бошланг, назм бўстонининг боғбони! «Ибн Сино ҳазратлари»ни топиб бу хушxabарни унга етказмоқ даркор!

Сарой маст уйқуда, бошдан-оёқ майин ипак гиламлар тўшалган узун йўлак кимсасиз эди. Токчалардаги олтин шамдонлар ва шифтга осилган чамбарак қандилларда битта-яримтагина шам ёнар, уларнинг хира шуъласида нимқоронғи йўлак аллақандай сирли ва совуқ туюларди.

Абул Ҳасанак билан шоир Унсурий, қўлларида шам, икки ёндаги турнақатор ўймакор эшикларни битта-битта очиб, йўлакнинг охиригача боришди.

Бири катта, бири ўртамиёна, бири чоғроқ, лекин ҳаммаси бирдай қимматбаҳо жиҳозлар — гаройиб суратлар солинган ранг-баранг палослар, ҳинд ибодатхоналарининг олтин маъбудалари, сержило биллур идишлар, ёқут ва забаржад косалар, фил суягидан ясалган ҳайкалчалар, тилла баркашлар билан зийнатланган бу хоналарнинг ҳаммаси бўм-бўш; гўё кутилмаган бир офат рўй берган-у, сарой аҳли ҳамма бойлик, ҳамма буюмларни ташлаб, бош олиб қочган...

Абул Ҳасанак йўлак охирига етгач, қаёққа юришни билмай, бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб туриб қолди.

Кечаси султонни пинҳоний гўшасига элтиб қўйганларидан кейин Абул Ҳасанак «ҳазрат Ибн Сино» билан бирга бояги хонага кириб, майхўрликни давом эттирган, сўнг, ҳарам бекаларидан бирини чақириб, иккита каниз келтиришни буюрган эди.

Ҳарам бекаси ёшигина бир канизни бошлаб келди-да, ўзи ҳам даврага қўшилди. Унинг мақсадига тушунган «ҳаким ҳазратлари» ёш канизни танлади, чекига ҳарам бекаси чиққан Абул Ҳасанак эса, унга гаши келиб, қумалоқ солишни таклиф қилди. Аммо омади юришмади. Қумалоқ солинганда чекига ёш каниз чиққан «ҳакими даврон» канизни бошлаб чиқиб кетди-ю, Абул Ҳасанак ҳарам бекаси билан қолди.

Ҳарам бекаси ҳам дуркунгина, кўҳликкина жувон эди. Абул Ҳасанак тақдиридан нолимай, унга бир пиёла май тутиб кучоғига олмоқчи бўлди. Бироқ бека Абул Ҳасанакка тақлид қилиб, май тўла пиёлани бир кўтаришда бўшатди-да, оппоқ, момик қўллари билан вазир жанобларининг юзини силаркан:

— Вой тавба!— деб кулди.

— Хўш, нечун ажабланасиз, бекам?

— Қош-кўзларингизга!— деди каниз эркаланиб.— Худо сизга шундай қош-кўз инъом қилган-у, ишқ ҳунарида...

— Хўш, хўш?

— Ишқ ҳунарини... анов ҳаким ҳазратларига инъом этган!

Абул Ҳасанак қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Аввал каминани бу ишда бир синаб кўринг, кейин сўзлайсиз, бекам!

— Йўқ!— ҳарам бекаси эркаланиб унинг юзига секин шапати урди.— Уриниб юрманг, жаноблари, бари бир бу ишда ҳаким ҳазратларига тенг келолмайсиз!

Шундан кейин нима бўлди — аввал тарсаки туширдими ёхуд олдин бир тепиб, кейин тарсаки туширдими — буни Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам билмай қолди, фақат учиб кетган беканинг дод солиб ўзини эшикка ургани эсида қолди, холос.

Мана ҳозир ҳам беканинг масхараомуз гапи ёдига тушган вазир жанобларининг кўнглида ҳасад аралаш рақобат туйғуси аланга олди-ю, йўлак охиридаги мрамар зиналардан иккинчи қаватга кўтарилла бошлади.

Бу ерда ҳам икки томон турнақатор эшиклар бўлиб, султоннинг машҳур махфий гўшаси йўлакнинг энг охирида эди. Бу ердаги шамларнинг деярлик ҳаммаси ўчирилган, фақат энг тупкарида биттаю битта шам милтирар, қоронғи йўлак тубсиз фордай сирли ва беҳудуд туюларди.

Абул Ҳасанак, ранги ўчиб, дир-дир титрай бошлаган шоирга бир қараб қўйди-да, оёқ учида одимлаб, яна эпикларни бирин-кетин оча бошлади. Шоир Унсурий унинг орқасида арвоҳдай эргашиб борар, мўралаб қарашга ҳам журъат этмас эди.

У аввал лаблари унсиз пичирлаб, очиб-ёпилган эшикларни санаб борди. Пинҳоний гўшага яқинлашган сайин қўрқув ва ҳаяжондан саноқни ҳам унутиб қўйди. Мана, махфий гўшага биттагина хона қолди. Абул Ҳасанак бу хонанинг фил суягидан жило берилган эшигини аста очиб ичкарига кирди. Кирди-ю, гўё хонада мудҳиш бир нарсани кўргандай, даҳшат билан орқага тисарилди:

— Олампаноҳ!

— Олампаноҳ?— Унсурий вазир жанобларининг ваҳимали шивиридан даҳшатга тушиб, орқага чекинди.— Т-тирикмилар, олампаноҳ!

— Тирик! Маст уйқудалар! Аммо... анов баттол ҳаким қайда?—

Абул Ҳасанак чиройли серкиприк кўзларини пирпиратиб, шоирга бир зум тикилиб турди. Сўнг шитоб билан юриб бориб, махфий гўшанинг тилла тасмалар қоқилган залворли эшигини юлқиб очди!..

Хона чароғон эди! Ундан тушган ёруғ нур Абул Ҳасанак билан Унсурийнинг кўзини қамаштириб юборди.

Во дариг!

Девор ва шифтларига яланғоч эркак ва аёлларнинг ишқий ҳолатларини тасвирловчи ҳаёсиз суратлар солинган ўрдадай кенг хонанинг гўрида, қават-қават шойи тўшак устида, танаси ҳаёсизларча очилиб қолган бир канизни қучоқлаб... «ҳақими даврон ҳазратлари» донг қоғиб ухлаб ётарди!

Абул Ҳасанак ялт этиб Унсурийга қаради. Шоир Унсурий бир деворлардаги беҳаё суратларга, бир тўрдаги оппоқ ипак тўшакда чирмашиб ётган «ошиқ-маъшуклар»га тикилганича, бўсағада ғалати тамшаниб турарди!

Абул Ҳасанак заҳарханда билан қўлидаги шамни «пүф» эткизиб ўчирди-да, қаҳр билан юриб бориб, «ҳақими ҳазратлари»нинг маймундай сертук кетига бир тепди.

«Ҳақими даврон» чўчиб кўзини очди-ю, апил-тапил ўрнидан турди. Уни тепганда уйғониб кетган каниз тепасида қаққайиб турган вазир жанобларини кўриб, қичқириб юборди. Бу ўша, кечаси уни ишқ хунарида ожизсиз деб, масхара қилиб кулган ҳарам бекаси эди!

— Йўқол, кўзимдан, беҳаё фоҳиша!

Абул Ҳасанак бекани ҳам тепишга чоғланди, бироқ яланғоч бека абжирлик билан ердаги оқ рўжага ёпиниб, ўзини эшикка урди.

Сал ҳушига келган «ҳақими даврон» ҳам шоша-пиша кенг ипак чолворини кийиб, эгнига тўнини ёпди.

Абул Ҳасанак оёқларини кериб, унинг тепасида чанг солишга ҳозир турарди.

— Ҳўш, ғаламис? Олампаноҳнинг бу табаррук гўшасини ҳаром қилмоққа ким ижозат берди сенга?

— Олампаноҳ... ўзлари ижозат этдилар, жаноби вазир!

— Олампаноҳ! Манов беҳаё ҳарам бекасини ҳам қўйнингга олампаноҳ солдим, баттол?

— Шундай, ттақсири олам, ўз... ўзлари ижозат этдилар!

— Иблис!— деди Абул Ҳасанак, яна ҳасад алангасида ёниб.— Ҳаммани авраб, ногорангга ўйнатиб бўлдинг! Энди кунинг битди сен қузғуннинг! Чин Ибн Синога юзма-юз бўласен шу букун!

— Чин... чин Ибн Сино?

— Ҳа, чин ҳазрат Ибн Сино келмиш Ғазнага! Амир Масъуд шаҳри Исфаҳондан топиб юбормиш уни!

— Амир Масъуд юбормиш!— «Ҳақими даврон» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳаёсиз суратлар солинган деворни пайпаслаб, аста ўрнидан турди. Дир-дир титраган қўллари билан юз-кўзларини ишқаб:

— Ажабо!— деб ёқасини ушлади.— Наҳот сиздай доно вазир бу ёлғон гапларга инонсалар?

— Ёлғон?

— Ёлғон бўлмаса... ул валинеъмат амирал мўъмининни бу дарди бедаводан фориг қилган ким? Фақирми ёхуд... амир Масъуд топган ул сохта Ибн Синоми?— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний охирги сўзларини аллақандай ўксиб айтди-ю, бошини эгиб жим қолди.

Абул Ҳасанакнинг кўзларидаги бояғи қаҳр ҳайрат ва умид билан алмашди. «Ҳаким ҳазратлари» буни пайқади чоғи:

— Майли!— деди бирдан дадилланиб.— Агар вазир жаноблари фақирдан шубҳа қилган бўлсалар... шифо топган кимса, яъники, амирал мўъминин ўзлари айтсинлар — ким чин ҳазрат Ибн Сино, ким сохта! Султони салотин ўзлари ечинлар бу жумбоқни!

Эшикда ҳануз тамшаниб турган Унсурий бу сўзни эшитиб:

— Офарин сизга, ҳазрат Ибн Сино!— деб чапак чалиб юборди. Ибн Шаҳвоний эса учлари қайчиланган мош-гуруч мўйловини силаб кулимсиради:

— Ҳарам бекасини бекор ҳайдадингиз, жаноб вазир! Чақиринг уни! Мен сизга шундай бир дору берайким, ишқ ҳунарида каминадан юз чандон ўзиб кетасиз!— «Ҳакими даврон» мастона қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Йўқ, йўқ, ҳақ сўз бу, валинеъмат! Султони салотин пешингача уйқудан уйғонмайдилар! Ҳарам бекасини чақиртиринг. Сулув канизлардан келтирсинлар! Анов кекса шоир ҳам бу дунёга келибди — ноумид кетмасин! Бизга қўшилиб бу жаннатда бир даври даврон сурсин, шўрлик!

Йигирма тўртинчи боб

Фазнаи мунавварада чин ҳазрат Ибн Сино пайдо бўлгани ҳақидаги хабарни шоир Унсурийга Пири Букрий етказган бўлса, Берунийга соҳиби девон Абу Наср Мишкан жаноблари етказди.

Беруний сўнгиги бир-икки ҳафта расадхонада бўлиб, шом чоғи шаҳар ҳовлисига қайтган эди. Қайтиши билан соҳиби девон ҳам кириб келди.

Худо бўй-бастдан уриб қолган бўлса ҳам ақл-заковатдан бенасиб қилмаган, ўзини ҳамиша вазмин ва басавлат тутадиган бу одам ҳозир аллақандай бесабр ва бетоқат эди. У Берунийнинг илтифотларига қулоқ солмай, Сабҳуга «чиқиб тур!», деб имо қилди-да, эшикни зич ёпиб, ҳаяжон билан шивирлади:

— Дарҳол кийининг, мавлоно! Биродари азизингиз... ҳазрат Ибн Сино пойтахтимизга қадам ранжида қилмишлар!

«Ибн Сино» номини эшитганда Берунийнинг юраги беихтиёр «шиғ» этди, бироқ шу заҳотиёқ бир ойдан бери бўлаётган можаролар, дориссалтанатда юрган ҳайратомуз миш-мишлар ёдига тушиб, лаби-га кулги югурди.

— Олампаноҳга қанча Ибн Сино керак? Бир сохта Ибн Сино етмайдимми? Иккинчи сохта Ибн Сино не керак, тақсирим?

Соҳиби девон рад ифодасида оппоқ салладор бошини чайқади:
— Йўқ-йўқ, бу Ибн Сино сохта эмас, чин Ибн Синодур, мавлоно! Исфаҳонда турган амир Масъуд ўзи йўллагандур ҳазратларини!

— Иншоолло сўзингиз рост бўлсин! Аммо... амир Масъуд йўллаган бу Ибн Сино чин Ибн Сино бўлса, саройдаги анов «ибн Сино»ни не қиласиз, тақсирим?

— Фош қиламиз! Ёлғиз уни эмас, анов ҳезбачча вазир... Абул Ҳасанакни ҳам қўшиб фош қиламиз, мавлоно!

Берунийнинг лабларидаги табассум аччиқ кулгига айланди.
— Билмам, тақсирим. Сиз айтган ул сохта Ибн Синонинг дорулари султонга сиҳат келтириб, давосиз дардини даф этган эмиш!

— Ёлғон!

— Ёлғонми, чинми, кеча амирал мўъмининни ўз кўзингиз билан

кўрдингиз. Масжиди жомеъда сиз айтган ул баттол ҳакимга ўқилган ҳамду саноларни ўз қўлоғингиз билан эшитдингиз...

— Эшитдим... аммо... бари бир инонмаймен! Ул маккор кимса ҳа-ким эмас, илоннинг ёғини ялаб, қонини сўрган бир фирибгардур! О, мавлоно, мавлоно!— деди соҳиби девон оппоқ бошини алам билан теб-ратиб.— Иблисдан тарқаган бу шайтон саройда нелар қилиб, не ўйинлар кўрсатмоқда — ҳеч бирини билмайсиз! Ул муғомбир афсунгар жоду ва афюн билан султонни ақли-ҳушидан айирмиш. Давлатпаноҳ-нинг кўзини очмоқчи бўлган хешу ақраболар эса — қувғиндадур! Ҳат-то бу фирибгарни топган вазири аъзам Али Ғарибнинг ўзи ҳам олам-паноҳнинг қаҳрига йўлиққандур!

— Сиз эса... ул фирибгарни фош қиламен, деб чиранасиз!

— Мен эмас, сиз билан чин ҳазрат Ибн Сино фош қилмоғи дар-кор ул қаллобни! Ҳамма умид сиз икковларингда, мавлоно! Токи, ўзи-ни чин Ибн Сино деб, олампаноҳни ўз сеҳрига илинтирган бу ғала-миснинг сохта ҳаким эканини фош қиладурғон бошқа бир кимса йўқ-дур, мавлоно!

— Йўқ, уни биладурғон яна бир кимса бор!

— Ким ул?

— Шоир Маликул шароб! Ул шўрликнинг бирдан бир гуноҳи — бу маккор жодугарни таниганидур! Танигани учун бир зиндондан ик-кинчи зиндонга ташланур, сиз эса...

— Ҳмм...— соҳиби девон Берунийга қарашдан уялгандай нигоҳи-ни четга олди, сўнг митти жуссасига мос тушмаган бир қатъият би-лан:

— Хўп!— деди кичкинагина муштани тугиб.— Маликул шаробни зиндондан чиқармоқ чорасини кўрамиз! Аммо шу нарса ёдингизда бўл-син, мавлоно: дориссалтанатга ташриф буюрган биродарингиз чин Ибн Сино ҳам ҳозир Маликул шароб каби хатар остидадур!

«Хатар» сўзи Берунийга худди сармаст одамнинг бошига қуйил-ган бир пақир совуқ сувдай таъсир этди. У бирдан хушёр тортиб:

— Ҳазрат Ибн Сино қайда ҳозир?— деб сўради.

— Расадхонада! Ҳаким ҳазратларини анов бетавфиқ Абул Ҳаса-нак хуфяларидан эҳтиёт қилмоқ ниятида расадхонага туширмоқни ло-зим топдик. Расадхонада ўзларидан бошқа ҳеч ким бўлмас. Ҳазрат-лари олампаноҳнинг чеҳраи шамсларини кўриш бахтига муяссар бўл-гунларича биродарингиз билан бирга бўлурсиз, мавлоно!

Беруний соҳиби девоннинг гапига эндигина ишонди-ю, яна юраги гурс-гурс уриб, жимгина бош эгди.

— Сукут — аломати ризо! Дарҳол кийининг, мавлоно!

Машриқ томондаги тоғлар устида қучоққа сиғмас тўлин ой гўё улкан олтин жомдай ярқираб турар, олам унинг аллақандай осуда, тиниқ шуъласига ғарқ бўлган, кўчалар, майдонлар, чоррахалар ёруғ ва хиёл сирли эди.

Бир неча ой совуқ таҳлика қўйнида ётган шаҳар кечаги тантаналардан кейин сал илиганга ўхшар, тун ярмидан ошиб қолган бўлса ҳам, карвонсаройлардан мусиқа овозлари эшитилар, гузарларда гул-хан ёқиб ўтирган қоровуллар кўзга чалинарди.

Берунийни қуршаб олган ўн нафар суворий шаҳардан чиққач, пастқам арчазор қирлар оша отларининг бошини мағриб томон бу-ришди. Сутдай тиниқ ой шуъласида олисдаги қорли чўққилар элас-элас кўзга чалинарди. Чўққилар томондан ғир-ғир шабада эсар, арча ва ёввойи гиёҳларнинг аралаш-қуралаш нозик атри димоққа гуп-гуп урарди.

Берунийнинг саман йўрғасини «чуҳ-чуҳ»лашнинг ҳожати йўқ, у бошқа отлар қуршовида бир меъёрда беозор йўрғалаб борар, зотан, Беруний қандай ва қаёққа кетаётганларини ўйламас, унинг бутун фикри-зикри бўлғуси учрашувда эди. Бу учрашув, ажабо, унинг хаё-лида бир-бирига зид, нотинч ўйлар, дилида эса хижолат аралаш пу-шаймон уйғотмоқда эди.

Шак йўқ: Абу Алининг келгани яхши! Улар Гурганж сарҳадида видолашибдики, Абу Райҳон уни бир кўришга интиқ-интизор! У билан олам ҳақида, табиат сирлари ҳақида, ўлим ва ҳаётга боғлиқ ечилмас жумбоқлар ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашиш, бошларидан ўтган яхши-ёмон гаплар, кечган кечмишлар тўғрисида ётиб дардлашиш, ораларидан ўтган низо-нифоқлар учун кечирим сўраб, кўнгил тугунларини ёзиш орзусида юрарди! Мана, орзусига ҳам етди ҳисоб! Лекин орзусига етган бир маҳалда бу машъум ишларнинг бошланиши! Узини Ибн Сино деб эълон қилган бу фирибгарнинг пайдо бўлиши! Унинг ақл бовар қилмас найранглари-ю, бу найранглар сабаб, саройдаги фитна-фасодларнинг авж олиши!..

Бундан бир ой муқаддам, ақл бовар қилмас бу машъум ишлар бошланганда Беруний сал ўтмасданоқ уларнинг миси чиқиб, ҳақ қарор топишига инонган эди. Йўқ, акси бўлди! Шайтонга сабоқ берган бу муғомбир қандай дорилар ишлатгани ҳаммага қоронғи, аммо ҳақиқат шуки, бир неча ойдан бери оғир дард оташида қовурилиб ётган амирал мўъминин «ҳазратлари»нинг муолажасидан шифо топиб, оёққа турди. Шаҳарда тарқалган совуқ миш-мишларга барҳам бериш ниятида султон кеча биринчи марта кўчага чиқди, мисли кўрилмаган асъасоу дабдаба билан дориссалтанат гузарлари ва майдонларидан от суриб ўтди, масжиди жомеъда юз минг намозхон иштирокида беш ракаат намоз ўқиб, Феруза боғида беш юз кишига зиёфат берди!..

Бас, бу оғир, нотинч вазиятда азиз биродарининг аҳволи не бўлади? Йигирма йил бу мустабид шоҳга хизмат қилишдан бош тортиб қочиб юрган алломаи замон, наҳот энди, телба тақдирнинг тескари ўйинлари сабаб, ғурурини поймол этиб, катта бошини кичик қилиб чин Ибн Сино эканини исбот қилишга мажбур бўлса? Бу ҳам майли, сохта Ибн Сино теваарагида бошланган бу машмаша, Хатлибегим билан вазиру вузаро ва амиру умаро ўртасида тобора авж олаётган бераҳм-бешафқат кураш орасига тушиб қолса нима бўлади?

Ана, ўнгда Гардиз қалъасининг қўрғони кўринди. Қўрғондан ўтиш билан йўл бирдан ўрлаб кетди-ю, олдинда, тўлин ой шуъласида олмосдай ярқираган қорли тоғ ўркачида расадхона биноси кўзга чалинди. Бинонинг иккинчи ошёнасидаги дўнгалак даричалари сўнаётган юлдузлардай ожиз милтирар, афтидан, кекса мунажжим мавлоно Абу толиб Фаррухий ҳамуз уйғоқ эди.

Одатдагига хилоф, расадхона қўрғони олдида... қўлларида тиг ушлаган икки навкар турарди. Берунийни бошлаб келган навкарлар уни отдан тушириб, орқаларига қайтишди. Беруний увишиб қолган оёқларини уқалай-уқалай ҳовлига кирди. Катта боғни эслатувчи сердарахт ҳовли кимсасиз, расадхона жимжит эди. Унинг қўш табақали залворли эшиги берк эди. Беруний, гўё Ибн Синони уйғотиб юборишдан қўрққандай, эшикнинг улкан мис ҳалқаларидан тутиб аста тақиллатди. Дарҳол ичкарида енгил оёқ шарпаси эшитилиб, эшик аста очилди. Бўсагада, қўлида тошфонус, ёш муаррих Абу Фазл Байҳокий турарди. Оёғида кавуш, эғнида йўл-йўл бўз яқтак, Абу Фазл, Берунийни кўриб:

— Устод!— деб шивирлади аллақандай ваҳима билан.— Расадхонага... Ҳазрат Ибн Сино ташриф буюрдилар! Сохта эмас, чин Ибн Сино, устод! Ёнларида шогирдлари ҳам бор!

Беруний беихтиёр кулимсираб:

— Ҳазратлари қайдалар?— деб сўради.— Истироҳатдаларму?

— Йўқ, устод. Шогирдлари пастда, истироҳатдалар. Узлари юқорида, расад¹ билан машғулдурлар!

— Расад билан?

— Шундай, устод! Асбоблар ёрдамида Дубби акбар² буржларини ўлчаш билан банддурлар!

¹ Расад — фалакни кузатиш.

² Дубби акбар — Етти қароқчи.

Беруний бир-бир босиб қаршисидаги мрамр зина томон юрди, би-роқ зина пиллапояларига оёқ кўяркан, негадир тўсатдан бир маҳаллар Абу Алига ёзган хатлари, тўғрироғи, хатлардаги заруратсиз густоҳликлари эсига тушиб, яна боягидай хижолат аралаш пушаймон гуйғуси қуйилиб келди. Бунга дориссалтанатда бўлаётган можароларни айтиш ташвиши қўшилди-ю, Беруний зина тутқичларига суянганича узоқ туриб қолди.

Йўқ, на мактублардаги густоҳликлари учун уэр сўрашга зарурат туғилди, на дориссалтанатда содир бўлаётган мудҳиш воқеаларни изоҳлаб ўтиришга! Тўғрироғи, уэр ҳам сўради, мудҳиш воқеаларни айтиб ҳам берди, лекин бунинг ҳаммаси кейин, бир неча кун давом этган тонготар суҳбатлар чоғида, Беруний орзу қилган «ётиб дардлашишлар» вақтида айтилди. Абу Али эса гўё шундай бўлишини олдиндан билгандай бу гапларни кулиб эшитди, фақат кулгиси аллақандай маънос ва дардли чиқди. Бироқ бу гаплар кейин бўлди. Ҳозир эса...

Беруний кирганда хонанинг ўртасидаги ёйсимон судси фахри¹ ёнида, шифтдаги катта туйнукнинг тагида, одатда Беруний ўтирадиган суянчиғи баланд юмшоқ курсида... бошига мўрисимон кўк қалпоқ, эғнига кўк кимхоб тўн устидан енгсиз оқ яктак кийган бир мўйсафид калласини осилтириб ўтирарди!

Беруний оёқ учида юриб, курсининг ёнига борди.

Мўйсафиднинг тиззасидаги ипак қоғозда Дубби акбар юлдузларининг судси фахрида акс этган буржлари чизилган бўлиб, тагига бир неча сатр изоҳлар ёзилган, лекин бу изоҳларни ёзган қалам гилам устида юмалаб ётар, Ибн Сино пинакка кетган эди!

Эпирай! Улкан бошини ҳорғин осилтириб курсида ухлаб ётган бу мўйсафид.. наҳот ўша Абу Али Ибн Сино бўлса? У Беруний билган Абу Алига ҳам ўхшар, ҳам ўхшамас эди! Беруний билган Ибн Сионинг соқол-мўйловлари сақичдай қоп-қора ва бежирим эди, бу ҳорғин мўйсафиднинг мош-гуруч соқоли эса кўксига тушган! Беруний билган Ибн Сионинг чўзинчоқ хушсурат чеҳрасида битта ҳам ажин йўқ эди. Курсида беҳолгина ухлаб ётган бу мўйсафиднинг офтоб ва шамолларда қорайган юзи силлиқ бўлса ҳам, юмук кўзларининг теграсига, лабларининг четларига чуқур излар тушган, ҳорғин чеҳрасида қандайдир тизгинсиз аламлар муҳри босилган эди! Фақат шам шуъласида мис баркашдай ялтираган катта дўнг пешонаси-ю, узун қийғир бурни Беруний билган бурунги Ибн Сионни эслатарди, холос!

Беруний, юраги аллақандай ачишиб, секин орқага қайта бошлади, бироқ шу пайт, курсидаги мўйсафид уйғониб кетди-ю, аста ўрнидан турди. Унинг ҳорғин чеҳрасида, чуқур ботган тивик, кўкимтир кўзларида таажжуб аралаш ҳайрат акс этди, сўнг, бу ҳайрат ёшига мос тушмаган мулоим бир табассум билан алмашди.

— Ассалому алайкум, устод!

Ё тавба! Бу сал бўғиқ, осойишта овоз, мулоим кулимсираб турган бу кўкимтир кўзлар, бу катта, дўнг пешона — ҳамма-ҳаммаси таниш, азиз, қадрдон эди!

— Ваалайкум ассалом, Абу Али!

Беруний Ибн Сионинг новча, назарида бурунгидан ҳам новчароқ, озғин қаддини бағрига босаркан:

— Во дариг! — деб «култ» этиб ютинди. — Сени кўрадурғон кун ҳам бор экан, Абу Али!

Улар, гўё дийдор кўришганларига ҳануз ишонолмай, бир-бирига қайта-қайта тикилиб қарашар ва қайта-қайта қучоқлашиб кўришар эди. Ниҳоят, курсиларини суриб, юзма-юз ўтиришаркан, Ибн Сино хиёл ғамгин кулимсираб:

— Тангрига шукр, — деди кўзини Берунийдан узмай. — Ҳануз бурунгидай бардам, бурунгидай саломат кўрдим сизни, устод.

¹ Судси фахри — сеневант.

— Эвоҳ! Сен билган Абу Райҳон эмасмен. Умрнинг энг нурли онлари ўтиб кетди, Абу Али!

— Не чора? Тақдири азалнинг қонуни шу экан, устод!

— Наҳот сендай ҳакими даврон ҳам бу қонунни ўзгартира олмас, Абу Али?

Ибн Сино ҳорғин кўзларини юмиб, яна маҳзун кулди:

— Ешликда, шубҳа нелигин билмай юрган ақл заиф чоғларда наинки бу қонун, ҳатто ажални ҳам даф этишга инонар эдик! Мана энди, кесалик манзилига етиб, оқу қарони таниганимизда аён бўлдики, олам сирларини ечишга ожиз бир банда эканмиз, устод!

— Қариганда энди ақлимиз кирди де, Абу Али!

— Билмам, устод!.. Фақир ақлим кирдими, йўқми — буни айтолмаймен. Аммо... буюк аллома айтганидек, шуни билдимки, ҳануз ҳеч нарсани билмас эканмен, устод!

Ибн Синонинг ўз устидан хиёл кулиб, хиёл киноя билан гапириши Берунийга айниқса хушёқди-ю, меҳр билан тикилиб:

— Каминани уялтирма, Абу Али!— деди ёлвориб.— «Ал-Қонун»-дай буюк асар яратиб, «шайх ур-раис» номини олган сендай алломай замон фақирни «устод» дейишинг ярашмас, билъакс, мен сени «устод» десам ярашадур, Абу Али!

— Қамтарлик — инсон зийнати-дур, биламен. Аммо... сиз ҳам мени уялтирманг, устод!

— Майли! Гап бир-биримизни улуғлашда эмас, Абу Али!

— Шундай, устод!

Улар, гўё бу лутфу илтифотлардан хижолат чеккандай бир зум жим қолишди. Беруний юрагини чулғаб олган ҳаяжон билан ҳануз олишиб:

— Фақир сени ўйлаганимда, нечундир доим Гурганжда, видолашув кечасида айтган сўзларинг ёдимга тушарди, Абу Али,— деди.

— Ҳа, видео кечаси менинг ҳам ёдимда, устод.

Беруний мийиғида кулиб қўйди:

— Қалай, орзу қилган одил шоҳларни топдингму, Абу Али?

— Топдим,— Ибн Сино ҳам ҳорғин кўзларини юмиб, ғамгин кулимсиради.— Қайга бормай — ҳамма жойда одил шоҳларга дуч келдим, устод. Шундайким, охир-пировардида улардан яширинишга жой тополмай қолдим. Журжонда Қобус ибн Вушмағирнинг адолатидан зўрға қочиб қутулдим. Райда ўзингиз билган маликаи Саида!..

«Маликаи Саида» номини эшитиши билан негадир Хатлибегим билан бўлган учрашув ёдига тушди-ю, Берунийнинг кўзларида шўх учқунлар чақнади:

— Эшитишимча... ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган ул маликаи гулрухсор сенга ошиқу беқарор бўлган эмиш. Бу сўз ҳақиқатму, Абу Али?

— Не чора?— Тақдирнинг бу ўйинини ҳам кўрдик, устод!— кулди Ибн Сино,— шундайким, ул маликаи гулрухсорнинг меҳру адолатидан сичқоннинг ини минг танга бўлди. Аммо, эвоҳ, ёмғирдан қочиб дўлга, яъники, маликаи Саидадан қочиб Шамсуддавлага тугилдим. Буниси ундан ҳам меҳрибон, ундан ҳам адолатли эди, устод.

— Бир-биридан меҳрибон, бир-биридан адолатли де?

— Шундай, устод. Сиз-чи? Сиз ҳам бу томонларга адолат қидириб келган эдингиз...

— Ҳа, адолат деганда бойўғли тўғрисидаги ривоят ёдимга тушади, Абу Али! Ғазнани кўра олдингму?

— Оз-моз кўрдим, устод. Ҳақиқатан, гўзалликда беназир бир шаҳри муаззам бўлибди! Аммо... бу гўзаллик, бу масжиду миноралар, кўшқу саройлар кимлар ва нелар ҳисобига...

— Биламен, Абу Али! Ўз юртини обод қилмоқ учун бошқа юрт, бошқа шаҳарларни зер-забар қилмоқ — гуноҳи азимдур. Ҳаммасини биламен, Абу Али. Дориссалтанатда қурилган муҳташам саройлар, кўркам қасрлар, масжиду миноралар учун ҳиндлар юртидаги ўнлаб

шаҳарлар талон-торож бўлганини ўз кўзим билан кўрдим. Ва лекин... ҳозир ўзинг иқрор бўлдинг: бу одил шоҳлардан дунё кўзимга қоронғу кўринди, дединг! Бири-биридан «одил», бири-биридан «оқил» дединг! Бас, султон Маҳмуд хизматида бўлмасам, Шамсуддавла хизматида бўлур эдим. Шамсуддавла бўлмаса маликаи Саида хизматида бўлур эдим. Не чора, Абу Али?— Берунийнинг товуши ногаҳон чексиз ғам-андух билан янграб кетди-ю, Ибн Сино беихтиёр юраги увишиб:

— Устод!— деди қўлини Берунийнинг тиззасига қўйиб.— Йўқ, устод, султон Маҳмуд хизматида қелганингиз учун сизни айбламоққа ҳаққим йўқ. Биламен, келишдан бош тортсангиз сизни ҳам фақир каби оёқ-қўлларингиздан боғлаб олиб келур эдилар. Илгари бўлмаса ҳам энди бир нарсага ақлим етди, устод: бу дунёда ҳамма нарса, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам нисбий экан. Қим билсин, агар сиз бу мустабид шоҳ хизматида келишдан бош тортганингизда... эҳтимол бу муаззам расадхона бунёд бўлмас эди!

Беруний бирдан чехраси ёришиб, бир қуббадор шифтдаги улкан махсус туйнукка, бир пастдаги судси фаҳрига, бир деворлардаги жадвалларга қаради.

— Ҳа, бу расадхона камина учун бир таскину тасалли даргоҳи бўлди, Абу Али! Сен каби мен ҳам дунё кўзимга қоронғи кўринган онларда шу даргоҳга келиб, илм билан, мутолаа ва мушоҳада билан ўзимни овутамен. Бу туйнукдан кўринган анов ситоралар олдида баниодам умрининг ўткинчилиги ҳақида ўйлаб, тасалли оламен. Сўнг, бу олам ва бу фалакиёт сирларини ўрганиш учун алланечук бир рағбат ва қувват топамен бу расадхонада! Насиб қилса, яратган тавқимларим, чизган жадвалларим — ҳаммасини кўрсатамен, Абу Али!

Ибн Сино устоднинг дилидаги дардларини бутун вужуди билан ҳис этгандай унга ҳайрат ва меҳр билан термилиб:

— Ҳиндистон-чи?— деб сўради.— Ҳиндистон ҳақида катта китоб битган эмишсиз. Уни хаттотларга бериб кўчиртиргандурсиз, устод?

Беруний секин уф тортди:

— Уни хаттотларга бермоқ учун, аввал Султон Маҳмудга кўрсатмоғим даркор, Абу Али!

— Нечун, устод?

— Нечун? Наҳот «одил шоҳлар» одатини билмайсен, Абу Али? «Ҳиндистон» деганда султон Маҳмуд унинг музаффар юришлари тўғрисида ёзилган бир қасида, унинг қатлу қирғинларини шарафлаб, номини башарият тарихида қолдиргувчи бир асар деб ўйлайди! «Ҳиндистон» эса бу буюк ва мазлум элга фақирнинг юрагида туғилган улуғ эҳтиромдан бир томчидир, Абу Али!

Ибн Сино кўзлари ёшгина толиби илмнинг кўзларидай ҳайрат билан порлаб:

— Лоақал бир нусхаси тайёрдур, устод?— деб сўради.— Тайёр бўлса бир неча кунга бўлса ҳам берасиз!

Беруний кўзини қисиб кулди:

— Марҳамат, агар сен «ал-Қонун»дан бир нусха берсанг, мен ҳам «Ҳиндистон»дан бир нусха берамен!

— Бошма-бош денг?

— Бошма-бош!

Суҳбат гоҳ илми ҳикмат, ёзилган ва ёзиш орзусида кўнгилларида тугиб қўйган китоблар ҳақида борар, гоҳ бошдан кечган умр савдоларига ўтарди. Илм ва китоблар ҳақида гап кетганда суҳбатга қандайдир жон кирар, иккиси ҳам кўзлари чақнаб, юзларига қон югурар, умр савдосига ўтганида эса суҳбат сокин, аммо аллақандай ҳазин бир нур билан йўғрилар эди.

Иккиси ҳам бир-бирларининг дилида қат-қат бўлиб ётган дарду ҳасратларни, бошларидан ўтган мусибатларни бир-бирига айтишдан ийманар, бу ғам-андухларни чуқур ҳис этганлари ҳолда, юракларидан чандиқ бўлиб қолган эски яраларни тирнашни истамас, тўғрироғи, тирнаш бефойда эканини яхши англаб, шунинг учун ҳам телба тақ-

дирнинг телба ўйинлари ҳақидаги гапларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишар, бунга илож бўлмаганида эса, гап оҳанги енгил, аммо сал мунгли ҳазил-мутойибага бурилар эди.

Сухбат шу йўсин тонг отгунча давом этди.

Йигирма бешинчи боб

Вазири аъзам Али Ғариб Хатлибегимнинг амри билан ўз кўшикка қайтиб келганида тун ярмидан ошган эди.

Хатлибегимнинг махфий мактубини вазири аъзамга Пири Букрий етказди. Мактуб билан бирга у саройда бўлаётган ҳамма можаролардан бош вазирни воқиф қилди. Бу гаплардан кейин Пири Букрий вазири аъзамга ўз дарду ҳасратлари, ўз илтимосларини изҳор қилмоқчи эди. Лекин Хатлибегимнинг мактубини ўқиб чиққан вазири аъзам шундай ҳаяжонга тушдики, Пири Букрийнинг гапларини чала-чулпа эшитди-да, илтимосларини тинглашга сабри етмай, дарҳол отга минди. Кўшкка бош вазирдан аввал етиб келган мушрифлар эшик оғасини огоҳ қилиб қўйган экан, у вазири аъзам билан Пири Букрийни дарвоза олдида кутиб олиб, тўғри кўшкка бошлади. Бироқ кўшкка киргач, одатдагидек, иккинчи қаватга эмас, пастга, биринчи қаватнинг тагидаги ертўлага ўхшаш махфий хоналарга бошлади.

Бу ерда бир-бирига туташ икки хона бўлиб, биринчисида биттау битта эски курси турар, иккинчи хона эса, гарчи жиҳозлари ғарибгина бўлса-да, ҳар қалай, тагига катта қизил юмшоқ палос тўшалиб, ўртага ноз-неъматлар тўла хонтахта қўйилганди.

Вазири аъзам эғнидаги одмигина олача тўнини ечиб қозикка илди, бошидаги эскироқ сувсар телпагини олиб, шафтоли гулли гиламдўпписини тўғрилаб кийди-да, қўлларини орқасига қилиб, хаёл оғушида кенг, чорбурчак хонани айланишга тутинди.

Пири Букрий, мунчоқдай кўзлари садоқат ва умид билан жовдираб, пойгакда қўл қовуштириб турар, у худди хўжасидан суяк кутаётган кучукка ўхшар, бироқ хўжаси ўз ғами, ўз ўйлари билан банд, вафодор кучугига қарамас эди.

Вазири аъзам, сўнги бир-икки ҳафтада ўзини жуда олдириб қўйган, нақш олмадай қип-қизил, лўппи юзлари сўлиб-сарғайиб, мунчоқ кўзлари ичига ботиб кетган; калта, йўғон бўйни ингичка тортиб, томоқ остлари қари тустовуқнинг томоғидай осилиб қолган эди.

Вазири аъзамнинг аҳволини кўрган Пири Букрий кўнглидаги дарду ҳасратларини айтишини ҳам, айтмаслигини ҳам билолмай ҳанганг бўлиб турган эди, ногаҳон ташқарида тап-тап оёқ товушлари эшитилди-да, эшик шитоб билан очилиб, хонага... Хатлибегим кириб келди.

Эғнида одатдаги қора ипак кўйлак ўрнига тўпигига тушган қизил бахмал кўйлак, ёқаси ва енгларига сариқ ипак шокилалар тикилган қизил мурсак, оёғида сақичдек ялтилаган учи эгик бежирим қизил этикча, Хатлибегим, юзига тутилган шаффоф шойи дуррасини орқасига ташлаб, бир тўрда бош эгиб турган вазири аъзамга, бир пойгакда тош бўлиб қотиб қолган Пири Букрийга қаради-ю, юпқа лабларини ҳимариб:

— Ҳи, куёв тўра!— деб кулди.— Ғунажинни нўхталай олдиларми ё ҳануз нўхта соломмай овораларму?

Бегимнинг ҳазили ҳазарли қамчидай тегса ҳам, Пири Букрий аллақандай қийшанглаб кулди:

— Узингиздан қолар гап йўк, бегим. Ёш нарса...

— Чайналмай чинини айта беринг, куёв тўрам! Агар жиловлай олмаган бўлсалар ҳарам бекаларини юборамен, ўзлари жиловлаб миндириб қўядилар!

— Тоабад миннатдормен, бегим!— Пири Букрий ҳамон ҳиринглаб

кулганича қўйнига қўл солди.— Олиҳиммат бегимга аталган бир совгам бор эди, фурсатдан фойдаланиб...

Хатлибегим кескин ҳаракат билан Пири Букрийни тўхтатди:

— Ҳозир совға-саломнинг фурсати эмас. Ундан юз чандон зарур гап бор! Даф бўлсинлар, куёв тўрам!

— Қуллуқ, бегим, қуллуқ!— Пири Букрий шоша-пиша орқасига тисарилиб, хонадан чиқди. У олдин эшикни зич ёпмоқчи эди, кейин хаёлига аллақандай бир фикр келиб, қия очиқ қолдирди-да, бирдан ҳолсизланиб деворга суянди, суяниши билан ичкаридан Хатлибегимнинг одатдагидай ўктам, қаҳрли товуши эшитилди:

— Ҳамма қилгуликни қилиб қўйиб, энди нечун пистирмаларда писиб юрибдилар, тақсирим? Суф сиздай вазири аъзамга!..

Али Ғариб бир нималар деб гудранди, бироқ унинг сўзларини яна Хатлибегимнинг бетоқат, дарғазаб овози бўлди:

— Бас! Нолаи фиғонингизни йиғиштиринг, жаноб вазири! Бу маккор сохта Ибн Синони топган мен эмас, уни топган тақсиримнинг ўзларидур! Ҳай аттанг! Мана энди билинди Хўжа Аҳмад¹ ҳазратларининг қадри! Барча аркони ҳарб ва аркони давлатнинг қаҳрига йўлиққан бир ҳезалакни даф қилишга ақлингиз етмаса... вазири аъзам бўлиб не қиласиз, тақсирим?

— Соябони марҳамат, бегим! Деворнинг ҳам қулоғи бор!— Али Ғариб ҳадиксираб келиб эшикни зич ёпди чоғи, овозлар эшитилмай қолди.

Пири Букрий, одатда қулоғини деворга қадаб бўлса ҳам бундай пинҳоний гапларни билиб олишга уринар эди, ҳозир эса кўнгли ғаш, юрагида интиҳосиз бир алам, беҳолгина судралиб бориб, четроқда турган эски курсига аста ўтирди.

Ажабо: унинг кўз олдида ҳамон Хатлибегимнинг кинояли табассуми турар, қулоқлари остида заҳарли гаплари янграар эди! Бу гаплардан унинг юраги оғримасдан кимнинг юраги оғрийди?

Мана, бир ойдан ошдики, Хатлибегимнинг навкарлари кимсан Хорун ар-Рашиднинг бебаҳо жавоҳири эвазига, Садафбибини унинг қўлига олиб бориб топширишди.

Бибининг шарафига Пири Букрий ўз дўконига туташ бир ҳовли-жойни сотиб олиб, гулдай ясашиб қўйган эди. Бибини вазири аъзам кўшкидан қолишмайдиган шу кўркам ҳовли-жойига туширди, хизматига кекса оқсоч ёллаб, ўзини ноёб заррин либосларга ўраб ташлади, ертўласидаги энг яширин сандиқларини очиб, бўйнига энг қимматбаҳо маржонлар, қулоқларига олтин сирғалар, қўлларига тилла билагузуклар, ҳатто оёқларига олтин холхоллар тақиб, бошидан лаъл ва инжулар сочди. Аммо не фойда? Садафбиви ҳануз уни кўрса бўрини кўрган кўзичоқдай қалтирайди, қалтираса ҳам майли, юмалоқ кулча юзидан қони қочиб, кўзлари ҳазар аралаш аллақандай нафрат билан чақнайди... Кечалари эса ёнига йўлатмайди, на унинг оҳу фарёдларига қулоқ солади, на кекса оқсочнинг панду насиҳатлари-ю, дўқ-писандаларига!..

Кўп йиллардан бери Пири Букрийнинг хизматида юрган кекса оқсоч бир неча марта унга Садафбибини ҳайдаб юборишни, эғнидаги бебаҳо либосларини ечиб олиб, ўзини қулжаллобга пуллашни маслаҳат берди. Агар шундай қилса, ундан минг чандон кўҳлик, минг чандон мулойим, безабон канизларни топиб беришни ваъда қилди. Бироқ... не чора? Подшонинг ишқи қурбақага тушмиш, дегандек кўнгилга амр қилиб бўлмас экан. Пири Букрий ҳарчанд уринмасин, ўз ҳисларини жиловлай олмайди.

У, гарчи мажруҳ бўлса ҳам, гарчи ёши пайғамбар ёшига яқинлашиб қолган бўлса ҳам, бир йигит тенги кучи бор. Хатлибегим айтмасданок, Садафбибини ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўз кучи билан нўхталаб олишга бир неча бор уриниб ҳам кўрди. Бироқ Садафбиви ҳам, жус-

¹ Хўжа Аҳмад Маймандий — Султон Маҳмуднинг кўп йиллик бош вазири.

саси чоғроқ, нозик қиз бўлса-да, урушқоқ мушукдай олишиб, Пири Букрийга бўй бермади, шундайким, ҳар сафар у қизнинг гўшасидан соқоллари юлиниб, юзлари тирналиб чиқди!

Йўқ, агар Пири Букрий истаса, Хатлибегим айтгандек, уни аллақачон нўхталаб оларди. Узининг кучи етмаса, итдай вафодор оқсочининг ёрдамида, оёқ-қўлларини боғлаб бўлса ҳам нўхталаб оларди. Бироқ бибининг кўзларидаги бу чексиз нафрат, кулча юзларидаги бу жирканиш!.. Йўқ, кишининг нафсониятини поймол қилувчи бу нафратга тоқат қилиш қийин! Қийин, бироқ у тоқат қилиб юрибди, тишини тишига қўйиб бўлса ҳам, аламдан юраги қон қақшаса ҳам, чидаб келмоқда.

Э яратган эгам! Бу не кўргулик? Пири Букрий умрида икки марта шундай хор бўлди. Бири Қиётда, отасининг қадрдони бўлмиш насроний савдогарнинг бева қизи Райҳонабонуга ишқи тушганида, бири энди, Садафбинига дуч бўлганида! Боз бу телба тақдирнинг телба ўйинини қарангки, ҳар икки сафар ҳам унинг муҳаббатига панд берган одам — Абу Райҳон Беруний бўлди. Тақдир нечун уларни бир-бирига рақиб қилиб қўйди? Райҳонабону сабаб Қиётда қирпичоқ бўлиб, йўллари ажрашиб кетган икки рақиб, нечун салкам қирқ йилдан кейин яна бу шаҳарда дуч келишди, нечун тақдир яна ораларига бу малакни солди? — Пири Букрий бу жумбоқни ечишдан ожиз. У фақат бир нарсани билади: агар аёвсиз қисмат уни Абу Райҳонга рўбарў қилмаганида унинг ҳаёти ўзгача йўлдан кетарди! Шак йўқ — ўзгача бўларди! Ешлик чоғларида Райҳонабону висолига ета олмаса ҳам бу сафар Садафбинининг висолига етади! Ҳозир эса... Пири Букрий Садафбинининг гўшасига киришга ожиз, унинг бўсағасида ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаркан, ҳар кеча унинг: «Устод! Устод!» деган нидоларини эшитди-ю, қулоғига қизнинг фарёди эмас, бамисоли оғу қуйилгандай, вужуд-вужудларигача ачишиб кетади!

Субҳон олло! Ёзуғи не унинг? Қайси гуноҳлари учун уни бу норасо дунёдаги энг катта саодат — муҳаббат саодатидан мосуво қилдинг? Гуноҳи — майиб-мажруҳлигимиз? Аммо... уни майиб-мажруҳ қилган ким? Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен, ва лекин уни мажруҳ қилиб, бандаларингга калака қилган ҳам ўзинг эмасму, парвардигори олам?

Ҳа, бундан қирқ йил муқаддам, йўқ, қирқ беш йил муқаддам, кичкинагина, қол-қорагина Абу Райҳон Қиёт бозорларини супуриб, дўкандорлар хизматини қилиб юрган чоғларида, Пири Букрий ўн беш ёшлар чамасидаги нозиккина, хушсурат бир ўспирин эди! Узи сал рангпар, касалманд бўлса ҳам елкасидаги букурдан асар ҳам йўқ эди! Ҳазар¹ томонлардан келиб, Қиётда катта дўкон очган, отаси эса — олло унинг гуноҳини кечиргай, — насроний динидаги машҳур савдогарнинг қизи Райҳонани унга олиб бериб, бойлигига бойлик, довруғига довруқ қўшмоқ орзусида юрарди.

Лекин... эвоҳ! Бало қайда? Боссанг оёғинг остида, деганлари рост экан!

У бир ҳафтагина бетоб бўлди. Аммо дард уни шундай исканжага олдики, азалдан касалманд, нозик-ниҳол ўспирин, балои оташ ичида қовурилиб, бир ҳафта ҳушини билмай ётди. Ҳушига келганда эса... тепасида йиғлаб ўтирган отасини кўрди. Отасининг ёнида... ҳақимлар кийимида алломанамо бир кимса ўтирарди.

Пири Букрийнинг кўкрак қафасларига совутга ўхшаш бир нарса кийдирилган, совутнинг ичи эса, назарида, иссиқ лойга ўхшаш қаттиқ ва ёқимли бир нарса билан тўлдирилган эди.

Бир ойдан кейин алломанамо кимса унга кийдирилган «совут»ни ечиб, танасини қора лойдан соқит қилди-да, қўлтиғидан суяб, ўрнидан турғазди.

У ҳақим ёрдамида ўрнидан туришга турди-ю, фарёд чекиб, қайта ўзини тўшакка отди. Унинг нозик-нимжон бўлса ҳам, новчагина бўй-

¹ Ҳазар — ҳозирги Каспий денгизи.

баста камида бир қарич кичрайган, заиф кўкраги бўртиб чиққан, елкасида эса... каллақанддай хунук, бедаво бир ўрқач пайдо бўлганди!..

Балои ногаҳон бўлиб ёпишган шу ўрқач туфайли у бир йилгача одамларнинг кўзига кўринмай, ўз дўконлари тагидаги ертўлада кўксини захга бериб ётди. Дунё кўзига қоронғи кўриниб, кўкка нола қилиб ётди, ҳатто ота-онасини кўришга ҳам тоқати бўлмади. Унинг дарду аламларини тушунадиган, чексиз ҳасратларига ҳамдарад бўладиган биттаю битта дўсти қолди, у ҳам бўлса... икки қаричгина қамиш най эди!

У очилмасдан хазон бўлган умри, кўнгил фарёдлари-ю, барбод бўлган севгиси — ҳамма-ҳаммасини шу ҳамдарад дўстига сўзлар, юракбағри қон, кўзларида шашқатор ёш, туну кун тинимсиз бўзлар эди!

Лекин унинг кўнглига таскину тасалли бергувчи бу дўст, нимқоронғи ертўлада кечаю кундуз янграган бу нолаю фарёд ундан бурун ота-онасини адои тамом қилди. Аввал онаизори йиқилди, кейин отаси. Улимидан уч-тўрт кун аввал отаси уни ертўла тепасидаги ўз хосхонасига чақиртириб олди.

— Гуноҳқор падарингни кечир, болам, — деди шўрлик ота, бошини ёстиқдан аранг кўтариб. — Биламен, сен менинг гуноҳларим учун куйдинг, болам. Оллонинг хоҳиши шу экан, не чора? Сўзимга инон, ўғлим, — бир йилдан бери гуноҳқор отангни ёлғиз бир ғам, бир ташвиш қийнайди: бу ўткинчи дунёдан кўз юсам ногирон зурриётимнинг ҳоли не бўлур, деган қайғу кўнглимга ором бермайди, болам! Ёдингда бўлсин: баниодам оч қашқирдан ёмон — ким ожиз, ким ногирон — авваламбор шуларни ейти! Ва лекин шуни ҳам билиб қўй, жигарим. Баниодамнинг қудрати унинг ҳусни-жамоли ва бўй-бастаида эмас, ортирган бойлигида! Подшоларнинг кучи ҳам бошидаги тожида эмас, хазинасидаги ганжида!

Падари поки — олло унга равзаи ризвондан жой ато қилғай! — шундай деб, унга қаршидаги токчанинг пастки гишталарини кўчиришни буюрди. Гишт тагида ўра бўлиб, ундан иккита катта хум чиқди. Хумларнинг бири олтин зеб-зийнатларга тўла эди, иккинчиси нодир тошларга!

— Ёдингда бўлсин, болам, — деди отаси соқолини кўз ёши билан ювиб. — Фақирга бобонгдан бир хум ганж теккан эди, мен уни сенга икки хум қилиб топширамен. Бу бойликни кўз қорачиғингдай асрагайсен, токи, у сенинг қора кунларингга ҳам, масъуд дамларингга ҳам ярагусидир!

Ҳайҳот! Ота сўзларининг фақат биринчи қисмигина ҳақиқат бўлиб чиқди. Падари қолдирган ганжлар ҳақиқатан ҳам Пири Букрийнинг қора кунларига яради. Масъуд дамлар эса... Эвоҳ! Пири Букрий отасидан қолган икки хум ганжни ўн баробар қўпайтирди, аммо ўн баробар ошган бойлик ҳам отаси айтган бахту саодатни инъом этолмади!.. Падари покидан қолган ганжларга ишониб аввал Райҳонабонуга ёпишиб кўрди, энди Садафбигига. Лекин эвоҳ, бир хум ганжи ўн хум ганж бўлди, аммо кўнглига яқин на севикли маҳбуб топди, на бир дўст!

Пири Букрийнинг хаёлини яна Хатлибегимнинг қаҳрли овози бўлиб юборди. У дик этиб ўрнидан турди-да, оёқ учида бўсагага бориб қулоғини эшикка тутди.

Хатлибегим, гўё ҳар бир сўзини қилич билан кесгандай кесиб-кесиб гапирарди:

— Инонган амирларингизни ишга солинг, вазири аъзам! Осмон маликаси саройига энг содиқ сарбозларингизни қўйинг! Шундайким, чин Ибн Сино ҳазратлари бу муборак даргоҳга қадам ранжида қилганларида... ҳеч бир кимса йўлларини тўсмасин!

Пири Букрий тап-тап оёқ товушларини эшитиб, дарҳол ўзини четга олди. Эшик шарақлаб очилиб, ичкаридан Хатлибегим чиқди. Унинг сурма тортилган қийғоч кўзлари аллақандай чиройли чақнар, упаэлик суртилган қорамтир юзи ловиллаб ёнарди.

— Ҳа, куёв тўра!— деди Хатлибегим бўсағада тўхтаб.— Тарки одат, амримаҳол, сўзимизни пойлаб турибсенму бу ерда?

— Йўқ-йўқ! Фақиру ҳақир бегимнинг хизматларига мунтазирмен!— Пири Букрий шундай деб қўлтиғига қўл солди-да, эски латтага ўралган юмалоқ бир нарсани олиб, бегим томон юрди:

— Боғдод заргарлари ясаган ноёб билагузук! Нодир ёқутлар билан зийнатлангандур, бегим!

Хатлибегим совғани олмоқчи бўлиб қўл чўзди-да, дарҳол қўлини тортиб олди.

— Боғдод заргарлари ясаган ноёб билагузукни ўраган латтангни қара! Одамнинг кўнгли айнийдур! Сиз олинг, вазири аъзам! Кейин элтиб берасиз!— Хатлибегим икки букилиб турган букрига ижирғаниб қаради-да, яна заҳарханда қилди:

— Куёв тўра деган сал қаддини ростлаб юради, азизим!— Қаддингизни тутинг! Эрта-индин ҳарам бекасини юборамен: эрка ғунажинингизга кучингиз етмаса ўзи жиловлаб, устига миндириб қўяди!

Бегим шундай деди-да, ҳануз кинояли кудимсироганича, хонадан чиқди.

Йигирма олтинчи боб

1.

Хатлибегимнинг хуфялари тўртинчи куни хуфтонда келишди. Бу пайт ҳазрат Ибн Сионинг Исфаҳондан Ғазнага нима мақсадда келтирилгани икки алломанинг ҳам эсларидан чиққан, зотан, узлуксиз ва аллақандай интиқ-интизор суҳбат билан бўлиб, бутун олам хотираларидан кўтарилган эди!

Одатда, эрталабки нонушта вақтида бошланадиган бу суҳбатлар аксар ҳолларда тун ярмигача, ҳатто тонг отгунча давом этар, кунлар тунларга, тунлар эса кунларга уланиб кетар, бироқ бир-бирларининг гапини эшитиш иштиёқи, ҳаёт, олам ва табиат ҳақидаги фикрларини билиш истаги, мулоқот чанқоқлиги сўниш у ёқда турсин, билъакс, тобора ортиб борарди.

Беруний, гарчи бир маҳаллар табиат муаммолари тўғрисида, хусусан, офтоб нурларининг ҳаётий кучи, иссиқлик ва совуқлик таъсирида жисмларнинг кенгайиб-торайиши ва ниҳоят шаҳарлар оралигидаги масофаларни ўлчаш усуллари борасида Ибн Сино билан анча мунозара қилган, ҳатто бу масалаларга бағишланган мактубларнда аллома деган номга номуносиб густоҳликка борган бўлса ҳам, Ибн Сионинг етуқ салоҳиятига, айниқса тиббиёт бобидаги истеъдодига ҳеч қачон шубҳа қилган эмас. Лекин у эндигина, расадхонанинг тинч, осуда хоналарида ўтириб, «ал-Қонун» ва «аш-Шифо» китобларининг мазмунини, назм, мусиқа ва фалсафага оид асарларини ўз оғзидан эшитганидагина унинг нақадар буюклиги ва оламшумул шуҳрати сабабларини англаб олгандек бўлди.

Биринчи суҳбатдаёқ негадир тиббиёт масалалари қўзғалди. Ибн Сино Берунийнинг илтимоси билан суҳбатни «Илми ташриҳ»дан бошлаб, ундан инсон аъзоларига хос касалликларга, касалликлардан даволаш усулларига, яъники, наботот оламига ўтди, сўнг, ярим ҳазил-ярим чин тарзда Берунийнинг томирини ушлаб, унинг дардларини ва ҳатто бу дардларни қўзғатган сабабларни айтиб берди ва шу ернинг ўзидаёқ дору ҳозирлашга киришди. Гарчи, суҳбат устида икковидан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам бу гап зум ўтмай бутун расадхонага тарқалди-ю, расадхонада кимки бўлса, ёшу қари, хастаю соғ — ҳамма ҳақими давронга бир кўриниб қолиш орзусини изҳор эта бошлади.

Ибн Сино, одатда, «касал»нинг дардини сўраб-суриштириб ҳам ўтирмас, кўз қорачиқларини, бурун катаклари, оғзи ва томоғини кўздан кечирав, лозим бўлса ечинтириб кўрар, кейин бошини ҳам қил-

ганича, қўлидан ушлаб, томир уришларига жимгина қулоқ соларди-да, хастанинг дардини ўзига гапириб берарди. Ҳаками давроннинг топқирлигидан лол қолган бетоб ўзини йўқотиб қўяр, Ибн Сино эса, шогирди Абу Убайдни чақириб, дарҳол дору ҳозирлашни буюрарди.

Беруний улуг донишмандларда чуқур илм ва ўткир заковатдан ташқари қандайдир нозик, илоҳий бир туйғу бўлишини биларди. Ибн Синода бу илоҳий ва ноёб туйғу айниқса кучли эканини Беруний биринчи дақиқаларданоқ сездди. Назарида, Ибн Сино, кўзини юмганича, хастанинг билагини ушлаб, узоқ сукутга толаркан, фақатгина бетобнинг томир уришлари эмас, балки ўз дилидаги илоҳий туйғуларга ҳам қулоқ соларди. Сўнг суҳбат яна коинот ҳақидаги азалий ва сержумбоқ саволларга буриларди. Зотан, уларни айниқса яқинлаштирган нарса ҳам шу сержумбоқ саволлар, иккисини ҳам кўпдан бери қийнаб келаётган теран фалсафий ўйлар бўлди: олам не? ҳаёт не? яратғувчи не?

Ажабо: бу ечилмас фалсафий муаммоларга ёндашишда уларнинг ўйлари ҳам, дардлари ҳам жуда-жуда ўхшаш эди. Беруний бу масалада, икки жавҳар¹ни тан олар, яъники, борлиқнинг ибтидоси моддий ва руҳий жавҳар, деб биларди. Ибн Сино унинг фикрига қўшилди, фақат яратғувчининг мавжудлигини ҳам тан олмоқ лозим, деб қўшиб қўйди. Зотан, у ҳам Беруний каби оламни яхлит ва мураккаб борлиқ, деб тушунар, ҳамма мавжуд нарсаларни иккига, яъни, зарурий вужуд ва имконий вужудга бўлар, уларнинг ўзаро муносабати эса сабаб ва оқибат муносабатидур, деган эътиқодда эди. Беруний унинг гапларини жон қулоғи билан эшитар, чунки бу фикрлар унинг ўз фикрлари, уни кўп қийнаб, кечалари уйқу бермай юрган пинҳоний ўйлари ва пинҳоний дардлари билан ҳамоҳанг эди! Лекин эвоҳ, олам ҳақидаги ўйлари қанчалик ҳамоҳанг бўлмасин, бу ўйлар охир-пировардида тагин ўша маънос фикрларга, мавжуд борлиқнинг боқийлиги ва бани башар умрининг ўткинчилиги, табиатнинг мукамаллиги ва инсон ҳаётининг мислсиз норасолиги ҳақидаги ғамгин хаёлларга бориб тақаларди. Хаёллар эса дилларида тош бўлиб ётган «нечун шундай? Нечун?» деган эски ва аламли саволларни тугдирарди.

Дарҳақиқат, нечун шундай? Нечун метин зарурат асосига қурилган бу олам, бу чексиз коинот, бу сайёралар ҳаракати ва табиат ҳодисаларида буюк бир қонуният ва ақл-заковат мавжуд? Бани башар эса... тирик мавжудотлар мукаммали бўлмиш бани башар эса... нечун хурофот, зулм ва адолатсизлик тутқунидан чиқолмайди? Нечун?..

Рост, олам бино бўптики, ҳеч бир донишманд бу жумбоқни ечолмаган. Улар буни билишади, билишгани учун ҳам бу тўғрида кам гаплашадилар, дилларида армон бўлиб ётган дарду ҳасратларини кўз-ғамаслик учун бу мавзунини эҳтиёткорлик билан четлаб ўтишга уринадилар, лекин қанча ҳаракат қилишмасин, бу сўнмас дард, ҳақ ва адолат ҳақидаги бу интиҳосиз армон бот-бот қайта ёпирилиб келади-ю, мунгли куйдай кўнгилларини қайта-қайта вайрон қилади.

Ибн Сино биринчи куни кечаси Исфаҳонда бўлган воқеаларни, ноёб кутубхонаси ёнғинга учраганини, ёлғиз иниси Абу Маҳмудни эса ҳатто дараклаш имкони ҳам бўлмаганини гапириб берган, куйиниб, ёниб гапириб берган эди. Шу боисдан Беруний бу гапларни унинг кўнглидан чиқаришга, дилига озор берадиган нарсалардан уни авайлашга кўп уринди. Шу боисдан саройдаги можаролар, хусусан, ўзини Ибн Сино деб, султоннинг устига миниб олган анов маккор ҳаким ҳақидаги гапларни айтгиси келмади. Назарида, бу гаплар азиз биродарини қаттиқ ҳақорат қилиб, дилига чуқур озор берадигандек туюлди. Бироқ пастда, хатотлар ва шоирлар даврасида истиқомат қилаётган Абу Убайд бу миш-мишлардан огоҳ бўлиб, устозига етказган экан, Ибн Сино ўзи шу тўғрида сўз очиб қолди. Беруний эҳтиёткорлик билан бўлса ҳам баъзи гапларни гапириб беришга мажбур бўлди. Ибн Сино сохта «ҳаками даврон» тўғрисидаги ғалати ҳангомани ёши-

1 Жавҳар — субстанция.

таркан, аввал маъюс жилмайиб ўтирди, охирида эса қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Баайни кўнгилдаги иш бўлибди!— деди у кўз ёшларини артиб.— Сохта Ибн Синоми, чин Ибн Синоми — султонни даволабди-ми — марра ўшаники! Офарин ва тасанно! Энди, ижозат берсалар — камина Исфохонга қайтиб кетар эдим, устод!..

Беруний ич-ичидан куйиниб, «О, азизим, азизим!— деди ичида,— қани энди сенинг қайтишингга ижозат олмоқ осон бўлса!.. Номи расадхона, ҳибсга тушганингдан беҳабарсен, азизим! Бу тузоқдан саломат чиқиб кетгайсен, ишқилиб!»

...Бугун расадхонада шамлар ёқилиб, одатдагидек юлдузларни кузатишга киришларидан олдин, Беруний, ярим ҳазил-ярим чин зойича тузиб, Ибн Сионинг тақдирини айтиб беришга аҳд қилди. Мунажжимлар қойдаси бўйича у пешин чоғида қуёшнинг ҳолатини белгилаб олди, кечаси зойича сонияларини ҳисоблаб чиқди, жадвал тузди, сўнг Миррих ва Муштарий юлдузларининг буржларини аниқлади... Зойичада шу нарса аён бўлдики, Ибн Сино учун яқин кунларда саодатли онлар бошланар, унинг юлдузи ёруғ, тақдири баланд эди!..

Беруний, гарчи зойичага ишонмаса ҳам, бу гапни хушнуд кулиб гапира бошлаган эди, эшик берухсат очилиб, салласига нишон қадалган, баланд бўйли, занжидек қоп-қора бир сарбоз кириб келди. Бу — сохта ҳакимни бошлаб келган ва Работи Сангин ёнида Хатлибегимнинг хуфяларини чопиб ташлаган чўтир мушриф эди! Бу сафар у нечундир саройга Ибн Сино билан Берунийни чақириб келибди!

Беруний ҳаяжон ичида Ибн Синого юзланди:

— Шояд ҳозир зойичада кўринган саодат юлдузи — истиқболнинг хайрли фоли бўлса, азизим!

Ибн Сино индамади. У одатдагидек, киноя аралаш ғамгин кулимсираб, ўрнидан турди.

2.

«Ҳакими даврон» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний Ғазнага чин Ибн Сино ҳазратлари келганини биринчи бор эшитганида пинагини бузмаган бўлса ҳам кейинроқ астойдил тараддудга туша бошлади. Тараддудга тушишининг боиси эса султоннинг саломатлигидан эди.

Ибн Шаҳвоний, гарчи таваккалнинг таги тош эканини билса ҳам, ишни бошда таваккалдан бошлаган, султонни даволашга киришаркан, дориларининг қудратидан ҳам кўра умри бино бўптики, уни ҳеч қачон тарк этмаган омадга, қолаверса, афюни аълонинг сеҳрига инонган эди! Шу боисдан ҳам султон унинг муолажаси сабаб, тез кундаёқ шифо топиб, ўрнидан туриб кетганида Ибн Шаҳвонийнинг ўзи ҳам ҳайратдан ёқасини ушлаган эди! Зеро, султоннинг бунчалик тез сиҳат топишининг сир-синоати не? «Ҳазрат Ибн Сино» деган номнинг сеҳрими ёки «ал-Қонун»дан олинган дориларнинг кучими ёхуд афюни аълонинг қудратими — буни Ибн Шаҳвонийнинг ўзи ҳам билмас эди! Шу сабабдан биринчи кунлари бу мўъжизадан ўзи ҳам лол қолиб, толейга шукрона билдирган эди. Лекин сўнгги кунларда, хусусан Ғазнага чин ҳазрат Ибн Сино ташриф буюргани ҳақида гап тарқалгандан бери, нима ҳам бўлди-ю, султоннинг сиҳати хиёл орқага кета бошлади. Бунинг сабаби не? Дориларнинг кучи кетдими ё афюни аълонинг таъсири сусайдими, ёхуд ҳазрат Ибн Сино узоқдан турибоқ сеҳр қилдими — Ибн Шаҳвоний бу сир-асрорнинг ҳам тагига етолмай гаранг. Боз устига сўнгги пайтларда нечундир жуда питирлаб қолган Абул Ҳасанак бугун ҳар кунгидан ҳам нохушроқ бир хабар келтирди. Гўё султоннинг суюкли синглиси Хатлибегим Кўҳандиз қалъасида яшириниб ётган анов қари қузгун Али Ғарибни чақиртириб олган эмиш. «Бу маккор табибни ўзинг топиб, ўзинг султоннинг қаҳрига дучор бўлган эдинг, энди уни ўзинг даф этмоғинг лозим», деб ул шайтонни ҳам гиж-гижлаган эмиш! Хатлибегимдан мадад олган Али Ға-

риб эса, амиру умарони ишга солиб, Абул Ҳасанакнинг одамларини четлатаётган эмиш, ҳатто сарой дарвозаларига ҳам ўз надимлари ва ўз сардорларини қўйган эмиш. Шундайким, шу букун Хатлибегим Исфаҳондан келган ҳазрат Ибн Синони султонга рўбарў қилиб, уларни фош этмоқ ниятида эмиш!..

Абул Ҳасанак бу гапларни шундай бир совуқ ваҳима билан гапирдики, Ибн Шаҳвонийнинг хаёлига келган биринчи фикр: «Қочмоқ» бўлди! Бироқ қандайдир ички бир туйғу, энг хатарли онларда уни қалтис йўллардан ҳамиша асраб келган ички бир туйғу бу сафар ҳам ёрдамга келди-ю, тилига келган гапни ичига ютди.

— Давлатпаноҳнинг аҳволи қалай?— деди Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, юрагини чулғаб олган совуқ таҳликани жиловлашга уриниб.

— Олампаноҳ ҳануз уйқудалар. Кечаси берган доруингиз...

— Уйқу — саломатлик гаровидир!— деди Ибн Шаҳвоний вазирнинг сўзини бўлиб.— Анов ёсуани... Хатлибегим қачон келади?

— Барча хуфия ишлар саройда тунда бўлади! Кечаси, хуфтондан кейин келмоғи даркор, ҳазратим.

— Бир ўзими ё исфаҳонлик анов маккор... ўзини Ибн Сино деб юрган анов маккор табибни ҳам бошлаб келурми?

«Ул Ибн Сино ёлғон эмиш! Ул ёлғон-у, бу баттол чин Ибн Сино эмиш! Офарин!»

Абул Ҳасанак алам билан бош чайқаб:

— Қани энди... ёлғон Ибн Сино ёлғиз бўлса?— деди.— Енида гувоҳи ҳам бор!

— Гувоҳи?

— Ҳа, Ғазнада Абу Райҳон Беруний деган бир алломан бетавфиқ борким, бу кимса чин Ибн Синони танир эмиш!

— Чин Ибн Сино!— деди Ибн Шаҳвоний, тўсатдан кўзларидан ўт чақнаб.— Чамамда, Хатлибегим топган бу маккор ҳақимнинг чин Ибн Сино эканига вазир жаноблари ҳам инониб қолганга ўхшайдурлар?

— Йўқ-йўқ, камина...

Ибн Шаҳвоний бетоқат қўл силтаб, Абул Ҳасанакнинг гапини бўлди:

— Аввал таом, баъдаз калом! Шароб ва таом, жаноб вазир!— буюрди у ва эшикка бориб қолган Абул Ҳасанакни тўхтатди.— Ҳа, ёдимда борида айтиб қўяй: олампаноҳ букун намози асргача ухлайдилар. Уйғонган заҳоти мана бу доруни бергайсиз!

— Офтоби олам уйғонган заҳоти сиз ҳазратимни йўқлайдилар.

— Йўқласалар бир баҳона топгайсиз! Камина намози асрдан кейин олампаноҳнинг хузурларига ҳозир бўламен. Унгача... энг яхши шароблардан топтинг! Лозим бўлса... анов имонсиз Маликул шаробга одам юборинг! Энг кўҳна, энг аъло майларидан олдинг! Ёдингизда бўлсин, жаноб вазир: букун бизнинг қисматимиз олампаноҳнинг аҳволи руҳиятига боғлиқдур! Бас! Олган доруларингизни ўз вақтида бериб, ортидан яхши май тутинг! Қолганига камина ўзим йўл топамен. Иншоолло, ишимиз ўнгидан келур!.. Ҳа, тўхтанг, тагин бир сўз!— Ибн Шаҳвоний шундай деб, Абул Ҳасанакни яна тўхтатди.— Башарти... омад ёр бўлиб амирал мўъминин ул фирибгарни... ўзини Ибн Сино деб, юртни тўнаб юрган ул баттол ҳақимни тарк этсалар... уни дарҳол йўқотмоқ даркор!

Ибн Шаҳвоний вазир жаноблари чиқиб кетгунча кутиб турди-да, ерга тўшалган майин ипак гиламларни бир-бир босиб, ўз хосхонасини бир айланиб чиқди.

У Ғазнага ҳазрат Ибн Сино келганини эшитганидан бери, оёғи тагидан чиққан бу «балон ногаҳон»га қарши чора қидирар, бироқ қанча қидирмасин, хаёлига бирор тузук фикр келмас эди. Ҳозир ҳам нима қилишини билмас, ўктамликда султондан қолишмайдиган унинг шаддод синглиси Хатлибегим ҳазрат Ибн Синони бошлаб келганида нима тадбир қўришини тасаввур этолмас эди. Лекин баковуллар келтирган шаробдан бир коса ичиб, иссиқ бедана кабоблардан еб, ким-

сасиз, осуда хосхонани аста айланаркан, тўсатдан миясига ғаройиб бир фикр келди-ю, яна хонтахтадаги май тўла кўзага қўл чўзди. Унинг миясига келган бу фикр шундай ноёб ва шундай ғалати эдики, Абу Шилқим ибн Шаҳвоний уст-устига яна бир неча коса май ичиб, тўрдаги банорас кўрпачаларга ёнбошлади. У калласида юлдуздай «ярқ» этган бу фикрга сайқал бериб, хаёлида уни обдан «пишитмоқчи» эди, бироқ сўнги кунлардаги ташвишу таҳликалар тамом ҳолдан тойдирган экан, миясида ҳамон ўша ўй, ўша ташвиш, пинакка кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

У кимнингдир турткисидан уйғонди. Токчадаги кумуш шамдонларга терилган шамлар ёқилган, хона кундузгидай ёруғ эди. Тепасида вазир жаноблари қўл қовуштириб турар, унинг ҳорғин юзидаги кундузги ташвиш, бир кундаёқ киртайиб қолган кўзларидаги кундузги кўрқув ҳануз сўнмаган эди.

— Турсинлар, ҳазратим, давлатпаноҳ йўқладилар сизни?

— Қайфиятлари қалай олампаноҳнинг?

— Қайфиятлари чоғ, аммо... ҳозир Хатлибегим анов... ҳазрат Ибн Синони бошлаб келадур...

Ибн Шаҳвоний гўё танасига илон теккандай бир сапчиб тушди, бироқ шу заҳотиёқ кундуз миясига келган ғаройиб фикр ёдига тушди-ю, мийиғида кулимсираганича, ўрнидан турди.

Чор атрофи парқув ёстиқлар билан ўралган султон пинҳоний ишратхона ёнидаги шабистоннинг тўрида ёнбошлаб ётар, унинг олдидаги саккиз қиррали ўймакор хонтахта одатдагидай ноз-неъматларга тўла, май солинган биллур идишлар, баркаш-баркаш сомсалар, лаганлаган парранда гўштлари, шинни ва шарбат қуйилган гулдор пиёла ва тақсимчалар дастурхонга сиғмас, фақат хонанда ва созандалар етишмас эди, холос.

Султон, нечундир ёруғни кўп хушламас, шифтдаги улкан чамбарақ қандилга терилган шамларнинг учдан биригина ёқилган, шабистон нимқоронғи, шунинг учун ҳам султоннинг юзи яхши кўринмас эди.

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний тавозе билан салом бериб, хонтахтанинг рўпарасига чўнқаймоқчи эди, султон кулимсираб ёнидан жой кўрсатди. Ибн Шаҳвоний итоаткорлик билан султон кўрсатган жойга ўтиб ўтираркан, ер остидан амирал мўъмининга бир қараб олди-ю, дарҳол енгил тортди. Майга қўшиб берилган афюни аъло яхши таъсир этган чоғи, султоннинг лабларида кулги, чуқур ботган қисик кўзларида хушнуд табассум ўйнади.

— Ажаб ҳол, ҳақим ҳазратлари бу кун ўз одатларига хилоф хиёл хомуш кўринадилар? Кун бўйи қайда эдилар, ҳазратим?

— Камина... кун бўйи сиз валинеъматимга дору тайёрлаш билан банд бўлдим, офтоби олам!

— Ташаккур ва тасанно!— деди султон, сийрак мош-гуруч соқолини силаб.— Яратган эгамга шукр, мана, авваламбор, худованди карим, иккиламчи, сиз ҳазратимнинг дуои жонлари ва муолажалари сабаб, мен ҳам бу кун дилим хуш, жисмим осойиш ўлтирибмен куй ва мусиқа ишқида!.. Аммо сиз... сиз қаттиқ чарчабсиз, ҳазратим. Олинг, бир пиёла май сипқаринг, токи чарчоқларингиз даф бўлиб, кўнглингиз яйрасин!

Ибн Шаҳвоний маҳзун бош чайқаб, секин уф тортди.

— Нечун оҳ чекасиз? Сизга не бўлди, ҳазратим?

Ибн Шаҳвоний овози ғамгин титраб:

— Офтоби олам!— деб хитоб қилди.— Бу бевафо дунёда неки ғам-андух бўлса биздай фақирлар ҳақирлар бошига тушгай. Сиздай офтоби олам эса...

— Йўқ!..— деди султон, мамнун кулимсираб.— Дилингизда не андух бор — тўкинг барини!..

— Агар олампаноҳ бир қошиқ қонимдан кечсалар...

— Сўзланг, ҳазратим!

— Сўзласам...— Ибн Шаҳвоний нафаси бўғилиб, бир зум дудуқланиб қолди.— Буқун кечаси... камина ёмон туш кўрибмен, уни айгишдан ҳам қўрқамен, давлатпаноҳ!

— Ёмон туш?— султон негадир «ҳазратлари»дан нарироқ сурилиб ўтирди.

— Хўш? Хўш?

— Тушим шундайким, сиз валинеъмат «неъмати илоҳий»га йўллаган анов бевафо вазири аъзам Кўҳи Сарандипдан қайтиб келган эмиш.

Султон аллақандай рангги ўчиб:

— Хўш?— деди.— Олиб келибдими ул «неъмати илоҳий»ни?

Ибн Шаҳвоний алам билан бош чайқаб:

— Сиз ҳам ул бетавфиқдан шу сўзни сўрар эмишсиз, олампаноҳ!

— Хўш?— деди султон бетоқат бўлиб.— Ул бетавфиқ не деди?

— Ул бетавфиқ оёқларингиз остига йиқилиб, «неъмати илоҳий»ни топмаганини арз қилар эмиш.

— Ҳмм...

— Ва лекин дермишким, олампаноҳ бир қошиқ қонимдан кечсинлар, «неъмати илоҳий ўрнига ҳазрат Ибн Синони топиб келдим!» дер эмиш ул қузғун.

— Ҳазрат Ибн Сино?

— Шундай, валинеъмат! Ул қузғун ҳазрат Ибн Сино деб, шундай бир кимсани бошлаб келган эмишким, ул кимса каминага гўё эгизак қўзидай ўхшар эмиш!

— Ажаб туш!— Султон Ибн Шаҳвонийнинг сўзини охиригача эшитмай, олдидаги май тўла ёқут, пиёлани олиб аста сипқарди-да, ёшли кўзларини артди.

— Дарҳақиқат ажаб туш? Хўш, хўш? У ёғи не бўлди?

— У ёғи... сиз олампаноҳ ул қаллобдан сўрар эмишсизким: сен топиб келган бу кимса ҳазрат Ибн Сино бўлса, бу ким, деб каминаи камтаринга ишора қилар эмишсиз, давлатпаноҳ!

— Хўш, хўш?

— Ул каззоб эса... ул каззоб фақирни кўрсатиб: офтоби олам!— деб фарёд чекармиш.— Сиз инониб юрган бу маккор чин Ибн Сино эмас, ўзини Ибн Сино деб эл-улусни тўнаб юрган бир баттол, чин ҳазрат Ибн Синони мен топиб келдим, олампаноҳ, деб ўзи бошлаб келган кимсани кўрсатар эмиш!

— Ё тавба, бу не туш?— Султоннинг лабидаги кулги аста сўниб, гўё юзига яна совуқ ниқоб кийиб олди.

— Бас! Охири не бўлди бу тушнинг? Охирини сўзланг, ҳазратим!

— Охири...— Ибн Шаҳвоний томоғи ғип бўғилиб, «қулт» этиб ютинди.— Охири... Ҳайҳот! Сиз олампаноҳ ҳам ул қузғуннинг сўзига инониб, фақирни жаллодлар қўлига топширган эмишсиз!

— Сиз эса... бу тушга ишониб, андуҳ чекиб ўлтирибсиз!— Султон аллақандай бўғиқ товушда қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Ғам еманг, ҳазратим. Донолар айтадиларким, сув аксига оқмайди, аммо туш аксига юрадур!

Султоннинг сўзи оғзида қолди. Ногаҳон эшик берухсат очилиб, хонага... Хатлибегим кириб келди.

Ибн Шаҳвоний бу хотин тўғрисида жуда кўп эшитган бўлса ҳам ўзини биринчи кўриши эди, беихтиёр сесканиб, аъзои баданидан қора тер чиқиб кетди.

Эғнида одатдагидек тўпиғига тушган қора шойи кўйлак, бошида зар сочилган қора шойи рўмол, юзида ҳарир қора дурра, Хатлибегим, пойгакда тўхтаб, султон билан Ибн Шаҳвонийга бир зум унсиз тикилиб қолди, сўнг, қушдай талпиниб бориб, султоннинг оёғига йиқилди.

— Оғажоним! Меҳрибони соябоним, оғажоним!..

Султон, қовоғи солиқ, қоқ суяк қўлини синглицининг йиғидан титраган оғзин елкасига қўйди.

— Тун ярмида бу не юриш? Ким чорлади сени, оппогим?

— Оғажон!— деди Хатлибегим тўсатдан фарёд чекиб.— Беш вақт намозни канда қилмай шуқр қондасини бажо келтириб юрган сиздай амирал мўминин!.. Эндиликда бу май, бу риндона кайфиятлар!.. Сизни ҳидоят йўлидан урган бу фирибгар афсунгарни қайдан топдингиз, оғажон?

Султон, худди кафтига чўғ теккандай, қўлини синглисининг титроқ елкасидан тортиб олди.

— Бу не сўз, не қилиқ, Хатли? Улим тўшагида ётган оғанга сиз хат келтирган, донғи оламга кетган ҳакими давронни фирибгар демоқ!..

— Сўзимга инонинг, оғажон!— Хатлибегим юзидаги дуррасини жаҳл билан елкасига отиб, ёш билан ювилган юзини очди.— Узини «ҳакими даврон» деб юрган бу кузғун, чин Ибн Сино эмас, ёлғон Ибн Сино, оғажон, ёлғон Ибн Сино! Чин ҳазрат Ибн Сино энди келмиш, оғажон! Сўзимга инонинг — энди келмиш!

Ибн Шаҳвоний ялт этиб султонга қаради.

— Епирай! Тушимму бу ўнгимму?

Хатлибегим унинг сўзига эътибор бермай ўрнидан сапчиб турди-да, шитоб билан юриб бориб, эшикни очди:

— Тақсирим! Ҳакими даврон... Ибн Сино ҳазратлари! Марҳамат қилгайсиз!..

Ўтирган жойида ҳайкалдай қотиб қолган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, ногаҳон аллақандай питир-питир қилиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, султон совуқ кулимсираганича, унинг тиззасига қўлини қўйиб, тўхтатди.

Эшикда... Абу Али Ибн Сино кўринди. Эғнида янги кимхоб тўн, устидан кийилган янги оқ ридо, бошида кўк тақя устидан ўралган оппоқ симобий салла, у пойгакда тўхтаб, бош эгиб салом берди, салом бераркан, аввал султонга, сўнг унинг ёнида ўтирган Абу Шилқим ибн Шаҳвонийга зимдан бир қараб олди.

«Қора дори!— Ибн Сино эшикдан кириб султонга кўзи тушиши биланоқ бу фикр хаёлида чақмоқдай чақнади.— Бундан чиқди табиб кийимидаги бу одам... Ё тавба! Нимаси биландир унга ўхшаб кетадиган бу қирғий бурун, хушсурат одамни қаердадир кўрган эди у! Лекин қаерда? Қачон?..»

Ўртага чўккан мудҳиш жимликда Абу Шилқим ибн Шаҳвонийнинг:

— Субҳон олло!— деб шивирлаган ҳаяжонли титроқ овози эшитилди.— Ё тавба! Тушим! Худди тушимда кўрганларим, олампаҳо!

Хатлибегим бир тўрда алланималарни пичирлаб ўтирган Ибн Шаҳвонийга, бир эшикда ҳамон бош эгиб турган Ибн Синога қаради-ю, яна боягидай: «Оғажон!» деб хитоб қилди. Бироқ султон қўлини кўтариб синглисини тўхтатди. У ҳам аввал пойгакда қўл қовуштириб турган Ибн Синога, сўнг ўнг томонида алланималарни пичирлаб ўтирган Абу Шилқим ибн Шаҳвонийга узоқ тикилиб қаради-да, сийрак муртини силаб, кинояомуз кулимсиради.

— Ажаб ҳол! Бир жойда, бир маҳалда икки Ибн Сино! Икки ҳакими даврон!.. Бу ғалати жумбоқни ким ечади?— Султон шундай деб, эшикда ҳамон жимгина бош эгиб турган Ибн Синога қаради.

— Оғажон!

— Шошма, Хатли! Ҳазратлари сўзласин аввал!

Ибн Сино ер остидан тўрда ўтирган кимсага яна бир қараб олди. Кимса, ранги девор, ҳануз ақлидан озган одамдай алланималарни пичирлаб ўтирарди.

«Йўқ, Ибн Сино янглишмади, у бу одамни қаердадир кўрган! Кўрган! Бироқ... қаерда? Қачон? Во дариг! Наҳот бу... бу ўша, ёшлик чоғларида Бухорои шарифда, Жўйи Мўлиён даҳасида бирга ўсган Абу Ҳалим ибн Файсал... йўқ-йўқ, Абу Ҳалим эмас, шилқимлиги

ва фоҳишабозлиги учун Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, деб донг чиқарган эркатой бойвачча бўлса? Ҳа, ўша! Худди ўзи! Ё тавба!»

Султон эса... Ё тавба! Май ва афюндан қисик кўзлари носоғлом чақнаб ўтирган бу сармаст, қоқ суяк одам Ибн Сино тасаввур этган султон Маҳмуд Ғазнавийга, қирқ йил оламни титратиб келган фотиҳи музаффарга ҳам ўхшар, ҳам ўхшамас эди! Унинг қуриган теракдай узун, қоқ суяк гавдасида, бутун қаҳрли важоҳатида саҳронишин ҳокимларга хос пинҳоний бир куч сезилиб турар, бироқ ажал муҳри босилган ялпоқ сарғиш юзида, қисик кўзларининг носоғлом чақнашида кишини чўчитадиған телбанамо бир нарса бор эди!..

Ибн Синонинг хаёлини султоннинг совуқ заҳархандаси бўлди.

— Ҳа, нечун оғизларига талқон солиб олдилар? Сўзласинлар, ҳазратим!

Ибн Сино таъзим бажо келтириб:

— Олампаҳо, кечиргайлар!— деди билинар-билинемас кулимсираб.— Шу бугунгача фақир Абу Али Ибн Сино эканимга иштибоҳ қилмас эдим. Ва лекин энди, ҳузурларида бу ҳазратларини кўриб, ўзимга ўзим инонмай қолдим, подшойи олам!

Абу Шилқим Ибн Шаҳвоний султоннинг қулоғига эгилиб:

— Ё тавба!— деб шивирлади.— Тушим! Худди тушимда кўрганларим, олампаҳо!

«Туш» сўзини эшитган султон тўсатдан қисик кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Сени бу даргоҳга ким йўллади, ким сени ҳақими даврон Ибн Сино деб донг таратди, эй осий банда? Неъмат илоҳийга кетган анов қузғун... вазири аъзам қайда?

Хатлибегим яна султоннинг ёнига тиз чўкиб, унинг катта, қоқ суяк қўлларини ўпди.

— Офтоби олам! Ибн Сино ҳазратларини топиб келган вазири аъзам эмас! Бу зоти шарифни сиз олампаҳога садоқати боқий фарзандингиз шаҳзода Масъуд йўллагандур, оғажон!

Шаҳзода Масъуд номини эшитган султон кутилмаганда қалтироқ босиб, совуқ кулди:

— Агар амир Масъуд йўллаган бўлса... ҳазратларига инонмоқ даркор!

— Оғажон!— Хатлибегим султоннинг қўлини қўйиб юбормай қайта-қайта ўпди.— Нечун инонмайсиз, оғажон? Ҳазратларини танийдурган одамлар бор. Мавлоно Абу Райҳон Беруний бор!

— Мавлоно Беруний не керак бу ишда? Ким чин Ибн Сино, ким ёлғон — бу жумбоқни ҳозир ўзим ечамен!— Султон қўлини синглисининг қўлидан тортиб олиб қаддини ростлаб ўтирди.— Ул неъмат илоҳий қайда ўсади? Қимки чин Ибн Сино бўлса — буни билмоғи даркор! Бу илоҳий дору унинг ёнида бўлмоғи даркор! Сўзим тўғриму, ҳазратим?

Ибн Шаҳвоний бирдан юзига қон югуриб:

— Тасанно, офтоби олам!— деб юборди,— Буюк доноликнинг нишонасидур бу сўз!

Ибн Синонинг ёдига «неъмат илоҳий» тўғрисидаги Берунийнинг ҳикояси тушди-ю, лабадаги кулгини яшириш учун бошини пастроқ эгди.

У дориссалтанатда бўлаётган ғаройиб ҳангомаларнинг бир чекасини эшитган бўлса ҳам, бундай ҳийлаю найранга дуч келишини тасаввур этмаган эди. Уни айниқса султон лол қолдирди. У давосиз дард баниодамни ҳар кўйга солишини билса ҳам, бу қайсар ҳокими мутлақни бундай аянчли ва жунун ҳолда кўраман, деб ўйламаган эди. Султон эмиш, унинг ўзи-чи? Келиб-келиб қариган чоғида бу бераҳм, мустабид шоҳ саройида «неъмат илоҳий» ҳақидаги жумбоқни ечолмай «сохта Ибн Синога айланишини» тасаввур этганмиди? Дарҳақиқат, бу тескари дунёнинг телба ўйинларини англаб бўлмас экан!

Ибн Сино ҳамон ўйга толиб, пойгакда бош эгиб турар, унинг

дилидаги ҳислар қуюндай чарх урар, алам заҳархандага, заҳарханда аччиқ аламга айланар эди.

— Хўш, нечун ҳазратлари тили лол, қулоғи кар бўлиб қолдилар? Чин Ибн Сино бўлсалар жумбоқни ечсинлар, ҳазратим!

Ибн Сино лабларидаги аламли кулгини яширишга уриниб:

— Офтоби олам, бир қошиқ қонимдан кечгайлар!— деди оҳиста.— Фақир шу букунгача ўзимни Ибн Сино деб юрган эдим, аммо энди Ибн Сино эмаслигимга инондим, зеро, олампаҳоҳнинг бу саволини ечишга ожизмен!

Султон ёстиғининг тагидан олтин шақилдоғини олиб шақиллатмоқчи бўлди. Бироқ Ибн Сино кутилмаган бир қатъият билан қўлини кўтариб, уни тўхтатди. Синонинг кўкка мойил катта-катта кўзларида, қалин қошларининг чимирилишида, талвасасиз, мағрур ва вазмин туришида кишини ўзига ром қилувчи шундай бир куч бор эдики, султон бу зоҳирий кучга беихтиёр таслим бўлиб, шақилдоғини кўтарганича қотиб қолди.

— Ҳакимлар ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳатто ўз ғанимларига ҳам, алхусус улар бетоб бўлса,— деди Ибн Сино ҳар бир сўзини чертиб-чертиб.— Ёмонлик тилаган эмас. Қамина сизга ҳам сиҳат тилаймен, амирал мўъминин! Ҳаким ҳазратларига эса...— Ибн Сино султоннинг ёнида ҳамон питирлаб ўтирган Ибн Шаҳвонийга қараб, мийғида кулди.— Жаноб Абу Шилқим ибн Шаҳвонийни эса ҳазрат Ибн Сино бўлганлари билан чин қалбимдан қутлаймен!

Ибн Шаҳвоний шитоб билан ўрнидан туриб:

— Фармони олий — амри худодур!— деб бақирди.— Даф қил бу муғомбирни, Абул Ҳасанак!

— Оғажон!— Хатлибегим кўзида ёш, султоннинг тиззасидан қучди, бироқ султоннинг шароб тўла идишга қўл чўзганини кўриб, ўрнидан сакраб турди-да, ўзини ташқарига урди. Зум ўтмай йўлакдан унинг:

— Ҳазратларини қўйиб юбор, ҳезбачча!— деган бўғиқ, ўктам овози эшитилди.

Йигирма еттинчи боб

1.

Ё ҳазар! Алҳазар! Алҳазар! «Ал-Қонун» ва «аш-Шифо»ни яратиб, донғи бутун оламга кетган, ҳақими даврон ва ҳаттоки шайх ур-раис номини олган ҳазрат Ибн Сино ёлғонга чиқиб, икки маккор вазир фириб ниятда «ўйлаб» топган бир иблис чин Ибн Сино деб топилмиш! Буюк аллома ва пок инсон ҳақоратомуз сўзлар билан саройдан ҳайдалмиш, Ибн Синонинг номини булғаб аҳли мўминни тўнаб юрган бир шайтони лаин эса, бўйи баробар ганжга кўмилмиш!.. О, бу телба дунё, телба дунё!

Беруний ҳеч қачон бунчалик фиғони чиқмаган, ҳеч қачон бунчалик дарғазаб бўлмаган эди. Назарида, Ибн Синони эмас, унинг ўзини мислсиз таҳқир қилишган, Абу Алини эмас, уни сохта Берунийга чиқариб, саройдан ҳайдашган эди!..

У юрагини ўртаган ички аламдан чўзинчоқ қорамағиз юзи баттар қорайиб, расадхонанинг кенг, осуда хонасини тинимсиз айланар, гоҳ оёқ остидаги асбоблар ва курсиларга қоқилар, гоҳ расад туйнуғи олдида тўхтаб, кўкдаги юлдузларга тикилганича аламли сукутга толар, бироқ зум ўтмай машъум воқеа қайта эсига тушарди-ю, «о, малъунлар, малъунлар», деганича яна асабий ҳолатда расадхонани айланишга киришар эди.

Ибн Сино эса, аксинча, одатдагидан ҳам вазмин кўринар, лабла-рида, ҳорғин кўзларида хиёл маҳзун табассум, Берунийни тинчителишга уринар, дам-бадам қулиб:

— Куйинманг, устод!— деб ёлворарди.— Баниодам бино бўптики, донолар гурбатда, нодонлар иззатда эмасму? Нечун ажабланасиз, устод?

Беруний юришдан тўхтади, кўзини юмиб, қаттиқ уф тортиди.

— Йўқ, мен ажабланмаймен, Абу Али! Сен айтган аччиқ ҳақиқатни фақир ҳам биламен. Ва лекин билсам ҳам тоқат қилолмаймен. Ҳар сафар бу машъум ҳақиқат юрагимни тилка-пора қилади, илло мен қорнимга эмас, қадримга йиғлаймен. Сендай алломаларнинг қадрига йиғлаймен, азизим Абу Али!

— Не чора, устод? Ўзингиз биласиз, донолар фарёди кўкка бориб етабермас экан! Тўғрисини айтсам, камина тақдирнинг бу ўйинидан ҳатто миннатдормен! Менинг ёлғиз истагим — тезроқ, илож бўлса бугун, эртадан қолмай бу ердан кетмоқ!

Беруний яна юришдан тўхтаб, тасдиқ ишорасида бошини эгди.

— Ҳа, ҳа, сен кетмоғинг даркор, азизим. Бу нотинч шаҳардан тезроқ кетганинг маъқул. Аммо... қандай кетасен? Сенга от-улов керак, озиқ-овқат керак, йўл кўрсатадиган одамлар керак!..

Ибн Сино болаларча бир самимият билан кўзини қисиб кулди:

— Сиз сарбозлар қуршовида қолган бу расадхонадан олиб чиқа олсангиз бас, уёғига камина ўзим йўл топамен, устод.

— Йўқ, йўл топиш сен ўйлаганча осон эмас, Абу Али. Сен султон Маҳмуд айғоқчиларини тасаввур ҳам қилолмайсен!

— Тасаввур қиламен, устод. Аммо Ғазнада Маликул шароб деган бир дарвеш бўлмоғи даркор. Ушал дарвешга йўл топиб берсангиз бас...

Беруний кўзларини катта очиб:

— Маликул шароб?— деб хитоб қилди.— Сен... сен ул дарвешни қайдан биласен, Абу Али?

Ибн Сино ўзига ярашган мош-гуруч соқолини силаб, хушнуд кулди:

— Фақир билмаган сир-асрор йўқ, устод! Маликул шароб уёқда турсин, ҳатто бу юртда султон Маҳмудга қарши қилич чархлаган баҳодирларни ҳам биламен!

— Епирай! Қим экан ул баҳодирлар?

Ибн Сино эшикка бир қараб олди.

— Имом... Исмоил Ғозий!..

Беруний ҳам беихтиёр эшикка кўз ташлади.

— Имом Исмоил?

— Балли, устод! Аҳволимдан Маликул шароб хабар топса бас, ул имомга етказади. Алқисса, бу тутқундан пинҳона қутулиб чиқсак, уёғи имом Исмоилга ҳавола. Фақат Маликул шаробни топиб, уни бу ишдан огоҳ қилмоқ лозим, холос!

Маликул шароб ҳибсдан озод бўлдими, йўқми — Беруний бундан беҳабар эди. Лекин унинг хаёлига келган бу фикрни бошқа ўй, бошқа саволлар суриб чиқди: Ғазнадан уч юз фарсанг йироқда юрган Абу Али Маликул шаробни қайдан билади? Имом Исмоилни-чи? Наҳот Маликул шароб имом билан пинҳоний алоқада бўлса?

Тоғу тошлар орасига макон қуриб, бой тижорат аҳли ва ман-ман деган аёну боёнларни зир титратиб юрган, лекин ҳеч кимга, ҳатто султон Маҳмуд лашкарларига ҳам тутқич бермай келаётган, мачитларда аллақачон лаънатланган бу исёнкор, довюрақ одамни билса-ю, бу сирни ундан, қил ўтмас қадрдони Абу Райҳондан сир тутса?

Берунийнинг чуқур ўйга толганини кўрган Ибн Сино аллақандай хижолат чекиб:

— Сиз кўп қайғураберманг, устод!— деди.— Агар Маликул шароб бўлмаса...

— Маликул шаробни сўраб-суриштирамен,— деди Беруний.— Аммо... Унинг хаёлидан: «Маликул шароб ҳибсдан чиқдими, йўқми — буни ўзим ҳам билмаймен!»— деган фикр ўтди, бироқ бу фикрни ичига ютиб, такрорлади.— Дарҳол суриштирамен!

— Аммо расадхона султон назоратида!— деди Ибн Сино, гўё унинг фикрини илғаб олиб.— Каминани мана шу нарса ташвишга солмоқда. Чунки... имом Исмоил навкарлари бостириб келса қон тўкилиши муқаррар. Фақир эсам... қон тўкилишини истамаймен!..

— Унинг ҳам чораси топилур!— деди Беруний.— Расадхонанинг остида тоғ ортига олиб чиқадиған лаҳим¹ бор! Эҳтиёт шарт деб, султон ўзи қурдирған бу лаҳимни!..

Ибн Сино ялт этиб Берунийга қаради.

— Камина бу лаҳимдан чиқиб қочсам... сизнинг аҳволингиз не бўлур? Бошингиз балога қолмасму, устод?

Беруний бетоқат бош чайқаб, унинг сўзини бўлди.

— Бу бош не мусибатларни кўрмаган бош, Абу Али! Бошга тушганни кўз кўрар дейдилар! Каминани бу ташвиш эмас, норасо дунёнинг нопок ишлари куйдиради, Абу Али!

— Не чора, устод?

Йўқ, кўхна оламнинг бу тескари ўйинлари иккаласи учун ҳам янгилик эмас. Иккиси ҳам бу азалий адолатсизликлардан нола қилиш бефойда эканини нозик ҳис этади. Шу боисдан ҳам кўп мусибатларни бошларидан кечириб, кўникиб кетган алломаларга хос бир донолик билан дам хиёл кулимсираб гапиришар, дам маҳзун ўйларга кетишар эди. Бироқ тирик одам, гоҳо-гоҳо, аламли ўйлар хуруж қилиб келганда, хусусан Беруний, тўсатдан портлаб кетганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

Бу сафар Беруний қўлларини кўксига қовуштирганича, осмонга тикилиб узоқ сукутга толди, сўнг қаҳрли, бўғиқ овози аллақандай самимий ва ўйчан оҳанг касб этиб, тиниқ янгради:

— Е тавба! Бу гўзал олам, бу мўсаффо осмон, бу ёруғ юлдузлар, қўйингки, бу мукаммал оламни бунёд этган худованди карим нечун ўз бандасини бундайин номукаммал қилиб яратди? Агар бу фоний дунё, Абу Али, сен айтгандай буюк зарурат ва етук ақл-идрок асосига қурилган бўлса, нечун бу улуг қонуният бани-башар ҳаётига келганда ўз кучини йўқотди?

Осий бандангни ўзинг кечиргайсен, э яратган эгам! Ва лекин... агар бандангни лойдан яратиб, унга ўз нафасингдан уфуриб жон ато қилганинг рост бўлса, нечун бу жон билан бирга унга жаҳолат ва қаллоблик, худбинлик ва разолат янглиғ тубан истакларни қўшиб бердинг? Нечун унга бошқа ҳеч бир тирик зотга ато қилмаган ўткир тафаккур ва етук ақл-заковат инъом этиб, бу ақл-заковатни тубанлик, разолат ва қабоҳат йўлида ишлатмоқни раво кўрдинг?— Беруний, гўё кўкдан садо кутгандай бир нафас сукутга чўмди. Ибн Сино гўё унинг мунгли куйдай сокин оққан овозига сеҳрлангандай бошини осилтирганича маҳзун хаёлларга толган эди.

— Йўқ!— деди Беруний ҳамон дард тўла ўша ўйчан овозда.— Камина бидъат ва хурофот асирлари бўлмиш уламои забардастлар ақидасига, сенинг «иродангсиз пашша ҳам ўлмайди!» деган ғариб каломларига инонмаймен, э сарвари коинот. Камина ҳам азизим Абу Али каби бу олам зарурат қонунига қурилганига инонамен, бани одам эса сен ато қилган ақл-идрок ва инсофу адолат асосида ҳаёт кечирмоғи лозим эканига имон келтирамен! Аммо бу тубанликларни кўриб яна ўз ўтимда ўзим қовуриламен. Не чора? Ахир ўзинг ато қилган ақл-заковат қайда-ю, бани башар ҳаётидаги бу тубанлик ва бу разолат қайда? Шу боисдан ироданг ва қудратинг олдида сажда қилган ожиз банда, сен яратган бани башар ҳаётидаги бу қабоҳат ва жаҳолатни идрок этишга ожизмен, ожизмен!..

Ибн Сино аста юриб Берунийнинг ёнига борди. Гўё унинг теран ўйларини ҳуркитиб юборишдан қўрққандай секин унинг елкасидан кўчди.

¹ Лаҳим — ер ости йули.

— Беҳуда изтироб чекасиз, устод! Зеро, сиз айтган бу разолат ва бу жаҳолат янгилик эмасдур бу кўҳна дунёда!

— Биламен, Абу Али! Ҳаммасини биламен! Аммо... «ал-Қонун»ни яратган Ибн Синони бундай хору зор қилмоқ!..

— Қўйинг, устод! Наҳот бу ҳақдаги ривоятни эшитмаган бўлсангиз?

— Не ривоят?

— Шундайким, буюк бир донишманд бани башарнинг нопок истаклари ва тубан эҳтиросларини бир уйга қамаб қўйилган уч махлуқ — одам, тўнғиз ва арслонга ўхшатган экан. Бани одам деганда у ақл-идрокни назарда тутибди, тўнғиз деганда инсоннинг чиркин хоҳишларини, арслон деганда эса қаҳр-ғазабни назарда тутибди. Бу уч махлуқнинг қайси бири зўр чиқса, қамалган уйда ўша устунлик қилар эмиш.

— Хўш, хўш?

— Бу қиссадан ҳисса шулки, тўнғиз билан шер, яъники, тубан эҳтирослар қанчалик зўр бўлмасин, бани одам, яъники, ақл-идрок бари бир энгусидир!

— Ҳайҳот! — деди Беруний аста бош чайқаб.

— Бу кўҳна дунёни каминадан яхши биласиз, устод. Юз йиллар, балки минг йиллар ўтар, аммо бари бир, охир-пировардида ҳамма нарсадан ақл-идрок устун чиққусидир!

— Минг йиллар! — деди Беруний. — Минг йиллар!.. Донишманд ҳақ: бани одам тўнғиз билан шерни енгади! Фақир ҳам бунга ишонамен! Аммо... камина бугунни ўйлаб қуямён, Абу Али!

Ибн Синонинг лабларида яна ўша, кишини ўзига ром қилувчи киноя аралаш мулойим табассум зуҳур бўлди.

— Бугуннинг ташвиши ўзига етар, устод!

— Дарҳақиқат, ҳозир фалсафий ўйларнинг вақти эмас, Абу Али! — Беруний шундай деди-да, ёш тарихнавис Абу Фазл Байҳокийни чақириб, Ибн Синони унга топширди. Ўзи эса лаҳим орқали расадхонадан чиқиб, шаҳарга отланди.

Ҳали Маликул шаробни топиш ва унинг ёрдамида Ибн Синонинг саломини имом Исмоилга етказиш керак, аммо бу ишдан фойда чиқадими, йўқми — бу ёғи қоронғи эди.

2.

Беруний шаҳар ҳовлисига кириб борганида тонг отиб қолган, хира тортган кемтик ой «Мозори калон» ортидаги тоғлар устида заифгина милтираб турар, осмон тўла юлдузлар гўё кемтик ойнинг заифлигидан севингандай, аллақандай чарақлаб кетганди.

Тонг салқин, майин, оромбахш эди, дашт гиёҳлари, барра кўкат ва райҳон ҳиди димоққа гуп-гуп урарди. Ҳаммаёқ жимжит. Дарвоза негадир қулфланмаган, катта сердарахт ҳовли жимжит, осуда, фақат ҳовлининг этагида ариқ аста жилдирар, қаердадир — олисда, тегирмон новидан қўйилган сувнинг сокин гувуллаши эшитилар, гоҳо-гоҳо узоқ-яқинда итлар ҳурар, ҳануз мудҳиш таҳликадан кутулмаган шаҳар энди уйғонмоқда эди.

Беруний, ҳамон ғамгин ўйлар оғушида, аста юриб, ҳовлининг этагига борди, ариқ бўйига чўнқайиб, юзини ювди, бўйлари бир қарич бўлиб қолган митти райҳонларга қўл уриб, ҳидлаб кўрди, сўнг, бир-бир босиб уй томон юрди.

Ажаб ҳол. Сабҳу ҳужрасининг даричаси ёруғ, афтидан, у уйқудан туриб, мутолаага киришган эди.

Беруний оёқ учида юриб, дарича олдида борди. Сабҳу ҳужранинг қибла томонида чўккалаб ўтирар, қўлида қандайдир қизил мато, кўзлари юмуқ, дам бошини ерга уриб алланималарни пичирлар, дам қўлидаги қизил матони ўпар эди. Токчадаги хира фонус шуъласида Сабҳунинг юзи кўринмас, бироқ бутун хаёли, бутун вужуди билан кўкка илтижо этиб, ибодат қилаётгани кўриниб турарди.

Беруний, кўнгли алланечук бўлиб, даричага яқинроқ борди-ю, беихтиёр юраги «шиғ» этди. Сабҳунинг қўлидаги қизил мато... Садаф-бибининг қизил гулдор рўмоли эди!

Сабҳу гоҳ бу рўмолни ўпиб, гоҳ бошини ерга уриб, ўз худоларидан бирига, бахт ва омад худоси Шивагами ё ҳаёт-мамонт худоси Бораҳмгами ёхуд бош худо Вишнагами, кимгадир илтижо этар, такрор-такрор сажда қилиб, нола чекарди.

Беруний юраги қаттиқ ачишиб, деворга суянди. Суянган заҳоти негадир ҳибсдан аввал Садафбиби билан бўлган тунги суҳбат эсига тушди. Қиз унинг ҳужрасига ҳуркак кийикдай аста юриб кириб келгани, қаршисига тиз чўкиб, йиғлаб айтган сўзлари, бу сўзлар кўнглида аллақандай ширин умид кўзгагани хотирасида жонланди-ю, юраги виждон азобидан баттар зирқираб кетди. Назарида, гўё икки ёшнинг бошига тушган бу мусибат учун у ҳам айбдор, гўё ўша дақиқаларда ёшига номуносиб умидларга бормаи, уларни қовуштириб қўйганида бу жафо содир бўлмас эди!

Беруний уйга киришга юраги дов бермай, аста кўчага чиқди. Шояд Маликул шароб шўрлик бибидан хабар топган бўлса! Шояд имом Исмоил воситасида бўлса ҳам қизни қутқариш чораси топилса!..

Маликул шаробнинг майхонаси «Афшон шол» даҳасида бўлиб, унга сангтарошлар гузаридан ўтиб бориларди.

Сангтарошлар даҳасига кираверишда ўзига тўқроқ деҳқонлар, хорижий савдогарлар, заргар ва мисгарлар, бозори чаққон ҳунармандлар растаси саф тортган, йўқсиллар, гадолар, майда косиблар макони бўлмиш Маликул шароб маҳалласига шу расталар орқали ўтиб бориларди.

Ана, олдинда сердарахт гузар кўринди. Гузардаги илк дўкондорлар: ҳалвофуруш ва қандолатпазлар, сомсапаз ва новвойлар ўз дўконларини очишган, ҳавода димоқни қитиқловчи тандир сомса, ҳалво ва кабоб ҳиди тарала бошлаган эди.

Расталар олдида чарм камзул кийган мешкобчилар оғир мешларидан ерга сув сепар, фаррошлар узун супургилари билан йўлларни супураб, чап ёндаги катта карвонсарой ҳовлисида савдо тараддудига тушган тижорат аҳли чумолидай ғимирлаб қолишган эди.

Беруний, гавжум гузардан ўтиб, атторлар ва заргарлар растаси бўйлаб кетди. Бу ерга ҳам сув сепилган, фаррошлар ёғ томса ялағудек қилиб супуриб қўйишган эди. Лекин қизик, одатда жуда барвақт очиладиган серҳашам дўконлардан бирортаси ҳам очилмаган, очилганлари қайта ёпилмоқда, нимадандир ҳаяжонга тушган дўкондорлар шивир-шивир қилишиб, раста охиридаги бозор томон шошилмоқда эди.

Агар Берунийнинг ёдидан чиқмаса, Пири Букрийнинг дўкони ҳам бозор яқинида эди. Ана, муволишда унинг дўкони ҳам кўринди. Бироқ... бу не тўполон? Дўкон олди аросат, ҳамма ўша томонга қараб югурмоқда эди.

Беруний ҳам беихтиёр қадамини тезлаштираркан, атрофдан келатган ваҳимали гап-сўзлар қулоғига чалинди:

- Шўрлик Пири Букрий оламдан ўтибди!
- Худо раҳмат қилгай! Яхши одам эди!
- Туф де, гумроҳ! Яхши бўлса шундай қилурми?
- Не қилибди?
- Ўзини ўзи осиб қўйибди!
- Астағфирулло!..
- Билмай сўзлама, тентак! Пири Букрий эмас, чўриси ўзини ўзи осиб қўйипти!
- Е алҳазар!

Одам оқими тобора тошиб, дўкон олдида катта оломонга айланган эди.

Беруний, бирдан исканжага олган совуқ туйғудан юраги сиқилиб,

аридай ғувиллаган оломон орасига кирди. Якка кифт бўлиб, базур ёриб олдинга ўтди. Бировлар уни таниб, бировлар алломаларга хос сипо кийимга қараб, йўл беришди. Оломон узра ҳамон ўша ваҳимали гап, бир-бирини инкор этувчи ўша шивир-шивир ҳоким эди.

Тўсатдан, дўкон эшиги тарақлаб очилди-ю, ичкаридан боши хумдай, паканагина, чорпахил, бир кимса алпанг-талпанг юриб, йўқ, юриб эмас югуриб чиқди-да, халойиқни кўриб, қоққан қозикдай қотиб қолди.

Астағфирулло! Ичкаридан худди асроилдан қочгандай қочиб чиққан бу ёқавайрон, ялангоёқ, ялангбош одам... Пири Букрий эди!..

Унинг соқол-мўйловлари юлинган, бўғриққан юзи, туксиз тақир боши ва ҳатто бир каллақанддай елкасида дўппайиб турган ўрқачигача — ҳамма ёғи қоп-қора қон, кўзларида, гўдакнинг кўзларидай маъсум кўзларида даҳшатли бир ифода қотиб қолган эди!..

Букрийнинг важоҳати шундай қўрқинчли эдики, ғала-ғовур бирдан сўниб, аридай ғувиллаган оломон сув қуйгандай жим бўлиб қолди.

Пири Букрий, даҳшат муҳрланган мовий кўзларини олазарак қилиб, бир он анграйиб турди, сўнг, ходадай осилиб қолган узун қўллари пихса қилиб:

— Йўқ! — деб қичқирди. — Бу қиз... бу жорияни мен осганим йўқ! Узини ўзи осиб қўйди ул беҳаё!

Букрий шундай деб, уввос тортиб йиғлашга тутинди-ю, тўсатдан рўпарасида ҳайкалдай қотиб қолган Берунийга кўзи тушиб, йиғидан тўхтади. Худди уни таниб-таниёлмагандай, кўзларини катта очиб, бир дақиқа серрайиб турди, сўнг ерга тиз чўкиб, унинг оёқларини қучоқлади.

— Мен бадбахтни кечиргайсен, мавлоно, кечиргайсен!

Беруний, гўё ақли-ҳушидан айрилгандай, ҳануз қарахт бўлиб турарди. У бир ўйида оёқлари остида юмалаб ётган букрини бир тепиб, ичкарига киргиси келди, шўрлик қизни кўргиси келди. Бироқ сиртмоқда чайқалиб турган қизнинг жасадини тасаввур қилди-ю, ҳамон ерда юмалаб ётган букрининг титроқ қўлларидан оёғини базур тортиб олиб... аста орқага чекинди. Унинг юраги тинимсиз безиллаб оғрир, назарида, кимдир кўксига занглаб қолган ўтмас пичоқ қадаган-у, қайта суғуриб олмаган эди.

Во дариғ! Қариган чоғида бу не мусибат, не кўргулик? Охудай гўзал, мусичадай бегуноҳ бу қиз унинг чироқсиз ҳужрадай нурсиз, шуъласиз ҳаётида милт этиб ёнган бир шам эди, мана, бу шам ҳам сўнди. Эвоҳ! Наҳот боя тонг чоғи қилган пок нияти, кўнглидаги худбин истакларни жиловлаб, шўрлик қизни келин қилиш орзулари кўкка бориб етмади? Агар бориб етган бўлса бу не шафқатсизлик, не адолатсизлик, э сарвари коинот?

Беруний, гузарга чиққач, таниш мешкобчидан бир коса совуқ сув сўраб олди-да, уни ичиб, сада тагида узоқ ўйга толиб ўтирди.

3.

...Ҳали барвақт бўлса ҳам Маликул шароб майхонасининг олдида одам гавжум, бировлар майхона остонасида бошларини ҳам қилиб хаёлга чўмиб ўтирар, бировлар у ёқдан-бу ёққа изғиб юрарди. «Ажабо! Бу не? Нечун кўпчиликнинг боши ҳам? Нечун ҳамма сукутда? Наҳот?»

Бўсағада ўтирган майхўрлар жимгина чекиниб унга йўл беришди.

Беруний усиз ҳам безиллаб оғриган юраги баттар увишиб, эшикни журъатсизгина очди.

Одатдагидай ғира-шира майхона бўм-бўш эди. Тўрдаги токчада биттагина мойчироқ ҳорғин липиллар, токчанинг тагида эгнига олача тўн кийган нотаниш бир кимса қулоҳлик бошини осилтириб ўтирар, у уйғоқми, пинакка кетганми — билиб бўлмас эди.

«Маликул шароб! Хайрият!»

Пойгакда тўхтаган Беруний қибла томондаги бурчакда... устига оқ мато ёпилган жасадга кўзи тушди. Жасаднинг оёқ томонида кимдир бошини осилтириб ўтирар, у ҳам Маликул шаробга ўхшаб чуқур сукутда эди. Берунийнинг кўнглидан: «Наргизабону?» деган фикр ўтиб, аъзои бадани музлаб кетди.

Маликул шароб оёқ шарпаларини эшитиб, аста бошини кўтарди, Берунийни таниб, ўрнидан туришга ҳаракат қилди, бироқ туролмади. Беруний тез етиб бориб, у билан кўришди. Кечса дарвиш, тунов кунгидан ҳам озиб-тўзиб, фақат сояси қолган эди.

— Қалайсен, азизим? Ҳибс деган балои азимдан омон-эсон кутулдингму?

— Оллога шукр,— Маликул шароб дағал бармоқлари билан томогини силаб, «қулт» этиб ютинди. Унинг токчадаги мойчиروқдай ҳорғин милтираган кўзлари тўсатдан жиққа ёшга тўлди.— Қамина омон чиқдим, аммо... Бобо Хурмо... Бобо Хурмодан айрилиб қолдик, Абу Райҳон!..

Беруний юзига фотиҳа тортди-да, бурчакка ўтиб марҳумнинг юзини очиб кўрмоқчи бўлди, бироқ Маликул шароб:

— Кўябер, Абу Райҳон,— деб уни тўхтатди.— Гунг дарвеш қуръон ўқиб ўлтирибди. Уқий берсин... Шўрлик бобо Хурмо! У кўрган азобларни олло ҳеч бир бандасининг бошига солмасин! Кеча ҳибсдан чиқишда чивиндай жони ҳалқумида эди. Кулбаи вайронамга етолмай жон таслим қилди, шўрлик! Пешинга чиқарамиз. Дафн маросимида бўласенму ё...

— Бўлмасам гуноҳга ботамен, аммо...

— Биламен. Ғазнага ҳазрат Ибн Сино ташриф буюрган эмиш.

— Буни қайдан билдинг?

— Ёдингда бўлсин, Абу Райҳон. Маликул шароб билмаган сирасрор йўқ. Бу жоҳил султоннинг жоҳил надимлари уни ҳам устод Фирдавсий янглиғ таҳқирлаган эмиш. Анов фирибгар Абу Шилқим Ибн Шахвонийни чин Ибн Сино деб, чин ҳакими давронни ёлғон Ибн Синога чиқарган эмиш! Бу ишга куюнма, Абу Райҳон. Билаёкс, бу ҳам султон Маҳмудга кўк юборган бир қасосдур!

— Филҳақиқат. Аммо ҳазрат Ибн Сионинг ҳаёти хавф остида, Маликул шароб!

— Биламен. Ҳаммасини биламен, Абу Райҳон. Мен ўзим одам юбормоқчи эдим!— Маликул шароб шундай деб, Берунийнинг қулоғига шивирлади:

— Имом Исмоилдан одам келган. Бу табаррук номдан хабаринг борму?

— Бор. Сен айтмасанг ҳам эшитганмен, Маликул шароб!

— Қамина бу гапни шаръий заифам Наргизабонудан ҳам сир тутаман, Абу Райҳон. Алқисса, ҳазрат Ибн Синога не ёрдам керак? Дарҳол хат ёзиб бер. Имомнинг одами кутиб ўлтирибди!— Маликул шароб шундай деб, тўрдаги токчадан қоғоз-қалам олиб берди. Сўнг Беруний ёзган мактубни носқовоғига яшириб, ташқарига чиқиб кетди-да, дарҳол қайтиб кирди.

— Кечқурун намози асрга қолмай жавоб келади. Истасанг кулбаи вайронамда кут, истасанг...

У сўзини тугатолмади. Тўсатдан, майхонанинг эшиги шарақлаб очилди-да, кимдир ичкарига кириб, бир нарсани «гурс» этказиб ерга ташлади. Маликул шароб эшик томонга ялт этиб қаради-ю:

— Шоир Унсурий?— деб хитоб қилди.

— Хотираларига тасанно, Маликул шароб!— Танидилар, азизим, танидилар! Э-э, мавлоно Беруний ҳам шу ерда эканлар-да! Боракалло, боракалло!— шоир Унсурий банорас тўнининг этаги билан ер сурпурганича, алпанг-талпанг юриб келиб аввал Беруний билан, кейин Маликул шароб билан кўришди, кўришаркан, гўё кўнгилсиз гапнинг олдини олмоқчи бўлгандай:

— Фақир Қўшки давлатдан, офтоби оламнинг ҳузурларидан келмоқдамен,— деди пешона терини артиб.— Яъники, ул валинеъмат амирал мўъминининг бағоят зарур топширигини лутфан етказгани келдим, азизлар!

Шоир ҳаяжондан энтикиб, нимқоронғи бурчакка бир қараб қўйди.

— Ул бандан ожиз Бобо Хурмо қайдадур, азизим Қутлуғқадам?

Маликул шаробнинг уйқусизликдан киртайган кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Агар султони салотин Бобо Хурмони йўқлаган бўлсалар... кеч йўқлабди! Бу фоний дунёни етим қолдириб, боқий дунёни мунаввар қилмиш ул бандан хокисор!

— Олло раҳмат қилғай! Қачон?

— Шу букун! Агар шўрлик Бобо Хурмо еган калтакларнинг ўндан бирини еганларида жаноблари ҳам ҳибсдан чиқмасданоқ боғи эрамга парвоз қилур эдилар!

Унсурий, гўё Маликул шаробнинг бу аччиқ киноясини эшитмагандай, лабларини пичирлатиб, юзига фотиҳа тортди-да, ёқасини ушлаб:

— Э, яратган эгам!— деб шивирлади.— Шу букун ул бандан ожиз Бобо Хурмо... амирал мўъминининг тушига кирмиш!

— Нечун ажабланасиз, назм бўстониинг боғбони?— деди Маликул шароб заҳархандалик билан.— Бобо Хурмо ҳали кўп киради султони салотининг тушларига!

Султон уни кеча шом чоғи ўз шабистонига чақиртирган эди.

Унсурий кирганда қандиллардаги шамларнинг кўпчилиги ўчирилиб, шабистон аллақандай сирли руҳ касб этган эди. Султон ўрдадай кенг, аммо аллақандай ҳувиллаб қолган бўм-бўш хонаниннг тўрида, баланд шойи тўшак устида чалқанча ётарди. Унинг чўғир қовундай сўпоқ боши оқ паркув ёстиқларга ботиб кетган, кўзлари юмук, осмонга қараган ялпоқ юзи яна илгаригидай унниқиб, мумдай сарғайиб қолганди.

«Ҳақими даврон» билан Абул Ҳасанак қаёққадир гумдон бўлган, хонада аллақандай ваҳимали сукунат ҳоким эди.

Унсурий, вужудини совуқ тер қоплаб, бўсағада анча турди, кейин ўзини зўрға босиб, султоннинг оёқ томонига ўтиб ўтирди.

Султон соғ пайтларида Унсурийга оёқ уқалатишни яхши кўрарди. Амирал мўъминининг бу одати эсига тушган Унсурий кўрпа тагидан чиқиб турган қоқсуяк оёқларга аста қўл чўзди, чўзиши билан султон чўчиб кўзини очди.

Унсурий, баданидаги туклари тиг бўлиб, сал орқага сурилди.

— Азизим Унсурий!— деди султон, овози базўр эшитилиб.— Боя намози асрда кўзим илинган экан, анов гадо... Бобо Хурмо деган Феруза боғидаги хурмозорнинг эгаси тушимга кирмиш. Устида кафан янглиғ оқ либос, ялангоёқ, ялангбош, анов эшикдан кириб келмиш. Бир нарсаларни сўзлаб таҳдид қилмиш. Не деди, сўзини англамадим. Сендан сўраймен: хазинадордан бир хуржун олтин олиб, уни излаб топ! Шу олтинларни бериб, уни рози қил!

Султон қудуқ тагидаги сувдай милтираган мунгли кўзларини шифтга тикиб:

— Ё парвардигор!— деб хитоб қилди.— Қайси гуноҳларим учун бу интиқом, бу давосиз дардни раво кўрдинг? Осий бандангни ўз ҳифзи ҳимоятингга ол! Қимгаки ёмонлик қилган бўлсам, яхшилиқ қилгум бор! Мўродим — фақат яхшилиқ қилмоқ эндиликда, фақат яхшилиқ!— Султон киприклари орасидан тирқираб чиққан кўз ёшларини артишдан ожиз, қулт-қулт ютиниб Унсурийга қаради:

— Анов ҳазрат Ибн Сино билан Абул Ҳасанак қайда? Наҳот «неъматини илоҳий»дан дарак бўлмаса? Э, яратган эгам! Ёзуғим недур меининг?..

...Унсурий чўчиб кўзини очди.

— Ё раббано! Амирал мўъминин Бобо Хурмонинг рози-ризалигини ол деб, бир хуржун олтин юборган эди! Бир хуржун олтин!

— Тириклигида хору зор қилиб, ўлганида иззат-икром кўрсатишдан не фойда?— деди Маликул шароб куйиниб.— Ҳайҳот! Энди бу шўрлик Бобо Хурмога олтин не керак? Султоннинг ўзига буюрсин бу олтинлар!..

Шоир Унсурий тўсатдан кўзига ёш олиб:

— Шўрлик амирал мўъминин!— деб ҳиқиллади.— Билмам, неча кунлик умри қолди олампаноҳнинг!

Берунийнинг кўнглидан: «Неъмат илоҳий»ни топиб берган анов муттаҳам табиб қайда? Ё бу «ҳакими даврон» топган «неъмат илоҳий» олампаноҳга шифо келтирмадимми, тақсирим?» деган фикр ўтди, бироқ Унсурийнинг нидосидан султоннинг аҳволини тасаввур этди-ю, густоҳлик қилгиси келмай, бўғзига келган аччиқ сўзларни ичига ютди.

— Ҳаммаси оллодан!— шоир Унсурий шундай деб, эшик томон юрди. Бироқ эшикдан чиқаётганида Маликул шароб:

— Тўхтаг, жаноби Унсурий!— деб уни тўхтатди.— Агар амирал мўъминин бу бегуноҳ гадонинг руҳини шод этмоқчи бўлса... Бобо Хурмонинг ўз еридан, Феруза боғидан бир парча жой берсин!.. Биз бу шўрликни суюкли хурмозорига дафн этайлик!

Унсурий, ердаги хуржунни аранг кўтариб елкасига ташларкан:

— Офтоби оламга етказаман бу сўзингизни!— деб гудранди.

— Етказинг! Султоннинг жавобини намози асргача кутамиз!

Маликул шароб: «тўғри қилдимми, йўқми?» дегандай, савол назари билан Берунийга қаради. Бироқ Беруний ўз ўйлари билан банд эди. Кўнгли нотинч, у дам расадхонада қолган Ибн Синони ўйлаб бевовта бўлар, дам ёдига Садафбиби тушиб, тирноқларигача ачишиб кетарди.

Лекин қанча уринмасин, Ибн Сино келгандан бери, айниқса кўп эзаётган ўйлар, телба тақдирнинг ғалати ўйинлари, бани одам қисматининг ечиб бўлмас жумбоқлари — ўлим ва ҳаёт, инсоф ва адолат ҳақидаги аламли ўйлар миясидан чиқмас, бироқ ўйлаган сайин ўйининг таги кўринмас, билъакс, хаёли чалкашиб борарди. Ажабо: у ёшлик чоғларида «ўлим ҳақ», деган сўзини эшитганида бу сўз жуда адолатсиз бўлиб туюлар эди. Энди эса бу сўзда буюк бир адолат борлигига инонди. Дарҳақиқат, агар амирал мўъминин аталмиш бу мустабид шоҳ яна минг йил яшаса бани башарнинг аҳволи не бўлур эди? Бас, эндиликда бу дунё устунларидан, яъники, шерлар ва шоҳлардан йироқ юрмоқ даркор! Бу ёлгон дунёда илму ҳикматдан, мутолаа ва мушоҳададан катта бахт йўқ экан! Ишқилиб, телба тақдир уни бу сўнги бахтдан ҳам мосуво қилмагай! Ибн Синони тутқундан қутқазиб, ўзи тутқун бўлмагай ҳали!»

Намози аср бўлди ҳамки, султондан хабар келмади.

Бобо Хурмони «Мозори калон» гўристонининг бир чеккасига дафн этишди.

Осмонни сийрак кулранг булутлар қоплаб, илиқ ёмғир ёға бошлади. Бироқ йиғилган оломон — юз чоғлиқ гадолар, мулла мирқуруқ шоирлар, ҳофиз ва машшоқлар — ҳеч ким жойидан жилмади.

Гунг дарвиш қабр тепасида ўтириб, узоқ тиловат қилди. Унинг мунгли овози ҳали тинмаган ҳам эдики, қаердадир-яқинда, қабристон деворлари ортида, бошқа бир мунгли куй янгради. Ё раб! Бу — юракларни сел қилғувчи най овози эди!..

Тиловатдан кейин ўрниларидан энди турган одамлар, уст-бошлари шалаббо бўлса ҳам бу чашмадай тиниқ, ҳазин куйни эшитиб, жой-жойларида қотиб қолишди.

— Бечора Пири Букрий!— деди кимдир.

— Ақлдан озмиш, шўрлик!— деди иккинчи биров.

— Ажабо! Ақлидан озса ҳам най чалишни унутмабди!— деди учинчи биров.

Одамлар турнақатор бўлиб, Афшонсой томон жилишди. Маликул шароб билан Беруний қабристон ортидаги мунгли куй тугагунча жим-

гина қулоқ солиб ўтиришди, сўнг одамлар кетидан юриб, қабристондан чиқишди.

Маликул шароб йўлда тўхтаб:

— Ҳар қалай, унга раҳмим келади,— деди уф тортиб.— Пири Букрийни айтамен. Не бўлганда ҳам — бахтсиз одам!

У бошидаги кулоҳини олиб, юзидан ёмғир томчиларини артди-да, қалпоғининг йиртиғидан найча қилиб ўралган хат олиб берди. Бу — имом Исмоилдан келган жавоб бўлиб, у жуда қйсқа эди. «Хуфтон чоғи сарбозларим сизларни тайинлаган жойингизда кутадилар. Фурсатни бой берманг. Шу кеча Абул Ҳасанак навкарлари расадхонани бошиш эҳтимоли бор!»

Беруний бетоқат бўлиб, Маликул шаробга қаради.

— Имом не депти? Яхши сўзму?

— Йўқ. Камина дарҳол расадхонага етиб бормоғим лозим! Кўлик¹ керак, Маликул шароб!

— Ҳозир топамиз, азизим!— Маликул шароб шундай деди-да, изма-из келаётган увада тўнли бир қаландарни чақириб, қулоғига алланималарни шивирлади. Қаландар қабристон томонга югуриб кетди-да, зум ўтмай бўлик бир жийрон отни бошлаб келди.

— Минг афсус!— деди Маликул шароб кулимсираб.— Шу букун бошимизга тушган бу кулфатлар қайтмасин деб, бир косадан май ичмоқ умидида эдим, Абу Райҳон.

— Насиб қилса ичармиз. Омон бўл, Маликул шароб!

— Таассуфлар бўлғайким, камина шунча йил ҳазрат Ибн Синони бир кўриш орзусида юриб, насиб этмаган экан, ахир кўролмадим. Саломим ва яхши каломимни етказгайсен.— Омад ёр бўлсин ул зоти шарифга! Омон бўл, Абу Райҳон!

4.

Уларнинг назарида, кўнгилларидаги ҳамма алам, ҳамма сўз айтилиб бўлгандай, айтиладиган дарду ҳасрат қолмагандай туюларди, бироқ видолашув онлари яқинлашган сайин ихлос истаги, дардлашиш тилаги тобора ортиб борар, гўё диллари тубидаги энг катта орзу-истаклар, энг ҳазин туйғулар ифодаси сўнгги дақиқаларга қолган эди! Бироқ имом Исмоил айтган хатарли дақиқалар тобора яқинлашмоқда, фурсатни бой бериб бўлмас, зотан, бу хатардан ўчимаганда ҳам айтиладиган дарду ҳасрат тугамас, буни иккови ҳам яхши англади.

Беруний Абу Алига ўз «Ҳиндистон»нинг Сабҳу кўчирган энг тиниқ нусхасини инъом этди. Ибн Сино эса, «ал-Қонун»нинг энг нодир қўлёзмасини меҳр ва ихлос билан тутди.

Имом Исмоил сарбозлари, Беруний айтгандай, лаҳимдан чиққан жойдаги қалин арчазор орасида отларни шай қилиб туришарди.

Икки дўст, икки аллома бу онларнинг қайтиб келмаслигини, эндиликда дийдор кўришиш насиб этмаслигини бутун вужудлари билан ҳис этишар, шу боисдан ҳам ўзларини қанчалик вазмин тутмасин, жудалик туйғулари оғушидан чиқолмас эдилар.

Беруний, биринчи бўлиб, Абу Алини бағрига босди.

— Алвидо, азизим. Дийдор кўришмоқ насиб этмаса, рози бўл, жигарим! Қимки сени хор қилган бўлса ўзи хор бўлсин! Сени имом Исмоилга, имомни оллога топширдим, Абу Али!

Ибн Сино устозини қучиб, беихтиёр кўзига ёш олди.

— Каминадан ғам еманг, устод! Сўзимга инонинг: фақир кўп жафоларни кўра бериб кўса бўлганмен, мен букун ўз тақдирим эмас, сизни ўйлаб қўрқамен! Сиз каминани бу пинҳоний лаҳимдан қочириб, ўз бошингиз балога қолмаса деб қўрқамен, устод! Эҳтимол бир-икки ой имом Исмоил ҳимоятида бўлурсиз?

¹ Кўлик — от-улов маъносида.

- Агар сен бирга бўлсанг...
- Эвоҳ! Фақир Исфаҳонга тезроқ етиб бормоғим лозим! Бирламчи, қора ўлат чангалида қолган Исфаҳон аҳлига ёрдам бермоғим даркор. Иккиламчи, ёзишни орзу қилган китобларим бор!
- Биламен. Одил шоҳлар тўғрисида китоб бошлагансен!..
- Мендан куласиз, аммо одил шоҳларни улуғлаб китоб битмадингизму, устод?
- Не чора? Мен ҳам битганмен, Абу Али!
- Беруний, маъюс кулимсираб, Ибн Синони сўнг бор қучоқлади. Улар гўё бу дақиқаларининг бетакрор улуғлигини ҳис этгандай узоқ жим қолишди, сўнг, имом Исмоил сарбозларининг бетоқат ҳаракатларига бўйсуниб, қучоқларини ёздилар.
- Омон бўлинг, устод. Бу яхшилигингизни тоабад унутмаймен!
- Беруний беихтиёр кўзига ёш олди.
- Оқ йўл! Бошинг тошдан бўлғай, азизим!

Хотима

«Бугун, тўрт юз саксон биринчи йил ҳижрий, муҳаррам ойининг ўн саккизи¹, алломалар мажлисига кетган Шайх, намози аср чоғи, қўлида аллақандай мактуб, қаттиқ ҳаяжонда кириб келди.

Ғазнаи мунавварадан қайтгандан бери камина Шайхни бу аҳволда кўрмаган эдим.

Шу йил кўкламда Ғазнаи мунавварадан соғ-саломат қайтиб келганимиздан кейин сал ўтмай, дориссалтанатдан султон Маҳмуд оламдан ўтди, деган — олло унинг қабрини юмшоқ қилгай — совуқ хабар келган эди. Хабарни йўллаган Хатлибегимнинг ёзишича, савр ойининг охирида бу дунёни етим қилиб, у дунёни мунаввар этган султон Феруза боғига дафн қилиниб, салтанатда қирқ кечаю қирқ кундуз мотам бошланган эмиш.

Бу хабарни эшитган амир Масъуд ҳам бошдан-оёқ оқ либос кийиб мотам туган ва эртасигаёқ қўшин тортиб, Ғазна томон сафарга чиққан эди. Сафарга отланаркан, амир, юзида зоҳиран қайғу, ботинан қувонч, барча аъёну боёнларни саройга таклиф қилган, ҳатто Шайхни ҳам чақириб, ҳануз зиндонда ётган Қорақўзбегимни озод этиш тўғрисида амру фармон берган эди.

Амир Масъуд Исфаҳонни тарк этгандан бери шаҳарда осойишталик ҳукм сурар, қора ўлат ҳам даф бўлиб, Шайх нодир кутубхонасини тиклаш юмушлари билан банд эди. Уни фақат бир нарса қаттиқ ташвишга солар — устод Берунийдан ҳануз дарак йўқ эди!.. Шу боисдан Шайхнинг қўлидаги мактубни кўриб, камина қаттиқ сескандим. Оллога шукр, устод Беруний саломат эканлар. Мактуб устоднинг садоқати боқий шогирди, салоҳиятли муаррих Абу Фазл Байҳоқийдан бўлиб, унда амир Масъуд бошлаган қатлу қирғинлар ҳикоя қилинган экан.

— Амир, ота фарзанди эмасму, дориссалтанатга етиб бормасданок минг-минг кишиларнинг бошларини олибди. Иккала вазир ҳам қатл қилинибди. Улар эгилган бошни қилич кесмас деб, барча лашкар, барча ганжни олиб, амирга пешвоз чиқсалар ҳам, унинг оёғини ўпиб йиғласалар ҳам, гуноҳларидан кечмабди. Али Ғарибни Нишопурда, ўз инисининг уйида, меҳмондорчилик чоғида чавақлаб ташлабдилар. Абул Ҳасанакни эса қарматий деб (тақдирнинг ғалат ўйинидан кўрққулик!) Ҳирот бозорида тошбўрон қилдирибди! Даҳшат! Мана, ўзинг ўқиб кўр. Мана бу ерини ўқи! — Шайх шундай деб, қўлидаги мактубни менга узатди.

Камина кўп ҳуснихат хаттотларнинг дастхатини кўрганмен, аммо Абу Фазл Байҳақийнинг дастхатидай чиройли дастхатни кўрмаганмен.

¹ 1030 йил декабрь ойига тўғри келади.

Сулс усулида ёзилган бу мактубда шундай сўзларни ўқидим:

«Абул Ҳасанакни дор тагига — бундай жазодан ўзинг асрагайсен, э, яратган эгам! — келтириб, уст-бошини ечишни амр қилдилар. Абул Ҳасанак, чолворини кўтариб, белини маҳкам боғлади, эскирган, аммо қимматбаҳо сиёҳранг жуббаси ва кўйлагини ечди ва сурмаранг салласига қўшиб бир чеккага отди. Сўнг ёлғиз иштонда, кумушдай оппоқ танаси ва кўҳлик чеҳрасини йиғилган оломонга намоён қилиб, дор тагида тўхтади. Оломон, гарчи Абул Ҳасанакдан яхшилик кўрмаган бўлса ҳам, унинг ҳолига ачиниб, юм-юм йиғлади. Жаллодлар унинг юзига тош тегмасин деб, токи калласини Боғдод халифасига инъом қилиб юбориш ниятида эдилар, бошига темир ниқоб кийдирдилар.

Шундан кейин оломонга қараб, «тошбўрон қилинглр бу имонсизни!» деб амр қилдилар. Аммо раҳмдил авом, гарчи Абул Ҳасанакни ёмон кўрса ҳам, унга тош отишни истамади. Оломон орасидан: «Дорга осиладурғон бир шўрликни тошбўрон қилишнинг не ҳожати бор? Ундан кўра дорга осинглр тезроқ!» деган хитоблар эшитилди ва катта галаён бошланди. Аммо бозор майдонини қуршаб олган суворийлар от суриб келиб, галаённи босдилар. Сўнг жаллодлар Абул Ҳасанакнинг бўйнига сиртмоқ солиб, оёқлари остидаги курсини тепиб юбордилар ва яна оломонга қараб тошбўрон қилишни буюрдилар. Оломон яна сукут қилди.

Шунда гадоларга пул улашиб, Абул Ҳасанакни тошбўрон қилишга даъват этдилар. Улар питирлаб жон бераётган Абу Ҳасанакка тош отдилар, аммо Абул Ҳасанак жон таслим қилиб бўлган эди.

Жаллодлар унинг бошини танидан жудо қилиб, оёғидан дорга осиб қўйдилар¹.

Абул Ҳасанакнинг Абу Саҳл Завзоний деган эски таниши бўлғуси эди. Бу одам ўша куни кўп нуфузли бек ва бекзодаларни меҳмонга чақириб, катта зиёфат берди. Май дарёдай оқиб, зиёфат айна қизиган чоғда қопқоқлик олтин жом келтирдилар.

— Бу янги пишган мевалар, — деди Абу Саҳл Завзоний. — Мазасини татиб кўрайлик!

— Татиб кўрайлик! — дедилар меҳмонлар ҳам.

Олтин жомнинг қопқоғини олдилар. Қарасалар жомда... Абул Ҳасанакнинг қонга бўялган боши!..

Даҳшатга тушган меҳмонлар меҳмонхонани ташлаб қочдилар...

Қасосли дунё экан. Абул Ҳасанак — олло унинг гуноҳларини кечиргай! — аҳли мўминга кўп жабр қилган эди, жазосини тортди. Жазосини тортмаган ёлғиз анов маккор, ўзини ҳазрат Ибн Сино деб, ҳаммани, ҳатто Султони салотинни ҳам тўнаб, хуржун-хуржун ганжини олиб қочган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний қолди, холос. Айтадиларки, бургага тузоқ қўйган ул фирибгар Мовароуннаҳр томонларда ҳануз ўзини ҳазрат Ибн Сино деб, шўрлик авомни тўнаб юрган эмиш...».

Мактуб шу ерга келганда камина беихтиёр Шайхга қарадим. Шайх хаёлга толиб ўтирган эди, менинг қараганимни кўриб ўрнидан турди.

— Донолар ҳақ, — деди Шайх. — Бу кўҳна дунёда кимки жафо қилса жафо, вафо қилса вафо топғусидир.

— Абу Шилқим Ибн Шаҳвоний-чи? — дедим мен.

Шайх унинг номини эшитиб, хушнуд кулди. — Ибн Шаҳвоний тақдири азалнинг ажаб жумбоғи. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилур! — деди Шайх. — Устод Беруний, ҳақ. Бу дунё устунларидан йироқ юрмоқ даркор. Дарҳақиқат, бу оламда мутолаа ва мушоҳада бахтидан улкан бахт йўқ экан. Қўлингга қоғоз-қалам ол, ишга киришайлик, азизим! — Шайх шундай деб, кутубхона эшигини очди».

Убайд Жузжоний хотираларидан.

¹ Абу Фазл Байҳокийнинг гувоҳлик беришича Абул Ҳасанакнинг жасади дорда этти йил осилиб турган. ҳеч ким уни дордан олиб дафн қилмаган.

Дўстлик гулдастаси

Ольга ЛЕБЕДИНСКАЯ

□

Томирларим тарангдир завқдан,
Қайноқ ҳислар қилар тантана,
Руҳим ойдин —
Яшаётирман,
Яшамоққа чанқоқман яна.

Кўзда сирим пинҳон тутмасман,
Ишқ туйғусин қилмайдирман хор.
Севсам, мудом ёниб.
Севгайман,
Чўчимасман севишдан зинҳор.

Юрагимдан таралган оҳанг
Лабларимни куйдирар. Дунё
Қўшиғимга тўлар.
Куйлайман.
Тортинмасман куйлашдан асло.

□

Толеимиз бўлсин бекам-кўст —
Ўтса ҳамки
Неча-неча йил,
Хузуримга
Албатта қайтгил,
Ғанимликни раво кўрган дўст.

Рўпарамга ўлтиргину жим —
Кўзларимиз
Тўқнашган маҳал
Сен уларга
Бермагин ҳалал,
Ғаним бўла олмаган дўстим.

Сўнгра олиб бир қўлингга май,
Боқиб
Қадаҳ ортидан бир дам,
Ёв бўлдик деб юрган дўстгинам,
Хўрсиниб қўй:
«Ҳаёт-да, нетай...»

Ўзбекистон совет адабиёти бугунги кунда ўн беш тилда яратилмоқда. Эътиборингизга республикамызда яшаб ижод этаётган шоирлардан рус Ольга Лебединская, корейс Дегук Угай, уйғур Роҳила Ҳафизова, татар Мамбет Аблялим шеърларидан намуналар ҳавола этамиз.

Олма

Баҳор юртда кезганда яйраб,
 Боғлар гулга кирганда қийғос,
 Сулув олма дарахти яшнаб,
 Ороланди келинчакка хос.

Узоқлардан учиб болари
 Гуллар узра ўйнади ғужғон...
 Вақти келиб, баҳор еллари
 Қайларгадир бўдилар пинҳон.

Уфққа олма дарахти ғамгин
 Хўрсинганча термилиб қолди.
 Баҳордаги сафолар ўрнин
 Учқур ёзнинг заҳмати олди.

Ҳам мароқли, ҳам қийин унга:
 Шоҳларини кўксига босиб,
 Қуйманани мурғақларига,
 Уссин, дея, улар муносиб.

Ташвишлари энди беадоқ,
 Янги мазмун касб этди алҳол, —
 У ҳордиқни унутди мутлоқ,
 Чўнг оила онаси мисол...

Сенга

Кечир, сен-ла ҳаётда мудом
 Бир сўқмоқдан отсам-да одим,
 На фароғат этолдим инъом,
 На ҳақингда дуруст шеър ёздим.

Шодмон кунда, ғам эзган чоқда
 Менга ҳар зум кўмак берганин
 Гўзаллигинг, ишқингни мақтаб,
 Тўлқинланиб сўйлаб бермадим.

Фарзандларим онаси, дўстим,
 Муштипарим, содиқ таянчим,
 Қалб таърифинг келтирмоқ қийин,
 Очмоқ қийин юрагинг ганжин.

Умринг бўйи туйган меҳрдан
 Ич-ичингдан этганинг фахр
 Баралла ва дабдаба билан
 Қандоқ сўйлай оласан, ахир?

О, азизам, ҳеч маҳал сендан
 Ушбу сирни тутмасман пинҳон:

Сенсиз етим бўлиб қолурман,
Сенсиз роҳат топмагай бу жон.

Ташвишимиз бизнинг биттадир,
Синовларга бардошлимиз, шай.
Кунлар ўтиб бормоқда учқур,
Ўтиб борар йиллар
Тўхтамай.

Толеимиз пойдор, мустаҳкам,
Вақт измига бўйин эгмас у.
Кўз ўнгимда сен мангу ёшсан
Ва гўзалсан, азизим, мангу.

М. Мирзаев таржималари.

Роҳила ҲАФИЗОВА

Чакич

Ноннинг қадру қимматини сўзлаб келасан,
Уйғурнинг ҳам патирини безаб келасан.

Нон юзига гул берганда кирасан тилга,
Онам айтган кўшиқларни соласан дилга.

Тарихимиз эслатасан қўлимга олсам,
Қайғуларим эриб кетар нон ясаб толсам...

Шундан сени аяб, асраб олиб юраман,
Онам каби, нонга нақшинг солиб юраман.

Шеърим

Мен қаҳримни тўкмадим дўстга,
Рақибга ҳам кулиб боқмадим.
Қул бўлмадим ҳою ҳавасга,
Шундай ўсдим, шудир одатим.

Хом сут эмган инсонман, ҳайҳот,
Ҳа, бегуноҳ санамам ўзни.
Лек демасман: «Айбимни ҳаёт
Кечирворар» деган хом сўзни.

Сен поклигим англа шеъримдан
Ва ҳис айла жўшган меҳримни,
Сен шодлигим тингла шеъримдан
Ва сезиб ол ундан қаҳримни.

Она қўшиғи

Уйқу оғушида замин ва само,
 Булут орасидан ой боқар ҳазин.
 Ҳавода учади майин бир садо,
 Худди тебратгандай сукут пардасин.

Она алла айтар, бешиқда уни
 Тинглайди йиғидан тўхтаб чақалоқ.
 Жим қотиб тинглайман мен ҳам аллани,
 Унда энг инсоний орзулар янгроқ.

Тинглайман шоирни ҳатто лол этган,
 Қаламга бўй бермай учган садони.
 Бир вақтлар беаёв урушга кетган,
 Қайтмаган жангчилар қилган нидони.

У чашма сувидай тиниқ ва таъмли,
 Қувноқ болаларнинг кулгиси мисол.
 У тошқин дарёдир, денгиз-долғали,
 Булбул нағмаси у, сабога тимсол.

Уйғонинг, одамлар, тингланг, одамлар:
 Она куйламоқда бедор, тун бўйи.
 Сукутни бузмасин ҳатто одимлар,
 Бў — сабот қўшиғи, садоқат куйи.

Яна келдим

Гўзалликнинг ошиғи бўлиб,
 Яна келдим яйловлар томон.
 Қояларни чўрт икки бўлиб,
 Сой ўртада уради хандон.


Алвон-алвон лолалар ёниб,
 Офтоб сари чўзишади бўй.
 Чўпон йиғит найига қониб,
 Ўтлаб борар сурув-сурув қўй.

Ғўлабирдай паҳлавон каби,
 Тошлар ётар тошга қалашиб.
 Мовий кўкнинг кўринмас туби,
 Қушлар унда чарх урар тошиб.

Ҳув нарида кўркам бир бодом
 Гул ёзибди очилиб қийғос.
 Қора кўзли кийик беором
 Айлар худди ёнимда парвоз...

Гўзалликнинг ошиғи бўлиб,
 Яна келдим яйловлар томон.
 Қояларни чўрт икки бўлиб,
 Сой ўртада йўртар хуромон.

И. Отамуродов таржималари.



Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасидан қайтаётган колхозчиларнинг талабига биноан қўшиқ ижро этган қизларнинг ёқимли овозлари тинди, энди купеда «Цирк» кинофильмидаги марш садоси янграй бошлади.

— Бу — менинг талабимга биноан, — имо қилди Саша, — Дунаевскийни жуда яхши кўраман-да!

— Полковник Деминнинг талабига биноан «Манжурия тепаликлариди» вальси ижро этилди, — эълон қилди диктор репродуктордан.

Мен полковникка кўз ташладим. У қўлларини боши остига қўйганича кўзларини ярим очиб ётар, гўё мудраётганга ўхшар эди.

Вальснинг ижроси бир оз ғалатироқ эди. Куй аввалига гўё кимдир кўринмас торларга эҳтиёткорлик билан тегаётгандай оҳиста ва майин янгради. У тингловчини ўзининг сеҳрли оғушига олар, кишининг ёшлигини эсига солиб, ғам ва андуҳга чўмдирарди. Мана, вальс садоси тобора баланглашиб, юракни ўртовчи жозиба билан янграй бошлади. Гўё кимнингдир рўёбга чиқмаган орзу-армонлари, бутун умрга йўқотилган муҳаббатини қўмсаб, нола қилаётгандай.

Куй тинди. Биз куй таъсирдан қутулолмай жим ўтирардик.

Вагон деразасидан комбайн тап-тақир қилиб кетган бепоён дала-лар кўзга ташланарди. Уфқда эса худди қўнғизга ўхшаб бир трактор оҳиста силжир, кетида плуг судралар, орқасида эса узун қорамтир из қолар эди.

Полковник ҳамон қўлларини боши остига қўйиб, чалқанча ётарди. Энди кўзларини катта-катта очганча, киприк қоқмай бир нуқтага тикилиб қолганди.

— Уртоқ полковник, сизга бу куй қачондан бери таниш? — жимликни бузди Саша.

— Э-э, бунинг тарихи узун, — хўрсинди Дмитрий Акимович, сўнг чўнтагидан «Беломор» қутисини чиқарди, битта папирос олиб, уни қутига тиқ-тиқ этказиб урди.

— Агар мумкин бўлса айтиб беринг, — илтимос қилди Саша. Мен ҳам унинг илтимосига қўшилдим.

— Шунақами? Ҳа майли... Айтиб берсам айтиб берақолай.

Кеч кирмоқда, ташқарида куз қоронғилиги тобора қуюқлашмоқда эди. Полковник шошилмай, босиқлик билан ҳикоя қила бошлади, биз эса нафасимизни ичимизга ютиб, жон қулоғимиз билан уни тинглай бошладик.

— Бу воқеа кўп йиллар илгари, 1940 йилда бўлган эди. Мен Ленинградда институтни тугатаётгандим, Валя эса Тошкент консерваториясининг тўртинчи курсида ўқирди. Биз боғда, танца тушаётиб танишдик. У жудаям ажойиб қиз эди... У... Сизларга қандай тушунтирсам экан-а... Ўзларинг ҳам севгансизлар, севикли қиз қандай бўлишини мендан ҳам яхши биласизлар. Валя шундай енгил, берилиб танца тушардики, асти қўяверасиз.

— Чарчамадингизми, Валечка?— деб сўрадим мен.

— Чарчаш нимаси, Дима! Тонг отгунча танца тушишга ҳам тайёрман! Бугунги кеча жуда ажойиб-а, тўғрими?

— Ҳа, жуда ажойиб.

Оркестр «Манжурия тепаликларида» вальсини ижро эта бошлади.

— Одамни тўлқинлантириб юборади-я...— оҳиста шивирлади Валя.

Танца тугаб, ҳамма уй-уйига тарқагач, биз анча вақтгача боғнинг кимсасиз хиёбонларида айланиб юрдик, роса гаплашдик. Гаплашмаган гапимиз қолмади. Бир-биримиздан сира ажрагимиз йўқ эди. Шундай қилиб севишиб қолдик. Очигини айтсам, мен илгарилари бир қарашда ва бир умрга севиб қолиш мумкин, деган гапларга ишонмасдим. Биз узоқроқ кўришмасак, назаримда, атрофдаги ҳамма нарса хира тортиб қолгандай бўларди. Ҳатто чарақлаб турган қуёш ҳам. Учрашганимизда эса, гўё бу нурафшон оламда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқдек атрофдаги нарсаларни кўрмасдик.

Валя Галченко ҳам мендек ота-онасини эслаёлмасди. У уч ёшга кирганида онаси оламдан ўтган эди. Отаси ҳафагарчиликдан ичкиликка берилиб кетиб, бир йилдан сўнг поезднинг тагида қолиб ўлибди. Етим қолган қизни қўшнилари болалар уйига олиб бориб беришибди.

Эҳтимол, ота-она меҳрини кўрмаганимизданмикин, биз бир-биримизга маъқул бўлиб қолгандик.

Валя болалар уйидаёқ санъатга ҳавас қўйиб, музика мактабида ўқибди. Унинг синфни тугатгач эса, консерваторияга ўқишга кирибди. Томскка у таътил вақтида, дугонаси Надя Званцева билан бирга келибди. Надянинг ота-онаси шу ерда яшашаркан. Диплом ҳимоя қилиб бўлгач, мен Новосибирскка йўлланма олдим. Келаси йили Галченко (мен Валяни эркалаб шундай дердим) таътил вақтида у ерга борадиган ва биз тўй қиладиган бўлдик.

Вақт ҳеч қачон бунчалик чўзилган эмасди. Назаримда, бир йил ўн йилдек туюлди. Менга тасалли берадиган бирдан-бир нарса Валюшанинг хатлари эди.

Валянинг келиши яқинлашганда янги қуриб битказилган уйдан бир хона сўраб ариза ёзавериш, завод директорини жон-қолига қўймадим. Ниҳоят директор рози бўлди.

Сотиб олган биринчи нарсам пианино бўлди -- бу Валяга тўйдан кейин қиладиган совғам эди. Бир парча кумуш тахтачага: «Азиз Галченкога бахтли учрашувимиздан эсдалик. Новосибирск, 1941 йил» — деб ёздириб, пианинонинг қопқоғига ўрнатдим. Ниҳоят, зориқиб кутилган, Валяни кўрадиган кун келди. Июнь ойининг бошлари эди. Каттакон, чиройли гулдаста сотиб олиб, вокзалга қараб югурдим.

Мана, ўзимизнинг унча катта бўлмаган хонамизда ўтирибмиз.

— Мана бу... пианино бизникими? — ҳайрат билан сўради Валя.

— Бизники, Валюша! Сеники!

— Дима, азизим, ҳозир бирор куйни чалгим келяпти! — деб у югуриб борди-да, стулга ўтириб, пианинонинг қопқоғини очди.

— Ҳеч бўлмаса плашчингни еч!

— Тўхтаб тур! Бир чалволай!

Валянинг бармоқлари пианино клавишлари устида йўрғалай кетди. Еқимли, шўх куй янграй бошлади.

— Жудаям файзли, чиройли хона экан-а, Дима!

— Юмалоқ столни мана бу ойнанинг олдига қўямиз, каравотни эса бурчакка суриш керак.

— Шифоньерни қаерга қўямиз?

— Ҳа, айтгандай. Унда каравотни столга яқинроқ жойга, шифоньерни эса эшикнинг ёнига қўямиз. Шунда яхши бўладими?

— Жудаям чиройли бўлади, Дима! Қара, деразамиздан ҳаммаёқ кўринаркан-а?

— Бутун Обь дарёси кўриниб турибди. Ана, пароход кетяпти, кўр-япсанми?

— Ҳа.

— Биласанми, Дима, менинг орзуим нима? Келаси йил сен отпускаи оласан ва биз бир ой пароходда айланамиз. Қандай яхши-я! Мен оқшомлари пианино чаламан. Ахир қатта пароходларда пианино бўлади-ку. Сен эсанг нотани варақлаб турасан. Ҳамма сенга «Хотини зўр экан-ку», деб ҳавас билан қарайди. Энди мен чинданам сенинг хотинингман-ку, тўғрими, Дима!

Бахтга, севиңча, муҳаббатга тўла кунлар шундай ўта бошлади.

Ҳаммаси бирданига, тўсатдан адойи тамом бўлди. Уруш бошланди.

... Бу бизнинг сўнгги кечамиз эди. Эртасига тонгда мен ҳарбий комиссариатнинг йўлланмаси билан авиация билим юртига жўнаб кетишим керак эди. Уша кунни биз ҳеч қаерга бормадик.

Диванда бир-биримизга қапишиб, жим ўтирардик. Бизлар сўзсиз гаплашардик. Мен унинг кўзларига, маънос тортиб қолган истарали чеҳрасига узоқ тикилдим. Гўё бир умрга эслаб қолмоқчидек.

— Димочка, Димочка... Наҳотки эртага...

— Валечка, қўй, азизим... Бу ҳақда гаплашмайлик. Яхшиси, хайрлашиш олдидан сеvimли вальсимизни бир чалиб бер.

Бир кунни биз махсус жанговар топшириқ олган бомбардимончи самолётларни кузатиб борардик. Фронт чизигидан учиб ўтдик. Нишондан унча узоқ бўлмаган жойда бизни «мессершмидтлар» қарши олди. Бу жуда оғир эди. Улар ўн бешта, биз эса бештагина. Биттага учтадан тўғри келарди. Лекин бари бир ғалаба биз томонда эди. Шу пайт мен ўнг оёғим ачишиб оғриётганини сездим.

Самолётим тутун чиқариб, пастга шўнғий бошлади. Мен кабинадан чиқишга қанчалик уринмай, иложини қилолмасдим. Чунки қаршимдан ғувиллаб шамол уриб турар эди. Самолёт тезлик билан пастлаб борарди. Шунда мен охириг имкониятдан фойдаланишга қарор қилдим. Оёқларимни йиғиб, ўзимни боғлаб қўйган тасмаларни ечиб, парашют ҳалқасини тортиб юбордим. Кучли шамолдан парашютим лоп этиб отилиб, мени ташқарига юлиб чиқди. Шундай қилишдан бошқа чорам йўқ эди.

Кўзимни очсам, партизанларнинг орасида ётибман. Икки йилча ўрмон ичидаги лагерда бўлдим. Кейин мени фронтнинг нарёғига олиб ўтиб қўйишди. Янги қисмга тушиб қолдим. Самолёт беришди ва мен яна уча бошладим. Қисқа дам олиш вақтларида Валяни суриштириб, уёқ-буёққа хат ёзмаман. «Валентина Алексеевна Демина, — деб жавоб қилишди менга Москвадан, — 1942 йили консерваторияни битиргач, ўз илтимосига кўра артистлар бригадаси составида фронтга жўнаган. Кейин нима бўлганидан хабардор эмасмиз».

Ниҳоят мен Валянинг дугонаси Надя Званцеванинг адресини топишга муваффақ бўлдим. Улар фронтга кетишган экан. «Ассалому алайкум, Дима! — деб ёзибди Надя. — Мен эндигина госпиталдан чиқдим. Концертдан сўнг корпус штабига қайтаётганимизда машинамиз тепасига бир немис самолёти учиб келиб, устимиздан бомба ёғдира бошлади. Машинамизнинг ёнгинасида портлаган бомба менинг қўлимни узиб юборди. Валя эса ҳалок бўлди».

... Уруш тугагандан сўнг мен армияда хизматда қолдим. Кўпгина офицерларнинг хотин, бола-чақалари келишди. Учиб бўлганимиздан ке-

йин старт машинаси бизни горнизонга олиб кетарди, мен бўлсам ҳам-ша яёв қайтардим.

Шошиб қаёққаям борардим. Боғ ёнидан ўтаётиб, беихтиёр қадамим-ни секинлатардим. Бу ерда ҳаммавақт болалар ўйнашарди. Уларнинг қувноқ овозлари, қий-чувлари тинмасди. Шу ердаги скамейкада узоқ-узоқ ўтирардим. Бунга мени нима мажбур қиларди? Ахир Валя билан менинг ҳам анави кўк кўйлакли дўмбоқ қизчадек боламиз бўлиши мумкин эди-ку.

Йиллар ўтаверди. Қисмда кекса бўйдоқ деган ном чиқардим. Кечаларда офицерларнинг хотинлари менга ҳазил қилишар, сизни буйруқ билан уйланишга мажбур қилиш ҳақида рапорт ёзамиз, деб пўписа қилишгани-қилишган эди.

Бир куни Валяга жуда ўхшаб кетадиган қизни учратиб қолдим. Валяникидек ихчам қилиб турмакланган тўқ малла сочини ҳисобга олмаганда, ташқи кўринишида унча ўхшашлик йўқ эди-ю, лекин ҳамсухбатининг кўзига қараб туриши, самимий кулиши, бегоналар орасида ҳам ўзини эркин тутиши худди Валянинг ўзи эди. Нима учундир унинг музикани севишига ишончим комил эди.

Нина, чамаси, йигирма олти-йигирма етти ёшларда эди. У Амурск областининг район марказларидан бирида ҳамшира бўлиб ишлар, ёзда акасининг олдига дам олгани келган экан. Унинг акаси — катта лейтенант Наседкин менинг эскадрильяда хизмат қилар эди. Нина билан Офицерлар уйида бўлиб ўтган Авиация кунига бағишланган кечада танишдик. Ўйлаганимдек, у музикани жуда севар ва унча-мунча инанино ҳам чалар экан.

— Кузатиб қўйсам майлими? — деб сўрадим кеча тугагач.

— Майли, — рози бўлди Нина.

Илиқ ёз оқшоми эди. Осмонда юлдузлар милтиллайти, денгиз томондан эсаётган салқин шабада ҳаяжондан қизариб кетган юзларимизни оҳиста сийпаб ўтарди.

Ёзнинг бу қисқа тунида биз нималар ҳақида гаплашмадик дейсиз! Севимли китоблар-у, планеталараро саёҳатлар ҳақида ва менимча, ҳатто, халқаро аҳвол ҳақида ҳам гаплашдик. Олисдаги тепа ортида дастлабки қуёш нури бош кўтариб, балиқчи қушлар майда тўлқинлар устидан кий-чув қилиб ўтганда ҳам гапимиз тугамаганди.

Энди Нина билан ҳар куни учраша бошладик.

— Тўйга қачон чақирасан, полковник? — деб ҳазиллашишарди офицерлар. Катта лейтенант Наседкинни эса ҳамкасблари командирнинг бўлажак қайнағаси деб аташарди.

Мен анча вақтгача Нинага Валя ҳақида гапиришга журъат қилолмай юрдим. Аммо индамасликка ҳам виждоним йўл қўймади. Ниҳоят бир куни ҳаммасини айтиб бердим.

— Айт-чи, Дима, сен ҳозир ҳам уни севасанми? Фақат тўғриси айт!

— Ҳа, Нина, — дедим мен оҳиста.

— Икки кишини бирдан севиш мумкинми?

— Ахир, энди Валя йўқ-ку...

— Тушунаман, Дима! Сен Валяни севишингни менга айтганингга афсусланмайсанми?

— Йўқ, Нина. Мен сенинг ҳамма нарсани билишингни, тушунишингни истайман.

Икки ҳафтадан кейин гарнизонимиз ошхонасида тўйимиз бўлди. Тўй ўйин-кулги, хурсандчилик билан ўтди.

Меҳмонлар тез-тез «горько» деб қичқиришар, биз эса бундан беихтиёр уялиб кетардик. Эскадрилья инженери Ванчадзе ҳаммани тоза кулдирди: у тўйга икки соатча кечикиб келди. Эшикдан туртиниб-суртиниб мовий рангли болалар аравачасини олиб кирди.

— Қелин-қуёвга эскадрильямизнинг инженер ва техниклари номидан техниканинг энг сўнгги янгилigi — авиацион болалар аравачасини совға қилишга ружсат этинглар. Афзаллик томони шундаки — конструктор

цияси оддий ва содда! Камчилиги — ҳозирча экипажи йўқ. Аммо биз ишонч билан айтаемизки, яқин келажакда бу камчилик бартараф этилади! Энди эса кечикканим учун ҳамма жазони қабул қилишга тайёрман!

...Бир йилдан сўнг қиз кўрдик. Исмини Валя деб атадик. Кейин эса Нина менга Гришкани ҳадя қилди.

— Учувчи бўлади, — деди полк командири Янгибаров Гришкани кўриб, — табриклайман, полковник!

Назаримда ўша боғдаги скамейкада ёлғиз зерикиб ўтирган пайтарим жуда узоқда қолиб кетгандек эди. Энди сайрга бутун оиламиз билан чиқардик.

Аравачада ётган Гришка жон-жаҳди билан жажжи қўлчасини сўрар, тиззамда ўтирган Валя эса атрофдаги ҳамма нарсани кўрсатганча мени саволга кўмиб ташлар эди.

Кечалари Нина икковимиз кўпинча радио ёнига ўтириб олиб, гўё куй сеҳри, куй қанотида сайр қила бошлардик. Темир йўлдан анча нарига, совуқ Охот денгизи қирғоғига жойлашган бизнинг мўъжазгина авиашаҳарчамизга артистлар деярли келишмасди. Шунинг учун бирдан-бир эрмагимиз кино билан радио эди.

Бир куни, ёмғир ёғиб турган оқшомда мен приёмникни қўйиб, керакли тўлқинга бурай бошладим. Шу пайт бирдан... Уша таниш, юракни зирқиратиб юборувчи вальсни эшитдим. Фақат Валягина шундай чала оларди! Янглишишим мумкин эмас.

— Нина, — бақириб юбордим мен, — Нина!

— Нима бўлди, Дима? Болалар уйғониб кетади-ку!

— Қулоқ сол, Нина, эшитяпсанми? Ахир, чалаётган Валя-ку! Бу ўша. Ушанинг худди ўзгинаси.

Нина индамай стулга ўтирди. Афтидан, менинг бунчалик қувонишим уни ҳаяжонга солган эди.

«Москвадан гапирамиз, биз Новосибирск филармонияси артистларининг концертини эшиттирдик».

— Эҳтимол янглишгандирсан, Дима. Ахир орадан қанча вақт ўтди... Бунинг устига куйни ижро этган артистнинг фамилиясини ҳам айтишмади.

Лекин бу вальсни Валя чалганига ишончим комил эди. Уша куни кечқурун мен Москва радиокомитетига хат ёздим: «5 сентябрь куни радио орқали эшиттирилган вальс ижрочисининг фамилиясини айтишларингни сизлардан ўтиниб сўрайман. Бу жуда муҳим».



Уч ҳафтадан сўнг жавоб келди: «Илтимосингизга жавобан шуни маълум қиламизки, вальсни Новосибирск филармониясининг артисткаси Валентина Алексеевна Демина ижро этди».

... Орадан кўп ўтмай, Москвага командировкага борадиган бўлдим, мени кузатиб қоларкан, Нина кўзимга тикилиб сўради:

— Новосибирск орқали борасан-а? Валянинг олдига кирасанми?

— Билмайман.

— Киргин, Димочка, киргин... Мен сенга ишонаман.

— Раҳмат, азизим... Ҳаммаси учун раҳмат.

Нинанинг кўзлари ғамгин ва хавотирли боқарди.

Мен бу кўзларни ўпиб, уйдан чиқдим.

Новосибирскка октябрнинг бошларида келдим. Скорий поезд Москвага тунги соат иккида жўнар экан. Билетимни компостерлаб, чамадонимни асраш омборхонасига топширдимда, вокзал ёнидаги майдонга чиқдим.

Суяк-суягингдан ўтиб кетадиган изғирин шамол шимол томондан қуюқ қора булутларни ҳайдаб келарди. Майдалаб ёқимсиз ёмғир ёғарди. Шиддат билан эсган шамол дарахтларнинг охири япроқларини юлқиб олар ва улар чирпирак бўлганча ўткинчиларнинг оёғи остига тўшаларди. Таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган шаҳар кўчасидан аста юриб борардим.

... Мана, Валя яшайдиган уй. Наҳотки ҳозир мен уни кўраман? Тик зинадан югуриб чиқшдан ўзимни зўрға тўхтатиб, деворга суяндим. Юрагимнинг гуп-гуп уриши шундайгина эшитилиб турибди. Эшик олдида қанча турганимни билмайман. Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб, учинчи қаватга кўтарилдим-да, эшикни тақиллатдим.

— Ким?

— Валентина Алексеевна уйдадилар?

— Ойижон, сизни сўрашяпти,— деди қандайдир ўғил бола.

Эшик очилди. Ўша таниш кўзлар менга боқиб турарди.

— Мени сўраясизми? Вой худойим-эй, Дима... — у оҳиста шивирлаб эшик кесақисига суянди-да, йиғлаб юборди.

Олти ёшлардаги бола онасига ёпишганча, менга хўмрайиб қаради.

— Ойижон, нимага йиғлайсиз! Ким бу Дима деганингиз?

— Бу ерда нима қилиб турибмиз? — деди у ўзини тутиб олиб.— Ичкарига кир, плашчингни еч. Мана бу ерга, киравер!

— Димочка, бировнинг фуражқасини кийиш яхши эмас, шу ода-тингни қачон қўясан.

— Ойи, мен учувчига ўхшайманми? Мана бу амаким учувчимми?

— Ўхшайсан, ўғлим, ўхшайсан! Дмитрий, ўтирсанг-чи... Тирик экансан-а...— Валянинг киприкларида ёш йилтиради.

— Сен ҳечам ўзгармабсан, Валечка.

— Сен бўлсанг қариб қолибсан, Дима, жудаям қарибсан.

Валянинг ёқимтой ва азиз чеҳрасига қараб турарканман, кўзларимдан дув-дув ёш қуйиларди. Унинг қиёфасида нимадир ўзгарганди. Сочларига оқ оралабди. Чап қошининг устида чандиқ пайдо бўлибди. Лекин шу чандиғи ҳам ўзига ярашиб турибди. Валя менинг нигоҳимни пайқаб, чандиғини сийпаб қўйди.

— Снаряд парчаси тегиб... Демак, сен тириксан... тирик,— шу сўзни қайта-қайта такрорларкан, у яна йиғлаб юборди.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди.

— Тоғам келяпти, Женя тоғам! — Димканинг овози эшитилди даҳлиздан.— Бизникига учувчи меҳмон бўлиб келди. Мен унинг фуражқасини кийиб кўрдим.

— Учувчи келган бўлса жуда яхши,— деди бир йўгон овоз. Хонага ўрта бўйли, кенг елкали киши кириб келди. Қора сочи орқасига силлиқ қилиб таралган, пешонаси кенг. Кўз қарашлари, юз тузилишларининг Валяга ўхшаб туришидан укаси эканлигини билдим. У тезгина мен билан Валяга қараб олди.

— Танишинглар... Ахир, бу Дима-ку,— деди Валя пиқиллаб йиғлаб, сўнг жим бўлиб қолди.

— Қўй, Валя... Танишганимдан хурсандман! Евгений,— деди у хушмуомалалик билан менга қўлини чўзиб.

— Димка! — дўриллади у,— қани, тез бўл, бизникига меҳмонга борасан! Биз тезда қайтамиз, Валя.

Эшик ёпилди. Биз ёлғиз қолдик.

Валя жавон ёнига бориб, қутини очди, сумкасидан тўрт буклоғлиқ сарғайиб кетган қоғозни олди-да, менга узатди. «Сизга шуни хабар қиламизки, эрингиз Дмитрий Акимович Демин 1942 йил 23 апрелда ҳаво жангида қаҳрамонларча ҳалок бўлди».

— Сен-чи... Сен менинг тириклигимни билмаганмидинг?

— Билмагандим.

Мен чўнтагимдан Надянинг хатини олиб, Валяга бердим. Валя оҳиста стулга ўтириб, юзини қўллари билан тўсди.

— Кўриб турибсанки, Дима, шунақаси ҳам бўларкан,— деди у кўз ёшларини артаркан,— энди иккаламизнинг ҳам болаларимиз бор. Турмуш ўртоғим бундан тўрт йил муқаддам гастролдан қайтаётиб автомобиль ҳалокатига учраб оламдан ўтди.

— Дима, яхшиси энди биз учрашмаслигимиз керак. Шундай қилсак дуруст бўлади. Сен, мендан айнибди-да, деб ўйлама, йўқ... Сени мен доимо ёдимда сақладим... энди эса... Дима, тушунгин, ҳаққимиз йўқ!

— Тушунаман, Валенька... Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Ҳеч нарсани!

Шу пайт эшик тақиллади.

— Женя бўлса керак, бориб очай.

Хонага ухлаб қолган Димкани кўтариб олган Женя кириб келди.

Қайси кун эканлиги эсимда йўқ, якшанба бўлса керак. Атрофдаги уйлардан ғовур-ғувур овозлар, қўшиқлар эшитиларди. Мен яна ўша таниш вальс-садосини эшитдим. Валянинг ўғли тоғасининг елкасига бошини қўйганча ухларди. Уғлига жой ҳозирлаётган Валяга қараб туриб, ҳавасим келди. У шундоқ ҳам бахтиёр эди. Мен бундан бир жиҳатдан хурсанд, бир жиҳатдан, тақдирнинг бу ҳазилидан доғда эдим. Валя ўғлини бошқа хонага олиб кириб ётқизди-да, эшикни маҳкам ёпиб қўйди.

— Мана энди чой ичамиз, ҳозир қулоғини кесиб кетса ҳам билмайди.

— Кечирасизлар, мен энди боришим керак...

— Бугун бизникида қолақолгин.

— Йўқ, иложим йўқ. Икки соатдан кейин поездим жўнайди.

— Наҳотки бир кунгина қолишнинг иложи бўлмаса, Дима?

— Иложи йўқ, Валя... Хизматчилик.

Мен ўрнимдан туриб, пианинонинг ёнига бордим. Пианино қопқоғининг устида бир даста нота ётарди. Афтидан, Валя уйда тез-тез куй чашиб, машқ қилиб турарди. Беихтиёр ноталарни варақлай бошладим: Чайковский, Моцарт, Бородин...

Пианинонинг қопқоғини кўтариб, ҳайратдан қотиб қолдим: вақт ўтиши билан хира тортиб қолган кумуш тахтача, ундаги ёзув: «Азиз Галченкога...» Ҳа, бу ўша пианино, бахтиёр кунларимиздан хотира.

— Ушадан бери кўришмадиларингми, ўртоқ полковник?— деб Саша жимликни бузди.

— Йўқ, кўришмадик,— оғир хўрсинди Дмитрий Акимович.

Поезд елиб, қоронғи Сибирь тунини ёриб борарди. Кичик станция ва разъездлар лип-лип қилиб ўтарди. Орқага қарашга фурсат йўқ. Худди замон қанотида учиб кетаётган каби. Замонни эса орқага суриб бўлмайди...

ФИДОЙИ

«Гвардиячи сержант Карим Султонов Александр Матросовнинг ўлмас жасоратини такрорлади, гавдаси билан душман пулемётини беркитди».

«Фронтовик» газетаси, 23 март, 1945 й.

Бу воқеа рўй берди
Халоскор уруш чоғи.
Қонга бўялган эди
Карпатнинг тош-тупроғи...

Оқшом. Рота тин олар —
Қўмондонлик амри шу.
«Эртага зўр жанг бўлар,
Ухланг! Тонггача уйқу!»
Зўр жанг — тепалик учун,
Буни ҳамма билади.
Неча кунки, у машъум
Аҳволни танг қилади.
Тепаликда дзот бор,
Бамисоли аждаҳо.
Яқинлаб бормоқ душвор,
Гумдон этмоқ муаммо.
Қанча ботир, қанча дов
Тўқди бунда кутлуғ қон.
«Бирор йўли бордир-ов!»
Карим тўлғонди ёмон.
Матросов жасорати
Эсига тушди унинг.
Юраги урди қаттиқ,
Бағри увишди унинг.
«У ҳам мендек бир йигит,
Шу ватанга фарзанддир!
Дўсту ёрга, балки: Кут,
Мен қайтаман» дегандир.
Балки, узун тунлар жанг
Қуригганда силласин,
Тинчликни у соғинган,
Соғинган кўк даласин
Ва шубҳасиз уйига
Қайтмоқни қилган ният,
Ҳалок бўлмоқ ўйига
Келмаган, балки, ҳеч вақт...
Жўрўят, матонат билан
Ном қозонар чин инсон!
Ватан учун ёшгина
Жонини берди қурбон.
«Матросов, мен ҳам сендай
Бир мард йигит бўлурман!
Керак бўлса, мен ҳам шай,
Ватан учун ўлурман!...»
Шу шахд, шу хаёл билан
Карим қолади ухлаб.
Туш кўради. Туши шан
Олис-олисни йўқлар...


Ана, она қишлоғи
Қаршисида турганмиш.
Боғида, саҳар чоғи,
Узум узиб юрганмиш...
Тик қотганмиш, кўзлари
Қадалиб бир тепага.
Рўмол силқирмиш ёри,
Чорлаб салқин қапага.
Борай деса боролмай,

Бормай деса интиқиб,
Юрагини ёролмай,
Турар эмиш интилиб.

Карим чўчиб уйғонди
Замбараклар товшидан.
Катюшалар бўрони
Учиб ўтди бошидан.
«Олға!» деди қад ростлаб,
Ҳандақдан чиқиб шу он.
Кетидан бутун рота
Отилди тела томон.
Тор шинақдан сар-сари
«Аждар» ўт пуркар эди...
Санротанинг отлари
Кишнашар — ҳуркар эди...
Карим кўрди: сафдошлар
Бир-бир қулай бошлади,
Кўплар ўлди ер тишлаб,
Жим думалай бошлади...
Хаёлидан Каримнинг
Туши ўтди-ку шу чоқ.
«Жони ширинмас кимнинг,
Бир туғилмоқ, бир ўлмоқ!...»
Олди бешта гранат,
Бир-бирига боғлади.
Эмаклаб бориб, ана,
Дзот оғзин чоғлади.
Мана отдим, деган дам,
Танида оғриқ сездим.
Бироқ ўзини бардам,
Фикрини ёруғ сездим.
Пича жимиб, кўз очиб,
Тикилди мовий кўкка,
Тўплаб энг сўнги кучин,
Судради тепаликка.
Мана, кўзланган тепа,
Ёв дзоти — ёнида...
Отилди унга шу пайт,
Ғазаб ёниб қонида
Ва бутун гавдаси-ла
Қоплади дзот оғзин,
Дзот гўё тил тишлаб,
Айтолмади бад сўзин.
Қизил қонга беланиб
Карим бамисли маёқ,
Чорлади порлаб-ёниб
Дўстларни олға шу чоқ.
Даҳшатли бир портлашдай
Янгради «урра» саси.
Отилди олға тинмай
Мард йигитнинг ротаси.
Билмади буни Карим —
Фарғоналик ёш ўғлон.
Бироқ эшитди ҳар ким:
Бизникилар қучди шон!
Карим исми бу шонга
Безак бўлиб қадалди.
Балли — ботир инсонга,
Мангуга тирик қолди.



**СТАЛИНГРАД
ОСТАНАЛАРИДА
ҚОЗОНИЛГАН
ҒАЛАБАНИНГ
40 ЙИЛЛИГИГА**



**СТАЛИНГРАД —
ФАШИЗМНИНГ ҚОРА ШОМИ БУ.**

**СТАЛИНГРАД —
ОТАЛАРНИНГ УЛМАС НОМИ БУ.**

**СТАЛИНГРАД —
ФАРЗАНДЛАРГА
МАРДЛИК ДАРСИ БУ.**

**СТАЛИНГРАД —
ҚУРОЛИМИЗ ҒОЛИБ БАҲСИ БУ.**

ВАТАН УЧУН ЖАНГГА КИРГАНЛАР

Улуғ Ватан уруши жанглирида қатнашган, ўша оғир кунларни бошдан кечирганлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, оғир хаёлга толадилар, бош эгиб сукут сақлайдилар, сўзсиз-садосиз чуқур хўрсинадилар. Уларнинг кўнгиллари қон-қон йиғлаётганини сезиб турасиз. Улар даҳшатли йилларни ёдга олмоққа, у ҳақда ҳатто гаплашмоққа безиллаб қолишган. Сталинград жангида қатнашганлар билан кўришганингизда, бундай ҳол айниқса кўзга яққол ташланади!

Москва остонасида қаттиқ зарбага учраган душман бутун эътиборини, куч-қудратини Сталинградни забт этишга қаратди. Тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист қўшинлари 8-итальян ва 4-румин армияларининг кучлари билан биргаликда 1942 йил июлда фронтнинг шу чизиги бўйлаб ҳужум бошладилар. Босқинчиларнинг мақсадлари аниқ — Сталинград жуда муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга, урушнинг боришида бурилиш ясаши мумкин бўлган қулай позициядаги шаҳар эди. Вақт зиқ, вазият оғир эди.

Олий Бош қўмондонлик Ставкиси шундай бир пайтда Сталинград мудофааси тадбирларини ишлаб чиқиб, зудлик билан амалга оширишга киришди. Волга ва Дон дарёлари оралиғида ташкил этилган мудофаа чегарасидаги химоячилар, Сталинград халқи, 50 мингдан зиёд халқ лашкарлари бир ойга яқин муддат давомида ҳаёт-мамот жанги олиб бориб, душманнинг: «Сталинградни тез суръатда ишғол этиш» режасини пучга чиқарди. Бундан талвасага тушган босқинчилар шаҳарга бир вақтнинг ўзида ҳам ердан, ҳам сувдан, ҳам ҳаводан қайта-қайта ҳужум қилмоқда эди. Газандаларнинг миллионлаб армияси, минглаб танкларни ёпирилиб келар, кўк юзини тўсиб қўйган беҳисоб самолётлари кечакундуз бомбалар ёғдирадди. Бирорта ҳам бутун бино қолмаган. Бутун шаҳар ёниб кул бўлмоқда эди. Бундай жангни тарих кўрмаганди. Шаҳарга қўшилиб, теварак-атрофдаги ер ҳам, осмон ҳам, азим Волга дарёси ҳам ёнарди. Бу фронтда — Сталинград мудофаасида қатнашаётган совет кишилари ўлимни бўйинга олиб, Ватан учун жон фидо қилишни шон-шараф билиб жанг қилмоқда эдилар. Душманнинг 9 дивизияси шаҳарга ёриб кирган чоғда, ҳар бир уй, ҳар бир кўча, ҳар бир қарич ер учун шиддатли кураш кетди. Мамай қўргонидаги совет кишиларининг афсонавий жасорати босқинчиларни даҳшатга солиб, Ватан

химоячиларини эса бўлажак ғалабага ишончларини мустаҳкамлади, руҳлантирди.

Эндигина 19 ёшга тўлган Мўмин шу пайтда — 1942 йилнинг март ойида ҳарбий тайёргарликдан ўтгач, тўппа-тўғри даҳшатли оташ ичидаги Сталинград мудофаачилари сафига келиб қўшилди. Кўз ўнгида содир бўлаётган, ақл бовар қилолмайдиган жаҳаннам қаршисида у аввал бир оз эсанкираб қолди. Чунки фашистларнинг ваҳшийликлари олдида ҳар қандай афсонавий қора кучлар қилмиши ҳеч гап эмасди-да! Қишлоқда ота-она бағрида ҳеч озор кўрмай ўлган, эндигина балоғат ёшига етган минг-миллионлаб Мўмин тенгилар бундай даҳшатга бирдан рўпара бўлдилар. Ота-оналари, укалари, маъсум гўдаклар, кўн-Ватан улардан нажот кутарди. Бу юксак ҳис-туйғу, маъсулият, унинг барча сафдошларини жасоратга чорламоқда эди. Ўзи билан сал олдин қизгин суҳбатлашган, тамаки тутатишган, бир умрлик дўст бўламиз, деган мазмунда кўзлари порлаб турган сафдошларини бирдан йўқотиб қўяётган ўзбек ўғлони душман томонга ғазабланиб ўқ узарди...

Шу зайлда кун ўтиб, тун кирди. Аммо бу тунни номигагина тун, дейиш мумкин эди, холос. Чунки бомбалар ёғилар, снарядлар ҳуштак чалар, пулемётлар тариллар, автоматлар сайрар — гўё қиёмат-қойим бўлаётгандек эди. Буларнинг баридан безор бўлган ер титрарди. «Тезроқ тонг ота қолсайди», деган фикр беихтиёр Мўминнинг юрагини орзиқтириб юборди. Шу пайт қаёқдандир рота комсорги Саша Шчетинин пайдо бўлиб қолди.



— Мўмин! Биз — комсомоллар нима-ларга қодир эканлигимизни ярамас гит-лерчиларга бир кўрсатиб қўяйлик! Аямай от, аниқ кўриб туриб, пешонасидан от лаънатиларни! — деди-да, у яна қаёққа дидир ғойиб бўлди. «Кўриб туриб от, дедими? Ғаним кўриниш берармикан?...» Шундай хаёллаб оғушида атрофини синчиклаб кузатаётган Мўмин ёнаётган уйлар ёруғида бостириб келаётган шарпаларни илғаб қолди. У пулемётини шу томонга зудлик билан тўғрилаб, бир зум нишонга олиб турди-да, ўқ ёғдирди. Ора-чора тўхташа у ёқдан газандаларнинг ваҳшиёна қийқириқ-лари эшитилар, тура солиб олға югуришарди. Мўмин яна жон-жаҳди билан уларни қийратишга тушиб кетарди. Бора-бора қора кўланкаларнинг узук-юлуқ «акилла-ши», сас-садоси бутунлай ўчди. Мўмин ички бир титроқ оғушида қадрдон пуле-мётини маҳкам тутиб турган кўллари устига бошини қўйди. Шу пайт елкасида ким-нингдир кўлини сезиб, сесканиб бош кў-тарди, кўзлари кулиб турган Сашага туш-ди.

— Бопладинг, азамат! Чақирилмаган «меҳмон»ларнинг камида ярмини қўлат-динг. Бу жасоратинг ҳақида кўмондонлик-ка хабар бераман! — Саша Мўминни ас-тойдил қучиб, яна тайинлади, — сен от-масанг сени отишади, сен ўлдирмасанг улар ўлдиришади. Фақат жойингни тез-тез ўз-гартариб тур, немис ҳам анойи эмас.

Шчетинин бошқа жангчилар ёнига ю-гриб кетиши ҳамано гитлерчилар яна ҳу-жумга ўтдилар, Мўминнинг пулемёти ҳам сайрай кетди. У бир тарафга бетиним ўқ узиб, алаҳсиб қолди. Саша билиб айтган экан, ёнгинасига тушиб портлаган снаряд зарби Мўминни анча нарига итқитиб юбор-ди, юз-кўзига шувиллаб тупроқ тўкилди. Шу аллозда ҳушидан кетиб бирпас ётди.

— Мўмин, оғайнижон, нима бўлди сен-га? Кўзларингни оч, оча қол, менга қара! Хайрият!

Мўмин чанг босган қовоқларини қимир-латиб, кўзларини очди ва ўзини бағрига олиб ўтирган Сашага қаради.

— Вой, яраланибсан-ку! Медсанчастьга боришинг керак! — деди Шчетинин кафти-га юққан қонни кўриб — шошма, ўзим опи-чиб обораман.

— Ҳеч қаёққа бормайман, — ўрнидан тура бошлади Мўмин. — Тузалиб кетаман.

— Сен алахлаяпсан, елкангдан шарил-лаб қон оқиб ётибди! Майли ўзинг юра қол, лекин мен бирга бораман.

— Бориш шарт бўлса, даволаниш учун ўзим жўнайман. Кузатаман деб хомтама бўлмай қўя қол, сен бу ердаги жангчила-римизга кераксан...

Шундай дея, Мўмин Саломов бир-бир босиб қоронғилик қаърига кириб кетди. Бу воқеа 1942 йилнинг 6 сентябрида рўй берди, Сталинград мудофаачиларидан би-ри, пулемётчи Саломов биринчи марта яраланди.

* * *

Ғира-шира тонг пайти эди. Ҳамқишлоқ-лар Охун Мирраимов, Абдуолим Исоқов, Хайриддин Хонтоевлар артиллериядан гу-виллатиб ўқ узиб туришарди. Қорамғиз юзли, девқомат, Охун Мирраимов аини етилган, куч-қудратга тўлган ёшда эди. У

кўнгли очиқ йигит бўлиб, ўртоқлари Охун дов деб чақириварди. Бу йигитнинг ота-боболари, акалари ҳам олижаноб, танги, кураги ерга тегмаган полвонлар сифатида танилган эди. Хайриддин Хонтоев эса за-бардастликда Охун довдан қолишмайди. Иккаласи ҳам мўйлов қўйиб юборган. Уч оғайни ботирларга тасодифан йўлиқиб қолган бир қанча душман, қўлида қуроли турганини ҳам унутиб, дарҳол таслим бўл-ган эканлар.

— Абдуолим, қара-чи, кимдир биз то-мон келяпти шекилли, — деди Охун дов ўқ узишда давом этиб. Ҳақиқатан ҳам ариқ ичи бўйлаб, сув кечиб келаётган шар-па кўринди. Ҳар эҳтимолга қарши артил-лериячилар ҳушёр бўлиб туришди. Бук-чайганча ғарибона қиёфада келаётган кимса йигитлар яқинига етганда бош кў-тариб қаради.

— Ие, Мўмин, сенмисан?! — ҳайратдан қотиб қолди Охун дов.

— Тоға! Тоғажон!!

— Жияним! Сенга нима бўлди, яра-ла-ниб қолдингми, жигарим?!

— Елкам...

Тоғасининг кенг кўксига бошини қўйган Мўминнинг елкалари сезилар-сезилмас титради. Тоға-жиян бир-бирининг дийдо-рига тўйгандек бўлишди. Лекин зум ўтмай Охун дов:

— Бу нимаси, йиғлаяпсанми? Йиғи биз-ларга ярашмайди, жиян, — деди зардали-роқ товушда.

— Йиғлаганим йўқ, йиғламайман, тоға. Сизни кўриб... — бошини кўтарди дарҳол ўзини тутиб олган Мўмин.

— Баракалла, манави бошқа гап. Биз йиғламаймиз, фашист-газандаларини йиғ-латамиз! — Охун дов гурзидек ўнг мушти-ни душман сари ўқталди. — Сира кўн-глингни чўктирма, жиян, сен ёлғиз эмассан, ёнингда, мана, биз — ҳамқишлоқларинг бор, халқ бор, Ватан бор! — у залворли чап мушти билан ўзининг забардаст кўк-рагига гурсиллатиб уриб қўйди.

— Покиза тупроғимизга нопок қадам-ларини босган аблаҳларнинг харом тум-шукларини эзиб қўямиз, шармандаю шар-мисор этиб, Сталинграддан қувиб чиқара-миз. Сен бор, яхшилаб даволаниб қайт, жиян...

— Уйдан хат олдим, отам ҳам фронтда экан, — деди Мўмин ҳамқишлоқлари би-лан хайрлашаётиб.

— Ана, кўрдингми, балки ҳали Салом акамга ҳам йўлиқиб қолармиз, омон бўл, жиян, — деб қолди Охун дов.

Бу учрашувдан сўнг Мўминнинг яраси ҳам кўзига кўринмай қолди. У тезроқ фронтга қайтши, қадрдонлари қаторида бўлишни истарди. Ниҳоят ўша кун ҳам етиб келди. Бу кун фақат Мўмин Саломов-нинг эмас, душманга қарши жанг қилаёт-ган бутун совет кишиларининг, ер юзида-ги жами тинчликсевар инсониятнинг қал-бига қувонч, душманнинг қора юрагига эса битмас-туганмас кулфат солди. Худди шу кун, 1942 йил 19 ноябрда Сталинград учун жанг қилаётган совет қуроли кучла-рининг жануби-ғарбий фронт ва Дон фронтининг ўнг қанот қўшинлари душман-га қарши ҳужум бошлаган эдилар. Шу во-қеадан бир кун ўтгач, Сталинград fronti

қўшинлари ҳам немис-фашист босқинчилари сафларини ёриб ўтдилар. Жангчиларимиз чексиз ғазаб, ўч-интиқом оташида ёниб борарди. Шу қудратли сафдаги Мўмин Саломов энди моҳир пулемётчи, кўркмас, хушёр жангчи бўлиб етишганди.

Аваллиги мавқеини тиклаб олиш учун душман қайта-қайта уринар, кеча-кундуз тинчимасди. Ана шу ҳаёт-мамонт жангларида Мўмин фашистларни кўп марта доғда қолдирди. У бостириб келаётган фашист галаларининг додини бериб қийратар, дарҳол пистирмага чекинар, «тутқич бермас қасоскор»га айланганди. Босқинчилар оёғида топталган еримиз, вайрон қилинган шаҳар-қишлоқларимиз, минг хил азобларга солиниб қатл этилган жигарбандларимиз ҳаққи-ҳурмати. Мўминни қасоскор бўлишга дэъват этарди.

«Сталинград остонасида ва бошқа фронтларда душманга қарата узилган ҳар бир ўқ бизларни қувонтирмақда, — деб ёзганди ўз фарзандларига Ўзбекистон меҳнаткашлари, — Ватан учун, Озодлик учун жонни текиб жанг қилинлар! Ортингизда мустақкам қоя сингари биз турибмиз — бутун ўзбек халқи, аёллар ва эркеклар, кексалар ва болалар...»

Бу мактубни ўқиган Мўминнинг кўз олдига меҳрибон онаси — Ирис опа, укалари, сулим қишлоғи, унинг бой ва кўркам далалари, боғ-роғлари бир-бири ўтди. «Агар босқинчи ғолиб келса борми, бутун эл қирғин қилинади, хўрланади, гўзал юрт вайрон бўлади. Йўқ, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Улсак ўлаимизки, бир қадам ҳам ортга чекинмаймиз! Ватан учун жон фидо бўлсин!» Биргина Мўминнинг эмас, Сталинград фронтда жон олиб-жон бераётган ҳар бир совет кишининг қалбини забт этган ҳукм шу эди. Ватан ва қалб дэъвати уларни шу жанговар йўлга отлантирганди. Натижада қўшинларимиз 1942 йил 23 ноябрь куни Калач шаҳрини озод қилдилар. Калач учун олиб борилган жангларда пулемётчи Саломовнинг ҳам жуда катта ҳиссаси бўлди. Бу шаҳар қўлга киритилгунча, у босқинчиларнинг озмунчасини қириб ташладими! Бу пулемётчи «тинчителиш» йўлидаги душманнинг ҳамма жойлардаги ҳаракатлари зое кетарди. Мўминни мўлжаллаб узилган снарядлар нуқул бошқа ерда портларди. Чунки Мўмин энди хушёр ва эҳтиёткор, тажрибали пулемётчи эди.

Калач шаҳрининг озод этилиши Мўмин Саломов, умуман совет кишилари учун навбатдаги катта тантана бўлди. Шу куни Жануби-Ғарбий фронтнинг 4-танк корпуси қўшинлари Сталинград фронтининг 4-механизациялаштирилган корпуси қўшинлари билан бирлашдилар. Натижада фашистлар Германиясининг 6-артиллерия ва 4-танк армияларининг асосий кучлари ўровда қолди. Дон ва Волга оралиғидаги бу қуршовда душманнинг минглаб танк, тўп, пулемёт ва бошқа қурол-аслаҳалари, 330 минг солдат ва офицерлари бор эди. Фашистлар Германияси учун бу катта зарба бўлиб, улар умид қилган режаларни йўққа чиқарганди. Шу туфайли душман, қуршовдагиларни қўтқариш мақсадида, 12 декабрь куни жуда катта куч билан ҳужумга ўтди. Улар қанчадан-қанча қурбонлар бериб, юз километрча ичкарида

ўров ҳалқасида қолган армияси, сари 40 километрча силжишга муваффақ бўлдилар, бироқ Мўмин Саломов каби ватанпарварларнинг қаттиқ зарбасига учраб тақа-тақ тўхтаб қолдилар.

— Фашист газандалари ўзларини юз хил хунарга солиб ҳужумга ўтардилар, — деб ўша кунларни эслайди Мўмин ака, — улар ҳар хил ваъда-ю, дўк-пўписалар битилган варақаларни самолётлар орқали ёғдиришар, ўғримушуклар сингари пусиб келишар ёки: «Рус, таслим бўл!» дея ўда-ғайлаб, телбаларча ҳужумга ўтишар, ҳар қандай вазиятда ҳам қаттиқ зарба еб, қочишга мажбур бўлишарди. «Гитлерчиларнинг ўровдагилар сари яқинлашган қисмларини қарши ҳужумга ўтган Сталинград fronti қўшинлари 200—250 километр нарига улқитириб ташладилар. Худди шу қувончли кунларнинг бирида — 1942 йил 31 декабрда пулемётчини сайратиб турган Мўмин Саломовни душман снайпери нишонга олди. Жангчилар ўз пулемётчисига суюниб қолишганди. Унинг мадади билан жангга киришарди, олға боришарди. Мўминни ўққа чап берувчи абжир йигит, деб таърифлашарди. Кутилмаганда рўй берган бу фалокат уларнинг душманга бўлган нафратини ўн чандон ошириб юборди.

— Сен госпиталдан тезроқ қайт, акс ҳолда, Берлинни олганимизни кўрмай қоласан, — деб қолишди унинг сафдошлари. Шундай кунда сафдан чиқиб қолиш Мўминга алам қилар, қуршовдагиларни йўқ қилиш, мамлакатимиздан газандаларнинг нопок изларини супуриб ташлаш ва, ниҳоят, фашистни ўз уясида янчиш ниятида эди. «Бари бир қайтиб келаман, ўлмасам, шу ниятларимга етаман...»

Мўминни сафдан чиқаргани билан душман омонлик топмади. Олий Бош қўмондонлик Ставкаси буйруғига биноан 1943 йилнинг январда совет қўшинлари ўровдагиларни йўқ қилиш, босқинчиларни мамлакатимиздан бутунлай қувиб чиқариш учун қаттиқ жанг бошладилар. Таслим бўлиш ҳақидаги ультиматумни қуршовда қолган немис армияси қўмондонлиги рад этгач, жангчиларимиз, уларнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, ҳалқани торайтириб бордилар ва душман қисмларини иккига бўлиб ташлаб, 1943 йил 26 январь тонгида Мамай қўрғонида 21- ва 62-армияларимиз бирлашди. Энди қуршовдагилар иккига — Жанубий ва Шимолий группаларга бўлиниб қолди. Бутунлай ҳолдан тойган Жанубий группа 31 январь куни генерал-фельдмаршал Паулюс бошчилигида таслим бўлди. Шимолий группа эса 2 февраль куни бартараф этилди. Немис-фашистларнинг ўровда қолган 91 минг солдат ва офицери асир олинди, 5762 тўп, 1312 миномёт, 1666 танк ва бошқа қурол-аслаҳалари ўлжа қилинди. Умуман, совет қўшинлари ҳужумга ўтган кун — 1942 йил 19 ноябрдан 1943 йил 2 февралгача Сталинград фронтда немис-фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан берилган талафот 800 мингдан ортқ киши, 10 мингдан ортқ тўп ва миномёт, 2 мингга яқин танк, 3 мингга яқин самолётни ташкил этди. Сталинград ҳимоясига киришилган кун — 1942 йил 17 июлдан 1943 йил 2 февралга қадар эса, босқинчиларнинг бир ярим миллионга яқин солдат ва офицерлари сафдан

чиқарилди. Улдирилган, асир олинган ёки ярадор қилинган бу куч совет-герман frontiда ҳаракат қилаётган босқинчилар жами армиясининг тўртдан бир қисмини ташкил этарди. Бу катта йўқотиш фашистлар Германиясига қақшатқич зарба бўлди ва Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш ясади.

Ватанимиз жасоратли фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Сталинград мудофаачиларини тақдирлаш мақсадида 1942 йил 22 декабрда «Сталинград мудофааси учун» медали таъсис этилди. Бу медал билан 707 минг киши мукофотланди. Сталинград жангида мислсиз жасорат кўрсатган 108 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Лекин бу орден ва медалларнинг анчаси ўз эгаларининг кўрагини беэай олмади. Ватан мудофааси йўлида жонларини фидо қилган Мамай кўргони мудофаачилари, душманнинг 9 танкини портлатган И. М. Каплунов, кўкси билан душман дзоти оғзини ёлган пулемётчи Н. Ф. Сердюков каби Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳам Сталинград мудофаасида Мўмин Саломов билан ёнма-ён жанг қилиб туриб ҳалок бўлдилар. Тақдирланганлар рўйхатида Мўмин Саломов, унинг тоғаси Охун Мирраимов, Охун донининг сафдошлари Хайриддин Хонтоев, Абдуолим Исоқовларнинг номлари ҳам бор.

Моҳир пулемётчи Саломов, ўзи истаганидек, даволаниб, яна сафга қайтди ва душманни тутдек тўкиб, олға бораверди. Брянск учун бўлган жангларда у учинчи марта яраланди, соғайиб, аввалгидан ҳам қаттиқроқ шиддат билан жангларга кирди. Унинг нияти — душманни ўз уясида йўқ қилиш эди, шунга эришди. Бу ният биргина Мўминнинг эмас, ҳамма қасоскорларнинг кўнглида бор гап эди. Ўзгаларга чоҳ қазиган душман шу чоҳга ўзи йиқилди. Ҳақ иш ўз жойида қарор топди.

Мўмин Саломов жанглардаги жасоратлари учун бир эмас, бир неча бор тақдирланганди. Турли сабабларга кўра, баъзи орденлар ўз вақтида эгасига етиб бормади. Мўмин Саломов эса бу ишнинг ортидан юрмади. Муҳими — душманни йўқ қилдик, қолган масалалар муҳим эмас, деб ҳисобларди у. Лекин, ҳаёт қуролдош дўстлари, командирлари унутмаган эканлар, матбуотларда чиқишди, мактублар ёзишди, қидириб, ҳужжатларини топишди.

Ниҳоят, орденлар ўз эгаси қўлига етиб келди. Энди Мўмин Саломов «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери, яна қанча медаллар...

Фаҳрий ветеран республикаимиз бўйлаб учрашувлар, тантаналарда иштирок этади, у иззат-ҳурматда. Бултўр, Ғалаба куни арафасида Мўмин Саломов, жанговар қуролдошлари билан биргаликда, республикаимиз пойтахти — Тошкентга таклиф этилди. Республикаимиз Компартияси Марказий Комитетида уруш ветеранлари билан учрашув бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов уларни қабул қилди.

Жанглардаги жасоратлари, ҳар қанча таҳсинларга лойиқ ҳаёти ҳақида сўраб, Мўмин Саломовнинг ўзидан бирор маълумот олиш қийин. «Мана булардан кўра қолинг», деб ноёб маълумотли ҳужжатларни қўлингизга тутқзади. Сабаби, у халқимиз бошига тушган ёмон кунларни эслагиси келмайди, аслида ҳам Мўмин ака ўта камсуқум, камтар инсон. «Мен уруш қатнашчисиман», деган гапни бирон марта айтган эмас. Район ҳарбий комиссариатидагилар ошкор қилгунларига қадар Мўмин ака «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери эканлиги ҳақида ҳеч ким билмасди. Уруш ҳақида гап кетса у изтироб билан: «Ишқилиб, бундан кейин тинчлик бўлсин-да!» деб қўяди холос. Турли соҳаларда ишлаётган ўғиллари Абдурашид, Абдужалил, Абдулазизлар, ҳарбий хизматга ҳозирлик кўраётган Абдурахим, қизлари, невараларининг тинчлигини кўзлайди у.

Ахир Мўмин ака беш йиллик хизмати (1942—1947) давомида майиб бўлган ёшлар, гўдакларни озмунча учратдим!

* * *

Тўнғич ўғли ортидан урушга жўнаган жафокаш Салом ота 1944 йилгача фашистларга қарши жанг қилиб, Житомирда оғир яраланди ва уйига қайтарилди (Урушдан сўнг анча йил ўтгач вафот этди). Мўмин Саломов билан бир сафда Сталинград ҳимоясида қатнашган ҳамқишлоқлар Охун Мирраимов, Абдуолим Исоқов, Хайриддин Хонтоевлар ҳозир ҳаёт. Фронтдошлар вақти-вақти билан учрашиб, суҳбатлашиб туришади.

Анвар Эшонов

ЎША КУНИ ТҲЙ ЭДИ...

Ўзбек бойиса уй солар, деган гап бор. Тўғри. Аммо чўлликлар учун бу гап эскириб қолди. Чўлда ҳеч ким ўз пулига уй солмайди. Тайёрига кўчиб киради. Лекин чўлда тўй катта бўлади. Билмадим, тантиликми, мардликми, меҳмондўстликми, жиндай исрофгарчиликми, ҳар қалай, тўй катта бўлади. Қассоблари мол сўйиб, хабарчилар одам айтиб, раққосалар тонггача ўйнаб чарчайди.

Ойниса Жўраева ҳам бу чўлларда бирдан олдин, бирдан кейин дегандай, икки қиз узатиб, икки ўғил уйлантирди. Бу ҳам ўз йўлига.

Чўлга келиб эсда қоладиган ишларининг энг муҳими шу бўлдики, катта-кичиқ ўғил-қизлари билан неваралари шу чўлларда туғилди. «Она», «Нон», «Чўл», «Пахта» деб тили чиқди. Қувонмай бўладими, суянганда суянчиғи, 628 гектар пахта майдонидаги ҳосилдорликни 10 центнердан 35 центнерга олиб чиққан умр йўлдоши Эргашвой Жўраевнинг шахсий варақасига пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, медаллар билан тақдирланганлиги ёзиб қўйилди. Аслида Эргаш Жўраевни эл-юртга танитган Абдуғани Исломов, Абдулазиз Йўлчиев, Нарзиқул Ақромов, Ғаниполвон Раҳмоновлардек забардаст пахта усталари эмасми-кан?!. Ҳамир учидан патир, деганларидай, шу совхознинг бригада бошлиғи, гектар бошига 45 центнерга етказиб хирмон кўтарган Холматжон нишонана — «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотланди. Болалар ўзининг йўлини топмоқда. Она учун бундан ортиқ бахт борми!

Фарзандлар учирма бўлиши биланоқ отасининг қўлтиғига кирмоқда. Кичикларинингку, бири ўт юлган, бири қарвондан тўкилган пахтани терган, бири саратонда отасига муздеккина гўжа билан яхна кўк чой ташиган...

Қийқириқлар онанинг хаёлини қочирди. Келин келди. Гулхан ёнди. Қўшиқ янгради:

— Толоим шулки, жаҳонда муносиб ёр танладим...

Она тўртинчи никоҳ тўйи кўриши. Куни кеча аскарликдан қайтган ўғли Холмуродни уйлантирмоқда.

Муносиб ёр танлаш... Келин-куёвга бундан ортиқ бахт борми. Ойнисанинг куёвлари қизларига муносиб. Келинларини айтмайсизми! Ўғилларидан ошса ошадики, кам эмас. Яна олти фарзанди, тўй навбати меники, дегандай, буйлари чўзилиб боряпти. Яна қанча ширин ҳаяжон, ширин ташвишлари бор. Агар боши омон бўлса олдинда яна қанча тўйлар! Ўзбекнинг кексалари: «Ували-жували бўлгин, топаннинг тўйга буюрсин», деб бекорига ният қилмайдилар.

Ойниса меҳмонларни кутиб олаётган эрига қараб қўйди. Эри ўтли боқди. Ойниса ҳам толейдан нолимайди. Муносиб ёр танлаган. У ширингина энтикиб қўйди...

**Ишқ кўнгилга кириб дафъатан,
Вужудингни айларкан Ватан...**

Ойниса бу шеърни қаерда ўқиб, қаерда эшитганини аниқ билмайди, ўша куни Эргашвойни кўрганда хаёлига келиб қолганди. Эҳтимол ишқ деганлари кўнгилни кўққисдан забт этса керак. Ҳар қалай, чақмоқнинг ҳам қайси куни, қайси соатда осмонни тўлдириб, осмонни яшнатиб, аввалига етти ранг жилосида йилт этиб, сўнг гулдурашини олдиндан айтиб бўлмайди-ку. Муҳаббат ҳам шунақа, кўнгилларни яшнатиб, кўнгилларга зилзила солиб, кўққисдан кириб келади...

Ўша куни қиличдай йигит — Эргашвойнинг юрагига чидаб бўлмас ўт тушганди. Бу ўтни Ойнисахон бир қирғий қараш қилиб солиб қўйганди. Қиз қарашга қаради-ю, ўзининг ҳам вужудига зилзила тушгандай бўлди. Ўша куни Бешбулоқда тўй эди. Келин тарафда турган Ойниса меҳмонларга чой узатарди. Куёвжўра Эргашвой ҳам чой баҳонасида қизнинг қошига тез-тез келиб турди. Тўйхонадан қўшиқ тараларди:

— Толоим шулки, жаҳонда муносиб ёр танладим...

— Муносиб ёр танлаш ҳақиқатан ҳам йигитнинг бахти,— деди Эргашвой.

— Ҳа.— Ойнисанинг овози оҳиста чиқди.— Қизнинг ҳам...

Эргашвой гапни гапга улай деб оғиз жуфтлаганди, кимдир чақириб қолди:

— Эргашвой, кетдик.

Кувёлар қўзғалганди. Қамчиндай вужудидан куч ёғилиб турган Эргашвой юзидан нур қуйилиб турган қизга ўтли қараб қўйди-да, овоз келган томонга юрди...

Ора-чора тўқнашиб қолишганда зикна одам йўллаган телеграммадай калтакулта гаплар бўларди. Аммо ошиқ йигит айтган ҳар бир сўз ҳам, маъшуқа қизнинг лабларидан зўрға узилиб чиққан ҳар бир жумла ҳам иккисининг юрагига муҳрланиб борарди.

Ахири бир учрашувда қиз журъат қилди:

— Одамлар бозордан эчки олса ҳам тишини кўриб оларкан. Шакли-шамойилингизни кўриб турибман. Ўзингизни таништиринг,— деди-да, бармоқлари узун-узун қўлларини чўзди. Йигит қизнинг кўзларига термилди. Тип-тиниқ булоққа ўхшарди унинг кўзлари.

— Э, менда жўнгина таржимаи ҳол бор,— деди Эргашвой хўрсиниб.— Таржимаи ҳол дейишга ҳам арзимаёйди. Ота-онамдан ёлғиз қолганман. Осмондаги ойдай ёлғиз...

Гирт сағир Эргашвойнинг ёшлиги ҳам мамлакат ёшларининг ҳаётидай жуда серташвиш ўтди. Уруш изтиробларини бошидан кўп кечирди. Ёшгина боши билан етим-есир, бева келинлар, мункиллаган чол-кампирларнинг ёнида колхознинг кичкинагина рўзгорини биргаллашиб тебратди.

Бешбулоқнинг даштларида буғдойга ўроқ тушди. Деҳқоннинг бахтига йил баракали келди. Эргашвой Ойнисани кўриш ниятида ўроқ олиб хашарга келди. Қиз эса олисдан унинг барваста қоматига термилиб, ширингина энтикиб қўяди, етиб олсин деб, атай секин ўради. Йигит етиб келди. Ойнисанинг юраги типирчилаб, юзлари анор гулдай қизариб кетди. Атрофдаги қизлар эса қиқирлашиб, ўроқларини четга солдилар.

— Ҳорманг!

— Бор бўлинг!

Эргашвой унинг ўрган буғдойини боғлаб, кейин хирмонгача кўтариб борди.

— Зарурга зарур, нозарурга нима зарур, ўроқ ўриб нима қиласиз?..

— Деҳқончилик дунёдаги энг буюк ҳунар. Кейин... Сизни кўргим келди. Даштдан бошқа холироқ жой йўқ.

— Кўриб нима қиласиз?..— қизнинг кўзи чақнаб, қошлари чимирилди.

— Кўпдан бери юрагимга тугилган бир гапни айтолмай юрибман.

— Айта қолинг,— қиз ер чизди. Йигит энтикди.

— Ҳаётимнинг энг муҳим муаммоси, бош масаласи... Сиз.

**«Ўзгалар ҳуснин таманно айласам, чиқсин кўзум,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснунг тамошо айласа!»**

Кулдилар, бир-бирларига ўғринча қарадилар. Эргашвой бошоқлар орасида учрайдиган тарғил лолалардан узишга ошиқди.

— Сариги керак эмас. Қизилдан узинг. Қўшалоқ бўлса... яна ҳам яхши.

Дашт иси, ўт-ўланлар бирам хушбўй эди ўшанда! Кейин сўқмоқдан изма-из қайтишди. Осмонда ой ҳам улар билан қадам-бақадам сузиб борарди...

Эргашвой расм-русмга кўра, чорсига совға солиб, чимилдиққа кирганида, келинчақ йигитга кирғийқараш қилиб қўйди. Йўқ, у ўзининг ёшлигини ўйламасди — оилани эркак тебратди. Ёноқлари ёнганча, қўллари сезилар-сезилмас титраб чой узатди. Ташқарида янгалар совиганроқ чилдирман пўкиллаб чалишарди. Юраклари темирчининг босқонидек гурсиллаб ураётган келин-куёв эртанги кун ғамида шивирлашиб сўзлашардилар:

— Нима бўлади?

— Нима, нима бўлади?

— Тирикчилик-да?

— Э, бир гап бўлар,— деди Эргашвой шерланиб.— Қўй бу гапларни. Ҳамма олим бўлиб кетса, пахтаи ким экади?

Эргашвой кафтларига қаради — қадоқ. Ойниса ҳам ўз қўлларига қаради — унчалик нозикмас.

Ушанда 1952 йилнинг 12 апрели эди чоғи. Бешбулоқдаги лойсувоқли томлардан бирининг олдига юк машинаси келиб тўхтади. Ойниса юкларини тайёрлаб қўйганди.

— Отаси, ямоқчининг ишига сувоқчи аралашмасин, деган гап бор,— деди Ойниса Эргашвойга.— Капгир ушлаган — ошпаз, кетмон тутган — пахтакор бўлавермайди. Сиз асли чўпонзодасиз.

— Ойнисахон, бир йигитга қирқ хунар оз дейишади-ку.

— Менимча, шу замонда бир йигитга бир хунарнинг ўзи етиб-ортади. Сиз кўрган толлар кесилиб кетган.

— Уша пахта экадиганлар ҳам осмондан оёғини узатиб тушганмас-ку.

— Пахтакорлик уларнинг қонида бор, сиз чўпонсиз. Ўт-ўланнинг орасида, булоқнинг сарасида катта бўлгансиз. Сиз бормоқчи бўлган Пискентнинг Оқтепасида тошбақа хансирариш.

— Чидаймиз-да. Энди орқага қайтиш йўқ.

Камбағал бўлсанг кўчиб кўр, деганларидай, юк ортилган машина ям-яшил далалардан, айқирган сой бўйларидадан ўтиб, тақир йўлга чиқиб олди-да, ҳаммаёқни ёшит, ҳавоза босган ерга келиб тўхтади. Ойнисахон вагон уйларни биринчи кўриши эди. У чаноқлар очилишининг ҳам илк бор гувоҳи бўлди. Сабаби — бешбулоқликлар пахта етиштирмасди-да...

- 1966 йилнинг хут кирган — деҳқоннинг юрагига ўт кирган кезлари эди.
- Ойниса,— деди Эргашвой хотинига,— қирқ хотинга онабошидай, йигит бошим билан пилла бригадири бўлиб юраманми?!
- Ғаллага ўтинг. Илгариги ишингиз.
- Ғалла ҳам мавсумий-да. Ҳар куни радиодан эшитасан — юрагида ёли бор йигитнинг жойи чўлда, деган гапни кўп такрорлашади.
- Ихтиёрингиз, отаси. Эру хотин қўш ҳўкиз-да.
- Улма, хотин, турган-битганинг ақл-да,— деди у кулиб.

Оқтепадан йўлга чиққан машина катта ўзбек тракти бўйидаги 26-совхозга келиб тўхтади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Холматов дастлаб директор бўлган 26-совхозда уйлар оқаришиб кўринар, бетон новда мавжланиб оқаётган лойқа сув, қад ростлаб қолган ниҳоллар гармселнинг дамини қайтарар, хуллас, гўзалликка пойдевор қўйилган эди. Кейинчалик совхозга кўп моҳир ташкилотчилар келди, уста пахтакор Худоёр Латипов совхозда директорлик қиларди.

— Бўлим бошқарувчиси бўласиз,— деди директор.

— Аввал оддийроғидан бошласам, ҳар қалай пахта — нозик нарса...

— Э, ўзбекнинг пахтани билмайдигани бўладими? Одам кам. Эргаштиринг. Ёшларнинг юрагига ўт солиш керак. Чўчишмасин. Ҳадемай совхозимиз жаннатнинг бир бўлагига айланади. Аммо у кунларга етиш учун қора терга ботиб ишлаш керак, Эргашвой.

Эргаш Жўраевга Худоёр Латиповнинг одамларни эргаштира олиш қобилияти, меҳнатни муқаддас билиши-ю, шоирона табиати ёқиб қолди.

1971 йилнинг ғалир сувдан кўтарилган кезлари Сирдарё область партия комитетининг бюроси Оқ олтин районидаги Ворошилов номи совхоз директорлигига Худоёр Латипов номзодини тасдиқлади. Қадринг билган устозингдан айрилма, деганларидек, Иттифоққа танилиб қолган Акмал Икромов номидаги совхозда дўлда ҳам, селда ҳам, ғалаба рапортига имзо чекиш чоғидаги хурсандчиликда ҳам бирга бўлган деҳқонлар Латиповга эргашдилар.

1972 йилнинг мусича болалаган кезлари Эргашвой:

— Ойнисахон, кўчингни тайёрла, кўчадиган бўлдик,— деди.

— Бир арава болам билан мени яна қаерга бошламоқчисиз? Янги ерларда то ҳозиргидай обрўга эга бўлгунча эсингиз кетади...

— Мақол-маталингни кўй. Отанг бахши ўтмаган-ку? Бу дунёда мен чўлнинг охирги қаричигача пахта экаман, деб юрибман-а!

Ойниса бўшашди:

— Нима десангиз шу-да...

Машина тўхтаган ерга қозиқ қоқилди. Вагонеткалар келтирилди. То артезиан қудуқлари қазилгунча бир амаллаб сув топиб ичишди...

Трактор плуглари ўтлоқ, бўз, шўрхоқ, захкаш ерларнинг авра-астарини ағдариб, қавагида калтакесак болалаб, юмронқозиқ ин қўйган тақир чўлнинг исиріқ, янтоқ, ғумай, қушқўнмас каби ўт-ўланларини пахтанинг алп қадами сабот билан чекинтириб, асрий тупроқ яшариб, «оқ олтин»га бағрини очиб келаверди...

Ойниса-чи? Ҳали хўроз қичқирмасдан тандир-тандир нон ёпди. Сўнг, кечгача кетмон чопди. Ҳа, деган туяга мадор. Келиданми, кетмонданми қабарган қўлларини тимдалатиб, қанор-қанор кўсак чувиди. Болаларига атаб кўрпа қавиди. Икки отнинг бўйнига арқон боғлаб, кўсаклардаги қорни силкитиб туширди. Пилла қуртлари даҳага кирганда эса оёғини қўлига олиб тутзордан уйга, уйдан тутзорга югурди.

Эндиликда, оламнинг қайси бурчагидан Мирзачўлга меҳмон келса, республиканинг энг илғор хўжаликларидан бири бўлмиш шу совхозни кўрмай кетмайди. Ушанда бу гўзаллик, бу фаровонликка кўплар қатори меҳнати сингган Эргаш Жўраев билан Ойнисахон Жўраевалар ҳам дил-дилидан ғурурланиб қўйишади.

Уша куни тўйхонага чет эллик меҳмонлар кириб келишди. Улар бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашишгач, Ойнисанинг эрини саволга тутишди:

— Даромадингиз қанча?

— Етарли. Ун болани ўкситмай катта қилишга, қиз узатишга, куёв кўришга етади.

— Ун бола?!— ҳайратланди меҳмонлар.

— Ҳа, ҳозирча ўнта...

— Бизда болалар ота-онанинг фожиаси, деяверинг. Уқитиш, одам қилиш у ёқда турсин, қорнини тўйғазиш ҳам қийин. Унта боладан тиш кавлагич ҳам орттириб бўлмаса керак?

— Унчалик эмас.

— Машинангиз борми?

— Бор. «Волга»нинг энг сўнгги мархасидан.

— О, олий маълумотли, жуда зарур мутахассис бўлсангиз керак-да?

— Аксинча, ўнинчини сирдан амаллаб тугатиб, у ёғига ўқиёлмаганман. Негаки, уруш қизиган бир пайтда етим қолдим. Бизда колхознинг этагидан тутган одамнинг нони ҳеч қачон яримта бўлмайди. Авваллари мен ҳам ота касбини қилиб, туя етакладам. Колхоз қўйини боқдим. Урушдан кейинги йиллар... Бир ёқда ёшим катта, бир ёқда тирикчилик дегандек, ўқишга рағбатим бўлмади. Табелчилик қилиб юрдим. Жойларимиз тоғлик эди. Фақат мол-ҳолнинг ўзи билан кўнгилдагидек тирикчилик

қилиб бўлмасди. Ҳукумат ғамимизни еб, кўчирма қилди. Кечагидек эсимда, 1952 йилнинг апрели эди. Пискентнинг Оқтепасига бориб кўндик. 1965 йилгача ғалла, пилла бригадири бўлиб юрдим. 15 йилдан бери чўлдаман.

— Севги асосида оила қурганмисиз, ёки...

— Бадавлат оиланинг қизигами, демокчисиз шекилли?

— Ҳа-ҳа!

— Йўқ. Ойниса ҳам ўзимиз қатори. Ёнма-ён меҳнат қилиб юриб, ўртаимизда чинакам бир севги туғилди. Турмуш қурдик. Қарқуноқдан булбул чиқипти, дегандай, ўфилларим ўқимишли бўлиб етишишди. Аслида гап бундамас. Ҳамма нарса замонасига яраша бўлаверади. Эндиликда замон шунақа. Ўқимаса бўлмайди. Холматжон олий маълумотли. Келиним — Барчин муаллима. Улар асли синфдош бўлганлар. Қизим — Меҳринисо билан куёвим — Нусратиллани-ю, ҳамма ҳавас қилади. Анорхоним — студент. Холмуродим аскарликдан келиши биланоқ, отсовитар қилмасдан, Муҳаррамхонга уйлантириш ҳаракатидамиз. Бугунги тўй ўшаники. Қани-қани, қўйнинг калла-почаси келгунча дастурхонга қаранглар. Хуллас, меҳмон, ҳозиргача иккита келин, иккита куёв, етти неварали бўпман. Қолганлари ҳали ёш. Мабодо сиз кичкина фарзандларимдан ҳам, катта бўлсанг ким бўласан, деб сўрасангиз, иккиланмай: «Пахтакор», дейишади. Негаки, хирмонларнинг ҳар бир қатлами, оширилган ҳар бир центнер бахтимизнинг битта пиллапоёси эканлигини бу ўлкада ёшу қари бирдай билади. Ким бўлмасинлар, қайси соҳада ишласинлар, бари бир, уларнинг тақдири Мирзачўл уфқидек кенг, толеи Мирзачўл хирмонидек сарбаланд бўлади.

— Мана шу оилавий камолот, баркамолликнинг негизи нимада?

— Инқилоб тонгида. Ленин декретларида!

Эргаш Жўраев ўзини саволга тутиб, жавобларини ҳайратланиб тинглаган чет элликлар билан хайрлашаркан, Ойнисанинг кўнглидан яна бир илиқлик ўтди-ю, ўша илиқлик тўйхонадан келган қўшиқнинг сатрлари орасига қоришиб кетгандай бўлди:

— Толеим шулки, жаҳонда муносиб ёр танладим...

Оқ олтин районидаги Ворошилов номли совхоз.

Ойбек — Абдулла Қодирий ҳақида:

«Ўзининг айтишига қараганда, у шундай ёзарди:

Аввалига кўчада, кўпинча, кечқурунлари ҳувиллаб қолган пайтда, узоқ вақт айланиб юриб, янги асарнинг бўлажак қаҳрамонлари ва сюжет йўлларигача ўйлаб, роса пишитарди. У гоҳи пайтларда эрталабгача ҳам кўча кезарди, қайтиб келгандан кейин эса кўрпача ёзиб, сиёҳ билан қоғозни бош томонига қўйиб оларди-да, ётиб ёзаверарди».

БАЛОҒАТ


[Адабиётшунос Собиржон Мирвалиев 50 ёшга тўлди]

Адабиёт майдонига эллигинчи йилларнинг ўрталарида кириб келган истеъдодли адабиётшунослардан бири филология фанлари доктори Собиржон Мирвалиевдир. У ўз умрининг чорак асрдан ортиқроқ қисмини ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб этиш ишига бағишлаб келмоқда.

У СССР халқлари адабиётларининг ўзаро алоқалари ва ўзбек прозаси, хусусан, роман тараққиётини илмий тадқиқ этиш соҳасида катта ишлар қилди.

Собиржон Мирвалиев Тошкент областининг Октепа қишлоғида оддий дехқон оиласида дунёга келди. Урта мактабни муваффақиятли битиргач, В. Г. Белинский номидаги Тошкент Давлат кечки педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди. Айна чоғда Тошкент шаҳридаги А. С. Пушкин номи 3-мактабда пионервожатий ва ўқитувчи бўлиб ишлади.

Комсомол ишларида чиниққан Собиржон Мирвалиев 1957 йилдан Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида илмий ходим, 1958—1962 йиллар мобайнида эса академик ёзувчи Ойбек бош муҳаррирлик қилган «Ўзбек тили ва адабиёти» журналинда масъул ходим сифатида ишлади. Худди шу вақтда Собиржон Мирвалиевда Ойбек асарларини, хусусан «Нур қидириб» повестини илмий асосда чуқур ўрганишга интилиш туғилади. Натижанда, у мазкур повесть билан боғлиқ равишда бошқа асарларни ҳам қамраб олган «Ўзбек совет адабиётида



хорижий шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг акс эттирилиши» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёзишга киришади ва 1961 йилда уни муваффақиятли ёқлайди. 1962 йилда эса шу диссертация асосида «Ҳаёт ва кураш» номли монографиясини эълон қилади. Асарда ўзбек совет адабиётида хорижий шарқ мавзуининг туғилиши ва уни ёритишдаги асосий тенденциялар илмий асосда тадқиқ этилади.

Олтинчи йиллар давомида Собиржон Мирвалиевнинг диққат марказида СССР халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқалари масаласи асосий ўрин тутди. Мазкур проблема юзасидан олим кўплаб мақолалар ва «Қалблардан қалбларга» (1966), «Совет адабиёти — коммунистик ахлоқ тарғиботчиси» (1973), «Гуманизм — адабиётимиз байроғи» (1979) сингари китоблар эълон қилди. Уларда ўзбек совет адабиётининг чет эллардаги шухрати, гуманистик моҳияти ва коммунистик ахлоқ

мавзуининг ёритилиши каби масалалар тадқиқ этилади.

Собиржон Мирвалиевнинг илмий фаолиятида ўзбек романининг туғилиши, шаклланиши ва тараққиёт тенденцияларига хос проблемаларни тадқиқ этиш асосий ўринни эгаллайди. 1969 йилда олимнинг «Ўзбек романи» номли монографияси босилиб чиқди. 1971 йилда шу тадқиқот заминида у докторлик диссертациясини ёқлади. Мазкур монография ва диссертация ўзбек романининг туғилиши, манбалари, шаклланиш босқичлари ва тарихий йўлини қамраб олган бўлиб, кўплаб йирик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Тадқиқотда ўзбек романининг туғилишида муҳим роль ўйнаган омиллар, миллий замин, янги воқелик, рус ва жаҳон реалистик романчилиги анъаналари масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Бу тадқиқотда ўзбек романининг 50 йиллик тараққиёт йўли қамраб олинган эди. Муаллимнинг романчилигимизнинг кейинги йиллардаги ривожини атрофлича тадқиқ этишга ва аввалги илмий ишларини давом эттиришга интилди. Натижанда Собиржон Мирвалиевнинг «Насримиз давримиз хизматида» (1976), «Тарихийлик ва замонавийлик» (1979), «Роман ва замон» (1982) каби китоблари майдонга келди. Уларда ҳозирги ўзбек прозаси, хусусан романчилигининг ғоявий-бадий савияси, замонавийликнинг чуқурлашуви, жанрнинг бойиши, услублар ранг-баранглиги атрофлича ёритилади. Мазкур тадқиқотлардаги кузатишлар ва фикр-мулоҳазаларни умум-

лаштириб, Собиржон Мирвалиев уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобидаги «Ҳозирги давр ўзбек прозаси» бўлимини ёзди. Шу кунларда ҳам олим ўзбек прозаси соҳасидаги тадқиқотларини давом эттирмоқда.

Собиржон Мирвалиев ўзининг бутун жўшқин илмий фаолияти давомида адабиётимиз тараққиётига ва, шу орқали, халқ, партия ишига садоқат билан хизмат қилишга интилди. Унинг қаламига мансуб ўндан ортиқ китоб, 250 дан ортиқ

мақолаларнинг чуқур партиявий руҳда яратилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Собиржон Мирвалиев моҳир педагог сифатида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Ҳозир у Тошкент Давлат маданият институтининг ўзбек адабиёти кафедрасига бошчилик қилади. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнга яқин фан кандидати ва иккита фан доктори вояга етди. Олим республикамиздаги бир неча илмий советларнинг аъзоси ҳисобланади. У кўп-

лаб олий ўқув юртларида махсус курслар бўйича лекциялар ўқиб келади. Бинобарин, Собиржон Мирвалиев республикамизда маънавият адабиётшунос кадрлар тайёрлаш ишига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

Кўп қиррали истеъдод соҳиби, етук олим, мураббий ва актив жамоатчи Собиржон Мирвалиев ҳозир ижодий камолотнинг жўшқин палласида.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
филология фанлари
кандидати

Лев Толстой [котиби В. Булгаков хотирлашича] айтар эканки, ёзувчида икки хил одат яширинган бўлади. Улардан бири ёзади, иккинчиси танқид қилади. Тун пайтида шу танқидчи ухлаган бўлади.

Шу боисдан ҳам Лев Толстой фақат тонгда ёки кундузи ижод қилишга ёшлигидан одатланган.



АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ЖОМИЙГА ТАТАББУЪЛАРИ

Шарқ адабиёти тарихининг тадқиқотчилари татаббуъ ёки назира тушунчалари моҳиятини баъзан тўла тушунмай туриб, турли маънода талқин этиб келадилар.

Кўп ҳолларда бу терминга оддий талқин сифатида қаралгани учун бу адабий ҳодисанинг туғилиши, айрим адабиётлардаги ривожланиш йўллари, адабиётларни бир-бирига яқинлаштириш ва бирлаштиришдаги роли, жаҳон адабий жараёни тараққиётига таъсири каби масалаларни ҳар тарафлама таҳлил қилишга етарли эътибор берилмайди.

Бизнингча, татаббуъ ёки назирага шунчаки эргашиб, оддий тақлид эмас, балки ўзига хос мураккаб санъат сифатида қаралиши керак.

Бу соҳадаги тадқиқотлар учун форс-тожик ёки ўзбек классик шоирларининг ижоди кўплаб материаллар беради. Айниқса, Алишер Навоийнинг Фоний тахаллуси билан форс тилида ёзган ғазаллари бу борада қизиқарли тадқиқот манбаи бўлиши мумкин.

Фонийнинг татаббуъ тарзида ёзилган ҳар бир шеъри мустақил, оригинал асар ҳисобланади. Шу билан бирга у ўзи учун тимсол (прототип) бўлган маълум ғазалга хос бўёқлар ва белгиларга ҳам эга. Фоний Жомий ғазалларига хос барча воситаларни тўла сақлаб қолади.

Шуни айтиш керакки, адабий ҳаётда татаббуъ турли даврда ва турли жойда яшаган шоирлар томонидан чуқур ижтимоий, фалсафий фикрларни илгари сурувчи, нафис бадий шаклда катта маҳорат билан ёзилган асарларгагина боғланган. Татаббуъ асрлар оша ажойиб адабий мусобақа вазифасини ўтаб келган.

Урта ва Яқин Шарқдаги мавжуд татаббуъчилик анъанаси юксак шеърият гавҳарларини асраш, бадий синтезга интилиш воситасига айланган ва маълум халқнинг ижод соҳасида эришган ютуқларини намойиш этган.

Рудакийнинг:

**Мўлийёнинг ҳиди бу ёнга келур,
Ёр ёдида дил фиғонга келур,—**

деб бошланадиган машҳур ғазалига жуда кўплаб татаббуълар битилган. Бу шеърга Амир Муъизий (XII аср), Адиб Собир Термизий (XII аср), Сайфи Фарғоний (XII аср), Жалолиддин Румий (XIII аср), Шерозий (XIII аср), Лутф Алибек Озар (XVIII аср), Суруш Исфажоний (IX аср), ҳинд шоири Шабли Нуъмоний (XX аср), тожик совет шоири Пайрав Сулаймонийлар жавоб ёзганлари маълум.

Бундай фактлар татаббуъ санъати халқнинг поэтик жавоҳирларини йиғиб, уларни тарғиб этиш ва авлоддан авлодга етказиш ҳамда янги бадий юксакликларни забт этишда маҳорат мактаби бўлиб келганлигини яққол кўрсатади.

«Яна бу фақирнинг пири ва устози... Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг руҳпарвар латоийфи ва руҳ ҳирқатда лаъли оташиндин барқ кирдорроқ. Барчасига кўп қатла ўтубмен, балки кўпин ёд тугубмен ва қасойид ва ғазалиётларининг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғарибрўқ ва латифроқларига татаббуъ дағи қилибмен»— деб ёзган эди Алишер Навоий.

У аввало ғазал бобида татаббуъ мактабини ўтди ва буюк ғазал устодлари қаторига кўтарилди олди:

**Ғазал тарзига аввал айлаб ситез,
Жаҳон ичра солдим улуғ рустахез**

дейди у «Садди Искандарий» дostonида.

Унинг ғазалўйлиги ҳам татаббуъ мактабида камол топган. Унинг бу соҳадаги устодлари сирасида Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий ва Абдураҳмон Жомийлар муҳим ўринни эгаллаганлар.

Шуниг учун ҳам Навоий — Фонийнинг Абдураҳмон Жомий ғазалларига қилган татаббуълари муқоясаси қизиқарли. Масалан, Фоний — Навоийнинг қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазалини олайлик:

Ман, ки дорам аз мижа дийда чадин хорро,
Жумла дар чашмем, нарубам гар дари хамморро.
Майфуруш ар лутф нанмояд, харифон, чора нист,
Бахри май важхи каму махмури бисёрро.

Мазмуни:

Менинг кўзимда киприкдан бир қанча тиканлар бор,
агар улар билан майфуруш эшигини супурмасам, барчаси
кўзимга қадалсин.

Эй дўстлар, майфуруш агар лутфу марҳамат қилмаса,
чорамиз йўқ, (чунки) пул каму ҳуморгарчилик кўпдир...

Бу ғазал Жомийнинг қуйидаги ғазалига татаббуъдир:

Ё раб, инсофи бидеҳ ин шайхи даъвидорро,
То ба хори нангарад риндони дурди хорро,
Шайхро озори аҳли дил тасаввур қарда аст,
Зон гирифта пиша ихуд шиван озорро...

Мазмуни:

Ё раббим, бу даъвогар шайхга ўзинг инсоф бер, токи май қўйқасини ичувчи
риндларга паст назар ила қарамасин. Шайхни дил аҳли озори деб тасаввур этадилар
ва шунинг учун озор бериш шевасига машғул бўладилар.

Жомийнинг девонида бу ғазалга прототип бўладиган учта ғазал мавжуд. Улар-
нинг ҳаммаси Фоний ғазали билан шаклдош, вазнлари ҳам бир — рамали мусаммани
маҳзуф — фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун. Қофия — «ор» бўлиб у «ро» кў-
шимчаси билан келган.

Юқоридаги ғазалларни қуйидагича таҳлил қиламиз:

1. Ҳар икки ғазал ҳам орифона ғазаллар, аммо улар ғоявий жиҳатдан бир-
биридан фарқ қилади.

2. Жомий ғазалида тасаввуфнинг шарият, тариқат, ҳақиқат сингари амалий ва
назарий жиҳатиға кўпроқ эътибор қилинган. Навоийда бўлса кўпроқ риндлик қуйла-
нади: унинг қаҳрамони вақтини хушчақчақликда ўтказиши, шароб нўш этади, шайхни
риёкорлиги учун танқид этади, риндларнинг саховатини мадҳ қилади. Шу билан
бирга тавба қилади ва ҳаётнинг бир текисда эмаслигидан фиғон чекади. Демак, Жо-
мий тасаввуф таълимотига амал қилишни, тариқат йўлидан боришни қатъий талаб қи-
лади, бу ўз вақтида Фаридиддин Аттор дунёқарошида акс этган эди. Навоий мавзуга
риоя қилади, аммо «риндлик» ғояларини олға суради.

3. Ҳақиқатга етишиш воситаси Жомийда тариқат йўлидан оғишмай бориш, Фо-
нийда ичиш, хурсандчилик қилиш (3—5-байт), риндона кайфият (5-байт).

4. Истихотлар ҳам, Жомийда асосан тасаввуф маъносига қўлланилган, Навоийда
эса фақат сўфиёна эмас, балки дунёвий мазмун ҳам бор.

5. Тарбиявий аҳамияти: Жомийда соф сўфиёна ғоя, даъват ва ҳатто таҳдид ҳам
бор (4, 7-байтлар). Навоийда дунёвий ишларга қақирқ (8—9-байтлар). Айниқса,
9-байтда Фоний такаббурликни танқид қилади, ўз орзуларига камтарона меҳнат би-
лан етишишга даъват этади.

6. Жомийда сўфиёна таълимотни, тасаввуф арбоблари ва уларнинг қарашларини
танқид қилиш йўқ. Навоий бўлса руҳонийлар, шайхларни, уларнинг риёкорлигини
юзакки эмас, балки моҳиятини танқид қилади.

7. Дунё сирини кашф этиш Жомийда шарият ва тариқат орқали юзага чиқади.
Фақат шугина сир-асрорнинг калити бўлиши мумкин.

Навоийда эса жаҳон асрорини англаш, билишнинг иложи йўқ. Бу ерда Фоний
Ибн Сино, Хайём, Ҳофизлар йўлидан боради. Ибн Сино ва Хайём рубоийларини эсга
олайлик.

Ибн Сино:

Дил бу чўл ичинда қанча чопмади,
Қирққа бўлинди-ю, бир қил топмади.
Кўнглимда минг қуёш нур сочди, лекин
Камолга заррача ҳам йўл топмади.

Умар Хайём:

Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларин,
Алжираб, валжираб юмдилар кўзни.

Ҳофизда бу фикр бир байтда ифодаланган:

Гапир чолғувчидан, майдан, жаҳон сиррини кам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони.

8. Тасаввуфнинг асосий талабларидан бири — бу, ўзликдан кечиш Жомийда
одам шарият ва тариқат орқали ўзлигидан воз кечиши, инсонлигини унутиши, кадр-
қимматини барҳам этиши лозим, деган маъно ўқтирилади. Фонийдаги мағрурлик ва
ўзликдан воз кечишни тасаввуф маъносига ҳам, дунёвий маънода ҳам тушуниш мум-
кин. Навоийда Аттор ҳақида гап йўқ, Жомий эса уни мутлақ поклик намунаси дара-
жасига кўтаради.

Қиёсларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, Фонийнинг жавоб ғазали Жомий ғазали вазнида ёзилган бўлса ҳам Фоний ғазали мазмун эътибори билан Жомийникидан катта фарқ қилади. Фоний мисраларида янги интонация, янги оҳанг мавжуд, истилоҳ ва иборалар ҳам риндона ранг олгандир.

Фоний ғазалларини Ҳофиз, Ҳусрав Дехлавий ва Жомий ғазаллари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали шоирнинг ўз олдига қандай ғоявий-бадий вазифалар қўйганини яққол кўрсатади.

Умуман, Фонийнинг жавоб ғазаллари икки кўринишда воқе бўлади. Биринчиси татаббуъ, (яъни издошлик), иккинчиси эса «тавр» (яъни йўлидан бориш)дир. Татаббуъ ёзилганда, қоидага мувофиқ, ғазал учун маълум асар асос қилиб олинса, «тавр»да бу усул айнан қўлланмайди.

Фоний татаббуълари, икки ёқлама характерга эга: бир томондан, улар оригинал асардай ўқилади, муаллиф маҳоратини кўрсатиб туради, иккинчи ёқдан, матн замирида таянч материал бўлган салафнинг асари руҳини ҳам ҳис қилинади, натижада ғазалнинг барча деталлари икки ёқлама характерга эга бўлиб, уларга икки хил нуқтаи назар билан ёндашиш мумкин. Лекин иккинчи нуқтаи назар муҳим бир шарт-шароитга прототипнинг қанчалик машҳурлигига боғлиқ. Агар жавоб айтилган ғазал китобхонлар орасида маълум ва манзур бўлса, иккинчи план кўзга ёрқинроқ ташланади, ўқувчилар диққатини ўзига тортади. Фоний — Навоийнинг «Тухфатул-афкор»и шундай асарлардандир, у Дехлавий ва Жомийнинг қасидаларига жавобан ёзилган. Бунда китобхон диққатини прототип ҳам ва унга жавобан ёзилган мазкур асар ҳам ўзига жалб қилади ва жавобиянинг олдингига нисбатан янглиги, тозалиги алоҳида кадрланади. Агар прототип унчалик машҳур бўлмаса ёки умуман кам эътиборли бўлса, татаббуънинг «иккинчи план»и ҳам яширин бўлади. Бундай пайтда татаббуъ бутунлай янги асар сифатида қабул қилиниши мумкин. Фоний татаббуъларининг бир қанчаси, гарчи прототипи машҳур бўлмаса ҳам, ўқувчи эътиборига сазовордир. Агар авторнинг ўзи ҳалоллик билан сарлавҳада ғазалнинг кимга жавобан ёзилганини кўрсатмаганда, уларни татаббуъ дейиш китобхон хаёлига келмайди.

Алишер Навоий устози эришган ютуқлар изидан бориб, чинакам инсоний ҳиссиётларни куйловчи лирик ғазаллар ҳамда ёшлик йилларида ўзи меҳр қўйган сўфиёна фалсафий таълимотларни акс эттирган асарлар яратди. Бу асарларда Навоий Жомийнинг қарашлари ва образларини ривожлантиради, унинг ғазалларига исёнкорона руҳ бағишлайди. Гарчи Фоний Жомий изидан борса-да, кўп ҳолларда уни инкор этади. Жомийнинг инсонпарварлик қарашларини илгари сурар экан, уни Ҳофиз руҳи билан бойитади. Фоний ғазалларида Жомийнинг илғор фикрлари янада юксак парвозлар учун қанот боғлайди. Гёте сўзлари билан айтганда, Жомий ижодининг ҳаётбахш булоқлари Фоний шеърятини бўстонини сугоради.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»га кирган асарлари, хусусан Жомийга тақлидан ёзилган ғазаллари турли мавзуларга бағишланган бўлиб, уларда ўз даврининг илғор инсонпарвар қарашлари акс эттирилган. Шоир Рудакий ва Фирдавсий, Ҳофиз ва Хайём, Саъдий ва Жомийнинг ҳаётбахш аънаналарини давом эттириб, инсонни улуглайди. Уларнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари, айниқса, «Тухфатул-афкор» қасида-сида тўла ва яхлит ҳолда ифодаланган. Навоий унда меҳнат кишиларини — ҳунарманд ва деҳқонларни улуглайди, оз бўлса-да, ўз меҳнати билан топганига қаноат қилувчи кишиларнинг олижаноблиги, камтарлигини алоҳида таъкидлайди.

Бу асарлар катта маҳорат билан ёзилган. Фоний камёб бадий кашфиётлар, шоирона рамзлар яратади, айниқса «ийхом»— шеърый топишмоқ санъатининг ажойиб намуналарини ижод қилади. Масалан:

**Шоҳ, ки ёд аз марг народ з-уст вайрони мулк,
Ҳусрави беоқибат ҳусри билоди кишвар аст.**

Мазмуни:

**Улимни ўйламаган шохдан мулкка вайроналик етишади,
Охири йўқ Ҳусрав мамлакат вайроналиги бўлиб қолади.**

Араб имлосига кўра, Ҳусрав сўзидан «в» ҳарфи тушиб қолса, у «хуср», яъни вайронага айланади. Шоир шунга ишора қилган ҳолда образ яратмоқда.

Май образини ҳам Фоний классик поэзия аънаналарига кўра турли маъноларда талқин этади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзади:

**Румузи нашъа май, эй ки, даркамеёби,
Кунун, ки жоми моят медиҳам ба каф дарёб.**

Мазмуни:

**Эй, май нашъаси рамзини тополмаган киши,
Бугун бир жом май берай, рамзини топиб ол.**

Фоний ғазалларида ишқий-лирик мавзу катта ўрин тутади. У қалбини муҳаббат забт этганини эътироф этади.

Шоир муҳаббатни диний, ирқий, мол-дунёга доир фарқларни тан олмайдиган бирдан-бир энг тоза, энг буюк туйғу деб ҳисоблайди. У ишқий-лирик ғазалларида ўзининг ижтимоий қарашларини илгари суради, эксплуататор синф вакилларини, расмий динни танқид қилади. Шайхлар, руҳонийларнинг мунофиқликларини фош қилувчи мисралао тез-тез учраб туради. Шоир уларга риндларни қарама-қарши қўяди. Бундай мулоҳазалар охир-оқибатда Фонийни замонни ўзгартириш керак, одамларни қайтадан яратиш лозим деб фикрлашгача олиб боради:

Оламе хоҳам, ке навбад мардуми олам дар у,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар у.

Мазмуни:

Бу олам кишилари бўлмаган бир дунёни истайман,
Унда бу олам кишилари жафосининг ғами бўлмасин.

Бу ғазал ҳаётбахш мазмунга тўла байт билан якунланади:

Фониё, дар вазъи гардун пур макун андеша з-анк,
Нуктае навбад ке, навбад бар хирад мубҳам дар у.

Мазмуни:

О, Фоний, гардун вазияти ҳақида кўп ўйлайверма,
Унда ақл ечолмайдиган нуқта йўқдир.

Агар Жомийнинг лирик қаҳрамони — ошиқ аксари рақибга қарши қўйиб тасвирланса, Фонийда у шайхлар, зоҳидлар, руҳонийларга қарши қўйилади. Ҳар икки шоир ҳам изланувчи, новатор санъаткор сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Фақат Жомий тасдиқлаш йўлидан, Фоний эса танқид ва инкор йўлидан боради.

Навойи шеърӣ услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири ақл билан ҳиссиётнинг уйғунлигида намоён бўлади. Бу ҳол шоирнинг реалистик тасвир йўлидан борганини кўрсатади. Шарқ адабиётида ижодий метод масалаларини тадқиқ этган олим Абдуқодир Ҳайитметов тўғри қайд этганидек, бу тасвир тўла маънодаги реалистик метод тушунчасига мос келмайди, балки реалистик услуб тарзида воқе бўлади.

Навойининг форсий ғазаллари XV аср ғазалчилигида муайян ўрин эгаллайди. У форс поэзиясида ўзига хос услуб, ўзига хос мактаб яратдики, кейинги жуда кўп шоирлар унинг кучли таъсири остида ижод этганлар.

Буюк шоирнинг Жомий ғазалларига татаббуълари адабий ҳамкорлик ва ижодий дўстликнинг ажойиб ёдгорлиги сифатида ҳам катта қимматга эга.

Алишер ШОМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари кандидати



АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ШАЖАРАСИ

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий мероси ва ҳаёт йўли кенг ўрганилган бўлса-да, уни вояга етказган оилавий муҳит ва қариндош-уруғлари ҳақида кам гапирилади. Алишер Навоий ўз асарларида беш юздан ошиқроқ замондошларининг номини қайд этган. Шоир тилга олган XV асрнинг кўпдан-кўп намоёндалари асосан шоирлар, илм-фан, маданият ва давлат арбобларидир. Лекин, улуғ шоир асарларида, шунингдек, тарихий манбаларда унинг қариндош-уруғлари ҳақида ҳеч бир манбада тилга олинмаганлиги кишини ғоят афсуслантиради. Шоирнинг отаси ҳақида маълум фикрлар ҳам етарли даражада мукаммал эмас.

Алишер Навоийнинг қариндош-уруғлари, авлод-аждоди тўғрисидаги маълумотларни биринчи навбатда ўзининг ижодидан излаш ва ахтариш маъқул бўлади. Бу жиҳатдан, айниқса «Мажолисун-нафоис», «Муншаот», «Садди Искандарий» каби асарлари қимматли аҳамиятга эга. Бундан ташқари, шоирнинг биографи Хондамир, унинг кичик замондошларидан Зайниддин Восифий, Абдулмўминхон асарларида ҳам Алишер Навоий хонадонига оид баъзи маълумотлар учрайди. Уларни жамлаш ва ўрганиб чиқиш, шубҳасиз, улуғ шоир ҳаёти саҳифаларини тўлдиришга, буюк сўз санъаткорини етиштириб берган оилавий муҳит тўғрисидаги тасаввурнинг тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

Алишер Навоийнинг яқин қариндошларидан кўпчилиги бадий ижодда, ғоявий-сиёсий қарашларда шоир позициясида турганлар. Бу эса улар тақдирида муҳим роль ўйнаган.

Хондамирнинг «Мақоримул ахлоқ» асарида Шайх Бахлулбек — Алишер Навоийнинг «улуғ биродари», яъни катта акаси деб кўрсатилади. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Шайх Бахлулбекни «фақирнинг (Алишер Навоийнинг) отаси» деб тилга олади. Амир Низомиддин Шайх Бахлулбекни латифалар ва бадий асарларда Алишер Навоийнинг мулозими сифатида тасвир этиладиган Мавлоно Бахлулдан фарқлаш керак.

Мавлоно Бахлул ҳам тарихий шахс. Унинг ҳақида «Мажолисун-нафоис»нинг тўртинчи мажлисида «таби шева, толиби илм йигитдур» дейилади ва шеърлар ҳам ёзганлиги алоҳида таъкидланади. Кўриняптики, Мавлоно Бахлул ёш жиҳатдан ҳам Амир Низомиддин Шайх Бахлулбекдан анча кичик бўлган.

Алишер Навоийнинг акаси Амир Низомиддин (Алишер Навоий ҳам шоҳона фармонларда Амир Низомиддин Алишер деб аталган, бинобарин, бу мартаба оилавий бўлган) Бахлулбек номига одатда «шайх» нисбаси қўшиб айтилган. Шайх Бахлул-

бек ҳақида «Мажолисун-нафоис»нинг бешинчи мажлисида сўз юритилади. Унда Шайх Бахлулбекнинг «Султон Соҳибқирон (Хусайн Бойқаро) давлатидан, Хоразм тахтида ҳукумат қилиб, аморат девониде муҳр босганлиги», кейинги пайтларда, чамаси, «Мажолисун-нафоис» иккинчи марта қайта ишланган 1497—98 йилларга келиб, давлат ишларидан четлашиб, «ғўша ихтиёр» (истеъфо) қилганлиги айтилади.

Афтидан, Шайх Бахлулбек Хусайн Бойқаро тахтга чиққан дастлабки йиллардан (1469) бошлаб Хоразмда бўлган ва ҳокимият ишларига аралашган кўринади. Шу боисдан ҳам у пойтахт — Ҳиротдан узоқда яшаган бу эса унинг XV аср тарихий-адабий манбаларига кирмай қолишига сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Амир Низомиддин Шайх Бахлулбек адабий ҳаётга аралашмаган, шеърят билан шуғулланмаган.

Шайх Бахлулбекнинг ўғли Амир Камолиддин Султон Хусайн эса ўз даврининг яхшигина шоирларидан бири бўлиб етишади. Амир Камолиддин Хусайн «Хотамий» тахаллуси билан ижод қилган. «Мажолисун-нафоис»да Хотамий ғазалларидан намуна сифатида қуйидаги матлаъ келтирилади:

**Маро бисъёр мушкул менамоёд фурқати жонон,
Видои жони ширин хаст душвор, эй мусулмонон.**

Таржимаси:

**Жонондан айрилиш гоят мушкул кўринади,
Ширин жон билан хайрлашиш осонмас, мусулмонлар.**

«Макоримул ахлоқ» муаллифи Хондамир ўз асариде Амир Камолиддин Султон Хусайннинг Алишер Навоий вафот этганда, бир таърих ёзганлигини қайд қилади:

**Он мағфиратпаноҳки рафт аз фанойи хок,
Фи равзатин муқаддастин тоба ҳолуқу;
Чун ёфт ин камол зи хайрот дар ҳаёт,
Таърихи фавт гашт «ҳайрун камолуқу».**

Таржимаси:

**Маърифат эгаси ер фазосидан кетгач,
Муқаддас жаннатда ҳоли яхши бўлади.
Тирикликда ҳайратли ишлар билан камолотга етганидан
Вафоти таърифи «ҳайрон камолуқу» бўлди.**

Амир Камолиддин Султон Хусайннинг Мир Иброҳим исми ўғли бўлган. Унинг номи ҳам «Мажолисун-нафоис»да зикр этилади. Алишер Навоий Мир Иброҳим ҳақида «Султон Хусайннинг ўғлидур ва фақирнинг (Алишер Навоийнинг) оғасининг (акасининг, яъни Шайх Бахлулбекнинг, таъкидлар бизники — П. Р.) набирасидур. Фақир они ўғилчадай асрабмен», деб ёзади.

Улуғ шоирга ўз ўғлидек бўлган (Хондамир Мир Иброҳимнинг отаси Султон Хусайнни ҳам Алишер Навоийга фарзанд ўрнида эди, деб кўрсатган), унинг қаноти остида тарбия топган Мир Иброҳим ҳам шеърлар ёзган. Алишер Навоий унинг «Шохим» ва «Моҳим» отига боғлаган муаммосини қониқиш билан тилга олади.

Агар Алишер Навоийнинг муаммо бобида ниҳоятда хассос ва талабчан бўлганлигини эътиборга олсак, Мир Иброҳимнинг бу жанрдаги салоҳияти етарли бўлганлиги англашилади.

Улуғ шоир хонадонининг яна бир вакили феъл-атвори билан ўжар ва исёнкор, доворак Дарвеш Алибек кўкалтошдир. Дарвеш Алибек Алишер Навоийнинг туғишган укаси, унинг номига «китобдор», «кўкалтош» нисбалари кўшиб айтилган. Одатда, «кўкалтош» таъбири Алишер Навоийнинг тоғаларига нисбатан қўлланган. Темурийларга яқин, ичкилик хизматини кўрсатадиган «кўкалтош»лик мартабаси аввал бошдан шоирнинг она авлодига дахлдордир.

Дарвеш Алибек ҳақида уни жуда яқиндан биледиган, шахсан таниган, ҳатто, сўнграқ уни ўз хизматиға олган Заҳириддин Муҳаммад Бобир шундай дейди:

«Яна Дарвеш Алибек эди. Алишербекнинг туққан иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балхда яхши бекликлар қилди» (Бобир. Бобирнома, Тошкент, 1960, 235-бет).

Дарвеш Алибек кўп йиллар акасининг кутубхонасида доруғалик қилган, 1482 йилга келиб, у Балх ҳокими (аниқроғи, Балхни Хусайн Бойқаронинг ўғли Иброҳим Хусайн номидан бошқарган) даражасига кўтарилган. «Муншаот»га киритилган ва мазмунидан шу йилларда Алишер Навоий томонидан ёзилган бир мактубда «Дарвеш Алибек хизмати била бизнинг хизматимиз орасида тафовут йўқтур» дейилади. Ака-уканиннг ижтимоий-сиёсий қарашлари яқинлигини бу сўзлар шарҳсиз ҳам кўрсатиб турибди.

Минг афсуски, буюк санъаткор ўзининг қариндош-уруғлари таърифида ниҳоятда хассослик, андиша билан сўз юртади. Ҳатто ўз дўсти, вазир ва шоир, самарқандлик Шайхимбек Суҳайлийни ортиққа мақтаб юборишдан тортиниб, «мундин ортуқ таърифин қилилса, ўзумни таъриф қилгондек бўлурдин кўрқуб, ихтисор қилилди» деб ёзади. Дўсти ҳақида шу тахлит камтарона сўзлаган шоир, қариндош-уруғлари ҳақида қанчалик ибo билан фикр юритганлигини тушуниш қийин эмас.

Алишер Навоийнинг Дарвеш Алибек ҳақида ёзганларига эътибор берилса, шоирнинг ўз укасини нақадар авайлагани, унинг тақдирига қаттиқ қайғурганлиги англашилиб туради. «Садди Искандарий» дostonи хотимасида Дарвеш Алибекка муурожаат этиб ёзилган қуйидаги мисралар бу жиҳатдан характерлидир:

**Аё, гавҳарим конининг гавҳари,
Мунир ахтарим буржининг ахтари.
Неча авжи ҳашмат уза фош сен,
Манга нисбат ичра қариндошсен...
Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навойӣ ёмон бўлса сен яхши бўл.**

Маълумки, бу сатрлар ёзилган пайтда Алишер Навоӣ давлат ишларидан кетган ва кўнглининг тубида шоҳ девонида борган сари авж олаётган адолатсизликлардан шикасталик сезиларди. Бундан ташқари, бу йилларда Алишер Навоӣга қарши Мажиддин Муҳаммад бошиқ бадқирдор амалдорлар хуружи ниҳоятда авж олганди. Айтиш керакки, Хусайн Бойқаронинг шоирга бўлган муносабатларида ҳам ўзгаришлар юз берган эди. Шунинг учун ҳам, Алишер Навоӣ укаси Дарвеш Алибекка насиҳат қилар экан, унинг қалтис сиёсий вазиятда Балхда ҳокимлик қилаётганлигини, бинобарин, шоҳнинг айтганларини оғишмай бажариш, шу билан бирга элга адолат қилишни унутмасликини алоҳида таъкидлайди. Табиийки, бу йилларда Алишер Навоӣ ёзган ҳамма асарлар қатори «Хамса» ҳам Хусайн Бойқаронинг назаридан ўтказилган. Шоир мана шуни кўзда тутиб, шеър зуваласига киноя йўғириқ «Навойӣ ёмон бўлса...» деган иборани атайин ишлатган кўринади.

XVI аср бошларида бениҳоя кучайиб кетган тожу тахт курашлари оқибатида маданий ва адабий ҳаётда парокандалик вужудга келади. Ҳиротнинг тарқалиб кетган фузаларо шуароси қаторида Дарвеш Алибек ҳам бўлиб, у бу ерда бошқа туриш имконияти қолмагач, Заҳириддин Муҳаммад Бобир хузурига йўл олади. Дарвеш Алибек Заҳириддин Муҳаммад Бобир билан 1506—1507 йиллар оралиғида, у Хусайн Бойқаронинг таклифи билан Ҳиротга келган пайтда танишган бўлса керак. Шайбонийга қарши бирлашиб урушмоқ ниятида бўлган Хусайн Бойқаро Кобулдан Бобир етиб келгунча оламдан ўтади. Бобир Ҳиротда йигирма кундан ошиқроқ яшайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

«...Аввал менга Боғи Навда юрт тайин қилиб эдилар. Тонгласи келиб Боғи Навда туштум. Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳири (Ҳирот)дин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим. Йигирма кунким, Ҳирида эдим». (Бобир. Бобирнома. Тошкент, 1960, 252, 254-бетлар).

Бундан маълумки, Алишер Навоӣ яшаган уй унинг вафотидан сўнг ҳам гавжум бўлган, олиқ мартабали меҳмонлар шу ерда кутилган. Дарвеш Алибек уйнинг соҳиби ва буюк шоирнинг вориси сифатида Бобир билан дўстона муносабатлар боғлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Дарвеш Алибекнинг кейинги ҳаёти қандай кечганлигини Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг қуйидаги сўзлари кўрсатади:

«Тарих тўққуз юз ўн олтида (1511 йилда) мен (яъни, Бобир) Қундуз келганда, менинг қошимга келиб эди, масх (қиёфаси ўзгарган, хунук) ва мабхут (паршон — таъкидлар бизники — П. Р.) эди» («Бобирнома», 235-бет).

Юқорида таъкидлаганимиздек, Дарвеш Алибек Бобир хузурига маълум ҳурматга лойиқ кўрилган, чунки, «Бобирнома»нинг яна бир жойида қуйидаги қайд келтирилади: «тарих тўққуз юз ўн еттида (1512 йилда) мен Самарқандни олғонда, Муҳаммад Валибек ва Дарвеш Али китобдор менинг қошимда эдилар» (Шу асар, 236-бет). Шу тариқа, Дарвеш Алибек ҳам тақдир сўқмоқлари орқали бир пайтлар Алишер Навоӣ яшаган Самарқанд шаҳрига келади. Афсуски, Бобирнинг мана шу сўнги маълумоти билан Дарвеш Алибек ҳақидаги гаплар тугаб қолади.

«Бобирнома»нинг 1525 йил воқеалари ҳикоя қилинган саҳифаларида Бобир Кобулдан ўғли Ҳиндолнинг туғилиш хабарини Дарвеш Али деган келтирганлигини ёзади. Бу шахснинг Навоӣнинг укаси Дарвеш Алибек эканлигига ишониш қийин. Чунки, Дарвеш Али Алишер Навоӣдан унча кичик бўлмаган, буни Хондамир ҳам уқтириб, «тенггури» (яъни, нари борса бир-икки ёш кичик) деб кўрсатиб ўтади. Шундай экан, 1525 йилларга келиб Дарвеш Алибек жуда қартайиб қолган бўлиб, чопарлик хизматига яраши мумкин эмас эди. Ҳарҳолда Дарвеш Алибек XVI асрнинг бошларида пароканда бўлган Ҳиротнинг кўпгина фозил кишилари қатори Бобир даргоҳида маълум муддат бошпана топган.

Навоӣшуносликда шоирнинг она томондан бобоси, Хусайн Бойқаро даврида Қандаҳорда бош амир бўлган Мусаид Чанг ва унинг икки ўғли Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳақида етарли даражада гапирилган. Бу ўринда фақат шуни таъкидлаш жоизки, Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар Алишер Навоӣнинг бўлак қариндошларидан фарқли равишда асосан туркий тилда рангин шеърлар битганлар.

«Мажолисун-нафоис»да бу икки тоғаси ҳақида гапирар экан, Алишер Навоӣ улар ижодидоғи ана шу хусусиятга алоҳида аҳамият берган:

«Мир Саид — эл орасида «Кобулий» лақаби била машҳурдир. Фақирга (Алишер Навоӣга — П. Р.) тағойи бўлур. Яхши таъби бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди. Бу туюқ анингдурким:

**Эй муҳиблар, егсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқинда хумори ёзасиз.
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,
«Қуштан бир шўх эрур», деб ёзасиз.**

Шунингдек, Муҳаммад Али ҳам ўз замонасининг етук кишиларидан бири бўлганлигини қуйидаги сўзлардан англаш қийин эмас:

«Муҳаммад Али — Ғарибий» тахаллус қилур эрди. Ул ҳам фақирга тағойи бўлур эрди. Мир Саид Кобулийнинг инисидур... Бу туркча матлаъ анингдурким:

**Дарди ҳолимдин агар ғофил, агар огоҳ эсанг,
Ҳеч ғамим йўқ сен манга гар дилбару дилхоҳ эсанг.»**

Уз даврининг пешқадам шоирлари бўлган Кобулий ва Ғарибийлар сиёсий ҳаётга фаол аралашадилар. Ҳусайн Бойқаро тарафида туриб, мустабид Абусаидга қарши кураш олиб борадилар. Кобулий 1461 йилда Сарахсад ўлимга ҳукм этилган бўлса, Ғарибий Самарқандда қолишни ихтиёр этганда, ақасининг қотили — Абусаид томонидан қатл этилади. Демак, Алишер Навоий хонадонининг Самарқанд билан боғлиқлиги анча чуқур илдизларга эга бўлган.

Мир Саид Кобулийнинг ўғли Мир Ҳайдар Сайид Ака ҳақида илмий ва бадиий адабиётда етарли фикрлар айтилган. Мир Ҳайдар улуғ шоирнинг энг сеvimли қариндошларидан бири (тоғавачча) бўлган, бу борада улуғ шоирнинг ўзи «бу фақирга шиддати қаробатдин (яқин қариндошлик) фарзандлик нисбати бор» дейди. Мир Ҳайдар «Сабухий» тахаллуси билан шеърлар ёзади. Унинг «табъи шеър ва муаммо ва сойир (бошқа) фазлиётда мулоийм» эканлигини эса Алишер Навоий алоҳида қайд этади.

Мир Ҳайдар ҳақидаги маълум гапларни такрор қилмаслик учун, бу хусусда «Муншаот»да берилган ва Ҳайдар номи билан боғлиқ бир мактуб ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Алишер Навоий Астрободга келганда унинг ёнида Мир Ҳайдар, Хожа Дехдор сингари энг яқин кишилари бор эди. Академик В. В. Бартольд Алишер Навоий Астрободдан қайтгудек бўлса, ўз ўрнига Мир Ҳайдарни ҳоким қилиб қолдирмоқчи эди, деган фикрни айтади. Мана шу гапдан Ҳайдарнинг ўз даврида тугган мавқеи англашилади. Зеро, Алишер Навоийдек одам уни шундай лавозимга лойиқ кўрган эканки, Мир Ҳайдар замонасининг етук кишиларида бири бўлганлиги шубҳасиз. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам мана шуни кўзда тутиб, Мир Ҳайдарни «асрининг аҳли писанд қилурлар» деган эди.

Алишер Навоий таржимаи ҳолида Астробод билан боғлиқ воқеалар унчалик ойдин эмас. Масалан, бадиий адабиётда кўпинча шоирни заҳарлаш билан боғлиқ воқеалар машҳур бўлса-да, илмий манбаларда бу ҳақда аниқ гап учрамайди.

«Муншаот»да келтирилган хат шоирни заҳарлаш билан боғлиқ шов-шувларнинг (бу гап Ҳусайн Бойқаро қўлогига етиб, катта кўнгил қароликларга сабаб бўлади) маълум асоси бўлиб, унда тўғридан-тўғри Мир Ҳайдарнинг қўли борлигини тасдиқлагандек бўлади.

Кейинчалик «Мажолисун-нафоис» асарида Алишер Навоий Мир Ҳайдар ҳақида ёзар экан, унинг «жунун нашъасидан бебаҳра» қолмаганлигини айтади. Афтидан, Мир Ҳайдар Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишини тезлатиш учун барча чораларни кўрган. Бунда шоирнинг тез-тез касалланиб туриши, Ҳиротга қайтиш орзусида ўртаниши Ҳайдарни ташвишга солган бўлиши табиий. Шунингдек, Алишер Навоий мабодо Ҳиротга қайтгудек бўлса, Астробод ҳокимлигини олиш учун ҳам Мир Ҳайдар қалтис ишга қўл урган бўлиши мумкин.

Султон Ҳусайн Бойқарога яқин одамларнинг баковулни қўлга олиб, Алишер Навоий таомига заҳар солиш воқеаси шохнинг қўлогига ҳам бориб этади. Алишер Навоий билан шох ўртасида бу хусусда хат орқали фикр алмашиш давом этади. Ана шундай мактублардан бирида Алишер Навоий ёзади:

«Арзадошт улким, бу вақтда Ҳайдар кўкалтошнинг... тақсирларидан (хатоликларидан) шарманда ва кўргузган журмлари (жиноятлари) била сарафкандалиғ била саодат ахтаридек фалак фарсо даргоҳқа ва иқбол кавкабидек сипеҳр осо баргоҳқа (демак, Ҳусайн Бойқаро ҳузурига) юзланди. Хаёли буким, бошин эшикдаги қуллар оти аёғида ўйнағай ва муроди буким, жонин останадаги итлар олдида фидо қилғай. Умид улким, ниятига кўра илтифот назаридан баҳраманд ва азиматига кўра шафқат асаридан сарбаланд бўлғай. То абад карам мужримларга (айбдорларга) паноҳ ва шармандаларга узроғ бўлсун (таъкидлар бизники — П. Р.) (Алишер Навоий. Асарлар, 13-том, 124-бет).

Алишер Навоий қалтис гуноҳи азимга йўл қўйиб, шох олдида шарманда бўлган Мир Ҳайдарни шафқат сўраб ёзган хати билан бир қарра ўлимдан сақлаб қолади.

Мир Ҳайдар билан боғлиқ кейинги воқеалар шуни кўрсатадики, унинг гуноҳи тамоман кечирилмаган. Унга Астрободга қайтиб бориш ман этилади, 1488 йилда Мир Ҳайдар амалдорлик либосини қаландарлик кийимлари билан алмаштириб, Ҳиротдан ҳам чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Орадан ўн йил ўтгач, Мир Ҳайдар салтанатга хоинликда айбланиб, Ҳусайн Бойқаро томонидан дорга остирилади. Алишер Навоий Бобо Ҳокий деган жойда ваҳшиёна қатл этилган фарзандидек азиз Мир Ҳайдарнинг жасадини Ҳиротга олиб келиб, хурматини жойига қўйиб, дафн қилади. Мир Ҳайдарнинг қатл этилиши шоирга оғир зарба бўлиб тушади. Қолаверса, унинг хурмат билан дафн этилиши подшоҳ саройида хайрихоҳлик билан кутиб олинмаган, албатта.

Таниқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов «Ҳаётбахш чашма» номли асарида XVI асрга оид «Томут таворих» деган манбага асосланиб, Алишер Навоийнинг тоғаларидан бири Ҳасан Али Жалойирни кўрсатиб ўтади. «Томут таворих»да Ҳасан Али Жалойирнинг Алишер Навоийга қариндошлиги хусусида «мазкур амирнинг (Алишер Навоийнинг) тоғаси Ҳасан Али Жалойир (Навоий жасадини) ўз масжиди жомеси бурчагига кўрган мақбарага дафн этди». (Таъкидлар бизники — П. Р.) дейилади.

«Томут таворих»дан маълум бўляптики, Ҳасан Али Жалойир ҳам Шайх Бахлулбек ва унинг ўли Амир Камолиддин сингари шоирнинг дафн маросимини уюштиришда муҳим ўрин тутган, бу унинг Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги мавқеи Навоийнинг бошқа қариндошларига қараганда анча баланд бўлганлигини кўрсатади.

Дарвоқе, Жалойир ва унинг авлоди ҳақида Алишер Навоийнинг ўз асарларида ҳам маълумотлар учрайди. Жалойирларга Навоийнинг қариндошлиги ҳақидаги масаллага профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг биринчи бўлиб аниқлик киритганлигини айтиш лозим. Ҳақиқатда, «Томут таворих»даги ишора — Ҳасан Али Жалойирнинг Навоийга тоға эканлиги далили билан масаллага ёндашилса, улуғ шоирнинг ўзи бу ҳақда ёзганларидан ҳам ана шу яқинлиқни, қон-қардошлик муносабатини пайқаб олиш мумкин бўлади. Масалан, «Мажолисун-нафоис»нинг бешинчи мажлиси шоирнинг ўз авлоди, қариндош-уруғларидан чиққан шоирлар таърифидан бошланади. Худди мана шу ерда Ҳайдар Сабухий Ҳотамий, Мир Иброҳим каби Алишер Навоийга энг яқин қариндош бўлган кишилар ҳақида сўз юритилади. Улар билан ёнма-ён тарзда Мир Ҳусайн Али Жалойир ҳақида ҳам маълумот берилади. Бу бежиз эмас, албатта. Бироқ, Алишер Навоий жалойирлар ҳақида сўзлаганда (худди Дарвеш Алибек ҳақида бўлганидек), уларнинг ўзига қариндошлигини атайин тилга олмагандек кўринади. Табиийки, Алишер Навоий оилавий, қариндошлик муносабатларидан кўра, баъдий ижод масъулиятини биринчи ўринга қўйган, адабиётнинг ижтимоийлик хусусиятидан келиб чиқиб, шоирлар ижодини холис баҳолаган. Ўзига қариндош бўлган шоирлар фаолиятига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашган. Алишер Навоий бу мезонда ҳеч қачон истиснога йўл қўймаган.

«Мажолисун-нафоис»да жалойирлар ҳақида берилган таърифда Навоийга хос тўғри сўзлик билан бир қаторда, уларга бўлган қандайдир илиқ муносабат руҳи ҳам сезилади, чунончи:

«Мир Ҳусайн Али Жалойир — «Туфайлий» тахаллус қилур эрди. Али Жалойирнинг ўғлидурким, отаси Ёдгор Мирзо эшикида амирул умаро ва соҳиб ихтиёр эрди. Аммо ўзининг отасига нисбатан йўқтур (!!!). Фақиршева ва фонийваш ва бетакаллуф ва хуштабб йигиттур. Назмларга таъби мулоимдур. Аммо қасида услуби анинг ҳақидур. Андоқки, бу тоифа ҳам мусаллам тутарлар. Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) отига фарро қасойиди бор. Ул ҳазрат ҳам ани яхши тарбиятлар қилдилар. Андоқким, вилоят билди ва қўш девонида муҳр бости ва парвоначи бўлди ва тақарруб (яқинлашиш) ва наёбатқа (ўринбосарлик, ноиблик — таъкидлар бизники — П. Р.) даҳли бор эрди».

Алишер Навоий шундан сўнг Мир Ҳусайн Туфайлийнинг қандайдир хатога йўл қўйганлигини, шохлик томонидан шубҳа остига олинганлигини келтириб ўтади: «Фалакнинг андинким, фазл аҳлига ҳасади бор, бир тақсир (нуқсон, гуноҳ) била они даргоҳи фалак иштибоҳдин (гумон, шубҳа) йироқ солибдур».

Муҳими шундаки, йўл қўйилган хато учун Алишер Навоий Туфайлий номидан (!) унинг қаттиқ пушаймон эканлигини атайин тилга олади, бошқача айтганда, шохдан унинг гуноҳини ўтишни сўрайди: «Анинг (Туфайлийнинг) худ бу қайғудин кундуз қарори ва кеча уйқуси йўқтур. Умид улким, подшоҳона лутф ва қарам дастгири бўлғай».

Алишер Навоий Туфайлий шеърларидан намуна танлар экан, унинг қасидаларидан ўша пайтдаги руҳиясини акс эттирувчи сатрларни олади:

**Биҳамдиллаҳ, ки дигар раҳ бар иқболи шаҳи одил,
Бирун омад гулам аз хор у хор аз пою аз гил,—**

«Умид улким,— деб илова қилади Алишер Навоий,— бу матлаъ муносиби ҳоли бўлғай». Гап шундаки, Мир Ҳусайн Али Жалойир қачонлардир Ҳусайн Бойқарога атаб ёзган қасидада ўз бошига тушадиган фалокатни олдиндан ҳис қилгандек, «худого шукрки, одил шохнинг меҳрибончилиги билан яна бир йўла гулим тикандан, тикан оёғимдан, оёқ эса лойдан чиқди» (юқоридаги байтнинг таржимаси) деб ёзган эди. Алишер Навоий Туфайлий учун нозик ва қалтис бир вазиятда атайин шу сатрларни танлаган.

«Мажолисун-нафоис» подшоҳ назаридан ўтказилганда, Жалойир ҳақида куюнчалик билан ёзилган сатрлар эътибордан четда қолиши мумкин эмасди. Ҳақиқатда, Алишер Навоийнинг Туфайлийга ён босиши кўп ўтмай ўз натижасини берган кўринади. Алишер Навоий вафот этганда, Ҳасан (аслида Ҳусайн) Али Жалойир дафнни уюштиришда асосий роль ўйнайди. Бу — унинг аввалги мавқеини тиклаб олганлигини кўрсатади.

«Бобирнома» ҳам жалойирлар масаласига маълум аниқлик киритади. Унда «яна Ҳасан Али Жалойир эди, асли оти Ҳусайн Жалойирдир, вале Ҳасан Алига машҳурдир. ...Ҳасан Али Жалойир Султон Ҳусайн қошида қўшбеги эди, шоир эди, «Туфайлий» тахаллус қилур эди, қасидадан бисёр яхши айтур эди. Ўз замонида қасидада саромад эди. Тарих тўққуз юз ўн еттидаким, Самарқандни олдим (1512), менинг қошимга келди. Беш-олти менинг қошимда бўлди» дейилади.

Юқорида Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг Дарвеш Алибек ҳақидаги фикрини келтирган эдик. Дарвеш Али Ҳасан Али Жалойирнинг қизи Офоқ бекага уйланган. Бинобарин, қайнота ва куёв, тоға ва жиян бир вақтда Самарқандга, Бобир ҳузурига келганлар.

Ҳасан Али Жалойирнинг укаси Муҳаммад Али Жалойир ҳам шоир бўлган, «Нисорий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Фейъл-атворда у акаси Ҳасан Алига яқин турган. Алишер Навоий унинг бир матлаъсини «яхши воқе бўлубтур» дейди.

Алишер Навоий қариндош-уруғларидан яна бири Мавлоно Шох Алдир. «Ма-

жолисун-нафоис»да Мавлоно Шоҳ Алининг Алишер Навоийга тааллуқли, яқин кишиларидан эканлиги айтилади: «Мавлоно Шоҳ Али — фақирнинг (Алишер Навоийнинг) мадрасасида таҳсил қилур ва фақирга мутааллуқ (тааллуқли, яқин) элдиндур». Мавлоно Шоҳ Али ҳам шеърят билан шуғулланган. Тазкирада унинг «хон» отига ёзилган бир муаммоси келтирилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир кейинчалик Шоҳ Алининг Хусайн Бойқаро хизматига ўтганлигини, беқлик мартабасига эришганлигини айтади: «Яна Бобо Али эшик оға эди. Аввал Алишербек риоя қилиб эди, сўнгра мардоналиғидан мирзо (Хусайн Бойқаро) олиб, эшик оғаси қилиб беқлик мартабасига еткуруб эди».

Мавлоно Шоҳ Али — Бобо Алининг ўғли Юнус Али эса Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг яқин кишиларидан, сафдошларидан бири бўлиб етишади. Юнус Алининг шеърят билан қизиққан ёки қизиқмаганлиги маълум эмас, ҳа р ҳ о л д а, 1506—1507 йиллардан бошлаб Бобир хизматига бўлган Юнус Али бу йилларда «бек ва муқарраб (яқин дўст) ва ички» бўлганлиги аниқ.

Алишер Навоий қариндош-уруғлари ҳақидаги мулоҳазалар шуни кўрсатадики, шоирнинг илғор, ижодкор ва билимдон оилавий муҳити, шубҳасиз, унинг даҳо санъаткор бўлиб етишувида илк мактаб вазифасини ўтаган. Шу боисдан ҳам, Алишер Навоий кейинчалик «Вақфия» номли асарига ўз авлод-аждоди ҳақида ифтихор била қуйидаги сатрларни битган эди: «агарчи бу хоксорнинг (Алишер Навоийнинг) ота-бобоси ул ҳазратнинг (Хусайн Бойқаронинг) обо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар — улў маротибқа (мартабага) сазовор ва бийик маносибқа (мансаблар, амаллар — таъкид бизники — П. Р.) комгор бўлғон эрдилар» (Алишер Навоий. Асарлар, 13-том, 160-бет).

Алишер Навоийнинг юқорида номлари зикр этилган қариндош-уруғлари асосан унинг она авлоди шажарасидан. Шоирнинг ота авлоди ҳақида ҳозирча маълумотлар янада кам. Эҳтимол, бу ҳол «Томут таворих» муаллифи Абдулмўминхон кўрсатганидек, Алишер Навоийнинг отаси чиғатой улусидан, яъни Мовароуннаҳрдан эканлиги билан изоҳланар.

Бу хусусда Абдуқодир Ҳайитметовнинг қуйидаги фикрларини эслатиш зарурати туғилади. «Бизга Навоийнинг отаси ҳақида жуда кам нарса маълум. Билишимизча, унинг исми Ғиёсиддин бўлиб, у Ғиёсиддин Кичкина, Кичкина Баҳодир, Кичкина Бахши деган лақаблар билан машҳур бўлган. «Томут таворих» азгори уни «чиғатой» улусидан чиққан «Кичкина Бахши» («Кичкина Бахши аз улуси чиғатой») деб атайди. Шоирнинг отаси ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлиб («аз машоҳид буд»), уни Самарқандда ҳам яхши таниганлар. Шунинг учун ҳам Навоийнинг бошига қийин кунлар тушганда (1464 йил) унинг Самарқандга келиши бежиз эмас».

Демак, Алишер Навоий отасининг қариндош-уруғлари Мовароуннаҳрда яшганлар, буни фараз қилиш мумкин, шу сабабдан ҳам улар тарихи илмий манбаларга кирмай қолган бўлиши мумкин. Ёинки, улар сиёсий ва адабий ҳаётда унчалик катта мавқе тутмаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Биз улў шоирни вояга етказган оиланинг қариндошларидан бир қисми ҳақида асосан унинг ўз асарларидан келиб чиққан ҳолда мулоҳаза юритдик. Албатта жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган улў санъаткорни етиштирган улкан хонадонни ва унинг мукамал шажарасини тасаввур қилишда бу айрим қайдлар холос. Бу ҳақдаги асосий сўз ва тадқиқотлар ҳали олдинда. Забардаст навоийшуносларимиз масаланинг ана шу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор берадилар деб умид қиламиз.

Поён РАВШАНОВ,
филология фанлари кандидати.



Бойназар Йўлдошев,

филология фанлари кандидати.

«МЕНИНГ ОҒАМ РУС БЎЛУР...»

(Ғафур Ғулом ва рус адабиёти)

СССР халқлари адабиётининг йирик тадқиқотчиларидан бири К. Зелинский: «Янги поэзияда халқлар дўстлигининг энг ажойиб ифодаси Ғафур Ғулом ижоди ҳисобланади», деб қайд этган эди. Дарҳақиқат, Ленин мукофоти лауреати, академик шоир Ғафур Ғуломнинг бутун ижоди халқлар дўстлиги ғояси билан суғорилгандир. Шунинг учун ҳам атоқли ёзувчи ва жамоат арбоби Шароф Рашидов «Правда» газетасида эълон қилинган мақоласида: «Советлар диёридаги бутун кўп миллатли оиламиз Ғафур Ғуломни эътиқодли интернационалист, халқлар ленинча дўстлигининг жўшқин куйчиси деб билади», деб ёзган эди.

Ғафур Ғулом СССР халқлари адабиётининг тарғиботчиси сифатида 30-йиллардан бошлаб ёрқин фаолият кўрсата бошлади. Буни биз, айниқса, адибнинг рус халқи ва адабиётига муносабатини кузатганда яққол ҳис қиламиз.

«Улуғ рус халқи» шеърий қасидасида у ўзбек халқининг рус халқига бўлган катта меҳру муҳаббатини шундай жўшқин сатрларда ифодалаган эди:

Менинг оғам рус бўлур...

Виждоним буюрган

Шу шеърда ёзолсам,

Виждондек дуруст бўлур.

Коммунизм асрига йўл тўшаб берган руссан,

Шарқликман, бир ўзбекман,

Улуғ оғам, омон бўл.

Ғафур Ғулом қалбида рус халқига нисбатан муҳаббат болалигида — Уқчи маҳалласидаги рус мактабида ўқиб юрган даврларидаёқ куртак ёза бошлаган эди. Шоир бу ҳақда таржимаи ҳолида шундай ёзади: «1916 йилнинг кузида акам мени Уқчи маҳалласидаги «8-ое самсонское русско-туземное училище»га ўқишга берди. «Русча ўрганиш керак, русга эргашиш керак. Руснинг баридан тутсанг, аро йўлда қолмайсан», деярд эди у.

1917 йил февраль революциясида мен, тайлоқдай бола, рус мактабининг биринчи классда Л. Н. Толстойнинг «Первая книга»сидан русча алифбени ўрганар эдим. Пушкин, Лермонтов, Фетнинг биринчи классга хос кичик шеърларини ёд олар эдим».

Ғафур Ғулом Октябрь инқилобидан кейин рус адабиётини чуқур ўрганишга киришади. Унинг шоир бўлиб етишишида Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Л. Толстой, А. П. Чехов, Горький, Маяковский, Д. Бедный каби санъаткорларнинг ижоди катта роль ўйнайди. Адиб машҳур рус ёзувчиларининг асарларини муталаа қилиш билан чекланиб қолмасдан, улардан таржималар қилишга ҳам бел боғлайди. Масалан, у Крилов, Грибоедов, Пушкин, Лермонтов, Фет, Некрасов, Майков каби XIX аср рус классик адабиёти вакилларининг қатор асарларини М. Горькийнинг «Бўрон қуши кўшиғи», «Лочин кўшиғи» каби машҳур насрий дostonларини илк бор ўзбекчага таржима қилган. Адиб рус тилини ўрганиш орқали жаҳон адабиёти классиклари ижоди билан ҳам яқиндан таниша борди.

Ғ. Ғулом бир қатор адабий-танқидий мақолалари ва илмий сессияларда сўзлаган нутқларида ҳам рус классик адабиётининг катта билимдони ва тадқиқотчиси сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатдан Н. В. Гоголь вафотининг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Фанлар Академияси ижтимоий фанлар бўлими ўтказган сессиясида сўзлаган нутқи диққатга сазовордир. Бу нутқда Гоголь ижодининг муҳим хусусиятлари қайд этилади. Адиб Гоголь ўз асарлари орқали рус адабиётида танқидий реализмни қарор топишига катта ҳисса қўшганлиги ҳақида теран мулоҳазалар билдиради.

Ғафур Ғулом мазкур нутқида Пушкин ва Гоголь замонасидан буён рус адабиётидаги ҳурриятпарвар ҳамда инсонпарвар ғоялар Ғарб ва Шарқдаги барча тараққийпарвар ёзувчиларнинг ижодига ғоят зўр таъсир кўрсатиб келаётганлигини ҳаққоний кўрсатиб беради.

Шоирнинг 1953 йилда ёзилган «Некрасов хотираси» мақоласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Унда, биринчи навбатда, нима учун Некрасов ижоди ўзбеклар томонидан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан аввал ҳам севилиб ўқила бошлаган эди, деган саволга жавоб изланади. «Ўзбек халқининг Н. А. Некрасов ижодига бўлган қизиқиши тасодифий эмас, албатта,— деб қайд этади Ғафур Ғулом,— Н. А. Некрасов асарларида тасвирланган, помешчиклар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинган рус деҳқонларининг тақдири революциядан аввалги ўзбек деҳқонларининг тақдирига жуда ўхшаш эди».

«Ўзбек совет прозасининг тараққиёт йўлини, унинг шаклланиши ва равнақини улуғ рус классик адабиётининг буюк намояндалари қатори Толстой асарларининг таъсирига, Толстой прозасининг энг илғор ва юксак традицияларисиз тасаввур этиш мумкин эмас,— деб ёзади Ғафур Ғулом ўзининг «Толстой ва ўзбек адабиёти» деган адабий мақоласида,— Толстойнинг моҳир қаламига мансуб бўлган жаҳон маданияти хазинасининг энг асл дурдоналари барча ўзбек совет ёзувчилари учун чинакам маҳорат мактаби бўлиб келди».

Мақолада Лев Толстой ижодининг Ўзбекистонда ўрганилиши ва таржима тарихи хронологик тарзда босқичма-босқич таҳлил қилинди. Масалан, Ғафур Ғулом Лев Толстой асарлари билан ўзбек китобхони ўз она тилида 1887 йилдан бошлабоқ «Туркистон вилоятининг газети» саҳифалари орқали таниша бошлаганлиги фактини келтиради.

Мақолада Владимир Ильич Лениннинг Лев Толстой ижодига муносабати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади. Мақоланинг яна бир муҳим фазилати шундаки, унда ўзбек ёзувчилари ижодига Лев Толстой даҳосининг ижобий таъсири масаласига ҳам кенг ўрин берилиб, бу фикр, Абдулла Қаҳҳор ва Мирзақалон Исмоилий каби ўзбек санъаткорлари яратган асарларни муқояса қилиш орқали очиб берилади. Шоир Л. Толстой бадий маҳоратининг ниҳоятда улканлигига қойил қоларкан, айниқса, унинг инсон образининг шу қадар мураккаблиги билан яратишидан ҳайратга тушади ва Толстой фавқулодда истеъдод эгаси, устоз ва дохий адиб сифатида ўзбек китобхони қалбидан мустаҳкам жой олганлигини зўр қониқиш билан қайд этади.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1963 йил 4-сонида Ғафур Ғуломнинг Демьян Бедний туғилган кунинг 80 йиллигига бағишлаб ёзилган «Буюк революция куйчиси» деган салмоқли мақоласи чоп этилган эди. Ғафур Ғуломнинг қайд этишича, Демьян Бедний шеърларининг ҳозиржавоблиги, халқчиллиги, қолаверса унинг ўзига ўхшаб журналист шоир эканлиги ва рус тилини ўрганишга Демьян Бедний қўшиқлари жуда қўл келганлиги каби масалалар бу икки шоирни бир-бирига яқинлаштирган. У 1930 йилда Демьян Беднийнинг «Тупуришга ҳам вақт йўқ» деган катта ҳажвий шеърини таржима қилишга киришганини, ўша даврларда ҳали рус тилини яхши билмаслиги натижасида таржима жараёнида жуда кўп қийинчиликларга дуч келганлигини қайд этади. Лекин у таржима устидаги ишмини тўхтатмайди ва охирида ўз мақсадига эришади. Кейинчалик унинг таржимасини Демьян Бедний ва мутахассислар юқори баҳолайдилар.

Ғафур Ғулом ўз таржимаи ҳолида энг севган ёзувчиси М. Горький эканлигини қайд этади ва бу буюк ёзувчининг «Она», «Тубанликда», «Одамлар орасида», «Менинг дорилфунунларим» каби қатор асарлари дунёқарашининг шаклланишига жуда катта таъсир ўтказганлигини ёзади. Ғафур Ғулом Максим Горький билан бир неча бор учрашиш бахтига муяссар бўлган. Айниқса, 1934 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Совет ёзувчиларининг I съездидаги Максим Горький фаолияти ва унинг био гуруҳ ўзбек адиблари билан қилган суҳбатлари Ғафур Ғулом ижодига кескин бурилиш ясаган эди. Шунинг учун ҳам у «Устоз билан учрашув» деган хотираномасида шундай ёзади: «Мен, Ойдин, Тўйғун боққа — Алексей Максимович билан дастурхон устида суҳбатга бордик. Басавлат, доно адиб биз — ўзбек ёзувчиларидан съездда олган таассуротларимизни сўради. Кўп, яхши ёзишни таъкидлади. Биз унинг маслаҳатларини бажонидил қабул қилдик. Устоз билан учрашув ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди».

Ғафур Ғулом 30-йиллардан бошлаб Маяковский ижодига жуда катта ихлос қўяди. Унинг давр талабига мос тушадиган минбарбоп, новаторлик поэзиясидан сабоқ ола бошлайди. Кейинчалик Маяковский шеърляти уни социалистик поэзиянинг қатта йўли томон етаклаганлигини зўр миннатдорчилик туйғуси билан эслайди. Маяковский шеърлятининг Ғафур Ғулом ижодига таъсири масаласи профессорлар Хомил Ёқубов, Салоҳиддин Мамажонов, Мақсуд Расулий ва адабиётшунос Аҳдам Акбаровлар томонидан чуқур текширилган. Шунинг учун ҳам биз унинг устоз Маяковский ҳақида ёзган мақолалари, юбилей ва илмий сессияларда қилган докладлари асосида фикр юритамиз. У Маяковский ҳақида «Поэтикамизни тобора такомиллаштирайлик», «Устозимиз», «Ватанпарвар, устоз шоир» каби мақолалар ёзган. Шоирнинг «Бор овоз билан», «Совет паспорти тўғрисида шеър», «Яхши деган сўз нимаю ёмон деган сўз нима» каби поэма ва қатор шеърларини ўзбекчага таржима қилган, шуниингдек, Маяковский ҳақида жўшқин мисралар битган.

«Мен 1926—27 йилларда рус тилини яхши билмас эдим,— деб эслайди Ғафур Ғулом ўзининг 1955 йилда ёзган «Ватанпарвар, устоз шоир» деган мақоласида.— Аммо океанлардан ҳам мазмунлироқ рус адабиётини ўқишни, ўрганишни истар эдим... Бир саҳифанинг 50—60 процентини тушунсам ҳам зерикмай ўқир эдим».

Билмаганларимни билганлардан сўрар эдим. Шу хилда юриб, кунлардан бир кун Владимир Маяковскийнинг «Бизнинг ёш авлодга» деган шеърида қуйидаги сатрларни учратиб қолдим:

Бўлсайдим

ёшини яшаган негр,

Шунда ҳам

эринмай, ялқовлик қилмай

ўрганиб олардим мен руснинг тилин,

чунки

ушбу тилда сўзлашган Ленин.

Шундан кейин иккинчи она тилим бўлган рус тили яна менга тез ўзлашиб кетди».

Кўринадики, унинг рус тилини ўрганишига ҳам устозлари М. Горький, Маяковский каби буюк санъаткорлар раҳнамолик қилган.

Ғафур Ғулومнинг рус—ўзбек адабий алоқаларининг янада ривожланишига салмоқли ҳисса қўшгани унинг декадалар, ҳафталикларда бош-қош бўлиб, бу анжуманларда қилган маърузалари, рус ёзувчилари билан бўлган адабий ҳамкорликлари ва шахсий, дўстона алоқаларида ҳам яққол намоён бўлади. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1963 йил 23 октябрь сонидан унинг «Рус дўстимнинг мадҳияси» деган мақоласи босилган эди. Ўзбекистонда ўтказиладиган рус адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчиларини муборакбод этишга бағишланган бу мақола «Ассалом алайкум, рус дўстим, рус оғам!» деб бошланади. Мақола чуқур инсонпарварлик ва дўстлик ғоялари билан суғорилган. Ғафур Ғулум ушбу мақолада Россия ёзувчилари билан бўладиган ҳаяжонли учрашувлар умумсовет маданияти ва адабиётининг ривожига қўшилган катта ҳисса бўлишини, рус санъаткорлари—дўстларининг номини санаган билан адо бўлмастлигини айтади. Ҳақиқатан ҳам А. Толстой, А. Фадеев, А. Сурков, Н. Тихонов, И. Эренбург, Н. Погодин, А. Софронов, К. Симонов, А. Твардовский каби машҳур рус адиблари ҳам семимли шоиримизнинг энг яқин дўстлари эди. Бу машҳур ёзувчилар Ғафур Ғулум номини ҳурмат билан тилга оладилар. Улар атоқли ижодкоримиз ҳақида қанчадан-қанча илиқ сўзлар айтганлар, мақолалар ёзганлар, рус китобхонларини унинг асарларидан баҳраманд этганлар.

Маълумки, Улуғ Ватан уруши йилларида жуда кўп рус ёзувчилари Тошкентда яшадилар ва бу оғир йилларда рус-ўзбек адабий алоқалари тарихида яна бир шонли саҳифа очилди. Ғафур Ғулум ҳам уруш йиллари Тошкентда яшаган А. Толстой, И. Эренбург, Н. Погодин, К. Чуковский, А. Ахматова, И. Уткин, Б. Лаврентев, В. Иванова каби қатор рус ёзувчилари билан кўлли-қўлга бериб ишлади. Уруш йиллари Ўзбекистонда яратилган «Тошкент альманахи», «Биз енгамиз» (1942), «Соғам» (1944), «Адабий Тошкент» (1945) тўпламлари рус ва СССР халқлари адабиёти вакиллари уларо ҳамкорлиги ёдномаси бўлиб қолди. Уруш йиллари Ғафур Ғулумнинг «Иду с Востока», Зулфиянинг «Верность», Шайхзоданинг «Сааз», «Сердце говорит», Уйғуннинг «Твои стихи», Амин Умарийнинг «Победа жизни», Ислон шоирнинг «Страна боевая» китобларининг нашр этилиши ва рус ёзувчи—таржимонларининг ташаббуси билан «Поэты Узбекистана» (1942), «Поэты Узбекистана фронту» (1944) каби тўпламларининг ҳам босилиб чиқиши рус-ўзбек адабий ҳамкорлиги саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Шунингдек, ўзбек ёзувчилари ҳам А. Твардовскийнинг «Харбий шеърларини, Маяковскийнинг «Танланган асарларини ва шеърларини, К. Чуковскийнинг «Ўзбекистон ва болалар» каби асарларини ўзбекчага таржима қилдилар ва нашр эттирдилар. Бу ижодий ҳамкорликда Ғафур Ғулумнинг ҳам ўзига хос катта улуши бор. У уруш йиллари кўплаб таржималар қилди, рус ва бошқа қардош халқлар адабиётининг вакиллари бўлмиш сон-саноксиз дўстларига уйининг ва қалбининг тўридан жой берди. 1942 йил 22 апрелда «Правда» газетасида унинг «Сен етим эмассан» шеъри эълон қилинди ва «Шарқдан келаётирман» деган тўплами рус тилида Москвада нашр этилди. Бу тўплам учун шоирга СССР Давлат мукофоти берилди.

Ғафур Ғулум шеърятининг рус китобхонлари қалбига ниҳоятда яқинлиги А. Фадеев, И. Эренбург, И. Уткин, П. Антокольский каби рус ёзувчиларининг атоқли адибимиз ижоди ва инсонпарварлиги ҳақида ёзган қалб сўзларида ёрқин акс этган. «Шоир ва академик Ғафур Ғулум—совет шеърятинида ўзига хос ва мисли йўқ сиймолардан бириди,—деб ёзади А. Фадеев «Ўзбек халқининг ифтихори» сарлавҳали мақоласида.—Унинг шеърларидаги миллий анъана Маяковский анъаналари билан муштрақидир. У том маънода совет шоиридир. Унинг рус тилига таржима қилиб чиқарилган «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Хотин» сингари асарлари ва «Шарқдан келаётирман» тўпламига кирган бошқа шеърлари, шубҳасиз, совет шеърятининг энг яхши намуналаридан саналади».

Кўҳна Шарқ адабиётининг зукко билимдони, ўзбек классик адабиётининг йирик тадқиқотчиси бўлган Ғафур Ғулумнинг қатор мақолаларида Фурқат, Муқимий, Завқий каби ўзбек демократик ижодкорлари рус-ўзбек халқлари бузилмас дўстлигининг ва адабий алоқаларининг илк тарғибчилари эканлиги исботлаб берилган. Унинг Фурқат ҳақидаги «Рус ва ўзбек халқлари дўстлигининг куйчиси», «Фурқат рус аскарларининг қудрати тўғрисида», «Муқимий», «Демократ шоир» каби қатор мақолалари адабий алоқаларимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг ҳам кайд этиш керакки, улкан санъаткоримиз мазкур мақолаларда Фурқат, Муқимий, Завқийлар ижоди ҳақида фикр юритганда, бу ўзбек демократ шоирлари Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олинган даврида яшаганликларини, Урта Осиёнинг Россияга қўшилиши эса бу ердаги халқлар тарихий тараққиётига жуда катта ижобий таъсир кўрсатганлигини

қайд этиб, ўша даврдан бошлаб рус халқи ўзининг инқилобий анъаналари ва илғор ғояларини ўзбек халқи орасига олиб кира бошлади, дейди.

Ғафур Ғулом рус адабиётининг жуда катта билимдонни, рус ёзувчилари ижодининг Ўзбекистондаги толмас тарғиботчиларидан бири бўлиши билан бирга, рус халқи ҳаётини, буюк пойтахт Москвани, Россия табиат манзараларини жўшиб куйловчи шоир сифатида ҳам машҳурдир. Унинг «Улуғ рус халқига», «Рус», «Азамат рус халқи, буюк Москва», «Улуғ Россияда тонг отган кун...» «Москва», «Москванизм», «Улуғ пойтахт» каби асарлари бунга гувоҳлик беради. Унинг «Рус» шеърисида «улуғ рус — ўзбекнинг катта оғаси» эканлиги, бу икки халқ ўртасидаги алоқа, ҳамкорлик, дўстлик саҳифалари ифода этилади. Шоир:

**Алишер дostonинг безакларидир
Руслар мақтовисида айтилган ҳар сўз.
Руслардир жанг-жадал қиссаларининг
Қоронғу кечасини қилгувчи кундуз,—**

дейиш билан ҳатто бобокалонимиз Алишер Навоий дostonларида рус халқи ҳаётига оид саҳифалар кўплаб топилишига ишора қилади.

Ғафур Ғуломнинг рус халқи ҳаётидан олиб ёзилган ва рус воқелигига чуқур муносабат билдириладиган шеърлари орасида «Қиш» шеъри алоҳида ўрин тутади. Бу шеърнинг жуда кўп фазилятлари бор. Биринчидан, унда Россия табиатининг ажойиб манзаралари ниҳоятда жозибадор ифодасини топган. Иккинчидан, бу асар энг ўткир сиёсий-лирик шеърлар қаторидан ўрин олган. Чунки унда Гитлernинг «бизнинг чекинишга қиш бўлди сабаб...» деган ақидалари фoш қилиниб, фашистларнинг Москва остоналарида тор-мор қилинишига қаҳратон қиш эмас, балки совет халқининг қудрати, бузилмас дўстлиги сабабчи бўлганлиги уқтирилади, қолаверса, Россия қиши ҳам ўз вақтида келгани ва у русларга хос қадрдон қиш эканлиги қайд этилади.

Умуман, Ғафур Ғулом ўз асарларида жуда катта ҳозиржавоблик билан замон тақозо этган масалаларни кўтариб чиқар эди. Унинг рус халқи ва адабиёти вакиллари ижоди ҳақида ёзган мақолаларида, оташин нутқларида, рус воқелигини ифодаловчи шеърларида ҳам бу хусусиятлар намоён бўлган. Улуғ шоирнинг ана шундай дурдона асарларини ўқир эканмиз, у СССР халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг нақадар катта ва толмас тарғиботчиси бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.



Бизнинг календарь



Василий Жуковский

Рус адабиётида романтизмнинг шаклланиб қарор топиши Василий Андреевич Жуковскийнинг ижоди билан боғлиқ. У 1783 йили бадавлат зодагон қўргонида, тулалик катта ер эгаси А. И. Буниннинг никоҳсиз ўғли ҳамда турк асираси Солиҳа хонадонидида туғилган. Шоир тутинган отаси, камбағал оқсуяк А. Г. Жуковскийнинг фамилиясини ўзига қабул қилса-да, асосий тарбия ва бошланғич маълумотни А. И. Бунинлар оиласида олган.

Дастлабки шеъри — «Қишлоқ қабристони»да кўзга ташланган романтик рух унинг барча асарларида гоҳ у-гоҳ бу тарзда намоён бўлиб, бу хусусият шоирнинг ижодий маслагига айланган. Инсоннинг ички рухий ҳолати ва халқ орзу-умидлари ёрқин ифодасини топган «Людмила», «Светлана», «Ахилл», «Вадим» сингари балладалари, ватанпарварлик ғоялари сингдирилган «Кўшиқчи» достони шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Жуковский асарларига хос бўлган романтизмнинг асосий фазилати кўпроқ инсон шахси ва унинг ички олами бирлигини уйғун ифода этилишида кўринади. Шоир фикрлар ҳаракати, туйғулар мавжини кўрсатиш орқали инсоннинг маънавий қиёфасини чизиб берган. Жуковскийнинг рус миллий адабиётида инсон маънавиятининг бундай тасвирини биринчилардан бўлиб қўллаши унинг бу адабиёт ривожига асосий хизмати бўлди. Ижодкорнинг «табиат ранглари»ни ўзига хос жилода акс эттирган шеърлари ҳам бу йўналишнинг сара намуналари сифатида ҳамisha жозибалидир. У, Гомернинг «Одиссея» достонини, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва буюк ҳинд эпоси «Махабхарата» каби асарлардан парчаларни таржима қилиб, рус миллий адабиётининг бу соҳасига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Шу боис ижодкорнинг туғилганига икки юз йил тўлиши адабий жамоатчилик томонидан кенг нишонламоқда.

Босқинчиларга

Қаёнда қудратли ўшал зобитлар,
Заминни қақшатиб, этганлар талон!
Уларни бағрига олиб тобутлар,
Қаро тупроқ аро ётурлар ниҳон.
Такаббур зотларни унутгай олам,
Вақт улар қабридан ўчиргай мутлақ
Энг сўнги унвону исму ёдин ҳам,
Нопок сўзлари ҳам ўчгай муҳаққақ!

1814

Уч йўловчи

Уч сафардош олисдан қайтарди ўлкасига,
Хордиқ учун кирдилар бир кампир кулбасига.

«Қабул эт, бошпана бер, зим-зиё еру само,
Қайда ул гўзал санам? Қаерда қизинг, момо?»

«Сизларни-ку оғринмай қўноқ этурман бесўз,
Афсус, гўзал қизгинам ҳаётдан юмди-да кўз».

Бурчақда хоч пойида липиллаб ёнарди шам,
Тобут ичра ётарди ўшал дилрабо санам.

Марҳуманинг ниқобин юзидан олиб аста,
Биринчи қўноқ йигит шундай деди дилхаста:

«Оҳ, барҳаёт бўлсайдинг, ўлмасайдинг гар, жоним,
Шу дамдан бошлаб менинг бўлур эдинг жононим».

Қиз чеҳрасин ёпаркан ул иккинчи сафардош,
Аччиқ-аччиқ йиғлади, кўздан оқиб қонли ёш:

«Оҳ, азизам, наҳотки ўлим берди бизга панд,
Кўз очиб, сени девдим, сенга эди кўнглим банд!»

Учинчи йигит суриб қиз юзидан пардани,
Улик, қонсиз лабидан ўпди қучиб мурдани:

«Мен сени севар эдим, унутмасман умрбод,
У дунёю бу дунё меҳринг қалбим ичра ёд!»

1820

Жуманиёз ЖАББОРОВ таржимаси.

Эрнест Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» қиссасининг ёзилишига қуйидаги воқеа туртки бўлган:

1939 йилда Испаниядан қайтган Хемингуэй Кубада, Гавана яқинидаги бир қишлоқда муқим туриб қолади ва шу атрофда яшайдиган балиқчилар билан қалин дўстлашади, бирга денгиз овига чиқиб туради.

Бундан уч йил бурун «Эсквайр» журналида баҳайбат бир балиқни ушлаб олган кекса овчи ҳақида очерк босилиб чиққанди. Чол балиқни қирғоққа олиб келгунича, акулалар балиқнинг ярмидан кўпроғини ғажиб ташлаганди. Хемингуэйнинг ўзи ҳам кейинчалик худди шундай воқеани бошидан кечирган, мухлисларидан бирига балиқчи чол тўғрисида роман ёзиш ниятида эканини айтганди.

Аммо бу режа 13 йилдан сўнг амалга ошди. Ана шу гўё «арзимас» воқеа «Чол ва денгиз» қиссасига асос бўлди.

Атиги саккиз ҳафта ичида битилган асар Нобель мукофотига сазовор бўлиб, 5300 нусхаси 48 соат ичида тарқалиб кетади.

Танқид ва адабиётшунослик

Матёқуб Қўшжонов

БАРКАМОЛ БИРЛИК, МИЛЛИЙ КОЛОРИТ, ИНТЕРНАЦИОНАЛ РУҲ

(СССРнинг 60 йиллиги ва бадий ижоднинг баъзи масалалари)

СССРнинг ташкил топганига 60 йил бўлди. Минг-минг йиллик тарих учун 60 йил — денгиздан томчи. Бироқ бу давр ичида совет халқи ҳаётида шу даражада катта ўзгаришлар рўй бердики, уларнинг салмоғи ва моҳиятини йиллар билан эмас, балки фақат социалистик революция мазмуни билан ўлчаш мумкин, холос. Қўлга киритилган ютуқларнинг энг йириги шу бўлдики, қисқа тарихий давр ичида ҳамма халқлар баробарига ижтимоий, иқтисодий ва маданий юксакликка эришдилар. Ана шу юксакликлар ишимиздаги баъзи бир камчиликларни ҳам кўришга имконият беради.

I. Ҳаётбахш биродарлик сафида

Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький социалистик жамиятни барпо этишга тўла хизмат қиладиган, барча халқларни коммунистик руҳда тарбиялашга қодир, ягона метод асосида камол топадиган кўп миллатли совет адабиётини орзу қилган ва унинг ташкил топишида ўзи жонбозлик кўрсатган эди. Ҳозир фахр ва қаноат билан айтиш мумкинки, коммунизм қурувчиларининг қўлида муҳим қурол бўлган ана шундай кўп миллатли адабиёт яратилди.

Шубҳасиз, бу адабиётнинг яратилишида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг адабиёт ва санъат соҳасидаги доимий ғамхўрликлари, қатор партиявий ҳужжатлар, шу билан баробар ҳаётни реалистик ўзлаштиришда катта тажриба орттирган йирик адабиётларнинг, хусусан улуғ рус адабиётининг хизмати бениҳоя катта бўлди. Шу сабабдан ўзбек адабиётининг барча ютуқлари ва Бутуниттифоқ адабиётлари ичида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида гап кетганда, биринчи галда рус ва ўзбек адабий алоқаларининг ҳаётбахшлиги хусусида фикр юритиш лозим бўлади. Шунини айтиш керакки, рус ёзувчиларининг ўзбек совет адабиёти тараққиётига таъсири маданиятимиз тарихида бениҳоя муҳим ва чексиз ҳаётбахш манбалардан биридир. Шу маънода бундан бир аср муқаддам Урта Осиёнинг Россияга қўшилиши ерли халқлар учун тарихий бурилиш бўлди.

Рус халқи маданиятининг ўзбек халқи маданиятига таъсири ҳақида гапирганда, ўтмиш тарихга бир назар ташлаб ўтиш зарар қилмайди. Бу ўринда XIX асрнинг охирида Туркистондаги маҳаллий матбуот саҳифаларида илк бор А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, И. А. Крылов асарларининг пайдо бўла бошлаганлиги хусусида фикр юритиш мумкин. Кейинги даврга ўтиб, XX асрнинг бошларида рус адабиёти намуналари фақат вақтли матбуотда эмас, алоҳида рисолалар, китоблар шаклида ҳам ўзбек китобхони қўлига етиб келгани, рус адабиёти ва сиёсий адабиётлар таъсирида социал-демократик ғоялар тарқалганини эслаш керак бўлар эди. Шубҳасиз, ўзбек адабиёти тараққиётига илғор рус адабиётининг таъсири ўша вақтлардан бошланган.

Рус ёзувчилари билан бевосита ижодий мулоқотлар, чинакам биродарлик совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида кучайди. Бора-бора бу мулоқот ҳаёт талабига мувофиқ самарадорроқ бўла борди. 30—40-йилларда А. Толстой, А. Фадеев, Н. Тихонов, В. Луговской, Н. Погодин каби сўз санъаткорлари Москвада ҳамда республика-мизнинг ўзида Садриддин Айний, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Комил Яшин, Уйғун, Зулфия сингари ўзбек адабиётининг йирик намояндалари билан мухта-кам алоқа боғладилар. Адабиётнинг долзарб масалалари ва конкрет асарлар ҳақида фикр олишдилар ва ижодий ҳамкорлик қилдилар. Улуғ рус ёзувчиси А. Толстой, машҳур драматург Н. Погодинлар Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳамид Олимжон билан яқин ҳамкорликда ишлашди; ўрни келганда улар биргаликда ҳаммуаллифлик ҳам қилишди. Ойбек дўстлари Н. Тихонов ва А. Фадеевлар билан ўз роман ва поэмалари хусусида фикр алмашди.

Кейинги йилларда бу хилдаги биродарларча мулоқотни ёзувчи Шароф Рашидов, Комил Яшин, Сарвар Азимовлар муваффақиятли равишда давом эттирдилар. Энди-ликда ёзувчиларнинг шундай ўзаро алоқалари кўлам жиҳатидан кенгайиб кетди. Бу биродарлик обихаёт сингари маданиятимиз томирларига бориб етмоқда.

Бу борадаги ҳамкорликларга доир фактларни яна кўплаб қайд қилиш мумкин. Бироқ шу нарса аниқки, рус ёзувчилари — М. Горькийдан тортиб, то бугунги йирик сўз санъаткорлари — Г. Марков, В. Кожевников, А. Софронов, Н. Грибачев, С. Баруздин, В. Солоухин, Р. Казакова, Е. Евтушенко, Е. Исаев, Р. Рождественский, А. Возне-сенский каби ёзувчиларгача ўзбек шоир ва адиблари билан дўстона муносабатда бўлиб келяптилар. Ижодий алоқалар баъзан шахсий дўстлик, фикр олишувлар, бир-бирларининг асарларини таржима қилиш, баъзан эса баробар ижодий меҳнат каби хилма-хил кўринишларда давом этмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, баъзи йирик рус ёзувчиларининг услубий хусу-сятлари ўзбек адибларининг ижодида кўзга ташланадиган бўлди. Н. В. Гоголь, А. П. Чеховга хос бадиият усулларининг Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ижодида, В. В. Мая-ковскийнинг Ғафур Ғулум ижодида самарали таъсири ҳақида ўзбек адабиётшуносли-гида кўп фикрлар айтилди. Булардан ташқари, илмий адабиётларда М. Горький ижодий принципларининг Ойбек ижодига таъсири, хусусан, «Она» романидаги ижо-бий қаҳрамон яратиб тажрибалари ўзбек совет адабиётида тўлақонли ижобий қаҳ-рамон образи тасвирланган «Қутлуғ қон» романида ўзига хос йўллар билан давом эттирилганлиги қайд қилинди. Кейинроқ М. Горький аъёналари яна ҳам чуқурлашди, ўзбек ёзувчиларининг ижодий тажрибасига теранроқ илдириш отди. М. Горький ижоди-га хос меҳнат поэтикасини ўзбек ёзувчилари муваффақиятли равишда ўзлаштирдилар.

Шароф Рашидов, Асқад Мухтор романларига назар ташласангиз, авваламбор уларда алоҳида лафосга эга бўлган меҳнат поэтикасини кўрасиз. Ҳар иккала адиб ҳам бутун маҳоратини ишга солиб, ижодий меҳнатни улуғлайди, «Инсон ўз меҳнати билан улуғ» деган ғояни асарларининг маъзига сингдиради. Шароф Рашидовнинг романлари — «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», «Тўғилиш», «Чинор» сингари романларида биз меҳнат туфайли кам-олга етган йирик қаҳрамонлар тасвирини кўрамыз. Меҳнат поэтикасини акс эттириш бу адиблар асарларида муҳим ижод мактаби сифатида шаклланди. Шу маънода бу адиблар Максим Горький ижодий принципларини муносиб давом эттираётганини кўрамыз. Назир Сафаровнинг очерклари-чи? Бу ерда ҳам биз ўша манзарага — меҳ-нат поэтикасига дуч келаёмиз. Бундан ташқари Назир Сафаров ижодида ҳаёт пробле-малари юзасидан оевчинчасига кескин фикр билдириш, чигал масалаларни синчков-лик билан ўрганиб, тўғри ва объектив хулосалар баён қилиш, ҳақиқатга фидойилик сингари фазилатлар кўзга ташланади.

Рус адабиётининг барча йирик санъаткорлари ўзига хос мактаб яратгани ва яра-таётгани маълум. Ўзбек ёзувчилари ана шу бадиий мактабларидан баҳраманд бўла-ётирлар.

Пиримқул Қодиров романларида инсон қалб диалектикасининг очиб берилиши-да Л. Толстой ва К. Фединалар тажрибаси сезилиб туради. Одил Ёқубовнинг ижодий тажрибасида, хусусан «Улуғбек хазинаси» ёхуд кейинги «Диёнат» романида бугун номи дунёга таралган йирик рус ёзувчиларининг ҳиссаси оз эмаслиги равшан. Ада-биётга энди кириб келаётган қайси бир истеъдодли ўзбек ёзувчиси рус ёзувчилари билан мулоқотда бўлмаган ва улардан сабоқ олмаган дейсиз!

Иттифоқимиздаги бошқа миллий адабиётлар тажрибаси-чи?

Бу ҳақда ўйлар эканмиз, улуғ шоир Ғафур Ғулумнинг «бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд» деган сўзлари эсга тушади. Ҳозирги пайтда СССР халқлари адабиёт-лари шунчалик яқинлашиб қолдиларки, улар бир-бирларининг ютуқларига шерик, бири иккинчисининг кам-кўстларини тўлдирувчилардир. Шу боисдан миллий адаби-ётларнинг тажрибасини ҳисобга олмай туриб, умумсовет адабиёти эришган ютуқлар сирини англаш қийин бўлиб қолди. Содда қилиб айтсак, ҳар бир миллий адабиёт кўп миллатли Совет адабиёти деб аталмиш катта оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси, — «ҳам устоз, ҳам шогирд» ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугун Чингиз Айтматов, Абдуҷамил Нурпеисовнинг адабий тажрибаларини ҳисобга олмасдан туриб, Одил Ёқубов ёки ёш прозаик Нурали Қобул ижодий изланишларини тушунтириб бериш қийин. Одил Ёқубовнинг кейинги роман-ларига хос макон ва замон жиҳатидан воқеаларни ниҳоятда жамғариб, фақат ўта керагини, тақрор айтамыз, фақат керагини танлаб тасвирлаш ва шу йўл билан воқеа-ларни кескин конфликтлар фониди бера билиш: воқеалар ривожини билан китобхон диққатини доим банд қилиб бориш сингари хусусиятларда Чингиз Айтматов ижодий аъёналарининг ҳиссаси йўқмикан? Қатор қисса ва ҳикояларда ҳаётнинг мураккаб, зиддиятли нуқталарини танлаб, уларни тасвирлашда кескин драматик ситуациялар

яратиб, қаҳрамон тақдири билан китобхонни қизиқтира олишда Нурали Қобул Чингиз Айтматовдан нималарнидир ўрганмаганмикин? Қорақалпоқ ёзувчиси Тўлепберген Қайпбергеновнинг «Кўз қорачиғи» романидаги драматизмда фақат Чингиз Айтматов эмас, Шароф Рашидов, Одил Ёқубовнинг ҳам драматик ситуациялар яратиш маҳоратига хос белгилар борлиги ўз-ўзидан сезилиб туради.

Қайсин Қулиев, Давид Кугултинов, Расул Ҳамзатовлар шеърли тажрибасини ҳисобга олмасдан Зулфия, Рамз Бобожон, Шукрулло, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқа шоирларимизнинг ижодий изланишларини англаш амримаҳол бўлмасмикин? Буларнинг барчаси кўп миллатли адабиётимиз ривожда пайдо бўлган ва унинг асосий принципларидан бири бўлиб қолган ҳақиқатдир.

Бу ерда адабий таъсир масаласининг мураккаблигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Қаранг, шоир Шукрулло бу хусусда бизга нима дейди:

«Тўғри, биз қатор ўзбек шоирлари Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Давид Кугултинов, Мустай Каримлар билан доимий мулоқотдамиз. Бир-биримиз билан ғоялар хусусида фикрлар олишамиз, бир-биримизга шеърлар ўқиймиз, ҳар хил вазиятда баҳслар юритамиз, баъзан тортишамиз, талашамиз. Шахсан мен улардан нималар юққанини аниқ айта олмайман. Бироқ улар билан суҳбат қуриш, тортишиб-талашиб, баҳслар қуриш учун улар савиясида бўлишга интиламан, баъзи нарсаларни обдан ўйламан, бор кучимни сарф қилиб поэзия сирлари хусусида мушоҳадалар юритаман. Уларнинг нутқ ва шеърларини эшитиб ўзимда йўқ хурсанд бўламан ва ҳар гал шулардек нутқ сўзласам, шулардек шеър айтсам экан, деган орзу билан банд бўламан. Фикримча, улар ҳам шундай ҳолатда юрсалар керак. Менимча, адабий таъсирнинг фазилати ҳам шунда. Адабий таъсирни фақат ўхшашликлардан ахтарувчилар, менимча, тўғри иш қилишмайдилар».

Шукруллонинг фикрларига тўла қўшилиш керак. Адабий таъсирнинг илдишлари теран, уни дарров юзага чиқариш осон эмас. Бу масалада шаклан ўхшашликлар излаш йўлидан бориб ҳақиқатни очиб бўлмайди, албатта.

Адабий таъсир бадиий ижоднинг ўзи каби ҳар хил ҳолатда, ҳар хил шаклда намоён бўлади. «Гирдоб» романининг муаллифи Уктам Усмонов билан суҳбатлашиб, адабий таъсирдан гап очсангиз, қуйидаги сўзларни эшитасиз:

«Мен узоқ йиллар давомида олимлар ҳаётини ўргандим, мақола ва очерклар эълон қилдим. Олимларнинг ишлари ва ҳаётига бағишланган рус тилидаги асарлар билан танишдим. Менда Д. Граниннинг асарлари катта таассурот қолдирди, улардаги олимларнинг зиддиятли ҳаёти тасвири мафтун этар эди. Бир куни ҳаётда кўпгина камчиликларни кўрган, бироқ ўзи тузукроқ бир иш қилмаган қаҳрамон тасвирланган асарни ўқиб қолдим. Нимагадир бу асарга нисбатан менда норозилик ҳисси туғилди. «Э, бўлмабди-ку», деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Шунда мен илм йўлининг машаққатларига чидам берган, не-не қийинчиликларни енгиб, фанга кириб келган ёш ихтирочи тақдирини яратиш керак экан-да, деган хулосага келдим. Мен кузатиб юрган ҳаётнинг ўзи ҳам шунга материал берди. «Гирдоб» шу йўсинда майдонга келди».

Кўраёписизки, Д. Гранин асарлари Уктам Усмоновда ҳаётга тўғри ёндашиш ҳиссини уйғотган бўлса, иккинчи бир ёзувчининг тажрибаси унга Гранин йўлининг нақадар ҳаққоний эканини кўрсатибди.

Адабий таъсирнинг ранг-баранглигидан далолат берадиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Биз адабий алоқалар масаласини атайин биринчи планга қўйиб гапиряпмиз. Бунинг сабаби маълум: ривожланган социалистик жамият барпо этилаётган, совет кишиларининг янги тарихий бирлиги — совет халқи камолга етаётган бир пайтда миллатлараро ва халқлараро рўй бераётган барча мулоқоту муносабатлар ҳал қилувчи омиллардан бўлиб қолди.

Кўп миллатли совет адабиётининг тараққиётини белгилайдиган яна бир муҳим масала ҳам бор. Бу — ҳар бир адабиётнинг миллий замини. Бу — асарлар мобайнида ҳар бир халқ тўплаган ва бойитган маданий анъаналар ҳамда 60 йиллик ҳамкорлик натижасида қайта тикланган маданий мерос сабоқларидир. Бу омилни ҳисобга олмасдан халқларнинг маданий ҳаётидаги сифат ўзгаришларини тўла англаш мумкин эмас.

Хўш, маданиятимизнинг тезкорлик билан тараққий этишида, адабий муҳитнинг соғломлашиб, камолот чўққисига чиқа боришида маданий меросимизнинг роли қай даражада? Ундан биз нималарни ўрганамиз, қандай сабоқ оламиз? Нега биз уни шунча қадраймиз?

2. Адабий мерос ва бадиий ижод

Ҳар бир адабиётнинг ривожланиш босқичларида ўзига хос хислатлар бўлади. Ўзбек совет адабиётининг биринчи авлодига мансуб санъаткорлар ўтмиш адабиётини пухта ўрганган, ундаги қимматбаҳо тажрибалардан ўз ижодий изланишларида тўла фойдаланган эдилар. Улар Лутфий, Алишер Навоийни, Машрабу Нодирани, Фурқату Авваз Утарни қўлёзмаларда мутолаа қилганлар. Улар классикаларимизнинг асарларини бевосита ўрганиш тўғрисида ўз санъатига санъат қўша олганлар.

Бугун-чи? Бугун ҳам шоир ва адилларимиз ўтмиш тажрибаларини четлаб ўтишаётганлари йўқ. Истеъдодли ижодкор учун улўғ аجدодларимизнинг ижодий сабоқлари

ҳамиша дастуриламал бўлиб қолади. Қайси бир шоир ёки қайси бир адиб билан суҳбат курсангиз, улар санъаткор аждодларимизнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар.

Шоир Абдулла Орипов ёшлар билан ижод ҳақида суҳбатларидан бирида Алишер Навоийнинг кўплаб мисраларини ёд билишини айтган экан. Мабоодо адабий мерос ҳақида гап очилса, шоир сўзни улуғ бобомиз Алишер Навоийдан бошлаб, унинг номи билан тугатади. «Мен Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқдай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун айтишнинг устаси эди. Шеър айта-бериш мумкин, лекин Навоий мазмун билан айта олган». Мана, Абдулла Ориповнинг Алишер Навоийга таъзим билан берган баҳоси, билдирган муносабати. Разм солиб кўринг: Абдулла Орипов шеърларини ўқиётганингизда унинг шакли хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайсиз, чунки ҳаёлигини аввало шоир демоқчи гап — маъно банд қилади. Шеър мазмунини тўла англаб бўлгандан кейингина у қандай яратилгани, шакли ҳақида ўйлаб кўришингиз мумкин.

Истеъодли шоирларимиздан бири Эркин Воҳидов ҳам университетда ўқиб юрган пайтларидаёқ Алишер Навоий ижодини кунт билан ўрганганини, ҳатто «Ҳамса» юзасидан диплом иши ёзганини биламиз. Буюк шоирнинг таъсири унинг шеърларидан ҳам сезилиб туради. Арузда шеър битадиганлар ичида классик адабиётимизга энг яқинларидан бири Эркин Воҳидов эмасми?

Шоир Омон Матжон Алишер Навоий билан баробар Огаҳий шеърларини ҳам кунт билан ўрганаётгани маълум. «...Улуғ шоир билан боғлар сари қўйдик қадам» дейди у Огаҳий ғазалига бағишланган муҳаммасида.

Улуғ гуманист ҳаёти ҳақида шеърли роман ёзган Барот Бойқобилов Алишер Навоий ижодини навоийшунос олим даражасида билади. «Маданиятимизнинг илғор ўтмишидаги маънавий ворисийликини ҳис қилар эканмиз, биз бир-биримизни (яъни миллий адабиётлар вакиллари — М. Қ.) ранг-баранг маънавий бойлиқларимиз билан қувонтириб, бузилмас иттифоқимизни янада кучлироқ мустаҳкамлаймиз... Бинобарин, бугунги кунда Совет адабиётида ижод қилаётган ҳар бир адиб ўз халқининг ўтмишини, ота-боболарини унутишга ҳаққи йўқ», — деб ёзади Барот Бойқобилов («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982 йил 17 сентябрь).

Муҳаммад Али, Рауф Парфи, Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиевалар яратган образлар оламида Алишер Навоий ва Бобир шеърларидан юққан нималардир бор, албатта. Бошқа ўзбек шоирлари ҳақида ҳам шу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин...

Адабиётимизнинг бугунги оқсоқоллари-чи? Комил Яшин, Уйғун ва Назир Сафаровлар ўтмиш адабий меросимизни теган ҳис қилиб, ундаги илғор ижодий принципларни узлаштиришга интиладилар. Комил Яшин билан шеърят, хусусидан суҳбат курсангиз, у сизга Навоий, Муқимий, Фурқат, Мунис ва бошқа кўплаб шоирлар ижодидан олам-олам шеърларни ёд айтиб беради. Уйғун (Иззат Султон билан биргаликда) «Алишер Навоий» драмасини яратиб, улуғ шоир даҳосини бутун дунёга тарқалишига муносиб ҳисса қўшди-ку! Бу машаққатли ишга қўл уришнинг ўзи шоирнинг улуғ бобомизга алоҳида ҳурмати эмасми?

Ўз ижодий принципларида ўта замонавийлик билан ажралиб турадиган Шароф Рашидов ҳам адабий мерос проблемаларини ўрганиш, унинг замон талабига жавоб берадиган томонларини оммалаштириш, тарғиб қилиш учун ҳар доим қатта куч-ғайрат сарф қилиб келмоқда. Унинг Алишер Навоий ҳақидаги фикрлари замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ўтмиш адабиётига бу хилдаги муносабат, юқорида қайд қилганимиздек, бизга олдинги авлодлардан мерос бўлиб қолган. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулوم, Шайхоздалар ўтмишдаги сўз усталари ижодига қай даражада қай жакони боҳо бергани, улуғ сиймолар ижодини тадқиқ этиб нашрга тайёрлаганликлари, қатор китоб ва мақолалар эълон қилгани маълум. Бой ва ўзига хос адабий меросимизни ўрганишда кўриқни аслида шулар оча бошлаган эмасми?

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эса ижодининг бир қирраси билан ўтмиш адабиётимиз аъёнларига суянса, иккинчи бир қирраси билан ўзбек совет адабиётида янги методнинг асосчиси бўлиб турибди. Аслида у ўтмиш прогрессив адабиётининг илғор аъёнлари асосида ўсиб, улғайиб, янги ҳаёт томон қадам қўйди, инқилоб байроғини баланд кўтарди.

Ўзбек адабиётининг олдинги сафига борган ва бораётган шоир ва адибларимиз ўтмиш маданий меросимиздан нималарни олди, нималарни ўрганди? Назаримизда, масаланинг бу томони ҳам муҳимдир.

Бу саволларга дафъатан жавоб бериш анча мушкул, албатта. Номлари тилга олинган санъаткорлар ўз услублари билан бир-бирларини такрор қилмайдиган, бир-бирларига ўхшамайдиган ижодкорлардир. Шунинг ўзи ҳам юқоридаги масаланинг қай даражада мураккаб эканидан дарак беради. Бизнинг вазифамизни бир оз енгиллаштирадиган нарса шундан иборатки, классик адабиётга муносабат масаласида уларда, сўзсиз, маълум бирлик, умуммуштаракликлар бор. Булар нималарда кўринади?

Авзаламбор, янги социалистик адабиёт пойдеворини қўйишга ўз ҳиссаларини қўшган, унинг бугунги ривожини йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган ёзувчиларимиз учун ўтмишдаги илғор адабиётимизга хос инсонпарварлик, инсоний ҳис ва туйғуларни улуғлаш, даврга хос социал масалаларга муносабат билдириш ва шу йўл билан ҳаёт оқимига таъсир ўтказишга интилиш сингари хислатлар сабоқ бўлди.

Дарҳақиқат, ўтмиш санъаткорларига хос инсонпарварлик, адолатсиз тузумдан норозилик, бошқача ҳаётни орзу қилиш, ҳаётда тўлиб-тошиб ётган тенгсизлик, адолатсизликларни инкор этиш; оддий кишиларни — меҳнат азаматларини улуғлаш, халқ

ҳисобига бойлик орттирувчи ноинсофларни қоралаш ва ҳоказолар бизга аждодларимиз ижодидан ўтиб, она сути орқали онгимизга сингган, дилимиздан фахрли ўрин олган эмасми? Шу сабабдан В. И. Лениннинг маданий мерос ҳақидаги, хусусан унинг ўтмишдаги прогрессив, халқ манфаатини кўзлаган маданият ҳақидаги фикрлари биз учун бениҳоя қадрлидир.

Гапни бадий ижодга — ёзувчилик маҳоратига янада яқинлаштирадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, классик адабиётимиздаги энг яхши асарларга хос фикрларнинг аниқ ва мукаммаллиги, асарда талқин қилинадиган маънонинг тиниқ ва тугаллиги ҳам бугунги сўз санъаткорларини жалб қилмасдан иложи йўқ. (Абдулла Ориповнинг юқоридаги сўзларини яна бир бор эсланг).

Ўзбек совет адабиётининг фахри бўлмиш асарларни олинг — бу ё Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи»сими, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунларими», Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси»ми, Ғафур Ғулومнинг «Сен етим эмассан»ими, Комил Яшиннинг «Ҳамза»сими, Шароф Рашидовнинг «Ғолибар»ими, Одия Ёкубовнинг «Диёнатни», Назир Сафаровнинг «Момақалдироқ», Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи»ми, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон»ими, Уктам Усмоновнинг «Гирдоб»ими, ёхуд Уткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари»ми — уларнинг ҳар бирида фикрлар булоқдек тиниқ, дарёдек жўшқин эканини кўрасиз. Бу тиниқлик, бу жўшқинлик, бу мукаммалликни Алишер Навоий ёхуд Огаҳий аъёналаридан узиб олиб тушуниб бўлармикин? Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» поэмаларидаги, Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек» шеъри ёхуд Муқимийнинг «Танобчилар» сатирасидаги фикрий тиниқликни кўз олдингизга келтириб кўринг-чи!

Ўрни келганда айтиш лозимки, фикрни мукаммал ва тиниқ ифода қилишда доим ҳам классик адабиётимиздаги яхши аъёналар даражасида иш тутаялмишми, йўқми? Устоз боболаримиз қай йўсинда асар яратгани, сўз устида қай даражада қўнт билан ишлагани хусусида ўйлаб кўраялмишми, йўқми?

Афсуслар билан тан олиш зарурки, ҳозирги шеърятимизда (фақат шеърятда эмас) шундай асарлар учраб қоладики, уларни ўқиб бўлгач, бирор таъсирчан фикр тополмаганингиз учун сарф қилган вақтингизга, сунъий мисраларга тўкилган кўз нурига ачинасиз. Бу хилдаги асарларда шоир ҳаётда мавжуд воқеа ва ҳодисаларни шунчаки юзаки қайд қилиш билан банд бўлади. Пахтанинг хирмон-хирмон эканини, атласимизнинг ранг-баранглиги, беқасамимизнинг жилвадорлиги, ўзбек дўпписининг ноёблигини шунчаки қайд қилишлар билан шеър яратдим деб бўлмайди-ку!

Шу сабабли, истеъдодли шоирларимиз, адибларимиз, шу ҳисобдан ёшлар ҳам, классик шеърятимиздан, биринчи навбатда, фикр аниқлиги, маъно тиниқлигини ўрганган бўлса керак деган хулосага келасиз. Фикрнинг аниқ ва тиниқлиги эса санъатнинг зарур фазилатларидан бири. Биламизки, тиниқ ва аниқ фикр айтилган асарларгина китобхонни мафтун қила олади.

Аmmo фикр айтиш масаласини ҳам тўғри тушуниш керак. Фикрни риторик шаклда, «бор нарсани — бор, йўқ нарсани — йўқ» қабилада қуруққина шеър шаклига солиб, газета ва журналларда эълон қилавериш мумкин. Баъзи шоир ва адиблар шундай қилишади ҳам. Бу хилдаги нарсаларни вақтли матбуот шеърлари деб аташди. (Бадий асарларни мангулик ва ўткинчига ажратишнинг ўзи тўғри эмас). Бу хилдаги қуруқ ва жозибасиз асарларга бирор эътироз билдирсангиз, «Менинг асаримда мана бундоғ фикр бор-ку», деб сизга замонанинг улуғ ғояларидан битта-иккитасини пеш қилишга уринишади. Бироқ шу фикр санъаткорона айтилганми, йўқми — бу билан ёзувчи ёки шоир дўстимизнинг иши йўқ. Менинг назаримда, истеъдодли шоирларимиз Алишер Навоий, Бобир, Муқимий, Огаҳий сингари устозлардан фикрни оригинал обрезларда, алоҳида пафос билан, жозибали айта олишни ўрганганлар. Адабиётимиз тарихида баъзан жозибали, образли, пафос билан айтилган бир неча мисрага йирик шоирларнинг «бутун ижодимни берар эдим» деб ҳавас билан айтган сўзларини биламиз-ку! Ижод сирларини тўла англаган, унинг қадр-қимматини тушунган санъаткоргина бунга айтиши мумкин.

Ҳамзанинг «Яша шўро», «Ишчилар уйғон» ёки Ҳамид Олимжоннинг «Россия», «Қўлингга қурол ол!» шеърларини эсланг. Улардаги топиб ишлатилган образлар, маънони тўла ва мукаммал ифодалаш учун яратилган шеърый ритм, зарур пайтда маънодош ва оҳангдош сўзларни қайта-қайта таъкидлашлар — булар ҳаммаси ажойиб пафос ва жозоба яратганки, ўқувчи улардан ҳам катта эстетик завқ олади, ҳам маъно сеҳрига берилиб, ўз қалбини ажиб ҳислар билан тўлдиргандек бўлади.

Ҳаёт қайнаб тонг туманида,
Кўз илғамас эл ўрмонида,
Зўр ўлканнинг қайноқ қонида
Ҳукм сурар сафарбар бир ҳол:
Кўлингга қурол
ол!
Кўрсин десанг жаҳонни кўзим,
Ўссин десанг боғимда узум,
Умид билан ўстирган қизим
Десанг агар бўлмасин увол,
Кўлингга қурол
ол!

Шеър шу тарзда давом этади. Қаранг, бу ерда мураккаб образлар йўқ. Ҳаммаси гўё оддий сўзлар. Бироқ шеърда аниқ ва тиниқ маъно бор. Бу маъно ҳар бир банд-

да музикий ритм билан айтилгани учун шеър суръатли оҳанг яратади. Ана шу оҳанг туфайли «Кўлингга қурол ол!» шеъри катта таъсир кучига эга бўлган.

Демак, гап фикрни ўринлатиб айта билишда! Афсуски, буни эплай олмайдиган шоир ва адиблар учраб туради.

Тўғри, ўтмиш адабиётида ҳам риторик шеърлар, сийқа образлар, бир хил фикрларни такрор-такрор айтиш ҳоллари бўлган, албатта. Бироқ биз учун бугун улар ўрнатма эмас. Бизга китобхон дилидан ўрин олган, юксак санъат намунаси ҳисобланган асарлар эъозлидир.

Шунга боғлиқ яна бир масала бор: баъзи шоирларимиз узундан-узун шеърлар ёзиб, ҳаммага маълум сўз ва ибораларни устма-уст қалаб ташлай берадилар. Бу хилдаги шеърларни ўн мисра қилиб тугатса ҳам бўлади, юз мисра қилиб чўзса ҳам. Айрим адиблар эълон қилаётган асарларни бир том қилиб тугатиш ҳам, икки, уч том қилиш ҳам мумкин. Муайян маъно билан чекланмаган асарларда фикр бениҳоя мавҳум чиқади. Одатда мавҳум фикрларнинг боши ҳам бўлмайди — охири ҳам. Унинг ифода тарзи ҳам ўта жун бўлади. Демак, асарда санъат йўқ. Ҳақиқий шоир, ёки адиб оригинал фикр топгандан кейингина шунга мувофиқ ёрқин сўз — ифода шаклини излайди. Акс ҳолда ҳақиқий асар чиқмаслигига ишонади у. Сирасини айтганда, бадиий ижодда оригинал фикр билан оригинал сўз бир келади. Сўз ва фикрни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилишнинг ўзи эстетик саводсизликдир. Шу сабабли, ўтмиш адабиётнинг дурдона асарларида мезон масаласига — мазмун билан шаклнинг мувофиқлигига, илжи борича ихчам шаклда йирик-йирик фикрларни айтишга алоҳида эътибор берилганини кўрамиз.

Нега бугун адабий алоқалар билан бир қаторда классик адабиётимиз анъаналарига эътиборни тортаялмиз? Шунинг учунки, мана, 60 йилдан бери, марксча-ленинча миллий сиёсат туфайли ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданий мероси тамоман қайта тикланди. Тасаввур қилинг: илгари ҳатто Алишер Навоий асарларини ҳамма ҳам ўқийвермаган (бунга халқ орасида саводсизликнинг кўплиги ва китоб наشري йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлган, албатта). Фақат совет тузуми, бузилмас қардошлик иттифоқигина бу ишларга йўл очиб, имконият яратиб берди. Бошқача қилиб айтганда, халқ бу давр ичида ўзининг маданий меросини қайтадан тиклади, уни ҳақиқий халқ бойлигига айлантирди. Энди биз унинг ҳаётбахш анъаналари хусусида бемалол фикр юритиш имкониятига эгамиз.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор: юқоридаги мулоҳазалардан шоир ва адибларимизнинг ижодий ютуқлари фақат классик адабиёт анъаналарига боғлиқ экан-да, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Яна бир бор айтишга тўғри келадики, ҳозир — дунё халқларининг, хусусан, адабиёт ва маданият соҳасида бир-бирларига жуда яқинлашган даври ҳисобланади. Бу даврда ҳар бир истеъдод эгаси бамисоли асалари каби гулларнинг барчасидан ўзига керакли шарбатни олиб, асал ясайди.

Юқорида рус адабиётининг ўзбек шоир ва адиблари ижодига таъсири хусусида гапирдик. Урни келганда иккиланмасдан айтиш мумкинки, таниқли ўзбек шоирларининг ижодига улуғ лирик Пушкиндан, нотик шоир Маяковскийдан ва оташин Твардовскийдан нималардир бор. Бундан ташқари, талантли шоирларимизнинг шеърларида Низомий ва Руставелидан тортиб, Абдулла Тўқай ва Абайгача, Рабиндранат Тагордан тортиб, Пабло Неруда гулларининг ҳам шарбати бор.

Ўзбек шоирларининг Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Мустай Каримлар билан бўлиб турган доимий мулоқотлари беиз ўтиб кетмаётгани аниқ.

Қозоқ совет адабиётининг классиги Мухтор Аvezов ўзбек совет романнависи Адулла Қодирийдан қай даражада таъсирланган бўлса, ҳозирги истеъдодли ўзбек ёзувчилари Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров қозоқ адабиёти классиги Мухтор Аvezовдан шу даражада таъсирланган эмасмикин?

Туркман ёзувчилари Берди Кербобоев, Хидир Деряевлар Абдулла Қодирийни ўзларининг узтозларидан бири деб атаган эдилар. Ҳозир ўзбек ёш ёзувчилари ичида Берди Кербобоев, Хидир Деряев асарларини ўқиб илҳомланган ижодкорлар йўқ дейсизми? Ҳозирги ёш прозаикларимиз ижодига нега Чингиз Айтматов таъсири бўлмаслиги керак?

Адабий мерос ва адабиётлараро алоқа хусусидаги фикрларимизни шундай яқинлаш мумкин: қарийб етмиш йиллик социалистик адабиётимиз тараққиёти учун миллий замин — ўтмиш адабий анъаналар қай даражада муҳим бўлса, интернационалистик замин — дунё прогрессив адабиёти анъаналари, аиниқса, улуғ рус адабиёти, шунингдек миллий адабиётлар анъаналарининг таъсири шу даражада муҳимдир. Бу икки омил — адабиётни, фақат адабиёт эмас, балки бутун маданиятимизни юксак парвозларга олиб чиқадиغان қўшқанот — В. И. Ленин ғоялари билан, Октябрь социалистик революцияси ғалабаси билан ўсиб-улғайган қўшқанотдир. Бу қўшқанот парвози адабиёт ва санъат тараққиётида янги-янги имкониятларни юзага келтирди. Бошқача қилиб айтганда, бу — халқлар дўстлиги, маданий тараққиётда пайдо бўлган метин бирликдир. Шу маънода миллий адабиётлар вакилларининг ҳам бутуниттифоқ адабий жараёнда тугган ўрни, улар яратган анъаналар ҳақида яна кўламлироқ, яна чуқурроқ фикрлар айтиладиган вақт келди. Бу эса, ўз навбатида катта камолот нишонасидир.

3. Миллий замин ва интернационал руҳ

Совет адабиёти — кўп миллатли адабиёт. Юқорида айтганимиздек, унинг тараққиёт манбалари ҳам шунга мувофиқ — миллий заминга ва ҳаётимизнинг интернацио-

нал руҳига боғлиқ. Шундай қараганда, булар маълум гаплардек туюлади. Бироқ адабиётнинг «миллийлиги» деган муҳим бир тушунча бор.

Адабиётнинг миллийлиги асосан тил масаласи билан боғланади. Бир ҳисобдан бу тўғри. Бироқ маданиятнинг бошқа турлари — тасвирий санъат, музыка ва архитектурага хос миллийликни, табиий равишда, бошқа белгилар асосида аниқлайдилар. Демак, адабиётда ҳам миллийлик мезони фақат тилга боғлиқ бўлмас керак. Негадир биз масаланинг бу томонига кам эътибор берамиз. Аслида, адабиётнинг миллийлигини кўрсатадиган бир қанча белгилар мавжуд. Булардан энг муҳими халқ психологияси, ҳар бир миллатнинг бошқалардан фарқланадиган турмуш тарзи, касб-кори, урф-одати, этнографик ўзига хосликлари ва ҳоказолар.

Онг ва дунёқараш, ҳаёт муаммоларини тушуниш жиҳатидан Мурманск ёки Болтиқбўйи балиқчилари билан ўзбек пахтакори ўртасидаги фарқ оз бўлиши мумкин. Бироқ турмуш тарзи, урф-одатлари, бинобарин, баъзи бир психологик ҳолатлари билан улар бир-бирларига ўхшамаслиги турган гап. Бу урф-одатлар, этнографик белгилар йиғилиб миллий колоритни яратеди. Адабиётда мана шу миллий колоритнинг тасвири миллийликни таъмин қилади.

Миллий колоритни акс эттиришда адабиётнинг ўз принциплари бор: у халқнинг яхши, илғор урф-одатларини қувватлайди, қолоқ томонларини қоралайди. Шу йўл билан адабиёт инсон камолоти йўлида хизмат қилади. Энг муҳими, адабиёт урф-одат, психологик қатламларнинг моҳияти, уларнинг келажаги билан қизиқиши ва китобхонга етказиши керак бўлади. Шундай экан, муаян адабиётдаги миллий колорит ўша халқ ҳаёти хусусида бошқа тилда ёзилган асарларда ҳам акс этмайdimи?

Разм солиб кўрсангиз, ҳозир иттифоқимиздаги адабиётлар тараққиётида, ҳаётни реалистик тасвирлашда миллий белгилар тўсиқ бўлмай қоляпти. Энди миллий белгиларни фақат ўша халқ вакили акс эттириши мумкин, деган тушунча ҳаётнинг тараққиёт тенденцияларига тўғри келмай қолди. Адабий жараёнга назар ташланг. Ўзбек ёзувчиси рус ҳаёти тасвирини яратиши, рус кишиси образини бинойидай акс эттириши мумкин. Бу хусусда адабиётимизда мисоллар кўп.

Узоққа бормасдан энг янги фактга разм солайлик: яқинда машҳур ёзувчимиз Шароф Рашидов «Дил амри» қиссасини эълон қилди. Асарда кекса рус ўқитувчиси Иван Иванович билан темирчи Миша бобо ҳаракатлари тасвирланган. Шундай қараганда, бу ҳар икки бобо ҳам Россиянинг Ўзбекистондан узок турган шимолий ўлкаларидан бирида туришади. Шароф Рашидов улар характериға хос бағри кенглик, олижаноблик, ўз халқи кучи ва қудратига ишонч туйғуларини усталик билан тасвирлайди ва шу йўл билан жозибали, маънодор характерлар яратеди. Бу образлар билан танишар эканмиз, худди шу хислатларга эга бўлган ўз халқимизнинг нуроний кексалари ҳам, биз билан ёнма-ён яшаётган, керак пайтларда бизга яхши суҳбатдош ва маслаҳатчи бўлган рус кексаларининг образлари кўз олдимизга келади.

Ўз навбатида рус ёзувчиси ўзбек ҳаёти, ўзбек кишиси образини яратса ҳеч ким бунга ажабланмайди. Шундай рус ёзувчилари борки, уларнинг асарларида ўзбек ҳаёти объектив ва ишонарли акс эттириляпти. Бу фақат рус ёзувчиларигагина хос хусусият эмас.

Украинанинг атоқли ёзувчиси Иван Ле Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ишларида фаол иштирок этган. Кейинчалик у ўз асарларида, хусусан «Тоғ оралиқлари романи»да ўзбек халқининг янги ҳаёт учун олиб борган курашини ишонарли акс эттирди. Асарда ўзбек халқининг ўша даврдаги турмуш тарзи ва урф-одатларини ҳам яққол кўрамиз.

Украиналик яна бир ёзувчи С. Плачинда 70-йилларнинг охирида «Ўзбек Яқовлев» номли очерк эълон қилди. Бу асарда Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган рус ўртоғининг фамилиясига ўтган (улар жанг олдида шундай қасам ичишган) ўзбек йигитининг жасорати-ю, дўстларга садоқати тасвирланади. Ёзувчи ўзбек Яқовлев характерини намойиш қиладиган миллий белгиларни — уй-рўзгор туттиш, бола тарбиялаш, меҳмон кутиш сингари кўплаб тафсилотларни ҳам четлаб ўтган эмас.

Ҳаёт материалига мувофиқ адабий фактлар ҳам ранг-баранглаша боради. Қуйидаги мисолларга назар ташланг: Ўзбек адабиёти составида шоир ва ёзувчи Николай Гацунаев ижод қилаётир. У бир неча шеърини тўппам ва насрий асарлар эълон қилди. Николай Гацунаев — осетин. Ўзбек тилини мукамал билади. Хоразмда ўсиб улғайгани учун ўша лаҳжада сўзлашни ёқтиради. Лекин рус тилида ижод қилади. Асарларининг материали — Ўзбекистон халқлари ҳаётидан олинган. У ўз асарларида кўплаб ўзбек кишилари образларини яратди.

Бошқа бир ёзувчи — Владимир Тюриковни олинг. У рус ёзувчиси, қатор очерк ва қиссалар муаллифи. Ўзбек, қорақалпоқ ҳаётини яхши билади. Унинг ўзбек маданияти тарихини тадқиқ қилишга қўшган ҳиссаси-чи? Тюриков ўзбек маданиятига доир воқеалар хронологиясини яратди. Бу хилдаги машаққатли ишни амалга ошириш учун ўзбек халқига нисбатан катта муҳаббат бўлиши керак эди унда.

Бу ўринда яна бир фактни айтмасдан ўта олмайман: Ростовада истиқомат қилувчи рус ёзувчиси В. Моложевенко 1982 йилда «Сурхоннинг оловли куёши» номли китоб эълон қилди. Китоб республикамизнинг жанубий ўлкаси — Сурхонга алоҳида муҳаббат билан ёзилган. Уни ўқиб, бошқа бир миллат вакили яқинчи бир халқнинг юртига шу даражада муҳаббат қўйганидан ҳайратга тушасиз. Ўзбек халқи, хусусан, Сурхон аҳолисига хос баъзи бир урф-одатлар — ҳашар, улоқ ва кўпқари, аския, сўри ва су-паларда бутун оила жамуллаб бўлиб кўк чой ичишлар — уларнинг ҳаммасини у қизғин муҳаббат билан тасвирлайди. Сурхондарё ҳаёти ҳақида кўпгина асарлар ёзилган, бироқ уларнинг биронтасидан В. Моложевенко келтирган маълумотларни тола олмайсиз.

Ёзувчи Жавдат Илёсов Бошқирдистонда туғилиб ўсган. У Урта Осиё халқлари ҳаёти хусусида тарихий романлар ёзди ва ўзи тасвирлаган давр ҳақида шу даражада объектив маълумотлар бердики, буни фақат мамнуният билан қайд этиш керак.

Татар ёзувчиси Шомил Алядин қатор қисса ва романларида Чирчиқстрой, Оҳангарон кўмири кони ишчилари ҳаётига доир манзараларни анча кенг эпик планда тасвирлаб берди.

Республикамизда неча ўн йиллардан бери ижод қилиб, қатор роман ва қиссалар яратган ва уларда умумхалқ курашида фаол иштирок этган турли миллат вакиллари-нинг образларини яратган М. Швердин, А. Удалов сингари ёзувчилар фаолиятининг моҳияти ҳам шу билан белгиланади, албатта. Бугунги кунда қатор қисса ва романлар муаллифи бўлган Б. Пармузин, Т. Марьяновский, Ю. Ковалев ва бошқа қатор ёзувчиларнинг ижодларини ҳам шу тарзда англаш керак.

Кейинги пайтларда баъзи миллий адабиёт вакиллари ўз асарларини иккинчи бир тилда, масалан рус тилида ёзаётирлар. Чингиз Айтматов билан Темур Пулатов ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади. Уларнинг асарларида қирғиз ва ўзбек ёки бошқа халқларнинг умуминсоний фазилатлари, ўзига хос урф-одатлар, психологик хислатлари акс этади.

Ёзувчи Комил Икромовнинг миллати ўзбек бўлса ҳам ўзи республикамизда яшамайди. Бироқ у рус тилида ёзган асарларида Ўзбекистон тарихини, ўзбек халқи ҳаётига мос миллий белгиларни ҳам, интернационал хислатларни ҳам акс эттира олади. Раим Фарҳодийни биз бошқа халқ шоири деб айтолмаймиз-ку.

Демак, адабиётнинг миллийлигини фақат тилга боғлаб қўйиш — бу масалани анча тор тушуниш бўлар эди. Тўғри, ҳар бир халқ ёзувчисининг ўз она тилида ижод қилиши катта аҳамиятга эга. Бироқ адабиёт тарихида бошқа тилда ижод этиб, ўз халқига, шу билан умуминсоният маданиятига хизмат қилган ёзувчилар ҳам учраб туради. Ҳозир эса миллатларнинг бир-бирларига яна ҳам яқинлашган пайтида бу ҳодиса типик бир ҳол бўлиб қолди.

Иккинчи бир хулоса шундан иборатки, Иттифоқимиздаги ҳар бир миллий республиканинг адабиёти таркибда бошқа миллий адабиётлар ҳам ривож топаёпти. Масалан, ўзбек адабиётини республикада ижод қилаётган рус, татар, уйғур, қорақалпоқ ижодкорларининг адабий маҳсулотларидан ажралган ҳолда тасаввур қилиш қийин. Ҳар бир ёзувчининг асарида қай даражададир бошқа миллат вакиллари-нинг образлари иштирок этиши табиий бир ҳол бўлиб қолди.

Бошқа миллий адабиётлар ҳам шу тарзда ривожланаёпти. Бундай ижодкорларнинг асарларидаги миллийлик масаласини қандай тушуниш мумкин?

Бу ўринда шуни айтиш керакки, ёзувчиларимиз интернационализм руҳига тўла равишда риоя қилиб, бир миллатнинг иккинчи миллатдан фарқланадиган қирраларини бўрттиришга уринмайдилар, балки миллий ҳис ва туйғуларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром саклаш йўли билан ижод этадилар. Миллий характерлардаги ўзига хосликларни кўрсатишдан чекинмаган ҳолда, асосий эътиборни социализм даврида вужудга келган муштараклик ва интернационализм фазилатларини тасвирлашга қаратадилар. Улар аксарият ҳолларда бир-бирларига тўғри келадиган, демак, ҳамма миллатларга хос умуминсоний белгиларини ўз асарларига асос қилиб олиш йўлидан бораётирлар. Умуман, миллий колоритни сийқаси чиқиб кетган ташқи белгилардан ахтарабе-риш кутилган натижага олиб келмайди. Масала анча мураккаброқ. Ҳамма халқ вакиллари-нинг маданий савияси қарийб баробар ривожланаётган ҳозирги даврда миллий хусусиятларни умумтараққиёт жараёнларига боғлиқ ҳолда, интернационаллашиб бораётган хусусиятлар билан изоҳлаш керак бўлади.

Айрим пайтларда «адабиётларимизнинг миллий белгилари йўқолиб бораёпти, Иттифоқимиздаги адабиётлар бир хиллашиб кетаяпти» қабилидаги нообъектив фикрларни эшитиб қоламиз. Ҳа, ҳақиқатан миллий адабиётлар кўп жиҳатлардан, хусусан, дунёқарашда, кўпгина маънавий масалаларни олға суришда бир-бирларига яқинлашиб қолишди. Бу айбми? Йўқ, албатта! Маънавий бирлик — бу фазилат. Бу яқинликни изоҳлаш ҳам қийин эмас. Ҳаётнинг ўзида халқлар, миллатлар ҳар жиҳатдан, хусусан, маънавиятда бир-бирларига ҳар қачонгидан кўра яқин бўлиб қолишди. Мисол учун оддийгина манзарани кўз олдингизга келтиринг: айтайлик, бундан 20—30 йил олдин иттифоқимизда яшаётган бир хил ёшдаги бир неча миллат вакиллари-нинг бир жойда кўрсангиз, уларнинг қайси миллатга мансублигини бемалол айтиб беравериш мумкин эди. Уларнинг маънавий дунёсига назар солиб кўрсангиз, бир-биридан жиддий фарқ қилишини англаб олар эдингиз. Бугун ана шундай ёшларни бир жойга йиғиб кўринг-чи? Уларнинг миллатини дарҳол ажратиб олиш қийин эканини англайсиз. Маънавиятда-чи? Бу жиҳатдан ҳам ҳозир турли миллат ёшлари бир-бирларидан катта фарқ қилмайдилар. Ҳаётга қарашлари — инсон тақдири, турмуш йўналиши, яшаш принциплари ва бошқа жиҳатлардан ҳам уларнинг тушунчалари жуда яқин туради. Шундай экан, нимага биз адабиётларда миллий белгиларни кўпроқ ташқи кўринишлардан ахтаришимиз, агар шундай белгилар кўзга ташланабермаса, ёзувчини миллий руҳини бера билмасликда айблашимиз керак? Ўзбек деганда чойхона-ю, ола дўппи; қозоқ деганда ўтов билан яйлов; қирғиз деганда оқ қалпоқ билан бешбармонлар пеш қила бериш вақти ўтмадимикин? Бу масалада, аввало, реал ҳаётдаги жараёнларга асосланиб фикр юритганимиз маъқул эмасми?

Табиийки, адабиётларнинг миллий белгиларини бутунлай инкор этиб бўлмайди. Улар бор ва яна бўлади ҳам. Бироқ кўп миллатли адабиётимизнинг тараққиёт фазилатларини ташқи белгилар эмас, балки барча миллий адабиётларга хос умуммуштараклик — умуминсонийлик хислатлари белгилайди. Биз шу ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Шу маънода миллийлик бизда умуминсонийлик ва интернационализмга зид

хислат эмас, балки ўша умуминсоний хислатларни ва интернационализм руҳини ифода қилиш шаклларида биридир. Расул Ҳамзатовнинг «... ҳар бир ижодкорнинг онги ва тушунчаси ҳозир ҳар қандай миллий тушунчалар чегарасидан чиққан бўлади» деган сўзларида катта маъно бор.

Ҳа, ҳозир ижодкор тор доирада қола олмайди, чунки миллий тушунчалар борган сари ўзгариб, интернационаллашиб бораёпти. Бизнесинг давримизда миллий колорит ва интернационаллик бир-бирига зид тушунчалар эмас. Умуминсоний миллий белгиларни танлаб акс эттириш ўз-ўзидан интернационализмга олиб келади.

Миллийлик масаласини тор тушуниш ҳам ярамайди. Адабиётшунос А. Раҳимов миллийлики қандайдир консерватив, ўткинчи бир нарсага айлантириб тасаввур қиладиган, шу йўл билан уни кўпроқ ташқи белгилардан излайдиган танқидчи ва адабиётшуносларга жавобан ёзади:

«Миллийлики эскиликка тенглаштириб қўйиш, интернационалликка эса миллийликнинг улуши ҳисобига воқе бўладиган нарса деб қараш уларни, истасак-истамасак, бир-бирини инкор этадиган қарама-қарши қутбларга айлантиришга олиб келади»¹. А. Раҳимов ўз фикрларини В. И. Лениннинг «Интернационал маданият бемиллий маданият эмас» деган фикрлари билан далиллайди. Шу маънода интернационаллик тушунчасига миллий аънаналарнинг умуминсонийлик нуқтаи назаридан сараланиши, мукамалланиши деб қараш тўғри бўлади. Р. Ҳамзатовнинг «миллий тушунчалар чегарасидан чиқиш» ҳақидаги фикрларини ҳам шу маънода тушуниш керак.

Энг муҳими, Иттифоқимизда миллатлар фақат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалардагина эмас, балки маданий масалаларда ҳам, шу жумладан бадий ижодда ҳам борган сари бир-бирларига яқинлашиб, жипслашиб бораётирлар. Бу жараёнда эса катта-кичик миллатларнинг маданиятларига доир ўзига хосликлар тўсиқ бўлаётгани йўқ, аксинча улар бир-бирларига яқинлашиб, жипслашиб бораётирлар. Бу жараёнда эса катта-кичик миллатларнинг маданиятларига доир ўзига хосликлар тўсиқ бўлаётгани йўқ, аксинча улар бир-бирларига яқинлашиб, умумий тараққиётни тезлаштиряёпти.

Шу сабабдан, миллий адабиётларнинг бир-бирларига яқинлашиши хусусида гап кетар экан, бадий таржиманинг ўрни, роли ва ҳозирги ҳолати ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

4. Таржима муаммолари хусусида икки оғиз сўз

Бугун бадий таржиманинг аҳамиятига ҳеч ким шубҳа билан қарамайди. Аксинча, шу нарса аниқки, таржима туфайли ҳар бир миллий адабиёт катта ижод йўлига чиқади, дунё адабиёти сахнасига кўтарилиб, ўз фазилатларини намойиш қила олади. Бу XX асрнинг энг катта ютуқларидан биридир.

Таржима туфайли ўзбек китобхони психологик ҳолатлар тасвирининг гениал санъаткори Л. Толстой ижоди билан танишди. Революцион ғояларни тарғиб қилган В. Белинский, Н. Чернишевский асарларини она тилида ўқиди. Данте, Гёте, Бальзак эстетик дунёсини ўзлаштирди. Таржима орқали М. Горький, М. Шолохов ўзбек тилида гапирди... Хуллас, таржима туфайли ўзбек китобхони дунё маданияти сахнасида дадил турибди ва, ўз навбатида, ўз маданиятини дунёга танитиш имкониятига эга бўлди. Шу маънода, таржима дунё халқларини бир-бирларига яқинлаштирадиган, бирининг даҳосидан иккинчисини баҳраманд қиладиган улуғ ва бебаҳо кўприқдир.

Қисқа муддат ичида республикамызда жаҳоннинг барча йирик тиллари, хусусан улуғ рус тилидан мураккаб таржималарни амалга ошира оладиган моҳир таржимонлар етишиб чиқди. В. И. Лениннинг 55 томлик асарлари ўзбек тилида нашр қилиниши республикамызда катта таржимонлар мактаби юзага келганидан дарак бериб турибди. Бундан ташқари, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир сингари санъаткор ёзувчиларимиз таржима ишлари билан бевосита шуғулланишди. Улар кўпгина дурдона асарларни таржима қилиб, ўзбек китобхоналарига тақдим қилдилар. Дантенинг «Илоҳий комедия», Гётенинг «Фауст», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» каби асарларининг ўзбек тилида пайдо бўлиши адабиётимиз учун катта ғалаба бўлди.

Қисқаси, бадий таржима адабий жараённинг муҳим ҳалқасига айландики, усиз бугунги адабиётимиз тараққиётини тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди.

Бироқ бугунги ҳаёт тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш керакки, жамият тараққиётини белгилайдиган маълум бир нуқта қай даражада аҳамиятли бўлса, шу нуқтадаги камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар шу даражада кўпроқ кўзга ташланади.

Республикамызда таржиманинг асосий қисми русчадан ўзбекчага, ўзбекчадан русчага бўлаяпти. Хорижий мамлакатлар адабиёти ҳам асосан рус тили орқали амалга оширилади. Революциядан кейин таржимачилик катта мактаб бўлиб шаклланди. Таржима билан шуғулланган ёзувчилардан ташқари бир неча авлодлардан иборат малакали таржимонлар отряди юзага келди. Уларнинг тажрибасини умумлаштиради-

¹ А. Раҳимов. «Миллий адабиётлар равнақи», «Фан», 1981 йил, 23-бет.

ган илмий кадрлар ва илмий адабиётлар пайдо бўлди. Хуллас, бу соҳада ишлар яхши кетаяпти. Аммо ўзбекчадан русчага таржима масаласида иш кўнгилдагидек бўлаётгани йўқ. Бунинг иккита сабаби бор.

Биринчидан, ўзбекчадан русчага таржима қиладиган кадрлар ҳалигача етарли даражада мутахассислашганлари йўқ. Тўғри, етук рус шоир ва ёзувчилари қаламига мансуб таржималар сифат жиҳатидан ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Бироқ баъзан шундай таржималар учраб қоладики, асл нусха тилини, энг муҳими, ундаги ҳаётни етарли даражада тўла тасаввур қилмаслик, бу ишга иккинчи даражали нарса деб қараш оқибатида таржима сифати юқори бўлмайди. Ҳатто республикада қаттиқ танқид қилинган, бадий жиҳатдан хом асарларни баъзи бир таржимонлар «тузатиб» айрим ҳолларда «тўлдириб» рус китобхонага тақдим қилишга шошилишади.

Иккинчи сабаб баъзан асл нусхада заиф, бадий бўш бўлган асарни тезкорлик билан «тузатилиб» таржима қилиниши билан боғлиқ. Тўғри, баъзан актуал ва замонавий мавзуда битилган асарларни тезкорлик билан рус тилида чиқиши, умуман, олқишга сазовор иш. Лекин таржимон ва муаллифлар, аввало, асл нусха савиясини кўтариш чораларини кўриб, кейин таржимага қўл урсалар, адабиёт учун фойдали иш бўлар эди. Негаки, асл нусханинг ўзида пишиб етилмаган асарларни таржима қилиб эълон этиш талант тарбиясига, адабиётнинг, адиб ёки шоирнинг камолотга етишига зарар етказиши мумкин. Фикримизча, таржимон фақат бир тилдан иккинчи тилга шунчаки ағдарувчи эмас, балки асар қимматини белгилловчи ҳакам бўлиши керак.

Шу нарса аниқки, асар эълон қилинганда кейин халқ мулкига айланади. Модомики, у халқ мулки экан, бунинг устига таржима орқали бошқа бир халққа тақдим қилинар экан, унга катта масъулият билан қараш, унинг савияси юқори даражада бўлиши учун жиддий қайғуриш керак.

Таржима учун асар танлашда битта муқаддас ҳақиқатга асосланиш зарур: чинакам бадий асар барча тилларда — асл нусхада ҳам, бошқа тилда ҳам севиб ўқилиши керак. Ахир таржима қилинган асар бирданига бир неча халқнинг бойлигига айланади-ку! Демак, унга масъулиятсизлик билан қараш яхши натижага олиб келмайди.

Тўғри, таржима ҳам мураккаб иш. Баъзан шундай бўладики, асл нусхада муваффақиятли асарлар ҳам таржима қилинаётган тил ва китобхон дидини ҳисобга олиб қандайдир «тузатиш»ларга дучор бўлиши мумкин. Бу — бутунлай бошқа масала. Маълумки, бундай пайтларда моҳир таржимон ўз ишига ижодий ёндашиб асарнинг бошқа тилга хира бўлиб ўтадиган томонларини кўтаради, сайқаллаштиради. Шу сабабдан бу хилдаги «тузатишлар» талант учун — ҳам фойда, ҳам сабоқ. Миллий маданият учун эса катта бойлик.

Биз шу хилдаги таржима тарафдоримиз. Аммо баъзи таржимонларнинг муаллиф ўрнига қиладиган тузатишларига қаршимиз. Асарнинг услубий ифодаси ва структурасига тегишли барча ишларни муаллифнинг ўзи амалга оширгани яхши. Бундай талабларни амалга ошира олмаган адибларнинг асарларини таржима қилиш керакмикин?

Юқорида таржима — адабиётларни боғлаб турадиган кўприк деб атадик. Шундай экан, уни асраш, парвариш қилиш керак. Ундан икки томонга ҳам ҳаракатнинг бетўхтов ва бешикаст юриб туришини таъмин қилиш керак бўлади.

* * *

Юқорида айтилган барча мулоҳазалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, адабиёт ва санъатимизнинг тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Леонид Ильич Брежнев айтганидек, адабиётимизда «янги тўлқин» кўзга ташланиб турибди. Анъаналар, янгиликлар, миллийлик ва интернационаллик масалалари билан қизиқишни ҳам мана шу янги тўлқин натижаси деб қараш керак.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу «янги тўлқин»нинг негизида янгиликка интилишнинг роли катта, бироқ анъаналарнинг аҳамиятини ҳам кам деб бўлмайди. Бугунги кунда интернационализм ғояси билан қуролланган ва айни замонда миллий заминда мустақкам туриб, умуминсоний ғояларни олға сураётган ижодкорларнинг роли тобора ўсиб бормоқда. Булардан биронтасининг ролини назар-писанд қилмаслик — «янги тўлқин»нинг манбалари ва моҳиятини етарли даражада тушунмаслик бўлар эди.

ТЎЁНА ТЎПЛАМ

Навой ва ижод сабоқлари.
«Фан» нашриёти, Тошкент — 1981.

Ҳар қандай улуғ шоир ё ёзувчи ўзи мансуб халқ маданиятини юксак поғонага олиб чиқиши табиий. Шунингдек, у қолдирган мероснинг қай даражада ўрганилиши ҳам миллий маданиятнинг камолини белгилайди. Шу жиҳатдан Навоий ижодини кенг миқёсда ўрганилаётганлиги бугунги кунда катта аҳамият касб этади. Шуни айтиш керакки, Навоий ижоди билан эндиликда Ўзбекистондагина эмас, барча қардош республикаларда, Москва ва Ленинградда ҳам йирик олимлар шуғулланиб, самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар. «Шоир асарлари чет элларда ҳам оригинал ва таржимада нашр этилиб, унинг ҳақида қимматли илмий тадқиқотлар яратилмоқда» (Мазкур китоб, 3-бет).

1981 йилда нашр этилган «Навой ва ижод сабоқлари» тўпламида буюк мутафаккирнинг туғилган куни муносабати билан ҳар йили ўтказилиб келинаётган илмий конференцияларда тингланган бир қатор салмоқли доклад ва илмий ахборотлар жамланган.

Китобнинг дастлабки саҳифаларидан ўрин олган академик Воҳид Зоҳидовнинг «Асрлар оша орамизда» сарлавҳали илмий-публицистик руҳдаги мақоласида шоир ижодининг жаҳоншумул аҳамиятини юзага чиқарадиган омиллар, «Навойни Навоий қилган» буюклик, улуғ қаламкаш меросининг бугунги тақдири ҳақида сўз боради.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Алишер Навоий лирикасининг баъзи масалалари» мақоласи «Орифона ғазаллар» ва «Расмий девонларга кирмаган шеърлар» номи икки қисмдан иборат. Навоийнинг ўзи ғазалларни ошиқона, риндона ва орифона гуруҳларга ажратган эди. Навоийшунос шоирнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва насҳатомуз ғазалларини орифона ғазалларга киритиб ўрганади ва: «Унинг орифона ғазаллари сон жиҳатидан ошиқона ғазалларидан кейинда турса ҳам, аҳамияти томонидан биринчи ўринни эгаллайди»,— деган хулосани илгари суради. Шеърнинг таълим-тарбиявий аҳамияти кўзда тутилаётганлиги учун ҳам бу жуда тўғри хулоса. Масалага бадий маҳорат нуқтаи назаридан қараганда айни нисбат ўзгариши ҳам мумкин. Иккинчи қисмда шоирнинг расмий девонларидан ташқари асарлари ва унинг замондошлари китобларида учровчи турли шеър ҳамда шеър-парчалари текширилиб, уларнинг жан-

рий, тематик ва поэтик хусусиятлари расмий девонлардаги шеърларга қиёсан кузатилади, «умуман олганда бу шеърларда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий йўналиш устунроқ» эканлиги таъкидланади. Мақолада Навоий шеърларининг тарбиявий аҳамияти, мазмуни ва ғоясига, улардаги муаллиф тутган позицияга кўпроқ урғу берилади.

Ёқубжон Исоқовнинг «Навой лирикасидаги композицион-стилистик санъатлар» тадқиқотида биргина бадий восита — раддул-матлаъ санъатининг шоир лирикасида тутган ўрни, унинг қўлланиш йўллари, усуллари, турлари ва булар ўртасидаги ўзаро муносабат чуқур таҳлил этилган. Айни санъатнинг шоир ижодининг қайси даври ва қайси ғазал турида кўпроқ, қай бирида камроқ қўлланилиши арифметик аниқликда кўрсатилган, математик усул эса объектив хулоса чиқаришга хизмат қилган. Классик адабиётдаги бир шеър-санъатни бошқа санъатлар таъсиридан ташқари ҳолда ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун олим уни ташбех, истиора, тамсил, муболага, тазод санъатлари билан алоқадорликда олиб қарайди. Муаллиф мавзунини мукаммал очиб берганини ва теран илмий хулосалар чиқарганини таъкидлаш керак.

Санъаткорнинг хатларини ўрганиш унинг инсоний фазилатларини, шахсини билишга катта ёрдам беради. Шу боисдан йирик адилларнинг хатлари бадий асарлар қаторида жамланиб, эълон қилинади. Алишер Навоий бу ишни ўзи бажарган мактубларини йиғиб «Муншаот» номи махсус асар ҳолига келтирган эди. Суйима Ғаниеванинг «Наср ва бадият» мақоласида ана шу асарнинг бадий хусусиятлари, номаларнинг мазмунига кўра турлари тўғрисида мулоҳаза юритилади. «Муншаот»даги хатларнинг тарихи, қаердан-қаерга ва кимга жўнатилганлиги маълум эмас. Тадқиқотчи уларни аниқлашга уринади. Бир мактубни у 1497 йили Мўмин Мирзо ўлдирилганлиги муносабати билан Бадиуззамонга — Қундуз шахрига юборилган деб кўрсатадики, далиллар, бизнингча, асосли, ишонарли, хулоса тўғри.

Академик Воҳид Абдуллаевнинг «ХV асрда Самарқанд ва Бухорода шеърят», профессор Эргашали Шодиевнинг «Навой ва Хўжанд шоирлари», профессор Ҳомил Ёқубовнинг «Ҳозирги ўзбек поэзиясида Навоий гуманистик традициялари проб-

лемасига доир» мақолалари янги материалларга бойлиги билан ажралиб туради.

А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой каби улуғ рус ёзувчиларининг ҳаёт йўли, қачон, қерда ва ким билан учрашганлиги, феъли, табиати, дидига хос белгилар, иложи борича мукаммал ўрганилган ва ўрганиляпти. Навоий ҳаётини бу тахлит ўрганиш, объектив сабабларга кўра, ниҳоятда қийин. Лекин унинг Самарқанд ва Бухоро шоирлари билан алоқасини ўша давр манбалари орқали ёритса бўлади. Воҳид Абдуллаев мақоласи ана шу масалани кўтариб чиққанлиги жиҳатидан қадрли.

Ботир Валихўжаевнинг мақоласида эса ўзбек классик адабиёти ҳодисаларига умумшарқ сўз санъати нуқтаи назаридан қараш сезилади, чунки Навоий ижодини фақат унинг асарлари доирасидагина ўрганиб баҳолаб бўлмайди. Мақолада ҳамсачиликка ўзига хос бир жанр сифатида қаралиб, Навоийгача бўлган «Хамса» типидеги асарларга экскурс қилинади ва ҳамсанавислик қонуниятлари ҳақида сўз боради.

Баҳром Бафоевнинг «Навоий асарлари лексикасининг баъзи масалалари» тадқиқотида улуғ шоирнинг сўз бойлиги лингвопозитика томондан текширилади. Адиб жами 26 035 та сўз қўллагани, шулардан қанчаси араб, форс ёки туркий тилга мансуб экани, қанчасини Навоий биринчи бўлиб ишлатгани қанчасини унинг ўзи ихтиро қилгани математик ҳисобда аниқ кўрсатилади ва конкрет хулосалар чиқарилади. Бир босма қоғоз ҳажмидаги бу мақола замирида узоқ йиллик меҳнат ётганлиги кўриниб турибди.

Б. Бафоевнинг мақоласи лингвопозитика соҳасида ўрганилиши долзарб бўлган қатор масалалар ўртага ташланганлиги билан ҳам қадрлидир.

Озарбайжонлик навоийшунос Жаннат Нағиева «Навоий «Хамса»сининг Боқудаги қўлёзма нусхалари» мақоласида бир неча текстологик кузатишларини баён этадики, ундан «Хамса»нинг янги нашрларида Навоий асарлари луғатини тузишда, албатта, фойдаланиш зарур.

Китобга навоийшунослик бўйича 1957 йилдан 1981 йилгача ўтказилган барча конференцияларнинг С. Ғаниева томонидан тузилган программаси илова қилинган. Бу жуда хайрли иш. Лекин «Институтдан» ёзилган сўзбошида, негадир 1957—1979 йиллар илмий анжуманларидаги доклад ва ахборотлар илова этилади, деб чалкаш маълумот берилган.

Кўриниб турибдики, «Навоий ва ижод сабоқлари» тўплами филологик, асосан, адабиётшуносликка оид тадқиқотлардан ташкил толган. Конференциялар ишларида ҳам ана шу нисбат устунлик қилади. Бу қонуний ҳам. Бироқ кейинги йилларда Навоий даври ва унинг меросини тарихчилар камроқ ўрганиптилар, ҳолбуки айни соҳа жуда яхши бошланган эди (академик В. В. Бартольднинг ишларини эсланг), ҳали Навоий фалсафасининг қўл урилмаган талай-талай томонлари тургани ҳолда, у фалсафашуносликда ҳам кам тадқиқ этиляпти. Навоий шеърятини, унинг шеърий образларини ўша давр астрономиясиз тўла тушуниш қийин. Шунга қарамай, ҳали Навоий ижодига астрономия илмининг

таъсири, Навоийнинг астрономик қарашлари махсус тадқиқотларнинг мавзуси бўлгани йўқ. Навоий ижоди адабиётшунослик ва тилшуносликнинг айрим соҳалари, шунингдек, санъатшунослик, биология, космология каби фанлар учун ҳануз очилмаган қўриқ бўлиб турибди.

Очиқ айтиш мумкинки, китобдаги тадқиқотларнинг бари ҳам бир хил савияда ёзилмаган. Айрим мақолалар, ёхуд уларнинг баъзи ўринларида баёнчилик устунлик қилиб қолади, илмий умумлашма етишмайди.

Масалан, адабий таъсирларни текширганда ўтмиш шарқ адабиёти ниҳоятда мураккаб нозикликка эгалигини доимо ёдда тутиш керак. Ухшашлик топиш жуда осон, муайян таъсирни белгилаш эса анча қийин, негаки анъанавийлик — шарқ шеърятининг бош хусусиятларидан. Айрим мақолаларда баъзан ўхшашлик айтилади — умумий анъана ҳақида гапириладию ўзига хослик — конкрет таъсир ва новаторлик етарли даражада кўрсатилмайди. Масалан, Васила Мўминованинг «Улкан таъсирнинг қирралари» мақоласида Аваз Ўтар ўғлининг Навоийдан таъсирланганлиги масаласи қўйилар экан, шундай фикрлар баён этилади: «Аваз ғазаллари ҳам кўпроқ 7, 9 ва 11 байтдан ташкил толган»; «Аваз Навоий лирикасида мавжуд бўлган вазнларга ҳам эътибор берганки, унинг ғазаллари каби арузнинг хилма-хил баҳрларида ёзилган»; «Аваз Ўтар лирикасининг ҳам бош темаси ишқ бўлиб, у шу тема фониде бошқа ҳаётий масалаларни ҳам ёритган». Ўтмиш шеърятимизнинг анъанавийлиги замирида ҳар бир шоирнинг ўзига хослиги ётади. Умумий анъанавийлик, яъни қотиб қолган қонун-қоидалар эмас, айнан ўша салаф (бу ерда Аваз Ўтар ўғли)да давом эттирилса таъсирланиш юз беради ва у салафнинг анъанасини давом эттирган бўлади. Лекин кейинги адиб бу анъанага яна янгилик қўшади. Чунки Навоий учун ўзгича бўлган шеърят — анъана, Аваз Ўтар ўғли учун Навоий ижоди ҳам анъана. Юқоридаги иқтибосларда кўрсатилган ўхшашликлар эса ўзбек классик шоирлари ижодининг деярли барчаси учун хос. Масалан, Навоий бирор ерда XIV аср ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмийнинг номини тилга олмайдди, лекин жиддий кузатилса, бу икки қаламкаш лирикасида талай муштаракликлар мавжуд: айтайлик, Ҳофиз Хоразмий ҳам арузнинг хилма-хил баҳрларида ёзилган, унинг бош мавзуси ҳам ишқ-муҳаббат каби. (Қаранг: Ҳофиз Хоразмий шеърятидан. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, Тошкент — 1980). Ҳолбуки, Навоий бу шоир ижодидан тамоман беҳабар бўлган.

Навоий, ва таъсир масаласи «Навоий фалончидан ўрганган», «Фалончи Навоийдан ўрганган» тарзида қўйилмаслиги керак. Навоий, бошқа ҳамма шоирлар каби, салафларидан ўрганганлиги аниқ, ўз навбатида, кейинги шоирлар ҳам ундан илҳом олганлар. Мақсад унинг кимлардан ўрганганлиги кимлар ундан илҳом олганлигини белгилашдангина иборат эмас. Камида қайси жиҳатларини ўрганди, қандай ривожлантирди, тақлид ё татаббуънинг мақсади, характери қанақа эди сингари кўп-лаб саволларга жавоб бериш лозим. Қис-

қаси, оддий маълумот, ахборот йўлидан тадқиқот йўналишига ўтиш керак.

Англашиладики, китобдаги мақолалар Алишер Навоий ижодининг турли қирралари ва шоир ижодиётига алоқадор бир қатор масалаларни ҳал этишга қаратилган. Улар, маълум маънода, навоийшунослик конференцияларининг кейинги йиллардаги даражасидан ҳам далolat беради. Кези келганда муҳим бир фикрни айтиб ўтиш керак. Бу мақолалар конференцияларда тингланган маърузаларнинг айрим-ларигина, холос. Конференциялар материаллари газета ва журналларда, турли тўплам ё монографияларда матбуот юзидан кўряпти, албатта. Бироқ республика-

мизнинг ҳозирги нашр имконияти жуда катта. Демак, ҳар йилги конференция материалларини алоҳида-алоҳида китоб ҳолида эълон қилиш лозим, уларни лоақал тезислар тарзида чиқариш керак. Ана шунда мазкур анъанавий анжуманнинг навоийшуносликдаги обрўи янада ошади. Умуман, «Навоий ва ижод сабоқлари» китобига ўтмиш ўзбек адабиёти ва тилини ўрганишга қўшилган ҳисса деб қараш керак. У Ўзбекистонда навоийшунослик бўйича жиддий ва йирик тадқиқотлар олиб борилаётганлигини намoён этади.

Султонмурод ОЛИМОВ,
илмий ходим.

ПАХТАКОР МЕХНАТИНИ ШАРАФЛАБ

Осипов Валерий. Ўзбекистон ён дафтари, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981.

Совет халқининг бирдамлик ва мушта-раклик туйғулари кучайиб боргани сари уларнинг бир-бирларининг ҳаёти, турмуш тарзи ва тарихий тараққиёт йўлларини ўрганишга бўлган қизиқишлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда ижод аҳлининг муҳим роль ўйнаши табиийдир. Бир миллат адибининг иккинчи бир миллатнинг ўзига хос характери, турмуш тарзи, урф-одатлари, бугунги кундаги ютуқларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, ундан бошқа халқларни ҳам баҳраманд қилиши совет адабиётида кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги кунда бу хилдаги асарларни барча қардош халқларимиз адабиётларида кўплаб учратиш мумкин. Улар, шубҳасиз, совет адабиётининг интернационал пафосини кучайтиришда аҳамиятлидир.

Таниқли рус ёзувчиси Валерий Осиповнинг «Ўзбекистон ён дафтари» туркумига кирган очерклари ҳам шу жиҳатдан қимматлидир.

Ёзувчи республикамизнинг Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Фарғона областларини айланар экан, ўзини ҳар қандамда ғолиблик нафаси ўзуриб турган меҳмондўст халқ вакиллари кутиб олаётганини чуқур ҳис қилади ва уни очеркларини да самимий муҳаббат билан тасвирлайди.

Республикамиз пахтакорлари учун 1979 йил табиий жиҳатдан оғир келди. Бир миллион гектар ерга чигит икки, ҳатто уч мартадан қайта экилди. Пахтанинг етилиши қарийб икки ойга кечикиб кетди. Шундай бўлишига қарамай, пахтакорларимиз меҳнатда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатиб, пахтачилигимиз тарихида биринчи марта давлатга 5 миллион 720 минг тонна пахта етказиб бердилар. Валерий Осиповнинг очеркларидан мана шу рекорд ҳосилнинг етиштирилишида пахтакорларнинг, коммунистларнинг сермашаққат, бекиёс фидойилиги, мисли кўрилмаган жасорати ҳал қилувчи роль ўйнаганлигидан фахрланаётганлиги сезилиб туради. Бундай ҳол, айниқса «Пахта байрами» очеркида, бутун

ҳосилни машиналарда йиғиб олган, Оқ олтин район партия комитетининг биринчи секретари Шамсуддин Тетуев ва Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Хўжам Исроиловлар характерини гавдалантиришда яққол кўзга ташланади. Бу коммунистлар ҳар қандай оғир шароитда ҳам одамларни энг зарур ишга сафарбар қилиш қудратига эга, уларнинг ҳар бири ўзига хос хислати ва иш юритиш услуби билан ажралиб туради.

1979 йилнинг 14 апрелида обком акти-видан қайтаётган Шамсуддин Тетуев йўлда дўл бўронига дуч келади. 32 минут давом этган бу табиий офат район меҳнаткашларининг бутун меҳнатини йўққа чиқаради. Тетуев зудлик билан райондаги бутун одамлар ва техникани чигитни қайтадан, иккинчи марта экишга сафарбар қилади. Район меҳнаткашлари икки ярим ҳафта кечани кундузга улаб чигит экишни тамомлаганларида, 5 майда рўй берган табиий офат — қаттиқ жала ва дўл район пахтакорларининг бу меҳнатини ҳам чип-пакка чиқаради. Букилмас иродали инсон, район коммунистларининг етакчиси Тетуев меҳнаткашларни дадиллик билан учинчи марта чигитни қайта экишга бошлайди.

Валерий Осипов Дўстлик район партия комитетининг биринчи секретари Хўжам Исроиловни алоҳида меҳр билан тасвирлайди. Биз очеркда Хўжам Исроиловни доимо ишнинг энг қайноқ жойида бўлиб, одамлар қалбига чўғ ташлай биладиган, уларни меҳнатга сафарбар эта оладиган принципиал коммунист сифатида кўраимиз. Ёзувчи Хўжам Исроилов ҳаётидаги эътиборга молик деталь ва эпизодлар орқали унинг характерига хос турли қирраларини кўрсата олган.

5 май куни Хўжам Исроилов уйда овқатланиб энди баъзи хўжаликларда суғориш ишларининг боришини текшириб келишга отланаётганида қаттиқ жала бошланиб, кўп ўтмай қор бўронига ва дўлга айланади. У идорасига қайтиб кириб, ўзини дармонсиз сезиб, креслога ташлайди, ҳатто телефонни ҳам узиб қўяди. Қарийб икки соат ичида гўё ҳамма ер остин-устин бўлиб кетади. Районда 85 процент ерга

чигитни қайта экишга тўғри келади. Райком бюроси чигитни қайта экишни энг қисқа вақтда тамомлаш тадбирларини белгилайди. Экишда агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича оператив штаб тузилиб, унинг составига районнинг энг етук мутахассислари, райком бюросининг аъзолари киритилади. Обкомдан телефон қилишиб қандай ёрдам кераклигини сўраганларида, у фақат экиш кампанияси тугагунча марказга чақирмасликларини илтимос қилади.

Баъзи бадиий асарларда райком секретарлари кўпроқ буйруқ беришади, ўргатишади, қийин ҳолатларда тўғри йўл кўрсатишади. Лекин Хўжам Исроилов образи бундай қолипларга симамайди. Ёзувчи унинг характерини очиш учун тўғри йўл танлай олган. Хўжам Исроилов ҳар доимғидай дастлаб машхур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бригадасига боради. Бу тажрибали пахтакорга ўргатиш учун эмас, балки унинг шундай оғир дақиқаларда қандай тадбирларни қўллаётганини кўриш, ўрганиш ва иложи бўлса, уларни район хўжаликларига ёйиш учун боради. Ҳар доим у Тўлан Дадажонов бригадасига келганда қисқа бир малака курсини ўтагандай бўлади. Ундан эса бошқа хўжалик ва бригадаларга боради.

Шу ва шунга ўхшаш ибратли ҳаракатлари билан райком секретари одамлар қалбига йўл топади, уларни жасоратга, энг қийин шароитда ҳам рекорд ҳосил етиштиришга отлантиради.

Муаллиф «Толлимаржон» очеркини Қашқадарё областига қилган сафари таасуротлари асосида ёзган. Ёзувчи бу ерда ҳам ҳозирги кунимизнинг ғолиблари билан учрашади ва улар ҳақида ҳарорат билан сузлайди.

Амударё суви инсон азму қарори билан 140 метр баландликка кўтарилиб, минг-минг гектар ерга ҳаёт бағишламоқда. Бу КПСС XXV съезди қарорларидаги биргина жумланинг ҳаётдаги ифодаси: «Қарши даштида ингичка толали пахта етиштирувчи йирик район ташкил этилсин». Қарши магистраллари ва насос станциялари бошқармасининг бош инженери Рустам Очилов Қарши даштини ўзлаштиришнинг келгуси планлари тўғрисида мароқ билан сўзлар экан, ўзи тўғрисида бирон оғиз ҳам гапирмайди. Лекин Нишон районидagi Усмон Юсупов номли совхоз директори Ҳайитмурод Фармоновнинг ҳикоя қилишича, Рустам Очилов ҳақиқий қаҳрамон. Ҳўзалар энди авж ола бошлаган бир пайтда 3-насос станциясидан ўт чиқиб, сув келиши бутунлай тўхтаб қолади. Тошкентдан келган комиссия акт тузиб, насос станциясини икки ойда ишга тушириш мумкин эканлигини айтади. Худди шу даврда Ҳўзалар ўн кун сувдан қолса, қарийб бир областнинг пахтаси нобуд бўлиши мумкин эди. Шунда Рустам Очилов насос станциясини икки кунда ишга туширса бўлади деган фикрни ўртага ташлайди. Комиссия аъзолари бунга ишонишмай елка қисишади. Бу иш ниҳоятда хавфли эди. Лекин коммунист Рустам Очилов бутун бир область пахтасининг нобуд бўлишига бефарқ қараб тура олмас эди. У ўз ёрдамчилари билан ишга киришиб кетади ва роса ўн саккиз соатдан кейин трубалардан сув кела бошлайди.

Ҳайитмурод Фармонов ҳам ингичка толали пахта етиштирувчиларнинг пирларидан. Лекин у ҳам ўзи ҳақида бирон оғиз гапирмайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг камтаринлиги тўғрисидаги муаллифнинг фикрлари ниҳоятда самимийдир.

Валерий Осиповнинг юқоридаги очеркларига хос хусусиятлардан яна бири шундаки, уларда ҳаётимиздан олинган фактларни қисқаш, уларнинг моҳиятини очиш орқали қатор фикр ва мулоҳазалар билдириладики, бу фикр ва мулоҳазалар биргина бизни эмас, балки барча қардошларимизни ҳам, шубҳасиз, қувонтиришига ишонасан киши. Тоғ ёнбағрига фосфор ва оҳақтошлардан 300 метр баландликда ишланган Ленин барельефи ва унга тикилиб турган қалпоқли тракторчи йигитни кўрар экан, муаллиф «Ленин трактор ёнида, Совет электроплуги олдида» деган суратни эслайди. Унда тракторни Ленин билан биргаликда қарашлари жиддий, куртка кийган бир неча кишилар ҳам ўраб олишган. Лениннинг нигоҳи тракторда эмас, балки узоқ-узоқларга қадалган. Муаллиф мана шу икки кўриниш орасида диалектик боғланиш топади. Баъзан жуда оддий туюлган фактлар ҳам Валерий Осипов талқинида катта ижтимоий мазмун касб этади. Давлатга айрим районлардан кўп пахта етказиб берган, «Фарғона» совхозининг директори, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Собиржон Сиддиқов Тошкентда пахта теришда қандай қилиб рекорд натижага эришиш тўғрисида қойилмақом қилиб лекция ўқийди, шу совхознинг механизаторлари Тошканбой Абдужалилов ва Муҳаммадjon Каримовлар ўзларининг бригада, бўлим ва совхозларида пахтачиликнинг ривожланиши тўғрисида бемалол етук мутахассислардай фикр юритадилар. Самарқанд областидаги тўлиқ механизациялаштирилган, кўрган кишини лол қолдирадиган икки ҳафталик бузоқчалар «сарой»ига швед қироли ҳам, Вилли Бранд ҳам директор бўлишга хоҳиш билдиришган. Булар республикамизнинг бугунги ҳаётдан айрим эпизодларгина, холос. Валерий Осипов республикамизнинг бугунги ютуқларидан чиқарган хулосалари Ўзбекистоннинг шу кундаги манзарасини аниқ чизиб беради: «... ўйлайманки, ўзбек заминида шундай колхозлар борки, раиси ҳам фан кандидати, бош агрономи ҳам кандидат ва бош инженери ҳам кандидатдир — правление эмас, балки илмий кенгаш...»

1980 йилнинг ноябрида Валерий Осипов Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съезидида иштирок этади. Ёзувчи ўнинчи беш йилликнинг охирида республикамиз меҳнаткашлари эришган жуда катта тарихий ғалабаларнинг гувоҳи бўлди. «Олдингисидан икки баравар» очерки ҳам ана шу таасуротлар натижасида юзага келган. Валерий Осипов бошқа ҳамкасблари билан Тошкент районидagi «Ленин йўли» колхозида бўлар экан (у бу колхозда илгари ҳам бўлган), бу колхозда бир йилнинг ўзида чорвачилик, полиз, сабзавот, мева ва пилла маҳсулотлари етиштиришнинг икки баравар, узум маҳсулотларининг ҳатто уч марта ошганини билиб, уларнинг ютуғидан ниҳоятда қувонади. Ёзувчи бундай улкан ютуқларнинг моҳиятини мисли кўрилма-

ган меҳнатда ва меҳнатга муносабатда деб билади.

Валерий Осипов Ўзбекистон меҳнаткашларининг улкан ютуқларини биргина мардонавор меҳнат ва меҳнатга муносабатда эмас, балки одамлар орасидаги муносабатларнинг ўзгаришида ҳам сезади. Бунини у Фарғона совхозида одамларнинг ишлаши ва яшаши учун ниҳоятда яхши шароит яратиб берилганида, «Ленин йўли» колхозида қолхозчиларнинг ҳавас билан меҳнат қилиши учун парникларнинг атрофини ажойиб гулзорга айлантирилишида, Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Усможон Бегматовнинг Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва меҳнат ветеранларини байрам билан табриклаш учун қишлоқ советларининг раислари ва колхоз-

ларнинг бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан ўтказган йиғилишида ҳам кўради.

Валерий Осипов очеркларининг ижобий томонлари тўғрисида истаганча гапириш мумкин. Лекин ёзувчи мазкур очерклариде пахтачиларнинг ҳозирги кундаги муҳим проблемаларини кўтариб чиққанида уларнинг қиммати янада ортган бўларди. Бу очерклар республикамиз пахтакорларининг бугунги ғалабалари, уларнинг яшаш тарзи, қувонч ва изтироблари, ўйлари билан рус ва бошқа қардош халқларни таништиришда ҳам катта роль ўйнайди. Шунингдек, улар совет адабиётининг интернационал пафосини кучайтириш учун ҳам хизмат қилади.

Эркин БОЗОРОВ.

МУНОСАБАТЛАР САМИМИЙЛИГИ

Хуршид Даврон. «Тунги боғлар».

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент — 1981.

Шеър — дунёни, одамларни севиш, қизғаниш (ҳатто аяш) туйғусидан яралади ва кишилар юрагида ана шу туйғунинг барқарор бўлиши, мустақамланиши учун хизмат қилади. Шоирнинг дунёқараши, қалб бойлиги, унинг воқеа ва ҳодисаларга билдирадиган муносабатларининг самимийлиги ва ҳаққонийлигини таъминлайди. Бу муносабатлар замондошларнинг фикр-ўйларига, дардларига ҳамоҳанг жарангласа шеър ҳақиқий санъат асарига айланади. Умрбоқийлик касб этади. Ана шундай асарлар яратиш йўлида изланаётган шоирлардан бири Хуршид Даврон учинчи шеър китоби — «Тунги боғлар»ни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

XX асрнинг сўнгги чораги. Бу давр кишилари қалбида, бошқа барча давр одамлари қайғуларидан фарқли ўларок, айрича бир ҳаяжон бор. У — бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш, Ер юзидан ядро қуроллари изини қириб ташлаш учун олиб борилаётган кураш ҳаяжони. Ҳолбуки, ҳозирда оламда мавжуд ядро қуроли Она сайёрамизни ўттиз марта йўқ қилиб юбориш учун етади. Ҳар бир киши бошига ўн беш тоннадан портлагич тўғри келаркан, олимларнинг ҳисоблашларича... Ёзувчи Чингиз Айтматов «Литературная газета»нинг ўтган йилги сониде (13 январь, 1982, № 2) Виталий Кобиш билан қилган суҳбатида, шу хусусда сўз юритиб, бугунги авлоднинг отувга ҳукм этилган маҳбусларга ўхшатган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Бутун дунё афкор оммаси коммунистик жамият қуриш йўлида кураш олиб бораётган бир даврда, юқоридаги каби масаланинг пайдо бўлиши, шубҳасиз, инсон психологиясини ўз-ўзидан мураккаблаштиради. Маънавий масалаларни ҳал қилиш биринчи планга чиқади.

«Тунги боғлар»ни варақлар эканмиз, муаллифнинг замон ҳодисаларини қалб призмасидан ўтказиб, шоирликнинг бугунги кундаги масъулиятини чуқур ҳис қилиб

қалам тебратаётганлигининг гувоҳи бўлдик: аввало, Хуршид сўзларининг кимга қаратилганлигини яхши билади. Уларни гўё кўз билан кўриб туради, ҳурмат қилади, эъозлайди — «сизларим» деб мурожаат этади уларга. Шоирга, бу ўринда, китобига бағишлов бўлиб, Ҳўбу битик тошидаги ёзувлар кўмакка келади:

Сизларимга... элим,
Сизларимга... ерим, сувим,
Сизларимга... қариндошларим,
Сизларимга... ўғлоним,
Сизларимга... рангим ва қорам...

Хуршид ўз ўқувчиларини нафақат кўриб ва ҳис қилиб туради, балки уларни жондидан севади ҳам, севганда ҳам «ялпизлар атри, қушчаларнинг сархуш сайроғи, тип-тиниқ кайфият, бокира муҳаббат билан... Афросиёбда кўқарган майсанинг ҳайрати билан» севади («Мен сизни...»). Шоирнинг шеърхонга бундай муносабати лирик қаҳрамон ва шеърхон орасидаги мустақам боғлиқликни вужудга келтиради. Энди, шоир юрагини безовта қилаётган умумга тааллуқли дардларини шеърга солишга, ҳар қандай оҳангга куйлашга маънавий ҳаққи бор. Энди унинг шеърлари атрофида, агар таъбир жоиз бўлса, кўринмас магнит майдони ҳосил бўлади.

Ҳали унутганимча йўқ

даракларнинг тилини,

Қушлар билан луғатсиз сўзлаша оламан —
ҳали унутганимча йўқ.

Ҳалиям ишонаман ва қайғураман...

дейди шоир «Болалик ҳақида шеър»ида. Болаликдаги поклик ва уни сақлаб қолиш, бир умр унга гард теккизмаслик, унинг кўмагида эзгу ишларга қўл уриш, жасоратларга отланиш... «Тунги боғлар»дан жой олган шеърлардан бу фикр гўё қизил ип бўлиб ўтади ва унинг асосий лейтмотивини ташкил этади: бу поклик «атроф ёлгон билан тўлганда, титроқ нолани ичга ютиб, катталар гунга бўлиб қолганда, чин сўз айтган болани қутлаш» учун асқа-

тади («Керак бўлса...»); кузнинг адоғи-ю, қиш-қаҳратоннинг бошида «шоҳлар аро, ноилож аёл каби, яланғоч гўзаллигини кўз-кўзлаётган сўнги олма» билан «ёлғиз аёл»нинг ажиб ўхшашлигини кўрсатади; дунёда ёлғизлик бўлмаслиги учун курашга чорлайди кишини («Сўнги олма ҳақида кўшиқ»); «ҳар кун бешта дунёни кечиб, тонготарда ҳиллол билан баробар, хаёлан Ҳиротга кириб боришга чорлайди, Навоий қабрини бир кўриб ўлмоқ нияти билан яшаттиради («Алишер Навоий»).

Тўпладан жой олган «Самарқанд ҳақида кўшиқ», «Бибиҳоним», «Самарқандда тонг отишини кутиб» каби қадимий ва навқирон Самарқанд ҳақида ўзига хос мушоҳадаларга бой, фожеавий ҳамда ёруғ қисмат эгалари бўлмиш боболаримиз Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Намоз ҳаётидан ҳикоя қилувчи шеърлар, ҳалқона оҳангларда битикланган «Қадимги кўшиқ», «Дарё йўқдир сочингдан бошқа...» каби лирик асарлар юқорида биз сўз юритган мотивни тўлдиришга, кучайтиришга хизмат қилади, шоир овозини белгилайди.

«Тунги боғлар»га киритилган шеърларнинг бадий жиҳати ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, уларнинг умумийликдан, риторика ва китобий гаплардан холи эканлигини таъкидлашни истардик. Умуман олганда, Хуршид тенги шоирларнинг кўпчилиги юқоридаги қусурлардан холи бўлиб, адабиётшунослар таъбири билан айтганда, шеър майдонига «тайёр шоир сифатида кириб келдилар».

Китобнинг камчиликлари ҳақида сўз кетганда, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (19 февраль, 1982) эълон қил-

ган ушбу тўплам ҳақидаги тақризнинг баъзи ўринларига кўшилиш мумкин: қитобга кирган шеърларда «суқунат», «туш» образлари қайта-қайта ишлатилаверганидан шаблонлашиб қолганлиги тўғрисидаги гап жўяли. Қўшимча қилиб, шуни ҳам таъкидлашни истардик: умуман, Хуршид билан бирга шеърятга кириб келган шоирларнинг кўпчилиги ижодида, шунингдек, ушбу тақриз муаллифи асарларида ҳам сўзни санъаткорона ишлатиш маҳорати етишмаётибди. Шоирнинг «Тунги боғлар»дан жой олган шеърларида ҳам шундай ҳоллар кўзга чалинади:

Кетарлар қушчалар парвоз билан маст...

«Сўнги куз» шеъридан «юлиб олинган» бу сатрдаги «парвоз билан» она тилимиздаги «парвоз айлаб», «парвоз этиб», «парвоз қилиб» ёки «учиб» маъносида, русча оборотда (с полётом) нотўғри ишлатилган.

Хуршиднинг шеърларида, бизнингча, яна бир камчилик бор. Бу ҳам ўша — муносабатлар самимийлиги масаласига бориб тақалади. Унинг баъзи асарларида луғатимизда мавжуд сўз ва иборалар ўрнига ясама гапларни ишлатишга мойиллик кўзга ташланади. Натижада, «севикли», «висол» тушунчалари ўрнига «Мен севган аёл», «Аёлни қучоқлаб ётганда» каби насрий ва совуқ сатрлар битикланади.

«Сўз — қушдир, авайла қушни», дейди Хуршид бир шеърида. Яхши шеърларининг бир мухлиси сифатида, ўзи айтганидек, «сатрлари шеър-қуш учун осмон бўлиши»ни ҳамisha истаимиз. «Тунги боғлар»дан жой олган яхши шеърларининг сони кўпаяверишига тилакдошимиз.

Шукур ҚУРБОНОВ.

Алексей Толстой стол устида даста-даста оппоқ, топ-тоза варақларни тартиб билан тахланган ҳолда тахт туришини ёқтирган, бу унинг ёзишга «иштаҳа»сини қўзғатган... Лекин... ўзининг тан олишича: «Мен бир варақ қоғоз ётган стол ёнига яқинлашганимда, ўзимни гўё ҳеч қачон, ҳеч нима ёзмагандек ҳис қиламан, мени даҳшат қоплаб олади — гўё мен биринчи марта ёзаётгандекман. Мен бир нечта китоб чиқарганман, унча-мунча ёзишни биламан... аммо ҳар ҳолда оқ қоғоздан чўчийман. Қандай ёзаман, ахир, ёзишни билмайман-ку, деб ўйлайман».

[Юрий Олеша хотирасидан]



Анъанавийлик ва унга ёндашиш

Теле-суҳбат

ТАНҚИДЧИ. Ҳурматли Камол Собирович! Камтаринлик билан айтганда, кўп йиллардан буён шу даргоҳда ўралашиб юрган адабий танқидчи сифатида анчадан бери Сиз билан ижодингиз, шеърят масалалари, ҳаётга қарашингиз тўғрисида бир мириқиб суҳбатлашишни орзу қилиб юрдим. Мана бугун...

ШОИР. Ниятингизга етдингиз. Шундайми? Ичингиздагини топдим-а? Лекин қандоқ бўларкин, камина камтарин одам, ўз ижодим, шеърый асарларим хусусида гаплашиш... мақтанишдай туюлармикан?

ТАНҚИДЧИ. Асло озор чекмасинлар. Суҳбатни камтарлигимизга мутлақо зарар етказмаган ҳолда олиб борамиз. Бунинг устига: «Бор мақтанса топилур» деганларидек, деворий газеталарда; кўлёзма, альбом, журналларда эълон қилинган қатор-қатор шеърларингиз, қасида ва мадҳияларингиз ҳар қанча суҳбатга материал беради. Энди руҳсатингиз билан суҳбатимизни шундай савол билан бошласак: ижодингиз қачон бошланган? Биринчи шеърингизни эслай оласизми?

ШОИР (узоқ ўйлангач). Мушкул савол бердингиз. Ижодим жуда ёшлигимдан бошланган. Эсимда, беш ёшмидим, олтимиди, ишқилиб, отам раҳтматликнинг тиззаларида ўтириб олиб, у киши ўргатган «обло хув, ариқда сув, бетингни юв» деган мисраларни такрорлайверардим. Бу ажойиб жарангдор сўзлар (яъни қофиялар) мени шеърятга бошлаб кирган бўлса ажабмас. Биринчи шеърим эса, янглишмасам, 7-синфда ўқиб юрганимда ёзилган бўлса керак. Айтиб берайми?

Ариқларда сув оқар,
Булултар парқув боқар.
Кўнглимга кўп хуш ёқар,
Баҳорнинг шу келиши.

ТАНҚИДЧИ. Офарин! Ёшлигингизда муҳтарам отангиздан эшитган образлар ижодингизга кириб келибди. Мен «Ариқларда сув»ни назарда тутяпман. Ҳозирча дастлабки шеърларингиздаёқ куртак ёзган бошқа ажойиб фазилатларни бир четга қўяйлик-да, яна бир масалага тўхтайлик. Яъни традиция...

ШОИР. О, традиция! Бунинг анъанавийлик дейиш керак. Бу масалада ўзимнинг шахсий фикрларим бор. Анъана — бу ўрганиш. Ахир ижодкор одам ўрганмай ёза оладими? Хўш, мен нимани ўргандим? Яна илк

шеъримга қайтсак, унда эътибор берган бўлсангиз, «обло хув» сатри келтирилмаган. Нега? Негаки, бу диний сўз, ҳозирги кунимизга ҳеч алоқаси йўқ. Ариқдаги сув эса бошқа гап. Ҳозир ҳам ариқларда сув бор. Биласизми, менга айниқса, баҳор пайтида киш бўйи қуриб ётган ариқдан жимиллаб оқаётган сувнинг қўшиғи жуда ёқади. Мана шу туйғулар шеъримда ўз ифодасини топган.

ТАНҚИДЧИ. Анъанавийлик тўғрисида гап кетганда ижодингизга эътиборимни тортган яна бир образ ҳақида тўхталмоқчийдим. Сизнинг қассоблик касбига бағишланган «Суюксиз тил» деган туркумингиз бор. Унда қассоб образи берилган. Маълумки, адабиётимизда илгари ҳам қассоб образи яратилган. У доимо салбий қахрамон сифатида талқин этилган. Аммо сизнинг туркум шеърларингиздаги Дўсмаат қассоб ижобий образ сифатида тасвирланган. Сабаби нимада?

ШОИР. Материалга оригинал ёндашишда! Мендан олдинги ижодкорлар қассобларни ҳар доим семиз, мўйловдор, юзларидан қон томиб турган баджаҳл киши сифатида тасвирлашган. Менинг Дўсмаат қассобим эса уларнинг мутлақо акси, яъни ўта озғин, мўйловсиз, ҳатто кўса, хушмуомала одам. Нега шундай тасвирладим? Чунки замон шуни тақозо қилади. Маълумингизки, ҳозир одамларга яхши гапириш керак, уларни ширин тил билан алдаш лозим. Менинг қассобимга ҳеч ким шубҳаланмайди, унинг алдашига ишонмайди. Сабаби у ўзини жуда ҳокисор қилиб кўрсатади. Ваҳоланки, аслида ўта айёр, доғули, ичидан пишган одам, харидордан уриб қолмаса, кечаси уйқуси келмайди. Агар мен унинг шу томонларини очсам, анъанадан ташқарига чиқолмаган бўлардим.

ТАНҚИДЧИ. Ҳақиқатан ҳам сиз анъанага анча оригинал ёндашар экансиз. Мен сизнинг ўзингиз тартиб берган кўлёзма тўпламингиз билан ҳам танишиб чиқдим. Уни «Шошма, шоир» деб номлабсиз. Сабабини билсак бўладими?

ШОИР. Жуда бўлади-да! Халқимизда «Шошган қиз турмушдан ёлчимабди», «Қимирлаган қир ошар» деган мақоллар бор. Шошиб қаёққа ҳам борардик. Мана, эллик ёшни қоралаяпмиз ҳамки, «ёш шоир»миз. Аслида мен сизга айтсам, ёшликка нима етсин. Ҳануз газета-журналларда берилган обзорларда ёш шоирлар қаторида ками-

нанинг номлари ҳам тилга олинади. Мен бундан фахрланаман.

ТАНҚИДЧИ. Бу менимча, сизнинг шеърятга ўта фидойилигингиздан далолат беради. Рухсатингиз билан яна бир савол берсам. Шеърларингизда бир-бирига ўхшаш сатрлар, ҳатто шеърлар, образлар жуда кўп учрайди. Бундан ташқари, айрим шеърларингиздан бутун-бутун бандлар олиб ташланса ҳам маънога путур етмайди, баъзи сўзларни бошқаси билан алмаштириб кўйса ҳам ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди. Бунинг боиси нимада?

ШОИР. Нимада бўларди? Ўзига хосликда! Бунинг яна бир сири бор. У ҳам бўлса, ўқувчини қийнамаслик, толиқтирмаслик. Ҳозирги шеърхоннинг савияси томдан ҳам баланд, у жуда кўп нарсани тез ўқишни хоҳлайди. Шеърларимда кўп нарсани бемалол ташлаб ўқийвериши унинг онгига таъсир қилмайди, тушунчаси ўзгармайди, ўзини енгил сезади. Мен ўқувчи миясига ортиқча нагрузка юклармаслик тарафдориман.

ТАНҚИДЧИ. Демак, буни халқчиллик

деймизми, оммавийликми ёки енгил йўл излашми, ишқилиб...


ШОИР. Қандай аташ сиз, танқидчиларнинг ишингиз. Биз эса, ёзиб ташлайверамиз.

ТАНҚИДЧИ. Энди охириги, анъанавий савол. Ижодий режаларингиз?


ШОИР. Ижодий ниятларим жуда улуғвор. Матбуотга тинмасдан шеърларимдан юбориб туравераман. Инсонга ҳавонинг зарурлиги тўғрисида «Эй одам, нафас ол» номли достонимни ёзиб тамомладим. Энди шу асарнинг мантиқий давоми ҳисобланган «Очқасанг нон е!» қасидамни бошладим. Қачон битади, ёлғиз ўзимга аён. Чунки, жуда секин ва пухта ишлайман.

ТАНҚИДЧИ. Кўп минг сонли телетомошабинлар номидан сизга янги ижодий парвозлар, ўқувчиларга эса шеърларингизни ўқишда тоғдек сабр-тоқат тилайман. Шу билан бу галги суҳбатимизни тамомласак ҳам бўлар...

Суҳбатни экрандан оққа кўчирувчи:
Йўлдош СОЛИЖОНОВ.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.



А. Холиқов чизган суратлар.

Мадааний ҳаёт

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи бошланғич партия ташкилотининг мажлиси ўтказилди (2 ноябрь 1982 й.). Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленияси секретари Борис Пармузин бошқарган бу мажлисда КПСС МКнинг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» чиқарган қарори ва шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи партия ташкилоти, адибларимиз олдида турган ижодий вазифалар, тадбирлар муҳокама қилинди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла шу масала юзасидан доклад қилди. Музокарада «Шарқ юлдузи» журнали бош редактори Ҳафиз Абдусаматов, «Гулистон» журнали бош редактори Мирмуҳсин, «Йўлдиш» журнали бош редактори ўринбосари Зокир Куртнезирова, «Совет Ўзбекистони санъати» журнали бош редактори Нурали Қобул, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош редактори ўринбосари Иброҳим Ғафуров, филология фанлари докторлари — Умарали Норматов, Масъуд Расулий, Лазиз Қажомов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Маъна сўнгидан қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Маданият бўлими ходими Пирмат Шермухамедов қатнашди.

* * *

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида ўзбек адабиётининг Литвадаги тарғиботчиларидан бири, таржимон Галина Кобецакяйте билан ўзбек адибларининг учрашуви бўлди. Г. Кобецакяйте Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Ақсад Муҳтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Улмас Умарбеков каби ёзувчиларимиз асарларини бевосита ўзбек тилидан литва тилига таржима қилган. Учрашувда Г. Кобецакяйте ва бир қатор ўзбек ёзувчилари сўзга чиқиб, таржима қилинаётган ва таржима қилиниши керак бўлган асарлар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

Будапештда бадий асарларни таржима қилиш ва нашр этиш бўйича совет-венгер комиссияларининг XIV қўшма сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида СССР Ёзувчилар союзи секретари С. Сартаков раҳбарлигидаги совет делегацияси ва Венгрия Ёзувчилар союзининг бош секретари М. Йованович раҳбарлигидаги венгер адиблари делегацияси қатнашди. Анжуман иштирокчилари Совет Иттифоқи ва Венгрияда 1983—1984 йилларда ҳамкорликда қилинадиган ижодий ишлар, нашрлар хусусида келишиб олдилар.

* * *

Атоқли белорус шоири Якуб Колас таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Москвадаги «Художественная литература» нашриёти унинг тўрт жилдли «Танланган асарлар»ини нашр этишга киришди. Минскдаги «Мастацкая литература» нашриёти ҳам шоирнинг рус тилидаги «Сайланма»сини босиб чиқарди. Белоруссия телевидениеси эса Я. Коласнинг «Янги ер» поэмаси асосида икки қисмли телефильм яратди.

* * *

Новодевичье қабристонига атоқли совет ёзувчиси, кино санъаткори Василий Шукшин қабрига ёдгорлик қўйилди. Уни ҳайкалтарош Е. Елегина ва расом Б. Жутовский яратган. Ёдгорлик ўрнатилиши маросимида С. Михалков, С. Залигин каби атоқли ёзувчилар, А. Баталов ва М. Ульянов каби СССР халқ артистлари, Москва киностудиясининг директори Н. Сизов ўртоқлар В. Шукшин ҳаёти ва ижоди хусусида сўзладилар.

* * *

Колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес асарларини бугунги кунда бутун жаҳон китобхони севиб ўқимокда. Унинг ҳикоялари, қиссалари, «Оз йил танҳоликда», «Патриархнинг ҳаёт шоми» романлари дунёдаги барча тилларга таржима қилинган. Рус ва Иттифоқимиздаги кўп тилларда ёзувчининг деярли барча асарлари нашр этилди. Г. Г. Маркес ижоди 1982 йили халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланди. Жаҳон адабий жамоатчилиги адибнинг китобларини «Бугунга ва келажакка хизмат қиладиган асарлар», деб маъқуллашмоқда.

* * *

ВЛКСМ МК Бюросининг адабиёт, санъат, журналистика ва архитектура соҳасидаги асарларига 1982 йилги Ленин комсомоли мукофотини бериш қарорига биноан ёзувчи ва шоирлардан куйидаги ўртоқлар Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирландилар: И. Ляпин («Ғуборли дала» китоби ва «Қисмат йўллари» поэмаси), А. Проханов («Қобул марказидаги дарахт» романи), С. Тўқумбоева («Менинг Осием» ва «Бешинчи фасл» китоблари), М. Шаханов («Давр манзаралари» китоби), Элчин («Анжир дарахти» китоби), М. Озоров («Гринвичдан Экваторгача» китоби ва халқаро мавзудаги мақолалари), Н. Дурова («Ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари учун»).

* * *

25 ноябрда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг навбатдаги секретариат мажлиси бўлди. Йиғилиш республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимовнинг кириш нутқи билан очилди. Нотиқ КПСС МКнинг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» чиқарган қарори ва бу қарор юзасидан республика адабий-бадий журналлари олдидан турган вазифалар борасида муфассал сўзлади. Сўнг «Шарқ юлдузи» журнали бош редактори Ҳафиз Абдусаматов, «Звезда Востока» журнали бош редактори ўринбосари Альфред Бендер, «Йилдиз» журнали бош

редактори Шомиль Алядин, «Ёшлик» журнали бош редактори ўринбосари Муроджон Мансуров, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош редактори Одил Ёқубов ўртоқлар КПСС МКнинг ушбу қарори асосида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида гапирдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, профессор Лазиз Қаюмов, ёзувчи Михаил Гребенюк ўртоқлар қурилган масала борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Секретариат мажлиси охирида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси МК Маданият бўлимининг сектор мудирини Барот Бойқобилов қатнашди.

АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР ФЕВРАЛЬ ОИДА

Звезда Востока

Журналнинг мазкур сони Ўзбекистон халқ шоири Жўлмирза Оймирзаевнинг «Солдат онаси» номли шеъри билан очилади.

Журналда Совет Армияси кунини ҳамда Сталинград жангининг 40 йиллигига бағишланган туркум материаллар берилган.

Наср бўлимида ёзувчи Учқун Назаровнинг «Фидо» повести, Г. Богманнинг «Эрта тонг», Ғ. Расуловнинг «Эски трактор», В. Терехов ва Л. Лисенколарнинг ҳикоялари, М. Шоломаевнинг «Шошиличч буюртма» повестининг давоми ўрин олган. Шеърят бўлимида эса, В. Качаев, И. Ризо, Д. Угай, О. Карасев, А. Эшонов, Ю. Шомансурларнинг шеърлари эълон қилинган.

Л. Климовичнинг «Танқид ва адабиётшунослик» бўлимида «Тарих ва ёзувчи маҳорати» мақоласининг бошланиш қисмини ўқийсиз. «Саргузашт, фантастика» бўлимида Ж. Сименоннинг «Мерэни ўғирлаган киши» фантастик қиссаси ўрин олган.

Шунингдек, «Санъат», «Китоблар оламида» рубрикалари остида ҳам қизиқарли материаллар эълон қилинган.

Ёшлик

Журналнинг бу сонида Совет Армияси кунига бағишланган ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги материаллар кенг ёритилган.

М. Бобоевнинг «Мина портлади» номли пьесаси, А. Эшонов, Ғ. Жўраева, М. Кенжабоевларнинг туркум шеърлари ҳам мазкур сонда эълон қилинган. Ёш ёзувчи Н. Норқобиловнинг «Зангори йўл», «Рўмолча» ҳикояларини ҳамда ана шу ҳикоялар ҳақида танқидчи У. Норматов, ёзувчи Н. Аминовларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам шу сонда ўқийсиз. «Бу йўлда хато қилма» номли муҳаббат мавзусидаги баҳсининг якуни, шунингдек, «Спорт», «Ёшликнинг ақл тиши» рубрикалари остида ҳам қизиқарли материаллар ўрин олган.

Йилдиз

Журналнинг бу сони Ўзбекистон Компартияси Баҳористон райони биринчи секретари С. Аметов ҳамда журнал муҳбирининг суҳбати билан очилади.

Наср бўлимида С. Муратнинг Польша халқининг қаҳрамони Умер Адаманов ҳаётининг ҳикоя қилувчи «Бургутлар уяси» номли повести берилган.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан Э. Ариповнинг «Жангда ва меҳнатда» мақоласи, кекса журналист А. Исломовнинг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Эреджипова ҳақидаги материали ҳам шу сонда эълон қилинган.

Шеърят муҳлислари Ш. Алиев, Ғ. Булғонокли, З. Аббосова, Ю. Рашидов, А. Сеногуларнинг янги шеърларини ўқийдилар.

Танқид ва адабиётшунослик бўлимида З. Жалтубели, Ш. Алядин, М. Қўшжонов, И. Керимовларнинг мақолалари жой олган.

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАББОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИРМУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИИ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 2

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1983

Рассом **О. Арутюнов** Тех. редактор **М. Аҳмедов.** Корректор **А. Билолов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 1.12.82 й. Босишга рухсат этилди 12.01.83 й. Қоғоз формати 70×108^{1/16}.
Қабарик босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Р—02725. Нашриёт ҳисоб
листи 20,2. Тиражи 176500. Заказ № 4727.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи», 1983.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ —330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.